


*Буюк адибларимиз
Абдулхамид Чўлпон, Гафур Гулом
ва Мақсуд Шайхзоданинг
порлоқ хотирасига бағишланади.*



Academy of sciences of Uzbekistan
Institute of literature and language named after Alisher Navoi

WILLIAM SHAKESPEARE

Selected Works

In three volumes

Volume one

King Lear
Hamlet, prince of Denmark
Macbeth
Timon of Athens

*Translated from English
by Jamal Kamal,
national poet of Uzbekistan*

Tashkent
Publishing house "Fan"
Academy of sciences of Uzbekistan
2007

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

Сайланма

Уч жилдик

Биринчи жилд

Қирол Лир
Ҳамлет (Дания шаҳзодаси)
Макбет
Афиналик Тимон

*Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири
Жамол Камол таржимаси*

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
"Фан" нашриёти
2007

Ушбу таржималар Вильям Шекспир Куллиётининг профессор В.Ж.Крейг томонидан тайёрланиб, 1983 йилда чоп этилган Оксфорд университети нашри асосига амалга оширилди (Shakespeare, Complete Works, edited by W.J.Craig, Oxford University press, 1983).

Масъул муҳаррир:
Бахтиёр Назаров,
филология фанлари доктори, академик

Муҳаррир:
Жаббор Эшонқул

Нашрга тайёрловчи:
Нодир Рамазонов

Вильям Шекспир ижоди-жаҳон драматургиясининг гултожидир. Фарб адибларидан бирортаси халқимиз қалбига Шекспирчалик киролмаган. Унинг руҳонияти, маънавий дунёси бизнинг зехниятимиз, миллий шууримизга шу қадар яқин ва ундош.

Уч жилддан иборат ушбу "Сайланма"да Шекспирнинг бевосита аслиятдан таржима қилинган энг етук ўн икки асари илк бора яхлит ҳолда эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Биринчи жилдга буюк адибнинг маълум ва машҳур "Қирол Лир", "Ҳамлет", "Макбет" ва "Афиналик Тимон" асарлари киритилди.

ISBN 978-9943-09-441-3

© Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси,
«Фан» нашриёти,
2007 йил.

Шекспир машъали

*Драматургия санъатида ҳанузгача
Шекспир билан ҳеч ким тенглаша
олгани йўқ. Унинг номи ёнига фақат
унинг ўз номинигина ёзиш мумкин...*

В.Г.Белинский

I

Инсоният тарихи - алоҳида шахс ёки маълум бир миллат хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашмайдиган бир тарих. Ўткинчи нарсалар, тасодифий ҳодисаларни четта суриб-супуриб ташлаш - бу тарихнинг адолати эрур. Инсонийлик шон-шарафига дахлдор ҳар бир мақсад ва ҳақиқат унда сараланиб боради. Абадият талаби, боқийлик мезонларига мувофиқ келмайдиган ҳеч бир интилиш, ҳеч қандай зафар бу тарихдан ўрин тополмайди. Тарихий қисматнинг дахлсизлиги, ибратли бир томони ҳам мана шунда. Буни англаш ва баҳолашда тарих билан адабиёт орасида жиддий фарқланиш йўқ. Лекин тарихга қараганда адабиётнинг имконият ва имтиёзи кенгроқ.

Чинакам адабиёт борлиқ ва йўқлик ўртасидаги бир мавжудлик. Адабиёт фанони -бақода, бақони - фанода кўрсата олса, ёмонликдан бутунлай йироқ, эзгулик, тубанликдан айри юксаклик бўлмаслигига инонтира билса, у - кўнгил меҳнати, сўз санъатидир. Чунки яхшилиқни қадрлаш учун - ёмонлик, ёмонликка қарши курашиш учун яхшилиқнинг мавжудлиги шартдир. Акс ҳолда ҳаракат сусайиб, завқ барҳам топади. Завқ эса фарқланишдан туғилади. Фарқ йўқолса, унда йўқлик олами бошланади. Шунинг учун буюк ижодкорлар дунёнинг оқу қораси ва беомон зиддиятларига нисбатан бошқача қарашади.

Санъат маслаги, энг аввало, илоҳий, ана ундан сўнг ҳаётий, инсоний, миллий ва замонавий маслак эрур. Даҳо ижодкорларни шу маънода пайғамбарларнинг содиқ издошлари, яъни нубувват йўлининг толмас давомчилари

деса, янглиш бўлмайди. Виждон карвонига шулар сарбонлик қилишган. Башарият ҳаётидаги энг буюк галаба - руҳ ва тафаккур галабаси эканига одамларни шулар инонтириб келишган.

Вильям Шекспир ҳам "черик чекмай" дунёни забт этган адабиёт қироли эди. Жаҳонда қанча халқ ва элат яшаса, Шекспир айтарли ҳаммасининг меҳр-муҳаббатини қозонган. Дунёдаги бирор-бир миллий тил бўлмаса керакки, Шекспир қаҳрамонлари унда гаширмаган бўлса. Қирол Лир ё Ҳамлет, Отелло ёки Клеопатрасиз қайси юрт театр сахналарини тасаввур этиш мумкин? Шекспир даҳоси - бу энг олий маданият тарозуси демак. Ўзининг батакрор гўзаллик оламида дунё санъати, маданияти ва маънавиятини бирлаштириб - марказлаштиришга эришганлардан бири ҳам буюк Шекспир эди.

Вильям Шекспир 1564 йили Англиянинг Эйвон дарёси соҳилида жойлашган Стратфорд шаҳрида туғилган. Ўзига тўқ, серфарзанд бир оиланинг у учинчи боласи эди. Отаси Жон Шекспир Стратфорд ҳокими вазифасида ҳам ишлаган. Вильям оилада яхши тарбияланган, мактабда муҳаббат билан ўқиган. Ўн саккиз ёшида Анна Ҳазавей исми қизга уйланган. Ундан бир қиз, бир ўил кўрган. Қизнинг исми Сюзанна, ўғлиники Ҳамлет бўлиб, ўн бир ёшида вафот этган. Шекспир йигирма уч ёшида Лондонга кўчиб кетади. У ерда театр жамоасига яқинлашади. Жеймс Бербеж раҳбарлигидаги труппада фаолият кўрса-тиб, кейин "Глобус" театрида ишлайди.

Тасаввур этайликки, тарих бир эврилсаю, тўрт юз йил муқаддам Англияда, хусусан, драматургнинг она диёри Стратфордта яшаган халойиқ йигирманчи аср одамларининг Шекспирга эҳтиромини кўрса, жаҳон аҳлининг Шекспир даҳоси ҳақидаги фикр-мулоҳазасини эшитса - нима бўлурди? "Боқиб бу савдо"га, албатта, улар қайроғу лол қотишарди. Ёзган асарлари нари турсин, Вильям Шекспир деган хоксор, заҳматкаш ва ўртаҳол бир драматург, шоир борлигини ҳам билмаган кимсалар (ҳатто қирол саройи ходимларидан бири унинг фамилияси қандай ёзилишини билмай - Шахбирт деб ёзган экан), юртдошларининг жаҳонга донг рататиш сабабларини қаёндан тушунишсин?

XVIII аср 'охирида Шекспир драмаларига муҳаррирлик қилган Жорж Стивенс ёзади: "Бизнинг Шекспир ҳақидаги бор-йўқ билганларимиз шу: у Стратфордда туғилган, уйланган, фарзанд кўрган. Лондонга борган, марказда актёрликни эгаллаган. Пьесалар ва шеърлар ёзган. Стратфордга қайтган. Васиятнома қолдирган ва ўлган".

Шарқдаги айрим сўфий ва мутасаввифлар шон-шухратдан қочиб, ёзган асарларига исми шарифларини ёзишмаган. Шекспир эса китоб наشري билан қизиқмаган. Советларидан бўлак ҳеч нима яратмаганида ҳам, у дунёнинг улут шоирлари даврасидан ўрин эгалларди. Аммо советларни ҳам тириклигида чоп эттирмаган. Умуман, Шекспир шов-шувсиз, кўпчилик назаридан четроқда сокин яшаш, ижодий ишга кўпроқ вақт ажратишни мақбул билган. Унинг шахсиятига доир маълумотлар шунинг учун ҳам оздир. Драмаларининг бошқа муаллифларга нисбат берилиши - Шекспирнинг ҳаддан зиёд камсуқум ва камтаринлиги бунда ҳам "ҳисса" қўшган бўлиши эҳтимолдан холимас.

Ижодининг илк босқичларида Шекспир шеър, дoston, комедия, хроникалар битган. Замон, макон, жамият, давлат ва инсон муносабатларини тадрижан, яъни тарихий йўлда бадиий тадқиқ қилишга у енгилмас эҳтиёж сезган. Натижада "Ричард III", "Ричард II", "Қирол Иоан", "Генрих IV", "Генрих V" каби қатор драмаларини яратган. Шунингдек, "Ёз кечасидаги туш", "Венеция савдогари", "Бунисига нима дейсиз?" деб номланган ва кўнгилга шодлик, қувноқлик бағишловчи комедиялар ёзган.

Шекспир ҳаёт ва турмуш қувончларидан қайғуга қараб юрган, одам тақдири, руҳиятидаги зиддиятларни бутун кескинлиги, шафқатсизлиги ила ёритишга киришган ижодкор эди. "Ромео ва Жульетта", "Юлий Сезарь" да бу тамойил дастлабки ифодасини топгандир. 1601-1608 йиллар оралигида яратилган "Ҳамлет", "Отелло", "Қирол Лир", "Макбет", "Антоний ва Клеопатра" трагедиялари дунё драматургиясининг мўъжизаси эди.

Шекспир унча узоқ умр кўрмаган - эллик уч йил яшган, холос. Ҳаётининг йигирма йилдан зиёдроғини ижодий меҳнат билан ўтказиб, ниҳоят "Қиш эртаги", "Цимбелин", "Бўрон" деган асарлар ҳам ёзиб қолдирган.

Адабиёт, аслини олганда, нафсдан кўнгулга, кўнгулдан рухга, рухдан сирга, ундан маъно ва моҳиятга юксалиш демак. Бу "мақом"ларнинг ҳар бирида таланти ёзувчи инсон шахсиятини янгила кўриб, янги-янги ўзгаришларда мушоҳада этади. Шекспир шуларнинг барига эришган. Ҳис-туйғу "ойна"сида одамнинг асл қиёфасини кўрсатиш, нафс ва қисмат талошларини ҳол тилида акс эттириш Шекспир драматургиясининг энг жозибали хусусиятларидандир. Унинг баъзи қаҳрамонларидаги эҳтирос тувени - табиат тўфони, борлиқ бўронларидан қолишмайди...

Мавлоно Жалолиддин Румий бир шеърида ёзади:

*Ту шаҳвати хешро лақаб ишқ ниҳй,
Аз шаҳват то ишқ раҳи бисёр аст.*

Мазмуни: Эй инсон, сен ўз вужудий орзу, нафсоний ҳавойу ҳавасларингга ишқ деб ном бермагил. Шаҳватдан то ишққача бўлган йўл жуда йироқдир. Инсоннинг оғир хато ва адашувлари ҳирс ё эҳтиросни муҳаббатдан ажрата олмаганлиги туфайли келиб чиққан. "Антоний ва Клеопатра" қаҳрамонларидан бири, Марк Антонийга "Агар тақдир сени Миср маликасига учраштирамаганда, дунё мўъжизаларидан бирини кўролмасдинг", дейди. Ҳақ гап. Жисмоний куч-қудрати ярим дунёни ларзага солишга қодир Антоний эса шаҳват қули эди. Клеопатра ўзини илонга чақтириб ўлади. Чунки ўша илон - аёллик иқболни назарга илмаган ҳукмронлик гурури, сиёсат ҳирси маликанинг ичида эди. Антонийни йўқотгач, у бунга англаб этади:

Йўқ, мен подшо эмасман, бир хотинман, холос.

Ва мени ҳам олақуроқ ҳислар, сезгилар

Урғочи бир махлуқ каби измига солар...

О, қанийди, шу шоҳона тожу асони

Тангриларнинг тумшувига қараб ирғитсам...

Шуни олдин ўйлаб, аввалроқ малика шундай қарорга келганда олам гулистон бўлурди. Клеопатра унда Миср маликаси эмас, ўзга бир аёлга айланарди...

Бу дунёнинг феъл-атвори ғалати. Негаки найранг ва тушуниксиз ишлари ҳам кўп. Мардни гоҳо номардга муҳтож айласа, гоҳо оқил ё одилни жоҳил дастига топширади. Башар манфаатини ифодалайдиган маданий-маънавий кашфиётларни ҳам баъзан бир пулга арзитмаслиги

мумкин. Бу гапни тасдиқлайдиган далил беҳисоб. Хўш, дунё қанақа борлиқ ўзи? Одам иштирокисиз унинг яхши-ёмонлиги, қайғу-қувончи, шафқат ва бешафқатлигини назарга келтириб бўладими? Инсон бошига ёғилган кулфат ва мусибатлар учун "дахри дун"ни қоралаш Шарқ шеърлятида бир "мода" даражасига олиб чиқилган. Бундай танқидни тўла қабул айлаш тўғри эмас. Қийнаса инсонни - инсон қийнайди, эса - инсон эзади, бир-бировини азоб-уқубатларга гирифтор қилиш ҳам одамнинг ёзуви. Бас, шундоқ экан, нимага ҳа деб дунёни сўқиш, қоралаш керак? Айбни ҳам, айбдорни ҳам ўз номи билан айтса бўлмайдами? Бўлади. Таҳлика ва қўрқувни ким енгади? Қаҳр. Жазо. Қийноқ. Ким буларни елкалашни истайди? "Баттол" дунё эса ҳеч кимсанинг ёқасига ёпишмаган, ёпишмайди ҳам, ҳеч бировни зиндонга тиқиб, дорга осмаган, осмайди ҳам. Шекспирнинг тарихий хизматларидан бири шундаки, адабиётни у умумий норозилик, предметсиз, яъни мавҳум айблалардан қутқизиш учун жон куйдирган. Унинг асарларида айбга - айбдор, гуноҳга - гуноҳкор масъул. Ёмонлик учун ҳам, эзгулик учун ҳам жавобгар инсоннинг ўзидир.

II

Шекспирдан мерос ўттиз етти драмадан ўттиз тўртининг сюжети ва мазмуни ҳар турдаги бошқа асар ё манбалардан олиниб, "Қирол Лир" трагедиясига Холиншед "хроникалари"га кўпроқ таянилганлиги илмда айтилган.

Бундоқ қаралганда, ушбу трагедиянинг бошланишида фожиа ё бир кулфат нафаси сезилмайди. Қартайган қирол елкасидан "давлат юкини" "ёш, навқирон елкаларга" ошироқ учун мол-мулкни уч қизига бўлиб беради. Сарой аҳди йиғинида у ёлғиз бир нарсани билмоқ истайди:

*Хулласки, қизларим, айтинг, бугун сизни деб
 Давлат билан салтанатдан кечар эканмиз,
 Ким ортиқроқ ардоқлайди, севади бизни?
 Сизда қанча баланд бўлса меҳру оқибат
 Бизда шунча юксак бўлур ҳиммат, саховат...*

Гапни тўнғич қиз Гонерилья бошлаб, булбули гўёдай сайрашга тушади:

*Отажоним, меҳрим нечук баён айлайин?
Ардоқсиз кўзим нури, эрку нафасдан.
Қимматлисиз жаҳоннинг бор бойликларидан,
Ҳаёт, номус, саломатлик, ҳусну ҳавасдан...*

Бу чечанлик замирида манфаат ва риё яширинганини Лир жаноблари фаҳмлолмайди. Қизга катта мулк инъом этади. Ўртанчи қиз - Регана эса сўзни мухтасар қилади:

*Опам билан бирдек бизнинг табиатимиз,
Қийматимиз айни. Менинг айтар сўзимни
Опам айтиб бўлди, айтди муҳаббатимни...*

Регана ҳам опасиникидан кам бўлмаган ҳиссага эришади. Навбат кичик қиз Карделияники. У жим. Отасининг "Сен нима дейсан, қизалоғим?" деган саволига "Ҳеч нарса, шоҳим", дея жавоб беради. Хушомад, сунъий лутфу назокатларга ўрганиб, кўникиб кетган қирол бу "совуққонлик"ни қабул қилолмайди. Тийнати топ-тоза фарзандини, хуллас, ҳе йўқ, бе йўқ оқ қилади.

Бийрон тиллар бирданига танглайга ёпишади-қолади. Ҳамма сукутга чўмади. Лекин Кент деган бир зотнинг овозидан жимлик бузилади. Кент - саройдаги яккаю ягона бамаъни, ҳақгўй мулозим. Фожиани олдиндан пайқайди. Қиролни у инсофга чақиради:

*Ўзингни бос, вазабингни жиловла, шоҳим,
Тожу тахтинг берма. Бошим гаров қўяман,
Кенжа қизинг муҳаббати сенга зиёда,
Камсуқумлик - каммеҳрлик дегани эмас...*

Аллақачон тўғри сўзга тоқати қолмаган шоҳ Кентни ҳам юртдан бадарға қилади:

*Мукофотим, сенга беш кун муҳлат бераман,
Тайёргарлик кўриб, олис сафарга отлан...*

Шундай қилиб, Англия қиролига бирин-бирин қора кунлар юзлаша бошлайди. Мамлакатдаги умумий аҳвол ва аянч вазиятга саройдаги нуфузли амалдор, катта ўйинчи Глостер таъриф бериб дейди: "...Муҳаббат сўниб, дўстлик соврилиб, оға-инилар бир-бирлари билан қир-пичоқ бўлишади. Шаҳарларда исён, қишлоқларда галаён, саройларда хиёнат авж олиб, ўғиллар, оталардан юз ўтиради... Қирол билан боғлиқ можарони олиб қаранг - ота қизига муҳолиф. Қаҳру-ғазаб, со-

тқинлик, ҳалокатли ур-сурлар энди қабргача бизга ҳамроҳ бўлади...".

Шаҳаншоҳ булардан беҳабар - вафлатда. Фақат унга мақбул, қаҳр-ғазаб қўзғамайдиган воқеа-ҳодисалардан хабар берилади. Кўпчилик бир-бирини алдаб-аврайди, айна пайтда сарой маъмурлари бирлашиб битта одамни - Қиролни алдашади. Юқоридаги гапларнинг бир учини Глостер Лирга етказиши мумкин. Йўқ, у миқ этмайди. Ҳамтовоқлари қатори подшоҳнинг тизгинсиз қаҳр-ғазабдан қўрқади.

*Ҳокимият борки, менда қудрат, иқтидор,
Оғизларни муҳрлашга етади қурбим...*

Лирнинг бош ақидаси, асосий амали шу. Салтанатни у доимо худди шу тарзда бошқарган. Ва сўнгги нафасгача қудрат, иқтидор менда қолади, деб ўйлаган. Уни, аввало, қиз ва куёвлар довдиратади. Ёлгон ҳурмат-эҳтиром деворлари шунда қулаб, меҳру оқибат "парда"лари чок-чокидан сўкилиб, - йиртилиб кетади. Алданиш Қирол Лирнинг гирибонига ёпишади. Тожу тахт, шону шуҳрат, иззату икромга ноил айлаган қисмат - қанча баланд кўтарган бўлса, уни ўшанча ерга уради. Қанча сийлаган бўлса, ундан-да ортиқ таҳқирлайди.

Мамлакатни оғзига қаратган, халқу халойиқни сўзсиз-садосиз бўйин эгишга мажбурлаб келган ҳокими мутлақ тахтидан четлашгач, масхарабози таъбири билан айтганда, "рақамсиз нул"га менгзаб қолади. Ҳийла ва хиёнат кекса қиролни кулфат ўпқонига ирғитади. Шундай жазога у лойиқ эди. Давлат тепасида экан, икки оёқли шайтон киму - одам ким, манманлик, худкомлик оғуси нимаю - ҳиммат ва виждон кимёси нима - булар хусусида Лир бош қотирмаганди. Унингча, подшоҳлик давр-даврони қандоқ улуфвор бошланса, охиригача шундоқ давом топиши лозим эди. Ёши саксонга борганда руҳида бир бўрон фалаён солмагунча, ҳақиқатни англай олмаслигини, садоқат дегани - садоқатсизлик, куч-қувват дегани - ожизлик, нотавонлик бўлиб чиқишини у хаёлга ҳам йўлатмаган. Маҳрумият алами Лирни фикр кенглигига олиб чиқади - "тахт бебақо, дунё бевафо"лигини англайди. Оддий одамлар турмушини билгач, кўзи кўр, қулоғи қар

бир ҳолатда яшаб, умри хатолик, адашув ичида ўтганлигига ҳаёт уни иқроқ қилади. Кечиқиб, кутилмаган зарбаларга йўлиқиб - ақл-ҳушни бой бериб бўлса ҳамки, Лир дунёнинг аччиқ ҳақиқатларини, хусусан, давлат ишларида одамийлик, меҳр-садоқат хомхаёлдан унча фарқланмаслигини англашга муваффақ бўлади. Қирол Лир шу жиҳатдан кўнгилга яқин, ачинишга лойиқ қаҳрамон. Мустабидлик уни ҳалокат гирдобига итқитганда, одамийлик, асл одамлар кўмаги уни ҳаётга қайтарди. У ҳеч бўлмаса Кент ва Корделияни қадрлай билганида, азоб оловига эҳтимол бунчалик қоврилмасди. Била-кўра қабоҳатга унинг йўл бериши ҳам ажабланарли. Ахир, салтанатга ҳаром ва ҳаромзодаларни яқинлатиб бўладими?

Шекспир давлат, ҳокимиятдаги ботиний зиддият, кўзга ташланмас талашувларни тасвирлаганда, ақл бовар эа-вермайдиган ҳодиса ва тақдирларни китобхон муҳока-масига ташлайди. Масалан, "Қирол Лир"даги Эдмундни эслайлик. У - Глостернинг ҳароми ўғли. Жисму жонида шумлик, ифлослик қайнайдиган шу нобакор ҳам отасининг қапталида - сарой хизматчиси. Маккорлик ила калтабин Глостерни ўзига у оғдириб олади. Ҳалол, мард, тадбиркор ўғил Эдгардани отадан ажратиб, ота дилида душманлик ўтини ёқади. Глостер эса "айшу ишрат"дан тугилган болани қонуний ўғлидан кўпроқ суяди. Маълум бир муддат содиқ фарзанд ролини бажаргач, Эдмунднинг асл қиёфаси очилади. У Яго, Ричард III, Макбет қавмидан - ашаддий шуҳратпараст, худбин. Мақсад йўлида ҳар бир нарсани мижжа қоқмай қурбон айлайди. Эдмунд аввал акаси Эдгарга туҳмат қилиб, унинг қўвилишига эришади. Сўнгра мартабада баландга чиқиш учун отаси Глостерни дарбадар Лирга хайрихоҳликда қоралаб, иккала кўзини ҳам ўйиб олинишига кўмаклашади. Асирликдаги Лир ва Корделияни ўлимга жўнатади.

Унинг "Ҳаромзодаларни ўзинг қўлагил, Худо!" деган илтижоси ижобат бўлгандай, Лирнинг икки қизини ҳам бошини гангитиб, опа-сингил орасидаги рақобатни душманликка айлантиради. Эдмундни деб Гонерилья бева синглиси Реганани заҳарлайди. Эрига хиёнати фош бўлгач, Гонерилья ҳам ўзини ўлдиради. Булар даҳшат ва қўрқинч эмасми?

Қирол Лирнинг тақдири оила ва фарзанд, давлат ва шахс, амал ва ахлоқ, нафс ва виждон сингари ўнлаб масалалар хусусида тўхтовсиз мулоҳаза-мушоҳада юритишга кенг имкон беради. Бадий асарнинг боқийлиги ҳам шунда.

III

Қирқ ёшга яқинлашганда Шекспир ижодиётида фожиавийлик пафоси устунлик қила бошлайди. Кўпчилик эътироф этганидек, "Ҳамлет" Шекспир адабий меросининг чўққиси. Бу юксакликни ишрол айлай олган иккинчи бир асарни дунё адабиёти қанузгача билмайди. Эҳтимол шу боисдан ҳам энг тилга тушган, энг кўп ўқиб-ўрганган ва қарама-қарши фикр-мулоҳазалар "бозор"ини энг кўп қизитган китоб ҳам "Ҳамлет"дир. "Ҳамлет"ни Шекспир ўттиз етти ёшида яратган. Демак, у - ижодий куч тўлиб-тошган, фикр-қарашлар тиниқлашиб-теранлашган, руҳоният ҳадди аълосига кўтарилган бир фаслнинг маҳсули.

"Ҳамлет" 1601 йилда саҳнага қўйилади. 1603 йили нашр қилинган. Орадан бир йил ўтгач, қайта босилади. Бу нашрдаги матн жиддий ўзгартирилган ва кенгайтирилган эди. Улкан шекспиршунос А.Аникистнинг ёзишича, айнан иккинчи нашрда асарнинг фалсафий моҳияти чуқурлаштирилиб, Ҳамлетнинг мутафаккир сифатидаги қиёфаси бутун мураккабликлари билан ёритиб берилган.

Ҳамлетнинг "шахсий варақа"сида дунё фарзанди, жаҳон қаҳрамони деб битилган. Унинг руҳи оламини тўлдиришга қодир, Ҳамлетга қўшилиб, унсиз фарёд чеккан кишини эъзозлаш лозим. Демак, Ҳамлетни тушунадиган, дунёга файласуф, мутафаккир кўзи билан қарайдиган битта шахс ортган. Ҳамлетдан кўп нарса ўрганса бўлади. Масалан, шойрлик ва файласуфликни, мутафаккирлик ва ҳақпарастликни, тўғрилиқ ва азоб-уқубатга таҳаммулни, бурчга садоқат ва муросасизликни. Айтаверса, булар бисёрдир.

Ҳамлет фазилатга бой, хислатга кон Шахс бўлмаганида, жаҳон минтақаларида яшай олмас ва инсонлик шарафи, диёнат матлаби учун то қануз курашолмасди. Ҳамлет қалбидаги ёлқин Прометей оловидан ёруғ ва ҳароратли-

роқ. У ботинни нурлантиради, инсонда ўзига ишонч ҳис-
сини кучайтиради. Аланга ичида куймасликни, "мени пи-
ста пўчовига жойланг, ўшанда ҳам ўзимни сарвари кои-
нот деб ҳис қиламан", дея олиш сир-асрорини ўргатади.
Ҳамлет шахсияти орқали ўзини англашга жаҳд этган ки-
шида ахлоқий заифлик, руҳий ногиронлик, ақлий маҳ-
дудлик билан видолашувдан ўзга чора қолмайди. Чунки у
ўзни таҳлил қилиш "тажриба"сини ўргатади. Ҳамлет -
давлат одами. Ҳамлет - оила посбони; жамият раҳбар.
Ҳамлет - шараф ва номус қасоскори. Ҳамлет - таназул-
га гирифтор бир салтанат келажаги. У - ошиқ, содиқ ва
фидойи. Оламни кучоққа сиғдириб бўлмагани сингари,
Ҳамлет табиатини тўла-тўқис кашф айлаш имконсиз.
Бироқ сирдан қаралса, Ҳамлетни билишдан осони йўқ:
хиёнатдан қақшаган бир валиаҳд. Амакининг қўли қон,
она жиноятга шерик... Онг ва идроки унинг қотилликни
аниқлаш билан банд. Бироқ ишончли бандани топиш амри
маҳол. Ўз ёвига ўзи қоврилавериб умидсизликка тушгач,
ўлим - нажот, сукут - фароват деган қарор ила ниҳоят...

Қўполроқ равишда белгиланганда, булар Шекспир тас-
вирлаган фожианинг "пўчоғи". Мағизни пўчоғдан, ботин-
ни зоҳирдан айириш эса ўқувчига ҳавола. "Ҳамлет" мат-
нида фикр, мазмун бир "қатлам"ни ташкил этса, руҳ,
туйғу, қайғу, моҳият бир неча қатламда аксини топган.
Булардан ҳар бирининг ранг, оҳанг, сир, ҳақиқат, ўзаро
бирикиш ва таъсир йўлларини беҳато аниқлаш ва ан-
лаш - дарё сувини ариққа сиғдиришни кўзлашдай бир
гап. "Ҳамлет"нинг такрорланмаслиги балки шундодир.

Асар гоёси - бу! Кўзланган мақсад - мана бу! Илғари
суримоқчи бўлган сарбон туйғу, бош ҳақиқат ана бун-
дай! Шекспирда бу хил муддао йўқ. Бир рангда камида у
тўрт-беш рангни уйғунлаштирган, бир оҳангда оз деган-
да, ўндан ортиқ нола ва садо аксини берган. Биров қора-
ни тезроқ кўради, бошқаси қизил ёки яшилни. Кимнинг-
дир эшитгани фиғону нола, кимдир абадият симфония-
сини тинглайди... Ҳамлет образи хусусида сўзлаганда ма-
саланинг ана шу томони билан ҳисоблашиш шарт.

IV

Нақл қилинишича, парилар емак емас, ҳид билан яшашар экан. Бутун умри мобайнида уларнинг иши ёлғиз хаёл суриш бўларкан. Чунки парилар хаёлдан яратилган эмиш. Шу боис пари зоти ҳақиқатни хушламас - хаёлдан яйрашаркан. Севгиси ҳам хаёл экан. Қўрқоқлар ҳам париларга яқин бўлиб, курашдан, жасоратдан эмас, улар тўғрисидаги чиройли, оромбахш ҳикоятлардан завқланишармиш. Бундайларнинг журъат йўли орзу, жангу жадал майдони хаёлдан нари ўтмасмиш. Шайх Фариддин Аттор:

Чи gone ту ки маргон гарг чи горанг,

Вале гонанг гарг онҳоки марганг,

Яъни, мардлар дарди, қандай дардигини сен қаёндан билурсен. Аммо кимларки дардни англаса, ўшалар мард, дейди. Ҳамлет хаёлда ҳам, дарда ҳам мард. Ҳамлет образини мабодо шарқлик бир ижодкор яратганда эди, қол ва фазилатларни албатта, тасаввуфга боғлаб ёритиш зарурияти туғиларди. Шарқлик ориф ва дарвишларга Ҳамлет шу қадар руҳдош. "Мен жон деб сизга бирор нима берардим, лекин ҳеч вақоим йўқ - жонимдан ўзга, жонимдан ўзга, жонимдан ўзга...". Унинг бу сўзларини тарки дунё туйғусига соҳиб ҳар бир киши тез тушунади. Таркни ҳам тарк айлаган фақир ё дарвиш эса яна ҳам осон англайди.

Тасаввуф ва Ғарб дунёси, тасаввуфнинг ғарб маданияти, адабиёт ва санъатига таъсири мавзуи бизда деярли ўрганилмаган. Ҳолбуки, XII асрлардаёқ ғарбликлар тасаввуф таълимотига эътибор қаратиб, мутасаввиф олим ва ижодкорларнинг айрим асарларини ўқиб, ўзлаштиришга киришган. Маълумки, тасаввуф маданияти ва тафаккури Ислом маданияти ва тушунчасининг ажралмас бир қисми. Бирор бир шайхга хоҳ мансуб бўлсин, хоҳ мансуб бўлмасин, бу бой ва беқиёс ирфон хазинасидан ҳар бир мусулмон фойдалана олган ва талаб даражасида буни лозим деб билган. Зеро, "Тасаввуф йўли ақл, қуруқ мантиқ, далил ва исбот йўли эмас - кашф ва виждон йўли эрур... Тасаввуф йўлига кириш ва бир тариқат шайхига интисоб этиш Исломда на фарз, на вожиб ва на суннатдир, мусоит шартларга кўра бир фазилат ва камол ҳоли эди" (Ибн Халдун).

Тасаввуф руҳи ва латофати шу боисдан ҳам ғарб зиё-диларини мафтун айлай олганди. Тасаввуфнинг асосий хусусиятлари нима, сўфийлик бўстонида баҳраманлик учун, аввало, нималарга диққат қилиш зарур - бундай саволлар ғарб тадқиқотчиларини ҳанузгача жавоб топишга чорлаб келади. Улардан бири ёзади: "Тасаввуфнинг нима эканлигини аслда очиқ - ойдин таърифлаб бўлмайди. Чунки уни фақат сўфийлик тарбияси ва тажрибаси доирасида англаш мумкиндир.

Нима тасаввуф эмас? Мана шу ҳақида гапириш ўнғай: у афсона аралаш бир ҳикмат, Исломнинг ботиний бир жиҳати, диний бир тизим эмас; арабларнинг яширин бир тариқати, сеҳр, мистизм ёки анъана деб ҳам бўлмайди уни. Аммо булрдан ҳар бирида тасаввуфнинг уруғлари бор. Чунки тасаввуф яхлит бир таълимот, махсус бир замон ва маконга хос ҳаракат ҳам эмас. У - шаклсиз ҳаракат. Сўфизм руҳдаги уйғониш жараёнларини бошлайдиган ўзига хос асосдир. Айтиш мумкинки, тасаввуф инсон фарзандининг маънавий-руҳий уйғоқлигини тарғиб ва ташвиқ этувчи комиллик муждасидир" ("Юнг психологияси ва сўфизм", Истанбул, 1997, 23-24-бет). Чиндан ҳам тасаввуф маънавий-руҳий бедорлик ва комиллик муждасидирки, ғарбнинг Данте, Гёте, Толстой сингари даҳо санъаткорлари уни кўнгул орқали қабул қилиб, руҳоний юксалишга хизмат эттиришган. Тасаввуф ва Шекспир ижодиёти мавзуи ниҳоятда қизиқарли. Буни ўрганиш Шарқ ва Шекспир деган сарлавҳа билан бошланиши керак. Шунда тахминларга унча ўрин қолмайди.

Шекспир бадий ижод билан шувулланаётган пайтларда ғарб олами Шарқнинг машҳур аллома ва файласуфлари қаторида сўфий ва мутасаввифларининг фаолиятдан ҳам яхши хабардор эди. Масалан, Мишель Монтен билан Имом Ғаззолий шахси ва ижодиёти ҳақида бемалол суҳбатлашиш мумкин эди. Муҳиддин Ибн Арабий мероси яна ҳам баланд ҳавас ила ўрганилар, хусусан, комил инсон тушунчасига иштиёқ ортиб борарди. Илмфан ва санъат орқали инсонни камолга етказиш ғоясига маҳкам ёпишган Ғарб Фаридиддин Аттор, Мавлоно Румий асарлари таъсирида Ишқ ва ирфон тўғрисида ҳам

ўйлай бошлаганди. Зеро, ғарбликларнинг нафсга қарашли, нафсни таниши тамомила ўзгача эди. Яъни нафс кучқувват, ҳузур-ҳаловат манбаи, шахсий зафар ва муваффақият гарови саналарди.

Ҳамлет эса инсон ёмон хулқ-атвор, тубан ҳис-туйғулар қули экан, демак, у нафс қули, нафсоний ва шахвоний ҳирслар малайи, деган тушунчага таянарди. Бир ўринда у "Дарвеш ўзи орзу қилган роҳатига етади", дейди. Орзу айлаган роҳат-фароғатга Ҳамлет гарчи эришмаган бўлса-да, моддий дунёнинг қонли, қайғули ҳодисотлари, тахтпарстлик жиноят ва хиёнатлари, бир-биридан жирканч макр ва оқибатсизликлар уни ҳақ йўли, ҳақиқат ишқидан четлаштира олмаганди. У ғарбнинг дорсиз Мансури Ҳалложи эди...

"Бидъатлардан баланд туриш лозим. Тангри таолонинг иродаси бўлмаса, ҳаттоки чумчуқ ҳам йиқилиб тушмайди". Ҳамлетнинг ушбу гапларини чуқурроқ ўйлаган киши қонида ҳукмдорлик туйғуси жўшган шаҳзода деб эмас, уни чин маънодаги таваккулчи, вақтнинг кескир қиличидан чўчимайдиган даниялик бир дарвеш деб ўйлайди. Нақл этилишича, бир дарвеш ўлим фурсати етганини сезгач, кўзларини очиб кулибди. Ёнидагилар ҳайрон қолиб, бунинг сабабини сўрашганда, у: "Нима учун кулмайин, дунё, шайтон ва нафсдан ажралиш замони яқинлашди..." деган экан. Навқиронлигига қарамай Ҳамлетда ҳам шундай майл кучли эди. Ёшига номуносиб бир равишда у тафаккурда илдамлаб, фаҳм-фаросати жуда эрта нурланиб кетганди. Одамлар онгидаги зулмат ва жаҳолат қоронғулигидан қийналиб, бўғилиши унинг сийрат ойдинлигидандир. Ўзгаларда йўқ ва ўзида бор нарса шу боисдан уни азобга солади. Ўзи бошқача бўлолмаганидек, ўзгаларни ўзгартириш осон эмаслигини тан олгиси келмайди.

Дарвеш кўрганини айтади, авом эшитганини - бу фикрнинг Ҳамлетга бевосита алоқадор жиҳати шундаки, у ҳам қалб кўзи ила кўргани, кўриб мушоҳада қилган нарса ва ҳодисалардан сўзлайди. Ҳақиқатни билиш ва одам танишда чин дарвеш хато қилмаганидек, Ҳамлет ҳам бунда адашмайди. Кўрган, таниган, билганлари орасида асл ва самимий инсон ўлароқ у биргина Ҳорациони тан олади:

"Сен - бутун бир одамдирсан, яхлит бир инсон", дейди унга.

Омадсиз, бахтсиз кимсалар дили одатда нафрат, вазаб ва аламга тўлиб-тошиб ётади. Мавриди келса, келмаса, бировларга нафрат сочиб, алам азобидан қутилмоқ бўлади. Шунга яқин ҳолат Ҳамлетда ҳам бордай туюлади. Агар қотил амаки акасини ўлдириб, тахтни эгаллаб, янгасига уйланмаганда Ҳамлетнинг мавқеи ҳам, аҳвол-руҳияси ҳам бутунлай бошқача бўлиши мумкинмиди?

Клавдий ўрнида Ҳамлет ўтирганда салтанат тарбияли, маърифатли бир Шахс тасарруфига ўтарди. Шундай дейишга асос берадиган далиллар эса бир талай. Ҳамлет - нафсшунос, яъни нафсни жиловлаб, руҳий ва фикрий ҳаёт завқига толиб бир зот. Бизнинг Бобур Мирзо "Нафс тавсанини ром қил ўзунга" деса, Ҳамлет "Ўз нафсидан устун турган дунёда ким бор?" дейди. Бу - "нафс тавсани"ни жиловлай билган кимсани топмадим, дегани эди.

Тоғу тахт, салтанатга эришиш йўли, кўп ҳолларда макр ва ҳийла, фирромлик ва қабоҳат йўлидир. Ҳасад ва адоват бунда зудлик ила ҳиммат ва садоқат "тўни"га бурканса, ёлгон ва қўрқув мардлик, жасорат қиёфасида майдонга чиққан. Аслида эса бунақа вазиятларда ҳукмдор - амалдорларига, мансаб ва мартаба эгалари - ҳоқону султонларига ишонишмаган. Фитна шундан алангаланган, бири - иккинчисидан қонли ва қўрқинчли фожиалар тахт, амал ҳирсининг ҳосили эди. Шарқда ҳам, Фарбда ҳам шундоқ бўлган. Ҳукмдорлик иддаоси ила ота - болага, бола - отага, оға-ини - қариндошга, ини ва қариндош - оғага қилич кўтариб, қон тўкканки, бу ҳодисанинг совуқ сиёқи дунёнинг ҳамма жойида айтарли бир хилдир. Ёвузлик ва бераҳмлик шу сабабдан у ёки бу давлат тарихининг ажралмас узвига айланиб қолган. Ҳамлетта нечоғлик оғир эди: тириклар жим, тириклар жиноятни ҳаспўшлаш, яшириш билан овора. Отасининг арвоҳи эса тинчитмайди уни... Кимдан у қасд олади - амакиси ва онасиданми? Ҳасрат ва кулфатини кимга изҳор этади? Полоний ва гумашталаригами? Ўз оловида ўзи ёнади. Ўзи айтиб, у ўзи инграйди. Қалби "Қасос!" дейди. Журъат етишмайди. Журъатсизлик, сусткашлик учун яна ўзини-ўзи айблайди. Ўзига ўзи маломаттўйлик қилади:

О, қасос - интиқом!

Гапнинг пўскаллеси шуки, эшшакман, эшшак!

Ахир кимман, ўлдирилган отанинг ўғли,

Дўзах, само интиқомга чорлаб турса-ю,

Мен бу ёқда фоҳишадек кўз ёши тўксам.

Ва қарғасам бир чўрию чувринди каби!

Туф-ей, лаънат! Уйғон, менинг игроким, уйғон!

Хуллас, Ҳамлет ҳаракатта тушади. Аммо ҳақиқатни охиригача билмоқ учун "маданий" бир тадбир ташкил этади:

Актёрлар амакимининг кўзи ўнгига

Отам қатли саҳнасини этсинлар ижро.

Ўзим ундан кўз узмайман. Кўраман, қани,

Қандай таъсир этар? Унда ўзим биламан,

Не қилишим лозим бўлса, кейин қиламан...

Ҳаммаси шаҳзода айтган ва талаб қилгандай бўлади: саҳнадаги ижро ҳам, амакининг аҳволи ҳам унга интиқомдан ўзга чора йўқлигини тўла-тўқис тасдиқлайди. Бунда Шекспирнинг трагедия ичида трагедия яратиш, бир трагедия доирасида гўё ўзга бир мустақил фожиани "саҳналаштириш" маҳоратига қойил дейиш керак.

Асарнинг илк саҳнасида онаси билан суҳбатлашаркан, Ҳамлетга у:

Қачонгача марҳум отанг изини излаб,

Тупроқларга кўз тикасан маъюс, гирёна.

Бу азалнинг буйруғидир: тириклик ўлар,

Фонийликдан боқийликка равона бўлар,—

дейди. Бундоқ қаралганда, тўғри фикр. Буни шаҳзода "Ҳа, азалнинг буйруғи шу" дея гўё эътироф қилгандай бўлса-да, яна шундай гапни ҳам айтади:

Менинг вамим бегонадир бўёққа, илло,

Мана мен, деб ўртага ҳам тушмагай асло...

Демак, "мана мен, деб" юз кўрсатмас жиноятни очиш, аниқроғи, уни фош қила билишига шаҳзода аввалданоқ ишонган.

V

Олоқ таоло ақл деса - ақл, хотира деса - хотира, мушоҳада деса - мушоҳада - ҳамма-ҳаммасини Ҳамлетга қўшқўлаб берган. Офелия айтмоқчи: у - аъён, у - аскар, у - олим:

Давлат, салтанатнинг умид гули эди ул,

Назокаату нафосатнинг тимсоли эди.

Ана шу малакни Ҳамлет севган. Муҳаббат одамни не-не қийинчилик, не-не азоб-уқубат гирдобидан қутқазмайди дейсиз? Ҳамлет эса...

Ҳеч эсимдан чиқмайди: атоқли ва оташин шоир Ҳамид Олимжоннинг Офелия ўлимига бағишланган шеърини биринчи марта ўқиганимда юракка шундоқ бир парча олов ёпишгандай бўлган. Мана бундай сатрлар қандай яралади - сўз билан изоҳлаш душвор:

*Фойда йўқдир, гўзал, золим фалакдан
Қанча доғ олсангу қанча шикоят,
Қанча ёлворсангу қанча тўксанг ёш,
Барибир, аламга бўлмас ниҳоят.*

*Қанча маъсум бўлсанг, қанча вафодор,
"Қордай оқ бўлсанг-у муз қадар тоза",
Ҳеч замон қор этмас, шум фалак багдор,
Ўқилур севгингга қора жаноза...*

*Жавоб бериб кўр-чи, номарг табиат,
Бунчалар гўзални нечун яратдинг?!
Ўзинг гуноҳкорсан, осийсан беҳад,
Нечун яратдинг-у ўтларга отдинг?*

Шеър бир гўзалга эмас, умуман, гўзалликка битилган марсияга ўхшарди. Шоирнинг фалак ва табиатга хитоблари жудоликнинг беҳад қайғули эканини таъкидларди. Аммо ростини айтсам, "Шубҳа оташида ёнар тафаккур", "Занжирдадир севги, қафасдадир жон", "Севгувчи йигитни солмишдир йўлга, Тунда эртақ айтган бир мудҳиш арвоҳ" сингари гаплар замиридаги ҳасратни мен англай олмасдим. Биринчидан, "Ҳамлет"ни ҳали ўқимаган бўлсам, иккинчидан, Ҳамлет ва Офелиянинг фожиаси ҳам Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширинникига монанд бир фожа бўлиши керак, деб ўйлаганман. "Ҳамлет"ни кейин ўқидим. Бу -тамомила ўзга бир асар, бошқа бир дунё, англашга кучим ҳали ожиз бир фожа эди. Аммо Ҳамлетдан ажралиб, энди йироқлашиб бўлмаслигига ақлим етарди.

Ҳамлет ролини саҳнада ижро этган хориж актёрларидан бири "Таассурот - бу пьеса", дейди. Ўқувчи ва томо-

шабин у ёки бу асарни ўқиганда ё саҳнада кўрганда шахсий таассурот асосида ўз мустақил бир "асари"ни яратолмаса - на шеър, на драма, на насрий китоб - ҳеч нарсани у ўртача миқёсда ҳам ҳис этолмайди. Таассурот тилга кириб, шакл ахтаргандачи? Зўр китобнинг - зўрлиги, бўш ва хомхатала ижод намунасининг яроқсизлиги ўз-ўзидан билиниб қолади. Чунки "эстетик туйғу" дейилган ҳис-туйғу сийратта ташқаридан олиб кирилмайди - руҳ ва кўнгилда бори ҳаракатлантирилади. Худди шу учун малакали адабиётшунос олим, ёзувчига нисбатан баъзан оддий китобхон бадий асарни нозик ҳис қилиб, пухтароқ аңглайди. Ушбу фикрга ёрқин бир далил "Ҳамлет"дир. Бу трагедияни тарихчи, адабиётшунос, диншунос, файласуф, психолог, хуллас, жуда кўп фан соҳаси вакиллари тадқиқ ва таҳлил қилишган. Ҳамлетга берилган таъриф-тавсифлар жамланса, "Ҳамлет ўзи ким?" деган саволга жавоб беролмай қоласиз. Бири Ҳамлет - жасур шаҳзода, олим, мутафаккир деса, бошқа бири Ҳамлет - бадбин ва хаёлпараст дейди. Яна бировлар тасаввурида Ҳамлет худбин, қатъиятсиз; норози ва нотавонлар пешвоси қиёфасида кўринади. Уильсон Нойт деган бир олимга кўра, Клавдий "совлом маънавий ҳаёт" соҳиби, ҳам ўзига, ҳам атрофидагаларига ишонадиган, фаолиятда эркин, яратувчи ҳукмдор - "буюк бир инсон". Ҳамлет дунёдаги қора кучларнинг тимсоли. Макбет сингари Ҳамлет ҳам "ёвузлик ғояси ва ўлимнинг куч-қудратини ифодаловчи қаҳрамон". Албатта, бунақа гап-сўзлар танқидга ҳам арзимайди. Ҳамлет номики, ёвузлик ғояси ва ўлим билан боғланса, эзгулик ва ҳақиқат ҳусусида ўйлашга ҳожат қолмайди.

Қанчадан-қанча шоир, олим, адиб ва актёр "Ҳамлет - бу мен...", "Ҳамлет - бу биз...", "Ҳамлетнинг фожиаси - бизнинг фожиамиз..." дейишган. Анатолий Франс хаёлан Ҳамлетга мурожаат қилиб, "Шаҳзодам, Сиз барча аср, барча мамлакатларга мансубсиз. Уч аср мобайнида Сиз зарра қадар қариганингиз йўқ. Сизнинг қалбингиз бизники билан тенгдош...", дейди. Ҳамлетни тушуниш - унинг идрок оловида ёниш, ўз "мен"ингда Ҳамлетга бир ҳолдошлик борлигига чиппа-чин инонмоқдир. Ҳамлет инсондаги онг ости туйғуларни ўйвотиб юборадиган, виждон

ҳали ўлмаган, руҳ кучи ҳали сўнмаган бўлса, кимлигинини ҳар нечук сенга танитадиган Шахс.

"Ҳамлет"ни қайта-қайта ўқитандан сўнг шунга мен амин бўлганманки, ҳассос ва жафокаш шаҳзода "анъанавий" ахлоқчиликка ҳам, якранг фикр-мулоҳазага ҳам қарши. Атрофдагиларга муҳим ва аҳамиятли ҳисобланган нарсалардан аксарияти унга бачкана ва аҳамиятсиз; сарой муҳитидаги ҳар бир турланиш ва тусланиш, ҳар бир маккорлик ва мунофиқлик унинг онгида азоб, идрокида изтироб қўзғайди. Шу учун ҳам фикр ва мушоҳадада Ҳамлет фаолдир.

Бир қатор олим ва тадқиқотчилар ўша давр ҳаётининг бўйиқ, тубан ва даҳшатли томонлари - сотқинлик, биродаркушлик, амалпарастлик; халқ ўртасидаги алоқаларнинг бузилиб кетиши Ҳамлетнинг дунёдан совишига сабаб бўлганини айтишган. Умуман олганда, бу гапни маъқуллаш мумкин. Ҳамлет дунёқараши ва характериға тегароқ нигоҳ ташланса, охирги нафасиғача у ҳаётдан юз бурмаганлиги, аксинча, ҳаётни булғаган, унинг табиий, муқаддас ҳақиқатларини оёқости қилганлардан безганлиги маълум бўлади. Ҳаёт ярамас, ҳаёт доғули деган ақида йўқ Ҳамлетда. Асосий мақсади, сўнгсиз жасорати унинг ҳаётни, жамият ва муҳитни инсон қавми жавр-жафолари - хору зорлик, адолатсизлик, жинояткорлик, гуноҳкорлик ва ҳайвонликдан ҳар қалай тозалаш. Инсон қиёфасидаги шайтонларға қарши Ҳамлет ўзича жангга киришади. Ҳиссиёт, эҳтирос, ғазаб "лашқари"ни бу жангда олдинга чиқариш ёки тушкунликка берилиш фаним фойдасиға хизмат қилишини у ҳисобға олмайди. Инсоф билан айтганда, Ҳамлетнинг буюклиги исёнкорлигида эди. Фанимлар ҳам қўл қовуштириб ўтирмасдан, энг аввало, шу исён ўтини ўчиришға интилишади.

Ирода дейилганда, дарвишлар Ҳақ ва ҳақиқатни излаш дарди ила қалбнинг ҳаракат бошлаши ва бундан ҳеч толиқмасликни назарда тутишган. Ибн Халдуннинг таърифлашича, "Ирода - ҳар қандай қўрқувни хасдай куйдириб ташловчи қалбдаги ёнишдир". Ҳамлет қалбида айнан шундай олов гурилларди...

VI

Ҳамлет - беҳад мураккаб, зиддиятли Шахс. Унинг ақл ва фикр ҳаётини яхшироқ билай десангиз, туйғу, кечинма ва ҳолатларини назардан қочирасиз. Кўнгил аҳволини бундоқ кузатмоқ бўлсангиз, руҳидаги эврилиш, мистик мушоҳадасидаги сирни илғолмай қоласиз.

Ҳамлет туйғу, эҳтирос, хаёл кишисидай кўринса-да, у тадқиқчи, реалист, ростгўй. Офелиянинг "Заҳарсиз, шаҳзодам, заққумсиз", деган таънаси асосли - Ҳамлетнинг тили аччиқ. Сўзлари қиличдай кескир. Унинг фикр-туйғуларини ифодалаш тарзидан чўчиган тадқиқотчилар ҳам бўлган. "Ҳозир ҳалол киши дегани ўн мингдан биттаси бўлади" дейди у. Юз мингга - ўн, миллионга - юзта ҳалол ва диёнатли киши тўғри келса, бундай жамиятнинг жаҳаннамдан нима фарқи бор?

Бошқаларни яхши билиши учун инсон, аввало, ўзини билмоғи зарур, деган тушунча бизда кенг тарқалган. Бу эса айни пайтда ўзингда ўзгаларни кўриш дегани. Ҳамлетда бунинг тескараси. Унингча, "бировни яхши билдингми, бас, ўзингни ҳам яхши биласан". Бу "тажриба"-дан қайсиси ўнғай ва афзал? Бизнингча, иккинчиси. Негаки, бошқалар билан боғланиш, ўзни қиёслаш, кўпчиликка хос фазилат ёки ахлоқий иллатларнинг "манба"сини аниқлаш кейингисида бир мунча осон кўчади. Чунончи: "У ким?" деган савол айни пайтда "Мен кимман?" деган саволни унутмасликни ҳам талаб этади.

Озрик исми бир кимса ҳақида Ҳамлетнинг гапини эшитинг: "У эҳтимолки, онасининг кўкрагини ҳам хушомадлар билан оғзига олгандир. Ҳозирги хотинмижозларнинг ҳаммаси ҳам шунақа. Улар юриш-туриш, одоб-назокатнинг фақат ташқи томонларини эгаллаб олишганлари учун беҳад-беҳисоб дид ва майллар гирдобида юзага қалқиб чиқишади, аммо бир пуфласанг, бас, пуфакдек ёрилиб, вайиб бўлишади".

Одам ҳам шунча узоқни кўриб, тўхтовсиз урчидиган маразликни шунча олдиндан таърифлаши мумкинми? Бизнингча, бу ўринда аввало Шекспирга тан бериш керак. Қайсидир бир маънода, Ҳамлетда - Шекспир, Шекспир-

да - Ҳамлет яшайди. Айрим тушунчә ва хусусиятлар Ҳамлетга мансубми ё Шекспирга - буни баъзан ажратолмайсиз. Рақиблардан бирига Ҳамлет бундай дейди: "Сиз мени ўз мақомингизга солиб, чалмоқчи бўласиз. Менинг пардаларимни босаман деб ўйлайсиз... Барча паст-баланд пардаларим сизга гўё беш панжадай аён... Мени чолғу деб аташингиз, бузишингиз мумкин. Лекин чалолмайсиз". Ҳамлет сингари Шекспирнинг "чолғувчи"си ҳам ўзи бўлган. Негаки, дунёда фавқулодда сийрак учрайдиган Шекспир каби зотларнинг "Мен"ига даҳл қилиш мумкин эмас. Ўзи ҳаракатга тушмаса, ўзи оҳанг таратмаса, ўзи майдонга чиқмаса, уларга қўл чўзиш, уларни "чалишга" уринишдан ҳеч фойда чиқмайди. Демак, "Ҳамлет - бу Шекспир", дейилиши ҳам унча эътирозлимас.

VII

Олмон файласуфи Ф.Ницше "Дунёни оптимистлар эмас - пессимистлар қутқазади", дейди. Нимадан ёки кимдан? Буни Ницше очиқ-ойдин айтмаган. Назаримизда, у риё, ёлгон, ожизлик "лашкар"ларини кўзда тутган. Ҳамлетдаги "бадбинлик"да ҳам шиддатли бир халоскорлик кайфияти бор.

Унингча, инсондаги ҳамма ёмон сифатлар - тамагирлик, хушмоад, олчоқлик, корчалонлик ва бошқалар - ўзни камситиш ва ихтиёрий равишда ўзни таҳқирлаш ҳисобланади. Қисмат унга "арслон қудратини" бахш айлаганига инонганидан Ҳамлет ахлоқий-маънавий таназулни тўхтатса, бўлади, деб ўйлайди. Лекин ҳаёт уни шундай аччиқ ҳақиқатларга юзлаштирадики, инсоннинг феъл-атвори, ижтимоий, маданий қиёфасини ўзгартириш муаммоларнинг энг муаммоси эканини у тан олишга мажбур бўлади. Шунда ҳам Ҳамлет инсон ҳақидаги олий тушунча ва иқдорларидан чекинмайди. Ҳамлетнинг мутафаккирлиги ҳам ана шунда. "Сўнгги пайтларда негадир бутун хушчақчақлигим ва машғулотларга бўлган иштиёқимни йўқотиб қўйдим, - дейди у. - Шу қадар шикастаманки, шу коинот гулшани, шу курраи замин кўзларимга унумсиз, тап-тақир бир қоя бўлиб кўринади, самовотта туташган мана шу чексиз ҳаво чодир, заррин шуълалар

билан музайян ана шу шоҳона гумбаз назаримда, қўланса ва заҳарли бугларнинг йиғиндисидир, холос. Табиатнинг қандай ажойиб хилқатидир инсон! Унинг заковати қанчалар баланд! Лаёқати нақадар чексиз! Суврат ва сийрати нақадар мумтоз ва мукамал! Туриш-турмуши фаришталарга нақадар яқин! Назар-ниҳояти Тангри таолога қанчалар қарин! Оламнинг зийнати! Тамоми тирикликнинг тожи давлати..."

Модомики шундай экан, Ҳамлетнинг одамлардан нима учун ҳафсаласи пир бўлади? Офелиядан ҳам совиб, ўлимга - била туриб, нега ажалга қучоқ очади? Ҳаёт ва мамот масаласини у ўзича шундай ҳал қилган эди:

Ё ҳаёт, ё мамот: масала шундоқ.

Жоизмикин ул жобире жаббор фалакнинг

Жафосига ҳар дақиқа чигаса юрак?

Ё балолар денгизига кўндаланг бўлиб,

Койишлару ташвишларга чек қўймоқ керак?

Ўлиш. Ўзни унутиш. Бас, тамом - вассалом:

Рухий изтироблар, таннинг азобларига

Биламизки, чегарадир шу оғир уйку...

Бу фикрларни ҳар ким ҳар хил қабул қилиши, ақл ва тафаккур даражасига қараб турлича изоҳлаши ёки баҳолаши табиий.

Кимдир "Бу - фирт ожизлик!" дер. Бошқа биров "Бу - касалманд хаёл ҳукми", деб айтар. Яна кимдир бундан ҳам кескинроқ гапирар. Ҳамлет эса бундай эътироз ва айбномаларга "Одамнинг энг биринчи вазифаси ва олий бурчи - Одам бўлиш", деган жавоб билан кифояланарди. Унинг ўзидан ҳам, ўзгалардан ҳам асосий талаби шу. Ихтилофга туб сабаб ҳам мана шу.

Шарқда ақл - ақли кулл, ақли жуз - улур ақл ва кичик ақл дея иккига ажратилган. Ақли кулга - илоҳий ақл, ақли жузга - ақли маош, турмуш ва тирикчилик ташвишларидан четга чиқолмайдиган ақл ҳам дейилган. Башариятнинг асосий қисми ҳамиша паст босқичдаги ақли жуз бошқарувида кун ўтказган. Бу ақл одамни моддий оламга боғлаб, парчинлаб ташлаши боис ўзининг тор, биқиқ чегарасидан нарини кўриш, шаҳодат дунёсидан йироқроқдаги ҳодиса ва ҳақиқатлар мушоҳадасига изн бер-

маган. Ва маърифат, ишқ кашф қилган нарсаларни ёлғонга чиқариб, инкор қилган. Ҳолбуки, фақат суратни кўриб, ёлғиз зоҳирга суяниб, ҳақиқат дейиш - бу тинимсиз зайлда шайтон ишини такрорлашнинг худди ўзи. Агар Иблис Ҳазрати Одамнинг тупроғдан яратилган вужудини кўриш билан чекланмасдан, унинг руҳи, диний салоҳиятини ҳам англай билганда эди, балки, Ҳақнинг қаҳр ва лаънатига йўлиқмасди. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, Ҳамлет "Ҳаммамизни кўрқоқ қилиб кўяр тафаккур, Ноқис ақл сочган ўша хира шуъладан, Азму қарор ранги ўчиб, бўзрайиб қолур...", деганда ақли жуздан юзага келадиган авбошлик, зулм, муноқаша ва майдакашликларга диққатни қаратган.

Машҳур "Утопия" китобининг муаллифи англиялик Томас Мор золим ҳукмдор тўғрисида баҳс юритиб, "Ўзгалар оҳ-воҳ чекиб йиғлаётган бир пайтда дабдаба ва ҳузур-ҳаловатда кун кечириш - бу давлатга эмас, зиндонга қоровул бўлиш демак", деб таъкидлайди. Ҳамлет эса "Дания - зиндон" дейди. Розенкрацнинг "Унда бутун дунё - зиндон", деган фикрига жавобан айтадики, "Балли, кўплаб қамоқхоналари, чоҳлари бўлган ғаройиб бир зиндон, лекин энг қулинг ўргилсини - шу Дания".

Ҳамлет ҳақлимиди шундай дейишга? Ҳа, ҳақли эди. Дания давлати қотил қирол қўлига ўтган. Унинг бутун фикру зикри жиноятни бекитиш, Ҳамлетни авраб-алдаб, ўртадан йўқотиш. Аҳли сарой шу телбасифат ҳукмдор кўнглини овлаш, фармойишини бажариш билан овора. Халқ эзиладими, инграйдими, ўлиб ё тириладими - бу билан бировнинг иши йўқ. Ҳамлетни мана шу даҳшатга солади. Зулм ва разолат занжиридаги Дания уни беҳад бездириб, эзиб юборади. Ҳамлет бир вақтлар: "Замон издан чиқди, о, бу машғум бир алам, Уни изга солмоқ учун туғилгандайман", деб ўйлаган бўлса, ниҳоят ҳаммасидан чарчайди. Ҳамма-ҳаммасига қўл силтайди: ҳатто севгилисига ҳам.

Издан чиққан замонасини Ҳамлет изга сололмайди. Мурод-мақсадига эришолмайди. Аммо у мағлуб ҳам эмас эди. Тафаккур ва виждонда, тўғрилиқ ва ҳақиқатда енгилмаган Шахсни мағлуб дейиш ноинсофлик. Шу маънода Ҳамлет голиб эди. Музаффар эди. Муҳаббатда ҳам шаҳзода йўлни тўғри танлай билганди.

Ҳамлетнинг кўнгли совиганини сезган Офелия севги-
лисидан олган ҳадыларни қайтара туриб дейди:

*Энди ола қолинг, чунки номусли қизлар,
Бевафонинг совғасига назар солмаслар.*

Марҳамат.

Ҳамлет: О, сиз номусли қизмисиз?

Офелия: Милорд?

Ҳамлет: Яна латофатлисиз?

Офелия: Нима димоқчи бўласиз, шаҳзодам?

Ҳамлет: Димоқчиманки, номусли ва латофатли бўлсан-
гиз, сиздаги номуснинг сиздаги латофатга сира алоқаси йўқ.

Наҳотки! Офелияни Ҳамлет яхши кўрганми? Яхши
кўрган. Маъсумлигига ишонганми? Ишонган. Нима учун
яна ажаблангандай, қизнинг устидан кулгандай, уни ка-
лака қилгандай, "О, сиз номусли қизмисиз?" дея сўраш
керак? Умуман олганда, Офелия бегуноҳ. Бироқ у ким-
нинг фарзанди? Қандай муҳитда тарбияланган? "Ҳамлет
унда бузуқ сарой муҳрини кўрган... Оддий маънода Офе-
лия покиза, айни пайтда у - қандайдир нопокликнинг бир
парчаси ҳам", дейди инглиз олими Кетти. Офелияга нис-
батан Ҳамлет балки ҳаддан зиёд шафқатсизлик қилган-
дир. Савол ханжари ила маъшуқаси кўнглини тилиб таш-
лагандир. На чора? Ахир, ким биландир тақдирини боғ-
лаётган кишига насл-насабни унут деб бўлмайти-ку! Ай-
ниқса, Ҳамлетга!

Одам қисмати чини билан жуда чигал. Бир "тутун" очил-
са, иккинчиси очилмайди, бир "ришта" боғланса, бошқа
бири чирт узилади. Ҳамлет Офелияга "Мен сизни севма-
ганман", деса-да, ундан кўнгли узолмайди. Поклик, му-
саффолигини асра, деган мазмунда: "Ҳеч биримизга
ишонма. Яхшиси узлатга чекин... Қордек оқ, муздек му-
саффо бўлсанг ҳам, тухматдан қочиб қутулолмайсан. Уз-
латга чекин, узлатга..." дейди.

Дарвешлик маслағида узлат гуноҳ ва гуноҳкорлардан,
жаҳл ва жоҳиллардан четлашиш. Шунингдек, ўткинчи ва
кераксиз ишларга машғул бўлиш билан умр кечирадиган
мунофиқ, товламачилардан узоқлашмоқдир. Узлат деган-
нида Ҳамлет шундай маъноларни кўзламаганми? Балки у
Офелияни роҳибаликка ундагандир? Нима бўлмасин,

Ҳамлетнинг қайта-қайта "Узлатга чекин, узлатга" дейишида шарқлик дарвеш ёки мутасаввиф нуқтаи назарига тескари бир иддао йўқ.

Хуллас, "Ҳамлет"нинг аслиятдан таржимаси, асар моҳияти ва бадиий оламини янада кенгроқ, пухтароқ билиш, унга янада яқинлашишга илҳомлантириши шак-шубҳасиздир.

VIII

Эски манбаларда айтилишича, бир ҳоқон хат ёзганда, ўзини мамнун этадиган даражада гўзал бўлса, дарҳол уни йиртиб ташлаб, бошқа бир мактуб битар экан. Ундан бунинг сабабини сўрашганда, "Чиройли сўз кибр воситаси бўлур", деган. Қадим Хитой файласуфи Лао Эр эса "Чиройли сўз - ёлгон сўз", дейди. Бадиий ижодда сўзнинг гўзали - деҳқондай оддийси, табиийси, дард билан топишгани. Маъно агар тоза бўлмаса, чуқурлик касб этмаса, самимиятта инонтиролмаса, сўз жарангию, туйғу жилави ёқимсиздан ёқимсиздир. Шекспирнинг матн устидаги меҳнатини тасаввур этсанг, беихтиёр "Сўзнинг жонига, чидамига балли!" дегинг келади. "Отелло"нинг охириги сахналаридаги драматик манзаралар, Дездемона ва Отеллонинг ўлим олди ҳолатлари - буларни сўз билан гавдалантирмоқ учун сеҳргарлик керак. Шекспир эса ҳақиқатда сўзнинг магик куч-қувватидан фойдалана билган санъаткор. Ўлмас "Отелло" трагедияси ҳам бунинг бир мисоли. Нечоғлик қайғули, мунгли бўлмасин, у дунёдаги энг гўзал севги қиссаларидан биридир. Бу қисса жозибаси қишини сархуш айлайди. Отеллони ошиқ десангиз - мард ошиқ, Дездемонани маъшуқа десангиз - дилбар маъшуқа. Юрак-юрақдан бир-бирига уларнинг талпиниши, ҳис-туйғулардаги муштараклик лаҳзалари бир тушга ўхшайди. Румийнинг бир ажойиб рубойиси бор:

Дилдор зариф аст, гуноҳаш ин аст,

Зебову латиф аст, гуноҳаш ин аст.

Охир ба чи айб мегурезанг аз ў?!

Аз айб афиф аст, гуноҳаш ин аст?

Мазмуни: дилдор нозикфаҳм, зийрак, гўзалдир - гуноҳи шу. Ниҳоятда зебо ва латофатлидир - гуноҳи шу.

Ахир, нима айби учун ундан қочишади? У мутлақо беайб мусаффордир - гуноҳи мана шу! Ушбу сўзлар гўёки Дездемонани ўйлаб, шу санам таърифи учун битилганга ўхшайди. Унинг ҳам "гуноҳи" - латифлиги, "айби" - покизалиги. Отелло дилида кўзгалган ишқ ва номус кураши ҳамма тоза ҳисларни кул қилиб юборишини у ақлига яқин ҳам йўлатолмасди. Ахир, Дездемона аслзода, саркарда араб ўғло-нининг жону жаҳони эди. Эри уни мажнун бўлиб севганди.

Туҳмат балоси кутилмаган ёқдан Мавр қалбига чанг солади. Яго отлиғ малъун Отеллони шундоқ аянч бир ҳолатта соладики, у англаб-англолмай, кўриб-кўролмай, эшитиб - ишоналмай қолади. Жангу жадалларда чиниққан, не-не хавфу хатарларни енгиб ўтган софдил, матонатли бир шахс Ягонинг қўғирчовига айланади. Нима учун? Отелло шарқлик. Шарқ одами инончлидир, қалбга, қалб таассуротларига тез ва осон берилади. Кўнгили, номус дейилдими - ҳаммасини унутади. Кўнгили ҳаётига алоҳида аҳамият берганлигидан у ҳиссиётли. Серҳаяжон. Шу боисдан кўп ҳолларда унинг ҳис-туйғуларини ақл жиловлолмай қолади. Шунда у узоқни кўролмайди. Шунинг оқибатини холис муҳокама этолмайди. Отелло образини яратишда Шекспир масаланинг шу томонларини тўла-тўқис инобатга олган эди. Отеллога Яго ҳужум бошлаган илк "майдон" - Маврнинг ишончи бўлганлиги тасодиф эмасди:

Унинг менга эътимоди, ишончи баланд,

Бу қўл келар ниятимнинг ижроси учун.

Ягонинг Кассиога ҳам адовати бор: у кўз тиккан мартабага Кассио лойиқ кўрилган. Демак, унинг ҳам илдиизига болта урмоқ шарт. Флоренциялик Кассио келишган йигит. Дездемонанинг ҳурмат-эътибори унга ёмон эмас. Пайт пойлаб "қора араб"нинг қулоғига "Кассио хотининг билан опоқ-чопоқ..." деб қўйилса - вассалом:

Мавр табиатан софдил, содда эмасми,

Бу гапларга ишонади, лаққа тушади.

Ҳа, муқаррар шундоқ бўлур: жаҳаннам ва тун

Ёпирилиб, босар жумла жаҳонни бутун...

Булар ҳали режа, натижага қадар бўлган йўлни додирамасдан босиб ўтиш лозим эди. Бу йўлчиликда ўзни қандай тутиш, қандай "ҳунар"лар кўрсатиш, қанчалик

тубанлашиш - Шекспир буларни доҳиёна бир санъат билан тасвирлаб берган. Яго характерининг ғоявий-бадий талқини - инсон моҳиятини очишдаги Шекспирнинг буюк хизмати ҳисобланади. Одам қалби ва номусига Яго ўтказган зулм ва жафо жаҳаннамда ҳам учрамас. Отеллонинг шубҳа оташида ўртаниб ёнишлари, "Мен кўкларга совураман ишқимни буткул, Қўзғол бўм-бўш жаҳаннамдан, қора интиқом!" дея оқ-фарёд чекишларини тинглаб, дўзах азоби ҳам бунчалик бўлмасов, дегинг келади.

Қабохатни Яго макр ва ҳийла ила яшира оладиган кимса. Ғафлат қопқонига тушган Отелло буни на сезади, на гумон қила олади. Унингча, "Яго - ҳалол йигит". Доно одам. Ягонинг кимлиги ва қилмишларини хаёлга келтирмаса ҳам унга "Мен биламан, оқибатли, номуслидирсан", дейди. Ҳолбуки, Яго алақачон унга қарши ичдан жанг эълон қилиб, қасосга бел боғлаган. Сабаб нима интиқомга? Биринчи сабаб - ҳасад. Отелло тагли-тутли мард йигит. Мартаба-мавқеи ҳам баланд. Дездемонадай ифбатли, доно, садоқатда тенгсиз бир малакнинг умр йўлдоши. Мана шуларнинг барчаси Яго бағрини тилка-пора этади. Табиатан у аҳмоқ, овсар, ҳавоий бир кимса эмас. Қатъиятсизлик, бўшанглик, ўз фойдасини билмаслик, фикр-сизликни Яго ёмон кўради. Масалан, Микель Кассиога "Қари бир қизчалик фикр этмайдиган зот. Нарӣ борса, китобий бир билим эгаси... Гап сотишга уста, лекин амалдан йироқ", дея баҳо беради. Умуман, давлат мулозимлари, амалдорлар тўғрисидаги мулоҳазаларига ҳам эътироз билдиролмайсиз:

Биласизки, қанча содиқ муштаҳамлар бор.

Хўжайинга хизмат қилар, тизза чўкиб хор...

Лекин бордир яна бошқа мулозимлар ҳам -

Кўринишда садоқатнинг тимсоли, аммо

Юраклари ўзларидан ўзгани билмас.

Хўжайини учун куйиб-пишади гўё,

Аслида-чи, ҳамёнини тўлдиради, бас.

Бошқанимас, ўз-ўзини эъзозлайди, ҳа.

Ўйлайманки, бундайларда ақлу тамиз бор.

Тақсир, мен ҳам шундайларнинг бири бўламан...

Ўзгаларни танқид қилиш, айблаш осон. Ўзини икки-юзламачи, ўзидан бошқани ўйламайдиган юлғичлардан бири сифатида эътироф айлаш - бунақаси бениҳоя сийрақ учраса керак. Бу ўринда масаланинг бошқа бир жиҳати, тўғрироғи, асосий қирраларини унутмаслик лозим. Юзига ниқоб тортиб яшайдиган кимса асл қиёфасини кўрсатмасликка уринади. Дили ҳасадга таслим кишининг рости нимаю, ёлғони нима - буни фарқлаш мушкул. Яго шунақа махлуқ. Ҳасад ва хусуматдан ичи қорайиб кетган, бироқ ҳеч тап тортмасдан "Мен - бир оққўнғил одам...", деб сўзлайверади. Отелло қалбида рашк оловини гуриллатиб, Мавр аҳволига ачингандай "Тангрим, авлодимни асра рашк балосидан!" дея илтижо қилади. Суврат ва сийрат бирлигидан у тамоман йироқ, лекин Отелло ишончига янада чуқурроқ кириб боришни кўзлаб, "Бир хил бўлур эр кишида суврат ва сийрат, Агар бир хил бўлмас эса, унга минг лаънат" демоққа куч топади. Зўр келганда эса ўзни "фош айлаш" орқали яшириниш "усули"ни ишлатади:

*... Бир ўлат бор каби гўё табиатимда -
Ҳамма жойда излаганим нуқул хиёнат,
Хиёнатни кўргангайман ҳар бир қадамда...*

Бу гап ҳам дил қаърида хуруж қилиб ётган хиёнатни хаспўшлаш мақсадида айтилган.

"Қора қўчқор", "араб айғири", "қора шайтон" дея таҳқирлагани Отеллодан Ягонинг жабр чеккан бир жойи йўқ. Кассио билан муносабати хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Маълумки, шубҳа, гумон ахлоқий кучсизлик, маънавий ожизликнинг асосий "унсур"и. Туҳмат ва бўҳтон ана шуни бекитишнинг жирканч бир усули. Яго ҳам шу усулга ёпишади:

*Аён гапки, мен Маврни ёмон кўраман,
Хотиним-ла дон олишган деган гаплар бор.
Аниқ билолмадим, бу гап чинмигир, ёлғон?
Лекин менга кифоягир ана шу гумон...*

Ягонинг Маврни ёмон кўриши рост. Хотини билан "дон олишган"лиги ҳақидаги тахмини ёлғон. Бу уйдирмага унинг ишонмаслиги шундоқ билиниб турибди. Асл мақсад Отелло

бағридан Дездемонани юлиб олмоқ: "Хотиним-чун хотинини олмагунча то Бирор нарса юрагимга бермас тасалли..."

Хуллас, Яго "универсал" қаҳрамон. Ҳар бир ижтимоий табақанинг - ишчи ёки у хизматчими, ижодкор ё олимми, санъаткор ё дин аҳлими, бундан қатъий назар, ўзининг яголари бўлади. Яго фалсафасининг асосий мазмуни эса, "Мен ёлғиз ўзимга хизмат қиламан! Ўзим учун яшайман..."

IX

Шекспир яратган образларнинг аксарияти - ҳамма давр, барча замонларга мансуб образлар. Давлат ва салтанат бор экан, у ёки бу минтақада, у ё бу тарзда Ҳамлет ғам-кулфати қайтарилаверади. Қирол Лир оламдан ўтиб кетгани билан Лирни йўлдан оздириб, манманлик жарига қулатган майллар ўлмаган... Мустабидлик тарихи - узоқ ва давомли тарих. Демак, Макбетни унутишнинг иложи йўқ. Қанчадан-қанча одамлар сохта саховат, бетайин ҳиммат қурбони бўлишган. Шўрлик Тимон аҳволи уларниқидан минг карра аянчли. У бири-биридан риекор, беоқибат хушомадгўй - нафс бандаларига инониб, бор-будидан ажралади. Одамга қанча ишонган бўлса, ўшанча ундан безади ва қочади. Ала-лоқибат, унинг кўзига жумлаи жаҳон талончихонага ўхшаб кўринади:

*Йўқол ҳамманг! Аямасдан бир-бирин таланг,
Ўзингиздан нафратланинг. Ҳа, мана олтин:
Олинг, яна учраганни сўйинг, бўғизланг,
Унутмангки, учраганнинг бариси - ўғри...;*

Бойлик ҳукмрон, пул, олтин ҳирси ғалаён айлаган жойда бундан бошқача бўлмайди. Афиналик сармоядорнинг мусибати курраи заминда бир хил.

Тимон образи орқали Шекспир инсон психологиясининг энг мубҳам, айтиш жоизки, энг қоронғу "гўша"ларини ҳам ёритиб берган. Шу қадар реал ёритганки, Тимоннинг "Сенга ёлғиз бир шартим бор: одамлардан қоч! Ҳаммасига лаънат ўқи! Шафқатни унут..." деган сўзлари ўқувчида кескин эътироз туғдирмайди. Зеро, алданган, хушомад ва мақтовга буркаб ташланган, дўст, биродар, улфатим деган кимсалардан чўнг оқибатсизлик кўрган

одам "Мен севмайман, жирканаман аҳли башардан!" дейиши райритабий бир иқрор эмас. "Афиналик Тимон" - бу ҳаёт сахнаси. Ҳаётда Тимонникига монанд саргузашт ва фожиалар тез-тез учраган, ҳозир ҳам бор, кейин ҳам такрорланаверади. Бироқ Тимон айтган юқоридаги фикрларни асло қабул қилиб бўлмайди. Бу образ, инсонни чуқурроқ билмай юракка яқинлатиш, аҳмоқона ҳотамтойлик кишини қандоқ боши берк кўчаларга тортқилаши ва устига қандай бало-қазолар ёрдиришини тушуниш маъносида ибратлидир.

Шекспир трагедияларидаги образлардан кўпчилигининг тақдирини ва аҳвол-руҳиясини кишини қаттиқ ўйлатади, фикрдан фикрга, зиддиятдан зиддиятга йўл очади. Бунча ёвузлик, бунча ҳасад, хусумат, бунча макр, риё, бу қадар кийну адоват, қаҳру вазаб инсон қалбига қаёндан ва қандай қилиб кириб боради? Қандай томир ёзиб, улғаяди? Бошқа бир юракни қандай маҳв айлайди?

Буюк Шекспир ана шундай саволларга - асрлар мобайнида башариятни қийнаб, қақшатиб келган жумбоқларга жавоб излаган. Унинг изланишлари - санъаткор, файласуф, муаррих ва мутафаккир куйиб-ёнишларини ўзида мужассамлаштирганлиги билан ҳам алоҳида қиймат касб этади. Шекспир учун тарих бир восита. У трагедияларида асосан ўзи яшаган ҳаёт ғам-ғуссалари, одамлар орасидаги тортишув ва курашлардан юзага келган фожиаларни акс эттирган. Шекспир одам бундоқ бўлмоғи керак, мана сенга идеал инсон тимсоли, деб таъкидламаган. Аксинча, кўзни каттароқ очиб қара, фикрла: мана, сен мақтаган, улуглаган инсоннинг аҳволи, яхши ва ёмонлиги; бир-бирига муносабат, ҳаётдаги ўрни, деган тушунча асосида ижод қилган. Яғони ким дейсиз? Одамми у? Яғо жасади ичидаги ҳасад, худпарастликнинг олий тимсоли. Қанча яхшилик, қанча ҳиммат ва меҳрибонлик кўрмасин, бари бир Яғо разил - ёмонлик қилади. Хатто Макбет унчалик мараз ва жирканч эмас. Уни писмиқлик ёки қўрқоқликда айблай олмайсиз. Макбетдаги ҳокимиятпарастлик, мустабидлик ҳирси - даҳшат.

Хуллас, ҳаёт ҳақиқатларига содиқликда, инсон табиатида хос - хоҳ манфий, хоҳ мусбат, хоҳ юксак, хоҳ тубан ва жирканч - ҳар қандай ҳис-туйғу, фикр ва тушунчани

бўямай, бежамай характер яратишда Шекспир панжасига панжа урадиган санъаткор жаҳон адабиётида камдан камдир. Вақт бир жойда тўхтаб қолмаганидек, давр ўзгариб, замон алмашилиб бораверади. Шекспир асарлари мазмун-моҳиятига булар соя ташлай олмани сингари, гоъвий-мафкуравий тўсиқ ҳам қўёлмайди. Шекспир асарлари бемалол ошиб ўтадиган, инсоният мавжуд экан, таъсири сусаймайдиган ҳис ва ҳақиқатларни тасвирлаб берган. Дездемона - софлик ва садоқат маъбудаси. Ҳеч бир давр кишиси унга бошқача баҳо беролмайди ва уни ўзгача қиёфада тасаввур ҳам этолмайди. Ягочликни илди-илдиздан қуритиш - бу Одам қавми қони ва жонидан ҳасад, адоват, қасос ҳирсини йўқотиш демак. Бунинг эса сираям иложи йўқ. Демак, башарият Шекспирни ўқиб, ўрганиш, унинг инсоншунослик мактабидан таълим олишга ҳамиша муҳтож.

Х

Шекспир таваллудининг тўрт юз йиллиги муносабати билан Москвада босилган бир китобда "Шекспир Чехославакияда", "Шекспир Эстонияда", "Шекспир Болгарияда", "Шекспир Грузияда", "Шекспир украин адабиётшунослигида" номи остида мақолалар берилган. Шекспирнинг қанча юрт, қанча мамлакатга кириб борганлиги шу йўсинда аниқланадиган бўлса, дунёдаги ҳеч бир йирик давлат, ҳеч бир миллат номи четда қолмайди. Буюклик ва боқийликда бундан зиёд яна қанақа "ҳужжат" лозим? Биз ҳам "Шекспир, Ўзбекистонда" дейишга ҳақлимиз.

Шекспир драмалари таржимасига қўл урган ижодкорларни эсланг: Чўлпон, Ғафур Ғулум, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор...

Дунёга доврў таратган Шекспир трагедиялари қаҳрамонлари ролини ўзбек театри сахнасида ижро этган актёрлар кимлар эди? Аброр Ҳидоятлов, Олим Ҳўжаев, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳон, Наби Раҳимов...

Бундан йигирма икки йил муқаддам Она тилимизда Шекспир асарларининг беш жилда босилиши маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлган эди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида Ўзбекистон халқ шоири Жа-

мол Камол томонидан илк бора инглиз тилидан ўтирилиб, Шекспирнинг беш драмасини ўз ичига олган "Отелло" китоби нашр этилди. Таржимон аслиятдан ўтириш ишига киришиб кетиб, адибнинг ўн иккита энг етук асарини ўзбекчалаштиради. Бу айтишга осон. Бундай меҳнатни ундаш учун тил билишдан ташқари, Шекспир дунёсига зўр ихлос, юксак дид ва илҳом билан кира билиш ва чинакам шоирона маҳорат зарур. Таржимада аслиятдаги кўнгила оҳанги, руҳий манзара, маъно товланишлари ўзининг ёрқин ифодасини топмаса, китобхон уни қабул қилмайди. Бизнингча, Жамол Камол улув Шекспир қаҳрамонларини ўзбекчада нуқсонсиз гапиртира олган. Унда Сиз она тилимизнинг куч-қудрати, гўзал ва латифлиги, сеҳр ва жозибасини чуқур ҳис этиб турасиз. Тил - дилнинг калити, мазкур таржималарга биринчи гада мутахассислар, хусусан таржимашуносларнинг пири Файбулла Саломов юқори баҳо берганлиги бежиз эмас. Ўйлаймизки, уларнинг ҳар бири алоҳида ўрганиш ва фикр айтишга лойиқдир. Ҳукмингизга ҳавола этилаётган ушбу "Сайланма" бир таржимоннинг ўн икки таржимасини ўзида жамлаши ва китобхонларга етказиши билан ҳам алоҳида эътиборга молиқдир. Яна бир диққатга сазовор томони...

XI

Бизнинг дилкаш, меҳрибон шофирконлик бир акамиз бор. Ҳаётнинг оқу қораси, пасту баландини яхши билгучи, донишманд инсон. Энг севимли машғулоти - китобхонлик. Фикри меҳнатдан тўхтаб, занглаб қолмаганлиги боис ҳам кўп мутоала қилади. Тарихчи билан - тарихчидай, файласуф билан - файласуфдай сўзлаша олади. Мусиқа, адабиёт, хусусан, шеърят - жону дили. Навоий, Бобур, Қодирий ё Ойбекдан гап бошланса, кўзлари ёниб, баъзан ҳатто ёшланиб кетади. Рус адабиёти классикларини чанқоқлик ила ўқиб ўрганган. Масалан, Толстой бобо тўғрисида у киши билан соатлаб гурунглашмоқ мумкин. Ясная Полянага атай бориб, Толстой мазорини зиёрат ҳам қилган...

Хуллас калом, қайси бир мавзуда у киши билан суҳбашманг, дил яйраб, ақл қаноатланади. Ўтган йил охира-

рида у киши Жамол Камолнинг иттифоқо бир мақоласини ўқиб қолади. Буюк актёримиз Олим Хўжаевни хотирлаб ёзилган ўша мақолада шундай жумлалар бор: "Сабабдан-сабаб, дейдилар, раҳматли Олим Хўжаев сабабчи бўлди-ю, "Ҳамлет" таржимасига қўл урдим. "Ҳамлет" таржимаси сабаб инглиз тилини ўргандим. Инглиз тилини билганим боис Шекспирнинг энг етук ўн иккита асарини она тилимизга ўтирдим... Ва ниҳоят, мана, уларни яхлит ҳолда китобхонларга тақдим этиш орзусига тушдим. Уч жилда жамлаб, нашрга тайёрладим...

Аммо, ҳайҳот!... Бугун Олим Хўжаев йўқ... Ҳаттоки уларни нашр этиш учун зарур маблағ ҳам йўқ...".

Жамол Камолнинг куйинишини ҳам, ҳаяжонини ҳам тушуниш мумкин. Не-не машаққат билан, заҳмат чекиб қилинган таржималар қоғоз папкаларда жамланиб, босилмай ётса, албатта, кўнгида бундан ачиниш, куйиниш кайфияти уйғонади... Қолаверса, Шекспир халқимиз юрагидан жой олган, "Қирол Лир", "Отелло", "Ҳамлет", "Макбет", "Кориолан" каби шоҳ асарларни ўқиган, саҳнада кўрган элнинг бу буюк ижодкорга меҳру ихлоси бағоят балеанд. Биз маданиятимиз, маънавиятимизни Шекспир, Данте, Гёте, Бальзак, Пушкин, Толстой, Чехов... сингари даҳоларсиз тасаввур қилолмаймиз, мабодо шундай қиладиган бўлсак, унда ихтиёрий равишда маҳдудликка юз тутамиз. Оллоҳ ана шундан асрасин. Менинг ўйлашимча, ҳеч қачон бундай бўлмайди. Биз энди бировларнинг оғзига термулиб, чизган чизиги бўйича елиб-югурадиган миллат эмасмиз. Мутелик, ношудлик, қўрқув ва сотқинликдан қутулишга азм этган элмиз. Маданият, маънавият ва адабиёт атрофида бирлашув ҳам муқаррардир. Буни тасдиқлайдиган далиллар етиб ортади.

Мақола сўнггида Жамол Камол "Шекспир нашр этилади. Бу хайрли ишни қўллаб-қувватлайдиган олийжаноб инсонлар топилади", деганда адашмаган. Шунақа одамни бугун Шекспирнинг "ўзи" топганига нима дейсиз?

Биз сизга таърифлаган акамиз Шекспирга ҳам муҳиблигидан, "Отелло" китобини топиб, қайта ўқийди. Бу гал ўқишда "Ҳамлет" кўнглини янада кучлироқ ўртаса, "Афи-

налик Тимон" уни янги, ammo офир мушоҳадаю мулоҳаза-лар билан чулғаб олади. Рости гап, шу одам шарқлик бирор ижодкор китобини чиқозишга пул сарфласа, мен асло ажабланмасдим. Лекин Шекспирнинг уч жилдлик сайланмаси нашрига ҳомийлик қилиш ташаббусини бўйнига оларкан, бундан ҳам қувондим, ҳам ҳайратландим.

Демак, Шекспир биздан йироқ эмас. Демак, Шекспир яратган қаҳрамонларнинг дарди, ҳасрати, қайғу ва қувончлари, адашув ва изтироблари юртдошларимиз қалбида аск-садо бераверади. Зеро, Шекспир мероси - абадий сўнмас машғала. Унинг нури неча асрларким, дунё халқларининг кўнглини мунаввар этиб, ўз теграсида бирлаштириб келади, инсонларни инсонларга танитади, элларни элларга яқинлаштиради, ҳеч қачон зулматнинг зиёдан ғолиб келолмаслигига китобхонни ҳам, томошабинни ҳам ишонтиради, йўлдан адашганларга йўл кўрсатади, эзилган, жабру чекканларни суяйди... Кечмиш айёмлар тарихи буни яққол тасдиқлаб турибди.

Ўйлаймизки, маҳдуд мафкура бўғовларидан буткул халос бўлган ҳур ва эркин тафаккур шекспирхонликни янги босқичга кўтаради. Халқимиз Шекспирни ўқийверади. Шекспир асарлари бизга мангу маънавий йўлдош бўлиб қолади. Ва бу мислсиз ижод замонлар оша барча наслар учун маънавиятнинг юксак манзилларини ёритувчи ёрқин бир машғала ўлароқ, ярқираб, нур сочиб, яшайверади.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори



Қ И Р О Л Л И Р

(Беш пардали фожиа)

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Л и р - Британия қироли.

Ф р а н ц у з қ и р о л и .

Б у р г у н д ш а ҳ з о д а с и , г е р ц о г .

К о р н у э л ь ш а ҳ з о д а с и , г е р ц о г .

А л ь б а н и ш а ҳ з о д а с и , г е р ц о г .

Г р а ф К е н т , қ и р о л аъёнларидан.

Г р а ф Г л о с т е р , қ и р о л аъёнларидан.

Э д г а р - Г л о с т е р н и н г ўғли.

Э д м у н д - Г л о с т е р н и н г н и к о ҳ с и з т у в и л г а н ўғли.

К у р а н - с а р о й аъёнларидан.

Ч о л - Г л о с т е р у й и д а г и и ж а р а ч и .

Т а б и б .

С а р о й м а с х а р а б о з и .

О с в а л ь д - Г о н е р и л ь я х и з м а т к о р и .

Э д м у н д қўл о с т и д а г и б и р о ф и ц е р .

К о р д е л и я аъёнларидан бири, зодагон.

Ж а р ч и .

Г е р ц о г К о р н у э л ь н и н г х и з м а т к о р л а р и .

Г о н е р и л ь я , Р е г а н а , К о р д е л и я – Л и р н и н г қ и з л а р и .

Л и р аъёнлари, рицарлар, лашкар бошилар, чопарлар, сарой ходимлари, хизматкорлар.

Воқеа Британияда бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Қирол Лир саройида тахт жойлашган зал.

Кент, Глостер ва Эдмунд киришади.

К е н т

Мен қирол ҳазратлари герцог Корнуэлдан кўра кўпроқ герцог Альбанини хуш кўрсалар керак, деган андишада эдим.

Г л о с т е р

Биз ҳам шундоқ фикрда эдик. Аммо бугун қироллик тақсимланаркан, қирол улардан қай бирини кўпроқ хуш кўришини айтиш муаммо бўлиб қолди. Подшолик шундоқ тақсимландики, ҳар қанча синчиклаб қараманг, унинг қай бир бўлаги яхшироқ эканини билолмай, ҳайрон қоласан киши.

К е н т

Бу йигитча ўғлингизми, милорд?

Г л о с т е р

Ҳа, унинг дунёга келишида, сэр, менинг иштироким бор. Бу гапни айтавериб, ҳар гал хижолат чекавериб, энди кўникиб қолдим.

К е н т

Сўзингизга жилла тушунмадим.

Г л о с т е р

Сэр, бу йигитчанинг оийси сўзимни дарҳол тушунган ва шу туфайли қорни қапшайиб, уйда эри ҳозир бўлмасдан бешигида боласи пайдо бўлиб қолган эди. Мабодо мени гуноҳкор деб ҳисобламайсизми?

К е н т

Йўқ, модомики натижаси шундоқ мукамал экан, сизни гуноҳкор дейишга тилим бормайди.

Г л о с т е р

Менинг қонуний ўғлим ҳам бор, сэр, бундан бироз каттароқ, аммо шундоқ эса-да, бундан суюқлироқ эмас. Бу хумпар ҳеч кимсадан сўрамай-нетмай, дунёга келди-қўйди. Ойиси нозанин эди. Буни дунёга келтиргунча роса айшу ишрат қилганмиз. Мана энди ўғлим деб тан олиб турибман. Эдмунд, бу олий зотнинг кимлигини биласанми?

Э д м у н д

Йўқ, милорд.

Г л о с т е р

Лорд Кент бўладилар. Ёдингда тут, менинг олийжаноб дўстим, азиз биродарим.

Э д м у н д

Хизматингизга ҳамиша ҳозирман, милорд.

К е н т

Ишонаманки, биз яхши оғайни бўламиз.

Э д м у н д

Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан, сэр.

Г л о с т е р

У тўққиз йил хорижда бўлди, яқинда яна жўнайди. Бу ёққа қирол келяпти.

Карнайлар чалинади.

Лир, Корнуэль, Альбани, Гонерилья, Регана, Корделия ва аъёнлар киришади.

Л и р

Француз қироли билан Бургунд ҳокимин Бориб, дарҳол бошлаб келинг бизга, Глостер.

Г л о с т е р

Хўп бўлади, шоҳим.

Глостер билан Эдмунд чиқади.

Л и р

Энди ошкор этамиз
Юракдаги энг яширин ниятимизни.
Ҳамма билсин, қани, менга картани беринг,
Учга бўлдиқ мулкимизни, давлатимизни.
Шу қартайган елкамиздан давлат юкини
Ёш, навқирон елкаларга оширсак, кейин
Ўлим сари борсак, деймиз, судралиб юксиз.
Ўғлимиз Корнуэль, яна шундоқ севимли
Альбани ўғлимиз, ҳозир баён этамиз
Биз қизларга беражак ул бисотимизни,
Токи сўнгра бўлмагай ҳеч низо, можаро.
Французлар қироли ва Бургунд герцоги
Кенжа қизимизга ошиқ, харидор бўлиб,
Кутмоқдадир сарой ичра жавобимизни.
Хулласки, қизларим, айтинг, бугун сизни деб
Давлат билан салтанатдан кечар эканмиз,
Ким ортиқроқ ардоқлайди, севади бизни?
Сизда қанча балаң бўлса меҳру оқибат,
Бизда шунча юксак бўлур ҳиммат, саховат,
Гонерилья, тўнғич қизим, аввал сен гапир.

Г о н е р и л ь я

Отажоним, меҳрим нечук баён айлайин?
Ардоқлисиз кўзим нури, эрку нафасдан.
Қимматлисиз жаҳоннинг бор бойликларидан,
Ҳаёт, номус, саломатлик, ҳусну ҳавасдан.
Кимса борми отасини мендек севолган?
Бир севгики, сўйлай десам, тилларим ожиз,
Нафасларим бўфилади, шундоқ севаман!

К о р д е л и я

(Четра)

Корделия, нима дейсан энди, ўйлагил,
Нима дердинг? Севар бўлсанг, сев-да, сукут қил.

Л и р

(Гонерильяга)

Шу ўлкани у сарҳаддан бу сарҳадгача,
Салқин ўрмонлари, дала, ўтлоқлари-ла,
Шарқираган дарёлари, ирмоқлари-ла
Сенга бердим, бир умрга тасарруф айла.
Яйраб яшайвергил унда Альбани билан.
Сўз навбати сенга етди, гашир, Регана.

Р е г а н а

Опам билан бирдек бизнинг табиатимиз,
Қийматимиз айни. Менинг айтар сўзимни
Опам айтиб бўлди, айтди муҳаббатимни.
Сизга меҳрим чексиз, яна этсам илова,
Хукмдорим, бу дунёда шу муҳаббатдан,
Шу севгидан бўлак менга шодлик, севинч йўқ.

К о р д е л и я

(Четга)

Шўрлик Корделия! Йўқ, мен шўрлик эмасман,
Муҳаббатим устун менинг айтар сўзимдан.

Л и р

(Реганара)

Сенга, сенинг авлодинга этдик арғумон
Буюк салтанатнинг учдан бир ҳиссасини,
Гўзаллигу кенгишликда, унумдорликда
Гонерилья ҳиссасидан сира кам эмас.

(Корделияга)

Қани, бизнинг қувончимиз, кенжатоимиз,
Не сўзинг бор? Илтифотинг кутишар бугун
Французнинг майи билан бургуна қаймоғи.
Қани, айт-чи, опаларинг ҳиссасидан ҳам
Салмоқли ҳиссани биздан ундирмоқ учун
Нима дейсан, қизалогим?

К о р д е л и я

Ҳеч нарса, шоҳим.

Л и р

Ҳеч нарса, дедингми?

К о р д е л и я

Шундоқ, ҳеч нарса, шоҳим.

Л и р

Ҳеч нарсадан бирор нарса чиқмайди, ўйла,
Кейин сўйла.

К о р д е л и я

Мен бечора афсус чекаман,
Сўйлай десам, тилга келмас юракда борим.
Бир фарзанддек сизни жондан севаман, шоҳим,
Кам ҳам эмас, кўп ҳам эмас.

Л и р

Ҳой, Корделия,
Эс-ҳушингни йиғиб ол-да, сўзингни тузат,
Қисматингни барбод қилиб қўйишинг мумкин.

К о р д е л и я

Подшоҳим, менга ҳаёт бердингиз, кейин
Ювиб-тараб, ўстирдингиз муҳаббат билан,
‘Бош эгаман сизга бунинг шукронасига,
Ҳам севаман, ҳамда иззат-икром эгаман.
Опаларим ёлғиз сизни севар бўлсалар,
Айтинг-чи, не учун улар эрга тегади?
Мен бировга тегар бўлсам, ўша кимсага
Бағишлайман муҳаббатим, меҳрим ярмини.
Сўзим шуки, мен ҳеч қачон опаларимдек
Эрга теголмайман ёлғиз отамни севиб.

Л и р

Шу сўзларинг юракданми?

К о р д е л и я

Юракдан, шоҳим.

Л и р

Шу қадар ёшсану аммо шундай бағритош.

К о р д е л и я

Шу қадар ёшману шундоқ тўғри кўнгилман.

Л и р

Балли, ундоқ бўлса, ўша бисотинг бўлсин.
Қуёшнинг пок шуъласига қасам ичаман,
Ҳекатанинг асрорига, тун зулматига,
Бизга ҳаёт бериб, мамот бағишлагувчи
Осмондаги ялтираган юлдузларга ҳам.
Оталиқдан, унинг меҳру равобатидан,
Эл олдида сўзим шуки, буткул кечаман.
Энди менга бегонасан, ётсан, йироқсан,
Ёввойи скифлар ёки ўзга очофат,
Боласини ямлайдиган ваҳшийлар менга
Қанча ёвуқ бўлса, сен ҳам шунчалар яқин.
Менинг собиқ қизим.

К е н т

Шоҳим!

Л и р

Оғзингни юм, Кент!
Аждаҳо бор экан, унинг вазаби ҳам бор,
Сўрамасдан, бу орага бошингни суқма.
Мен ҳаммадан ортиқ унга меҳр қўйгандим,
Қариганда суйанчигим бўлар, дегандим.
Кет, кўзимдан йўқол! Бизга насиб этгувчи
Қабрдаги роҳат ҳақи этгум қасамёд,
Мен қалбимдан тамом юлиб отгайман сени.
Французлар қиролини чақиринг, келсин,
Нега анграясиз? Бургунд герцогин чорланг.
Корнуэль, Альбани, сизлар бўлишиб олинг

Бу учинчи ҳиссани ҳам. Эр топиб берсин
Унга ўша ҳақгўйлиги, кибру ҳавоси.
Сизга топшираман олий ҳокимият-ла
Бутун қўшинларим, буткул ваколатимни.
Юзта рицарь - баҳодирим қолур мен билан.
Ёлғиз қирол унвонию унга илова -
Юксак ному нишонларни сақлаб қоламан.
Кейин юриб галма-галдан, бир ой у қизда,
Бир ой бу қиз саройида яшайвераман.
Мамлакатнинг даромади, кучи, қудрати
Инон-ихтиёри энди сизга ўтади.
Содиқ ўғлонларим, сўзим исботи учун,
Мана, тожимни ҳам бердим, олинг бўлишиб.

(Уларга тожини узатади).

К е н т

Муҳташам Лир! Ҳукмдорим, олий ҳазратим,
Падар бузрукворим, хўжам, тожу давлатим,
Дуоларда ёд бўлгувчи валийънеъматим...

Л и р

Камоним тортилган, ўққа учма, ҳазир бўл!

К е н т

Майли, бўшат камонингни, найзани учир,
Отар бўлсанг, юрагимни мўлжал қилиб, от!
Лир ақдан озса, Кент ҳам кўпол бўлгуси,
Кўзингни оч, ҳой, нималар қилмоқдасан, чол?
Ҳокимият хушомадга бўйин эгганда,
Ҳаққоният индамасдан қараб турсинми?
Подшо жинни бўлса, унга дору - ҳақиқат.
Ўзингни бос, вазабингни жиловла, шоҳим,
Тож-тахтингни берма. Бошим гаров қўяман,
Кенжа қизнинг муҳаббати сенга зиёда,
Камсуқумлик - каммеҳрлик дегани эмас,
Бўш идишнинг кўпроқ бўлуру шовқин-сурони.

Л и р

Агар жонинг керак бўлса, тилингни тий, Кент!

К е н т

Жанг қилганман сенинг учун жонимни тикиб,
Шу жонимни яна сенга тикиб тураман.

Л и р

Кет, кўзимдан йўқол!

К е н т

Кўзинг каттароқ оч, Лир,
Қаршингдаги дўстингга сен ташлагил назар.

Л и р

Онг ичаман Ашполонга

К е н т

Ашполон шоҳид,
Беҳудадан-беҳудага онг ичмоқдасан.

Л и р

О, ярамас! Хоин!

(Қиличга қўл чўзади.)

А л ь б а н и в а К о р н у э л ь

Ҳай-ҳай, таҳаммул, шоҳим.

К е н т

Майли, ўлдир, 'шу беомон дардинга даво
Айлагувчи табибингни ўзинг чавақла.
Қичқираман, токи таңда бор экан жоним,
Қилган ишинг қабоҳат деб.

Л и р

Тингла, эй ғаддор!
Ўша садоқатинг ҳақи, эшиттил мени.
Сўзинг билан ўзгартдинг сен ниятимизни,
Бунақаси илгари ҳеч бизда бўлмаган,
Фикримизни айирдинг сен иродамиздан,
Бўйла бир ҳолатким, бизнинг табиатга ёт.

Мен соҳиб қудратман, мендан олгин мукофот,
Мукофотким, сenga беш кун муҳлат бераман,
Тайёргарлик кўриб, олис сафарга отлан.
Олтинчи кун тарк эт бизнинг музофотларни.
Ўнинчи кун қўлга тушсанг сарҳадимизда,
Билиб қўйки, қутилмайсан, ўлдим, деявер.
Жўна энди! Юпитерга қасам ичаман,
Ҳукм ўзгармайди, ушбу қарорим қатъий.

К е н т

Хайр, қирол, баски, кибру ҳавойинг кескин,
Ватанда бир қувғиндиман, гурбатда - эркин.

(Корделияга)

Қизим, сени паноҳида тутсин Худолар,
Чин гаширдинг подшога, ўйлаганинг чин.

(Регана ва Гонерильяга)

Сиз эса у тумтароқли севги сўзларин
Исбот этиб беринг энди ишда, амалда

(Ҳозир бўлганларга)

Ҳаммағизга хайр, энди Кентингиз кетар,
Ўзга ўлкаларда яшаб, дунёдан ўтар.

(Кетага).

Карнайлар чаминади.

Глостер қайтиб киради, у билан бирга француз қироли,
бургунд герцоги, аъёнлар.

Г л о с т е р

Шоҳим, қирол билан герцог кузурингизда.

Л и р

Жаноб герцог, аввал бошлаб сиздан сўраймиз,
Сиз муҳтарам қирол билан қизимиз хушлаб,
Бизга куёв бўлишликни этибсиз орзу.
Шу ниятдан қайтмай, қатъий туришингиз-чун
Биздан қанча мулку бисот истайсиз, айтинг.

Б у р г у н д г е р ц о г и

Шоҳим, ваъда этганингиз бизга кифоя,
Сиз ҳам рози бўлмагайсиз ундан камига.

Л и р

Аввал азиз эди бизга, қиймати балан,
Энди эса нарх-навоси тушди бу қизнинг.
Мана, қаршингизда турар, синчиклаб қаранг,
Шу кичкина надоматда майлингизга мос
Бирор нима тополсангиз, олинг сизники,
Бердим бошдан-оёқ, қаҳру вазабим билан.

Б у р г у н д г е р ц о г и

Мен бир нима дейишга ҳам ҳайронман, шоҳим.

Л и р

Бизнинг меҳру мурувватта бегона бўлиб,
Нафратларга дучор, дўсту ёридин жудо,
Қарғишлару лаънатларга қолган шу қизни
Оласизми, қўясизми?

Б у р г у н д г е р ц о г и

Авф этинг, шоҳим,
Бундоқ шартлар билан унга уйланиш қийин.

Л и р

Унда қўйинг, Худойимга қасам ичаман,
Ёлғиз санаб бердим унинг бойликларини.

(Француз қиролига)

Сизга эса, сўзим шуки, азизим қирол,
Асло раво кўрмас эдим шу фалокатни,
Нафратланиб, ўзим ёмон кўрган кимсани.
Ўзингизга муносибин топинг, табиат
Уялади бу бадбахтни яратиб ўзи.

Ф р а н ц у з қ и р о л и

Йўқ, ишонгим келмас, ғоят ғалати гаплар!
Боягина энг суюкли бўлган ойимқиз
Сизга юпанч, энг мақтовли, овунчофингиз

Не қилдиким, бир нафасда, дам ўтмай туриб,
Сизнинг меҳру мурувватдан айрилиб қолса?
Унга балаңд эди ахир, муҳаббатингиз.
Баски, бир нафасда уни совурган бўлса,
Қилган гуноҳи ҳам демак оғир шубҳасиз.
Аммо бунга ишонмайман, ишонмоқ учун
Бир мўъжиза юз бермоғи керак, вассалом.

К о р д е л и я

Аммо, шоҳим, ўтинаман, ёлғиз гуноҳим
Шул эрурким, йўқдир меңда алдов, хушомад.
Бегонадир ёлғон мақтов, шакаргуфторлик.
Қилар ишни қилгум, уни этмай овоза.
Тилим билан дилим битта. Айтинг барчага,
Қадрим тушган эса сизнинг назарингизда
Сабаби жиноят ёки қотиллик эмас,
На бир ахлоқсизлик, на-да чакки бир қадам,
Муҳаббатингизни меңдан айирган нарса
(Сизга у нуқсондир, аммо мен учун давлат).
Ялинчоқ кўз, хушомадли сўзнинг йўқлиги.
Йўқлигига мен хурсандман, гарчи бу нарса
Муҳаббатингизни меңдан айирса ҳамки.

Л и р

Менинг буңдоқ асабимга теккандан кўра,
Туғилмасанг яхши эди!

Ф р а н ц у з қ и р о л и

Бори гап шуми?
Тортинчоқлик боис тиниқ туйғуларини
Тилга келтирмаслик айбу гуноҳ эканми?
Жаноб герцог, маликага сўзингиз борми?
Ҳисоб-китоб қилиш асл муҳаббатта ёт,
Бегонадир, айтинг, унга уйланасизми?
Унинг ўзи шу ҳолича бойлиқдир, бисот.

Б у р г у н д г е р ц о г и

Муҳташам Лир, айтганингиз улушни беринг,
Мен кўлидан тутаман-да, эълон этаман
Қизингизни Бургундия маликаси деб.

Л и р

Йўқ, бўлмади, онг ичаман, қарорим қатъий.

Б у р г у н д г е р ц о г и

Таассуфки, отангизни йўқотиш билан
Сиз эрни ҳам йўқотдингиз, азиз маликам.

К о р д е л и я

Худо хайрингизни берсин, герцог, сиз учун,
Севги, муҳаббатмас, бойлик, манфаат афзал.
Сизга хотин бўлиш менга буткул нораво.

Ф р а н ц у з қ и р о л и

Гўзал Корделия, сенинг бойлик, давлатинг
Камбағаллигингдир, буни ёдингда сақла.
Ўзгалар рад этса, менга азизсан яна,
Ўзгалар хор этса, яна суюклироқсан.
Бор шу фазилатинг ила оламан сени,
Улар улоқтирди, нечун олмай ардоқлаб?
Эй Худойим, буңдоқ умум таҳқир олдида
Юрагимда муҳаббатим олди аланга.

(Лирига)

Йўқсил, гадо қилиб шундоқ қизингни, қирол,
Менинг раҳму шафқатимга ташладинг уни,
Маликаси бўлур гўзал Франциянинг.
Бургундия герцоглари юртин берса ҳам,
Шу бебаҳо гавҳаримни унга алишмам.
Корделия, хайр, дегил бемехрларга,
Бунда не йўқотдинг, барин топасан унда.

Л и р

У сеники бўлди, майли, ола қол, қирол,
Бизнинг буңдоқ қизимиз йўқ, бўлмаган сира.
Олиб жўна. Кўришга ҳеч тоқатимиз йўқ,
Йўқдир яна дуомиз, оқ фотиҳамиз ҳам.
Кетдик, герцог.
Карнайлар чалинади.

Лир, Бургунд герцоги, Корнуэль, Альбани, Глостер ва аъён-лар кетишади.

Француз қироли

Опаларинг билан хайрлаш.

Корделия

Хайр, дейман сизга, отам дурдоналари,
Корделия кетар энди кўзда ёш билан.
Мен биламан сизни, асл сийратингизни,
Синглингизман, шунинг учун оғиз очмайман.
Отамизга қараб туринг, айланг эҳтиёт.
Ёлгондакам меҳрингизга тошширдим уни.
Афсус, мени назаридан туширди, йўқса,
Топар эдим унга манзур, муносиб гўша.
Хайр, опаларим, хайр.

Регана

Бизга ўргатма.

Гонерилья

Ундан кўра, сенга шафқат қўлини чўзган
Эринг билан аҳил яшаб, кўнглини овла.
Отанг билан гап талашиб, ўжарлик қилиб,
Не ортгирдинг, ўз бошингни балога қўйдинг.

Корделия

Вақт - ҳакамдир, унинг барча ҳукмлари чин,
Бир кун ошкор этар ўша кимнинг кимлигин.
Яхши қолинг, опажонлар.

Француз қироли

Кетдик, гўзалим.

Француз қироли билан Корделия кетишади.

Гонерилья

Синглим, иккимизга алоқадор бир масала юзасидан гаплашиб

олсакми, дейман. Отамиз бугуноқ жўнашга қарор қилган кўринади.

Р е г а н а

Ҳа, шунақа. У аввал сеникига боради, келаси ой меникига.

Г о н е р и л ь я

У кексайганда айнаб, ғалати қилиқлар чиқазди. Кўрдинг-ку нималар қилганини. Биздан ҳам кўпроқ синглимизни яхши кўрарди. Ҳе йўқ, бе йўқ, оқ қилди-қўйди.

Р е г а н а

Бу - қарилик аломати, аммо илгари ҳам гоҳида кўпириб-тошиб турарди.

Г о н е р и л ь я

Қаримаган, навқирон йилларида ҳам ўлгудек ўжар эди. Кексайиб, жиззакилик ҳам қўшилди.

Р е г а н а

Бир кунмас бир кун Кентга ўхшаб, бизнинг ҳам таъзимизни берса, ажабмас.

Г о н е р и л ь я

Француз қироли билан қандай хайр-хўш қилганини кўрдингми? Кел, биргалашиб иш кўрайлик. Отамиз шундоқ амру фармон юритаверса, унинг тожу тахтдан кечганидан не фойда? Бу табиати билан бизни ҳам роса овора қиладиганга ўхшайди.

Р е г а н а

Ҳа, ўйлашимиз керак.

Г о н е р и л ь я

Ва пайсалга солмай, бир нималар қилишимиз ҳам зарур. Кетишади.

Иккинчи саҳна

Граф Г л о с т е р қасрида бир зал.

Қўлида мактуб ила Эдмунд киради.

Э д м у н д

Табиат, сен илоҳамсан, бўйин эгаман
Ёлғиз сенинг қонунингга. Шу сабабдан ҳам
Раd эгаман одатларнинг расму бидъатин:
Мени таҳқир этишаркан, қараб турмайман.
Ёшим акамдан кичикроқ, бунинг устига,
Никоҳсиз туғилганмишман, яъни, ҳароми.
Хўш, айтинг-чи, не демак у никоҳсиз ўғил?
Ақлим тиниқ, руҳим тетик, қоматим расо,
Камлик ерим борми магар менинг заррача.
Никоҳли у хонимларнинг ўғлонларидан?
Нега бизни "никоҳсиз" деб уришар ерга,
"Ҳароми" деб номимизга босишар тамға?
Ҳолбуки пар тўшакларда қонуний, ҳалол,
Уйқусираб яратилган аҳмоқларгамас,
Ногаҳоний яширин ул ишратлар аро
Яратилган биздекларга кўпроқ сарф бўлуw
Куч, эҳтирос оловлари, юрак оташи...
Мен оламан мол-мулкингни, қонуний Эдгар,
Отам меҳри, муҳаббати сенга зиёда,
Менга ҳам кам эмас лекин, қонуний акам.
"Қонуний!.." Бу сўзни қаранг, қандай жарангдор.
Эй, қонуний овагинам, шу хат агарда
Вазифасин ўтай олса, қонунсиз Эдмунд
Қонунийнинг елкасига чиқиб олади,
Гуркирайди, ҳаммаёққа доврўw солади.
Ҳаромзодаларни ўзинг қўллагин, Худо!..

Глостер киради.

Г л о с т е р

Кентни қувиб солди, ҳатто французларнинг
Қиролига хайру маъзур кўрмади раво.
Саройни тарк этди, тожу тахтидан кечди,

Бир нафасда шунча галва, шунча можаро.
Эдмунд, шундамисан? Гапир, не янгилик бор?

Э д м у н д

Ҳеч қандай янгилик йўқ, милорд.
(Хатни яширади).

Г л о с т е р

Нега хатни яширдинг?

Э д м у н д

Мен ҳеч қандай янгилик эшитмадим, милорд.

Г л о с т е р

Ўқийётганинг у... нима эди?

Э д м у н д

Мен ҳеч нарса ўқимадим, милорд.

Г л о с т е р

Ҳеч нарса, дейсанми? Унда нега шоша-пиша чўнтагингга яширдинг? Ҳеч нарса йўқ экан, уни яширишга не ҳожат? Қани, буёққа бер-чи. Ҳеч нарса ёзилмаган бўлса, уни кўзойнаксиз ҳам кўра оламан.

Э д м у н д

Ўтинаман, сэр, мени кечиринг. Бу мактуб акамдан. Ҳали ўқиб улгурмадим, кўз югуртдим, холос. Фикри ожизимча, уни ўқимаганингиз маъқул.

Г л о с т е р

Хатни бер, деяшман.

Э д м у н д

Уни берсам ҳам, бермасам ҳам, сизни ранжитаман. Мазмунига қараганда яхши мактубмас.

Г л о с т е р

Қани, кўрайлик-чи...

Э д м у н д

Умид қиламанки, акам бу мактубни фақат мени синаб кўриш учун ёзган.

Г л о с т е р

(Хатни ўқийди).

"Ана шу, қариликни иззат-эҳтиром қилиш деган нарса ҳаётимизнинг энг гўзал мавсумини заҳарламоқда. Бизни мол-маблағдан маҳрум этмоқда. Қариб-қартайганда на-сиб этадиган пул-маблағдан не фойда? Мен шу хулосага келдимки, бизни эзаётган қарилик зулми, истибдоди ўша бемаъни бидъат кучи, қудрати туфайлимас, биз унга сабру тоқат қилиб турганимиз боис ҳукм сурмоқда. Келсанг, шу ҳақда бафуржа гаплашардик. Агар отамиз уйқута толиб, мен уйғотмагунча ухлайверганда борми, даромадларнинг тенг ярми сеники бўлар ва сен аканг Эдгарнинг бир умрлик суюкли укаси бўлиб, қолардинг..." Ҳмм... Суиқасд!... Мен уйғотмагунча ухлайверганда, даромадларнинг тенг ярми сеники бўлар... Менинг ўғлим Эдгар!... Наҳот қўли қалтирамай, шу гапларни ёзибди? Бу гаплар унинг юрагига, миясига қандоқ сиғди экан? Бу мактубни қачон олдинг? Уни ким келтирди сенга?

Э д м у н д

Уни менга ҳеч ким келтирмади, милорд. Қизиги шундаки, уни мен топиб олдим. Кимдир деразамдан ташлаб кетибди.

Г л о с т е р

Бу акангнинг ёзуви эмасми?

Э д м у н д

Яхши хат бўлганда, милорд, бу акамнинг ёзуви деб қасам ичган бўлардим. Аммо хатнинг мазмунини мундоқ экан, уни акамнинг ёзуви дейишга тилим бормаиди.

Г л о с т е р

Бу - унинг ёзуви...

Э д м у н д

Милорд, бу хатни унинг қўли ёзган, аммо умид қиламанки, юраги иштирок этмаган.

Г л о с т е р

У сен билан аввал ҳам шу ҳақда гаплашганмиди?

Э д м у н д

Йўқ, асло. Аммо баловатта етган ўғиллар қариб қолган оталарининг мол-мулкани бошқаришлари лозим, дегани ёдимда.

Г л о с т е р

Вой, аблаҳ, вой, касофат-ей!... Хатда ҳам шу гапнинг худди ўзгинаси. Йўлдан озган, олчоқ! Кўрнамак! Тубан, ифлос ҳайвон! Йўқ, ҳайвондан ҳам баттар! Бор, уни чақриб кел, мен уни қамоққа тикаман. Жирканч ҳайвон! У қайларда юрибти?

Э д м у н д

Билмадим, милорд. Аммо менинг фикримча, аниқ, қатъий далиллар қўлга киритилгунга қадар ғазабингизни босиб турсангиз, ёмон бўлмасди. Ҳақли бўлмай туриб, кескин чоралар кўришингиз шаънингизга доғ бўлиб тушиши устига акамнинг сизга бўлган ҳафсаласини буткул пир қилиб қўйиши ҳеч гапмас. Ҳаётимни гаровга қўйиб айтаманки, бу мактубни у сизни қанчалар севишимни имтиҳон қилиш учун ёзган, ёмон бир ниятдамас.

Г л о с т е р

Сен шундоқ деб ўйлайсанми?

Э д м у н д

Истасангиз, ўзингиз эшитиб, ҳукм чиқазинг. Мен шундоқ бир жойда у билан гаплашаманки, сиз бемалол эшита оласиз. Буни орқага сурмай, бутуноқ кечқурун амалга ошириш мумкин.

Г л о с т е р

У шу қадар ёвуз бир махлуқ эмаски...

Э д м у н д

Йўқ, албатта.

Г л о с т е р

...уни жонидан ҳам ортиқ кўрувчи отасига шундоқ ёмонликни раво кўрса. Эй осмон, эй замин!... Эдмунд, уни қандай бўлмасин тоқ, кўнглини менга билиб бер. Ўтинаман, ақлингни йиғиб иш қил. Ҳақиқий гап нима эканлигини билиш учун мен ҳамма нарсадан кечишга ҳозирман.

Э д м у н д

Мен ҳозироқ уни излашга тушаман. Бор кучимни ишга соламан, кейин билганларимни сизга маълум қиламан.

Г л о с т е р

Мана, яқинда юз берган ой билан қуёш тутилишининг бизга келтирган оқибатлари. Олимлар бунинг сабабларини анов-манов деб қанчалар тушунтиришмасин, бари бир борлиқ мавжудот уларнинг асоратларини ўз танасида татиб кўради. Муҳаббат сўниб, дўстлик соврилиб, оғанилар бир-бирлари билан қир-пичоқ бўлишади. Шаҳарларда исён, қишлоқларда галаён, саройларда хиёнат авж олиб, ўғиллар оталардан юз ўгиради. Менинг кўрмак ўғлимнинг қилмиши ҳам ана шу башоратга тўғри келади. Бу ерда ўғил отага қарши. Ёки қирол билан боғлиқ можарони олиб қаранг, у ерда ота қизига муҳолиф. Энг яхши замонларимиз ўтди-кетди. Қаҳру ғазаб, сотқинлик, ҳалокатли ур-сурлар энди қабргача бизга ҳамроҳ бўлади... Сен ўша аблаҳни фош қил, Эдмунд. Кейин бу ишигдан афсус чекмайсан. Бор кучинг билан ҳаракат қил... Шундоқ аслзода, садоқатли Кентни қувгин қилишди-я... Нима учун? Ҳалоллиги учун!.. Тавба, дейсан киши.

(Ketagu).

Э д м у н д

Дунёнинг ажаб ишлари деб ана шуни айтишади. Бўкиб еб-ичиб, қилғиликни қилиб, кейин гуноҳни қуёшга, ойга, юлдузларга тўнкаймиз. Ақлсиз, нодон бўлсак, бу - гўё фалакнинг хоҳиш-иродаси. Аблаҳ, ўғри, хиёнаткор бўлсак, бунга ҳам самовий ҳолатлар сабабчи. Ароқхўр, алдоқчи, хотинбоз бўлсак, яна ўша кўкдаги ёритқичлар айбдор. Хуллас, қандай бир хунук иш қилмайлик, уни оқлашга, ёқлашга боис, баҳона тайёр. Инсон зотининг ажаб ҳунари бу - расвогарчилик қилиб, айбни осонгина юлдузларга афдарилш. Отам ойим билан Аждаҳо туркуми остида ишрат қилишган. Мен катта айиқ туркуми паноҳи остида туғилганман. Инчунин, қўпол бир хотинбоз бўлишим керак эди. Бекор гап! Кўкдаги энг маъсум юлдуз бошим узра чарақлаб турганда ҳам, мен ҳозир қандақ бўлсам, шундоқ бўлардим, бошқачамас. Мана, Эдгарнинг ўзи келиб қолди.

Эдгар киради.

Эски комедияларда бўлганидек айни фурсатда келди. Ўзимни Бедлам жиннихонасидан чиққан Томга ўхшатиб, маъюс тортиб тураман... О, бу ой тутилиши, кун тутилишлари бўлажак фалокатларнинг даракчисидир!.. Фа, соль, ля, ми...

Э д г а р

Салом, укам Эдмунд. Нечук ўй-мулоҳазалар ила бандсан?

Э д м у н д

Ака, мен китобларда башорат қилинганидек, қуёш, ой тутилишларидан кейин қандай воқеалар юз бераркан, деб ўйлаб турибман.

Э д г а р

Шунақа дегин?

Э д м у н д

Ҳа, худди шундай. Афсуски, ўша башоратлар чин бўлиб чиқяпти. Ота-оналар билан болалар орасининг бузилиши, ўлим-йитимнинг кўпайиши, эл аро қимматчилик-қаҳатчилик,

ўзаро ғанимлик, душманчиликнинг авж олиши, давлатнинг парчаланиши, авомнинг подшога, аслзодаларга қарши бош кўтариши, ҳаммани шубҳа-гумонлар чулғаб олиши, дўстларнинг ҳайдалиши, қўшиннинг тарқалиб кетиши, эр-хотинларнинг бир-бирига хиёнат қилиши ва ҳоказо, ва ҳоказолар.

Э д г а р

Қачондан буён мунажжим бўлиб қолдинг?

Э д м у н д

Майли, буни қўя турайлик. Отам билан сўнгги бор қачон кўришдинг?

Э д г а р

Кеча оқшом.

Э д м у н д

У билан гаплашдингми?

Э д г а р

Ҳа, икки соатча.

Э д м у н д

Қандай хайрлашдинг? Унинг сўзлари, кўз қарашлари-да бирор норозилик пайқамадингми?

Э д г а р

Ҳеч нарса пайқамадим.

Э д м у н д

Эслаб кўр, уни хафа қилиб қўймадингми? Худо ҳақи, сендан ўтинаман, у жаҳлдан тушиб, ҳовури босилма-гунча бир муддат кўзига ташланмай тур. Кўзига кўрингу-дек бўлсанг, биргина сўкиш, ҳақорат эшитиш билан қутилмайсан.

Э д г а р

Демак, қай бир аблаҳ мени унга чақибди.

Э д м у н д

Менинг ҳам хавотирим шундан. Илтимос. То у ўзини босиб олмагунча ўзинга эҳтиёт бўл. Юр, менинг ҳужрамга борамиз, у ердан туриб, отам сен тўғрингда нималар дейишини бемалол эшита оласан. Бўл, бора қол энди. Мана, калит. Ташқари чиқмоқчи бўлсанг, яроғингни олишни унутма.

Э д г а р

Яроққа не ҳожат, ука?

Э д м у н д

Мен сени фойдангни айтяшман, ака. Қуролланиб чиқ. Сенга нисбатан ёмон ниятим йўқ, ўлай агар. Кўрганим, эшитганимни айтдим, холос. Аслида аҳвол эшитганингдан юз карра баттар. Худо ҳаққи, бора қол.

Э д г а р

Билганларингни кейин менга айтиб берасанми?

Э д м у н д

Ишонавер, оқизмай-томизмай ҳаммасини айтаман.

Эдгар чиқади.

Отам соддадилдир, акам жудаям асл,
Унинг табиати макру ҳийладан йироқ.
Ишонади, шунчалар гўл, шу қадар ҳалол.
Энди менинг не қилишим равшандир, аён.
Баски, мерос ололмадим таваллуд билан,
Мен табиий ақлим билан уни оламан,
Бор чораву тадбирларни ишга соламан.

(Чиқади).

Учинчи сахна

Герцог Альбани қасрида бир хона.

Гонерилья билан Освальд киради.

Гонерилья

Отам унинг масхарабозини сўккани учун менинг мулозимимни калтаклагани ростми?

Освальд

Рост, маликам.

Гонерилья

Кеча-кундуз бузар тинчим, фароватимни,
Ҳар дақиқа бир машмаша, йўқдир роҳатим.
Сабрим битди, чидамайман, саройимизда
Навкарлари санқиб, шовқин, бебошлик этар,
Сал гапирсанг, кўмар таъна-маломатларга.
Овдан қайтса, истамайман гаплашишим.
Мени касал деб айт. Энди унинг олдида
Тавозию такаллуфни камроқ қилгайсан,
Оқибати учун ўзим жавоб бераман.

Освальд

Улар келишмоқда, ана, тингланг, маликам.

Бурғу садоси.

Гонерилья

Сен ва ўзга мулозимлар хизмат пайтида
Ўзни унга безътибор тутинг, беписанд.
Истайманки, булар унинг жигига тегсин,
Хушламаса, кетаберсин синглимникига,
Синглим билан бу хусусда гапимиз битта:
Ҳукмронлик қилишига изн бермаймиз,
Ўз қўли-ла бериб қўйиб салтанатини,
Ҳукмронлик қиламан дер яна овсар чол.
Худо ҳаққи, кексалар ҳам болага ўхшар,

Ширин сўзлар, эркалашлар этмас эса кор,
Бас, уларга қаттиққўллик, дағдаға даркор.
Айтганларим ёдингда тут.

О с в а л ь д

Маъқул, маликам.

Г о н е р и л ь я

Одамлари билан совуқ муомала қил,
Ҳеч тортиниб турма, айттил бошқаларга ҳам.
Қулай қилиб, кўнглимни бир бўшатмоқчиман.
Мен синглимга энди мактуб ёзаман, токи,
Бамаслаҳат иш кўрайлик. - Овқатни шайла!
Кетади.

Тўртинчи саҳна

Ўша жойда бир зал.

Бошдан-оёқ тамом бошқача кийинган Кент киради.

К е н т

Қиёфамни ўзгартирдим, биров танимас,
Нутқимни ҳам худди шундоқ ўзгантиролсам,
Етар эдим юрагимга туккан ниятга.
Шу ният-ла кийдим бундоқ кийимларни мен.
Ўлим таҳдиди-ла эдан қувилган, эй Кент,
Бўш келма ҳеч, ёллан яна ҳукмдорингга,
Ишни битиролсанг, севган валийнеъматинг
Қойил қолар эди севгинг, садоқатингга.
Бурғу садоси.

Лир, рицарлар ва мулозимлар киришади.

Л и р

Бир дақиқа ҳам кутишга тоқатим йўқ. Ҳозироқ овқат-
ни муҳайё этишсин.

Мулозим чиқади.

Хўш, сенга нима керак? Кимсан ўзинг?

К е н т

Одамман, сэр.

Л и р

Касбу ҳунаринг нима? Биздан не истайсан?

К е н т

Менинг ҳунарим: аслида қандоқ бўлсам, ўшандоқ бўлиш, менга ишонганларга садоқат ила хизмат қилиш, ҳалол, покиза инсонларни севиш, мулоҳазакор ва камгап инсонларни ҳурматлаш, қиёмат кунидан қўрқиш, бошқа чораси қолмагач, жанг қилиш, балиқ емаслик.

Л и р

Кимсан ахир?

К е н т

Чинакам ҳалол бир инсон, аммо қиролга ўхшаб қашшоқ, камбағал.

Л и р

Қирол подшолар орасида бенаво бўлганидек, сен фуқаролар орасида шундоқ фақир бўлсанг, чинакам қашшоқ экансан. Биздан не тилагинг бор?

К е н т

Хизмат қилсам дейман.

Л и р

Кимга хизмат қилмоқчисан?

К е н т

Сизга.

Л и р

Мени танийсанми, ошнам?

К е н т

Йўқ, сэр, аммо юзингизда сизни хўжайин деб аташга ундовчи бир нима бор.

Л и р

У нима экан?

К е н т

Ҳукмдорлик.

Л и р

Қўлингдан не ишлар келади?

К е н т

Сир сақлаш, от суриш, елиб-югуриш, ажойиб-ғаройиб ҳикоялар айтиш, одатий тошпириқларни бажону дил бекаму кўст бажариш. Бу ишлар бошқаларнинг ҳам қўлидан келади, аммо менинг ғайратим ўзгача.

Л и р

Ёшинг нечада?

К е н т

Хотин-қизларнинг ашуласини эшитибок уларга мафтун бўладиган даражада ёш ҳам, ёки ҳеч нарсадан ҳеч нарсага уларни севиб, эсини йўқотиб қўядиган даражада қари ҳам эмасман. Елкамда қирқ саккиз йилнинг юки бор.

Л и р

Майли, менга хизмат қил. Овқатдан кейин ҳам ёқинқираб турсанг, бас, сендан ажрамайман. Ҳой, овқат келтиринглар, овқат! Менинг масхарабозим қани? Бор, чақир, бу ёққа келсин у.

Мулозимлардан бири чиқади.

Освальд киради.

Ҳой, йигитча, менинг қизим қаерда?

О с в а л ь д

Ижозатингиз билан...

(Кетади).

Л и р

У нима деди? У аблаҳни чақир бу ёққа.

(Рицарлардан бири чиқади).

Масхарабозим қани, деярман? Дунё уйқуга ботган шекилли.

(*Рицарь қайтиб киради*).

Хўш, ҳалиги ҳайвон қани?

Р и ц а р ь

Шоҳим, унинг айтишича, қизингиз жиндак бетоб эмишлар.

Л и р

У тўнканинг ўзи қани? Нега чақирганда келмади?

Р и ц а р ь

Шоҳим, у менинг юзимга тикка боқиб, истамайман, деди.

Л и р

Истамайман, деди?

Р и ц а р ь

Шоҳим, сабабини билмайману аммо негадир бу ерда сиз ҳазрати олийларига нисбатан етарлича иззат-эҳтиром кўрсатишмаяпти. Герцог ҳам, қизингиз ҳам, мулозимлари ҳам беписандлик йулига ўтишган.

Л и р

Шунақа дегин?

Р и ц а р ь

Шоҳим, агар адашаётган бўлсам, мени маъзур тутинг. Аммо сизга этилаётган муомалани кўриб, жим туролмайман.

Л и р

Йўқ, сен бор гапни айтдинг. Кейинги пайтларда беписандлик қилишаётганини ўзим ҳам кўриб турибман. Аммо буни ўзимнинг бадгумонлигимга йўйиб, ёмон андишаларга йўл бермадим. Энди синчиклаб қарайман. Менинг масхарабозим қани? Мен уни икки кундан бери кўрмадим.

Р и ц а р ь

Кенжа маликамиз Францияга кетгандан буён у маъюс тортиб, мунрайиб қолди.

Л и р

Бу ҳақда бошқа гапирма. Буни ўзим ҳам сезиб юрибман..
Бориб қизимга айт, мен у билан гаплашмоқчиман.

(Мулозим чиқади).

Сен эса масхарабозни бошлаб кел.

(Бошқа мулозим чиқади).

Освальд қайтиб киради.

Ҳа, ўзларими? Қани, яқинроқ келсинлар-чи... Жаноб,
мен ким бўламан?

О с в а л ь д

Маликамнинг отаси.

Л и р

Вой, сен лаънати-ей!..Вой, ҳароми-ей!.. Қул!.. Кўшпак!..

О с в а л ь д

Мени маъзур тутинг, милорд, мен сираям унақалардан
эмасман.

Л и р

Ҳали кўзимга тикка қарайдиган ҳам бўлдингми? Ифлос!..

(Уради).

О с в а л ь д

Мени уришларига изн бермайман, милорд.

К е н т

Балки копток қилиб тешишларига изн берарсиз...

(Уриб йиқитади).

Л и р

Балли, азамат!.. Хизматинг менга манзур бўлди. Сени
ёқтириб қолдим.

К е н т

Қани, тур ва қорангни ўчир. Мен сенга одамларни қандай таниб олишни ўргатиб қўяман. Кет, йўқол!.. Яна чалпак бўлиб, чўзилмайин десанг, туёғингни шиқиллатиб қол. Қани, даф бўл!.. Эсинг кириб қолдимми?

(Освальдни итариб чиқаради).

Л и р

Баракалла, ошнам. Мана бу - хизмат ҳаққинг.

(Кентга пул чўзади).

М а с х а р а б о з

Мен ҳам уни хизматимга оламан. Мана, сенга қалпоғим.

(Кентга қалпоғини чўзади).

Л и р

Қалайсан, биродар? Аҳволинг нечук.

К е н т

Нега уни олишим керак, масхара?

М а с х а р а б о з

Нега дейсанми? Иши чаппа кетганларнинг ёнини олишингиз учун. Шамолнинг қаёқдан эсаётганини сезмасанг, шамоллаб, қолишинг тайин. Қалпоғимни ола қол... Кўрма-япсанми, манави тушмагур икки қизини ҳайдаб, учинчисига оқ фотиҳа берганини ўзи ҳам сезмай қолди. Унга хизматкор бўлсанг, менинг масхара қалпоғимни кийиб ол... Эҳ, амакижон, менинг ҳам икки қалпоғим ва икки қизим бўлгандами?

Л и р

Бўлганда нима қилардинг?

М а с х а р а б о з

Молу мулкимни қизларимга бериб, ўзимга қалпоқлар-

ни қолдирардим. Мана, сенга битта қалпоқ, бошқасини қизларингдан сўра.

Л и р

Ҳай, ҳазир бўл, қамчи борлигини унутма.

М а с х а р а б о з

Ҳақиқат кўриқчи итга ўхшайди, уни нуқул ташқарига ҳайдашади. Хушомад эса худди този, сасиб-бижвиб юрса ҳам уйнинг тўрида яшайди.

Л и р

Мени нишонга оляпти.

М а с х а р а б о з

Амакижон, сенга бир ҳикмат айтайми?

Л и р

Айт.

М а с х а р а б о з

Эшит бўлмасам.

Бойлигингни сақла сир,

Кўп билсанг ҳам оз гапир.

Қарз берма кўп, зиёда,

От сур, юрма пиёда.

Билсанг ҳам, билдим, дема,

Мол-бисот йиғ, сарфлама.

Май ичма, этма ишрат,

Уйингда ўлтир фақат.

Шунда ҳисоб кўп бўлур,

Йиғирмадан кўп бўлур...

Л и р

Айтганларинг икки пулга қиммат.

М а с х а р а б о з

Хизматига ҳақ тўланмаган адвокатнинг сўзига ўхшайди. Сен ҳам менга ҳеч нарса бермадинг. Амакижон, ўзинг айт-чи, ҳеч нарсдан бирор нарса чиқармикин?

Л и р

Йўқ, азизим, ҳеч нарсадан ҳеч нарса чиқмайди.

М а с х а р а б о з

(Кенга)

Илтимос, унга тушунтириб қўй, унинг ҳам ўз мулкидан оладгани бундан ортиқ бўлмайди. Айтсам ишонмайди, мени аҳмоқ деб атайди.

Л и р

Аччиқ аҳмоқ!...

М а с х а р а б о з

Аччиқ аҳмоқ билан чучук аҳмоқ ўртасидаги фарқни билсанми, оғайни?

Л и р

Йўқ, ошнам, ўзинг тушунтир.

М а с х а р а б о з

Улашгил деб мулжингни
ким сенга кенгаш берди?
Тошиб бер, ё ўрнига
ўзинг келиб тур энди.
Ким аччиғу ким чучук -
аҳмоқ эмиш, эмас сир,
Бигтаси бунда бўлса,
бигтаси унда ҳозир.

Л и р

Сен мени аҳмоқ деб айтяпсанми, ошнам?

М а с х а р а б о з

Балча унвонларингни бошқаларга бериб бўлдинг. Ёлғиз шу, шадан туғилибоқ олган унвонинг қолди.

К е н г

Бу жила аҳмоқ эмас, милорд.

М а с х а р а б о з

Йўқ, ишон, мен истасам ҳам лордлар, акобиру аъёнлар бунга йўл қўйишмайди. Аҳмоқчилик ёлғиз меники бўлсин, десам, улар ҳар тарафдан юлқишади. Хонимларни айтмайсанми, улар ҳам ўз улушларини олишади. Амакижон, менга битта тухум бер, эвазига иккита тож бераман.

Л и р

Қанақа тож?

М а с х а р а б о з

Тухумни кесаман-да, мағзини ейман, қолган икки пўчоғи иккита тож бўлади. Сен тожингни иккига бўлиб, улашдинг. Бу эшакни елканга ортиб, лой-ботқоқ кечининг билан баробар. Ўша тақир бошда мия камроқ эканки, олтин тожни бировларга бериб ўлтирибсан. Кимки мени аҳмоқлиги туфайли бу гапларни айтаяпти, деб исбот этолса, майли, уни қамчиласинлар.

(Куйлайғи).

Бу йил аҳмоқлардан омад бурди юз,
Оқиллар бўдилар аҳмоқдан баттар.
Ақли расоларда қолмади тамиз,
Маймундай диконглаб ўйинга тушар...

Л и р

Сен, хумпар, қачондан буён ашулачи бўлиб қолдинг?

М а с х а р а б о з

Сен қизларингни ойингга айлантириб олганингдан буён, амакижон. Уларнинг қўлларига хивич тутқизиб, ишгоингни тушириб, орқангни тутиб берганингдан буён.

(Куйлайғи).

Севинчидан йиғлашди улар,
Мен эса йиғладим шармандалиқдан.
Болага айланиб қолди қиролим,
Бўлди яна масхарабоз ҳам...
Ўтинаман, амакижон, менга битта муаллим топиб бер.
Ёлғон гапиришни ўрганмоқчиман.

Л и р

Ёлгон гапирсанг, калтак ейсан.

М а с х а р а б о з

Мен ҳайронман, сен билан қизларинг орасида нечук яқинлик бор? Рост гапирсам, улар савалайди, ёлгон гапирсам, сен калтаклайсан. Гоҳида нега жим турибсан, гапирмайсан, деб ҳам дўшпослашади. Ҳар бало бўлганинг маъқул, фақат масхарабоз бўлмасанг, бас. Аммо лекин, амакижон, сенинг ўрниингда бўлишни сираям истамасдим. Сен ақлингни иккига бўлиб, улашдинг, ўзингга ҳеч вақо қолмади. Мана, ўша икки яримтадан биттаси.

Гонерилья киради.

Л и р

Қалайсан, қизим? Нега кайфиятинг бузуқ? Кейинги пайтларда тез-тез қовоқ соладиган бўлиб қолдинг.

М а с х а р а б о з

Авваллари ажаб бир йигит эдинг, қизинг қовоғини уйса, парво қилмасдинг. Энди бўлса, рақамсиз нулсан, вассалом. Қайтага, мен сендан тузукроқман, ҳеч бўлмаганда, масхарабозман. Сен эсанг - ҳеч нарса..

(Гонерильяга)

Хўп, бўлади, маликам, тилимни тияман. Тилинги айт-маса ҳам, қош-қовоғингиз буюриб турибди.

(Лирга ишорат этиб)

Ҳмм.. Ҳмм... нима ҳам дердим,
Энди у бир тўнкадир, қуруқ.
Қаро кунга пўстлоғи ҳам йўқ,
Бор-йўғи қиринди, қипиқ...

Г о н е р и л ь я

Ёлғиз шилқим масхарангиз эмас, сиз билан
Келган барча навкарлару мулозимингиз
Ҳар қадамда камситишар, дашном этишар,

Кўтаришар шовқин – сурон, жанжал, машмаша.
Онҳазратим, бу гапларни сизга етказсам,
Чорасини кўрарсиз, деб умидвор эдим.
Аммо сўнгги ишингиздан маълум бўлдим,
Сиз ўзингиз бермоқдасиз уларга рағбат.
Баски, шундоқ экан, мендан хафа бўлмайсиз,
Ўзим қатъий туриб энди чорасин кўрсам.
Чорасини кўриш, ахир, менинг вазифам.
Уят, андишага ўрин қўймас зарурат,
Йўқса бу ишларга сира аралашмасдим.

М а с х а р а б о з

Ана шунақа гаплар, амакижон!
Чумчуқ какку қушга берди ошини,
Какку чўқиб, ёрди унинг бошини.
Шам ўчди, биз қолдик қоронғуликда...

Л и р

Сен чинданам қизиммисан?

Г о н е р и л ь я

Бу гап беҳуда.
Бошингизга йиғинг ақлу идрокингизни,
Мен биламан, тўлиб-тошиб турарди сизда,
Бу беъмани қилиқлардан воз кечинг, дада,
Улар сизга ярашмайди.

М а с х а р а б о з

Аравани от тортаётганини эшшак ҳам яхши билади.
Чух, жонивор! Юришларингга мен ўлай.

Л и р

Мени бунда ким танийди? Лир эмасман, йўқ.
Шундоқ сўзлармиди, шундоқ юрармиди Лир?
Унинг қарашлари, унинг кўзлари қани?
Эҳтимолки, у оғир бир уйқуга чўмган,
Балки тушлар кўрар, бундоқ бўлмас ўнгида.
Қани, ким айтади менга, мен ҳозир кимман?

М а с х а р а б о з

Лирнинг сояси.

Л и р

Чинданам кимлигимни билишни истардим. Қиролик аломатлариму илмим, ёлғон тасаввуримга учиб, қизларим бор деб юрган эканман.

М а с х а р а б о з

Уларга "ҳай" деганда "лаббай" дегувчи ота керак.

Л и р

Гўзал хоним, айтинг менга, исмингиз нима?

Г о н е р и л ь я

Бу саволда, шоҳим, қанча муғомбирлик бор,
Янги қилиқларингизга жуда муносиб.
Ўтинаман, сўзларимни тўғри тушунинг,
Мўйсафид одамсиз, оқил, донишманд бўлинг.
Амрингизга юзта рицарь, мулозим ҳозир,
Бари бетарбия, бузуқ, бебош, жангари.
Уларнинг дастидан, сўнгсиз бебошлигидан
Саройимиз ўхшаб қолди карвонсаройга.
Ҳар қадамда қий-чув, айшу ишратни кўриб,
Қовоқхона дейсиз ёхуд исловотхона.
Тақсирим, бу галваларга хотима беринг,
Ахир, шунга ундамасми уят, андиша?
Сиздан ўтинаман, гарчи амр этиш мумкин,
Қисқартиринг биров аҳли аъёнингизни.
Ёнингизда қолсин сизни, ўзини билган
Сизга тенгдош мулозимлар.

Л и р

Лаънатлар бўлсин!
Отларни эгарланг, аҳли аъёни йиғинг.
Эй ҳароми! Энди сенга қолмас ташвишим!
Менинг, ахир, сендан бўлак яна қизим бор.

Гонерилья

Хизматкорларимни уриб-сурасиз, яна
Мулозимларимни хўрлар хизматкорингиз.

Лир

Воҳ, сўнгги пўшаймон энди ўзимга душман.

Герцог Альбани киради.

О, сизмисиз, жаноб? Айтинг, бу ишлар бари
Сизнинг амрингизми? Қани, отларни шайланг!
Кўрнамаклик, у тошюрак иблиси шайтон
Гар фарзандинг вужудига кириб, ўрнашса,
Бу даҳшатдир ўшал денгиз аждаридан ҳам.

Герцог Альбани

Ўтинаман, тинчланинг.

Лир

Эй еб тўймас калхат,
Айтганларинг ёлгон, менинг аҳли аъёним
Аҳли фазилатдир, аҳли кибордир бари.
Бурчи билан номусини яхши билади.
Корделия содир этган жиңдек хатони
Кўпиртириб, нима қилиб қўйдим мен, эвоҳ,
Юрагимдан юлиб отдим муҳаббатимни
Ва ўрнига унинг оғу жойладим, сафро.
О, Лир!.. Лир!... Лир!...
Ақл чиқиб кетиб, жаҳлу жаҳолат кирган

(Бошига муштлайди).

Дарвозани энди тинмай қоқавер!... Кетдик,
Ҳой, мулозимларим!...

Герцог Альбани

Шоҳим, менинг гуноҳим йўқ, мен беҳабарман
Бунда нелар кечганидан.

Лир

Балки шундайдир.

Эшит мени, эй табиат, маъбудлар тингланг,
Шу махлуққа насл ато этган бўлсангиз,
Хукмингизни бекор қилинг, фарзанд кўрмасин,
Наслсизлик балосига мубтало бўлсин,
Тирноққа зор этинг уни, тухмин қуритинг,
Вужудидан бирор насл, зурёд унмасин.
Аммо қисмат насиб этган бўлса туғишни,
Бола беринг, онасига бало бўлсин у.
Манглайини ажин боссин унинг касридан
Юзларидан дарё бўлиб оқсин ёшлари.
Хукм қилинг, шу гўдакни ўстирмоқ учун
Чеккан азоблари, меҳнат-машаққатлари
Оқибатда хазон бўлиб, соврилиб кетсин.
Ота-онасига фарзанд кўрнамаклиги
Илон чаққандан ҳам ортиқ азоб эканин
Балки шунда билиб олар. Йўқол кўзимдан!..

(Чиқағи).

Г е р ц о г А л ь б а н и

Худо ҳаққи, тушунмайман, нима гап ўзи?
Бундоқ қаҳру вазабларнинг боиси нима?

Г о н е р и л ь я

Қўй, сўрама, арзимайди гапиришгайм,
Чолнинг болалиги тутган, майли, қичқирсин.

Лир қайтиб киради.

Л и р

Шундоқ дегин? Аъёнларим, мулозимларим
Тенг ярмига қисқарсинми?

Г е р ц о г А л ь б а н и

Шоҳим, нима гап?

Л и р

Нима гаплигини ҳозир унга айтаман.

(Гонерильяга)

Эй ҳаёт, эй мамот! Хижолатдаман,

Сен туфайли унутибман эркаклигимни.
Кўзларимдан кўзёшларим оқар шашқатор,
Сен уларга арзимаёсан. Илойим, вабо
Ва қуюнлар бошинг узра ёғилиб турсин.
Ота қарғишлари солган битмас яралар,
Жароҳатлар чирмаб олсин танингни буткул.
О, кекса кўзларим, яна йиғлаёпсизми?
Бас, йиғламанг, йўқса, юлиб, отаман сизни,
Кўз ёшларим оққан лойга қориштираман.
О, шунгача етдими-а? Не бўлса бўлди,
Менинг яна бир қизим бор, мунис, меҳрибон,
Шу ишингни эшитса у тирноқларини,
Юзларингга ботиради, урғочи бўри.
Ўйламаким, мен тахтимдан тамом айрилдим,
Яна қўлга олгум давлат, салтанатимни,
Ҳа, кўрасан ҳали.

(Лир, Кент ва аъёнлар чиқишади).

Гонерилья

Сўзин эшитдингизми?

Герцог Альбани

Гонерилья, менга жила маъқул эмас бу,
Гарчи сизга муҳаббатим балад бўлса ҳам...

Гонерилья

Ўтинаман, етади. Ҳой, Освальдни чақир.
Эй сен, масхарабоз, қувлик, шумлиқда шоввоз,
Жўна бундан, хўжайининг ортидан югур.

Масхарабоз

Лир амаки! .. Ҳой, Лир амаки!.. Шошма, масхарабо-
зингни ҳам ола кет.

Шундоқ қизни, кулкини,
Тўрга тушган тулкини
Ўлдирмоқ жоиз бўлур.
Қалпоғимни бераман,
Ортингдан югураман...

(Кетади).

Гонерилья

Юз баҳодир рицарь! Чакки ўйламаган у,
Бу куч била сиёсат ҳам юритса бўлар.
Юз азамат аскар чолнинг тушига кирган
Ва кирмаган орзуларин этар ҳимоя.
Тантиқлигу шубҳа-гумон, ифвосини ҳам.
Бизлар-чи, ринг деёлмаймиз, бош эгиб, қарам,
Ҳаётимиз хавф остида кечар ҳар нафас.
Освальд қани?

Герцог Альбани

Менимча, сиз хавф-хатарни оширмоқдасиз.

Гонерилья

Бу ортиқча ишонишдан кўп марта афзал,
Зиён этмас таҳликанинг олдини олиш,
Хавф-хатарга тушмай десанг, эҳтиёт лозим.
Мен отамнинг табиатин яхши биламан,
Бунда нелар деди, барин синглимга ёздим.
Агарда-чи, мактубимни олиб Регана,
Унинг юзта аскарини қолдирар бўлса,
Айтганимга унамаса...

Освальд киради.

Келдингми, О с в а л ь д?
Синглимга хат ёзилдими?

Освальд

Тайёр, маликам.

Гонерилья

Унда одам олиб, дарҳол отлан, йўлга туш,
Менинг хавотирларимни унга баён эт.
Айттил яна ўз фикринг, ўй-андишангни ҳам.
Тезда бориб, изингга қайт.

Освальд чиқади.

Йўқ, жаноб герцог,

Биласизми, ҳаддан зиёд сертакалуфсиз.
Бунинг учун айбламайман, кечириш мумкин.
Юмшоқликдан зиён келса, мақтамайдилар,
Аммо керак жойда ақл ишлатмади деб,
Сизни таъна-дашномларга кўмишлари чин.

Г е р ц о г А л ь б а н и

Мўлжалингиз не, билмадим, баъзида одам
Тузаман деб, бузиб қўяр яхши ишни ҳам.

Г о н е р и л ь я

Ундоқ бўлса...

Г е р ц о г А л ь б а н и

Хайр, майли, кўрамиз кейин...

Бешинчи саҳна

Г е р ц о г А л ь б а н и саройида бир ҳовли.

Лир, Кент ва Масхарабоз кирадилар.

Л и р

Бу мактубни Глостерга етказ. Қизим хатни ўқиб, бир
нарса сўраса, жавоб бер, ўзингдан ҳеч нарса қўшма. Агар
йўлда имилласанг, мен манзилга сендан олдинроқ етаман.

К е н т

Мен мактубни еткизмагунча тиниб-тинчимайман, шоҳим.
(*Ketagu*).

М а с х а р а б о з

Агар одамзоднинг мияси товонида бўлсайди, унинг
ақлини қадоқ босарди. Шундоқмасми?

Л и р

Шундоқ, ошнам.

М а с х а р а б о з

Унда хурсанд бўлиб, ўйнаб-кулавер, сенинг ақлинг ҳеч
қачон туфли киймайди.

Л и р

Хо - хо - хо!...

М а с х а р а б о з

Кўрасан, иккинчи қизинг сени қучоқ очиб, қарши олади. Улар ёввойи олма жайдари олмага ўхшагандек, бир-бирига монанд. Мен бир гапни биламанки, айтаман.

Л и р

Нимани биласан, ошнам?

М а с х а р а б о з

Татиб кўриб, биласанки, улар иккаласи ҳам нордон. Биласанми, нега одамнинг бурни юзнинг ўртасида жойлашган?

Л и р

Йўқ.

М а с х а р а б о з

Ҳар икки тарафда биттадан кўз бўлиши учун. Бурун ҳидлаб, билолмаганни кўз кўриб туриши учун.

Л и р

Мен унга жавр қилдим...

М а с х а р а б о з

Биласанми, шиллиқ қурт ўзига қандай чиваноқ ясайди?

Л и р

Йўқ.

М а с х а р а б о з

Мен ҳам билмайман. Аммо унга ўша чиваноқ уйчаси нима учун керак бўлишини биламан.

Л и р

Хўш, нима учун?

М а с х а р а б о з

Керак бўлганда унга бошини суқиши учун. Уни қизларига топшириб, ўзи ташқарида қолиши учунмас.

Л и р

Мен ўз табиатимдан воз кечаман. Ота деган ҳам шу қадар саховатли бўладими? Ҳой, отлар тайёрни?

М а с х а р а б о з

Эшакларинг уларни ҳозирлашга кетишди. Ажабо, нега етти оғайни туркумида юлдузлар еттига? Нима учун?

Л и р

Улар саккизта бўлмагани учундир?

М а с х а р а б о з

Баракалла. Сиздан тушпа-тузук масхарабоз чиқади.

Л и р

Куч билан яна қайтариб олсаммикин?
О, шу қадар нонкўрлик!..

М а с х а р а б о з

Сен менинг масхарабозим бўлганингда, амакижон, бемавруд қариганинг учун сени калтаклар эдим.

Л и р

Нега энди?

М а с х а р а б о з

Ақлинг тўлишмагунча қарима-да...

Л и р

Ақлу ҳушдан жудо қилма, мадад бер, фалак,
Жинни бўлиб қолмай, менга паноҳинг керак.

Мулозим киради.

Отлар шайми?

М у л о з и м

Шай, подшоҳим.

Л и р

Кетдик бўлмасам.

М а с х а р а б о з

Кетар бўлсам, бир қиз боқар ҳолимга кулиб,
Кулаверсин, қачонгача қолар қиз бўлиб...

Кетишади.

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Граф Г л о с т е р саройида бир ҳовли.

Икки ёқдан Эдмунд ва Куран кириб келишади.

Э д м у н д

Салом, Куран.

К у р а н

Салом, сер. Ҳозиргина отангизнинг ҳузурларида бўлиб,
у кишига хабар етказдим. Бугун оқшом герцог Корнуэль
ва малика Регана ташриф буюрадилар.

Э д м у н д

Ташрифларидан мақсад нима экан?

К у р а н

Билмадим. Янгиликни эшитдингизми? Ҳозирча ивир-
шивир қилиб, қулоққа айтишаяпти.

Э д м у н д

Эшитмадим. Худо ҳаққи, нима гап ўзи?

К у р а н

Айтишларича, герцог Корнуэль билан герцог Альбани
ўртасида уруш бўлармиш. Наҳотки, эшитмаган бўлсангиз?

Э д м у н д

Йўқ, мутлақо.

К у р а н

Вақти келиб, эшитиб қоларсиз. Хайр, яхши қолинг, жаноб.
(Кетагу).

Э д м у н д

Герцог келар эмиш бутун, аини муддао,
Менга қўл келади унинг ташрифиди. Отам,
Акангни топ, қамагил, деб буюрди менга.
Яна нозик бир масала қаршимда турар,
Ки адоси учун лозим суръат, қатъият...
Ака, сенга бир гапим бор. Ака, пастга туш.

Эдгар киради.

Отам тушган изингга, кет, бу ерни тарк эт,
Хабаркашлар етказибди қайдалигингни.
Қочгил туннинг қоронғусин ганимат билиб.
Магар Корнуэлга қарши гапирганмидинг?
Не учундир шоша-пиша худди бу оқшом
Биз тарафга келмоқда у Регана билан.
Унинг герцог Альбанига хусуматидан
Сўзлаганинг борми сира? Ёдингга тушир.

Э д г а р

Йўқ, сираям. Бу тўғрида сўзламаганман.

Э д м у н д

Отам келяпти. Кечир. Мен ёлғондакам
Ҳамла қилиб, бошинг узра сирмайман қилич.
Сен ҳам ёлғондакам ўзни этгил ҳимоя.
Баракалла!.. Энди жўна отам келмасдан.
Ким бор? Ёрдам беринглар, ҳой!.. - Қочиб қол, ака!
Чироқ келтиринглар, машғал! - Хўп, хайр энди.

Эдгар кетади.

Энди жиндак қон чиқазай қўлимдан, токи,

Далил бўлсин бунда қаттиқ жанг бўлганига.

(Кўлини яралайди)

Нима бўпти, мен кўрганман неча бадмастни,
Кулгу учун ўз-ўзини бўяган қонга.

Ота!.. Ота!.. Ёрдам беринг!.. Бирор кимса йўқ.

Глостер ва хизматкорлар машғал кўтариб киришади.

Г л о с т е р

Эдмунд, қани у кўрнамак?

Э д м у н д

Шу ерда эди,

Қоронғу бурчақда, қўлда қилгич билан.

Лаънат айтиб, қилмишига тилаб ҳимоят

Ойга ёлборарди аблаҳ.

Г л о с т е р

Лекин қани у?

Э д м у н д

Қаранг, қонга ботдим.

Г л о с т е р

Айт, у қаёқда кетди?

Э д м у н д

Қочиб кетди, мен сираям кўнмадим...

Г л о с т е р

Тўхта,

Боринг, орқасидан қувинг, тутиб келтиринг.

Бир неча хизматкорлар кетишади.

Мен кўнмадим? Хўш, нимага кўнмадинг, Эдмунд?

Э д м у н д

Менга ташвиқ қилди сизни ўлдиришимни,

Мен учмадим унинг бундоқ ташвиқотига.

Худолар хуш кўрмас, дедим, падаркушликни.

Падаркушни олар қаҳру қаддировига.
Ота билан фарзанд, дедим, бир-бирга пайванд
Қандай қутлуғ ва мустаҳкам ришталар билан.
Унинг ифлос ниятига қарши турдим мен,
Кўриб менинг бундоқ сабот, қатъиятимни,
Ҳозирлаган қиличини суғурди қиндан,
Ҳужум қилиб, яралади қўлимни малъун.
Аммо мен ҳам ҳақ ишни деб оёққа турдим,
Олишмоққа шайландим, ҳа, балки шу сабаб
Ёки дод-вой солганимдан қочиб кетди у.

Г л о с т е р

Майли, қочсин, у бари бир қўлга тушади.
Қўлга тушдим, бас, иши тугар, вассалом.
Буюк герцог, менинг азиз валийнеъматим
Ташриф айлаб келар бугун қўрғонимизга.
Мен эълон қиламан юртга унинг номидан:
Кимки ўша касофатни тутиб, тошпирса,
Биздан чексиз ташаккурлар олар мукофот.
Ким бекитса, ҳалокатдир унинг қисмати.

Э д м у н д

Аввал боши ниятидан қайтармоқ бўлиб
Кўп уриндим, тура берди аммо тош бўлиб.
Шунда фош этаман, дея қилдим пўписа.
У бўлса-чи, эсингни йиғ, ҳароми, деди.
Сен мен билан баҳслашмоқ бўласанми-а?
Ўйлаб қара, ким ишонар сўзингга сенинг?
Ким ишонар ҳақлигингга, ҳалоллигингга?
Рад қиламан барча далил, даъволарингни,
Ёзган хатимни ҳам дейман ясама, сохта.
Сен аҳмоқ деб ўйлайсанми дунё аҳлини?
Ҳамма тушунади, ахир, мен ўлар бўлсам,
Кимга зиён бўлади бу, кимга манфаат...
Ич-ичингдан сен ҳам шуни истаб турибсан.

Г л о с т е р

Ўзи ёзган мактубданам тонар эканми?
Вой, ярамас, касофат! Йўқ, у ўғлим эмас!

Саҳна ортидан бурғу садоси.

Жим! Бу - герцог. Нега келди, менга қоронғу.
Унга айтиб, бекитаман бандаргоҳларни.
Герцог менга ёрдам берар, аблаҳ қочолмас,
Сувратини тарқатаман мамлакат бўйлаб,
Токи ҳамма ерда уни таниб олишсин.
Бутун мол-мулкимни, содиқ, сеvimли ўғлим,
Сенга мерос қолдираман, сеники бўлсин.
Корнуэль, Регана ва аъёнлар киришади.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Салом, асл биродарим! Қалайсан? Бунда
Биз келибоқ, жуда нохуш хабар эшитдик.

Р е г а н а

Агар шу гап рост бўлса-чи, ҳар нечук жазо
Берса ҳам, кам унга. Салом, қалайсиз, милорд?

Г л о с т е р

Кекса қалбим тилка-пора бўлди, маликам.

Р е г а н а

Наҳот Эдгар, отамнинг у тутинган ўғли
Жонингизга қасд айласа? Астаффирулло!

Г л о с т е р

Айтишга ҳам уяламан буни, маликам.

Р е г а н а

У отамнинг измидаги бебошлар билан
Улфатчилик қилармиди?

Г л о с т е р

Билмайман, бекам,
Бу жудаям офир менга, жудаям офир!

Э д м у н д

Ҳа, маликам, улфат эди ўшалар билан.

Р е г а н а

Ундоқ бўлса, таажжубга асло ўрин йўқ.
Улар ўлдиртириб кекса отани, кейин
Могу мулкни совурмоқни этишган ният.
Мен опамдан мактуб олдим, кенгаш берибди,
Ўша гала авбошлардан эҳтиёт бўл, деб.
Улар келар бўлса магар, мен уйда йўқман,
Изимни ҳам топишолмас у ерда.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Мен ҳам
У масканда топилмайман, азиз Регана.
Эдмунд, эшитдимки, асл фарзандларга хос
Кўрсатибсиз отангизга сидқу садоқат.

Э д м у н д

Мен бурчимни адо этдим, муҳтарам милорд.

Г л о с т е р

У фитнани фош этаркан, олишди роса,
Номард билан жанг қиларкан, ярадор бўлди.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Орқасидан изқуварлар жўнатилдими?

Г л о с т е р

Ҳа, жўнатдик, милорд.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Уни қўлга олишса,
Хавф-хатар ҳам йўқолади. Нечук бир жазо
Жоиз эса беринг, сизга этдик ижозат.
Сизга сўзим, Эдмунд, сизнинг мардлик, садоқат
Кимлигингиз аён айлаб, айтиб турибди.
Шундоқ экан, сиз бизники бўласиз энди.
Бизга сиздек садоқатли ботирлар керак,

Сизни хизматимга олдим биринчи бўлиб.

Э д м у н д

Хизматингиз адо этгум садоқат билан.

Г л о с т е р

Ҳимматингиз учун раҳмат, ташаккур, герцог.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Биласизми нечук сизга келганимизни?

Р е г а н а

Шундоқ тимқоронғу тунда ташриф буюрдик.

Сабаб - жиддий воқеалар, азиз Глостер.

Зарур бўлиб қолди сизнинг маслаҳатингиз.

Отам, опам ўртасида жанжал чиқибди.

Иккиси ҳам хат йўллабди бизга шу замон.

Уйдан эмас, четдан жавоб берганим маъқул.

Икки чопар жавоб кутар остонангизда.

Қадрдон дўстимиз, кечиб ташвишингиздан,

Бир дам фориг бўлиб, бизга маслаҳат беринг.

Бундоқ ишни кечиктириб бўлмас.

Г л о с т е р

Маликам,

Хизматингиз бош устига, муҳтарам герцог,

Қани, юринг, ичкарига марҳамат қилинг.

Кетадилар.

Иккинчи саҳна

Г л о с т е р қасрининг олди.

Икки тарафдан Кент ва Освальд кириб келишади.

О с в а л ь д

Салом, хайрли тонг, оғайни. Сен шу ерликмисан?

К е н т

Ҳа.

О с в а л ь д

Отларни қайга боғласак экан?

К е н т

Ҳов, анави ботқоққа бойла.

О с в а л ь д

Оғайни, ҳазилингни қўй, бир ошначилик қил, айта қол.

К е н т

Мен сен билан ошначилик қилмайман.

О с в а л ь д

Унда мен ҳам сени танймайман.

К е н т

Менга Липсберий яйловида учраганингда билиб олардинг кимлигимни.

О с в а л ь д

Мунча ёпишиб олдинг? Мен сени танймайман, дедимку, тамом, вассалом.

К е н т

Аммо мен сени танийман.

О с в а л ь д

Танисанг, айт-чи, мен кимман?

К е н т

Сен муттаҳам, аблаҳ, ювиндихўрсан; тубан, такаббур, даюс, гадосан; хўжайиннинг югурдаги, малай, сандиқча кўтариб, ўзини пардоз-андоз қилувчи олифтасан; ҳар қандай разолатга ҳозир-нозир турувчи ифлос, хушомадгўйсан; қўрқоқ, қўшмачи, ҳаромисан; қўшмачи билан тиланчининг қўшилишидан пайдо бўлган разилсан; пойлоқчи қанжиқнинг ўғли, меросхўрисан. Шу айтганларимдан бирортасини рад қилиб кўрчи, нақ титигингни чиқазаман сен лаганбардорни.

О с в а л ь д

Қанақа бемаъни одамсан? Сени биринчи кўришим.
Ўзинг билмаган, танимаган кишининг бошига шунча мар-
зава тўкасанми?

К е н т

Вой, шарманда! Мени танимас эмишлар! Ўзингни та-
рофулга солма. Бундан икки кун илгари қирол ҳузурида
уриб, оёғингни осмондан келтирганим эсингдан чиқдимми?

(Қиличини яланғочлайди.)

Қиличингни суғур, касофат! Кеча қоронғу бўлса ҳам,
ой ёритиб турибди. Ой нури билан қоришган бўтқага ай-
лантириб қўяман сени! Қиличингни суғур, фоҳишанинг
ўғли, сартарошнинг баччаси, суғур, деяпман.

О с в а л ь д

Нари тур! Мени сен билан ади-бади айтишишга тоқатим йўқ.

К е н т

Қиличингни қўлингта ол, аблаҳ! Қўйнингда қиролга қарши
ёзилган мактуб бор. Сен анави ўз отасига қарши чиққан
жиблажибонларнинг одамисан. Қиличингни суғур, ярамас,
йўқса, ҳозироқ бурдалаб ташлайман. Суғур қилични, малъун,
ўзингни ҳимоя қил!

О с в а л ь д

Вой-дод!.. Ўлдирыпти!.. Ёрдам беринглар, ёрдам!..

К е н т

Қиличингни ишга сол, ҳезалак! Ўзингни ҳимоя қил!
Қани бўл, деяпман!..

(Унга қилич уради.)

О с в а л ь д

Ёрдам беринглар, ёрдам!.. Ўлдирыпти!..

Қўлида яланғоч қиличи билан Эдмунд киради.

Э д м у н д

Ҳой, нима гап? Нима жанжал?

(Уларни ажратмоқчи бўлади).

К е н т

Келинг, йигитча, сиз ҳам ҳиссангизни ола қолинг. Истасангиз, сизни ҳам қиймалаб қўя қоламан.

Герцог Корнуэль, Регана, Глостер ва хизматкорлар киришади.

Г л о с т е р

Қиличлар? Қуроллар? Нима бўляпти ўзи?

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Бас қилинглар, ўзни тийсин икки томон ҳам,
Ким биринчи қўл кўтарса, ўшанга ўлим.
Хўш, нима гап ўзи?

Р е г а н а

Булар - одам билан қиролдан келган чопарлар.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Айтинг, жанжал нимадан чиқди?

О с в а л ь д

Зўрға нафас оляшман, милорд.

К е н т

Албатта-да!.. Жонингни жабборга бериб, олишганингдан сўнг нима бўларди? Сен муттаҳам, кўрқоқсан. Табиат сендан ирганади. Сени тикувчи тикиб, яратган.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Ғалати одам экансан-ку. Одамни ҳам тикувчи яратар эканми?

К е н т

Тикувчи яратади, сэр. Сангтарош ёки рассом икки соат уриниб ҳам бунақа тасқарасини яратолмайди.

Герцог Корнуэль

Айт-чи, нега жанжаллашиб қолдиларинг?

Освальд

Жанжални бошлаган мана шу - қариб қуйилмаган. Оқ соқолининг ҳурмати қилдим, йўқса...

Кент

Вой, қанжиқнинг боласи-ей!.. Вой, итнинг орқа оёғи-ей!.. Милорд, рухсат этинг, мен уни эзгилаб, оҳакка айлантираман-да, кейин ҳожатхонанинг деворига чаплайман. Оқ соқолининг ҳурмати қилдим, эмиш... Вой, сен шўртумшук!..

Герцог Корнуэль

Тилингни тий, нодон кўпам ҳаддингдан ошма, Биласанми, ҳозир кимнинг ҳузуридасан?

Кент

Мен биламан, милорд, қайда эканлигимни, Аммо қаҳру вазабнинг ҳам қаҳ-ҳуқуқи бор.

Герцог Корнуэль

Нега қаҳру вазабдасан? Жавоб бер, нега?

Кент

Шундай қулваччага қурол берилганига. Бундайларда ор-номус йўқ. Қариндошликнинг Қутлуғ' риштасини тинмай кемирар улар - Худди каламушга ўхшаб. Хўжайинлари Не истаса, бажону дил айлашар бажо. Оловга мой сепишади, совуқ қалбларни Қорга кўмиб, яна баттар этишар заранг. "Хўп" дейиш ҳам, "Йўқ" дейиш ҳам уларга бирдек, Тумшувини елга тутган кўкторғоқлардек Эгасининг раъйин билиш - уларга орзу, Унинг орқасидан итдек эргашар улар. Ҳа, башаранг қурсин сенинг, турқинга ўлат! Яна иржаяди, сенга масхараманми?

Кеккайган роз, қўлимга бир тушсайдинг борми,
Уйинггача қувиб, роса қоқовлатардим!..

Герцог Корнуэль

Эй, чол, магар сен ақлдан озганинг йўқми?

Глостер

Орангизда не сабабдан жанжал чиқди, айт.

Кент

Мен ва бу муттаҳам ёвмиз бир-биримизга,
Бу дунёда бундан ортиқ бўлмас адоват.

Герцог Корнуэль

Нега у муттаҳам бўлсин, гуноҳи нима?

Кент

Унинг башараси менга ёқмайди...

Герцог Корнуэль

Ажаб,

Балки менинг юзим, балки унинг юзи ҳам...

Кент

Жаноб, сўзни дангал айтиш менинг одатим,
Мен умримда кўп юзларни кўрганман, улар,
Ҳозир кўриб турганимдан неча бор афзал.

Герцог Корнуэль

Шунақа де? Бўлди, бизга кимлигинг аён.
Бу шундай бир тентакларнинг тоифасидан,
Дағал сўзи учун бир кун мақтов эшитган,
Шундан бери дағалликка интилади у,
Гўё хушомадни севмас, тўғри сўз одам,
Сўзи қабул бўлса, яхши, бўлмаса ҳам, хўп,
Мен биламан бу тоифа муттаҳамларни,
Ки уларнинг ясама шу тўғри сўзлиги
Хизматингда хушомад-ла елиб югурган
Йигирмата хизматкорнинг макридан ёмон.

К е н т

Жаноблари, номус ҳақи, садоқат ҳақи,
Феб юлдузи янглиғ ёрқин шуълалар сочган
Шу мунаввар зоти шарифлари олдида...

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Ҳой, нималар демокдасан?

К е н т

Содда сўз услубим сизга ёқмаётган экан, уни ўзгартирдим. Чинданам мен хушомадгўй эмасман. Аммо биров соддагина қилиб, сизни алдаб кетган экан, у - содда бир муттаҳам, бошқа нарсамас. Балки разабингизга дучор бўларман, аммо ўшанақа соддалардан бўлишни истамайман.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Айт, сен уни сира хафа қилганмидинг?

О с в а л ь д

Йўқ,
Тунов куни қирол, яъни унинг хўжаси
Бир шапалоқ урди мени янглиш устида.
Бу хушомад юзасидан орқадан келиб,
Оёғимдан чалиб, мени ерга йиқитди.
Сўнг устимга чиқиб олиб, тепганча тепди.
Ўзгаларнинг кўз ўнгида бўлди қаҳрамон
Ва қиролдан яхшигина мақтов эшитди.
Бугун ўша жасорати эсга тушди-ю,
Қиличини яланғочлаб, олиша кетди.

К е н т

Вой, ярамас, қўрқоқ, гўё унинг наздида
Ботир Аякс ҳам худди масхарабоздек...

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Кишан келтиринглар! Токи бу муттаҳамга,
Бу мақтанчоқ мўйсафидга сабоқ берайлик.

К е н т

Жаноб, мен кексага сабоқ ўргатиш қийин.

Кишанга не ҳожат? Қирол хизматкориман,
Мен келганман сизга қирол мактуби билан.
Мени - қирол элчисини кишанга солмоқ
Беписандлик бўлур, ахир, қиролимга ҳам.

Герцог Корнуэль

Кишан келтирингла! Ҳаёт, номусга қасам,
То тушгача ўлтирсин бу аблаҳ кишанда.

Регана

То тушгача! Йўқ, кечгача, кейин тун бўйи.

Кент

Магар отангизнинг ити бўлганимда ҳам,
Менга бундоқ муомала этманг, маликам.

Регана

Отамнинг ҳар авбошига муомалам шу.

Герцог Корнуэль

Шундайларга ҳазир бўл, деб, опангиз ёзган.
Эҳтимолки, бу ҳам ўша бузуқбошлардан.
Ҳой, келтиринг кишанларни.
Тахтакач, яъни ёғоч кишанлар келтиришади.

Глостер

Жаноби олий,
Ўтинаман сиздан, қўйинг, бу ишни қилманг.
У гуноҳ иш қилган бўлса, арз этайлик биз,
Қирол ўзи берсин унга лойиқ жазони.
Бундоқ жазо товламачи, мутгаҳамларга,
Ўғриларга, саёқларга берилар асли.
Биз кишанга солсак уни, эшитиб қирол
Ранжихотир бўлур.

Герцог Корнуэль

Ўзим жавоб бераман.

Регана

Опам хафа бўлар балки унданам ортиқ,
Мактуб ила жўнатган хос навкаримизни

Ҳеч гуноҳсиз таҳқирлашди, калтаклашди деб.
Оёғига кишан уринг.

Кент нинг оёғига кишан солишади.

Кетдик, азизим.

Глостер билан Кентдан бўлак ҳамма кетади.

Г л о с т е р

Сенга ачинаман, дўстим, аммо начора,
Герцог амр айлагач, уни қайтариб бўлмас.
Сени ёқламоққа лекин уннаб кўраман.

К е н т

Бунинг ҳожати йўқ, милорд, йўлда толиқдим,
Тўйиб бир ухлайман, кейин ҳуштак чаламан.
Шуни яхши биламанки, яхши одамни
Толе ўзи кишанда ҳам излаб топади.
Тунингиз хайрли бўлсин...

Г л о с т е р

Лекин ҳар ҳолда
Герцог чакки қилди, бунинг охири ёмон.
(Кетаги).

К е н т

Шавкатли қиролим, бутун остимда тикан,
Кулли ёвмин баттар, деган ҳикмат рост экан.
Оч юзингни, моҳитобон, олам чароғи,
Менга ўша шафоатли ёғдуларинг соч.
Ёруфингда ўқиб олай мактубни, балли,
Юз беради қайғу-алам ичра мўъжиза.
Мен биламан, Корделия ёзмиш бу хатни,
Менинг мушкул аҳволимдан хабар топмиш у.
Қулай фурсат кутар фақат кўмаклашмоққа.
Эй, ҳорғин кўзларим, энди юмилингиз то,
Шу масканни кўришга ҳам йўқдир тоқатим.
Хайрли тун, қисмат, бўлма мунча тошбағир,
Менга яна кулиб боқ-да, чархинг айлантир...

(Ухлайди).

Учинчи сахна

Ўрмон.

Эдгар киради.

Э д г а р

Мени жиноятчи дея эълон этишди.
Бир дарахтнинг ковагига кириб баҳарҳол
Жон сақладим, йўллар тўсиқ, бандаргоҳлар берк.
Ҳар қадамда пойлоқчилик, тузоқ, таҳлика.
Юрмоқ керак кўздан йироқ имкон борича.
Чораси шу - қиёфамни ўзгартираман,
Фариб, йўқсил, жулғунди бир гадо бўламан.
Камбағаллик ҳайвон қилиб қўяр одамни.
Юзларимга лой суркайман, қорамой, қурум.
Эгнимга-чи, латта-путта илиб оламан.
Сочларимни ҳурпайтириб, қорли-қировли
Ҳаволарда тентирайман ярим яланғоч.
Шунда ҳеч шубҳасиз ўша Бедламдан чиққан
Жинниларга, гадоларга ўхшаб қоламан.
Фарёд, фифон солиб, санқиб юришар улар,
Музлаб қолган қўлларига игналар, михлар,
Ё бўлмасам, ёғоч найза, тиканлар санчиб,
Қиёфатлари-ла элга даҳшат солишар.
Қишлоқлару қўйхоналар, тегирмонларда
Юриб, йиғишади улар хайру садақа,
Гоҳо таҳдид, гоҳо ўтинч, илтижо билан,
Шўрлик Том деб бундайларни қўйишмас қурук,
Мен Эдгарман, энди элда эътиборим йўқ.

(Кетагу).

Тўртинчи саҳна

Г л о с т е р қасри олдида майдон.

Лир, Масхарабоз ва аъёнлар киришади.

Л и р

Ажаб, улар чопаримни менга жўнатмай,
Кетиб қолишибди.

А ъ ё н

Шоҳим, эшитишимча,
Бундоқ ният бўлган эмас уларда кеча.

К е н т

Подшоҳимга шон-шарафлар бўлсин!..

Л и р

Бу сенмисан? Бундоқ уят, шармандаликни
Вақт ўтказиш учун ўйлаб топдингми?

К е н т

Асло,
Ундоқ эмас, шоҳим.

М а с х а р а б о з

Ха-ха-ха!.. Роса чаңдиб ташлашибди-ку.

Отларни бошидан бойлашади, итлар ва айиқларни -
бўйнидан, маймунларни - белдан, одамларни - оёғидан.
Кимнинг оёғи енгил, югурик бўлса, унга ана шундоқ ёғоч
пайпоқлар кийгизишади.

Л и р

Айт, кимдир у, хос рутбангни назарга илмай,
Сени бундоқ кишанлаган?

К е н т

Улар иккиси,
Куёвингиз билан қизингиз.

Л и р

Йўқ!

К е н т

Ҳа.

Л и р

Йўқ, деяшман!

К е н т

Ҳа, деяшман!

Л и р

Йўқ, йўқ, бундоқ қилишмайди!

К е н т

Ҳа, шундоқ қилишди.

Л и р

Юпитерга қасам ичаманки, ундоқ эмас!

К е н т

Юнонага қасам ичаманки, шундоқ.

Л и р

Йўқ, бундоқ қилишмас улар, қилишолмайди,
Балки шундоқ қилишга ҳеч этишмас журъат.
Бундоқ беписандлик менга ўлимдан оғир.
Қани, айтиб берчи, қайси гуноҳинг учун
Сени шундоқ залолатга солишди?

К е н т

Шоҳим,
Мен мактуб келтирдим олий жанобингиздан,
Ва тиз чўкиб, маликага топширдим уни.
Мен ўрнимдан турар-турмас ўзга бир чопар
Чангга ботиб, терлаб-пишиб кириб келди-ю
Гонерилья номидан, деб узатди мактуб.

Мен бу ёқда қолавердим, ўша мактубни
Дарҳол ўқиб, аъёнларни жамулжам айлаб,
Йўлга отланишди, менга кўз ташлаб совуқ,
Амр этишди улар билан бирга юрмоқни,
Мактуб жавобини бунда кутиб турмоқни.
Бунда ўша чопарга боз келдим рўбарў,
Қабул чоғи менга зиён айламишди у
Ва сизга ҳам қўполликлар этмишди ўша.
Жаҳл келиб, ақл кетди, қилични қиндан
Шарт суғурдим, у мутгаҳам кўтарди дод-вой
Ва бошига йиғди бутун қўрғон аҳлини.
Қизингиз ва куёвингиз келишиб ҳамон,
Шу жазога муносиб деб топишди мени...

М а с х а р а б о з

Ёввойи розларнинг анави ёқда учишларидан маълум бўла-
дики, қиш ҳали бери тугамайди.

(Куйлайғи).

Ота камбағал бўлса,
Болалари бўлу р хор.
Ота давлатманд эса,
Топар иззат-эътибор.
Омад деган шум, дайди
Бечорага боқмайди...

Хўш, бу нима дегани? Ҳали қизларингдан шунчалар
кўп озор-аламлар чекасанки, санаб, бир йилда ҳам адо-
ғига етолмайсан.

Л и р

Бир тугунчак қалбим сари ўрмаламоқда,
Ҳой, лаънати офриқ, бўғма, ёқамни бўшат.
Сенинг ўрнинг у ердасан, пастдадир, ахир.
Қизим қани?

К е н т

У шу ерда, граф қасрида.

Л и р

(Аъёнга)

Сен эргашма менга, шунда тура тур.

Кетади.

А ъ ё н

Магар

Бошқа гуноҳингиз йўқми улар олдида?

К е н т

Йўқ. Қиролнинг ҳамроҳлари нега мунча оз?

М а с х а р а б о з

Шу саволинг учун сени кишанга солса, арзийди.

К е н т

Нега, масхара?

М а с х а р а б о з

Сени чумолилар мактабига берамиз, токи қишда иш-ламаслик жоизлигини ўргатиб қўйишсин. Ҳидга димоғи сезгирлар борки, кўзига қараб қадам босади. Кўзи кўрлар бундан мустасно. Сасиб-бижғиган нарсанинг ёнидан ўтаётган йигирматанинг ичида шу ҳидни сезмаган битта ҳам бурун бўлмагай. Катта бир гилдирак тепадан пастта тушиб келаётган бўлса, унга ёпишма, бўйнинг узилади. Аммо катта гилдирак пастдан тепага кўтарилаётган экан, унга ёпишиб ол, токи сени ҳам тепага олиб чиқсин. Агар бирор донишманд бундан яхшироқ кенгаш берса, меникини ўзимга қайтар. Аҳмоқлар маслаҳатига аблаҳлар амал қилсин, менга эса кераги йўқ.

Кимки фойда деб фақат

Сенга қучоғин очар.

Ёмғирда этмас мадад,

Бўронда ташлаб қочар.

Оқил бузар аҳдини,

Аҳмоқ туради маҳкам.

Мутгаҳам аҳмоқ бўлар,
Аҳмоқ бўлмас мутгаҳам...

К е н т

Буни қайдан ўргандинг, аҳмоқ?

М а с х а р а б о з

Ўргандим, аммо сента ўхшаб кишанга тушибмас, нодон.

Лир билан Глостер киради.

Л и р

Учрашишнинг иложи йўқ, касал эмишлар?
Толиққан эмишлар тунда йўл босиб олис...
Бу - баҳона, аслида-чи, саркашлик, исён,
Менга тайин жавоб келтир.

Г л о с т е р

Азиз подшоҳим,
Биласиз-ку, герцог қандай тунд ва баджаҳл.
Бир қарорга келгач, унда қаттиқ туради.

Л и р

Ўлим! Қасос! Барчасига ўлат ва лаънат!
Баджаҳлми? Нега энди? Гапир, Глостер!
Ҳой, Глостер, мен ҳозироқ кўришмоғим шарт
Ўша герцог билан, унинг хотини билан.

Г л о с т е р

Сўзингизни мен уларга етказдим, милорд.

Л и р

Сен етказдинг! Аммо ўзинг англай олдингми?

Г л о с т е р

Мен англадим, шоҳим.

Л и р

Қирол гаплашмоқчи герцог Корнуэль билан,
Қизи билан кўришмоқчи азиз отаси,

У қизидан беминнат бир хизмат кутар, деб
Сўйладингми? Менинг қоним, менинг жонимга?
Герцог баджаҳлмиш! Ўша баджаҳлга айт,
Йўқ-йўқ, айтма, у чинданам касалдир балки.
Соғлиқда бажарган хизмат, вазифаларни
Киши касал бўлиб қолса, адо этолмас.
Таннинг оғриқлари ила табиат гоҳо
Жонимизни сиқар бўлса, бизлар биз эмас.
Мен кутаман. Мен қизишиб, ҳаддимдан ошдим,
Хаста сўзлар экан, сира ўйламай-нетмай,
Соғнинг сўзлари деб қабул эттайму киши?
Менинг давлатимга лаънат!

(К е н т а кўзи тушиб)

Аmmo, тўхта-чи,
Нега унинг оёвига солишди кишан?
Шунинг ўзи айтмоқдаки, уларнинг буңдоқ
Уйдан жўнаб кетишлари ҳийла, баҳона.
Кишанлардан халос қилинг хизматкоримни!
Сен бориб айт, герцог билан рафиқасига,
Амр этаман, ҳаяламай етиб келишсин,
Улар билан шу ондаёқ гаплашмоқчиман.
Йўқ дейишса, эшигига ўзим бораман,
Аямайман, уйқусини ҳаром қиламан.

Г л о с т е р

Мен орани юмшатаман имкон борича.

Л и р

О, юрагим, ўзингни бос, ўртанма мунча!

М а с х а р а б о з

Амакижон, уларга бир қичқириб бер. Ошпаз кампир
илонбалиқларни тириклайин хамирга тиқиб, жим ётинг-
лар, ярамаслар, деб уларнинг бошига ўқлоғи билан урар
экан. Унинг укаси отини шунчалар яхши кўрар эканки,
сомонга сариёғ қўшиб едирар экан.

Герцог Корнуэль, Регана, Глостер ва хизматкорлар киришади.

Л и р

Салом, болаларим.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Салом, жаноби олий!

(Кентни кишандан бўшатишади).

Р е г а н а

Шаҳаншоҳим, сизни кўриб шодман.

Л и р

Регана,

Ишонаман, ишончимнинг сабаби тайин,
Мени кўриб, севинмасанг, қувонмасайдинг,
Қўйди-чиқди қилар эдим, алдоқчисан, деб
Онанг раҳматлининг қабри, мозори билан.

(Кентга)

О, сен бўшадингми? Майли, бу ҳақда кейин.
Азизим, Регана, билсанг опанг жуда ҳам
Кўрнамаклик қилди менга, қилди қабоҳат,
О, Регана, у заррача айламай шафқат,
Калхат бўлиб юрагимга ботирди чангал.

(Кўкрагига уради).

Айтишга сўз тополмайман, сен ишонмайсан,
Опанг қаҳру вазаб сочди менга, Регана!

Р е г а н а

Ўтинаман, ўзни босинг, шоҳим, менимча,
Опамнинг қилгани биров андишасизлик,
Аммоки сиз уни жуда камситмоқдасиз.

Л и р

Бу нима деганинг?

Р е г а н а

Опам унутганмас сира фарзандлик бурчин,

Сизга ҳамроҳ аъёнларнинг тўполонига
Қарши чиққан бўлса, бунинг нимаси ёмон?
Шуни дастак қилиб, уни айбламак хато.

Л и р

Унга лаънат бўлсин!

Р е г а н а

Ота, қариб қолдингиз,
Аён гапки, ёшингиз ҳам бир жойга етди.
Сизни сиздан кўра яхши билувчиларнинг
Сизга маслаҳати керак, сизни қўлловчи,
Сизга суянч бўлиб, доим йўлга йўлловчи
Меҳрибон зотларнинг меҳри, мадади керак.
Шунинг учун ўтинаман, опамга қайтинг,
Узру маъзур сўранг мендан гуноҳ ўтди деб.

Л и р

Ундан узр сўрайинми? Яъни, масалан,
Жоним қизим, қариб қолдим, ҳолимга ачин,
Мен олдингда тиз чўкаман...

(Тиз чўкади).

Мен бенавога
Бошпана бер, кийим-бош бер, ошу нон бер деб...

Р е г а н а

Етар, сизга ярашмайди бундай қилиқлар,
Опам ҳузурига қайтинг.

Л и р

(Оёққа туриб)

Асло, Регана!
Тенг ярмига қисқартди у аъёнларимни,
Менга қовоқ ўйиб, тикка, хўмрайиб боқди.
Илон бўлиб, юрагимга заҳар солди у,
Қасос ўтин боши узра ёндирсин фалак,
Вабо унинг болаларин этсин жизганак.

Герцог Корнуэль

Уят, шоҳим, уят!..

Л и р

Эй, учқур чақинлар, олов, ёлқинингиз-ла
Унинг кўзларини ёқинг, куйдиринг тамом.
Унинг ҳусну жамолига етказинг завол,
Ботқоқлардан қуёш нури кўтариб чиққан
Туманлар, маҳв этинг унинг кибру ҳавосин!

Р е г а н а

Вой, худойим, вазабингиз қўзғалган чоғи
Қарғишларни ёғдирарсиз балки бизга ҳам?

Л и р

Йўқ, Регана, сени сира қарғамасман, йўқ,
Юмшоқ феълу атворингга қарғиш нораво.
Унинг қарашлари заҳар, сеники малҳам.
Куйдирмайди, юрагимга берар тасалли.
Сен роҳатим бузиб, менинг аъёнларимни
Қисқартмайсан, сўзда худди илондек чақиб,
Камайтмайсан, ахир, сарфу харажатимни.
Келар бўлсам, эшигингни ёпиб олмайсан.
Сен англайсан, унутмайсан фарзандлик бурчин,
Сенда бордир лутфу карам, ҳурмат, андиша.
Унутмайсан, ахир, сенга подшоҳлигимнинг
Тенг ярмини бердим...

Р е г а н а

Ота, мақсадга ўтинг.

Л и р

Ким кишанга солди менинг мулозимимни?
Саҳна ортида бурғу садоси.

Герцог Корнуэль

Кимнинг бурғу садоси бу?

Регана

Ҳойнаҳой, опам.

Бораман, деб мактубида ёзган эди у.

Освальд киради.

Маликангиз келдими?

Лир

Бу - ўша ирганч қул!

Бекасининг ишончидан димоғи шишиб,

Босар-тусарини билмай қолган муттаҳам.

Йўқол кўзимдан!..

Герцог Корнуэль

Шоҳим, нима демоқчисиз?

Лир

Ким кишанга солди менинг мулозимимни?

Ишонаман, қизим, бундан сен беҳабарсан.

Гонерилья киради.

Эй, осмонлар, қариларга лутфингиз бўлса,

Мўминларга бўлса меҳру марҳаматингиз,

Ўзингиз ҳам чиндан кекса, қадим бўлсангиз,

Мен кексага шафқат қилинг, ёнимни олинг!

(Гонерильяга)

Менинг опшоқ соқолимдан уялмайсанми?

Сен, Регана, наҳот унга берсанг қўлингни?

Гонерилья

Нега қўл бермасин? Менинг гуноҳим нима?

Эсдан озганларга гуноҳ кўринган нарса

Айбу гуноҳ саналмайди.

Лир

О, менинг қалбим,

Шу гапларга бардош бериб турибсан, балли!

Ким кишанга солди менинг мулозимимни?

Герцог Корнуэль

Шоҳим, мен кишанга солдим, қилган гуноҳи
Арзир эди бундан ортиқ жазо берса ҳам.

Л и р

Сиз кишанга солдингизми? Сиз-а?

Р е г а н а

Ўтинаман, ота, ўзни кўп урингирманг,
Қаригансиз, яшанг энди шунга яраша.
Аъёнларнинг тенг ярмига беринг ижозат,
Опам ҳузурига қайтинг, унда бир ойча
Туриб, бизникига кейин келинг, марҳамат.
Ҳозир уйдан йироқдаман, қуруқдан-қуруқ,
Сизни кутиб олишликка ҳозирлигим йўқ.

Л и р

Аъёнларнинг тенг ярмини тарқатайинми?
Кейин қайтиб борай унинг эшигига? Йўқ!
Ундан кўра кечиб барча бошпаноҳлардин,
Бошим олиб кетажакман дала-даштларга.
Бўриларга, бойқушларга бўламан улфат.
Тирикчилик тоши қаттиқ. Яна қайтайми?
Йўқ, яхшиси, кенжа қизим сепсиз, бисотсиз
Олган ўжар французга бошим эгаман.
Оёғига тиз чўкаман, бир бечорага
Шафқат айла, эҳсонингни аяма, дейман.
Сенинг ҳузурингга яна қайтиб борайми?
Ундан кўра бировга қул бўлганим яхши,
Шу малайга малай бўлиб хизмат қиламан.

(Освальдни кўрсатади).

Г о н е р и л ь я

Ихтиёрингиз.

Л и р

Қизим, мени жинни қилма, сендан сўрайман,
Энди менинг ташвишимни чекмайсан, хайр.

Ота-бола кўришмаймиз, сўрашмаймиз ҳам.
Аммо не қилайки, менинг жисму жонимсан,
Танимдаги огригимсан, дардимсан, яра,
Менинг бузуқ қонимдаги йирингли чипқон.
Сени койимайман сира, қораламайман,
Тангрим ўзи инсоф берсин, уят, андиша,
Қаргамайман, чақирмайман бошингга бало,
Этмагайман Юпитерга арзу шикоят,
Ўз-ўзингни тузат, қизим, имкон борича,
Бироз бошқачароқ бўлсанг, бўлмасди ёмон.
Мен эсам, чидайман, сабру бардош қиламан.
Регананинг ҳузурида аҳли аъеним,
Ўзта баҳодирим билан яшаб тураман.

Р е г а н а

Бунинг иложи йўқ, сизни кутмаган эдим,
Кутиб олишга ҳам ҳали эмасман тайёр.
Опамга сиз қулоқ солинг, жаҳдингиз чиқиб,
Шовқин кўтардингиз, майли, сиз кекса одам,
Аммо не қилишни опам яхши билади.

Л и р

Бу гапларга сира ҳожат бормикин?

Р е г а н а

Шоҳим,
Шак-шубҳасиз. Ўзингиз бир чамалаб қаранг,
Нима, элик аъён сизга етарлимасми?
Бундан ортиқчаси сизга не учун керак?
Ҳам хавфлидир, ҳам беҳуда сарфу харажат.
Ўйланг ахир, битта уйда икки хўжайин
Ва шунча оломон бўлса, қайда мурсо?

Г о н е р и л ь я

Айтинг, шоҳим, бизнинг аҳли аъёнларимиз
Сизга хизмат қилса, нечук кифоя эмас?

Р е г а н а

Айтинг, нечук шаҳаншоҳим? Улар мабодо

Ранжитгудек бўлса сизни, олишар жазо.
Менинг қўрғонимга агар келар бўлсангиз,
Ҳар нав хавфу хатарларга барҳам бериш-чун
Йигирма беш киши сизга етар кифоя,
Бундан ортигига менда жой ва маблағ йўқ.

Л и р

Мен сизларга бор нарсамни берганман...

Р е г а н а

Ота,
Жуда тўғри иш қилгансиз, айти пайтида.

Л и р

Мен сизларга бор нарсамни бераркан, ундан
Ўзим билан юзта одам қолсин, деганман.
Энди улар сони тушди йигирма бешга,
Айт, Регана, сен чинданам шундоқ дедингми?

Р е г а н а

Шундоқ, бундан ортигини қабул этолмам.

Л и р

Ёмон ёмон эмас экан, унинг ёнида
Токи турар бўлса агар ёмондан ёмон.
Ҳаммадан ёмонмас киши яхши саналгай.

(Гонерилья га)

Шундоқ экан, сеникита борганим маъқул,
Элик деган икки бор кўп йигирма бешдан.
Бундан чиқди, менга икки карра яхшисан.

Г о н е р и л ь я

Мени тингланг, шаҳаншоҳим, сизга не ҳожат,
Йигирма беш, ўнта ёки бешта мулозим?
Баски, хизматингиз учун ҳар қанча лозим,
Икки ҳисса ортиги-ла берилар сизга.

Р е г а н а

Менга қолса, зарурат йўқ биттасига ҳам.

Л и р

Заруратга тил тегизма, эҳтиёжидан
Ортиқроқ бир нарса бўлур гадоларда ҳам.
Сен инсонни чеклаб қўйсанг зарурат билан,
У ҳайвонга айланиши тайин, муқаррар.
Сен, бегойим, шоҳи, ипак кийибсан нечук?
Кийинишдан мақсад танни иссиқ тутиш-ку.
Менинг заруратим бу дам - сабр ила бардош,
Эй, осмонлар, беринг менга тоқат ва чидам!
Эй, худолар, мен ҳозирман ҳузурингизда,
Машаққатлар аро қолган бечора бир чол.
Қизларимнинг қалби сизнинг амрингиз билан
Отасига қарши магар қўзғалган бўлса,
Шунча таҳқир, ҳақоратлар ёрилгани, бас,
Етар, бундан ортиғига чидаёлмайман.
Юрагимда ғазаб ёқинг, эркак юзимдан
Хотинларнинг кўзёшини оқизиб қўйманг.
Сиз, қарғалар, шошмай тулинг, кўрасиз ҳали,
Шундай қасос, шундай бир ўч олайки сиздан,
Бутун олам, ҳозир не у, айта олмайман,
Аmmo буткул еру кўкка даҳшат соламан.
Сизлар ўйлайсизки, мени йиғлаяпти деб,
Йўқ, мен йиғламайман.
Ҳўнграб йиғламоққа менда сабаб бор гарчанд,
Агар йиғлар бўлсам, эвоҳ, юз пора бўлиб,
Парчаланиб кетар менинг кўксимда юрак.
Ҳой, масхара, қайдасан, мен ақлдан оздим...
Лир? Глостер, Кент ва Масхарабоз кетадилар.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Кетайлик. Чамамда ҳозир қўзғалур бўрон.
(Узоқдан бўроннинг уввоси эшитилади).

Р е г а н а

Уйимиз тор, чол ва унинг аъёнларини
Сифдиrolмас эди магар истаганда ҳам.

Г о н е р и л ь я

Ўзи айбдор, нега ташлаб чиқди уйимни?
Энди ҳар не бўлса, уни ўзидан кўрсин.

Р е г а н а

Ўзи бўлса, майли, дердим, қабул қилардим,
Аммо тоқатим йўқ унинг аъёнларига.

Г о н е р и л ь я

Мен ҳам шундоқ фикрдаман. Глостер қани?

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Чолни кузатмоққа кетди. Мана, қайтди у.
Глостер киради.

Г л о с т е р

Қирол қаҳру вазабдадир.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Қаёққа кетди?

Г л о с т е р

Отланинг, деб буйруқ берди ҳамроҳларига,
Аммо қай томонга юрар, буни билмадим.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Ихтиёри, боши оққан томонга қетсин.

Г о н е р и л ь я

Милорд, илтимосим, уни қол деб қистаманг.

Г л о с т е р

Хайҳот! Тун чўкмоқда, эсар қора шамоллар,
Бўрон хуруж айламоқда дам ўтган сайин.
Теварақда тиккайган бир дарахт йўқ.

Р е г а н а

Милорд,

Ўжар, қайсар кимсалар ўз бошига ортган
Фалокатлар уларга чин сабоқ бўлади.
Маслаҳатим - беркитайлик дарвозаларни.
Унинг ҳамроҳлари - гала каллакесарлар,
Чолни осонгина авраб, сира қийналмай,
Турли можарога ундаб, йўлга солади.
Хуллас, ҳаммамизга ҳозир эҳтиёт зарур.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Яхши кенгаш, беркитингиз дарвозаларни,
Тун қоронғу, кетмоқ керак бўрондан нари.

Кетишади.

УЧИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Яйдоқ чўл

Бўрон, чақмоқ ва момақалдироқ. Кент бир ёқдан, сарой
аъени иккинчи тарафдан кириб келишади.

К е н т

Ҳой, бу ерда ким бор яна бўрондан ўзга?

А ъ ё н

Бўрон каби ўз тинчини йўқотган бир жон.

К е н т

Мен танийман сизни, айтинг, қирол қаерда?

А ъ ё н

Олишмоқда қутирган шу талотум билан.
Шамолларга амр этмоқда, борлиқ заминни
Супуринг-да, денгизларга элтиб тўкинг, деб.
Тўлқинларга ҳайқирмоқда, босинг, деб ерни,
Токи буткул ўзгарсин ё йўқолсин дунё!
Ошпоқ сочларини юлар, уларни ҳамон
Юлқиб олиб учар ўша ваҳший шамоллар.
Инсонга хос кичик тани-дунёси билан

Муқовамат кўрсатмоқда ёмғир, шамолга.
Бундай қўрқинч тунда чиқмас айиқ ҳам, шер ҳам,
Ҳатто оч бўри ҳам олар бир қавақда тин.
У бўлса-чи, яланг кўкрак, яланг бош билан
Ўзни ҳар томонга уриб, чекмоқда нидо...

К е н т

Бирор кимса борми унинг ёнида?

А ъ ё н

Ҳеч ким,
Фақат масхарабоз ҳазил-ҳузуллар билан
Тарқатмоқчи бўлар унинг алам, қайғусин.

К е н т

Сизни танийманки, демак, ишончим ҳам бор,
Ошкор этмоқчиман, сизга муҳим бир сирни.
Герцог Корнуэлу герцог Альбани аро
(Улар қанча яширишга уринишмасин),
Чинакам бир тотувлик йўқ, сулҳу салоҳ кам.
Улар саройида бошқа ҳукмдорларнинг
Саройида бўлганидек мулозимлар бор.
Кўринишда жону дилдан хизмат қилишар,
Аслида-чи, французга айғоқчи улар.
Давлатимиз ҳақидаги бор маълумотни
Етказиб турибди улар подшоларига.
Унда билишади бизнинг герцоглар аро
Қечаётган муноқаша, зиддиятларни,
Ҳам кекса қиролга бунда шу кеча-кундуз
Бўлаётган тазйиқлару яна кўп нозик
Сирру синоатлар борки, уларга аён.
(Булар гапнинг индаллоси, аслида гап кўп)
Энди айтиш лозим аччиқ ҳақиқат шуки,
Фойдаланиб биздаги бу жанжал, низодан,
Юртимизга французлар қўшини кирди.
Яширинча кириб бизнинг бандаргоҳларга
Аскар туширишди, ҳатто байроқ кўтариб,
Майдонга тушишга бугун туришибди шай.
Менга ишончингиз комил бўлса, ҳозироқ

Дувр томон учинг, унда зарур кимсани
Учратасиз, қиролимиз бошига тушган
Мушкул савдоларни унга айтиб берингиз.
Хизматингиз учун сизга берар мукофот.
Мен оддий фуқаро эмас, олий насабман,
Сизни билганим ва сизга ишонганим-чун
Шундай муҳим вазифани сизга топширдим.

А ъ ё н

Сиздан сўрамоқчи эдим...

К е н т

Сўзга ҳожат йўқ,
Аслим анча қиммат турар кўринишимдан.
Мана, сизга ҳамён бунинг исботи учун.
Ичида не бўлса, олинг, бари сизники.
Сиз мабодо учратсангиз Корделияни,
(Сиз албатта учратасиз уни, шубҳасиз!)
Мана бу узукни унга кўрсатсангиз, бас,
Менинг кимлигимни сизга айтиб беради.
Вой, бўронни қаранг! Увлаб, қутурди роса!
Мен қиролни изламоққа тушаман энди.

А ъ ё н

Қўлингизни беринг! Бошқа сўзингиз йўқми?

К е н т

Бор, бир овиз сўзим, аммо жуда ҳам муҳим.
Мен бу ёқдан излаб борай, сиз у тарафдан.
Ким қиролга биринчи бўб дуч келиб қолса,
Ҳой, деб овоз берсин дарҳол бошқа тарафга.
Кетишади.

Иккинчи саҳна

Чўлнинг бошқа бир бўлаги.
Бўрон давом этмоқда.

Лир ва Масхарабоз киришади.

Л и р

Шамол, қутир, лунжинг шишиб, ёрилсин, уфур!
Ёмғир, жала, осмонлардан челақлаб қуйиб,
Фарқ айлангиз гумбазларни, минораларни.
Эй чақинлар, энг азамат эманларни ҳам
Кул айлабон, фикрдан тез учган оловлар,
Менинг оппоқ бошимни-да ёқинг бир йўла.
Бошим узра ўкиргувчи момақалдироқ,
Ер тарвузин уриб, янчиб, пачоқлаб ташла.
Табиатнинг куллари кўкларга совур,
Қурит нонкўр одамзоднинг наслини буткул!..

М а с х а р а б о з

О, амакижон, саройдаги қуп-қуруқ хоналарда сақланувчи муқаддас сувлар шу даладаги ёмғир сувларидан минг марта афзал эмасми? Азиз амакижон, бор-да, қизларингдан узр сўра. Бунақа бўронли кеча ақлли ким, аҳмоқ ким, ажратиб ўтирмайди.

Л и р

Уввос тортинг! Ўтлар ёқинг! Қуйинг шаррослаб!
Бўрон, чақмоқ, жала, менинг қизлариммассиз,
Ки шафқатсиз, дея сиздан этсам шикоят,
Сизга берганим йўқ, ахир, салтанатимни,
Болаларим, дея сизни атамадим ҳам.
Мендан қарздор эмассиз, бас, шундоқ экан, сиз
Отинг бошим узра офат-фалокатларни.
Қаршингизда мен қулингиз, бечора бир чол,
Бир нотавон, ожиз, маҳкум, хор ва бетадбир.
Йўқ, сиз худди фармонга шай мулозимларсиз,
Менинг баттол қизларимга қўшилиб бу дам,
Ёприлдингиз шу самовий қўшинлар билан
Бир кексанинг бошига... Эй, уят эмасми?

М а с х а р а б о з

Кимнинг бош суқишга лойиқ бошпанаси бор эса, де-
мак, унинг елкасида боши бор.

Бошпананг бўлмай туриб,

Уйлансанг, ҳолинга вой.

Бечора гадолардек

Битлагайсан ҳойнаҳой.

Бош бармоғингга эмас,

Юракка қил эътибор.

Йўқса, оғриқ, азобдан

Тунларинг ўтар бедор.

Кўзгута боқиб, афтини буриштирмайдиган гўзал бор-
микин дунёда?

Л и р

Йўқ, мен энди сабру бардош тоғи бўламан,
Сўзга оғиз очмайман...

Кент киради.

К е н т

Ҳой, ким бор бу ерда?

М а с х а р а б о з

Ким бўларди, бош билан дум, битга ақли билан битга аҳмоқ.

К е н т

Ҳайҳот, шоҳим, шундамисиз? Ҳаттоки тунда

Изгиғувчи ҳайвонлар ҳам кўрқар бу тундан.

Кўкнинг гулдуриси тамом даҳшатга солиб,

Ин-инига қамаб қўйди йиртқичларни ҳам.

Мен умримда бундай чақин, бундай қалдироқ,

Бундай ўкиргувчи шамол, шаррос жалани

Кўрмаганман сира, ҳатто эшитмаганман.

Бу даҳшатга инсон зоти бардош беролмас.

Л и р

Бошларимиз узра сурон солган Худолар
Майли, излаб топишсин ўз ванимларини.

Жиноятчи, қилмишларинг қонунга хилоф,
Бу даҳшатлар қаршисида кўрқиб, қалтира.
Эй кушанда, қотил, қонли қўлларинг яшир,
Эй ўзини пок, бегуноҳ кўрсатган фосиқ,
Эй ўзини авлиёдек тутган қасамхўр,
Қабоҳатлар билан тўла юрагингни оч,
Тавбалар қил, самоларга илтижо айла.
Менинг гуноҳим оз, аммо менинг олдимда
Ўзгаларнинг гуноҳлари кам эмас, талай.

К е н т

Э воҳ, шоҳим, бошьялангсиз шундоқ ҳавода!
Шу атрофда бир чайла бор, бўлур бошпана.
Бекинасиз бўрондан. Мен қайтиб бораман
Анави тош уйга, унда яшовчиларнинг
Юраклари девордаги тошдан ҳам заранг.
Сизни излаб борган эдим, киритишмади.
Лекин улар эшигига бораман яна,
Лутфу марҳаматларини тортиб оламан.

Л и р

Мен ақлдан озаяпман.

(Масхрабозга)

Юра қол, ошнам,
Ҳа, совқотдингми дейман? Мен совқотдим.

(К е н тга)

Ҳой, оғайни, ўша чайланг қаерда ўзи?
Бул ажабким, агарда амр этса эҳтиёж,
Сомон чўп ҳам юксак қадру қиймат топади,
Қани, дўстим, юр, чайлангга борайлик энди...
Мен ҳолингга ачинаман, шўрлик масхарам,
Юрагимнинг бир чеккаси билан.

М а с х а р а б о з

(Куйлайди).

Кимнинг агар ақли бўлса заррача,
Ёмғирми, шамолми унга бари бир.

Қисмат не буюрса, рози бўлар ул,
Майли, ёғаверсин ҳар куни ёмғир.

Л и р

Тўғри айтасан, ошнам.

(Кентга)

Қани, бизни бошла ўша чайлангга.

Лир ва Кент кетишади.

М а с х а р а б о з

Бунақанги аломат кечада ҳар қандай диркилаган жоннинг ҳам иссиқ-ҳовури бир пасда босилади-қўяди...
Кетишимдан олдин бир башорат қилай:

Поплар бўлишмаса мунча сўзамол,
Пивога сув қўшиб сотмаса баққол,
Матодан урмаса, тикувчилар, бас,
Бузуқни ёқишса, жодугарнимас,
Маҳкамалар иши адолат бўлса,
Бировлар бировдан қарздор бўлмаса,
Жумла бўҳтончилар тилини тийса,
Ўғри, киссавурлар қўлини тийса,
Судхўрлар пулини елга совурса,
Фосиқ, фоҳишалар черковлар қурса,
Шунда силкинарди бутун Альбион,
Қуршаб олар эди уни ҳаяжон.
Ажаб замон бўлиб шунда дафъатан,
Ҳамма юрар эди оёғи билан... ‘

Бу башоратни Марлин қилади... У мендан кейин дунёга келади...

(Кетага).

Учинчи саҳна

Г л о с т е р қасрида бир хон

Глостер ва Эдмунд киради.

Г л о с т е р

Ҳайҳот!.. Ҳайҳот!.. Эдмунд, менга бу янглиғ қаттиқ муомалалар ёқмайди. Мен унга жиндак ёрдамлашишга ижозат сўрагандим, аввалига уйимни эгалаб олишди, кейин бизнинг қаҳру вазабимизга учрамай, десанг, унинг номи-ни тилингга олмайсан, унга кўмаклашишни хаёлингга ҳам келтирмайсан, деб тақиқлаб қўйишди.

Э д м у н д

Бу - ёввойилик ва одамийликка хилоф.

Г л о с т е р

Гапнинг буёғини эшит, аммо чурқ этиб, бировга оғиз очма. Герцоглар орасида келишмовчилик, низо юз берибди. Масала жиддий, мен бу оқшом мактуб олдим. Бу ҳақда гапириш хавфли. Уни хонамда яшириб қўйибман. Қиролга қилинаётган жабру ситамлар жавобсиз қолмайди. Ажнабийлар қирғоққа қўшин туширган. Биз қиролнинг ёнини олишимиз керак. Мен қиролни излаб топаман ва унга яширинча ёрдамлашаман. Сен бориб герцогни банд қилиб тур. Менинг йўқлигимни пайқамасин. Мени сўраса, касал, тўшақда ётибди, деб айт. Ўлсам ўламанки, аммо бу йўлимдан қайтмайман, кекса ҳукмдорим, қиролга кўмаклашаман. Олдинда ғоят ғалати воқеалар юз берадиганга ўхшайди, Эдмунд. Ўтинаман, ўзингни эҳтиёт қил.

(Кетагу).

Э д м у н д

Қиролга бу марҳамат ва мактуб ҳақида
Мен ҳозироқ етказаман герцогга хабар.
Мен мукофот олажакман шунга яраша
Ва отамнинг бор давлати меники бўлар,
Кекса дарахт қулар бўлса, ёш ниҳол унар...

(Кетагу).

Тўртинчи сахна

Чўлнинг бир этагида чайла.

Бўрон давом этмоқда.

Лир, Кент ва Масхарабоз киришади.

К е н т

Мана, шоҳим, чайла. Қани, марҳамат қилинг. Бундай рутубатли тунда очиқ ҳавода туриш хавфли.

Л и р

Мени қолдир, ўзинг киравер.

К е н т

Ўтинаман, кириг, шоҳим.

Л и р

Менинг қалбимни
Парчалашни хоҳлайсанми?

К е н т

Наинки, шоҳим,
Ундан кўра, парчалансин менинг юрагим.
Қани, ичкарига кириг.

Л и р

Сен ўйлайсанки,
Киши сел-ёмғирда қолиб, суяк-суякка
Совуқ ўтиб кетса, офат-фалокат бўлур.
Балки сенинг учун офат-фалокатдир ул.
Аммо овир фалокатлар елкангда экан,
Бундай овир машаққатлар бўлмагай писанд.
Сен айиқдан жон ҳовучлаб қочасан, лекин,
Кўрасанки, нақ оёғинг остида - денгиз.
Шунда айиқ оғзи сенга афзал кўринур,
Руҳинг эркин бўлганда-чи, сезгир бўлар тан,
Аммо менинг руҳим аро қутирган бўрон
Маҳрум қилиб қўйди мени сезгиларимдан.

Шу кўксимда ҳис этганим фақат бир овриқ,
Бир азоб, у - қизларимнинг кўрнамаклиги!
Бу шундоқки, умр бўйи едирган қўлни
Оғиз аямасдан ражиб ташлагандек гап.
Мен уларга кўрсатаман, йиғламайман, йўқ,
Шундай тунда мени қувиб ҳайдашди улар.
Шундай тунда, о Регана, о Гонерилья,
Ҳайдадингиз сизни севган кекса отани,
Бор давлатин сизга бўлиб берган эди-ку...
Бу аҳволда жинни бўлиб қолишим мумкин,
Йўқ, йўқ, истамайман, энди оғиз очмайман.

К е н т

Шоҳим, энди кира қолинг.

Л и р

Ўзинг киравер.
Бундай бўрон хаёлимни банд этиб бир оз,
Юрагимдан нари ҳайдар қайғуларимни.
Майли, кирсам кира қолай.

(Масхарабозга)

Сен биринчи кир,
Уйсиз, бошпанасиз жонсан, йўқсил, бечора,
Мен ибодат қилай, кейин кириб ётаман.

Масхарабоз чайлага киради.

Эй, сиз, оч-яланғоч, юпун, қашшоқ, гадолар,
Қайлардасиз, ҳозир қандоқ берасиз бардош
Табиатнинг бундоқ аччиқ аёзларига?
О, илгари мен бу ҳақда кам ўйлагандим.
Эй кеккайган бой-бадавлат, бундан сабоқ ол,
Ўшаларнинг ўрнига сен ўзни қўйиб кўр.
Кўкнинг олий адолати ҳурмати ҳақи
Ортиқ нону насибангдан уларга ҳам бер.

Э д г а р

(Чайла ичидан)

Уч ярим газ чуқур, уч ярим газ! Оҳ, бечора Том!..
Масхарабоз чайладан қочиб чиқади.

М а с х а р а б о з

Амакижон, у ёққа бош суқа кўрма! Ажина бор у ёқда,
жин-ажина!..

К е н т

Менга қўлингни бер. Ҳой, ким бор у ёқда?

М а с х а р а б о з

Арвоҳ бор у ёқда, арвоҳ!.. Исми бечора Том эмиш!..

К е н т

Ҳой, чайлада қичқираётган, кимсан ўзи? Қани, чиқ бу ёққа!
Ўзини жинниликка солган Эдгар чайладан чиқиб келади.

Э д г а р

Қочинглар!.. Мени шайтон қувиб келяпти!..
Шамоллар эсади совуқ дўлазорда,
Ҳап! Совуқ тўшакка кириб, танингни исит!..

Л и р

Бор-будингни бериб қўйиб икки қизингга,
Сен ҳам шундоқ сафолатта тушиб қолдингми?

Э д г а р

Бечора Томга хайру садақа қилинглар! Шайтон уни ўт-
оловлар оралаб, сув-гирдоблар, ботқоғу балчиқлар усти-
даё қувлагани қувлаган. Ётар бўлса, ёстиғи устида пичоқ,
турар бўлса, боши устида сиртмоқ ҳозирлаб қўяди. Оби
ёвғонига заҳар қўшади. Уни жийрон отта миндириб, ўз
соясини ортидан қувдириб, қил кўприқдан ўтишга мажбур-
лайди... Тангри таоло эс-ҳушингиздан айирмасин. Том
совуқ қотди. Худойим сизни ҳар балою ҳар қазодан ўзи
асрасин. Бечора Томга жиндай садақа беринглар. Шай-
тони лаин уни қийнаяпти. Мен уни тутиб олишим мум-
кин. Мана у, мана у, мана у...

Бўрон давом этади.

Л и р

Кўрдингизми, қизлари не аҳволга солмиш,
Барин бердинг, бирор нарса қолдирмадингми?

М а с х а р а б о з

Ўзига ёлғиз иштонини қолдирган, холос. Ўшани ҳам
берганда-чи, одамларнинг кўзига кўринолмасди.

Л и р

Шу ҳавони тўлдирган бор ўлат, ваболар
Қизларининг боши узра дўлдек ёғилсин!

К е н т

Унинг қизлари йўқ, шоҳим.

Л и р

Жим бўл, сотқин! Ким ҳам ахир таҳқир этарди
Отасини ўша баттол қизлардан ўзга?
Наҳотки, ўз вужудидан бўлган фарзанди
Отасига шунча жабру жафолар этса?
Ажаб бўпти! Ўзи айбдор, ўша қизларни
Шу дунёга келтирган ҳам ўзи, вужуди...

Э д г а р

Қушча тепага қўнди,
Ҳа-лу-лу-лу, ҳа-лу-лу...

М а с х а р а б о з

Бу аёзли тун ҳаммамизни масхарабоз ва жинниларга
айлантириб қўяди.

Э д г а р

Шайтондан ҳазар қил, ота-онанга қулоқ сол, айтган
сўзингда тур, қасам ичма, бировларнинг хотинига кўз тикма,
севганингни зебу зийнатларга ўргатма... Том совқотди...

Л и р

Сен илгари ким эдинг?

Э д а р

Сарой аёни эдим, ўзига бино қўйган олифта. Сочимни жингалак қилиб, қўлқопимни шляпамга солиб юрардим. Жононимга ҳамиша гирдикапалак эдим. У билан биргалашиб ножўя ишлар ҳам қилиб турардим. Ҳуда-беҳудага қасам ичардим. Кейин кўм-кўк самога кўз тикиб, қасамимни бузаверардим. Шаҳвоний хаёлларга берилиб, уйқуга кетардим. Уйғониб, уларни амалга оширардим. Май ичишни, қимор ўйнашни севардим. Хотинбозликда турк султонини ҳам қочирардим. Қалбим риёкор, қулоғим шум, қўлим қонли эди. Чўчқадек ялқов, тулкидек маккор, бўридек гўшна, итдек ёвуз, арслондек ваҳший эдим. Ҳазир бўл, нозик пошналарнинг тикқиллаши, ипак либосларнинг шилдираши хаёлингни олиб, бечора қалбингга қутқу солмасин. Қадамнингни ишратхоналардан, қўлингни хотинлар этагидан, қаламингни қарз тилхатлари ёзишдан йироқ тут. Шайтони лаин билан кураш... Ҳамон шамол гувлаб эсар дўлاناзорда, майли, Долфин, ўғлим, эсса эсаберсин у, ёнимиздан эсиб, гувлаб ўта берсин у....

Бўрон давом этади.

Л и р

Қип-яланғоч танингни осмонларнинг қаҳру ғазабига дучор қилгандан, қабрда тинчгина ётганинг афзал эмасми? Наҳотки, одамзод дегани шу бўлса? Унга синчиклаб кўз сол. Қуртдан ипаги, буқадан чарми, қўйдан жуни, кийикдан мушки анбари йўқ. Ҳа!... Бу ерда биз учаламиз - ясама, сен эса - асл, табиийсан. Бўёқсиз, бежаксиз инсон дегани - бу сенга ўхшаш бечора, яланғоч, икки оёқли махлуқдир, бошқа нарсамас. Бас, йўқолсин илинган, кийилган матоҳлар! Қани, тутмаларни ечинг!...

(Устидаги кийимларни юқиб, итқита бошлайди).

М а с х а р а б о з

Амакижон, бас қил. Бундай тунда чўмилиб бўлмайди. Ҳозир яйдоқ далада милтираган бир учқун ҳам кекса қалба дармон бўларди. Юракда ўшандоқ бир учқун милтираб турибди, бутун танам муз қотди. Қаранглар, биз томонга бир чироқ келяпти.

Машғал кўтариб Глостер киради.

Э д г а р

Бу - Флибертижиббит деган алвасти. Уйларда чироқлар ўчаркан, сайрга чиқади у. Биринчи хўроз қичқиргунга қадар изғийди. Кўзларга оқ солиб, вилай қилади, лабларни қийшайтиради, буғдойларга куя туширади, ердаги ҳар тирик жон борки, завол етказади.

Витольд ҳайдаб солди уни уч карра,

Ҳайдади тўққизта синглисини ҳам.

Итарди, ирғитди,

Урди, йиқитди,

Дедики, йўқолинг, даф бўлинг ҳамманг!

К е н т

Аҳволингиз нечук, подшоҳим!

Л и р

Анави ким?

К е н т

Ҳой, кимсиз? Кимни излаяпсиз?

Г л о с т е р

Ўзингиз кимсиз? Исмингиз нима?

Э д г а р

Исмим - бечора Том... У бақа, қурбақа, итбалиқ, калтакесакларни еб, кун кечиради. Шайтон энка-тинкасини қуритганда, мол тезагидан ҳам юз ўгирмайди. Каламуш, ўлаксаларни важиб, ботқоқ сувларни симиради. У қишлоқдан қишлоққа, қамчидан қамчига, кишандан кишанга, зиндондан зиндонга ўтаверади. Устида уч чакмони, эгнида олти кўйлаги, остида тулпор оти, белида шамшири бор.

Фақат каламушу сичқонлар тамом

Бўлди Томга етти йил таом...

Менинг ажинамдан эҳтиёт бўлинглар. Йўқол, лаънати!.. Даф бўл, жодугар!..

Г л о с т е р

Ҳайҳот! Кимлар ҳамроҳ бўлмиш сизга, подшоҳим!

Э д г а р

Зулматларнинг эркатоғи, аслзодалар,
Бири Ифрит бўлса, бири ирkit Азозил.

Г л о с т е р

Зоту зуредимиз кетди тубанлаб ғоят,
Туғилганлар туғдирганга ёғдирар нафрат.

Э д г а р

Бечора Том совқотди.

Г л о с т е р

Шоҳим, мен-ла юринг, гарчи қизларингизнинг
Амрин бажо айламоқлик бурчимдир менинг.
Улар шундай тунда сизни чўлда, бўронда
Ёлғиз қолдирмоққа гарчи этишди фармон,
Аммо бундоқ ишни мен ҳеч қила олмасман.
Сизни излаб топдим, юринг, масканимиз бор,
Жанобингиз учун олов, озуқа тайёр.

Л и р

Мен гаплашиб олай аввал 'файласуф билан.

(Эггарга)

Айтгил, момақалди роқнинг сабаби нима?

К е н т

Сиз таклифни қабул қилинг, борайлик, шоҳим.

Л и р

Фивалик шу донишмандга айтар сўзим бор,

Менга айт-чи, сенинг илму ҳунаринг нима?

Э д г а р

Шайтонларни ҳайдаб, йиртқич, газандаларга
Қирғин солажакман.

Л и р

Сендан сўрамоқчиманки...

К е н т

(Глостерга)

Юринг, кетдик, дея уни қаттиқроқ қистанг,
Ақлу ҳуши жойидамас.

Г л о с т е р

Кўриб турибман.

(Бўрон давом этади).

Қизлари этишди уни ўлимга ҳукм,
Шундоқ бўлишини бошда билган эди Кент.
Қиролнинг эс-ҳуши бироз бежо дедингми?
Агар ростин айтар бўлсам, мен ҳам жинниман.
Тўнғич ўғлим бор эди-ку, уни оқ қилдим,
У яқинда ҳаётимга суиқасд этди.
Уни севар эдим аммо жонимдан ортиқ.

(Бўрон давом этади).

Бу ғам мени жинни қилиб қўйди... Қаранг-а,
Қандай кеча?... Юринг, шоҳим, энди мен билан.

Л и р

О, сиз дариг тутманг лутфу карамингизни,
Муҳтарам файласуф, қани, биз билан юринг.

Э д г а р

Том совқотди...

Г л о с т е р

Чайлангга кир, йигит, унда совқотмайсан.

Л и р

Ҳаммамиз кирайлик.

К е н т

Бизнинг йўлимиз бошқа.

Л и р

Йўқ, мен сира айрилмайман файласуфимдан.

К е н т

(Глостерга)

Рози бўлинг, йигитча ҳам юрсин биз билан.

Г л о с т е р

Майли, юра қолсин.

К е н т

Қани, қимирла, ошнам!

Л и р

Афиналик биродарим, юра қол энди.

Г л о с т е р

Жим... Илтимос, гаплашманглар.

Э д г а р

Роланд қора минорага яқинлашган дам

Бош кўтарди деви аҳраман.

Ва пишқирди: паф-пуф!

Британияликнинг қони анқимоқда, уф!...

Кетишади.

Бешинчи саҳна

Г л о с т е р қасрида бир хона.

Герцог Корнуэль билан Эдмунд киради.

Г е р ц о г К о р н у э л ь

Мен уйини тарк этишимдан олдин ундан қасос оламан.

Э д м у н д

Йўғ-ей; милорд, унда хизмат бурчини фарзандлик бурчидан устун қўйибди, деб мени таъна-маломат қилишди. Бу ҳақда ҳатто ўйлашданам қўрқаман.

К о р н у э л ь

Энди менга равшанки, аканг унинг ҳаётига беҳудага суиқасд қилмаган. Унинг олийжаноб табиати отасининг ярамас қилмишларидан жунбушга келган.

Э д м у н д

Тақдирим - омонсиз тақдир экан! Садоқатли бўлишим билан бирга афсус, надоматлар чекаман. Мана, у менга айтган мактуб. Франция фойдасига жосуслик қилгани хатдан кўриниб турибди... Эй фалак! Кошкийди у хиёнаткор бўлмаса ва мен уни фош этмасам!

К о р н у э л ь

Юр, маликанинг ҳузурига борамиз.

Э д м у н д

Хатда айтилган гаплар тўғри бўлиб чиқса, сизга анча ташвиш бўлар экан-да.

К о р н у э л ь

Тўғри бўлиб чиқадими, нотўғрими, бу мактуб сени граф Глостер мақомига кўтарди. Излаб, отангни топ, токи биз уни дарҳол қамоққа олайлик.

Э д м у н д

(Четга)

Уни қиролга гирдикапалак бўлиб турганда учратсам,

шубха-гумонлар тагин ҳам ошарди.

(Корнуэлга)

Мен хизмат бурчимга ҳамиша содиқ қоламан, гарчи фарзандлик бурчидан юз ўтиришга тўғри келса ҳам.

К о р н у э л ь

Мен сенга ишонаман ва садоқатингга оталик муҳаббати ила жавоб бераман.

Кетишади.

Олтинчи саҳна

Г л о с т е р қасрига туташ фермада бир хона.

Глостер, Лир, Кент, Масхарабоз ва Эдгар киришади.

Г л о с т е р

Бу ер очиқ ҳаводан кўра яхшироқ. Худога шукур қилинглар. Мен бориб, бирор егулик келтираман. Ҳа, тезда қайтаман.

(Чиқади).

К е н т

Унинг ақлу идроки бу зилзилаларга бардош беролмади. Худо хайрингизни берсин, қимматингиз учун ташаккур!

Э д г а р

Мени Фратаретто чорляпти. У дейдики, Нерон у дунёда зулмат кўли соҳилида балиқ овлаш билан банд эмиш... Чўқин, болам, шайтонга ҳай бер!

М а с х а р а б о з

Ўтинаман, менга айтиб бер, амакижон, кўпроқ ким жинни бўлади:

Аслзодами ёки фуқароми?

Л и р

Қирол, қирол!

М а с х а р а б о з

Йўқ, жинни дегани ўғли аслзода бўлиб қолган фуқаро.
У ўғлининг ўзидан олдин аслзода бўлганини кўриб, ақлдан озади.

Л и р

Минглаб шайтонлар олов найзалар билан чуввос солиб ёпирилсин уларнинг бошига....

Э д г а р

Шайтони лаин елкамни тишляпти.

М а с х а р а б о з

Жинни дегани ким? Бўрининг ювошлиги-ю, отнинг соғлиги, боланинг севгиси-ю, фоҳишанинг қасамига ишонган одам.

Л и р

Ҳа, шундоқ бўлади! Мен уларни сўроқ қиламан.

(Эграпра)

Сиз бу ерга ўлтиргайсиз, донишманда ҳакам.

(Масхарабозга)

Сен, билимдон, бу ёққа кел... Эй сиз, тулкилар!..

Э д г а р

Қаранг, кўзларини уларга қадаб турибди... Маҳкамасиз, кўзингизни намунча ўйнатасиз, хоним?...

Анҳорчадан сузиб, менга кела қол, Бесси...

М а с х а р а б о з

Қайиқчаси тешилди,

У бир нима демайди,

Шунинг учун сен томонга келмайди...

Э д г а р

Шайтони лаин булбул бўлиб, бечора Томнинг қулоғига сайрапти. Ҳодданс Томнинг қорнида рақс тушиб, иккита тузланган балиқ сўрапти. Қағиллама, қора фаришта! Сенга берадиган овқатим йўқ.

К е н т

Аҳволингиз қалай, шоҳим? Оёқда туриб, ўйлаверманг.
Мана, ёстиқ, ётиб дам олинг.

Л и р

Мен уларни суд қиламан. Гувоҳлар кирсин.

(Эгарга)

Сен, ҳакамлик кийимини кийган, бери кел.

(Масхарабозга)

Сен - ҳакамга ёрдамчисан, ўлтиринг сиз ҳам.

(Кентга)

Сиз - ҳакамлик аъзосисиз, ўлтиринг сиз ҳам.

Э д г а р

Адолатли суд қиламиз.

Чўпон бола, уйғоқмисан, ухлоқсан?

Қара, қўйлар буғдойзорга ўтмасин.

Дарҳол қўлга олиб, сибизғангни чал,

Қўйларинг экинни пайҳон этмасин.

Пишт-пишт, кулранг мушук!...

Л и р

Биринчи бўлиб ана шу хотин сўроқ қилинсин. Бу -
Гонерилья.

Шу муҳтарам мажлис аҳли олдида қасам ичиб айтаманки,
у ўз отаси, бечора қиролни уйидан ҳайдаб чиқазди.

М а с х а р а б о з

Қани, яқинроқ келинг, хоним. Сизнинг исмингиз Го-
нерилья, шундоқ эмасми?

Л и р

У буни инкор этолмайди.

М а с х а р а б о з

Мени маъзур тутасиз. Мен сизни ўриндиқ деб ўйлабман.

Мана бу бошқаси, унинг қинғир қараши
Фош этади қалбидаги мунофиқликни.
Ушланг уни!... Қилич беринг!... Чироқ келтиринг!
Ҳакам-сотқин! Айтгил, нега қочирдинг уни?

Э д г а р

Эй Худойим, эс-ҳушидан айирма чолни.

К е н т

Қандоқ алам! Шоҳим, ўша мақтовга лойиқ
Сабру бардошингиз, айтинг, қаёққа кетди?

Э д г а р

(Четга)

Унга жоним ачиб, кўздан оқар ёшларим,
Бу кўз ёшлар фош этмаса мени кошкийди.

Л и р

Қаршимда лайчалар - Трей, Бланш, Эркатоё,
Менга ҳуриб, вовуллайди улар, қаранглар.

Э д г а р

Том уларга тош эмас, ўз бошини ирғитади. Ҳей, йўқо-
линг, кўшпақлар!

Қора лайча, оқ лайча,

Акиллама, итвачча.

Эҳтимол тозидирсан,

Кўшпақнинг қизидирсан.

Бўрибосар, калтадум,

Таъзирингиз берар Том.

Бошин отар бўлса, ҳай,

Қочарсиз тумтарақай...

Кет, йўқол ҳамманг!.. Бозорларга бор, гузарларга бор!...
Бечора Том, кашкўлинг қуриб қопти-ку.

Л и р

Регананинг ичини ёриб, юрагида нималар борлигини кўриш
даркор. Билайлик, унинг қалбини тошга айлантирган нима экан?

(Эгарга)

Жаноб, сиз менинг юз бақодиримдан бирисиз. Кийимингиз менга ёқмаяпти. Сиз уни балки эроний либос дерсиз. Аммо не бўлганда ҳам, ўзгартиринг уни.

К е н т

Подшоҳим, ётиб дам олинг.

Л и р

Шовқин солманглар... Шовқин солманглар... Пардаларни туширинг. Ҳа, балли... Ана шундоқ... Кечки овқатни эрталаб еймиз.. Ана шундоқ... Ҳа, балли..

(Уйкуга кетади).

М а с х а р а б о з

Мен тушда ухлайман.

Глостер қайтиб киради.

Г л о с т е р

Дўстим, қани, бери кел-чи... Қиролинг қани?

К е н т

Ухлаяпти. У эсини йўқотиб қўйди.

Г л о с т е р

Қўлларингда кўтар, дўстим, олиб чиқ уни.
Мен эшитдим, этмоқчилар унга суиқасд.
Арава тап – тайёр, уни ётқизиб ҳамон,
Дувр сари от суринглар, у ерда тамом
Топажаксиз меҳру шафқат, ҳифзу ҳимоят.
Ҳа, бўла қол, подшоҳингни олиб чиқ бундан
Ярим соат фурсатинг бор, кечиксанг агар,
Шоҳингни ҳам, ўзингни ҳам, унга мададкор
Бўлганларнинг ҳаммасини ҳалокат кутар.
Қани, олиб юринг уни менинг ортимдан,
Неча соқчи, ҳимоячи эшиқда ҳозир.

К е н т

У қийналиб роса, энди уйқуга кетди,
Ухлаб, ором олса бироз, яхши бўларди.
Шунча жабру жафо, шунча алам чеқди ул,
Тўйиб ухلامасдан, ўзни ўнглаши мушкул.

(Масхарабозга)

Подшоҳингни кўтаришга бизга ёрдамлаш,
Бўл, орқада қолма!

Г л о с т е р

Қани, тезроқ юринглар!

Кент, Глостер ва Масхарабоз Лирни кўтариб чиқишади.

Э д г а р

Катталарнинг ғам – қайғусин кўрганинг маҳал
Юрагингда қайғу-ғаминг камайиб қолар.
Якка ўзинг жафо чексанг, нақадар ёмон,
Дардинг ортар юрар бўлса ўзгалар шодон.
Ўртоғингни ғамли кўрсанг, диққат айлагил,
Дарду ғаминг тарқаб, бироз тортасан енгил.
Қиролнинг бошига тушган қайғу аламни
Кўргач, аламларим бироз тарк этди мени.
Уни қизлари хўрлади, меничи - отам,
Энди ҳар дам ҳушёр бўлиб, кузатиб тур Том.
Бир кун ёвуз бўҳтонлардан қутулмоғинг бор,
Кимлигингни этажаксан ўшанда ошкор.
Фақат қиролимиз қочиб, қутулолса, бас.

(Кетага).

Еттинчи саҳна

Г л о с т е р қасрида бир хона.

Герцог Корнуэль, Регана, Гонерилья, Эдмунд ва хизматкорлар киришади.

К о р н у э л ь

(Гонерильяга)

Зудлик билан эрингиз ҳузурига қайтинг. Бу мактубни

унга кўрсатинг. Французлар бизнинг қирғоқларга қўшин туширган... Хиёнаткор Глостерни излаб тошинглар!

(Бир неча хизматкорлар чиқишади)

Р е г а н а

Уни дарҳол осиш керак.

Г о н е р и л ь я

Кўзларини ўйиб олиш керак.

К о р н у э л ь

Буёғини бизга қўйиб беринг. Эдмунд, сиз опамизга ҳамроҳлик қиласиз. Хиёнаткор отангизни қандай жазога мустаҳиқ этишимизни кўрмаганингиз маъқул. Етиб боргач, герцогга маслаҳат беринг, шошилинч тайёргарлик кўрсин. Биз ҳам ҳозирлигимизни кўрамиз. Икки томон тез-тез ва доимий алоқада бўлиб турайлик. Хайр, азиз опажоним. Хайр, граф Глостер!...

Освальд киради.

Хўш, нима гап? Билолдингми, қаерда қирол?

О с в а л ь д

Билдим, уни қочиртирибти граф Глостер, Излаб, шу пайтгача уни тополмай юрган Ўттиз беш рицари, ўша бебош, жангари Дарвоза олдида кутиб олишган уни. Қўшилишиб Глостернинг одамлари ҳам, От суришган сўнгра улар Дуврға томон. Мақтанишган, бизни унда содиқ, вафодор Қуроланган дўстлармиз қўллашади деб.

К о р н у э л ь

Маликангга отни шайла.

Г о н е р и л ь я

Хайр, азизим герцог, хайр синглим.

К о р н у э л ь

Хайр, Эдмунд.

(Гонерилья, Эдмунд ва Освальд чиқишади).

Хиёнаткор Глостерни излаб топинглар!
Ўғри каби қўлларини бойлаб, чандиқлаб,
Олиб келинг ҳузуримга. Агарчи унга
Маҳкамасиз жазо бериш ноқулай, аммо
Қонун ён беради қаҳру разабимизга.
Бизни айбашлари мумкин, бироқ бу нарса
Бизни тўхтатолмас сира. Қани у сотқин?

(Хизматкорлар Глостерни олиб киришади.)

Р е г а н а

Мана у, кўрнамак тулки!

К о р н у э л ь

Чандиқлаб бойланг
Унинг қоқшоқ қўлларини.

Г л о с т е р

Муҳтарам герцог,
Бу нимаси? Сиз меҳмонсиз менга, жаноблар,
Меҳмондўстлигимни жиндек андиша қилинг.

К о р н у э л ь

Унинг қўлларини бойланг, деяпман!

(Глостернинг қўлларини бойлашади).

Р е г а н а

Маҳкам!...
Яна-да маҳкамроқ бойланг!
Ҳой, сен, ноинсоф!

Г л о с т е р

Мен ноинсоф эмас, аммо сиз бешафқатсиз.

К о р н у э л ь

Уни шу курсига бойланг! Ярамас, аблах,
Энди кўрсатаман сенга.

(Регана Глостернинг соқолига ёпишади).

Г л о с т е р

Тангрига қасам,
Менинг опшоқ соқолимни этдинг ҳақорат.

Р е г а н а

У нақадар опшоқ эса, шу қадар сотқин.

Г л о с т е р

Эй малика, сен юлқилаб олган у туклар
Бир кун келиб, сенга қарши берар шаҳодат.
Мен мезбонман, сизга қилган меҳмоннавозлик
Эвазига нега энди зўрлик, қабоҳат?
Не истайсиз мендан?

К о р н у э л ь

Айт-чи, Франциядан
Шу кунларда қандай мактуб олдинг?

Р е г а н а

Алдама,
Бор ҳақиқат бизга аён, тўғриси айт.

К о р н у э л ь

Юртимизга шу кунларда бостириб кирган
Ёвлар билан қандай битим, келишувинг бор?

Р е г а н а

Кимларга оширдинг кекса, жинни қиролни?
Гапир!

Г л о с т е р

Мактуб тасодифан қўлимга тушди,
Холис киши ёзган уни, ванимдан эмас.

К о р н у э л ь

Маккор!

Р е г а н а

Фирт алдоқчи!

К о р н у э л ь

Қани, айт-чи, қиролни
Қаёққа жўнатдинг аблаҳ?

Г л о с т е р

Дувр томонга.

Р е г а н а

Нега жўнатасан энди Дуврга, нега?
Тақиқ қатағондан, ахир, воқиф эдинг-ку?

К о р н у э л ь

Нега жўнатилди қирол Дуврга?
Гапир?

Г л о с т е р

Қўлларим бойланган, майли, таҳқирлайверинг.

Р е г а н а

Нечун, айт, Дуврга уни жўнатдинг нечун?

Г л о с т е р

Наштар тирноқларинг чолнинг кекса кўзларин
Ўйиб олишини кўзим кўрмасин учун.
Опанг тўнғиз тишларини кекса баданга
Санчиб, солишини кўзим кўрмасин учун.
Шундоқ бўрон қаршисида ҳаттоки денгиз
Тўлқинлари худди кўкка етгудек эди.
Юлдузларни кўқдан бадар этгудек эди.
Шундоқ тунда чол юрарди тентиб, ялангбош,
Осмонларга қўшилиб у тўкарди кўз ёш.
Шундоқ тунда бирор бўри келиб эшикка,
Уввос чекса, очишади эшикни бешак,

Қаҳру ғазаб кетиб, юмшоқ тортмасми юрак?
Сен шафқат қилмадинг чолга, сендек фарзандни
Чақмоқ ёқиб кул қилади, кўраман ҳали...

К о р н у э л ь

Кўролмайсан, қани, маҳкам тутингиз уни,
Кўзларин мен битталаб ўйиб оламан,
Эзгилайман оёқларим остига олиб...

(Унинг бир кўзини ўйиб олади).

Г л о с т е р

Қарилиқдан умиди бор инсонлар борми?
Ёрдам беринг! Оҳ, ёвузлар! Эвоҳ, Худойим!...

Р е г а н а

Бақраймасин, ўйиб олинг бошқасини ҳам.

К о р н у э л ь

Ҳали кўрасанми?..

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Қўлни тортинг, хўжайин.
Болаликдан сизга хизмат қиламан, лекин
Қўлингизни шу қилмишдан қайтара олсам,
Яхши хизмат бўлар эди.

Р е г а н а

Ҳаддингни бил, ит!

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Соқолингиз бўлса, аяб-нетиб турмасдим,
Маҳкам тутамлардим уни, бу не қабоҳат?

К о р н у э л ь

Эй қулвачча!

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Майли, келинг, иложим қанча?

Жанг қиламан энди... Мана, улушингни ол!
(Қиличини яланғочлаб, хужум қилади ва Корнуэльни яралайди).

Р е г а н а

(Бошқа хизматкорга)
Менга қиличингни бер. Ҳой, исён этдингми?
Мана сенга, қулвачча!...

(Қилич билан биринчи хизматкорнинг орқасидан яралайди).

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

О, мен адо бўлдим. Граф, бир кўзингиз соғ,
Қаранг, жазосини бердим мен унинг.

(Ўлади).

К о р н у э л ь

Асло!

У ҳеч нарса кўролмайдди... Ташқарига чиқ,
Эй шилимшиқ матоҳ!

(Глостернинг иккинчи кўзини ҳам ўйиб олади).

Чақнаб туришинг қани?

Г л о с т е р

О, бу зулмат! Алам! Ўғлим Эдмунд, қайдасан?
Эдмунд, кўксингдаги менга муҳаббатингдан
Олов ёқиб, ёвузлардан қасосимни ол.

Р е г а н а

Ўйқол, хиёнаткор аблаҳ! Сен чорлаётган
Кимса сендан жирканади, ҳазар қилади.
Қилмишингни бизга айтиб, фош этган ўша,
Шундоқ асл инсон сенга ачинармиди?

Г л о с т е р

Оҳ, мен қаттиқ адашибман, Эдгар - гуноҳсиз,
Тангрим, мени кечир, унга ўзинг нажот бер.

Р е г а н а

Уни дарвозадан ҳайдаб чиқазинг, токи
Бурни билан ҳидлаб топсин Дувр йўлини...
Раггингиз қув ўчган, сизга не бўлди, герцог?

К о р н у э л ь

Яраладим... Юринг, менинг ортимдан, хоним.
Сўқир бу аблаҳни ҳайдаб, қулнинг жасадин
Олиб бориб гўнг тепага отинг... Регана,
Қон оқмоқда... Шу фурсатда яраланганим
Чакки бўлди... Қўлингни бер, суянай, жоним.

(Регана Корнуэллни суяб, олиб чиқади).

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Агарда-чи, шу одамни Худо урмаса,
Увол-савоб деганлари менга икки пул.

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Шу хотин ҳам яшаб - ошаб ўтар бўлса-чи,
Аёл зоти аждаҳога айланар буткул.

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Кекса граф орқасидан борайлик ҳозир, .
Жинни Томни топайлик, у етакчи бўлсин.
Борадиган жойга ўша етаклаб борсин,
Бундоқ ишга ярайди у.

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Майлига, сен бор,
Мен борай-да, чолнинг қонли жароҳатини
Бойлаш учун тухум оқи, матоҳ келтирай.
Ўзинг унга мадакор бўл, паноҳ бўл, фалак!

(Кетагу).

ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Чўл.

Эдгар киради.

Э д г а р

Хушомадли адоватта дучор бўлгандан
Яхшироқдир бўлсанг очиқ нафратта дучор.
Тақдир зарбасига учраб, жафо чекканлар
Тубанларга сурилганлар билмайди қўрқув.
Юраклари келажакдан доим умидвор.
Қайгулари қувончларга айланар бир кун.
Марҳабо, эй ҳаво. Сенга қучоқ очаман,
Устимга ёпирилиб, мени айладинг адо.
Сендан қўрқмай қўйдим. Шошма, келаетган ким?
(Кекса чол Глостерни етаклаб киради).
Гадо этагида юрган отам эмасми?
Эй бевафо дунё, кулфат, аламларинг мўл,
Жафоларинг боис сендан этамиз нафрат,
Йўқса, минг йил яшаса ҳам тўймасди одам.

Ч о л

Эй меҳрибон хўжам, мана, саксон йилдирким
Сизнинг ота мулкингизда яшаб келаман.

Г л о с т е р

Бор, жўнайвер, қадрдоним, йўлингдан қолма,
Менга ёрдам бериш сенинг келмас қўлингдан,
Лек ўзингга заҳму зиён етиши мумкин.

Ч о л

Қандай йўл юрасиз, ахир кўролмайсиз-ку...

Г л о с т е р

Мен йўлимдан адашдим, бас, кўзга не ҳожат?
Қоқинганман кўзим равшан кўрар чоғида.
Билолмаймиз гоҳо босар-тусарни, аммо

Ақлимизни киритади маҳрумиятлар.
Оҳ, азизим, ўғлим Эдгар, сен шу отангинг
Тубан қаҳру жаҳолати қурбони бўлдинг.
Қўлларимни қўлларингга тегизолсайдим,
Торгар эди шу бенаво кўзларим равшан.

Ч о л

Ҳой, ким бор бунда?

Э д г а р

(Четра)

Эй, Худойим, ким, аҳволим ёмон, дер эса,
Ҳоли бўлар эмиш ўша ёмондан ёмон...

Ч о л

Бечора Том.

Э д г а р

Балки бўлар яна-да батгар,
Баски, ёмон дейишликка имконимиз бор,
Бизлар ўйлагандек жуда ёмонмас ҳали.

Ч о л

Ҳай, йўл бўлсин, йигит?

Г л о с т е р

Бу ким, гадоми?

Ч о л

Гадо.

Ҳам эси йўқ, жинни.

Г л о с т е р

Баски, гадолик қилса,
Сен ўйлаган қадар аҳмоқ, жинни эмас у.
Кеча оқшом бўрон пайти биттасин кўриб,
Ўйладимки, одам зоти худди чувалчанг.
Худди ўша замон ўғлим тушди ёдимга,

Ўшанда йўқ эди унга майлу рағбатим,
Ундан бери кўп гапларни эшитдим, билдим,
Болаларга пашша тутиш ўйин бўлгандек,
Худолар ҳам бизни эзиб, этишар эрмак.

Э д г а р

(Четга)

Энди нима қилдим? Ахир, яхши эмас-ку
Унинг ҳузурида, шундоқ аламлар билан
Яна қилаверсам ўйин, масқарабозлик -

(Глостерга)

Худо хайрингизни берсин, хўжам!

Г л о с т е р

Бу - ўша,

Қип-яланғоч жиннимасми?

Ч о л

Ўшанинг ўзи.

Г л о с т е р

Ундоқ бўлса, мени қўйиб, ўзинг кетавер,
Агар яна хизмат қилиш нятинг бўлса,
Ортимиздан етиб ол шу Дувр йўлида.
Фақат қадрдонлик ҳақи сендан сўрайман,
Шу яланғоч жонга бирор кийим топиб кел,
Мени энди у бошлайди йўлга.

Ч о л

Ҳой, хўжам,
У жинни-ку, ахир.

Г л о с т е р

Шундоқ шум замонада
Кўру сўқирларга жинни йўлбошчи бўлар.
Айтганимни бажар ёки билганингни қил,
Лек ҳозироқ жўна бундан.

Ч о л

Бисотимдаги

Энг асл либосни унга келтиргум, хўжам.
Майлига, не бўлса, бўлар.

(Кетагу).

Г л о с т е р

Эй сен, биродар,
Эй яланғоч йигит!...

Э д г а р

Бечора Том совқотди.

(Четга)

Қилолмасман энди ортиқ майнавозчилик!

Г л о с т е р

Яқинроқ кел.

Э д г а р

Яна ўйин ўйнамоғим шарт!
Хаста кўзларингга шифо берсин Худойим!

Г л о с т е р

Биласанми Дувр сари этгувчи йўлни?

Э д г а р

Билганда қандоқ. Кўприкларию доволари, от-арава йўлларию сўқмоқлари, ҳамма-ҳаммаси менга кафтдек таниш. Бечора Томнинг эс-ҳуши жиндак кирди-чиқди бўлиб қолган. Эй яхши одам, шайтони лаин касофатидан Тангрим асрасин сени! ... Бечора Томга улар бирданига бештаси ёпишди: ҳирсу шаҳват гумаштаси Обидикут, гунг-соқовлар шаҳзодаси Ҳобидиданс, ўғрилиқ, қароқчилик султони Маҳу, қотиллиқ аждари Мадо, нозу карашмалар маликаси Флибертижибит... Кейингиси ҳозир мени қўйиб, жория қизлару пардоз-андозни хуш кўрувчи нозанинлар атрофида парвона. Худо хайрингизни берсин, хўжам.

Г л о с т е р

Мана бу ҳамённи олгин, эй сен, фалакнинг
Жабру жафолари билан адо бўлган жон.
Менинг дардим енгиллатар балки гамингни.
Эй Худойим, доим шундоқ бўлса кошкийди.
Давлатига мағрур бўлиб, қутурган бойлар,
Айшу ишрат гирдобига ботган гушналар,
Сенинг қахру вазабинга дучор бўлсайди,
Ортганини бўлишарди бошқалар билан
Ва ҳаммага етар эди нону насиба...
Сен Дуврда бўлганмисан?

Э д г а р

Бўлганман, хўжам.

Г л о с т е р

Унда улкан қоятош бор, унинг бир чети
Денгиз узра даҳшат солиб, энгашиб турар.
Уша қоятош лабига бошлаб бор мени.
Олажаксан хизматингга лойиқ мукофот,
Мукофотим гадоликдан қутқарар сени,
Мени бошлаб юришга ҳам қолмагай ҳожат.

Э д г а р

Қўлингни бер, бечора Том бошлайди сени...
(Кетишагу).

Иккинчи саҳна

Г е р ц о г А л ь б а н и қасри олдиди.
Гонерилья билан Эдмунд киради.

Г о н е р и л ь я

Хуш келибсиз, милорд. Аммо, ҳайронман нечун
Менинг ювош эрим бизни қарши олмади.
Освальд киради.
Герцог қани?

О с в а л ь д

У шу ерда, маликам, лекин
Ишонмайсиз, у жуда ҳам ўзгариб қолди
Ёв қўшин туширган десам, жилмаяди у,
Сизни келяпти, десам, чатоқ бўпти, дер.
Глостернинг хиёнатин сўйлаб, ўглининг
Жасоратин айтсам, мени нодон деб сўқар,
Ҳамма гапни мен тескари англар эмишман.
Хуллас, хунук хабарлардан хурсанд бўлади,
Яхши хабар айтсанг, ранжиб, тортади хомуш.

Г о н е р и л ь я

(Эдмундга)

Унда тўхтаб туринг шунда, ичкари кирманг,
У қўрқоқ ва қатъиятсиз, ожиз бир банда,
Ҳақоратлар эшитса ҳам, вазаби тошмас.
Нималар деб келишдик биз, бари-қатъий гап,
Адо этажакмиз. Эдмунд, орқага қайтинг,
Куёвимиз қўшинига бўлинг кўмондон.
Мен ҳам қўлга қилич олиб, эрим қўлига
Урчуқ тутқазаман, ипу арқон йигирсин.
Бу содиқ одамим бизга хабарчи бўлар.
Ўзни дадил тутиб, ишни эшлай олсангиз,
Мукофотлар олажаксиз маликангиздан.
Мана, тақиб олинг.

(Унга лента узатади).

Ҳай, жим... Энди эгилинг,
Бу бўса сиррини сенга англатар бўлса,
Руҳинг парвоз этар баланд кўкларга ҳамон.
Маъносини уқиб ол. Хўш, хайр, омон бўл.

Э д м у н д

То ўлгунча қулингман.

Г о н е р и л ь я

Хўш, жоним Глостер!

Эдмунд кетади.

О, эркакдан эр кишининг неча фарқи бор.
Хотин зоти сажда этса арзигаи сенга.
Менинг эрим фақат ҳирсу шаҳватга қодир.

О с в а л ь д

Бекам, мана герцог!

(Чиқади).

Герцог Альбан киради.

Г о н е р и л ь я

Айтинг, итманми сизга,
Кутиб олишга ҳам магар арзимадимми?

А л ь б а н и

Гонерилья, шамолларда юзингга қўнган
Ўша гарду губорга ҳам арзимаган, йўқ,
Қилаётган қилмишларинг бағоят қўрқинч,
Ўз аслини таҳқирлаган кимсалар борки,
Ёмонликда кейин ҳадду чегара билмас.
Ўз танаси, дарахтидан узилган новда
Унинг меҳри-шарбатидан айрилиб, сўнгра
Қуриб, хазон бўлар, кейин ўчоққа ўтин.

Г о н е р и л ь я

Бас, кифоя. Аҳмоқона сафсата!

А л ь б а н и

Ақл ва эзгулик сўзи ёмонга ёқмас,
Ўзининг шалтоғи унга ардоқли, азиз.
Нима қилиб қўйдингиз, ҳой, менга айтинг-чи,
Отангизни, шундай улур мўйсафид зотни?
Қизлармисиз ё урғочи бўрилармисиз?
Товонини ҳатто айиқ ялашга ҳозир
Шундай бир кимсани ўта ваҳшийлик билан
Хўрлаб, зўрлаб, телба, тентак қилиб қўйдингиз!
Биродарим бунга нечук йўл қўйди экан?
Эркак эди! Герцог эди! Лирдан баҳраманд!
Гар осмонлар гуррос солиб, ғазаблар сочиб,

Бу тақдиру ҳақоратта қўймас эса чек,
Бир-бирини ражий бошлар жумла инсонлар,
Тубсиз сув остида юрган махлуқотлардек...

Г о н е р и л ь я

Эй сен, қуёнжорак, ношуд, нотавон банда!
Юзинг тахта, бошинг тўла янглиш ва хато.
Қош остида кўзларинг бор ва лекин улар
Ажратолмас номус билан беномусликни.
Биласанми, аблаҳларга беришар жазо,
Токи улар номаъқул иш қилишмасин деб.
Ундайларга ачинади аҳмоқлар фақат.
Эркак эсанг, гумбурлаган ногоранг қани?
Французнинг байроқлари соҳиллар бўйлаб
Сенинг сарҳадларинг узра ҳилширар ҳозир.
Укпар таққан дубулғали аскарлар бу дам
Қаламравингдаги юртга солмоқда човут.
Сен бўлсанг-чи, овсар, бунда ўлтириб яккаш,
"Нега бундоқ бўлмоқда?" деб тўкасан кўзёш.

А л ь б а н и

Ўзингга боқ, шайтон, ўша иблис қаҳри ҳам
Аёл зоти ғазабидек қўрқинч бўлолмас.

Г о н е р и л ь я

Сен бетайин аҳмоқ!

А л ь б а н и

Шундай турланувчи, шундай ниқобдор! Уял,
Ёвуз қиёфангни очма, ниқобингни торт.
Қани энди гупурган шу қоним амрига
Бўйин суниб, қўлимга эрк бера олсайдим,
Этинг билан суюгингни аралаш қилиб,
Қиймалардим, бурда-бурда қилиб ташлардим.
Сен шайтони лаиндирсан, аммо, афсуски,
Хотинлигинг сенинг шайтонлигингга қалқон.

Г о н е р и л ь я

Ҳай-ҳай, ботир бўлиб кетдинг, азамат!

Чопар киради.

А л ь б а н и

Хўш, нима гап?

Ч о п а р

О, тақсирим, вафот этди герцог Корнуэль,
Глостернинг бир кўзини ўйиб у, тагин
Бошқа кўзини ҳам ўйиб олмоқ бўларкан,
Мулозими қилгич сирмаб, ўлдириб қўйди.

А л ь б а н и

Глостернинг кўзиними?

Ч о п а р

Ҳа, мулозими
Жони ачишгани учун ўртага тушди,
Герцогни бу ҳаракатдан тўхтатмоқчийди.
У олишиб, яралади герцогни, герцог
Шу аснода вазаб ичра ўлдирди уни.
Жароҳати боис аммо ўзи ҳам кетди.

А л ь б а н и

Бу ҳам бир далолат, демак бошимиз узра
Адолатли ҳакамлар бор, улардан ҳар дам
Жиноятларимиз учун етишгай жазо.
О, бечора Глостер! Айт, унга не бўлди?
Бир кўзидан айрилдимми?

Ч о п а р

Иккисидан ҳам.

(Гонерильяга)

Мана бу хат синглингиздан сизга, маликам.
Жавобини кутишмоқда эшиқда шу дам.

Г о н е р и л ь я

(Четга)

Ажаб бўпти! Фақат менга ёқмагани шу:
Синглим бева, ёнида ёш Эдмунд Глостер.
Хаёлимда тиклаганим гўзал кошона

Бошим узра қуламаса, майлига эди.
Аммо хабар менга маъқул, жилла ёмонмас.

(Чопарга)

Мен мактубни ўқиб, дарҳол жавоб ёзаман.

(Кетага).

А л ь б а н и

Чолни қийнашганда ўғли қаерда эди?

Ч о п а р

Бу томонга келар эди маликам билан.

А л ь б а н и

У бу ерда эмас.

Ч о п а р

Қайтди, йўлда учратдим.

А л ь б а н и

Бўлган воқеадан унинг хабари борми?

Ч о п а р

Отасини сотган ўзи, сўнг йўлга чиққан,
Халал бермай, истаганча қийнасинлар деб.

А л ь б а н и

Глостер, мен хизмат қилгум умрим борича
Лирга сидқу садоқатинг ҳурмати учун.
Ҳам кўзларинг учун олгум қасос, интиқом,
Қани, дўстим, юр-чи, яна нелар эшитдинг,
Ҳаммасини бирин-бирин менга айтиб бер...

Кетишади.

Учинчи саҳна

Дувр яқинида французлар қароргоҳи.

Кент билан сарой аъёни киради.

К е н т

Нега француз қироли бу қадар шошилинч изига қайтди. Сабаби не экан?

А ъ ё н

У ерда адосига етмаган баъзи бир ишлар. Кейин салтанатга таҳдид солаётган айрим хавф-хатарлар ҳам қиролнинг мамлакатга қайтишини тақозо этган.

К е н т

Қўмондонликни у кимга топширди?

А ъ ё н

Франция маршали жаноб Лафарга.

К е н т

Айтинг-чи, сиз етказган мактуб маликага нечук таъсир этди? Унда вамгинлик, маъюслик аломатлари кўриндимми?

А ъ ё н

Хатни олиб, кўз ўнгимда ўқиб чиқди у,
Ўқир экан, кўзларидан тўкилди ёши.
Ўзни балад тутар эди ҳиссиётидан,
Ҳиссиёт ҳам унга устун келгудек эди.

К е н т

Демак, таъсирланибди-да?

А ъ ё н

Таъсирланди, ҳа,
Аммо эс-ҳушини буткул йўқотган эмас.
Унда олишарди гўё алам ва бардош
Ва бу нарса чиройига чирой қўшарди.

Кўргандирсиз, қуёш чиқиб турганда гоҳо
Ёмғир қуйиб берар... Унинг табассумлари
Кўз ёшлари билан шундоқ алмашинарди.
Лаъли дудоқдаги шодон кулгулар гўё
Марвариддек кўз ёшлардан беҳабар эди.
Баски, бахш этаркан кўрку малоҳат шунча,
Қайғу-алам деганлари ёмонмас унча...

К е н т

У бир нима сўрадимиз?

А ъ ё н

Бир-икки дафъа
"Отам!" дея олди, лекин қолди бўғилиб.
"Опаларим!... Опаларим!.... Ҳей, сиз, хотинлар!...
Кент!.. Эй опаларим!.. Отам!.. Уят эмасми?
Шундай увиллаган бўрон, қоронғу тунда
Унга юрагингиз сира ачишмадимиз?.."
Дея унинг лабларидан учдилар нидо.
Нафаслари қисиб, яна бўғилиб қолди,
Юзларидан кўз ёшлари оқди шашқатор.
Югурганча ташқарига чиқди, чамамда
Аламлари билан танҳо қолмоқ истади.

К е н т

Бошларимиз узра ёнган юдузлар амри,
Фалак амри билан бўлур буларнинг бари,
Йўқса, бир ота-онадан таваллуд тошган
Фарзандларда бўлармиди шунча тафовут?
Сиз у билан яна гаплашолдингизми?

А ъ ё н

Йўқ.

К е н т

Бу гаплар бўлганда қирол шундами эди?

А ъ ё н

Йўқ, у жўнаб кетган эди Францияга.

К е н т

Биласизми, Лир бечора ҳозир Дуврда,
Гоҳ-гоҳида эс-ҳушини ўнглайди, шунда
Эслаб қолар не мақсадда келганини ҳам.
Қизи билан учрашувга унамас аммо.

А ъ ё н

Нега, милорд?

К е н т

Уни ёқар уят, изтироб,
Кенжа қизга ўта қаҳру ғазаб қилгани
Оқ фотиҳа бермай, ҳайдаб, четта сургани,
Унинг мулку меросини ўша итюррак,
Ёвуз қизларига ўзи бўлиб бергани
Хижолатта солиб уни, ўртар беомон,
Шунинг учун кўролмади Корделияни.

А ъ ё н

Вой, бечора қирол!...

К е н т

Магар эшитдингизми
Герцогларнинг қўшинидан бирор бир хабар?

А ъ ё н

Ҳа, эшитдим, бу томонга келишмоқда деб.

К е н т

Унда юринг, бошлаб борай қирол ёнига,
Ҳузурида қолиб, унга қарашиб туринг,
Мен эса бир сабаб боис яна бир муддат
Ўзни махфий тутишимга тўғри келади.
Бир кун кимлигимни элга ошкор этарман,
Унда мени танишлиқдан чекмайсиз афсус.
Қани, кетдик.

Кетишади.

Тўртинчи саҳна

Ўша жой. Чодир ичи.

Байроқлар, барабанлар билан Корделия, табиб ва аскарлар кириб келишади.

К о р д е л и я

Ҳа, бу ўша. Кўришганлар айтишди менга,
Денгиз каби тўлқинланиб, қўшиқ айтармиш.
Ва унинг бошида дала-даштда ўсгувчи
Ҳар хил ўт-ўланлар - қоқи, отқулоқ, қийчи,
Қичитқию қариқиздан гулчамбар эмиш.
Навкарлардан бир тўпини юборинг дарҳол,
Ҳар тарафни қадам-қадам излаб кўришсин,
Тоғиб уни, келтиришсин.

(Бир офицер чиқади).

Айтинг, илму фан
Унинг ўксик ақлу ҳушин тиклаб олишга
Ёрдам берармикин? Кимки ёрдам беролса,
Оёғига тўкар эдим бор давлатимни.

Т а б и б

Бизда бунинг чораси бор, азиз маликам,
Дунёдаги барча дарднинг давоси уйқу.
Қирол уйқусиздир, бизда дорулар бисёр,
Унга чиндан уйқу, ором бағишлагувчи,
Ташвиш, аламларни ҳайдаб, нари сургувчи.

К о р д е л и я

Эй муқаддас сирру асрор, бизга номаълум
Табиатнинг қувватлари жунбушга келинг.
Менинг кўз ёшларим каби қайнанг, жўш уринг,
Мадад беринг шу мўйсафид, бечора жонга.
Боринг, тезроқ тошинг уни, токи ногаҳон
У ўзини бир иш қилиб қўймасин.

Ч о п а р

Бекам,
Британия қўшинлари бостириб келди.

К о р д е л и я

Буни билар эдик, шайдир қўшинларимиз,
Жанг қилишга тайёрмиз. Эй, азизим, отам,
Сени деб бу юришларга қўйдим мен қадам,
Франция ҳукмдори аяди мени,
Менинг кўзёшларим боис оёққа турди.
Оёққа турғизган шуҳрат истаги эмас,
Севгим, сенинг ҳақ-ҳуқуқинг тиклаш матлаби,
Отажоним, кошки тезроқ кўрсайдим сени...

Кетишади.

Бешинчи саҳна

Г л о с т е р қасрида бир хона.

Регана ва Освальд киришади.

Р е г а н а

Поччамизнинг қўшинлари қўзғалишдими?

О с в а л ь д

Улар йўлга тушди, бекам.

Р е г а н а

Поччам ўзи-чи?

У ҳам отландими?

О с в а л ь д

Баҳсу машмаша билан.

Ундан кўра опангизда жасорат баланд.

Р е г а н а

Унда Эдмунд герцог билан гаплашолдими?

О с в а л ь д

Йўқ, маликам.

Р е г а н а

Ажаб, унга нималар деб ёздийкин опам?

О с в а л ь д

Мен билмадим, маликам.

Р е г а н а

Муҳим бир иш юзасидан жўнади Эдмунд,
Глостернинг кўзин ўйиб, унинг ўзини
Тирик қўйганимиз жиддий католик бўлди.
Қаёққа бормасин, аянч аҳволин айтиб,
Халойиқни бизга қарши қўзғаяпти у.
Ўйлашимча, сўқир чолга ачиғиб Эдмунд
Унинг манфур ҳаётига бермоқчи барҳам.
Ва душманни кўпроқ билиш мақсади ҳам бор.

О с в а л ь д

Хатни унга етказмоғим зарур, маликам.

Р е г а н а

Эрта тонгда йўлга чиқар қўшинларимиз,
Биз билан қол, йўллар тўла ташвиш ва хатар.

О с в а л ь д

Йўқ, маликам, қололмайман, тошшириқ қатъий,
Мен бекамнинг буйруғини бажармоғим шарт.

Р е г а н а

У Эдмундга нега энди мактуб ёзади?
Мақсадини сен орқали айтса, бўлмасми?
Бунда бир гап бор чамамда, яна билмадим,
Сени қадрлайман, менга мактубни бер-чи...

О с в а л ь д

Йўқ, маликам, ундан кўра...

Р е г а н а

Мен биламанки,
Ўз эрини хуш кўрмайди унча маликанг,
Пайқаганман, кейинги гал бунда бўлганда,
У Эдмундга боқди нозу ишвалар билан.
Маликанинг сирдошисан!

О с в а л ь д

Йўғ-ей, маликам.

Р е г а н а

Мен бир гапни биламанки, сенга айтаман,
Маслаҳатим: сен ҳам жиндак мулоҳаза қил.
Эрим ўлди, Эдмунд билан ахдлашиб олдик,
У опамга эмас, кўпроқ менга муносиб,
Ўйлаб қара... гар графни учрата олсанг,
Шу совгани унга тошшир.

(Узугини ечиб беради).

Айтганларимни

Опамга айт, ўзинг яна маслаҳат ҳам бер.
Босиқ бўлсин, эс-ҳушини йўқотмасин у.
Хайр, сов бўл...
Дарагини топсанг сўқир хиёнаткорнинг,
Боши учун олажаксан мансаб, мукофот.

О с в а л ь д

Кошки эди учратолсам уни, маликам,
Кўрсатардим сизга бўлган садоқатимни.

Р е г а н а

Хайр, оқ йўл!

Кетишади.

О л т и н ч и с а ҳ н а

Дувр яқинида бир жой.

Дехқон кийимида Глостер билан Эдгар киради.

Г л о с т е р

Қоя тошнинг тепасига қачон етамиз?

Э д г а р

Биз баландлаб бораяпмиз, йўлимиз тикка.

Г л о с т е р

Менга текис туюлади.

Э д г а р

Даҳшатли жарлик,
Ана, денгиз шовуллайди, тинглаяпсизми?

Г л о с т е р

Йўқ, эшитмаяпман.

Э д г а р

Демак, кўзингиз боис
Хиралашиб қолган бошқа сезгиларингиз.

Г л о с т е р

Балки шундоқ. Овозларинг ўзгариб лекин,
Сўзларинг ҳам равшан-равон жаранглаб қолди.

Э д г а р

Йўқ, сиз қаттиқ янглишасиз, аввалгидекман,
Ўзгаргани - кийим-бошим, бошқа нарсамас.

Г л о с т е р

Аниқ-тиниқ сўзлаяпсан.

Э д г а р

Етиб келдик биз.
Мана шу жой. Тўхтанг шунда. Нақадар даҳшат!
Боқсанг, бошинг айланади, шунчалар чуқур.
Пастда учган қарға-зовлар қўнғизчалардек.
Хўв нарида харсангтошга осилиб биров
Денгиз укропини терар, ҳунаринг қурсин!
У ўзининг бошидан ҳам кўринар кичик.
Соҳилдаги балиқчилар сичқонлар каби,
Лангардаги улкан кема қайиққа ўхшар.
Қайиқлар ҳам кўзга аранг чалинар, худди
Қайиқ эмас, сувда сузган пўкакми, дейсан.
Пастда, тош соҳилга ўзни уриб, ҳайқирган
Тўлқинларнинг гулдириси бизгача етмас.
Бас, мен бошқа қарамайман, бошим айланиб,
Кўзим тиним кетди, қулаб тушмайин тагин.

Г л о с т е р

Ўзинг турган жойга мени элиб қўй...

Э д г а р

Қани,
Қўлингизни беринг, ўша тубсиз чуқурдан
Бир одимча беридасиз. Буткул дунёни
Беришса ҳам, мен у ёққа сакрамас эдим.

Г л о с т е р

Қўлимни қўй, дўстим, энди шу ҳамённи ол,
Ичи тўла жавоҳирот, бир камбағални
Бой-бадавлат айламаққа етгудек бисот.
Фаришталар бу бойликни сенга буюрган.
Энди хайрлаш-да, келган йўлингга жўна,
Кетганингни эшитай мен.

Э д г а р

Хайр, тақсирим!

Г л о с т е р

Хайр, дўстим, омон бўл!

Э д г а р

(Четра)

Шундоқ ҳазил-ҳузул билан энди мен уни
Халос этмоқчиман офир умидсизликдан.

Г л о с т е р

(Туз чўкади).

Эй қудратли Худолар! Мен сизга бош уриб,
Шу дунёдан кетаман ўз хоҳишим билан.
Тарк этаман ташвишларим, ғамларимни ҳам.
Сизнинг истак-амрингизга қарши бормасдан,
Мен уларни охиригача кўтарар бўлсам,
Шу қайғули ҳаётимнинг милтироқ шами
Ўзи ёниб битиб, бир кун бўларди адо...
Агар Эдгар тирик бўлса, ярлақанг уни!

(Ўрнидан туради)

Хайр, ошнам, саломат бўл!

Э д г а р

Хайр, мен кетдим.

Глостер ўзини гўё пастга ташлайди, турган ерида юзтубан йиқилади.

Э д г а р

(Четга)

Ҳаёт хазинаси ўғри қўлига тушгач,
Хаёл уни яна қандай ўғирлай олур?
Тасаввурида у ҳозир бу ерда эмас,
Борилажак манзилда деб билади ўзни.

(Глостерга)

Ҳой, оғайни кўзингни оч! Сенга не бўлди?
У ўлган шекилли.. Йўқ, у қимирлаяпти.
Сиз кимсиз, эй хўжам?

Г л о с т е р

Йўқол, ўлишимга қўй!

Э д г а р

Парданми ё ҳаводанми вужудинг сенинг?
Ё ўргимчак торларидан яралмиш танинг?
Шундай баландликдан пастга қулаган кимса
Тухум каби уваланиб кетмоғи тайин.
Сен-чи, нафас олаяпсан, суюгинг бутун,
Қон чиқмаган, сўзлаяпсан, тану жонинг соғ.
Ўнта терак бўйи шундоқ баланддан тушиб,
Шикаст кўрмабсан-а! Ажаб, ҳаётинг сенинг
Мўъжиза деб аталишга арзийди энди.
Бир нима десанг-чи....

Г л о с т е р

Мен чинданам йиқилдимми ёки...

Э д г а р

Хув юксалган қоя тошнинг тик чўққисидан,
Баланглигига боқ, унда чарх уриб учган
Тўррайларни кўрмайсан-ку, эшитмайсан ҳам.
Ўзинг чамалаб боқ.

Г л о с т е р

Эвоҳ, кўзларим ожиз.
Наҳот азоб-уқубатда қолган бир кимса
Нажот истаб ўлимдан ҳам нажот топмаса?
Золимлар ҳам бунга қўйиб беришар, ахир,
Мазлум агар ўз жонига қасд этар бўлса...

Э д г а р

Қўлингизни беринг энди, оёққа турунг,
Қалай, оёғингиз соғми, бутунми?

Г л о с т е р

Бутун.

Э д г а р

Ажаб мўъжиза бу! Энди менга айтинг-чи,
Ўша қоя тош устида сиз билан турган
Биров, ким эди у?

Г л о с т е р

У бир бечора гадо.

Э д г а р

Мен бу ерда, пастда эдим, унинг кўзлари
Худди бир жуфт ойдек ёниб, ялтирар эди.
Юзларида минглаб бурни бор эди магар,
Икки шохи илон каби жилпанглар эди.
У шайтони лаин эди... Бахтлисиз, отам,
Ҳалокатдан сизни асраб қолди Худолар,
Улар истар эса, барча мушкулотинг ҳал.

Г л о с т е р

Буни сира унутмайман, бошимга энди

Ҳар не жабру жафо келса, бераман бардош,
Токи қисмат ўзи "ўл" деб буюрмагунча.
Сиз айтган у шеригимни одам дегандим,
Ҳар қадамда "иблис, иблис" дегувчи эди,
Мени буёқларга бошлаб келган ҳам ўша.

Э д г а р

Шошманг, сабр қилинг, анув келаётган ким?

Ҳамма ёғига гуллар, ўт-ўланлар тақиб олиб, ажабтовур
қиёфада Лир киради.

Соғлом ақл безатмайди шунчалар ўзни.

Л и р

Йўқ, улар пул зарб этишимни манъ этишолмайди. Мен
қиролман ахир...

Э д г а р

(Четра)

О, кошкийди бу аҳволда кўрмасам уни!...

Л и р

Бу ўринда табиат санъатдан баланд туради. Аскарлар,
мана, биринчи маошингиз... Бу йигит ўқ-ёйини худди по-
лиздаги кўриқчидек тутар экан. Ёйини таранг торт!... Ие,
қаранглар, сичқон!... Жим туринглар! Жим!... Мана бу
бир бурда қовурилган пишлоқ унга етиб ортади... Мана
бу - менинг темир қўлқопим. Мен уни паҳлавоннинг юзига
ирғитаман. Ойболтамни келтиринглар!... О, қушча "пирр"
этдию учди-кетди. Нишонга ур, нишонга!... Паролни айт.

Э д г а р

Садарайҳон.

Л и р

Ўтавер.

Г л о с т е р

Бу овоз менга таниш.

Л и р

Ҳой, оқ соқоли Гонерилья! Улар мени худди кучукдек эркалаб, соқолинг оқ деб ишонтирмоқчи бўлишарди. Мен нима десам, "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб беришарди, бир варакай "ҳа" ва "йўқ" дейиш инсофдан эмас. Ёмғирда ивиб, шалаббо бўлганимда, совуқдан дир-дир титраганимда, момақалдиروق амримга бўйсунмаганда, мен уларнинг аслида ким эканликларини билиб олдим. Тили бошқаю дили бошқа. Улар мени ҳар нарсага қодирсан, дейишган. Ёлгон! Безгак мендан устун келди.

Г л о с т е р

Бу овозни танийман. Бу қирол эмасми?

Л и р

Балли, бошдан-оёқ худди қиролнинг ўзи.
Бир тикилиб боқсам, тушар жонларга титроқ.
Бир қошиқ қонингдан ўтдим, гуноҳинг нима?
Хотинбозлик? Сен ўлмайсан, хотинбозликка
Ўлим раво бўлурми ҳеч? Бўлмагай асло.
Ахир, қуёнлар ҳам турфа тилла кўнғизлар
Бошқаларнинг кўз ўнгида қилар бу ишни...
Шундоқ экан яшнайверсин фаҳшу разолат!
Ахир, Глостернинг ўша ҳароми ўғли
Менинг ҳалол, пок туғилган қизларимдан ҳам
Отасига оқибатли чиқди ҳар қалай.
Хуллас кўпайишаверинг, аскарлар керак!
Бу хонимни кўринг димоғ-фироғи балаң,
Юзи шундоқ силлиқ, сипо, қор каби ошпоқ.
Сал бепарда сўз айтилса, жийирар бурун.
Лек тўшакка ётар бўлса, худди каламуш
Ё байталдек иштаҳаси ҳамиша карнай.
Белигача - хотин, аммо белидан пасти
Худди Кентаврдир, ўша афсонавий от.
Белигача Худоларнинг мулкидир гарчи,
Ундан пасти шайтонларга тегишли бисот,
Дўзах, зулмат, жаҳаннамнинг чўнқиридир у.
Ёниш, куйиш, қўланса ҳид, иллат, мазаллат!...
Пуф!... Пуф!... Пуф-ей!... Ҳой, аптекачи ошнам, жиндак атри-
анбарингдан узат, ўзимни ўнглаб олай. Мана, ҳақи, ақчаси...

Г л о с т е р

Қўлингни бер, ўпай уни кўзимга суриб.

Л и р

Аввал артай, мурда ҳиди анқийди ундан.

Г л о с т е р

Эй сен, табиатнинг нобуд парчаси, бир кун
Шу дунё ҳам худди сендек нобуд бўлажак!...
Мени танидингми?

Л и р

Мен кўзларингни яхши эслайман... Нега кўзларингни олай-
тирасан? Отавер, сўқир Купидон!... Мен сени севмайман...
Манави таклифномани ўқи, унинг ёзилишига диққат қил..

Г л о с т е р

Ҳар бир ҳарфи куёш бўлганда ҳам, ўқиёлмасдим.

Э д г а р

Эшитганда ишонмасдим, унинг аҳволин
Кўриб, эвоҳ, эзилади юрагим менинг.

Л и р

Ўқи!...

Г л о с т е р

Қандай ўқийман? Бўм-бўш, пучак кўзларим биланми?

Л и р

О, шунгача бориб етдингми? Манглайингда кўз, чўнта-
гингда пулинг қолмадими? Чўнтакни-ку тўлдирса бўлар,
кўзнинг масаласи офир. Аммо дунёда нималар бўлаётга-
нини кўриб турибсан-ку ҳар қалай.

Г л о с т е р

Йўқ, сезиб турибман.

Л и р

Нима бало, ақлдан оздингми? Инсон боласи кўзи бўлмаса ҳам, теварак-атрофни кўра олади. Сен дунёга қулоқларинг билан боқ. Қара, судья оддий бир ўғричани қанчалар ҳақорат қиляпти. Бери кел, қулоғингга бир гап айтаман... Уларнинг ўрнини алмаштириб қўй... Ҳаш-паш!... Энди айтиб бер, қай бири судья, қай бири ўғри? Эшиқда турган итнинг гадога ташланганини кўрганмисан?

Г л о с т е р

Кўрганман, шоҳим.

Л и р

Ўша шўрлик гадонинг итдан қандай қочганини ҳам кўргандирсан? Бу ерда ҳокимият тимсоли мавжуд. У буйсунишни талаб қилади. Ит бамисоли хизмат вазифасини адо этувчи амалдор...

Қонли қўлингни торт энди, етар, намунча
Ғоҳишани савалайсан, бераҳм малай?
Ундан кўра сен ўзингни савала, аблаҳ,
Чунки ўзинг хилват топиб, ёпишмоқда шай.
Суджўр фирибгарни тутиб, осади дорга,
Бўз кўйлақда унинг кичик гуноҳи ошкор.
Зарбоф, қундуз бекитади суджўрнинг айбин.
Гуноҳингга олтин суви югуртсанг магар,
Унга етмай, адолатнинг найзаси синар,
Сомон чўши тешар аммо жулдур кийимни.
Мен деймақки, ҳеч кимсада айбу гуноҳ йўқ,
Ҳокимият борки, менда қудрат, иқтидор,
Оғизларни муҳрашга етади қурбим.
Сен ўзингга шиша кўзлар сотиб ол, ирганч
Сиёсатдон кишилардек кўрмаганингни
Кўраяшман, дея элни тарофилга сол.
Энди бўлса, энди бўлса, энди бўлса-чи,
Этигимни тортиб юбор, ҳа, қаттиқроқ торт...

Э д г а р

Маъни билан беъманилик бунда қоришиқ,
Бу - жиннилик аломати.

Л и р

Гар қисматимга
Йиғлар эсанг, берай, майли, кўзларимни ол,
Мен яхши танийман сени, исминг - Глостер,
Сен сабр қил. Биз дунёга йиғлаб келганмиз,
Шу дунёнинг ҳавосини ҳидлаган замон
Йиғлаганмиз, фарёд солиб, чекканмиз фиғон.
Тингла, сенга ваъз айтаман...

Г л о с т е р

Қандай қаро кун!

Л и р

Турилганда биз йиғлаймиз, чунки келганмиз,
Масхарабоз, аҳмоқларнинг ўйингоҳига...

(Эдгарга)

Ажаб қалпоғинг бор экан! Бир тўп суворий
Отларининг туёғига кигиз ўратсам,
Шу қалпоқни кийиб олиб, шабохун уриб,
Куёвларнинг ҳузурига бостириб борсам,
Урсам-қирсам! ... Урсам-қирсам!... Урсам-қирсам!...

Сарой аъёни хизматкорлари билан киради.

А ъ ё н

О, мана у, тутинг, кўлдан чиқазманг энди,
Шоҳим, суюкли қизингиз...

Л и р

Асир тушдимми?
Менга нажот йўқми энди? Қисмат ўйини.
Менга зиён етказманглар, товон тўлайман.
Менга табиб керак, бошдан яраланганман...

А ъ ё н

Подшоҳим, ҳамма нарса этилар ҳозир.

Л и р

Қаватимда бир кишим йўқ, ёлғиз ўзимми?

Туз одамга айланаман, икки кўзимдан
Тирқираган кўз ёшларим сочилиб ҳар дам
Босар куз фаслининг чангу губорин...

А ъ ё н

Шоҳим...

Л и р

Мен мардона жон бераман худди куёвдек,
Битта хурсандчилик қилай, келинлар энди,
Мен - қиролман, танийсизми мени, жаноблар?

А ъ ё н

Сиз - қиролсиз, бизлар сизга ҳамиша навкар.

Л и р

Унда, омадингиз шунда. Бас, тутмоқчи экансиз, қувиб,
етиб олинг... Қани, дукур-дукур, дукур-дукур...

(Қочади, хизматкорлар қувади).

А ъ ё н

Бу аҳволга гадо тушса, ачишар юрак,
Подшо тушса... изоҳига топилмайди сўз.
Аммо сенинг садоқатли қизинг бор, шоҳим,
Икки қизинг боис сенинг бошинга тушган
Бу офатнинг чорасини топади бешак.

Э д г а р

Ассалому алайкум, хўжам.

А ъ ё н

Ваалайкум ассалом. Хўш, хизмат?

Э д г а р

Жанг бўлади дейишмоқда, бундай хабарлар
Нечоғлик чин хўжам?

А ъ ё н

Бу гап ҳаммага аён.

Қулоғи бор аллақачон эшитган буни.

Э д г а р

Душман қўшинлари бизга яқинми?

А ъ ё н

Яқин,

Биз тарафга келишмоқда йўл босиб шитоб,
Ҳар дақиқа пайдо бўлиб қолиши мумкин.

Э д г а р

Хўжам, сизга кўп ташаккур, бошқа гапим йўқ.

А ъ ё н

Маълум сабаб ила гарчи малика бунда,
Аммо йўлга отланишган қўшинларимиз.

Э д г а р

Хўжам, сизга ташаккурлар

(Аъён чиқади)

Г л о с т е р

Эй парвардигор,

Менинг жонимни ол, токи беқарор руҳим
Ўзни ўлдиришни яна истаб қолмасин.

Э д г а р

Яхши тилак тилаяпсиз, отажон!

Г л о с т е р

Айт-чи,

Кимсан ўзинг, азиз дўстим?

Э д г а р

Бечора одам.

Тақдирнинг шум зарбасига ўрганиб кетган.
Қайғу-алам чекавериб, ўзгаларга ҳам
Ачинишни ўзига чин ихтиёр этган

Бир кимсаман, ота. Қани, кўли беринг-чи,
Бирор бошпанага сизни бошлаб бораман.

Г л о с т е р

Раҳмат, барака топ, болам, Тангри ёр бўлсин,
Саховати бошинг узра ёғилаверсин.

Освальд киради.

О с в а л ь д

Мана бу - мукофот!... Ажаб, омадни қаранг!
Шу сўқир каллани тақдир азалдан менинг
Бой-бадавлат бўлишим-чун яратмиш магар.
Эй сен, қари хиёнаткор, тиз чўк, тавба қил,
Қиличим шай, мен бошингни узаман ҳозир.

Г л о с т е р

Қўлингга куч берсин, зарбу силтов билан чоп.

Орага Эдгар тушади.

О с в а л ь д

Ҳой, сен ялангоёқ, нечук журъат этасан?
Шу хоинга тарафкашлик қилмоқчимисан?
Қоч, нари тур! Йўқса, бунинг бошига тушган
Қисмат сени аяб турмас, бошингга тушар.
Унинг қўлини қўй!

Э д г а р

Йўғ-ей, жаноби олийлари, нима бўлса ҳам мен унинг
ёнида тураман, қимирламайман.

О с в а л ь д

Қоч, қулвачча, йўқса ўласан!

Э д г а р

Эй биродар, йўлингдан қолма. Шу йўқсил, бенаволар-
нинг йўлини тўсма. Ўлдираман, деб дағдаға қилаверма, чин-
данама кўрққанымдан ўлиб қолишим ҳеч гапмас, ахир. Чол-
га яқинлашма, йўқса, калтагимнинг мазасини татиб кўри-

шингга тўғри келади. Кўрамиз, қай бири қаттиқроқ экан,
бошингми ёки калтагимми? Яхшиликча йўлингга жўна.

О с в а л ь д

Нари тур, деяшман, ифлос!

Э д г а р

Кўймадинг-кўймадинг-да. Қиличнингни ўйнатаверма. Ба-
рибир тишингни қоқиб, қўлингга беришимга тўғри келади.

Улар олишадилар, Э д г а р уни уриб, йиқитади.

О с в а л ь д

Хай, қул, мени адо қилдинг... Ҳамёнимни ол,
Омадим ёр бўлсин, десанг, дафн қил мени.
Чўнтагимни излаб қара, унда мактуб бор,
Граф Эдмунд Глостерга элтиб бер уни,
У инглиз қўшинида. О, бевақт ўлим!...

(Ўлади).

Э д г а р

Кимлигингни билардим, эй нотаваон баңда,
Ёвуз маликанинг аянч истакларини
Сира тортинмасдан адо этгувчи аблаҳ.

Г л о с т е р

Нима бўлди? У ўлдими?

Э д г а р

Ўлтиринг, ота,
Дамингизни олинг. Унинг чўнтақларини
Мен титкилаб боқай, топай ўша мактубни,
Эҳтимолки ўша мактуб бизга асқотар.
Ҳа, у ўлди. Аслида-чи, мен эмас, уни
Бошқа киши ўлдирганда яхши бўларди.
Мана, мактуб. Мен бузаман унинг муҳрини,
Одоблилар, одобсиз деб айбламанг бизни.
Ниятлари не экан, деб гоҳида ҳатто
Душманларнинг юрагини ёриб, қараймиз,

Мактубларни очиш нега бўлмасин жоиз?

(Мактубни ўқийди)

"Иккимиз қилган аҳду паймонларни ёдингда тут. Уни орадан кўтариш учун имконларинг кўп. Фақат истасанг, бас, қулай жой ва фурсат топилади. Агарда у голиб бўлиб қайтса, аҳволимиз хароб бўлди, деявер. Унда мен бир умрга тутқун бўлиб яшайман, у билан яшаш менга азоб-уқубатга айланади. Унинг қўланса тўшагидан халос эт мени. Қилган хизматинг ҳақи унинг ўрнини ўзинг эгалла.

Сенинг хотининг (ўзимни шундоқ деб аташни истардим), садоқатли Гонерилья"

О, хотинлар макри! Шундоқ меҳрибон эринг

Жонига қасд қилиб, кейин унинг ўрнига

Укамга кўз тикишгача бориб етибди!

Сени, қаттол бузуқларнинг югурдагини

Шу қумликлар орасига дафн этаман

Ва герцогга тошпираман бу машғум хатни.

Токи хурсанд бўлсин. Унга айтиб бераман

Сендек қўшмачининг бунда ҳалок бўлганин,

Фитна, суиқасднинг қандоқ барбод бўлганин.

Г л о с т е р

Қирол жинни бўлди... Мен-чи, бу аламларга
Қандай бардош бериб, қандоқ чидаб турибман?

Ақлим тиниқ! Кошки эди ақлдан озсам,

Унутардим аламларим, қайғуларимни.

Ёлғон тасаввурлар билан овутиб ўзни,

Тарк этардим рагимни ҳам, ўзлигимни ҳам.

Узоқдан ноғора садоси эшитилади.

Э д г а р

Қани, қўлингизни беринг. Ана, йироқдан
Эшитилар новоранинг гумбур садоси.

Сизни дўстлар ҳузурига бошлаб бораман,

Юринг, отажоним.

Кетишади.

Еттинчи саҳна

Французлар қароргоҳида бир чодир.

Корделия, Кент, табиб ва мулозимлар киришади.

К о р д е л и я

Марҳаматли Кент, бу қилган яхшиликларинг
Эвазига берсам экан қандоқ мукофот?
Ҳаётим ҳам, давлатим ҳам балки етишмас.

К е н т

Шу сўзингиз мукофотдир менга, маликам,
Неки айтган эсам, барин айтдим юракдан,
Зарра қадар оширмадим, туширмадим ҳам.

К о р д е л и я

Кийимингни алмаштирсанг, яхши бўларди,
Кўзга оғир ботар, қайғу-алам ёдгори.

К е н т

Авф этасиз, мўлжалим бор менинг, маликам,
Кимлигимни билингирсам, бузилар режа.
Вақти келиб, мен ўзимни ошкор этаман,
Сиз ҳам танимасдан туринг мени ҳозирча.

К о р д е л и я

Майли, шундоқ бўла қолсин, меҳрибон хўжам.
(Табибга)

Қирол нечук?

Т а б и б

Ухлаяпти ҳамон, маликам.

К о р д е л и я

Эй қудратли Тангрилар, шу мажруҳ юракка
Шифо беринг, токи топсин дардига малҳам.
Қайғулардан бола бўлиб қолган отамнинг
Ақлу идрокини яна қайтариб беринг!...

Т а б и б

Истасангиз, уйғотамиз уни, маликам,
У узоқ ухлади.

К о р д е л и я

Неки жоиздир, қилинг,
Бу сизга ҳавола. Қалай, кийиндими у?

Хизматкорлар ухлаётган Лирни курсида кўтариб, олиб
киришади.

А ъ ё н

Ҳа, маликам, қирол қаттиқ уйқуда экан,
Бошдан-оёқ кийинтириб қўйдик биз уни.

Т а б и б

Маликам, сиз кетмай туринг. Биз уйғотамиз,
Ўйлайманки, ҳушёр тортиб, уйғонади у.

К о р д е л и я

Хўп.

(Музыка янграйди)

Т а б и б

Яқинроқ келинг.

(Чалғувчиларга)

Сизлар қаттиқроқ чалинг.

К о р д е л и я

Отажоним!... Кошки эди лабларим менинг
Шифобахш бўлсаю ҳозир ўпичларим-ла
Опаларим етказган у жароҳатлардан
Сизни халос этсам...

К е н т

Эвоҳ, азиз маликам!

К о р д е л и я

Ҳаттоки у сизга ота бўлмаганда ҳам
Жоиз эмасмиди оппоқ сочига шафқат?
Қандай қилиб бўронларга бардош берсин у?
Боши узра кўк тинимсиз гумбурлар экан,
Қоронғу тун қучоғида ёлғиз, ялангбош,
Шамолларда оппоқ сочу соқоли тўзғиб,
Чақмоқлар остида қандай тура олсин у?
Шундай тунда душманимнинг ити бўлса ҳам,
Мен уйимга киритардим раҳм этиб уни.
Шўрлик отагинам, тунда топибсан паноҳ,
Дайди, оворалар, гала чўчқалар билан
Похол бир чайлада, эвоҳ, бу қандоқ алам!
Ақлу ҳушдан ажрабсан-ку, лекин, ажабо,
Қандоқ қилиб ажрамадинг ҳаётингдан ҳам,
У уйғониб қолди. Қани, гаплашиб кўринг.

Т а б и б

Йўқ, яхшиси сиз гаплашинг аввал, маликам.

К о р д е л и я

Подшоҳим, тузукмисиз, ҳолингиз нечук?
Бир оз яхшимисиз энди, ҳазрати олий?

Л и р

О, қабримдан нега қазиб олдингиз мени?
Сен - жаннатий малак, мени кўрқинч, беаёв
Олов узра чамбаракка тортиб қўйишган.
Эритилган кўрғошиндек юзларим ёқиб,
Кўзларимдан маржон-маржон оқар ёшларим..

К о р д е л и я

Мени танийсизми, шоҳим?

Л и р

Танийман, руҳсан,
Қачон ўлган эдинг?

К о р д е л и я

Ҳамон алаҳлайди у.

Т а б и б

Ҳали тўла уйғонмаган, кутинг, маликам.

Л и р

Аввал қайда эдим? Ҳозир қайдаман? Ажаб,
Бу қуёш нурими?.. Мени этишди таҳқир!..
Бошқаларнинг шу аҳволга тушганин кўрсам,
Унга жоним ачиб, балки ўлар эдим мен.
Не дейишин билмайман, шу қўллариммикан?
Игна санчсам, оврийди-ку, қўлларим экан.
Кошки билсам эди энди кимлигимни ҳам!

К о р д е л и я

Менга битта боқинг, шоҳим. Менинг бошимга
Қўлингизни қўйиб, менга фотиҳа беринг.
Йўқ, тиз чўкманг.

Л и р

Қўйинг, мени масхара қилманг.
Мен қартайиб қолган, нодон бир мўйсафидман.
Кам ҳам эмас, кўп ҳам эмас, саксондан ошдим.
Ростин айтсам, ичимда бир кўрқинч, алам бор,
Эсим айниб қолдим, деб хавотирдаман..
Сизни танигандек бўлдим, яна сизни ҳам,
Аммо, қаердаман, буни билмай турибман.
Билолмадим, бу кийимлар қаёқдан келди?
Маълум эмас, тунни қайда ўтказдим экан.
Бир гап айтсам, кулманг фақат, мен шунақаман,
Янглишмасам, рўпарамда турган шу хоним -
Менинг болам... Корделия.

К о р д е л и я

Худди ўзимман!

Л и р

Кўзларингга ёш олдингми? Етар, йиғлама,
Биламан, сен севолмайсан мени... Эслайман,

Опаларинг тақдирлашди бекордан-бекор,
Сенинг эса севмасликка сабабларинг бор...

К о р д е л и я

Йўқ-йўқ, сабаб йўқ.

Л и р

Қаердаман? Франция эмасми бу ер?

К е н т

Бу ер - ўз юртингиз, шоҳим.

Л и р

Мени алдама.

Т а б и б

Хурсанд бўлинг, маликам, у жазава, тугён
Ўтиб кетди, аммо ўтган воқеаларни
Эслайвериш хавфли, яна қўзғалур алам.
Унга ҳозир тинч, осуда бир гўша лозим.
Токи оромини биров буза олмасин.

К о р д е л и я

Кетамизми, шоҳим?

Л и р

Мени аягил, кечир,
Ўтган гапни унут, мен бир чол, девонаман...

Кент ва сарой аъёнидан бўлак ҳамма кетади.

А ъ ё н

Герцог Корнуэлнинг ўлдирилиши ҳақидаги миш-миш-
лар ҳақиқатга тўғри келармикин?

К е н т

Мутлақо тўғри.

А ъ ё н

Унинг қўшинларига энди ким қўмондон?

К е н т

Айтишларича, Глостернинг ҳаромзода ўғли.

А ъ ё н

Унинг қувғинди ўғли Эдгар граф Кент билан Германияда юрганмиш.

К е н т

Ҳар ким ҳар нарса дейди... Аммо вақт тигиз, қўшинлар тўқнашадиган фурсат яқинлашиб қолди.

Аъён

Афтидан аёвсиз жанг бўладиганга ўхшайди. Хайр, хўжам.
(Кетагу).

К е н т

Эртага не кутар бизни, яхшими, ёмон?
Бутунги жанг натижаси айлагай аён.

(Кетагу).

БЕШИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Дувр яқинида британияликлар қароргоҳи.

Эдмунд, Регана, офицерлар, аскарлар ва бошқалар байроқлар, барабанлар билан киришади.

Э д м у н д

(Офицерга)

Сиз герцогдан сўраб билинг, сўнгги қарори Собит, устуворми ёки ўзгардимикан?
Қачон боқсанг, андишалар гирдобида у,
Энди иккиланмай, қатъий сўзини айтсин.

Офицер кетади.

Р е г а н а

Опам чопарига бир гап бўлди шекилли.

Э д м у н д

Шундоқ, йўқса, кечикмасди мунча, маликам.

Р е г а н а

Келинг, гаплашайлик, милорд, яхши биласиз
Сизга бўлган майлим, юрак иштиёқимни.
Менга ростин айтинг, сўйланг бир ҳақиқатни,
Сиз опамни севасизми?

Э д м у н д

Ҳурмат қиламан.

Р е г а н а

Яқинлашганмисиз унга сира?

Э д м у н д

Маликам,
Бу гап сизга ярашмайди.

Р е г а н а

Аммо менимча,
У шунчалик мафтун этмиш ўзига сизни,
Мафтун эмас, энди унинг асиридирсиз.

Э д м у н д

Номусимга қасам, бу гап ёлгон, маликам.

Р е г а н а

Унга сира тоқатим йўқ, азиз Глостер
Унга яқинлаша кўрманг.

Э д м у н д

Асло, маликам.
Ана, опангиз ва герцог келишди етиб.

Герцог Альбани, Гонерилья ва аскарлар байроқлар ва
барабанлар билан киришади.

Гонерилья

(Четга)

Жангда мағлуб бўлсам, бўлай майли, чидайман,
Аммо синглим уни мендан ажрата олмас.

А л ь б а н и

Жондан азиз синглимизга саломлар бўлсин!

(Эдмундга)

Жаноб, кенжа қизи билан қирол топишган,
Улар бирга эмиш, яна талай бошқалар,
Бизнинг сиёсатдан зада бўлган кимсалар.
Мен ҳалол бўлмасам, ботир бўла олмайман,
Бизнинг сарҳадларимизга бостириб кирган
Французни рақиб дея атасак тўғри,
Аммо қирол билан аҳли аъёни бошқа,
Улар биздан ранжи хотир бўлишга ҳақли.

Э д м у н а

Олийжаноб сўзлар.

Р е г а н а

Аммо, муддао нима?

Г о н е р и л ь я

Ҳамма ёвга қарши бирдек, оёққа турсин!
Оилавий майда-чуйда баҳсу жанжалнинг
Ҳозир маврудимас сира.

А л ь б а н и

Унда ҳозироқ
Кенгаш чақираман, майдон, маърака кўрган
Оқсоқоллар тўпланиб, бир қарорга келсин.

Э д м у н а

Унда мен ҳам борай сизнинг чодирингизга.

Р е г а н а

Опажоним, сиз ҳам бирга борасизми?

Г о н е р и л ь я

Йўқ.

Р е г а н а

Бу зарур иш, ўтинаман, юринг биз билан.

Г о н е р и л ь я

(Четга)

Ўҳ-хў, аён, бўлди-қўйди... Майли, бораман.

Кетмоқчи бўлишади, деҳқонча кийинган Э д г а р киради.

Э д г а р

Жаноб герцог, мен фақирга изн берсангиз,
Айтадиган бир калима арзим бор эди.

А л ь б а н и

Ортингиздан ҳозир етиб бораман.

(Эграпра)

Гапир.

Эдмунд, Регана, Гонерилья, офицерлар, аскарлар ва бошқа мулозимлар чиқишади.

Э д г а р

Жангдан олдин ўқиб чиқинг мана бу хатни,
Жангда енгиб чиқолсангиз, бурғу чалдириб,
Мени чорланг, шу ондаёқ ҳозир бўламан.
Кўринишда гарчи фақир, гадоман, лекин,
Бундаги бор ҳақиқатни тасдиқ этувчи
Шижоатли бир жангчини топиб бераман.
Агар жангда енгилсангиз, унда сиз учун
Битар бу дунёнинг буткул иши, ташвиши.
Душманларнинг барча макру адовати ҳам.
Хуллас, омон бўлинг, хўжам, толе ёр бўлсин!

А л ь б а н и

Мен мактубни ўқийман, сен бунда кутиб тур.

Э д г а р

Кутолмайман, менга шундоқ топшириқ бўлган.
Лозим бўлган дақиқада чақирсин жарчи,
Ҳаялламай, бир нафасда етиб келаман.

А л ь б а н и

Хўп, бора қол. Мен ҳозироқ ўқийман хатни.

Эдгар чиқади, Эдмунд киради.

Э д м у н д

Ёв кўриниб қолди, бугун лашкарингизни
Сафга тизинг. Душманнинг бор кучи, қудрати
Хусусида маълумотлар йиғилди буткул.
Фурсат тизинг, тезроқ бўлинг, шошилмоқ зарур.

А л ь б а н и

Кечикмаймиз, ўз вақтида бўламиз ҳозир.

(Чиқади).

Э д м у н д

Опа-сингилга онт ичдим ишқимни айтиб,
Улар энди бир-бирини заҳарлашга шай.
Билолмайман, қай бирини танласам экан?
Унисини танласамми, бунисиними?
Иккисин ҳам танласам-чи, унда не бўлар?
Ё бир йўла кечайинми иккисидан ҳам?
То иккиси тирик экан, ишим юришмас.
Бевасини тутар бўлсам, рашку аламдан
Гонерилья жинни бўлиб қолиши тайин,
Шу бўлажак жангда менга эри -суянчиқ.
Лекин жангдан кейин... Майли, хотини ундан
Қандай халос бўлар, буни ўзи ҳал қилсин.
Корделия билан Лирни асирга олиб,
Герцог шафқат айламоқчи, бермоқчи омон,
Мен эсам-чи, қаршидирман бунга тамоман.

Менинг ишим - жангдир, баҳсу мунозарамас.
(Кетагу).

Иккинчи саҳна

Икки ҳарбий қароргоҳ ўртасидаги жанг майдони. Жанг сурони. Байроқлар, барабанлар билан Л и р, К о р д е л и я ва уларнинг аскарлари ўтишади. Э д г а р билан Г л о с т е р киришади.

Э д г а р

Ота, дарахт соясида ўлтириб энди.
Дуо қилинг, енгиб чиқсин жангда ҳақиқат.
Агар ўлмай тирик қолиб, қайтиб келолсам,
Сизни хурсанд қиламан.

Г л о с т е р

Бор, толе ёр бўлсин!
Эдгар кетади.
Жанг сурони. Чекинишга сигнал берилади.
Эдгар қайтиб киради.

Э д г а р

Ота, қочдик! Қўлингизни беринг, қимирланг,
Қирол жангда маълуб бўлди, ўзи ва қизи
Асир тушди ванимларга. Қочайлик тезроқ!....

Г л о с т е р

Ўлиб, чириш учун менга шу жой ҳам қулай.

Э д г а р

Яна тушкун хаёлларми? Ота, дунёга
Қачон келиш, қачон кетиш бизга боғлиқмас.
Яратганнинг измида бу.

Г л о с т е р

Тўғри айтасан.

Кетишади.

Учинчи саҳна

Дувр яқинида британияликлар қароргоҳи. Барабанлар, байроқлар билан волиб Э д м у н д кириб келади. Асир тушган Л и р ва К о р д е л и я ни олиб киришади. Уларнинг изидан - офицерлар, аскарлар ва бошқалар.

Э д м у н д

Олиб бориб, шу ондаёқ зиндонга ташланг,
Олий ҳакам то ҳукмини чиқармагунча
Назоратда турсин улар, қаттиқ қўриқланг!

К о р д е л и я

Йўқ, яхшилик қилиб нуқул ушбу дунёда
Ёмонликка дучор бўлган фақат биз эмас.
Сизнинг ҳолингизга лекин куяман, ота.
Гар ўзимга қолса, ўзим бардош берардим
Қисматнинг бу ҳалокатли зарбаларига.
Ҳа, дарвоқе, шонли қизлар - опаларимга
Кўрсатишмайдими бизни?

Л и р

Йўқ, йўқ, йўқ, йўқ!
Ундан кўра, юр, зиндонга бора қолайлик,
Қафасдаги қушлар каби куйлаймиз унда.
Сен у ерда оқ фотиҳа сўрайсан мендан
Мен тиз чўкиб, сендан узру маъзур сўрайман.
Биз яшаймиз гоҳи тоат-ибодат айлаб,
Гоҳи куйлаб, гоҳи гўзал эртақлар айтиб,
Олтин капалаклар тутиб, куламиз баъзан.
Сарой можароларини сўраб, биламиз
Зиндонга бош суққан дайди, дарбадарлардан.
Кимлар остин бўлди, кимлар бўлишди устун,
Кимлар келди, кимлар кетди, кимлар қувилди...
Гўёки биз Яратганнинг мухтор вакили,
Дунёнинг бор асроридан оғаҳ бўламиз,
Ўша тош турмада яшаб, кўриб турамиз.
Улуғларнинг бу дунёдан ўтишларини,
Подшоларнинг кўтарилиб, тушишларини...

Э д м у н д

Олиб чиқинг тезроқ!

Л и р

Биздек қурбонлар узра
Худоларнинг ўзи хушбўй исириқ тутатар.
Корделия, шундамисан? Энди биргамиз,
Бизни ажратиш-чун кўқдан ўт олиш лозим,
Тутун пуркаб, тулкиларни индан қувгандек...
Йиғлама, кўз ёшингни арт, улар ҳеч қачон
Бизни йиғлатолмас, лекин кўрамиз ҳали,
Ўлат, вабо важиб эту сўнгақларини
Уларнинг ўзлари аввал бўлишар адо.
Қани, кетдик.

Лир ва Корделияни соқчилар олиб чиқишади.

Э д м у н д

Бери кел, капитан, ушбу фармойишни ол,
(Унга буйруқ битилган қовозни узатади).
Шу ондаёқ зиндонга бор улар ортидан,
Бир поғона юқорига кўтардим сени,
Агарда шу тошпириқни бажара олсанг,
Яна янги рутбаларга етдим, деявер...
Замонаси қандоқ бўлса, одами шундоқ,
Юмшоқ кўнгил кимсаларга қилич ярашмас.
Не учун, деб сўрама ҳеч, сўзга ўрин йўқ,
Бажо этасанми ёки этмайсанми, айт.

О ф и ц е р

Бажараман, милорд.

Э д м у н д

Унда бахтли бўласан.
Ёдингда тут, бунда қандоқ ёзилган бўлса,
Худди шундоқ бажо айла. Қани, йўлга туш.

О ф и ц е р

От арава тортолмайди сули емасдан,

Одам қила олган ишни мен ҳам қила олурман.

(Кетагу).

Карнайлар чалинади. Герцог Альбани, Гонерилья, Регана, офицера ва аъёнлар киришади.

А л ь б а н и

Жаноб, бутун кўрсатдингиз гайрат, жасорат,
Омадингиз кулиб боқди, асир олдингиз
Рақибларни, сизга қилич қайраганларни.
Бизнинг амру ихтиёрга беринг уларни.
Токи уларнинг вазнию хавфсизлигимиз,
Иккисини тенг-баробар ўртага қўйиб,
Холис туриб, ҳал этайлик тақдирларини.

Э д м у н д

Мен касалманд, қари шоҳни қамоққа солдим,
Қўриқланг, деб атрофига қўйдим соқчилар.
Унинг ёши халойиқда қўзғатар шафқат
Ва қиролик рутбаси ҳам айлағай асар.
Натижада аскарлар ўз найзаларини
Бизга қарши ўқталиши жуда ҳам мумкин.
Қирол билан маҳбус этдим маликани ҳам,
Сабаби - шу айтганларим. Улар эртага,
Ё шу яқин кунлар ичра келишиб бунда,
Маҳкамангиз ҳузурида бўлишар ҳозир.
Бутун қон ва тер ичрамиз, нафаслар оғир,
Дўст дўстидан айридди бу қонли савашда.
Шундай пайтда ҳарбу зарбдан ҳали ўзини
Ўнглаб улгурмаган, аччиқ аламлар чеккан
Аскарларнинг ярасига тегмаган маъқул.
Қирол билан маликанинг маҳкама иши
Қулай вақти соатида бўлгани яхши.

А л ь б а н и

Ўзингизни босинг, бегим, унутмангки сиз -
Бизнинг амримизга ҳозир бир жангчидирсиз.
Бизга тенг мақомли герцог, биродар эмас.

Р е г а н а

Биз ихтиёр этдик, бас, у - биродарингиз.
Бу тўғрида гапиришдан олдин бизнинг ҳам
Раъйимизни сўрасангиз, бўларди жоиз.
Бизнинг қўшинларни жангга бошлаб борди у,
Намоянда бўлди рутбам, шахсиятимга.
Шу хизмати кифоя, у ўзини энди
Сизнинг биродарингиз деб аташга ҳақли.

Г о н е р и л ь я

Мунча ошиб-тошаверма, ўз-ўзини у
Юксалтирди майдондаги хизмати билан.
Сенинг раҳму шафқатингга жила зор эмас.

Р е г а н а

Менинг унга ваколатим, мен берган ҳуқуқ
Унинг юксак мақомини таъмин этади.

А л ь б а н и

Сизга уйланганда, балки шундоқ бўларди.

Р е г а н а

Ҳазил-ишоратда баъзан башорат бўлар.

Г о н е р и л ь я

Ҳай-ҳай, сувга айттил ўша башоратингни.

. Р е г а н а

Опа, бироз тобим қочиб турибди, йўқса,
Жавобингни олар эдинг мендан ҳар қалай.
Лашкарбошим, аскарларим, асирларимни,
Молу мулким, ўзимни ҳам сенга топширдим.
Давлатим ҳам, қўрғоним ҳам сеники бўлсин.
Олам шоҳид, қарор қилдим, бутундан бошлаб
Менинг эримдирсан, менинг хўжайинимсан.

Г о н е р и л ь я

Бўлиб бўпти!

А л ь б а н и

Буни сиздан сўрамайдилар.

Э д м у н д

Ва сиздан ҳам сўрашмайди.

А л ь б а н и

Шунақа дегин...

Вой, сен сохта биродарим!

Р е г а н а

(Эдмундга)

Буюргил, ҳозир

Довул қоқиб унвонингни элга ёйсинлар.

А л ь б а н и

Тўхта, мени тингла, Эдмунд, сени қамайман,
Сабаб шуки, сен давлатта хиёнат этдинг.

(Гонерильяни кўрсатиб)

Бу ялтироқ илонни ҳам қамоққа олгум.

(Реганга)

Сизнинг даъвонгизни эса, жонажон синглим,
Рад этаман хотинимнинг фойдасин кўзлаб,
У ўзини Эдмунд билан унашиб қўйган.
Мен эриман, ҳукмингизни бекор қиламан,
Эр қилгингиз келса, маъна, қаршингиздаман,
Мени сева қолинг, чунки менинг хотиним
Бошқа билан унашилган.

Г о н е р и л ь я

Масхарабозлик!

А л ь б а н и

Эдмунд, қилчинг шай... Буюр, бурғу чалсинлар,
Сенинг пасткашлигинг, сенинг хоинлигингни
Биров қилч сирмаб, элга исбот этмаса,
Мана, мен чиқаман.

(Кўлқопни ташлайди).

Ору номусим - гаров,
Еган тузим ҳаром бўлсин, сенинг тўғрингда
Айтганларим чинлигини исбот этмасам.

Р е г а н а

Менинг кўнглим айнияпти...

Г о н е р и л ь я

(Четга)

Айнимасинми?
Заҳар деган айнилади ахир кўнгилини.

Э д м у н д

Мен ҳам ору номусимни тикдим гаровга.

(Кўлқопни ташлайди)

Бу дунёда бирор кимса мени хоин деб
Атар бўлса, у албатта ёлғончи аблаҳ.
Бурғу чалинг!... Кимки ҳозир майдонга тушса,
Сизми ёки бошқа биров, номусим учун
Олишмоққа, солишмоққа, мана, мен тайёр!

А л ь б а н и

Ҳой, жарчини чақиринглар!

Э д м у н д

Жарчи, кела қол!

А л ь б а н и

Сен ўзингга ишон фақат, аскарларингни
Мен урушга ёлланганман, энди уларни
Тополмайсан, негаки мен тарқатиб бўлдим.

Р е г а н а

Менинг ҳолим хароб....

А л ь б а н и

Чиндан аҳволи ёмон,
Олинг, менинг чодиримга элтинглар уни.

Реганани олиб чиқадилар.

Жарчи киради.

Жарчи, бурғу чалиб, ўқиб, эшиттир бунни.

О ф и ц е р

Бурғуни чал!

Бурғу чалинади.

Ж а р ч и

(Ўқийди).

"Қўшин ичида масъуллар ёки аслзодалардан бирор кимса ўзини граф Глостер деб атаётган Эдмунднинг ашаддий хиёнаткор эканини қилич кучи билан исбот этишни истаса, бурғу уч карра чалингандан сўнг майдонга тушсин. Эдмунд уни қарши олишга тайёр".

Э д м у н д

Чал!

Бурғу бир карра чалинади.

Ж а р ч и

Яна!

Бурғу иккинчи бор чалинади.

Ж а р ч и

Яна чал!..

Бурғу учинчи марта чалинади.

Саҳна ортидан жавоб бурғуси эшитилади. Қуролланган Э д г а р киради, унинг олдида - бурғучи.

А л ь б а н и

Ундан сўра, унинг асл муддаоси не?
Нега бурғу чалинганда ҳозир бўлди у?

Ж а р ч и

Эй баҳодир, кимсан, исму унвонинг нима?
Нега бурғу чалинганда майдонга тушдинг?

Э д г а р

Мен унвоним йўқотганман хиёнат сабаб,
Булгангандир бу дунёда исмим, шарафим.
Аммо рақибимдек мен ҳам аслзодаман
Ва ҳозирман олишмоққа.

А л ь б а н и

Ким у рақибинг?

Э д г а р

Эдмунд, граф Глостер деб аталган кимса.

Э д м у н д

Мен - ўшаман, не истайсан, мақсадингни айт.

Э д г а р

Қиличингни чиқар, агар менинг сўзларим
Юрагингга оғир ботса, қўлда қиличинг,
Қаршингдаман, ўчингни ол мендан, аяма.
Аммо менинг баҳодирлик бурчим, шарафим
Талаб этар экан, сенга айтгум баралла:
Кучинг, қудратинг бор, юксак рутба, унвонинг,
Ёшсан, навқиронсан, шону шавкатга соҳиб.
Ғалаба қозондинг, лекин шу ёдоқ бўлса ҳам,
Бутун жисму жонинг билан хиёнаткорсан.
Тангри ҳузурида, отанг, оғанг олдида,
Герцог қаршисида сенинг юзларинг қаро,
Бошдан оёгингга қадар куфрдир, гуноҳ.
Шу товонинг остидаги тупроқ ҳам ҳаром,
Сабабики, буқаламун, хоинсан тамом.
"Йўқ" деб кўр-чи, шу қиличим, билак кучим-ла
Юракда бор жасоратим ишга солиб мен,
Мунофиқлигингни ҳозир исбот этаман.

Э д м у н д

Исминг айт, деб сўрамоғим жоиз бўлса ҳам,
Сўрамадим, қиёфангдан кўриб турибман.
Айтган сўзинг, жасоратинг, гуруринг аён
Кўрсатмоқда тарбиянгдан аниқ бир нишон.
Мен рицарлик низомига кўра бу жангни
Бошқа кунга қолдиришга ҳаққим бор эди,
Бошқа кунга қолдирмайман, саваш қиламан,
Айбловларинг ўз бошингга улоқтираман,
Назар-писанд этмайман у ёлгонларингни,
Улар менга зарра таъсир этгани ҳам йўқ.
Кўкрагингдан дарча очиб қиличим билан
Юрагингга жо этаман уларни энди.
Қани, бурғуларни чалинг!

(Бурғулар чалинади. Улар жанг қиладилар. Эдмунд йиқилади).

А л ь б а н и

Ўлдирма уни!

Г о н е р и л ь я

Кураш эмас, ҳийла-найранг бўлди, Глостер,
Номаълум бир рақиб ила майдонга тушдинг.
Қонун юзасидан сенга жоиз эмасди,
Енгилмадинг, балки фитна қурбони бўлдинг.

А л ь б а н и

Оғзингизни юминг, хоним, йўқса шу заҳот
Шу хат билан оғзингизни ёпиб қўяман.

(Эдмундга)

Ол, касофат! Бу маломат мактубни ўқи!

(Гонерильяга)

Хоним, йиртманг тагин. Бу хат сизга танишми?

Г о н е р и л ь я

Таниш бўлса, нима қипти! Соҳиби тож - мен,
Сен эмассан, мени ким ҳам айблай оларди?

А л ь б а н и

Шум оч-офат! Демак, таниб, билиб турибсан.

Г о н е р и л ь я

Менинг нелар билишмни сўрама мендан.

(Чиқади)

А л ь б а н и

(Офицерга)

Ортидан бор, кузат, унинг авзойи ёмон.

Офицер чиқади.

Э д м у н д

Менга қўйган айбларингга иқрорман тамом,
Гуноҳим кўп, вақти келиб фош бўлур бари.
Улар ўтди, мана, келди менга ҳам яқун.
Аммо кимсан, мени бундоқ мағлуб айлаган?
Аслзодалардан бўлсанг, кечирдим сени.

Э д г а р

Иқрор бўлдинг, мен ҳам сенга бўлайин иқрор,
Менинг қоним сеникидан тубанмас, Эдмунд.
Баланд бўлса, менга жабру жафойингча бор,
Исмим Эдгар, туғишганинг, аканг бўламан.
Ҳақ-тангрилар бизга жиндек лаззат тоттириб,
Кейин унинг эвазига беришар жазо.
Гуноҳ билан туғилгандинг, ҳароми бўлиб,
Мана, отам бўлди икки кўздин ҳам жудо...

Э д м у н д

Айтганинг рост бари, чархи қисмат айланиб,
Адосига етгани-чун мен бунда мағлуб.

А л ь б а н и

Сезган эдим аслзода эканлигингни
Ўктам қиёфангдан, кел, бир бағримга босай.
Агар зарра юз ўтирсам сендан, отангдан,
Майли, бахтиқаро бўлай.

Э д г а р

Биламан, милорд.

А л ь б а н и

Шу пайтгача яшириниб, қайларда юрдинг,
Қайдан билдинг отанг чеккан алам, қайғуни?

Э д г а р

Отам билан бирга, унга қайғудош эдим.
Тингланг қисқа ҳикоямни, уни сўйларкан,
Қалбим менинг тарс ёрилиб кетса, ажабмас.
Мен тўғримда ҳукм эълон этилгач, қочдим,
Бир амалб қутулишга изладим чора.
О, жон ширин, биз, инсонлар ҳамиша шундоқ,
Бир ўлимдан қутулиш-чун ўламиз минг бор,
Ўзни жинниликка солдим, жулдур ёпиндим,
Ки улардан ҳатто ит ҳам этгайди ҳазар.
Отам учраб қолди шунда, икки кўзи қон,
Қорачиғи чановидан ўйиб олинган.
Мен қўлидан тутиб, уни етаклаб юрдим,
Тиланчилик қилдим, уни асраб қололдим
Оғир тушкунликдан, янги фалокатлардан.
Аммо, эвоҳ, танитмадим ўзимни сира,
Фақат ярим соат олдин жангга шайланиб,
Ғалабага умид боғлаб, лекин ишонмай,
Фотиҳасин оларканман, очдим ўзимни,
Сўзлаб бердим бошдан-оёқ қиссамни буткул,
Бир поёнсиз ҳаяжонлар ичра қолди ул.
Ҳайҳот, унинг азоблардан толиққан қалби
Қайғу қувонч залворига беролмай бардош,
Тарс ёрилди, жон берди у табассум айлаб...

Э д м у н а

Айтганларинг юрагимга тўқиниб ўтди,
Бу - хайрдан нишонадир, яна сўзлагил.
Назаримда яна битта айтар сўзинг бор.

А л ь б а н и

Шундай ғамгин бўлса, уни айтмай қўя қол.

Шунинг ўзи етар менга, юрагим тўлиб,
Ёш боладек ўкирмоққа ҳозирман.

Э д а р

Тўғри,
Ғам-қайғуга ўрганмаган киши бу гапни,
Қўтариши қийин бўлар, аммо не илож?
Ҳикоямнинг бу ҳиссаси яна-да ғамгин.
Мен йиғлаб турганда отам боши устида
Биров келиб қолди, аввал кўргандим уни,
Қочган эди кўриб гадо ҳолида мени.
Кимлигимни билиб энди, қучоқлаб олди,
Кўкдай наъра тортиб сўнгра, чеқди фигонлар,
Отам узра кўз ёшларин оқизди селдай.
Сўзлай кетди Лир ҳақида, ўзи ҳақида,
Аламлари ортар эди сўзлаган сайин.
Қулоқ эшитмаган шундоқ гаплар айтдиким,
Вужудида ҳаёт тори узилди гўё....
Шу орада икки карра чалинди бурғу,
Мен бу ёққа чоқдим уни ҳушсиз қолдириб.

А л ь б а н и

Ким экан у?

Э д а р

Кент эди у, ўша қувғинди,
Кийим-бошин ўзгартириб, ўзини қувған
Қиролининг орқасидан доим юрарди,
Садоқатли қулдек унга хизмат қиларди.
Қўлида қонли ханжар кўтариб, югурганича бир аён киради.

А т ё н

Ёрдам беринг!.... Ёрдам беринг!

Э д а р

Не воқеа, гапир! Нечун бу қонли ханжар?

А т ё н

Ҳали илиқ, ҳовури ҳам чиқиб турибди,

Мен ханжарни юрагидан суғуриб олдим.
Ох, у ўлди!...

А л ь б а н и

Ким ўлди? Айт.

А ъ ё н

Хотинингиз ўлди уриб кўксига ханжар,
Ўлар экан, яна битта гуноҳин айтди,
Иқрор бўлди, синглисига заҳар бермиш у.

Э д м у н д

Уйланмоққа сўз бергандим иккисига ҳам,
У дунёда базми жамшид қиламиз энди...

Э д г а р

Ана, Кент ҳам келиб қолди.

А л ь б а н и

Бунда келтиринг,
Хоҳ ўликдир, хоҳ тирикдир, иккисини ҳам.
Гарчи Тангри ҳукми солар дилларга титроқ,
Биз уларга ачинмаймиз, чекмаймиз алам.

Аъён кетади, Кент киради.

Ҳа, чинданам Кент бу, лойиқ эҳтиром ила
Қаршилашга, афсус, ҳозир иложимиз йўқ.

К е н т

Мен бу ерга подшоҳим, ҳукмдоримга
Хайрли кеч тиламоққа келдим, қани у?

А л ь б а н и

Вожабо, биз қиролни унутибмиз-ку!
Қирол билан Корделия қаерда, Эдмунд?

(Гонерилья билан Регана нинг жасадаларини олиб киришади).

Сен буларни кўрдингми, Кент?

К е н т

Ҳайҳот, бу не ҳол?

Э д м у н д

Опа-сингил севиб қолди Эдмундни воят,
Заҳарлади шунда бири иккинчисини,
Сўнг ўзини пичоқлади.

А л ь б а н и

Юзларин ёпинг.

Э д м у н д

Сўнги нафасдаман, битта яхшилик қилай,
Гарчи бу ҳол тескаридир табиатимга.
Айтинг, биров зудлик билан зиндонга борсин,
Корделия билан Лирни ўддиринглар, деб
Мен фармойиш берган эдим, боринг, шошилинг!

А л ь б а н и

Ҳой, боринглар тезроқ! Қани, чопинг, югуринг!..

Э д г а р

Кимга бораё? Фармойишни кимга бергансан?
Фармойишим бекор, дея бир нишона бер.

Э д м у н д

Гапинг тўғри, мана, менинг қиличимни ол,
Уни элтиб, капитанга берсанг, кифоя.

А л ь б а н и

Ўтинаман, тезроқ боринг!

(Эдгар чиқади).

Э д м у н д

Мен ва хотининг
Буюрганмиз, осинглар, деб Корделияни.
Сўнгра аччиқ алам узра ўзини ўзи
Осиб қўйди деган ёлғон тарқатишни ҳам.

А л ь б а н и

Ҳақ-тангрилар унга ўзи мадакдор бўлсин!

Қани, ким бор, олиб чиқинг буни бу ердан.

(Эдмундни олиб чиқишади.)

Қўлда Корделиянинг жасадини кўтарганича Лир, ортидан Эдгар, офицер ва бошқалар киришади.

Л и р

Фарёд солинг, фарёд солинг, фиғону фарёд!
Сиз тупроқдан эмас, тошдан яратилгансиз.
Тилларингиз, кўзларингиз менда бўлсайди,
Мен осмонни ағдарардим фарёдим билан...
У дунёдан кетди, энди қайтмайди сира.
Ўлик билан тирикни мен фарқлай оламан,
У - ўлиқдир, ётар, мана, ер каби соқит,
Кўзгу беринг, лабларига тутиб кўрайин,
Кўзгу хира тортса, демак ҳали тирик у.

К е н т

Нима, қиёмат қойимми?

Э д г а р

Ўшандан нишон.

А л ь б а н и

Ҳалокат ва интиҳо бу!

Л и р

Қаранг, бир туқи
Қимирлади, назаримда тирилмоқда ул.
Оҳ, агарда шундоқ бўлса, чеккан азобим
Бир нафасда тараларди-кетарди буткул.

К е н т

(Тиз чўкиб)

Эй суюкли ҳукмдорим!

Л и р

Ўтинаман, кет!

Э д г а р

Олижаноб Кент, сизнинг дўстингиз.

Л и р

Лаънат!

Лаънат ҳаммангизга қотил, хиёнаткорлар!
Уни асраб қололмадим... Кетиб қолди у,
Корделия, Корделия, шошма, сабр қил.
Ҳай, бир нима дедингми, а?... Унинг овози
Аёл киши латофати, малоҳатини
Кўз-кўз айлагудек мунис, меҳрибон эди.
Сени осган аблаҳни мен бўғиб ўлдирдим...

О ф и ц е р

Ҳа, ростданам ўлдирди у.

Л и р

Ўлдирмадимми?

Оҳ, не кунлар эди, олмос қиличим сирмаб,
Бундайларнинг қанчасини тирқиратганман.
Энди қариб қолдим, қайғу-аламлар букди...
Кимсиз? Ростин айтсам, кўзим ўтмай турибди.

К е н т

Агар қисмат бу дунёда икки кимсани
Аввал эркалаган, кейин хўрлаган бўлса,
Бири мен бўламан, мана, ёнингиздаман.

Л и р

Бу ер қоронғуроқ... Аё, Кент эмасмисан?

К е н т

Худди ўзи, сизнинг содиқ қулингиз, Кентман,
Кайис деган хизматчингиз бўлармиди?

Л и р

Ҳа,

Жуда яхши йигит эди, жасур, довюрак,
Ўлди, чириб ётар ҳозир тупроқ остида.

К е н т

Йўқ, подшоҳим, у ўлмаган, қаршингиздадир,
Ўша йигит - мен.

Л и р

Биз сўраб, суриштирамыз.

К е н т

Бошингизга шу савдолар тушгандан буён
Ортингиздан соя каби эргашиб юрдим...

Л и р

Сени кўриб, хурсанд бўлдим.

К е н т

Бошқа кимса йўқ,
Қолгани шу - зулмат, завол ўлимдир, холос.
Икки катта қизингиз ҳам надомат ичра
Ўз-ўзини ўлдиришди.

Л и р

Шундоқ менимча.

А л ь б а н и

Афтидан у англамайди айтган сўзини,
Сизнинг айтган сўзингиз ҳам зое.

Э д г а р

Беҳуда.

Офицер киради.

О ф и ц е р

Эдмунд ўлди, милорд.

А л ь б а н и

Ўлса, нима бўлибди?
Лордлар, азиз дўстлар, тингланг қароримизни,
Шу жафокаш мўйсафидга имкон борича

Қарашамиз, дардларига бўламиз дармон.
Умр бўйи уникидир, ҳокимиятни
Унинг амру фармонига берамиз тамом.

(Эггар ва Кентга)

Сизга қайтарамиз рутба, унвонингизни,
Ваколатингизни яна айлаб зиёда.
Садоқатли дўстлар биздан олсинлар самар,
Садоқатли бўлмаганлар ичсинлар заҳар.
Ие, нима бўлди?

Л и р

Менинг бечора болам,
Сени ошишдими? Мана, ўликсан, жонсиз.
Итлар, отлар, каламушлар яшайди ҳатто,
Наҳотки сен яшамасанг, ётсанг бенафас.
Болам, қайтиб келмайсанми энди ҳеч қачон?
Ҳеч қачон-а! Ҳеч қачон-а! Эвоҳ, ҳеч қачон!...
Ўтинаман шу тугмамни ечиб қўйинглار.
Раҳмат. Кўрмаяпсизми? Ҳой, унга қаранглар!
Лабларига қаранг!... Ана, қаранг у ёққа!...

(Ўлаги).

Э д г а р

У ҳушидан кетди... Шоҳим!... Шоҳим!

К е н т

Эй, юрак,
Нега ёрилмайсан? Ёрил, сендан сўрайман!

Э д г а р

Кўзингизни очинг, шоҳим!

К е н т

Уни қийнама,
Қўй, ўртанган жонини у Ҳаққа топширсин.
Машаққатлар билан тўлиб тошган дунёга
Уни қайтаришинг энди инсофдан эмас.

Э д г а р

Ўлди...

К е н т

Узоқ яшади у, лекин, ажабо,
Шунча чидам, куч-қувватни қаяқдан олди?

А л ь б а н и

Ўликларни олиб чиқинг... Биринчи галда
Қиладиган ишимиз бу - умумий мотам.

(К е н т в а Э д г а р га)

Менга суянч бўлинг, азиз биродарларим,
Биргалашиб мамлакатни халос этайлик
Бу кулфату аламлардан, шармандалиқдан.

К е н т

Мен сафарга отланганман, қолишим қийин,
Ҳукмдорим чақирмоқда, нега бормайин?

А л ь б а н и

Кўтарамиз қайғули шу замон юкини,
Юракда не бўлса, тилга келтиринг уни.
Кўрдик кексаларнинг чеккан алам, қайғусин,
Биз, ёшларнинг бошимизга улар тушмасин...

Ҳамма мотам марши остида чиқади.





ХАМЛЕТ

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

К л а в д и й. Дания қироли.

Ҳ а м л е т. Аввалги қиролнинг ўғли, ҳозирги қиролнинг жияни.

Ф о р т и н б р а с. Норвегия шаҳзодаси.

Ҳ о р а ц и о. Ҳамлетнинг дўсти.

П о л о н и й. Сарой нозири.

Лаэрт. Унинг ўғли.

В о л ь т и м а н д, К о р н е л и й, Р о з е н к р а н ц,
Г и л ь д е н с т е р н. Сарой аъёнлари.

О з р и к.

А с л з о д а.

Р у ҳ о н и й, М а р ц е л л, Б е р н а р д о. Офицерлар.

Ф р а н ц и с к о. Аскар.

Р е й н а л ь д о. П о л о н и й н и н г х и з м а т к о р и.

К а п и т а н.

А н г л и я э л ч и л а р и.

Актёрлар, икки масхарабоз - гўрков.

Г е р т р у д а. Дания қироличаси, Ҳ а м л е т н и н г онаси.

О ф е л и я. П о л о н и й н и н г қ и з и.

Лордлар, хонимлар, офицерлар, аскарлар, денгизчилар, чопарлар ва хизматкорлар. Ҳамлет отасининг арвоҳи.

Воқеа Эльсинорда бўлиб ўтади.

Биринчи парда

Биринчи саҳна

Эльсинор. Қаср олдида кунгирадор девор билан ўралган тор майдонча: ўнг ва сўл ёқда миноралар ҳам уларнинг эшиклари. Юлдузлар чарақлаб турибди. Ҳаво жуда совуқ.

Ойболта билан қуролланган Франциско қоровулда турибди; у ёқдан - бу ёққа юриб туради. Соат ўн иккига занг уради. Қасрдан худди шундай қуролланган иккинчи соқчи - Бернардо чиқиб келади; у Францисконинг қоронғуликдаги қадам товушларини эшитиб тўхтайди.

Бернардо

Ким бор бунда?

Франциско

Ўзинг кимсан, тўхта, жавоб бер.

Бернардо

Омон бўлсин қиролимиз!

Франциско

Бернардо?

Бернардо

Ҳа, мен.

Франциско

Балли, кечикмадинг, худди вақтида келдинг.

Бернардо

Соат ҳозир ўн иккига занг урди. Энди -
Бориб ухла, Франциско.

Франциско

Раҳмат мен роса —
Совқотдим ва юрагим алланечук гаш.

Б е р н а р д о

Қалай, бунда тинчликми?

Ф р а н ц и с к о

Сув қуйгандек жимжит.

Б е р н а р д о

Бўлмаса-чи, бора қолгин, хўп, хайри тун.
Ҳа, мабодо учраб қолса Ҳораций, Марцелл,
Сен уларни шошилтир, то навбатларига
Ҳаялламай, ўз вақтида етиб келишсин.

Ф р а н ц и с к о

Ўшаларми, дейман... Тўхта! Келаётган ким?

Ҳорацио ва Марцелл киради.

Х о р а ц и о

Юрт дўстлари.

М а р ц е л л

Ва қиролнинг хизматкорлари.

Ф р а н ц и с к о

Хайрли тун сизга.

М а р ц е л л

Хайр, эй содиқ аскар,
Сен билан ким навбатлашди?

Ф р а н ц и с к о

Постда Бернардо. Яхши қолинг.

Кетади.

М а р ц е л л

Эй! Бернардо!

Б е р н а р д о

Лаббай, биродар.

Ҳорацио шу ердами?

Ҳ о р а ц и о

Ҳар қалай, шунда.

Б е р н а р д о

Салом, Ҳорацио; салом, оғайни Марцелл.

М а р ц е л л

Анув варойибот бугун кўринмадими?

Б е р н а р д о

Ҳозирча йўқ.

М а р ц е л л

Ишонмайди, васваса, дейди
Ҳорацио бизга зоҳир бўлган рўени,
Бирмас, икки карра ҳозир бўлган арвоҳни.
Ишонмасанг, қани, дўстим, бирга юр, дедим.
Бизлар билан қоровулда бирга тур, дедим.
Арвоҳ яна қаршимизда бўларкан пайдо
Яхшилаб боқ, гаплашмоққа уннаб кўр, дедим.

Ҳ о р а ц и о

Ҳа, у энди келиб бўпти.

Б е р н а р д о

Хўш, ўлтирайлик,
Рухсат этинг, батанг айлаб қулофингизни,
Кўрганларим юзасидан гапирай пича,
Булар тамом тескаридир тарихимизга.

Ҳ о р а ц и о

Хайр, мана ўлтирдик ҳам. Эшитайлик-чи,
Бернардонинг ваҳмасини.

Б е р н а р д о

Аввалги кеча
Қутб юлдузига гарбий ҳамсоя бўлган

Анув юлдуз фалакнинг бу буржига кўчиб,
Ҳозиргидек жилोलаниб, сочаркан ёғду,
Марцелл билан қоровулда турардик танҳо,
Соат бирга занг урганда...

Арвоҳ киради.

М а р ц е л л

Жим! Гапирма! Дамингни ют! Қара, мана у!

Б е р н а р д о

Савлатидан - худди марҳум қиролнинг ўзи.

М а р ц е л л

Сен биларон, унга қараб сўз қот, Ҳораций.

Б е р н а р д о

Ҳўш, сенингча, у қиролга ўхшамайдими?

Ҳ о р а ц и о

Ўхшаганда қандоқ! Ваҳим босмоқда мени.

Б е р н а р д о

У чамамда савол кутар.

М а р ц е л л

Гапир, Ҳораций.

Ҳ о р а ц и о

Ҳей, кимдирсан, сўроқсиз, шу тун палласида,
Даниянинг марҳум шоҳи қиёфасида
Салобатлар тўкиб, бунда кезиб юрибсан?
Осмон ҳақи, ўтинаман, жавоб бергайсан!

М а р ц е л л

У ранжиди биздан.

Б е р н а р д о

Қара, кетаётир ул.

Ҳ о р а ц и о

Тўхта! Ёлбораман! Менга жавоб айлагил!
Арвоҳ кетади.

М а р ц е л л

Кетиб қолди, истамади гаплашишим.

Б е р н а р д о

Ҳа, Ҳораций! Етар, мунча қалтирайверманг.
Хўш, сизнингча ёлғиз хаёл-васвасами бу?
Энди нима дейсиз, дўстим?

Ҳ о р а ц и о

Тангрига қасам,
Ишонмасдим, агар кўзим билан кўрмасам.

М а р ц е л л

У қиролга ўхшайдими?

Ҳ о р а ц и о

Ўхшашдир бешак -
У қиролга, сен ўзингга ўхшаганингдек.
Ва такаббур норвегларга қарши урушда
Қандай яроқ таққан эса, шундоқ мусаллаҳ.
Яна, бир айёмлар Польша аёнларини
Жаҳл билан чаналардан итқитиб, қандоқ
Муз устига одган эса, шундай бадқовоқ.
Во ажабо!..

М а р ц е л л

Икки карра ўтди бизнинг яқинимиздан
Худди шу пайт, шундай залвор қадамлар билан.

Ҳ о р а ц и о

Бу жумбоқнинг тагига мен етолмагайман,
Аммо менинг назаримда нишонадир бу-
Салтанатни қақшатгувчи зилзилалардан.

Марцелл

Шошманг, бундоқ ўлтирайлик, қани ким айтар,
Кечалари посбонларни кўпайтиб бундоқ,
Халойиқни бесаранжом этиш не даркор?
Нега ҳадеб қуйилмоқда мис замбараклар,
Ва хориждан ташилмоқда қурол-яроғлар,
Нега уста-кемасозлар ёлланиб минг-минг,
Иш кетмоқда, на шанба, на якшанба-тиним?
Нега энди жин қувгандек тирмашиб барча,
Кеча-кундуз тер тўкамиз, жадал, бетиним?
Ким шарҳ этар бу аҳволни?

Хорацио

Мен уннаб кўрай.
Бу тўғрида миш-мишлар ҳам бордир ҳар қалай.
Бизлар боя арвоҳини учратган қирол
Бир замонлар майдон аро тузиб маърака,
Норвегларнинг ҳукмдори Фортинбрас-ла
Солишгандир бедов суриб, яккама-якка.
Жанг олдидан улар шундоқ паймон этишган:
Мағлуб бўлган ўз мулжидан айрилур бешак,
Ғолиб чиққан эса - ўша юртга етишган.
Ўша майдон аро қилич сирмаб бетма-бет,
Рақибини тамом мағлуб айлаган Ҳамлет
Ва марҳумнинг давлатига бўлган муяссар.
Фортинбрас вориси-чи, унинг ҳам номи
Фортинбрас аталади, ўша айёмлар
Аччиқ, алам-надоматдан кўзни намлаган.
Ўч-интиқом даъвати-ла Норвегиядан
Каллакесарларни йиғиб, кўшин жамлаган.
Хуфёна хабарлар ҳам шуни тасдиқлар,
У отаси қўлдан бериб қўйган ерларни
Зўравонлик билан қайтиб олмоқчи бўлар.
Шундан, дейман, бу яширин ваҳим, васваса,
Бу тараддуд, бу таҳлика ва бу талваса.
Шундан, дейман, ҳар қадамда тикилинч, ташвиш,
Бутун ўлка роҳатини йўқотиб қўймиш.

Б е р н а р д о

Балли, шундоқ бўлса керак, гапингда жон бор.
Ким бекорчи-дахмаза деб айтар буларни:
Ўша жангу жадалларни қўзгаган қирол
Тунда кўздин кечираркан қоровуларни.

Ҳ о р а ц и о

Бу - дилимнинг дийдасига қадалган тикан.
Римнинг гуриллаган даври, зафар айёми
Соҳибжилов Юлий тахтдан қуламай ҳали,
Қабрларни бўм-бўш қўйиб, кўча-кўйларда
Ғудурланиб кезган экан суяк – мурдалар.
Кўкда учган юдузларнинг алантасида
Қип-қизариб кетган экан шабнам қатралар,
Қора доғлар тошиб кетган қуёш юзига;
Денгизларни ўз амрига юритган ой ҳам
Олам аро қиёмат кун қойим бўлгандай,
Касал каби қоп-қорайиб кетган ўшанда...
Ўша қўрқинч офатларнинг даракчисидек,
Фалокатнинг фожиавий дебчасидек,
Қонли можароларга бир ибтидо бўлиб,
Бошимизга солиб ташвиш-надоматларни,
Биз, инсонлар оламига бирлашиб туриб,
Осмон, Замин отар турфа аломатларни.

Арвоҳ қайтиб келади.

Ҳай, жим бўлинг! Тарин ўша! Мен тўхтатаман!
Не қилса ҳам. Шошма, арвоҳ, жойингдан жилма!
Сўз айтишга агар нутқи забонинг бўлса,
Гапир, тилга кир!
Балки бирор кори хайр лозимдир шу тоб:
Сенга раҳмат бўлур, бизга дарёйи савоб.
Гапир, тилга кир!
Юрт қисмати балки сенга бўлмишдир зоҳир,
Балоларни даф этмоққа эрурмиз қодир,
О, гапирсанг-чи!
Эҳтимолки, тиригингда кўмган симу зар
Ҳалол эмас, шу сабабдан безовта айлар.

Хазиналар арвоҳларни чорлайди, дерлар,
Шу гап ростми? Тўхта, дейман, тўхта, ҳей, гапир!

Хўроз қичқиради.

Марцелл, ушла!

М а р ц е л л

Болта билан чопаيمي уни?

Ҳ о р а ц и о

Чап берса, чоп болта билан.

Б е р н а р д о

Ана!

Ҳ о р а ц и о

Ана у!

Арвоҳ кетади.

М а р ц е л л

Кетди!

Унинг подшолик иззат-нафсига
Оғир ботди биз кўтарган беписанд чуввос.
У буғ каби дахлсиздир, бизнинг зарбамиз
Ҳавога тиг урган каби беҳуда, холос.

Б е р н а р д о

Сўз қотарди агар қичқирмасайди хўроз.

Ҳ о р а ц и о

Шунда у бир гуноҳкордек сесканиб тушди
Ва тарадуд ичра қолди. Эшитгандимки,
Тонг жарчиси хўроз узун "қу-қу"лаш билан
Уйротармиш кун тангрисин тун уйқусидан.
Унинг қичқириғи ҳар гал садоанаркан,
Денгиздами ё оловда парланиб турган,
Қуруқдами ё ҳавода саргашта юрган -

Сарсон руҳлар ётоғига қайтар дафъатан.
Чамамда биз ҳозир бунинг гувоҳи бўлдик,
Гувоҳимас, балки тайин огоҳи бўлдик.

М а р ц е л л

Хўроз қичқириви билан сўниб борди у,
Дейдиларки, ҳар йил худди қиш палласида,
Исо масиҳ таваллуди арафасида
Тиним билмай қичқирармиш тун бўйи хўроз.
Руҳлар эса шўхлик-шумлик қилмасмиш сира,
Сайёралар боқар эмиш сокин, меҳрибон.
Инсу жинслар маҳрум бўлиб сеҳру амалдан,
Эзгуликка чўмиб, аста кечармиш даврон.

Ҳ о р а ц и о

Эшитганман, мен ҳам бунга бовар қиламан.
Ана, алвон яктагини судраб субҳидам -
Шабнам босиб, шарқ уфқидан келмоқда илдам.
Тарқалишсак бўлар. Лекин бир маслаҳат бор:
Нима дейсиз, ёш Ҳамлетни этсак хабардор -
Бунда содир бўлган сирру синоатлардан.
Бизга соқов бўлиб, ониз очмаган арвоҳ
Шаҳзодага асрорини сўйлагай, илло.
Нима дейсиз, шуни бир-бир баён айласак,
Дўстлик бурчимизни бўйла аён айласак?

М а р ц е л л

Айтиш керак. Балки шунда еҳилар тутун.
Мен биламан, қайда бўлур шаҳзода бугун.
Кетишади.

Иккинчи саҳна

Қасрнинг қабулхона зали. Қирол, Малика, Ҳамлет, Полоний, Лаэрт, Вольтиманд, Корнелий, сарой аъёнлари ва хос маҳрамлар киришади.

Қирол

Юракларни акамиз у Ҳамлет қайғуси
Ёндиради, ёнишимиз жоиздир гарчанд,
Гарчанд изтиробга тўлиб мулку мамлакат
Ҳали куйиб-ўртаниши жоиз бўлса ҳам,
Табиатни жиловлйди лекин тафаккур,
Баски, минбаъд марҳумни деб аза очганда
Тирикларнинг тақдирин ҳам ўйламоқ зарур.
Шунинг учун синглимиз ва маликамизни -
Жанговар у сарҳадларнинг ворисасини
Рафиқа, деб атамоқни этдик ихтиёр.
Севинч-суруримиз худди оғу аралаш,
Бир кўзимиз ёғду тўкар, бир кўзимиз ёш.
Азада жилмайиб, тўйда чекиб фиғонлар,
Қайғу-қувонч посангисин тутдик баробар.
Биз бу ишга эҳтиёт-ла қўяркан қадам,
Оқил, доно кенгашларни тингладик ҳар дам.
Улар бизнинг тадбиримиз кўришди маъқул,
Яхши гаплар, маслаҳатлар учун ташаккур.
Иккинчидан, қиролвачча у Фортинбрас
Бизни зарра назар-писанд айламай, ҳатто
Акамизнинг ўлимидан кейин бу юртда
Бошбошдоқлик бўлур, деган бир хаёл билан
Фурурланиб кетди, кибру ҳавога минди,
Ки, отаси қўлдан берган вилоятларни,
Овайнимиз тасарруфга олган ерларни
Талаб қила бериб, рости, жонга ҳам тегди.
Бу тўғрида мухтасар гап мана шу. Энди
Йиғилишдан мақсад нима - бир-икки калом.
Фортинбрас амакиси, норвег қиролни,
Кўздан бери касал бўлиб тўшақда ётган -
Жиян қилмишидан балки беҳабар чолни,
Биз хабардор этмоқчимиз бир мактуб ила.

Токи берсин ўша фитна-фужурга барҳам,
Қўшин унинг измидадир, мулку маблағ ҳам.
Етказинг, деб топширамиз ушбу мактубни
Сизга, азизим Вольтиманд, сизга, Корнелий.
Биздан таъзим бўлсин ўша қари қиролга,
Валокатингизни билинг, лекин адашманг,
Унга қатъий амал қилинг, ҳаддан ҳам ошманг.
Хизматга шай эканингиз кўрсатур шу тоб
Хизмат аро кўрсатилган ғайрат ва шитоб.

К о р н е л и й в а В о л ь т и м а н д

Бурчимизни бажаргаймиз биз бажону дил.

Қ и р о л

Биз ҳам ишонамиз. Хайр, сизларга оқ йўл!

Вольтиманд ва Корнелий кетади.

Хўш айтинг-чи, Лаэрт, нечук янгиликлар бор?
Сўз борганди қандайдир бир ўтинч ҳақида.
Қандай ўтинч, Лаэрт? Нима бўлмасин ўша,
Биз олиндан қабул қилдик, қазоси тайин.
Ҳали ўша ўтинчини сиз айтиб бўлмасдан,
Беришга биз шай бўлмаган нима бор экан?
Бир-бирига пайвастадир юрак билан бош,
Аён гапки, қўл оғизга ҳалол хизматкор.
Аmmo сизнинг отангизу Дания тахти -
Робитаси бундан баланд. Сўранг, не даркор?

Л а э р т

Давлатпаноҳ, сўрайдирман ижозатингиз
Қайтиб кетмоқ учун тагин Францияга,
Сиз бунда тож кийиб, тахтта минар экансиз,
Келган эдим маросимга қатнашмоқ учун,
Энди бурчим тақозоси, фикру хаёлим
Яна ортта қайтишимга даъват этади.
Таъзимга бош эгиб, сиздан изи сўрайман.

Қ и р о л

Падарингиз Полоний-чи, бунга не дейди?

П о л о н и й

Шоҳим, сўрайвериб, роса жонимга тегди,
Ундай десам, бундай дейди, оқибати кор -
Қайтишига оқ фотиҳа бердим мен ночор,
Лутфингизни сиз ҳам дариф тутманг, ҳукмдор.

Қ и р о л

Бахтингизни берсин, Лаэрт, толе ёр бўлсин,
Яйраб яшайверинг, майли, сизда ихтиёр.
Қалай, жиян-ўғлонимиз Ҳамлет бу нафас?

Ҳ а м л е т

(Четга)

Ўғиллиги ёлғон, лекин жиянлиги рост.

Қ и р о л

Ажаб, ҳануз аримабди юзингдан булут?

Ҳ а м л е т

О, аксинча, қуёшлидир юзим бемавруд.

М а л и к а

Оҳ, Ҳамлет, бас, тундек қовоқ солганинг етар,
Не қилади, қирол сари боқсанг дўстона.
Қачонгача марҳум отанг изини излаб,
Тупроқларга кўз тикасан маъюс, гирёна.
Бу азалнинг буйруғидир: тириклар ўлар,
Фонийликдан боқийликка равона бўлар.

Ҳ а м л е т

Ҳа, азалнинг буйруғи шу.

М а л и к а

Қайғу-аламинг
Магар сенга ноёб бўлиб туюладими?

Ҳ а м л е т

Туюлмайдди, бекам! Балки аслида шундоқ,

Хар қандайин "туюлади" дейиш менга ёт.
На бу аза сарупоси, тим қора либос,
На безовта ва ҳирқироқ олинган нафас,
Не кўзлардан оқиб тушган дарё-дарё ёш,
На чехранинг сўлғиналиги ва ҳоказолар
Менинг қайғу-ҳасратимни ифшо этолмас.
Булар бари туюлишнинг усуллариدير,
Улар - амал, бир амаллаб ўйнаса бўлур.
Менинг ғамим бегонадир бўёққа илло,
Мана мен, деб ўртага ҳам тушмагай асло.

Қ и р о л

Баракалла, Ҳамлет, отанг азасин тутиб,
Ўз фарзандлик бурчинг бўйла адо этасан,
Аммо шуни ўз-ўзингга ҳисоб этгайсан,
Сенинг отанг ва отангнинг отаси ҳатто
Жудо бўлган бир кун падар бузрукворидан.
Отасига аза тутиш - фарзанд учун фарз,
Лекин буни одат этиш унга ярашмас.
Эркак киши чекаверса бетиним қайғу,
Эзгуликдан анча йироқ тушганидир бу.
Бу - сўқир қалб, ноқис ақл, тароватсиз таъб,
Тор ва маҳдуд тушунчадан келган нишона.
Ўлим ахир муқаррар-ку, равшан-аён гап,
Илож қанча, умр тугаб, тўлса паймона,
Унга қарши туриш, уни мазаммат қилиш,
Унинг фармонидан бўйин товламоқ нима?
Бу - осмон ҳузурида гуноҳи азим,
Куфр - марҳум олдида ҳам, хилқат олдида.
Яна ақл олдида ҳам бир иштибоҳким,
Оталарнинг қисматига бўйсуниб ўша,
Энг биринчи мурдани у қаршилаб олган.
Яна "шундоқ бўлиши ҳақ" деган нидо-ла
Энг охирги мурдани ҳам кўзатиб қолган.
Бас, марҳамат этиб энди қайғуни кам қил,
Отанг мақомида бизни ота рақам қил,
Дунё билсин, тожу тахтнинг энг яқинисан
Ва оталик меҳримиз ҳам фаромуш эмас.
Витгенбергга қайтиб, яна таълим-таҳсилни

Давом эттиришинг, Ҳамлет, бизга хуш эмас.
Ўтинаман, ўйлаб қара, қошимизда қол,
Азиз фарзанд бўлиб, олий амалдор бўлиб -
Бизнинг меҳру муҳаббатдан улушингни ол!

М а л и к а

Мени қол деб ялинишга мажбур айлама,
Виттенбергга қайтишингни энди ўйлама.

Ҳ а м л е т

Бекам, бўйсунаман амри-фармонингизга.

Қ и р о л

Мана бу хуш сўзинг воят маъқулдир бизга.
Дания - ўз уйинг. Қани, маликам, юринг,
Лутфу карам қилиб, зеро, ўғлимиз Ҳамлет
Севинч-сурур солди ҳозир юрагимизга.
Бунинг шарафига базми жамшид тузайлик,
Қадаҳларнинг доврўғини чўнг замбараклар -
Қаҳқаҳаси булутларнинг бағрига элтсин.
Ва самовий гулдурослар янграб галма-гал,
Қадаҳларнинг жарангига қўшилиб кетсин.
Кетдик.

Ҳамлетдан бўлак ҳамма кетади.

Ҳ а м л е т

О, кошкийди, шу зил гавда, шу бир халта гўшт
Ириб-чириб кетса, шабнам бўлиб таралса.
О, кошкийди, ўз жонингга ўзинг қасд қилиб,
Халос бўлсанг, гуноҳ эмас, савоб саналса.
Ё Худойим! Ё Раббано! Ё Парвардигор!
Қандай аянч, қандай жирканч ва тўмтоқ бўлиб
Кўринади бутун олам, бутун қору бор.
Қараб-қараб кўнглинг айнаб кетади! Худди
Фовлаб кетган, ташландиқ бир боққа ўхшайди.
Қадам қўйиш маҳол, ахлат, ҳаммаёқ ахлат,
Шунчалар паст тушиш, ё Раб, шунчалар даҳшат!
Ўлганига икки ой, йўқ, икки ой ҳаммас,
Қандай қирол эди ўша доно, забардаст.

Ҳа, манави билан қиёс айлаганда-чи,
 Сатир қаршисида Фебдай пурвиқор эди.
 Ва онамни севар эди қанчалар, эвоҳ,
 Юзларига шамолни ҳам кўрмасди раво.
 Осмон, Замин! Қай бирини айтайин яна?
 Бу ҳам талпинарди унга ташнадан-ташна
 Лекин бир ой ўтар-ўтмас... Беҳуда калом!
 О, хотинлар, хиёнатдир номингиз тамом!
 Бир ой бўлмай туриб! Ўша тобут ортидан
 Ниобея янглиғ кўзёш тўкиб бораркан,
 Кийган ковушлари ҳали бут-бутун, ёҳу!
 Ё Худойим! Фаросатдан маҳрум ҳайвон ҳам
 Тоқат қилиб турар, бардош этар эди-ку.
 Эрга тегиб олмиш, кимга, амакимизга;
 Гераклга мен қанчалар ўхшасам, зеро,
 Марҳумга ҳам шунча монанд бўлган кимсага.
 Ҳали бир ой ўтар-ўтмас, ҳали юзидан
 Ёлгончи кўз ёшлар шўри қуримай туриб,
 Қовоғининг қизаргани аримай туриб,
 Эрга чиқиб олмиш! Шундоқ бир шитоб ила
 Ўзини бир қариндошнинг қўйнига солмиш!
 Йўқ, охири бахайр эмас бу ишнинг бешак,
 Чилпора бўл, юрак, сукут сақлашим керак!
 (Ҳораццо, Марцел ва Бернардо киришади.)

Ҳ о р а ц и о

Салом, шаҳзода.

Ҳ а м л ё т

Мен шодман ташрифингизга,
 Ҳорацийсиз - адашмаса агар хотирам.

Ҳ о р а ц и о

Худди ўзи, то ўлгунча содиқ қулингиз.

Ҳ а м л ё т

Азиз дўстим, мен ҳам содиқ фуломингизман.
 Сизни Виттенбергдан бунда келтирган нима?
 Сиз Марцеллсиз, шундоқмасми?

М а р ц е л л

Шундоқ, шаҳзодам...

Ҳ а м л е т

Сизни кўрганимдан шодман.

(Б е р н а р д о г а)

Хайрли оқшом -

(Ҳ о р а ц и о г а)

Сизни Виттенбергдан бунда келтирган нима?

Ҳ о р а ц и о

Ялқовликка майл бизни келтирмиш рости.

Ҳ а м л е т

Ҳатто душманингиз сизни шундоқ демасди.
Ўзингизга ёзғириқлар ёғдириш билан
Беҳудадан-беҳудага мени қийнаманг,
Мен биламан сизни, ялқов эмассиз асло.
Эльсинорда бандсиз нечук юмушлар билан?
Ҳали, шошманг, ўргатамиз майхўрликка ҳам.

Ҳ о р а ц и о

Биз келгандик отангизнинг жанозасига.

Ҳ а м л е т

Дўст устидан кулиш бундоқ яхшимас, дўстим,
Сиз онамнинг никоҳини айтмоқчидирсиз?

Ҳ о р а ц и о

Ҳа, дарвоқе, ўша никоҳ: ажаб, мунча тез?

Ҳ а м л е т

Ҳисоб-китоб, Ҳораций! Тўй дастурхонига
Тортилади дарров мотам - аза чалпаги.
Бу савдони яна бир бор татиб кўргандан
Мен жаннатда қаршилардим душманни хурсанд.
Марҳум отам рўпарамда тургандек худди.

Ҳ о р а ц и о

Қайда, азиз шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

Дил ойнасида.

Ҳ о р а ц и о

О, раҳматлик қиролмисан қирол эди-да.

Ҳ а м л е т

У чинакам инсон эди, мурувватта шай,
Бунақасин кўриш энди насиб бўлмагай.

Ҳ о р а ц и о

Шаҳзодам, у шунда эди кеча, билсангиз.

Ҳ а м л е т

Шунда эди? Ким у?

Ҳ о р а ц и о

Қирол, сизнинг отангиз.

Ҳ а м л е т

Отам?!

Ҳ о р а ц и о

Тўхтанг, ўзни бир оз боссанг, шаҳзодам,
Гапга қулоқ солинг. Сизга мен баён айлай.
Мана, гувоҳларим тайёр, мени қўллагай,
Худо билсин, нима?..

Ҳ а м л е т

Сўланг, менда йўқ чидам.

Ҳ о р а ц и о

Манави жаноблар - Марцелл билан Бернардо
Мижжа қоқмай қоровулда туришар экан,
Туннинг сўнгсиз сукунати ичра у рўё
Сурункаси икки кеча кўриниш берган.

Бошдан-оёқ қурол-яроғ таққан бир кимса
Отангизга ўхшаш, залвор қадамлар билан
Гоҳ у ёққа юрган, гоҳи бу ёққа юрган.
Улардан нақ найза бўйи бир масофада
Сузиб ўтган нари-бери роса уч карра.
Улар бўлса, ҳар бириси бир жуфт кўз бўлиб,
Тура берган ваҳимадан тўнгиб, муз бўлиб.
Кейин менга этишаркан бу сирни ошкор,
Ўзим бориб кўрмоқликка айладим қарор.
Учинчи кун қоровулда турганим соат
Эшитганларимни атай тасдиқ этгандай,
Пайдо бўлди ўша соя, ҳумоюн суврат.
Падарингиз эсда. Улар ўхшашдир худди
Нақ мана шу қўлларимдек.

Ҳ а м л е т

Қайда кўринди?

М а р ц е л л

Қаср олдидаги кичик майдонда, бегим.

Ҳ а м л е т

Сиз гап қотиб кўрдингизми?

Ҳ о р а ц и о

Гап қотиб кўрдим.
Аммо самарасиз. Ўша ҳаяжонли дам
Боши билан елкасининг бурилганидан
Пайқадимки, сўз айтишга мойиллиги рост,
Аммо худди шу дақиқа қичқирди хўроз,
У сесканиб тушди буни эшитган замон
Ва кўздан ҳам ғойиб бўлди.

Ҳ а м л е т

Сувратман тамом!..

Ҳ о р а ц и о

Шаҳзодам, чин гапдир, неки биз баён қилдик,
Сизга шуни етказмоқни шараф деб билдик.

Ҳ а м л е т

Ҳа-ҳа шундоқ, лекин булар мен учун оғир,
Ким кечаси қоровулда турар?

М а р ц е л л в а Б е р н а р д о

Биз, милорд.

Ҳ а м л е т

Қуролланган дедингизми?

М а р ц е л л в а Б е р н а р д о

Балли, батамом.

Ҳ а м л е т

Бошдан-оёқ?

М а р ц е л л в а Б е р н а р д о

Бошдан-оёқ.

Ҳ а м л е т

Юзини балким
Кўргандирсиз?

Ҳ о р а ц и о

Кўрдик, дубулғаси дол эди.

Ҳ а м л е т

Қаҳрлими, қовоқлари солиқми?

Ҳ о р а ц и о

Йўқ-йўқ,
Қаҳр эмас, ҳасрат билан боқар.

Ҳ а м л е т

Ранги-чи?
Қум ўчганми, қизарганми?

Ҳ о р а ц и о

Бўз каби опшоқ.

Ҳ а м л е т

Сиздан кўзни узмадимми?

Ҳ о р а ц и о

Сира узмади.

Ҳ а м л е т

Афсус, бўлмаганим.

Ҳ о р а ц и о

Жинни қиларди сизни.

Ҳ а м л е т.

Ҳа, бўлиши мумкин. Қалай, турдимиз узоқ?

Ҳ о р а ц и о

Улгурардим, гар юзгача санасам саноқ.

М а р ц е л л а в а Б е р н а р д о

Йўқ, зиёдроқ.

Ҳ о р а ц и о

Мен боримда тургани шунча.

Ҳ а м л е т

Соқоллари оқарганми?

Ҳ о р а ц и о

Оқ эмас унча,
Мош-гуруч бўлган. Худди тириқдагидай.

Ҳ а м л е т

Тунда бориб, қоровулда бирга турайин.
Балки, тагин келар.

Ҳ о р а ц и о

Унинг келиши тайин.

Ҳ а м л е т

Агарда у рўё яна бўларкан пайдо,
Мен у билан гаплашаман. Ҳатто жаҳаннам

Оловларда қўзғалишиб, оғзим ёпса ҳам.
Бу асрорни, илтимосим сиздан ягона,
Шу чоққача яширгандек, яширинг яна.
Тунда нечук рўй бермасин ҳаракат-ҳолат,
Маъносини чақинг, лекин жим туринг фақат.
Дўстлик ҳимматига лойиқ жавоб бераман,
Соат ўн иккига яқин чиқиб бораман
Ёнингизга.

Ҳ а м м а

Биз тайёرمىз хизматингизга.

Ҳ а м л е т

Меҳрим, сидқи садоқатим ҳамиша сизга.
Хайр.

Ҳамлетдан бўлак ҳамма кетади.

Қуролланиб юрмиш отам арвоҳи!
Бу яхшилик аломати эмас. Бу ерда
Алдовми ё бир хиёнат борга ўхшайди.
Қош қорайсин, то унгача сабр қил, юрак:
Фитна ерга кўмилса ҳам, фош бўлур бешак.

Кетади.

Учинчи саҳна

Ўша жой. П о л о н и й уйда бир хона.

Лаэрт ва Офелия киришади.

Л а э р т

Юқларим кемада. Хайр, яхши қол, синглим.
Энди сўз бер, қулай фурсат келаркан қойим,
Йўлчи еллар эсар экан, вафлатда қолма,
Менга мактуб-муҳда йўлла.

О ф е л и я

Албатта, оға.

Л а э р т

Ҳамлет илтифотларига асло ишонма,
У - тентаклик ёки қоннинг қутқуси холос.
У - илк баҳор фасли ғунча очган бинафша,
Бемаҳал ва нимжон, чучмал, хазонга маҳкум,
Бор-йўғи бир лаҳзалик хушбўйи бор, бас.
Ортиқ эмас.

О ф е л и я

Ортиқ эмас?

Л а э р т

Ҳа, ортиқ эмас.
Мушак ривожимас ҳаёт камоли фақат,
Тан тўлишар экан, худди эҳромга монанд
Авжга чиқиб борар руҳий, ақлий ибодат.
Балки севар сени ҳозир маъсум, бегараз,
Ҳали кирланмаган, тоза туйғулар билан.
Аммо ундан қўрққил, ким у, ўйлаб қарагил,
Рутбасига кўра, эрки қўлида эмас.
Таваллуди билан наслу насабга асир,
Бошқалардек бўлолмас у соҳиб ихтиёр.
У ёр танлар экан, бунда аввалу охир
Салтанату мамлакатнинг манфаати бор.
У ёр танлар экан, ўзи танламас сира,
Унга маҳбуб танлар ўша олий доира.
Сени севаман, деб майли, такрорлайверсин,
Уни тингла, 'аммо сира айлама бовар,
У ўз сўзларини оқлай олмагай лекин,
Умум Даниянинг талаб-амрига кўнар.
Хуллас, ўйлаб қара, синглим бўларсан бадном,
Унинг ашуласин чин деб билсанг мабодо.
Юрагингни берсанг, иффат мулкини тамом
Унинг оташ талабига айласанг фидо.
Қўрққил, Офелия синглим, қўрққил, ҳазар қил,
Ўздан қочган каби қочгил эҳтирослардан,
Қочгил ишқу розлар, ширин ишва-нозлардан.
Қиз болага ой ҳам ҳатто ойнақдан боқиб,
Термулиши ножўядир, яхши анлагил.

Қийин ишмас ор-номусни бўҳтонга қўйиш.
Қурт ҳам қийратади аввал янги куртакни,
Хаёт тонготари чоғи шабнамда юрсанг,
Турфа касалликлар сенга илашар чиндан.
Ҳали ёш эканмиз, ҳали маъсума бир жон,
Тортинчоқлик ўзи бизга энг яхши қалқон.

О ф е л и я

Насиҳатларингни худди жоним устига
Туморчадек осиб қўяй. Ва лекин, оғам,
Диёнатни мақтаб, элни самога ундаб,
Ўз сўзига ўзи нуқул тескари юрган,
Куфр-гуноҳ сўқмоғида елиб-югурган,
Эл-юртдан уялмаган чала муллога
Ўзинг ўхшаб қолма тавин.

Л а э р т

Йўқ, хотиржам бўл.
Мен ҳаяллаб қолдим, мана отамиз келди.

Полоний киради.

Яна бир бор оқ фотиҳа олиш - қўш савоб,
Яна бир бор хайрлашмоқ учун баҳона.

П о л о н и й

Ҳали шундамисан? Уят эмасми, Лаэрт!
Елканларнинг елкасини эзмоқда шамол.
Сен бўлса-чи, буёқларда юрибсан. Оқ йўл!
Шу сўзларим қулофинга қуйилсин маҳкам,
Пинҳон-пинҳон ниятларинг ошкор айлама,
Номаъқул ўй-хаёлларга ўзни шайлама.
Одамларга камтарин ва дилкаш бўл, бироқ
Сен уларга бетакалуф дўст бўлма зинҳор.
Чин, синашта дўстларингни ўзингга ҳар чоқ
Занжирбанд қил. Дуч келганга очмагил қучоқ.
Жанжал-тўполондан ўзни йироқ тут ҳар дам,
Солишдингми, шундоқ урки, абжағи чиқсин,
Ўзгаларни тингла, ўзинг овиз оч кам-кам,
Бошқани бил, ўз фикрингни асра яширин.

Яхши кийин, ясан-тусан ҳирсига тўлма,
Ораста бўл, болам, лекин олифта бўлма.
Киши аввал кўринади кийимда зеро,
Франция киборлари бу ишда зийрак.
Ҳеч кимсадан қарз олма ва қарз бера кўрма,
Қарз берганда - айрилармиз дўсту ақчадан,
Қарз олганда - унутилар сарфу саришта.
Энг муҳими: ўз-ўзингга содиқ бўл фақат.
Шунда худди тун ортидан тонг келганидай,
Риёкорлик қилмагайсан ҳеч бир кимсага.
Хайр, оқ фотиҳа: йўлинг бехатар бўлсин!

Л а э р т

Хайр, дейман, пойингизга бош эгиб, ота.

П о л о н и й

Хўп, борақол. Хизматкорлар кутиб қолишди.

Л а э р т

Хайр, Офелия, сўзим ёдингда сақла.

О ф е л и я

Юрагимга бекитаман, калитин эса
Ўзинг билан ола кет.

Л а э р т

Хўп, хайр, бўлмаса.

Кетади. ‘

П о л о н и й

Офелия, не гап бўлди бунда, баён эт.

О ф е л и я

Сизга айтсам, сўз боиси - шаҳзода Ҳамлет.

П о л о н и й

О, шунақа дегин ҳали? Айни муддао
Эшитдимки, ҳузурингга ошиқармиш у,

Яна дейишдики, сенинг эътиборинг-ла
У бахтиёр эмиш? Агар рост бўлса шу гап -
Менга тартиб юзасидан айтишди буни,
Мен ҳам сенга шу нарсани айтишим даркор:
Ўз бурчингни етарлича англаб етмайсан,
Қизлик қадрү қийматингни писанд этмайсан.
Хўш, нима гап орангизда? Тўғриси айт.

О ф е л и я

Дарвоқе, мен сизга айтсам, у сўнгги пайтлар
Севгисини изҳор этди менга неча бор.

П о л о н и й

Севгисини! Ҳай-ҳай, ҳали гўрсан бу ишда
Сен нимани тушунардиги? Хўш, нима дедиги
Сен ўшанинг ҳалигидек дил изҳорига.

О ф е л и я

Дада, билолмайман нима дейишимни ҳам.

П о л о н и й

Қулоқ солгин, сен билмасанг, мен ўргатаман,
Айтганлари - мис чақадир, олтин санама.
Бундан кейин гаровларни қиммат сўрагин.
Йўқса, ҳазил-ҳузүл билан гаровни бериб,
Оқибатда аҳмоқ бўлиб қолишинг мумкин.

О ф е л и я

Дада, у ўз севгисини назокат билан
Изҳор этди менга.

П о л о н и й

Оҳ-ҳо, назокат билан!

О ф е л и я

Азиз авлиёларни у шафе келтириб,
Ўз сўзининг чинлигига қасамлар ичди.

П о л о н и й

Бу - қушчанинг йўлларига қўйилган тузоқ!

Қон қайнаркан, тил дегани қасамга муштоқ!
Йўқ, бу алангалар сенга бермас ҳарорат,
Ярқ этиб, кўз қамаштириб, сўнар бегумон.
Сен уларни ўт ўрнида санама ҳеч вақт,
Қадринг билиб, қимматингни оширгин чандон.
Қизим, суҳбатингни кутиб, илҳақ бўлишсин,
Чақиришса, чиқаверма ҳовлиқиб пешвоз.
Ҳамлет борасида шунга ишонким, ёш у,
Босар-тусарини ҳали билмаган шоввоз.
Ишонмагин ўзига ҳам, қасамига ҳам.
Қасам деган далла, у бир гумашта мисол,
Сиртдан кўриниши тузук, ичдан тасқара,
Атай ювош кўринади, чунки шу ҳолда
Иш битириш қулай. Яна такрор айтаман,
Истамайман, манбаъда ўша шаҳзода билан
Бир дақиқа суҳбат қурсанг ва бу суҳбатинг
Сенинг қизлик обрўйингга ташласа соя.
Бор. Сўзимни ёдингда тут доим.

О ф е л и я

Хўп, дада.

Кетишади.

Тўртинчи саҳна

Қаср олдидаги майдонча.

Ҳамлет, Ҳорацио, Марцелл киришади.

Ҳ а м л е т

Мунча совуқ! Шамол худди санчиб ўтади!

Ҳ о р а ц и о

Аёз чимдиб ўтаяпти, қиш дейсан худди.

Ҳ а м л е т

Соат неча бўлди экан?

Ҳ о р а ц и о

Сал кам ўн икки.

М а р ц е л л

Ўн иккидан ошди. Боя занг урди.

Ҳ о р а ц и о

Ростми?

Эшитмадим. Ҳа, унда-чи, вақт бўлиб қолди,
Арвоҳ келадиган пайт ҳам узоқмас энди.

(Саҳна ортидан карнайлар чалиниб, замбарақлардан ўқ узилади.)

Шаҳзодам, бу не бўлдийкин?!

Ҳ а м л е т

Ухламай қирол,

Йиқилгунча рақс тушиб, жавлон уради,
То тонггача ишрат қуриб, май симиради.
У ҳар сафар бўшатаркан қадаҳни тоза,
Карнайлар ва ноғоралар солишиб сурон,
Бу мардликни еру кўкка қилур овоза.

Ҳ о р а ц и о

Бу нимади - таомилими?

Ҳ а м л е т

Таомил, ҳайҳот.

Гарчи менга кўздан таниш, одатий бир ҳол,
Лекин манфур бу одатни йўқотмоқ даркор.
Ғарбу Шарққа шуҳрат ёйган бу ҳангомалар,
Номимизни маломатга қўймиш нақадар.
Чет элларда лақабимиз - шаробхўр тўнғиз.
Шу иллатнинг касофати билан бир қадар
Камситилар бизнинг хизмат, обрў ва нуфуз.
Баъзан шундай бўладики, бирор-бир инсон
Тузилади маълум туғма асорат билан.
Хўш, бу нима, унинг гуноҳ, айбимидир бу -
Ахир ота-онасини танламаган у.
Ёки феъли атворида ғариб бир ҳолат,
Ёки хатти-ҳаракатда ноқис бир жиҳат,
Наслданми ёки ёлғиз ўзига дохил.

Хуллас, ўша айтишга ҳам арзимас нуқсон -
Учратганнинг диққатини ўзига тортиб,
Учраганни "вой, тавба" деб қолдирар ҳайрон.
Шу-шу унинг чексиз шавкат, шарофатлари,
Тангри неъматидек шаффоф фазилатлари
Эл наздида тубан кетиб, топади завол,
Ҳаммасига ўша ифлос томчи сабабкор,
Уни маломатта қўяр.

Ҳ о р а ц и о

Қаранг, шаҳзодам!

Арвоҳ киради.

Ҳ а м л е т

Паноҳ бўлинг бизга, осмон фаришталари!
Кимсан, руҳи Яздонмисан ё зилли шайтон?
Жаннат нафасими ёки дўзах ҳовури,
Ниятингда савобми ё куфрми пинҳон?
Не бўлмасин, ларза солдинг ташрифинг билан,
Шу сабабдан ёлбораман, сендан сўрайман.
Мен сўрайман сендан, азиз падарим Ҳамлет,
Ҳукмдорим, подшоҳим, жавоб бергайсан!
Ғафлат аро қолиб кетмай. Жавоб бер менга,
Нечун зулмат маконингни бундоқ тарк этиб,
Кафанингни юлиб-юлқиб отибсан нега?
Биз жасадинг қўйиб келган ўша сағана
Тош жағларин йириб минг бир машаққат ила,
Нечун озод қўймиш сени? Нечун, изоҳ бер?
Жонсиз жасад яроғ тақиб, нечун мусаллаҳ?
Тун қўйнини асоратга тўлдириб бундоқ,
Ой нурида ёйиб ҳар ён қўрқинч, ваҳима,
Нечун бизнинг томирларга ларза солурсен?
Сўнгсиз муаммолар билан ўраб олурсен?
Нечун? Не сабабдан? Гапир, фармонинг нима?

Арвоҳ Ҳамлетни имлайди.

Ҳ о р а ц и о

Бирга юр, деб имляпти, назаримда у

Ниманидир ёлғиз сизга айтмоқ истаиди,
Ёлғиз сизга.

М а р ц е л л

Қаранг, қандай назокат ила
Сизни даъват этаётир, юр, деб йироққа,
Аммо бора кўрманг.

Ҳ о р а ц и о

Балли, борманг сира ҳам.

Ҳ а м л е т

Бу ерда у офиз очмас. Қўйинг, бораман.

Ҳ о р а ц и о

Йўқ-йўқ, борманг, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Хўш, нимадан кўрқай?
Ҳаётимни бир чақага кўраман қиммат.
Ахир, нечук етказолсин руҳимга заҳмат.
Руҳим унинг ўзи каби боқий эмасми?
Тагин имляпти мени. Қўйинг, бораман.

Ҳ о р а ц и о

Ҳа, мабодо сув бўйига бошлаб борса-чи,
Ёки денгиз узра шундоқ осилиб турган
Даҳшатли бир қоя тошга - жар ёқасига,
Унда мудҳиш бир фалокат рўй бера қолса,
Ақлингизни олиб, сизни жунунга солса,
Нима бўлур? Бу тўғрида ўйлаб кўринг-а?
Ўша чўнг қояда туриб, қараган киши
Шусиз ҳам эс-ҳушдан тамом айрилиб қолар,
Худди пойингизда - дўзах чуқурлигида
Денгиз кўпикланиб, бўғиқ ҳайқириқ солар.

Ҳ а м л е т

Яна имляпти. Бошла! Бораман!

М а р ц е л л

Тўхтанг!

Ҳ а м л е т

Қўлингни торт!

Ҳ о р а ц и о

Эсингизни йиринг, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Қисматимнинг овозидир ахир, бу овоз,
Менга арслон қудратини бахш этгани рост.

Арвоҳ имлайди.

Ҳамон имлар, йўл бўшатинг, менга, жаноблар!

Уларнинг қўлидан юлқиниб чиқади.

Йўл тўсганни нақ арвоҳга айлантираман!

Қоч, нари тур, дедим! Қани, бошла, бораман.

Арвоҳ ва Ҳамлет кетадилар.

Ҳ о р а ц и о

Ҳис-жазава ҳукмидадир Ҳамлет шу палла.

М а р ц е л л

Орқасидан бормоқ керак қорама-қора.

Ҳ о р а ц и о

Хўп, борамиз. Аммо, айт-чи, бу не аломат?

М а р ц е л л

Бу - Дания давлатига теккан касофат.

Ҳ о р а ц и о

Ўзинг йўлга бошла бизни, Худойим.

М а р ц е л л

Кетдик.

Кетишади.

Бешинчи саҳна

Майдончанинг узоқроқ бир чеккаси.

Арвоҳ ва Ҳамлет кирадилар.

Ҳ а м л е т

Ҳей, қаёққа бошляпсан? Бошқа бормайман.

А р в о ҳ

Мендан кўзинг узма.

Ҳ а м л е т

Кўзим сенда.

А р в о ҳ

Келди пайт

Ки, ҳадемай мен ўзимни отишим керак
Жаҳаннамнинг оловига.

Ҳ а м л е т

Бечора арвоҳ!

А р в о ҳ

Қўй, ачинма менга, лекин айтганларимни
Жон қулоғинг билан тингла.

Ҳ а м л е т

Қулогим сенда.

А р в о ҳ

Ҳаммасини эшит аввал, кейин қасос ол.

Ҳ а м л е т

Нима дединг?

А р в о ҳ

Мен отангнинг арвоҳидирман,
Кечалари ҳайрон-сарсон кезиб юрмоққа,

Кундузлари жаҳаннамда ёнмоққа маҳкум.
Гуноҳларим ёниб адо бўлмагунча то
Давом этар бу мазаллат, бу қора савдо.
Зиндонимнинг сирларини айта олмайман,
Аммо, кичик бир ҳикоя сўзласамми, бас,
Жонинг ҳалқумингга келиб, қотар қонларинг,
Юлдузлар ўз меҳваридан отилган каби,
Кўзларинг нақ хонасидан чиқар шу нафас.
Сочинг тикка туриб, унда ҳар битга мўйинг
Қутурган жайранинг ўткир найзаларидай,
Тиккаярди, худди сачраб отилмоққа шай.
Боқийлик бу, фоний инсон буни англамас.
Аммо, эшит, эшитиб ол, эшиттил, эвоҳ,
Сен отангни чиндан севар бўлсанг мабодо...

Ҳ а м л е т

Ё Раббий!

А р в о ҳ

Шум қотилликнинг қасосини ол.

Ҳ а м л е т

Қотилликнинг?

А р в о ҳ

Ҳа, қотиллик ўзи - қабоҳат,
Аммо, машғум қабоҳатнинг қабоҳати бу!

Ҳ а м л е т

Сўзла, токи мен шу замон чиқазиб қанот,
Тасаввур ва тафаккурнинг тезлиги билан
Қасос сари учай.

А р в о ҳ

Шайсан, кўриб турибман.
Ким бўлардинг, агар шундай турғён урмасанг?
Ўлик дарё сувларида бужмайиб ўсган,
Бақа тўни, сассиқ алаф бўлардинг балким.
Эшит, Ҳамлет, мени боғда ухлаб ётганда

Илон чақиб ўлдирди, деб этишди эълон.
Элни амал-тақал қилиб алдашди шундоқ,
Аммо, ўша - мени чақиб ўлдирган илон
Тожим кийиб ўлтирибти.

Ҳ а м л е т

О, башоратим!
Амаким!..

А р в о ҳ

Ҳа, ўша фосиқ, риёкор банда,
Макр билан хушомадга қобил шарманда.
(Шундоқ ифлос оқибатига етаклар экан,
Лаънат бўлсин ундай туғма қобилиятга!)
Хуллас, турфа найранг билан, хушомад билан
Маликани хиёнатта бошлади безбет.
Қандай оғир бир разолат рўй берди, Ҳамлет!
Кечиб менинг осмон каби муҳаббатимдан,
Никоҳ куни қилган аҳду паймондан кечиб,
Мендан неча карра тубан, паст ва нолойиқ
Бир муртаднинг қучоғига кирди!
Қанча амал кўрсатмасин фаҳшу разолат,
Қилт этмасдан турганидек фазлу фазолат,
Ҳирсу ҳарис фариштаннинг оғушида ҳам
Роҳат-фароғатта бир кун қониб муқаррар,
Ўзни ўлаксага отар.
Жим! Чамамда, тонг насими гириллаб қолди.
Ошиқаман. Ўшада мен боғ ичра таңҳо
Тушки ибодатдан кейин ухлаб ётаркан,
Мен томонга писиб кирмиш амакинг - қотил,
Қўлларида лаънати у захри ҳалоҳил
Ва ўшани қуймиш менинг қулоғимга у,
Биласанми, у симобдек ёвуз бир оғу,
Қоннинг кушандаси, қонга човут солади,
Югуради, бир нафасда чирмаб олади.
Сутга сирка солингандай, қонингни шу дам
Увитади. Шу балога йўлиқдим мен ҳам.
Бир нафасда худди махов очгандек Лазарь,
Баданимни босиб кетди йиринг-яралар.

Укам қўли билан уйқу қўйнида шу зум,
Молу мулким, маликамдан этилдим маҳрум,
Осий умрим чўрт кесилди томиридан то,
На тазарру айта олдим, на бир алвидо.
Маҳшаргоҳга жўнатишди ҳовлиқиб, шошиб,
Жумла жиноятларимни бўйнимга осиб.
О, бу даҳшат, даҳшат, даҳшат! Номус ила ор
Юрагингни ёндирмаса, уринма бекор.
Даниянинг подшолари ухлаган тўшак
Фаҳшу разолатга хизмат этмасин, қўйма.
Қодир қасос қандай қойим бўлмасин, фақат
Сен руҳингни мусаффо тут, онангга тегма.
Унга одил ҳакам, унинг лойиқ жавоби -
Тангри таоло-ю, яна виждон азоби.
Хайр, энди фурсат етди! Ялтироқ қуртлар
Тонгга пешвоз чиқиб, аста сўнаётирлар.
Алвидо, алвидо, унутма мени!

Кетади.

Ҳ а м л е т

Эй, осмон! Эй, Замин! Қай бир қиблагоҳ
Яна тинглар мени? Балки, қора жаҳаннам?
Юрак, чиқиб кетма, тўхта! Юрак, бир чидам!
Оёқларим букилмангиз! Тутингиз расо!
У "Унутма" деди. Сира унутарманми?
Бечора руҳ, шу шикаста каллада чиңдан
Бир хотира яшар экан, унутарманми?
Мен хотирам кўзгусидан ўчиргум тамом
Таассуротларимнинг буткул аломатларин,
Китоблардан олган сўзлар, ҳикоятларим,
Болалиқдан мушоҳада лавҳига тушган
Тасаввурлариму сиру синоатларим,
Хотирамнинг бутун дафтар, бутун китобин
Олақуроқ қилмай, яксар ёзиб чиқарман -
Ёлғиз сенинг сўзинг, сенинг фармонинг билан,
Худди Тангри қаршисида тикка тургандай!
О, риёкор хотин! О, сен ярамас, ғаддор!
О, разолат, лабда кулгу ўйнаган ағёр!

Буни ёзиб қўйишим шарт, қаламим қани?
Ёзай, токи ширин-ширин табассум билан
Кулиб-кулиб, аблаҳ бўлиш мустажоб экан
Бошқа жойда бўлмаса ҳам, шу Данияда.

Ёзади.

Мана тайёр, амакижон. Шиорим энди:
"Алвидо, алвидо! Унутма мени!"
Унутмайман, унутмайман, қасам ичаман.

Х о р а ц и о в а М а р ц е л л

(Саҳна ортидан)

Эй, шаҳзода! Эй, шаҳзодам!

М а р ц е л л

(Саҳна ортидан)

Ҳамлет, шаҳзодам!

Х о р а ц и о

(Саҳна ортидан)

Фалак уни паноҳида асрасин!

М а р ц е л л

(Саҳна ортидан)

Омин!

Х о р а ц и о'

(Саҳна ортидан)

Эҳ-ҳе-ей, шаҳзодам, қаёқдасиз?

Ҳ а м л е т

Эҳ-ҳе-ей, жўралар, бу ёққа!

Ҳорацио билан Марцелл киришади.

М а р ц е л л

Қалайсиз, шаҳзодам?

Ҳ о р а ц и о

Нима гап, шаҳзодам!

Ҳ а м л е т

О, кони мўъжиза!

Ҳ о р а ц и о

Айтгинг, шаҳзодам!

Ҳ а м л е т

Йўқ-йўқ, уни офзингиздан гуллаб қўясиз.

Ҳ о р а ц и о

Йўқ, шаҳзодам, Худо ҳаққи!

М а р ц е л л

Ҳа-ҳа, ишонинг.

Ҳ а м л е т

Майли, айтсам айта қолай: шундоқ бўлиши
Кимнинг хаёлига келмиш? Аммо бу гаплар
Орамизда қолади-я?

Ҳ о р а ц и о в а М а р ц е л л

Тангримиз шоҳид.

Ҳ а м л е т

Данияда учрайдиган ҳар битга нокас
Ёлғиз нокас эмас, балки, разил, ярамас.

Ҳ о р а ц и о

Шундайин бир ҳақиқатни айтиш қасдида
Арвоҳ гўрдан чиқиши шарт эмас.

Ҳ а м л е т

Албатта.

Келинг, энди гапда рамзу ишора эгмай,
Хайрлашиб, тарқалайлик уй-уйимизга.

Сиз ўз йўлингизга кетинг, мен ўз йўлимга,
Ҳар кимнинг ўз тилаги бор, иш-ташвиши бор;
Мен бўлсам, бир адо бўлган ғариб-бечора,
Тоат-ибодатга бораё.

Ҳ о р а ц и о

Бу сўзлар, милорд,
Узуқ-юлуқ жумлаларнинг гирдоби, холос.

Ҳ а м л е т

Таассуфки, сизни пича ранжитдим.

Ҳ о р а ц и о

Асло,
Бунда ранжимоққа сира ўрин йўқ.

Ҳ а м л е т

Йўқ, бор,
Бор, Ҳораций, Патрик ҳақи, қасам ичаман,
Бўлганда ҳам қандоқ! Ўша арвоқ ҳақида
Сўзим шуки, у чиндан ҳам азиз, мўътабар.
Аммоки бор гапни билиш таманносидан
Сиз баҳар ҳол кечинг. Энди, азиз дўстларим,
Менинг мактабдошлариму қуроқдошларим,
Сиздан ўтинч.

Ҳ о р а ц и о

Бажону дил қабул қилгаймиз.

Ҳ а м л е т

Бўлган гақдан ҳеч кимсага оғиз очмайсиз.

Ҳ о р а ц и о в а М а р ц е л л

Чурқ этмаймиз, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Бас, қасамёд қилинг.

Ҳ о р а ц и о

Номусимга қасамёдки, оғиз очмайман.

Марцелл

Мен ҳам шуңдоқ, номусимга қасам ичаман.

Ҳамлет

Мана қилич, қасам ичинг.

Марцелл

Биз қасам ичдик.

Ҳамлет

Йўқ, сиз менинг қиличимга қасамёд қилинг.

Арвоҳ

(Саҳна остидан)

Қасамёд қилинг!

Ҳамлет

Дарвоқе, чол, сен ҳам шуңдоқ фикрдамисан?
У нималар дейди сизга, тинглаяпсизми?
Ҳа, қасамёд қилинг тезроқ.

Ҳорацио

Айтинг қасамни.

Ҳамлет

Бўлган гапни ҳеч кимсага айтмаймиз, дея
Қасам ичинг, қўлингизни қиличга қўйиб.

Арвоҳ

(Саҳна остидан)

Қасамёд қилинг!

Ҳамлет

Nie ef ubique*. Қани, бу ёққа ўтинг.
Тагин қилич дастасига қўлингиз қўйиб,

*Бу ерда ва ҳамма жойда

Қасам ичинг, ҳеч кимсага кўрганимизни
Айтмаймиз, деб. Ҳа, қиличга қасамёд қилинг!
Арвоҳ

(Саҳна остидан)

Қасамёд қилинг!

Ҳ а м л е т

Вой, сен қари каламуш-ей! Ковлашга зўрсан!
Дарров етиб келдингми-а? Кетдик бу ердан.

Ҳ о р а ц и о

Эй зиё, эй зулмат!.. Ажаб, ғалати гаплар!

Ҳ а м л е т

Қабул қила беринг буни хорижийлардек.
Ҳорацио, дунёда кўп нарсалар борки,
Фалсафангиз тушига ҳам кирмаган ҳали.
Аммо, ишга уннайлик. Боз қасамёд қилинг,
Шафқатингиз дарив тутманг яна, мен токи
Мажҳул тутсам ўзимни ё бир оз ғалати,
Бир оз бошқачароқ бўлиб кўринсам ёки
Сиз ҳолимга назар ташлаб ҳеч вақт, ҳеч қачон
Қўлингизни чалиштириб кўкракка бундоқ,
Бошингизни чайқаб бундоқ, доно тур билан
Лаб учида демангизки - "Ҳа, биз биламиз,
Бошқаларга қоронғи-ю, бизларга равшан...
Биламиз-ку, лекин айтиб нима қиламиз".
Мен тўғримда бирор нарса маълум деб зарра,
На бир имо қила кўрманг, на бир ишора,
Шу тўғрида қасам ичинг, Тангри таоло
Ўзи сизга мадад бергай.

А р в о ҳ

(Саҳна остидан)

Қасамёд қилинг!

Ҳ а м л е т

Безовта руҳ, тиниб, ором олгайсан энди!
Бундан кейин, жаноблар, мен ўзимни буткул

Топшираман сизнинг ҳукму ҳимматингизга.
Фақир Ҳамлет дўстлик лутфу марҳаматини
Кўрсатади бир кун, Худо хоҳласа, сизга.
Қани, кетдик. Чурқ этмайсиз, сиздан сўрайман.
Замон издан чиқди, о, бу машғум бир алам,
Уни изга солмоқ учун тувилгандайман!
Қани, кетдик.

Кетишади.

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

П о л о н и й уйида бир хона.

Полоний ва Рейнальдо кирадилар.

П о л о н и й

Мана унга ақча билан мактуб, Рейнальдо.

Р е й н а л ь д о

Топшираман, милорд.

П о л о н и й

Ёмон бўлмасди, аммо,
Бундоқ искаб, ўзи билан учрашгунча то
Унинг юриш-туришини билиб олсангиз.

Р е й н а л ь д о

Ўзим шундай қилмоқчийдим, милорд.

П о л о н и й

Тасанно,
Мана бу соз. Биласизми, энди, азизим,
Аввал бундоқ суриштириб қарамоқ лозим.
Парижда не аҳволдадир данияликлар,
Мулку маблағлари нечук, қайда туришар,
Наслу насаблари қандай, улфатлари ким?
Шунда менинг ўғлимни ҳам айтишар балким.

Бас, шу зақот, тахмин-тусмол билан иш кўрмай,
Тикка ҳужум бошлайверинг, тортиниб турмай.
Синашта бир оҳанг билан айтинг, масалан:
"Дўстларини билар эдим, отаси билан
Учрашганман, ўзи билан танишлигим бор".
Хўш, маъқулми?

Рейнальдо

Маъқул, милорд.

Полоний

"Танишлигим бор", -
Лекин қўшиб қўйинг дарҳол: "Яқин эмасмиз,
Агарда мен билган ўша ҳавойи бўлса,
Гап ундоғу бундоқ" - дея бидирлайверинг,
Мурдаларга баъзан бўхтон қилишган каби.
Эр кишининг обрўсини ергу ургувчи,
Тентакликдан бўлак, ҳар не мазамматки бор,
Аямасдан чаплайверинг. Ёшлик даврони,
Эрк-ихтиёр билан боғлиқ балою баттар
Қусурларни ёпиштиринг, зарра аяманг.

Рейнальдо

Мисол учун, қимор.

Полоний

Балки шаробхўрликми,
Жанжалкашлик, дейсизми, ё оғзи бузуқлик,
Хотинларга ишқидозлик бўлса ҳам, майли.

Рейнальдо

Булар унинг обрўсини туширмайдими?

Полоний

Дуруст, лекин ҳамма нарса талқинга боғлиқ.
Сиз бирор-бир жиҳатини ҳаддан оширманг,
Токи, мана мен, деб туртиб чиқиб турмасин.
Шундоқ талқин этингизким, айби-қусури
Ҳамма учун маъзур бўлган ёшлик-бебошлик,
Йигитчилик аломати бўлиб кўринсин.

Рейнальдо

Милорд, сиздан истардимки...

Полоний

Сезиб турибман,
Булар нега керак, дея сўрамоқчисиз.

Рейнальдо

Нега керак, милорд?

Полоний

Мана, мўлжал-ҳисобим:
Бу гап-сўзлар адашмасдан нишонга урар,
Иш устида енгни жиндек суркаб олгандек,
Турган гапки, ўзи шахсан кузатган бўлса,
Сўзингизни қувватлагай суҳбатдошингиз.
Сизни бўлар, балли, дўстим, ё тақсирим, деб
Бу жиҳати унинг мавқе-мартабаси-ю,
Қайданлиги, тарбияси билан вобаста.

Рейнальдо

Шак-шубҳасиз, милорд.

Полоний

Мен нима демоқчийдим? Имонимга онт ичаманки, мен
бир нималар демоқчийдим? Дарвоқе, қайда тўхтадим?

Рейнальдо

Сўзни бўлиб, "дўстим" ёки "тақсирим" дейди...

Полоний

Ҳа-ҳа, сўзингизни бўлиб, дейдики: "Хўш-хўш...
Ҳа, дейдики, мен танийман у йигитчани.
Кеча ёки тунов куни кўрувдим рости,
Анув жойда фалончи-ю, пистончи билан.
Улар копток ўйнашдилар, у сархуш эди,
Охир уриш-жанжал билан ишни тугатди".
Ё дейдики: "Мен гувоҳман, ўзим кўрганман,
Қатнаб турар у манави савдо уйига,
Савдо уйигамас, балки ялло уйига..."

Хуллас калом ва ҳоказо, ва ҳоказолар.
Тушундингизми? Ҳа, сотинг ёлгон-яшиқни.
Майда-чуйда хўрак илиб қармоққа токи,
Ҳақиқатнинг семиз лаққа балиғин овланг.
Одатда биз, аҳли тамиз шундоқ қиламиз.
Олис-йироқ чекка-овлоқ йўллардан юриб,
Текис-тўғри йўлга кейин тушиб оламиз.
Ўғлимга ҳам шунақа бир усулни қўланг.
Мени тушундингизми?

Рейнальдо

Ҳа, тушундим, милорд.

Полоний

Хўш, саломат бўлинг энди.

Рейнальдо

Хўш, хайр, милорд.

Полоний

Кузатувни ўзи зинҳор сезиб қолмасин.

Рейнальдо

Асло, милорд.

Полоний

Қўйиб беринг, майли, ўйнасин.

Рейнальдо

Хўш, бўлади, милорд.

Полоний

Хайр.

Рейнальдо кетади. Офелия киради.

Офелия, нима қилди?

Офелия

Вой, Худойим-ей!

Дада, ҳозир шундай қўрқиб кетдимки!

П о л о н и й

Гапир,
Нима бўлди? Худо ҳақи!

О ф е л и я

Тикиш тикардим,
Бир пайт Ҳамлет кириб қолди тўзгин, бошяланг,
Ёқавайрон, тўпифига пайпоғи тушган.
Юзи худди кўйлагининг рангидек оппоқ;
Бирам қалтирайди, бирам қалтирайдики,
Тиззалари бир-бирига урилар ҳатто.
Ўзи шундоқ адо, шундоқ адоки, атай -
Айтмоқ учун жаҳаннамнинг даҳшатларини
Ҳозиргина ер тагидан чиқиб келгандай.

П о л о н и й

У ишқингда магар жинни бўлганми?

О ф е л и я

Йўғ-ей.
Аммо яна қўрқаманки...

П о л о н и й

Нималар дейди?

О ф е л и я

Билагимдан тутиб қаттиқ, қўлимни сиқди,
Кейин бир оз чекинди-ю, бошқа қўлини
Қош устига қўйиб бундоқ, менга тикилди.
Ҳам юзимдан кўзларини узмасдан шундоқ,
Гўёки бир сувраткашдек термулди узоқ.
Сўнг қўлини силкиб, уч бор таъзим айлади,
Кейин бир оҳ чекди, шундоқ ғалати бир оҳ,
Ўша чуқур хўрсиниққа сўнгги мажоли,
Сўнгги нафасини тамом сарфлади гўё,
Панжасини ёзиб, кейин, қўлимни қўйди,
Ва елкаси оша менга тикилганича,
Йўлни сира адаштирмай, эшикка юрди.
Шу алпозда эшикдан ҳам чиққунича то
Мен тарафдан кўзларини узмади асло.

П о л о н и й

Юр мен билан, учрашайлик Қ и р о л н и топиб.
Бу - савдойи муҳаббатнинг хуружидир, бас.
У баъзида жазавайи жунуни билан
Ёмон оқибатга элтар, ўйнашиб бўлмас.
Ҳа, бу ёруғ оламда-чи, биз билан нуқул
Ўйнашувчи эҳтирослар шунақа буткул.
Кўп таассуф. Мабодо шу сўнгги кунларда
Унга бирор аччиқ-тизиқ сўз айтмадингми?

О ф е л и я

Йўқ, валекин эсда тутиб насиҳатингиз
На ўзини ва на мактубларини асти
Қабул қилмай қўйдим.

П о л о н и й

Мана, ақлдан озди!
Таассуфки, ўшанда мен бир оз ошиқиб,
Қизиққонлик билан шундоқ ҳукм этибман,
Сени бадном этгувчи бир ҳавойи, дебман.
Тангри шоҳид, қариларнинг меҳрибонлиги
Ёшлардаги бепарволик касалидай гап.
Юр, қиролга учраб, баён этайлик шу тоб.
Яқинларни қутқарганда дадил бўл, дадил,
Ишқни пинҳон тутиш ошкор этишдан мушкул.
Кетдик.

Иккинчи саҳна

Қасрда бир хона.

Қирол, Малика, Розенкранц, Гильденстерн ва хос маҳрамлар киришади.

Қ и р о л

Салом азиз Розенкранц, Гильденстерн!
Сизни кўриш иштиёқи билан баробар
Чақирмоққа мажбур қилди маълум сабаблар.
Хабардорсиз дейман балки янги гаплардан,
Ҳамлетдаги турланишу тусланишлардан;

Мен бошқача айтолмайман, негаким ўша
Ҳам зоҳиран, ҳам ботинан ўзгарди анча.
Отасининг ўлиmidан бўлак не фироқ
Билолмадим, уни яна қақшатди шундоқ.
Иккингиздан ўтинчим шул, тенгдошсиз унга
Тагин мактабдошсиз, ўсиб-унгансиз бирга.
Хўп биласиз унинг хулқи-табиатини
Баски, бунда қолиб, бизга фидо этсангиз
Таътил вақтингизнинг роҳат-фароватини.
Шаҳзодани даврангизга тортинг, токи ул,
Ҳушёр тортиб, халос бўлсин балодан буткул,
Фурсат топиб, суриштириб секин билингким,
Нечук асрор уни бундоқ қийнар беомон.
Нечук дору бўлуру унинг дардига дармон.

М а л и к а

Ҳа, жаноблар, сизни тез-тез эслар эди у.
Мен билмайман, сиздан бўлак қай бир кимсага
Яна шундоқ содиқ бўлсин, самимий туйғу.
Агар дариг тутмасангиз марҳаматингиз,
Агар тутмасангиз биздан вақтингиз дариг,
Бизнинг орзу-умидларга мадад берсангиз,
Мададкорлигингизни ҳеч қўймасдик қуруқ,
Эҳсонларга кўмар эдик.

Р о з е н к р а н ц

Маликам, қуллуқ,
Сизга буйруқ ярашади, ўтинч ярашмас.

Г и л ь д е н с т е р н

Биз хизматта бажону дил омодамыз, бас,
Хоки пойингизга фидо бўлмоққа ҳозир,
Фармойишингизга эса мудом мунтазир.

Қ и р о л

Раҳмат сизга, Розенкранц, Гильденстерн.

М а л и к а

Раҳмат сизга, Гильденстерн, Розенкранц.

Ўлим Ҳамлет ҳузурига боринг шу нафас.
У шунчалар ўзгарганки! Жаноблар, биров
Меҳмонларни Ҳамлет сари бошласин дарров.

Г и л ь д е н с т е р н

Ниятингиз қабулига сазовор бўлсин,
Ҳамлет биздан баҳра топсин...

М а л и к а

Тангри ёр бўлсин.

Розенкранц, Гильденстерн ва бир неча хос маҳрамлар
чиқишади. Полоний киради.

П о л о н и й

Шоҳим, Норвегия томон кетган элчилар
Хизматларин адо этиб, қайтиб келдилар.

Қ и р о л

Хушxabарлар даракчиси эдинг ҳамиша.

П о л о н и й

Шоҳим, "эдинг" дедингизми? Мен ўша-ўша,
Ўз жонимни асрагандек Худо олдида,
Ўз бурчимга сафарбарман қирол олдида.
Биласизми, не ажойиб янгилгим бор?
Ёки бошқа қодирмасман изтопарликка,
Ёки Ҳамлет асроридан бўлдим хабардор.

Қ и р о л

О, чўзмасдан айта қолгин. Менда йўқ чидам.

П о л о н и й

Аввалбоши элчиларин қабул эттайлар,
Кейин ҳазми таом қилиб сирим айтаман.

Қ и р о л

Хўп, марҳамат айла, чиқиб, ўзинг қарши ол.

П о л о н и й кетади.

Эшитдингми, Гертруда, ўғлинг йўлиққан
Девоналик сабабини билиб олмиш у.

М а л и к а

Таассуфки, бу савдонинг сабаби битта:
Қирол ўлими-ю, бизнинг шошилинич никоҳ.

Қ и р о л

Хўш, кўрамиз.

Полоний, Вольтимаңд ва Корнелий билан қайтиб киради.

Салом, дўстлар! Вольтимаңд, Корнелий қалай
Бизнинг норвег қиролимиз, биродаримиз?

В о л ь т и м а н д

Шукроналар айтиб, сизга иқбол тилайди,
Лашкар йиғиш эса тинди, таққа тўхтади.
Ўшангача бу тадбирлар Польшага қарши
Ҳарбий тайёргарлик дея аталмиш эълон.
Сизга қарши бир тадорик эканлигини
Қирол англади-ю, дарҳол этди қатағон.
Шундоқ қариган чоғида ўз жиянидан
Алданганин билиб, қаҳру разабга минди.
Фармон ила чақиртирди Фортинбрасни,
Фортинбрас шўрлик тоза таъзирин еди.
Таъна-дашном тинглаб қари амакисидан,
Пушаймонлар қилиб, қанча ичди қасамлар,
Минбаъд сизга қарши қурол кўтармас бўлди.
Мамнун бўлиб унинг тавба-тазаррусидан
Уч минг крон йиллик маош таъин этди чол
Ва жамулжам қўшинларни Польшага қарши
Бошламоққа ваколат ҳам берди у алҳол.

(Қоғозни узатиб)

Кейин сўраб қолди сизнинг ижозатингиз,
Токи қўшинлари сизга тегиш ерлардан
Эркин ўта олгай ушбу кафолат билан.

Қ и р о л

Ишнинг бундоқ битишидан мамнунмиз жуда.
Ҳали ўқиб, муҳокама этиб бафуржа,
Беражакмиз бу мактубга қатъий бир жавоб,
Ғайратингиз учун таҳсин! Энди дам олинг.
Бугун кечки зиёфатга марҳамат қилинг.
Ҳозирча хайр.

Вольтиманд ва Корнелий чиқишади.

П о л о н и й

Мана силлиқ битди бу иш ҳам.
Тақсирларим, биласизми, баҳсга тушмоқ -
Масаланким, подшо киму мулозим кимдир,
Ёки фурсат дегани бу - фурсат дегани,
Ёки кун дегани куну тун дегани тун...
Булар - ўша фурсатнию куну тунларни
Совуришдир, балки зое этишдир бутун.
Хуллас, сўзда мухтасарлик - фаросатга жон,
Ҳа, эзмалик эса - унга тан билан маржон.
Бас, мухтасар қилай гапни, ўғлингиз жинни,
Жинни, дедим, зероки, жин урган кишини
Жинни дейишади, яъни қип-қизил жинни.
Бу ҳам майли.

М а л и к а

Айта қолинг бўяб-бежамай.

П о л о н и й

Бунда бўёқ нима қилсин, менинг Маликам,
У ақддан озгани - чин. Яна чиндан ҳам
Бу таассуф бир аҳволдир ва бу аҳволнинг
Чини билан кўп таассуф эканлиги чин.
Қаранг, қандай бир бетайин жумла-ибора.
Ҳа, майлига. Айта қолай соддароқ қилиб,
У ақддан озмиш дейлик. Сабаби нима?
Сабабини топиш керак бу фазилатнинг
Ёки дейлик бу иллатнинг, чунки фазилат
Замирида сабаб бўлиб ётади иллат.

Неки мавжуд эса, унга бир эҳтиёж бор.
Хўш, хулоса нима бўлди?
Менинг қизим бор,
Менинг қизим, дедимми, бас, демак, меники,
Мана ўша итоаткор қизим берган хат,
Мен ўқийман, сиз эшитиб, ҳукм чиқаринг.
"Самовий илоҳам, суюкли санамим, соҳибжамол
Офелияга". Бу жўн чайналган ибора: "Соҳибжамол" -
сийқаси чиққан. Хўш, бу ёғини эшитинг.
Мана:

(Ўқийди)

"унинг нафис, опшоқ кўксига бу..." ва ҳоказолар.

М а л и к а

Буни Ҳамлет ёзибдими?

П о л о н и й

Сабр, маликам.

Мен бир бошдан тартиб ила изоҳ бераман.

(Ўқийди)

Ишонмагил юдузга

Ишонмагил кундузга,

Ишонма ҳеч нарсага,

Менинг ишқимга ишон.

О, азизим Офелия! Мен шеърятта ошно эмасман. Қофия-
га солиб хўрсиниш кўлимдан келмайди, аммо сени жондан
'севишимга ишон, санамим. Хайр. Шу тағи келбатимдан жо-
ним чиққунга қадар сеникиман, бебаҳо гавҳарим. Ҳамлет".

Мана, итоаткор қизим менга берган хат.

Яна қизим айтиб берди қаерда, қачон

Ҳамлет изҳор этмиш унга ишқу муҳаббат.

Қ и р о л

Хўш, қизингиз қандай қабул айламиш буни?

П о л о н и й

Шоҳим, маъзур тутинг, ким деб ўйлайсиз мени?

Қ и р о л

Ўйлайманки, сен садоқат билан номуснинг
Мужассам бир тимсолисан.

П о л о н и й

Бўлсайдим кошки.
Аммо, не деб ўйлардингиз, бу ҳодисани .
Ҳали мурғак маҳалида учратиб агар,
Ростин айтар бўлсам, уни қизимдан аввал
Қўрмай қолсам эди - не деб ўйлар эдингиз,
Сиз, подшоҳи олам ва сиз, азиз маликам?
Панжа орасидан боқсам бу можарога.
Юрагимга "сукут!" амри-фармонин бериб,
Худди қороз каби жимиб, индамай турсам,
Унда мен ҳақимда не деб ўйлар эдингиз?
Йўқ, қизимни ҳузуримга чақириб дарҳол,
Юзига бор ҳақиқатни сўйладим рўй-рост:
"Жаноб Ҳамлет - шаҳзодадир: сенинг юлдузинг
Унинг юлдузига сира муносиб эмас".
Иноятларидан ўзинг йироқ тут, йироқ,
Илтифотларига кўнгил боғлама, дедим.
Қизим менга қулоқ солди, мана, оқибат:
Рад этилгач, Ҳамлет қайғу-аламга чўмди,
Уйқу билан иштаҳасин йўқотиб қўйди.
Роҳатини барбод берди, кучини барбод,
Енгил-елпи хафақонлик кўчасидан сўнг
Савдойилик гузарига йўл солди, ҳайҳот...

Қ и р о л

Хўш, сиз бунга нима дейсиз, азиз маликам?
Ҳақиқатга яқин гап бу.

П о л о н и й

Айтингиз қачон -
Мен "шундоқ" деб айтганимда, шундоқ бўлмаган.

Қ и р о л

Эслолмайман.

П о л о н и й

(Ўзининг боши ва елкаларига ишора қилиб)

Майли, кесинг, тайёрман бу дам,
Ҳақ бўлмасам. Калавани қўймай қўлимдан,
Ер остидан ҳақиқатта бир кун етмасам.

Қ и р о л

Буни қандай текшираимиз?

П о л о н и й

Бу жуда осон.
У соатлаб тентирайди бунда узуқун,
У хонадан-бу хонага.

М а л и к а

Мутлақо тўғри.

П о л о н и й

Мен рўпара этгум унга қизимни, шу дам,
Биз иккимиз кузатамиз парда ортидан.
Улар қандай учрашади, кўрасиз, мана:
Қизимни у севади ва шу севги билан
Жинни бўлиб қолган, йўқса, аён эмасман,
Бор-йўғи бир эшикбон малайман, холос.

Қ и р о л

Хайр, майли, бир кузатиб кўрайлик қани.

М а л и к а

Ана, шўрлик ўзи келар, қўлида китоб.

П о л о н и й

Қани, кетинг! Иккинги ҳам кетинг, сўрайман.
Бир гаплашиб кўрмоқчиман ҳозир у билан.

Қирол, Малика ва хос маҳрамлар чиқишади. Китоб ўқиган
кўйи Ҳамлет киради.

Ҳамлет тақсиримнинг аҳволлари нечук?

Ҳ а м л е т

Дуруст. Худога шукур.

П о л о н и й

Сиз мени танияпсизми, милорд.

Ҳ а м л е т

Таниганда қандоқ. Сиз балиқ сотасиз.

П о л о н и й

Йўғ-ей, нималар деяпсиз, милорд?

Ҳ а м л е т

Бўлмаса балиқфурушдек ҳалол бўлсангиз, зиён қилмасди

П о л о н и й

Ҳалол, дейсизми, милорд?

Ҳ а м л е т

Ҳа, тақсир. Ҳозир ҳалол киши дегани ўн мингдан бит-таси бўлади.

П о л о н и й

Гапларингиз айни ҳақиқат, милорд.

Ҳ а м л е т

Қуёшқи ўлимтик ит гўштига қурт доритибди, демак, ўпиш учун ўлимтик бўлса ҳам ярайверади... Ҳа, қизингиз бор-а?

П о л о н и й

Бор, милорд.

Ҳ а м л е т

Қуёшга чиқара кўрманг. Ҳомиладорлик - дунё неъмати, аммо сизнинг қизингизга чиқармаган уни. Тагин раф-латда қолиб юрманг, ошнам.

П о л о н и й

(Четга)

Айтмадимми? Қулай келди дегунча, гапни қизимга

бураверади. Аввал мени танимади. Билиқфуруш деди. Ай-
набди, қаттиқ айнабди. Сирасини айтганда, ёшлигимда
мен ҳам ишқ-муҳаббатдан роса таъзимни еганман.
Худди мана шунга ўхшаб. Яна бир уннаб кўрай-чи.

Нима ўқияпсиз, милорд?

Ҳ а м л е т

Гап, гап, гап.

П о л о н и й

Ўзи нима гап, милорд?

Ҳ а м л е т

Ким билан ким ўртасида?

П о л о н и й

Мен китобда нималар ёзилган, деб сўрамоқчийдим, милорд?

Ҳ а м л е т

Гийбат гаплар, тақсир: баччағар ҳажвчи ёзибдики, чол-
ларнинг соқоллари оқ, юзлари бурушиқ бўлиб, кўзлари-
дан қаҳраб сувию олхўри шираси сизиб турармиш, ўзла-
ри эса ақли қосирлигу тизза дармонсизлигидан ёрилиб
ўлишгача боришармиш. Мен бу гапларга, тақсир, бажо-
ну дил ишонаман, лекин буни бостириб чиқаришни ба-
ҳаёлик деб биламан. Зеро, марҳаматли тақсирим, қис-
қичбақага ўхшаб орқага тисариладиган бўлсангиз, бир
кун мендек қариб қоласиз.

П о л о н и й

(Четра)

Шу агар жиннилик бўладиган бўлса, ўлай агар, ўзига
хос, доно жиннилик.

Бу ерда шамол эсяпти, бир оз нарига ўтсакмикин,
милорд?

Ҳ а м л е т

Қаёққа, гўргами?

П о л о н и й

Дарвоқе, ундан нарига ўтиб бўлмайди.

(Четра)

Баъзи жавобларининг зукколигига қаранг! Ажабо, ҳозиржавоблик дегани кўпинча тентаклар кафтига шундоқ қўнади-қўяди, ақли бутунларга эса, ҳа деганда, қорасини кўрсатавермайди. Тезроқ бориб қизимни у билан учраштириш чорасини кўрай.

Муҳтарам шаҳзодам, кетишимга ижозат берсалар.

Ҳ а м л е т

Мен жон деб сизга бирор нима берардим, лекин ҳеч вақойим йўқ - жонимдан ўзга, жонимдан ўзга, жонимдан ўзга...

П о л о н и й

Саломат бўлсинлар, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Оҳ, жонга тегди бу қари нодонлар!

Розенкранц ва Гильденстерн киришади.

П о л о н и й

Сизга шаҳзода Ҳамлет керакми? Мана у.

Р о з е н к р а н ц

(Полонийга)

Ташаккур, тақсир.

Г и л ь д е н с т е р н

Шавкатли шаҳзодам!

Р о з е н к р а н ц

Азиз шаҳзодам!

Ҳ а м л е т

Менинг қадрдон дўстларим! Ўзингмисан, Гильденстерн? Ўзингмисан, Розенкранц? Аҳволлар нечук?

Р о з е н к р а н ц

Аҳволимиз кўп қатори, зиёда эмас.

Г и л ь д е н с т е р н

Бахтимизга, ҳаддан зиёд эмас бахтимиз,
Қисмат қалпоғида заррин жига эмасмиз.

Ҳ а м л е т

Аммо унинг товони ҳам эмассиз?

Р о з е н к р а н ц

Балли,
На униси, на буниси, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Демак, сиз унинг қандайдир белига яқинроқ бир ери-
да шафқат-мурувватлар масканининг худди ўзагидасиз?

Г и л ь д е н с т е р н

Топдингиз, шаҳзодам, биз ўша жойнинг маҳрамларимиз.

Ҳ а м л е т

Қисмат асрорхонасининг маҳрами-я? Бажонидил ишона-
ман. Қисмат - кўшни кўрган хотин. Хўш, не янгиликлар бор?

Р о з е н к р а н ц

Айтарлик ҳеч нима, фақат дунёда инсоф, виждон де-
ган матоҳ пайдо бўлибди.

Ҳ а м л е т

Демак, қиёмат яқинлашибди-да. Ҳар қалай олган маъ-
лумотларингиз нотўғри. Қани, бир бошдан тушинглар-чи:
сиз, азизларим, не гуноҳ қилиб қўйдингизки, ўша қисмат
сизни бу зиндонга рўпара қилди?

Г и л ь д е н с т е р н

Зиндон, дейсизми, шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

Ҳа, Дания - зиндон.

Р о з е н к р а н ц

Унда бутун дунё - зиндон.

Ҳ а м л е т

Балли, кўплаб қамоқхоналари, чоҳлари бўлган ғаройиб бир зиндон, лекин энг қулинг ўргилсини - шу Дания.

Р о з е н к р а н ц

Биз бундоқ деб ўйламаймиз, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Унда сизларга зиндон эмас; зеро, нарсалар ўз-ўзича-мас, бизнинг назаримизча яхши ёки ёмон бўлади. Менга у - зиндон.

Р о з е н к р а н ц

Демак, уни зиндонга айлантирган нарса сизнинг шон-шуҳратга бўлган ташналигингиз. Сизнинг талабларингизга у торлик қилади.

Ҳ а м л е т

Ё Тангрим! Мени писта пўчоғига жойланг, ўшанда ҳам ўзимни сарвари коинот деб ҳис қиламан. Фақат бу босириқ хаёллардан халос қилинг мени.

Г и л ь д е н с т е р н

Ҳа, ўша хаёл деганингиз - шуҳратпарастликнинг худди ўзгинаси. Шуҳратпарастлик моҳияти ўша хаёлларнинг бир соясидир, холос.

Ҳ а м л е т

Хаёл ўз-ўзича соядан бўлак нарса эмас.

Р о з е н к р а н ц

Ҳақ гап. Менимча, шундай самовий бир мавжудотнинг шон-шуҳрати истаги - соянинг соясидир, вассалом.

Ҳ а м л е т

Демак, бизнинг ҳақир жисмимиз - соя, бизнинг подшоларимиз ва овозадор қаҳрамонларимиз ҳам - ҳақир соялар... Дарвоқе, бунда гап соттаңдан, саройга борганимиз яхшимасми? Худо ҳақи, каллаи милоаб кетди.

Р о з е н к р а н ц в а Г и л ь д е н с т е р н

Хизматингизга ҳозирмиз, милорд.

Ҳ а м л е т

Бунинг аҳамияти йўқ. Мен сизни бошқа хизматкорларим қаторига қўшмайман. Сирасини айтганда, улар шундай мени роса кузатишашти. Хўш, инсоф билан айтингчи, нечун Эльсинордасиз?

Р о з е н к р а н ц

Сизга меҳмонмиз, шаҳзодам, бўлак гап йўқ.

Ҳ а м л е т

Шундай фақир, шундай ҳақирманки, раҳмат айтишга ҳам ожизман. Аммо миннатдорман. Лекин ана шу миннатдорлик ҳам сизга ҳайф. Хўш, чақириб олишдимиз? Ёки бу ўзингиздан чиққан ташаббусми? Ўз ихтиёрингиз билан келдингизми? А? Марҳамат қилиб, ростини айтинг. Хўш? Қани?

Г и л ь д е н с т е р н

'Сизга нима десак экан, милорд?

Ҳ а м л е т

Э, оғизга келганини айтаверинг, фақат ростини айтмасангиз, бас. Сизни чақириб олишди. Кўзингиз айтиб турибди, ҳар қанча уринсангиз ҳам яширолмайсиз. Мен биламан, марҳаматли қирол ва малика сизни чақириб олишган.

Р о з е н к р а н ц

Қандай мақсадда, милорд?

Ҳ а м л е т

Бу ёғи ўзингизга аён. Лекин ўртоқлик ҳурмати, аввалги яқдиллигимиз, меҳри-оқибатимизнинг бузилмас аҳду паймонлари ҳурмати, ўртадаги тамом эзгулик ҳурмати, сиздан ўтинаман, гапни чалғитмай, айта қолинг: сизни чақириб олишдими ёки йўқми?

Р о з е н к р а н ц

(Гильденстернга)

Сиз нима дейсиз?

Ҳ а м л е т

(Четга)

Ана холос, нишонга тегди-ку. (Баланд овозда) Мени яхши кўрсангиз, айтасиз.

Г и л ь д е н с т е р н

Милорд, бизни чақириб олишди.

Ҳ а м л е т

Сабабини ўзим айтиб бера қолай. Шунда менинг тахминим сизнинг иқрорингиздан ўзиб тушади ва қирол билан маликага бўлган садоқатингиз бир тукини ҳам йўқотмайди. Сўнги пайтларда негадир бутун хушчақчақлигим ва машғулотларга бўлган майлу иштиёқимни йўқотиб қўйдим. Шу қадар шикастаманки, шу коинот гулшани, шу курраи замин кўзларимга унумсиз, тап-тақир бир қоя бўлиб кўринади, самовотта туташган мана шу чексиз ҳаво чодир, кўряпсизми, заррин шуълалар билан музайян ана шу шоҳона гумбаз назаримда, қўланса ва заҳарли буғларнинг йиғиндисидир, холос. Табиатнинг қандай ажойиб хилқатидир инсон! Унинг заковати қанчалар баланд! Лаёқати нақадар чексиз! Суврат ва сийрати нақадар мумтоз ва мукамал! Туриш-турмуши фаришталарга нақадар яқин! Назар-ниҳояти

Тангри таолога қанчалар қарин! Оламнинг зийнати!
Тамомий тирикликнинг тожи давлати! Хўш, мана шу хоку
губорнинг асоси - аввали мен учун нима деган гап?
Эркаклар мени қизиқтирмайди, хотинлар эса боягидек...
сиз мундоқ кинояли кулманг, парвойимга ҳам келмайди.

Р о з е н к р а н ц

Шаҳзодам, бу нарса хаёлимга ҳам келмаган.

Ҳ а м л е т

Нега бўлмасам эркаклар мени қизиқтирмайди, десам,
илжаясиз?

Р о з е н к р а н ц

Мен унда актёрларни қандай кутиб оларкансиз, деб
ўйладим. Биз уларни йўлда қолдирдик. Улар ўз хизматла-
рини сизга манзур этгани келишяпти.

Ҳ а м л е т

Қирол ролини ўйнагувчига - таъзим адолар. Мен ўша
олий ҳазратларининг содиқ фуқаролари бўламан. Саё-
ҳатчи рицарь бу ерда қилич-қалқонига ярашиқ эрмак
топа олади. Ошиқнинг хўрсинишлари бекор кетмас. Дар-
виш ўзи орзу қилган роҳатига етади. Милтиқ тепкисидек
тортилиб, қитиқланишни кутиб, зор турган қоринлар мас-
харабознинг боши устида пақиллаб ёрилаверади. Маъ-
шуқа шеър-ҳижо деб ўлтирмай, юракда борини тўка-
версин. Хўш, улар қандай актёрлар?

Р о з е н к р а н ц

Ўша, сизга бағоят манзур бўлган пойтахт трагиклари.

Ҳ а м л е т

Уларни дарбадарликка нима бошлади экан? Муқим
маскан тутиш маблағ ва шуҳрат важдан қулай эди-ку.

Р о з е н к р а н ц

Ўйлашимча, кейинги тартиб-низомлар уларни шунга
мажбур этган.

Ҳ а м л е т

Уларни ҳозир ҳам аввалгидек қадрлашадими? Даромадлари аввалгичами?

Р о з е н к р а н ц

Йўқ, ҳамма гап шундаки, аввалгича эмас.

Ҳ а м л е т

Нега? Улар ёмон ўйнашадими?

Р о з е н к р а н ц

Йўқ, илгаригидек маҳорат билан ўйнашади. Лекин шаҳарда бир гуруҳ жўжахўрозлар пайдо бўлишган, ўзлари-ку эндигина тухумдан чиқишган, лекин овозларини авж пардаларга кўтариб, беҳисоб олқиш олишяпти. Ҳозир ўшалар иззатда, улар ўзлари айтмоқчи, оддий театрларга шундай ҳужумлар қилишдики, энди қилич таққанлар ҳам қалам тутганлардан чўчиб, у ёққа қадам босмай қўйишди.

Ҳ а м л е т

Наҳотки, ўша болалар шу қадар кўрқинчли бўлса. Уларни ким боқади? Ким маош тўлайди? Бу вақтинчалик истеъдодлари билан қаёққа боришади? Эртага овозлари йўғонлашиб, дағал тортгач, улар ҳам одатий театрларнинг актёрлари бўлишади, шунда катталар бизни ўз истиқболимизга қарши қўйибди, деб афсус-надомат чекишмасмикин?

Р о з е н к р а н ц

Ростини айтганда, икки томон ҳам роса галва кўтарди, халойиқ эса гиж-гижлашни қўймайди. Баъзи пьесада рақиб томон булғаланмас экан, томоша учун бир чақа ҳам тўлашмайди.

Ҳ а м л е т

Наҳотки?!

Г и л ь д е н с т е р н

О, бу орада бузилган қонлар озмунча эмас.

Ҳ а м л е т

Хўш, болалар устун келишяпти, денг?

Р о з е н к р а н ц

Ҳа, шаҳзодам. Улар Ҳеркулесни ҳам юки билан ағда-ришга қодир.

Ҳ а м л е т

Дарвоқе, бунга ажабланмаса ҳам бўлаверади. Масалан, амаким, ҳозирги Дания қиролини тириклигида тилини чиқазиб, масхара қилиб юрганлар ҳозир унинг кичик бир суврати учун йигирма, қирқ, эллик ва ҳаттоки, юз дукат тўлашади. Тавба, бунда қандайдир бир сир борга ўхшайди, қанийди, фалсафа дегани бунинг тагига ета олса...

(Саҳна ортида карнайлар чалинади.)

Г и л ь д е н с т е р н

Ана, актёрлар ҳам келиб қолишди.

Ҳ а м л е т

Эльсинорга хуш келибсиз, жаноблар. Қани, қўлингизни беринг, жўралар. Лутфу назокат ҳам меҳмондўстлик шартларига киради. Уларни бир-биримизга пешкаш қилайлик, токи, актёрлар билан учрашгач, мени уларга кўпроқ илтифот этди, деб ўйламанг. Яна бир бор хуш келибсиз. Аммо менинг амаким - отам, она - холам адашишади.

Г и л ь д е н с т е р н

Қайси маънода, милорд?

Ҳ а м л е т

Менинг жиннилим норд-норд-вест, яъни: шимол, шимол ғарб шамоллари эсганда қўзийди. Жануб шамоллари эсганда эса лочинни дастаррадан ажрата оламан.

Полоний киради.

П о л о н и й

Салом, жаноблар.

Ҳ а м л е т

Эшитинг, Гильденстерн, сиз ҳам эшитинг. Ҳар қулоққа - битгадан гувоҳ. Ана шу кўриб турганингиз қари гўдак ҳали йўрғақдан чиқмаган.

Р о з е н к р а н ц

У балки бир чиқиб, қайта киргандир. Айтишади-ку, қирилик - болалик, деб.

Ҳ а м л е т

Сизга айтсам, у актёрлар келганини хабар қилмоқчи. Ана кўрасиз. (*Баланг овозда*) Мутлақо тўғри, тақсир. Айтганингиздек, бу душанба кун и эрталаб рўй берган эди...

П о л о н и й

Милорд, мен сизга айтмоқчиманки...

Ҳ а м л е т

Милорд, мен сизга айтмоқчиманки, Росций Римда актёр бўлганида...

П о л о н и й

Актёрлар келишди, милорд.

Ҳ а м л е т

Йўр-ей! Наҳотки!

П о л о н и й

Худо ҳақи, милорд.

Ҳ а м л е т

Улар эшшак миниб келишдими?..

П о л о н и й

Дунёнинг энг яхши актёрлари, истаган усулда ўйнай-веришади: трагедиями, комедиями, хрониками, пасторалми, пастораль-комик нарсаларми, тарихий пасторалми, саҳнабоп бўлмаган, фавқулодда бошқа асарларми, хуллас,

ўйнайверишади. Сенека вазминлигию Плавт эпчилиги уларга писандмас. Ёд ўқиш, бадиҳа тўқишда беназир.

Ҳ а м л е т

Ё бани Исроил қозиси Ёвфай, қандоқ хазинанг бор эди-я!

П о л о н и й

Унинг хазинаси бўлганми, милорд?

Ҳ а м л е т

Бўлмаса-чи:

Ягона бир қизи бор эди,

Шуни ўйлаб, бахтиёр эди...

П о л о н и й

(Четга)

Яна гапни қизимга буряпти.

Ҳ а м л е т

Нима? Шундоқ эмасми, қари Ёвфай?

П о л о н и й

Мен агар Ёвфай бўладиган бўлсам, милорд, бу ҳақ гап, менинг қизим бор ва мен уни жонимдан ортиқ кўраман.

Ҳ а м л е т

Йўқ, давоми бундай эмас.

П о л о н и й

Давоми қандай, милорд?

Ҳ а м л е т

Бундай:

Лекин Худо ҳукмини берди,

Хазинаси мумдай эриди...

Диний оятнинг биринчи бандини ўқисангиз, давомини билиб оласиз. Менинг эса қисқартиришимга тўғри келади.

(Тўрт-бешта актёр киради.)

Салом, жаноблар. Марҳамат қилинг. Қадамингизга ҳасанот. Сизни сов-саломат кўриш билан бағоят хурсандман. Марҳабо, азизларим. Ёпирай, эски қадрдон-ку. Кўришмаганимиздан буён орттирганинг шу соқол бўпти-да! Ёки Данияга менинг устимдан кулиш учун соқол ёпиштириб келдингми? Кўраётганим сизмисиз, оймитилла? Ё Биби Марям, сўнгги марта кўришганимиздан буён бир қарич самога сакрабсиз-ку. Худо асрасин, овозингиз сохта тилладек товланиб қолмагай тагин. Хуш кўрдик, жаноблар. Қани, бўлмасам, француз овчиларига ўхшаб биринчи ўлжагаёқ ташланамиз. Марҳамат, бирорта монолог. Бизга санъатингиздан намуна кўрсатинг. Қани, бирорта оташин монолог.

Б и р и н ч и а к т ё р

Қайси монологни истайсиз, шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

Ёдимда, бир гал саҳнада атиги бир карра қўйилган ёки қўйилмаган номақбул бир пьесадан парча ўқигандинг. Кўпчилик халойиққа бадҳазм, аммо мен ва мендан ҳам яхшироқ ҳакамлар учун саҳналари бежирим бўлиниб, содда ва моҳирона ёзилган ажойиб бир пьеса эди у. Эсимда, шеърларида тароват оз, тили баландпарвоз эмас, деб эътироз этишса-да, умуман, таҳрири адосига етган, ёқимтой бир асар деб топишган эди. Унда менга, айниқса, хуш ёққан бир монолог бор. Эней Дидонага ўзи ҳақида, хусусан, Приамнинг ўлдирлиши хусусида сўзлайдиган ери. Агар ўша ёдингизда бўлса, мана шундоқ мисрадан бошланг. Хўш-хўш, мана ҳозир.

"Журжония йиртқичидек ўша ёвуз Пирр..."

Йўқ, бошқачароқ. Лекин Пиррдан бошланади:

"Даҳшатли Пирр, қора қурол-аслаҳалари,

Қора қалби қора тунни эслаттувчи Пирр,

От қорнига кириб аввал ётиб олмишди.

Кийимлари алвон тусга бўялмиш энди,

Бу суврати билан яна даҳшатли эди.

Энди бошдан-оёқ қонга ботмишди, қонга;

Эркак-аёл, ўғиллару қизлар қонига.

Ёнаётган деворларнинг алангасида
Яна қонлар лахта-лахта қотиб қолганди.
Ва деворлар ёритарди қотил йўлини -
Мақсад сари. Ҳазаб ила оташга тўлган,
Қондан либос кийган ўша бедиянат Пирр
Ваҳшат ичра ўйнатиб кўз соққаларини,
Приамни ахтарарди".
Энди ўзингиз давом этинг.

П о л о н и й

Худо ҳақи, милорд, қотирдингиз, оҳанг ва туйғу меъё-
рини ўрнига қўйиб, ўқидингиз.

Б и р и н ч и а к т ё р

"Уни тоғди Пирр
Тўсатдан дуч келиб қолди Юнонистонда:
Қиличчини кўтармоқчи бўлган Приам
Ҳолдан тойиб қиличчини туширар шу дам.
Шамол янглиғ учиб борар буни кўрган Пирр,
Приамга шиддат билан ўқталиб шамшир.
Бу шиддат ва шамширнинг бу чийиллашидан
Рақиб қулаб тушар. Шунда оғриқ-аламга
Чидаёлмай, ағдарилиб, йиқилар бирдан
Лов-лов этиб ёнаётган қаср девори,
Бу қотилни саросима қилади бир дам.
Пирр нақ боши узра тикка кўтарган қилич
Шундоқ қотиб қолар, гўё тикка санчилиб.
Суратларда чизилган у мақотил каби
Қимир этмай, шу алфозда қотиб қолар Пирр.
Бу нақ бўрон олдидаги сукунат каби,
Сукунатки, самолар ҳам жимиб қолади.
Булуллар жим, уфқлар жим, шамоллар жимжит,
Заминни ҳам ўлим каби босади жимлик.
Бироқ қай бир тарафлардан етар қалдироқ...
Худди шундай бир сесканиб, сергакланар Пирр,
Ва отилар қон ичгали юз карра чанқоқ.
Бўрон сандонида Марсга совет ясаган
Болғалар ҳам шундоқ шиддат билан тушмаган.
Шундоқ шиддат билан Пиррнинг қонли қиличи

Приамнинг бошига тушди.
Бу савдодан уял, Қисмат, номуста қорил!
Салтанатдан ихрож этинг уни, Тангрилар,
Аравасин тортиб олинг, бузинг-пачоқланг.
Унинг тамом филдирагу кегайларини
Ва ўқини олиб чиқиб, булут устидан
Жаҳаннамга улоқтиринг!"

П о л о н и й

Бу жудаям узун.

Ҳ а м л е т

Буни сенинг соқолингга қўшиб, сартарошга жўната-
миз. Ўтинаман, давом эт. Унга рақслару беҳаё латифалар
бўлса, бас, бошқасини эшитса, уни уйқу босади. Давом
эт. Ҳекубага ўт.

Б и р и н ч и а к т ё р

"Ким сўрайди сочи тўзиқ у маликани..."

Ҳ а м л е т

"Сочи тўзиқ малика?"

П о л о н и й

Мана бу дуруст! "Сочи тўзиқ малика" яхши!

Б и р и н ч и а к т ё р

"Алангани кўз ёшлари билан ўчириб,
Яланг оёқ югурарди шўрлик ҳар ёққа.
Бошида-чи, тож ўрнида чирик бир латта.
Қоқ-қовжироқ танасига ёпинчиқ - чойшаб,
Қарғишларга кўмар эди қисмат деганни.
О, Тангрилар боқиб, бир зум кўра билсайди
Маликанинг кўз ўнгида тепкилаб қандоқ
Пирр Приам жасадини қиймалашини.
Фоний банда чорлай билса эди уларни -
Унинг чеккан фарёдлари, кўз ёши билан
Самоларнинг дийдасини тўлдирар эди,
Худоларнинг юрагини куйдирар эди".

П о л о н и й

Қаранг, ранги оқариб, кўзлари жиққа ёшга тўлди. Ҳой, етар, бас энди.

Ҳ а м л е т

Балли! Қолганини кейин айтасан. Муҳтарам зот, айтиб қўйинг, актёрларга яхшилаб қарашсин. Эшитяпсизми, муомалани дурустроқ қилинг, негаким, улар - замоннинг фикр-хулосаси ва мухтасар ҳикоятидирлар. Тиригингда улар туфайли ёмон отлиқ бўлгандан, ўлганингдан сўнг қабр тошингда таъна-дашномлар ёзиб қўйишгани афзал.

П о л о н и й

Шаҳзодам, мен уларнинг хизматларига яраша муомала қиламан.

Ҳ а м л е т

Йўқ, яхшиси, шайтон кўтарсин сизни, тақсирим! Ҳар кимнинг хизматига яраша муомала этишадиган бўлса, калтақдан ким қочиб қутулади? Уларга ўз шаънингизга яраша муомала қилинг. Уларда хизмат қанча оз бўлса, сизда саховат шунча зиёда бўлсин. Қани, бошланг уларни.

П о л о н и й

Юринг, жаноблар.

Ҳ а м л е т

Бора қолинг, дўстларим. Эртага томоша.

Ҳамлет ва биринчи актёрдан бўлак ҳамма кетади.

Айт-чи, қадрдон, "Гонзагонинг ўлдирилиши"ни ўйнай оласизларми?

Б и р и н ч и а к т ё р

Ўйнаймиз, милорд.

Ҳ а м л е т

Эртага оқшом шуни ўйнай қолинглар. Мабодо зарур бўлиб қолса, ўн икки-ўн олти қатор бирор нарса ёзиб, қўшимча қилсам, шуни ёдлашнинг иложи бормикан?!

Биринчи актёр

Бўлади, милора.

Ҳамлет

Жуда соз. Анави жанобнинг ҳузурига бор, аммо жигига тега кўрма.

Биринчи актёр кетади.

(Розенкранц ва Гильденстернга)

Кечгача хайр, дўстларим. Яна бир бор айтаманки, Эльсинорга ҳуш келибсиз.

Розенкранц

Марҳаматли шаҳзодам!

Ҳамлет

Худо паноҳида асрасин!

Розенкранц ва Гильденстерн кетишади.

Ёп-ёлғизман, мана, ниҳоят.

Оҳ, нақадар ярамасман, ношуд бир банда.

Бу қандай гап ахир: оддий ўткинчи актёр

Тасаввурда тўқилган у туйғуларни деб,

Идрокини хаёлига бўйинсундирса,

Қони қочса юзларидан, кўзида ёши

Чарх урса-ю, овозлари қалтираб кетса,

Тамом турқи-таровати, бутун аъзоси

Унинг юрагини очиб, намоён этса.

Ҳўш, айтинг-чи, бу не учун?

Ҳекуба учун!

Ҳекуба ким унга? Ўзи Ҳекубага ким?

У бўзлайди. У нималар этмасди қойим

Гар бошида мендек алам-савдоси бўлса?

У саҳнани кўз ёшларга кўмарди балким.

Гуноқкорни монологи шиддати билан

Танг қолдириб, ақлу ҳушдан этарди маҳрум.

Иффат билан фазилатга баришларди ранг,

Кўзлар билан қулоқларни этарди батанг.

Мен бўлсам-чи:
Аҳмоқ, аянч, айниган бир жон,
Мудроқ босиб, уйқу ичра юрганим-юрган.
Ўз ҳақимда на тадбир, на тадориким бор,
На жонидан қабиҳларча маҳрум этилган
Марҳум қирол учун бирор ҳаракат, аъмол.
Хўш, мен нима, қўрқоқмашми?! Қани, ким айтар?
Ким юзимга отар аччиқ таъна-маломат?
Ким бетимга аямасдан шапалоқ тортар?
Ким болага уқтиргандек айлар насихат?
Ким бурнимдан тортиб мени каззоб, деб атар?
Қани, ким бор? Кела қолинг! Мана мен тайёр!
Кабутарнинг жигаридир жигарим менинг,
Шунинг учун зардаси кам, етишмас сафро.
Бўлмасам-чи, ўзни ишга шайламасмидим,
У ёвузнинг мурдасини алақачонлар
Қарға-қузғунларга емиш айламасмидим.
О, бадқирдор. О, ярамас, қонхўр, муттаҳам,
О, лаънати хотинбоз!
О, қасос, интиқом!
Гапнинг пўскаллеси шуки, эшшакман, эшшак!
Ахир кимман, ўлдирилган отанинг ўғли,
Дўзах, само интиқомга чорлаб турса-ю,
Мен бу ёқда фоҳишадек кўзёши тўксам
Ва қарғасам бир чўрию чувринди каби!
Туф-ей, лаънат! Уйғон, менинг идроким, уйғон!
Эшитгандим, кирдикори қора кимсалар
Томошага тушиб, монанд савдони кўриб,
Тамом ёрку ихтиёрни қўлдан бой бериб,
Қилмишлари учун иқрор бўлур эканлар.
Ҳа, қотиллик жим турса-да, сўзсиз-садосиз
Ошкор этар ўз-ўзини. Буюраман то:
Актёрлар амакимнинг кўзи ўнгида
Отам қатли саҳнасини этсинлар ижро.
Ўзим ундан кўз узмайман. Кўраман қани
Қандай таъсир этар экан. Агар мабодо
Таъсир этар бўлса, унда ўзим биламан,
Не қилишим лозим бўлса, кейин қиламан.
Эҳтимолки, ўша арвоҳ иблисдир, яъни

Атай кириб олиб отам қиёфасига
Истифода этиб чарчоқ, маъюслигимдан,
Мени ҳалокатга дучор этмадимикан?!
Ҳа, далиллар керак яна, далиллар кўпроқ.
Томошада гап кўп, энди томоша қўйиб,
Мен қиролнинг юрагига соламан илмоқ...

Кетади.

УЧИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Қасрда бир хона

Қирол, Малика, Полоний, Офелия, Розенкранц ва Гильденстерн
кирадилар.

Қ и р о л

Хулласи калом, очиқ-ойдин билолмадингиз
Жиннилиги сабабию синоатини?
Нечун асабийдир, қўрқмай оқибатидан
Телбаликка қурбон этар фароғатини?

Р о з е н к р а н ц

Эс-ҳушим ўзимда йўқ, мажҳулман, дейди,
Не сабабдан эканини аммо айтмади.

Г и л ь д е н с т е р н

Қанча сўраб-суриштирдик, бариси бекор.
Сорлиғидан сўз очилди дегунча нуқул
Девонанинг айёрлиги билан чап берар.

М а л и к а

Сизни нечук қарши олди?

Р о з е н к р а н ц

Танти, мардона.

Г и л ь д е н с т е р н

Ўзни бир оз зўрлагандай туюлди яна.

Р о з е н к р а н ц

Озроқ савол берди, жавоб гали келганда
Сўз кўпайди-ю, пича чўзилди гапи.

М а л и к а

Кўнгил очмоққа сиз таклиф этмадингизми?

Р о з е н к р а н ц

Ҳа, албатта. Фурсат ўзи қўл келиб қолди.
Йўлда актёрлар бизга учради алҳол.
Бу тўғрида эшитди-ю, севиниб қолди.
Актёрлар қасрдадир ҳозир баҳарҳол.
Улар бутун ўйнамоққа буйруқ ҳам олди.

П о л о н и й

Чин ҳақиқат, каминангиз тасдиқ этади.
Зоти олийлари, зоти олияларни
Ҳамлет томошага бутун таклиф этади.

Қ и р о л

Бажону дил. Мен мамнунман эшитиб, магар
Топилибди унга шуңдоқ эрмак-майллар.
Токи яна қўл бермасин ошифталикка,
Ҳавасини ўстиринглар, кўшиш қилинлар.

Р о з е н к р а н ц

Сарф эттаймиз тамом кучу ғайратимизни.
Розенкранц ва Гильденстерн кетадилар.

Қ и р о л

Гертрудам, сен ҳам чиқиб тургайсан энди.
Биз Ҳамлетни чақиртирдик бу ёққа секин:
Ўзи буңдан беҳабардир. Кутмаган маҳал
Бунда Офелияга у дуч келиб қолар.
Биз самимий ҳакам бўлиб Полоний билан
Кузатамиз, шаҳзодани қийнаган бало -
Чиндан ишқу муҳаббатми ё бўлак савдо?

М а л и к а

Хўп, бўлади, шоҳим. Сизга, о, Офелия,
Тилагим шу: шаҳзоданинг жинниликига
Ёлғиз ҳусни-жамолингиз сабабчи бўлсин;
Шарофатингиздан тўғри йўлга кирсин у,
Иккинги ҳам обрў топинг.

О ф е л и я

Қуллуқ, маликам.

Малика кетади.

П о л о н и й

Офелия, сен шу ерда сайр қилиб тур,
Марҳаматли шоҳим, сиз ҳам бу ёққа ўтинг.
Қизим, сен-чи, китоб қараб турганинг маъқул,
Якка-ёлғизликка бу бир нишона бўлур.
Ҳа, тўғриси, биз ҳам жила чакки эмасмиз:
Мунис чехра, мутавозе қиёфа билан
Ўрни келса, шайтонга ҳам сабоқ берамиз.

Қ и р о л

(Четра)

Сирасини айтди, худди нишонга урди,
Камар билан шатиллатиб ургандай бўлди.
Фоҳишанинг юзидаги упа-эликни
Артиб боқар эрсанг, бўлмас шунчалар мудҳиш,
Аммо менинг кирдикорим бундан ҳам кўрқинч,
Чиройли сўз остида ҳам. О, қандай оғир!

П о л о н и й

У биз томон яқинлашиб келмоқда, шоҳим,
Қани, юринг, бир чеккага ўзни олайлик.
Қирол ва Полоний кетадилар. Ҳамлет киради.

Ҳ а м л е т

Ё ҳаёт, ё мамот: масала шундоқ.

Жоизмикин ул жобиру жаббор фалакнинг
Жафосига ҳар дақиқа чидаса юрак?
Ё балолар денгизига кўндаланг бўлиб,
Койишлару ташвишларга чек қўймоқ керак?
Ўлиш. Ўзни унутиш. Бас, тамом - вассалом.
Руҳий изтироблар, таннинг азобларига
Биламизки, чегарадир шу оғир уйқу.
Зотан, асил бир муддао эмасмидир бу?
Адо бўлмоқ. Ва адосиз уйқуга чўммоқ.
Кейин тушлар кўрмоқ. Мана, жумбоққа жавоб.
Ўлим уйқусида - ўша хокий либосдан
Қутулганлар, қандай тушлар кўришар экан?
Мана изох. Мана ўша ҳақиқий сабаб -
Бизнинг қайғу-аламларни йилларга чўзган,
Бўлмаса-чи, ким чидарди даврон таҳқири,
Қувғинларнинг машаққати, жаҳолат макри,
Муҳаббатнинг сафолати, ҳасрат-надомат,
Ҳуқуқсизлик ва қанчалар ранжу маломат,
Давлатмандлар салтанати ҳаволари-ю,
Ё бўлмасам, чинакакий хизмат устидан
Ношудликнинг пучак ҳукми-даъволари-ю...
Ким чидарди буларга, бу шўриши савдо
Битга ханжар зарбаси-ла топаркан адо?
Ким кўнарди, тирикликнинг юки остида
Букчайганча йўл босишга инқилаб, агар
Ўлим ортидаги ўша қора мавҳумот.
Азми сафар қилиб биров қайтиб келмаган
Ўша мулки мавҳумотдан кўрқув муқаррар
Иродани қайирмаса, босиб, эгмаса?
Ва белгисиз соҳилларга ўзни урганган,
Ўша таниш қабоҳатни афзал демаса?
Ҳаммамизни кўрқоқ қилиб кўяр тафаккур.
Ноқис ақл сочган ўша хира шуъладан
Азму қарор ранги ўчиб, бўзрайиб қолур.
Кўлами ва залвори зўр ниятлар ҳам то
Тўғри йўлдан чиқиб мақсад остонасида
Тўзон бўлиб кетар, тамом топар таназзул.
Бас, кифоя! Офелия! Эй, гўзал пари,
Бир осийман, дуойингда ёд айла мени.

О ф е л и я

Шу кунларда тузукмисиз бир оз, шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

О, ташаккур, жуда тузук, жуда тузукман.

О ф е л и я

Шаҳзодам, сиз менга ҳадя берган эдингиз.
Ўшаларни қайтиб бериш - тилагим эди.
Мана, олинг.

Ҳ а м л е т

Қўйсангиз-чи, адашяпсиз,
Мен умримда сизга ҳадя берган эмасман.

О ф е л и я

Ҳадя бергандингиз, буни яхши биласиз,
Ҳар бирига ширин сўзни омукта айлаб:
Бу - уларнинг баҳосини оширган эди,
У сўзларнинг атри учиб - таралиб кетди,
Энди ола қолинг, чунки номусли қизлар
Бевафонинг совғасига назар солмаслар.
Марҳамат.

Ҳ а м л е т

О, сиз номусли қизмисиз?

О ф е л и я

Милорд?

Ҳ а м л е т

Яна латофатлисиз?

О ф е л и я

Нима демоқчи бўласиз, шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

Демоқчиманки, номусли ва латофатли бўлсангиз, сиз-
даги номуснинг сиздаги латофатга сира алоқаси йўқ.

О ф е л и я

Номуссиз латофатнинг нечук қиммати бор, шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

Баракалла. Лекин номус латофатни тузатишга улгурмай, латофат уни фоҳишага айлантириб қўяди. Илгарилари буни ғайритабиий деб билишарди, ҳозир эса исбот этилган. Мен бир пайтлар сизни севар эдим.

О ф е л и я

Дарвоқе, шаҳзодам, мен ҳам ишонар эдим.

Ҳ а м л е т

Чакки қилибсиз. Ишонмаслик керак эди. Биз бандайи осийларга қанча суркаманг, бари бир олийжаноблик юқмайди. Мен сизни севмаганман.

О ф е л и я

Демак, кўпроқ алданибман.

Ҳ а м л е т

Узлатга чекин. Бола туғиб, гуноҳқор бандаларни кўпайтиришдан не фойда? Мен ҳар ҳолда ор-номус эгасиман. Лекин ўзимга шу қадар таъна-дашномлар ёғдира оламанки, бундан кўра, мени онам туғмагани афзал эди. Мен роят такаббур, кекчи, худбин бир кимсаман. Қабоҳатларим шу қадар беҳисобки, уларни ўйлаб кўришга ўй, амалга оширишга фурсат етишмайди. Менга ўхшаган бандалар еру сомон оралигида ўралишиб, нима қилиб юрибди ўзи? Ҳаммамиз мунофиқлармиз. Ҳеч биримизга ишонма. Яхшиси узлатга чекин, узлатга. Ҳа, отанг қаерда?

О ф е л и я

Уйда, милорд.

Ҳ а м л е т

Устидан маҳкам бекитиб қўйган маъқул, токи ёлғиз уйдагиларни лақиллатсин. Хўп, хайр энди.

О ф е л и я

Азиз авдиёлар, унга мадад беринг!

Ҳ а м л е т

Эрга тегадиган бўлсанг, бошингга лаънат тошлари ёғилсин. Қордек оқ, муздек мусаффо бўлсанг ҳам, тухматдан қочиб қутулолмайсан. Узлатта чекин, узлатта. Хўп, хайр энди. Агарда жудаям эрга теккинг келса, аҳмоқни танла. Оқиллар уларни не кўйларга солишингизни яхши билишадди. Узлатта чекин, узлатта. Пайсалга солма. Хўп, хайр энди.

О ф е л и я

Фаришталар, унга нажот беринг!

Ҳ а м л е т

Сувраткашлик ҳунарингиз борлигини ҳам яхши билман. Худойим сизларга бир юз бергану, бошқасини ўзингиз ясаб олгансиз: диконглайсиз, йўрғалайсиз, бидирлайсиз, Худонинг махлуқи деган лақабингиз бор, чопқирлигингиз туфайли жаҳолатда яшайсиз. Йўқ, бунақаси энди кетмайди. Етар, бас, бошқа чидаёлмайман. Булар мени жинни қиладди. Эшитиб қўй, тўй-никоҳ бўлмайди. Тўй-никоҳ қилганларнинг биттасидан бўлак, ҳаммасининг Худо хайрини берсин. Қолганлари аввалгича юраверсин. Узлатта чекин, узлатта.

Кетади.

О ф е л и я

Ҳалок бўлмиш қандай асл, ноёб бир ақл!
Аъён эди, аскар эди, олим эди ул,
Кўзга, сўзга ва шамширга соҳиб эди ул,
Давлат, салтанатнинг умид гули эди ул,
Назокату нафосатнинг тимсоли эди,
Ҳаммасига кўзгу эди... Ҳаммаси буткул
Чил-чил бўлиб синди, тўзиб, тугади энди,
Хўш, мен-чи? Мен кимман энди, бадбахт бир хотин,
Юрагимда ваъдаларнинг асали-тоти.
Азамат у тафаккурга етибди шикаст,
Дарз кетган бир жомдек инграб, чиқарар садо.
Унинг йигит жамолини энди ҳар нафас

Буриштириб турар шундай ошубу савдо.
Бу не лутфу карамингдир, эй Парвардигор,
Нелар кўрдим! Яна қандай кўргилигим бор?

Қирол ва Полоний қайтиб киришади.

Қ и р о л

Муҳаббат! Йўқ, бу савдойи муҳаббат эмас;
Гарчи йўқдир сўзларида тайин робита.
Лекин йўқдир телбалиқдан асар ҳам унда.
У қайғунинг тим-қоронғу бурчакларида
Ҳалокатли бир қарорга келмоқдадир, бас.
Фалокатни радди бадал айламоқ учун
Шундайин бир хулосага келдим мен бутун:
Уни дарҳол жўнатурмиз Англияга,
Бож ундириш вазифаси юкланур унга.
Эҳтимолки, денгиз сайри, янги ўлкалар
Ва хорижий одамлар-ла суҳбат, мулоқот
Юрагини босиб ётган қора мавҳумот
Фашлик балосидан уни мусаффо этар.
Хўш, сиз нима дейсиз?

П о л о н и й

Шоҳим, бу яхши тадбир.
Валекин мен ишонаман, тахминим ўша:
Савдойилигига сабаб - ишқу муҳаббат.
Ҳа, айтгандай, қизалоғим, не дейсан? Фақат
Ҳамлет айтганларин яна такрор айлама.
Биз эшитдик. Сиз соҳиби тадбирсиз, Ҳазрат.
Сизнинг ўрнингизда бўлсам, 'томошадан сўнг
Маликани Ҳамлет билан учраштирардим.
Токи бекам суриштириб қарасин обдон,
Истасангиз, суҳбатларин эштай пинҳон.
Малика ҳам этолмаса бу жумбоқни ҳал,
Майли, жўнатингиз уни Англияга,
Ё зиндонга ташланг.

Қ и р о л

Шундай қилинур бешак,
Жинниларни назоратда сақламоқ керак.
Кетади.

Иккинчи саҳна

Қасрда бир зал.

Ҳамлет ва бир неча актёр киришади.

Ҳ а м л е т

Ўтинаман, сўзни айтганимдай енгил ва равон талаффуз этинг. Аксарий актёрларга ўхшаб, дабдабали қилиб гапирадиган бўлсангиз, мен ёзганларимни бажону дил шаҳар жарчисига тошпирганим маъқул. Кейин мана бундоқ қилиб, қўлингиз билан ҳавони қайчилайверманг, ҳамма нарса меъёрида бўлсин. Ҳатто ҳис-ҳаяжонларнинг тошқини, бўрони, борингки, пўртанасида ҳам ўзни тия билинг, бу сизга мавзунлик бағишлайди. О, баъзан тойлоқдек бир йигит бошига бир саржин похол қўндириб, орқа қаторда тикка турган, имо-ишора ва бақириқ-чақириқдан бўлак ҳеч нарсага тушунмайдиганлар учун шунақаям ғалва кўтарадики, қараб-қараб, ғазабинг қўзийди. Мен ўзини шаллақи хотиндек тутадиган бундай йигитни калтаклашга буюрардим. Шаддоди Лаинни унинг ўзидан ҳам ошириб ўйнаб бўлмайди. Ўтинаман, бундайлардан ўзни йироқ тутинг.

Б и р и н ч и а к т ё р

Хотиржам бўлинг, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Лекин, тортинмай-сиқинмай, ҳамиша юрак садосига қулоқ тутиб ўйланг. Сўзга мос келтириб ҳаракат қилинг, ҳаракатта монанд келтириб сўзланг, фақат унутманг, бу табиийлик доирасида бўлсин. Меъёрни бузиш ҳар гал театр вазифасига хилоф бўлиб тушади. Театр вазифаси илгари қандоқ бўлса, ҳозир ҳам шундоқ: табиат юзига кўзгу тутиш, унинг ҳақиқий шавкатларию чинакам иллатларини кўрсатиш, тарихдаги ҳар бир аср ва наслнинг бўёқ-бежаксиз башарасини намоён этишдан иборат. Ошириб ёки тушириб юборар экансиз, ғофиллар кулиб, шинавандалар маънос тортади. Шинавандалар ҳукмининг тоши, ижозатингиз билан, бутун театрни тўлдирган ғофиллар ҳукми тошидан сиз учун вазминроқ бўлмоғи керак. Менга шундай

актёрлар ҳам учраганки, улар орасида овозаси осмонга етганлар ҳам бор, холисанилло айтганда, овозларию қилиқлари билан на насорийга ўшайдилару на оламдаги бошқа бировга. Улар шунақанги қилиқлар қилиб, шунақанги уввос тортишадики, беихтиёр ёқангни ушлайсан. Инсон зотини табиатнинг қайси бир малайи яратибди, деган андишага борасан, ҳа, улар одамзодни шу қадар тасқара қилиб кўрсатишади.

Б и р и н ч и а к т ё р

Ўйлашимча, шаҳзодам, биз бундайлардан халос бўлганмиз.

Ҳ а м л е т

Батамом халос бўлинг. Нодонлар ролининг ижрочилари ёзилганидан ортиқ гапирмагайлар, деб таъқиқлаб қўйинг. Айримлар пьесанинг энг нозик нуқтасида эси паст томошабинни кулдириш учун хохолашга тушади. Бу но-жўя бир иш, ўша масхарабознинг иззат-нафси нақадар арзон-гаров эканлигини аён этади. Боринг, ҳозирланинг.

Актёрлар кетишади.

Полоний, Розенкранц ва Гильденстерн киради.

Г и л ь д е н с т е р н

Хўш, милорд, қирол томошани кўришни истармикин?!

П о л о н и й

Ёлғиз қиролмас, малика ҳам кўришга мунтазир.

Ҳ а м л е т

Боринг, актёрларни шошилтиринг.

Полоний кетади.

Сизлар ҳам ёрдамлашмайсизми?

Р о з е н к р а н ц в а Г и л ь д е н с т е р н

Бош устига, милорд.

Розенкранц ва Гильденстерн чиқадилар.

Ҳ а м л е т

Эй, ким бор? Ҳорацио!

Ҳорацио киради.

Ҳ о р а ц и о

Мен хизматта шайман, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Ҳорацио, мен таниган инсонлар ичра
Энг асл ва самимийси танҳо ўзингсан.

Ҳ о р а ц и о

Йўғ-ей, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Бу сенга хушомад эмас,
Сенинг бутун бойлигинг-у, наслу насабинг -
Хушчақчақлик эса, нечук хушомад қилай?
Ким қашшоғу камбағалга хушомад қилгай?
Қўй, бойлару киборларнинг даҳлизларида
Тиз чўкканча яшайверсин хушомадгўйлар,
Хушомаддан суду самар кўришар улар.
Сен қулоқ сол. Менга мезон бўлиб юрагим,
Одамларни танимоққа тушгандан буён
Сени анис тутди, сени танлади, инон.
Сен - бутун бир одамдирсан, яхлит бир инсон.
Жафо чеккансану лекин жафокаш эмас,
Сен шукрона айтиб, ҳозир-нозир турасан
Тақдир-азал қаҳригаю иноятига,
Бундай одамзоднинг толе, иқболи балаңд.
Қисмат уни сурнай қилиб чала билмагай
Ва истаган мақомига сола билмагай.
Ўз нафсидан устун турган дунёда ким бор?
Кўрсат уни, сенга қўшиб, бағримга босай,
Йўқ, ҳаттоки, жо этарман қалбим қатига.
Бас, қиролга кўрсатилар бугун томоша,
Отам ўлимини эса айтганман сенга.
Қўйилажак томошада шундай саҳна бор,
Ўша саҳна бошланаркан, киприк қоқмасдан,
Амакимга тикил, ундан кўзингни олма.
Ё ўзини фош этар у - ошкор этар у,

Ё бўлмасам, ўша арвоқ - иблиси гаддор.
Ҳозир айтиш қийин, менинг миямни бу дам
Вулқон кўрасидек ис ва тутун қоплаган.
Хуллас, тикилгайсан унга кўзинг узмасдан.
Мен ҳам кўзим узмагайман, кейин иккимиз
Мушоҳадаларни бир-бир қиёс этамиз.

Ҳ о р а ц и о

Хўп, келишдик. Агар ўғри фош этилмаса,
Бунинг жазосига ўзим тўлай жарима.

Ҳ а м л е т

Улар келишмоқда, ана. Мен эсам яна
Ўзни овсарликка солай. Сен жойингга бор.
Дания марши. Карнайлар чалинади.

Қирол, Малика, Полоний, Офелия, Розенкранц, Гильденстерн
ва бошқалар киришади.

Қ и р о л

Жиянимиз Ҳамлетнинг кайфиятлари нечук?

Ҳ а м л е т

Ишонасизми - аъло. Худди буқаламундек. Емишим -
ичига ваъда тўлдирилган ҳаво. Ахта қилинган хўрозларни
ҳам шунчалик боқишмаса керак.

Қ и р о л

Бу жавобнинг менга дахли йўқ, Ҳамлет. Бу сўзлар менга
алоқадор эмас.

Ҳ а м л е т

Энди менга ҳам алоқаси йўқ. (Полонийга) Милорд, сиз
дорилфунунда саҳнага чиққансиз, шундоқми?

П о л о н и й

Чиққанман, милорд ва яхшигина актёр саналардим.

Ҳ а м л е т

Кимни ўйнардигиз?

П о л о н и й

Юлий Цезарни. Мени Капитолийда ўлдиришарди. Брут ўлдирарди.

Ҳ а м л е т

Шундай аломат бузоқни ўлдириш билан ҳайвоннинг ишини қиларкан. Актёрлар тайёрма?

Розенкаренц

Ҳа, милорд. Фармонингизга мунтазир.

М а л и к а

Азизим, Ҳамлет, кел, ёнимга ўтир.

Ҳ а м л е т

Йўқ, ойижон, бу ерда бошқа бир оҳанрабо бор.

П о л о н и й

(Қиролга, секин)

Ана, эшитдингизми?

Ҳ а м л е т

Хоним, тиззангизга ётсам майлими!

(Офелиянинг оёғига ястанади.)

О ф е л и я

Йўқ, милорд.

Ҳ а м л е т

Маъзур тутасиз: мумкинми тиззангизга бош қўйсам?

О ф е л и я

Ҳа, милорд.

Ҳ а м л е т

Сиз бирор одобсизлик деб ўйладингиз шекилли?

О ф е л и я

Мен ҳеч нарса ўйламадим, милорд.

Ҳ а м л е т

Ҳа, қизнинг оёқлари орасида ётиш - бир дунё ҳузур.

О ф е л и я

Нима дедингиз, милорд?

Ҳ а м л е т

Ҳеч нарса.

О ф е л и я

Бугун кайфиятингиз баланд кўринади, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Ким, менми?

О ф е л и я

Ҳа, милорд.

Ҳ а м л е т

Вой, Худойим, мен сизни деб ўмбалоқ ошишга ҳам тай-ёрман. Ахир, хурсандчилик қилмай бўладими? Қаранг, онам қандай хурсанд бўлиб ўлтирибди, қолбуки, отамнинг ўлганига атиги икки соат бўлди, холос.

О ф е л и я

Йўқ, шаҳзодам, роса икки карра икки ой бўлди.

Ҳ а м л е т

Йўғ-ей? Наҳотки, шунча вақт ўтган бўлса? Унда шайтон қора кийиб юра берсин, мен мўйна кияман. Ё Парвардигор! Ўлганига икки ой бўлибди-ю, ҳали унутилмабди! Унда улуғ инсон хотираси унинг ўзидан ярим йилча кўпроқ умр кўради, деб умид қилса бўлади. Лекин, хоним, ибодатжоналар қуриш шарт, йўқса, ўйинчоқ от сингари уни ҳеч ким эста олмай қўяди, биласизми, ўйинчоқ ит қабрига нима деб ёзишган: "Ҳоппа-ҳоп! Унутилди ёвоч от!"

Най чалинади. Пантомимо бошланади. Қирол ва малика меҳр-муҳаббатга тўлиб, кириб келишади. Малика қиролни, қирол маликани кучади. Малика қирол олдида тиз чўкиб, ўз садоқатини изҳор этади. Қирол уни ўрнидан турғизиб, елкасига бош қўяди. Кейин гулзорга кириб, эгатга чўзилади. Қирол уйқуга кетгач, малика чиқади. Шунда саҳнага бошқа бир киши киради. У қиролнинг тожини олиб ўпади, сўнг унинг кулоғига заҳар қуйиб, ўзини четта олади. Малика қайтади. Қиролнинг ўлганини кўриб, имо-ишоралар билан афсус-надомат чекади. Қотил икки ёки уч ҳам-мол билан қайтиб киради, маликага дардашлик билдиради. Мурдани олиб чиқадилар. Қотил ҳадялар билан маликанинг кўнглини олмоқчи бўлади. Малика бошда ғазаб билан уни рад этади, лекин аста-секин юмшайди. Улар чиқишади.

О ф е л и я

Бу нима дегани, шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

Тушунмадингизми? Бу доғули илон ёки қора кирди-кор, дегани.

О ф е л и я

Эҳтимол, пантомимо кўрилажак пьесанинг мазмунини билдирар?

Бошловчи киради.

Ҳ а м л е т ,

Ҳамма гапни мана шу йигитдан билиб оламиз. Актёрлар сир сақлашмайди, бор гапни айтиб қўйишади.

О ф е л и я

У кўрсатилган нарсанинг маъносини изоҳлайдими?

Ҳ а м л е т

Ҳа, нима кўрсатсангиз, шунинг маъносини изоҳлайверади. Сиз кўрсатишдан уялмасангиз, бас, у тушунтиришдан тортинмайди.

О ф е л и я

Сизга тараф йўқ. Мен томоша кўрмоқчиман.

Б о ш л о в ч и

Биз бу томоша учун
Сиздан мурувват сўраб,
Таъзим бажо этгаймиз,
Тоқат ила тинглангиз.

Х а м л е т

Нима, бу, муқаддимами ёки узук кўзидаги ёзувми?

О ф е л и я

Дарвоқе, қисқа экан, милорд.

Х а м л е т

Хотинларнинг муҳаббатидек.

Икки актёр - қирол ва малика киришади.

С а ҳ н а д а г и қ и р о л

Кўнглимиз ишқ, қўлимизни тангри Гименей
Бирлаштириб, бизни пайваст этгандан буён,
Тўрт аргумоқ қўшган олтин аравасида
Тамом баҳру уммонларни, жумла дунёни
Ўттиз карра кезиб чиқди хуршиди тобон.
Ҳар каррада ўн икки бор кўрсатиб чирой,
Ўттиз карра кезиб чиқди'еримизни ой.

С а ҳ н а д а г и м а л и к а

О, кошкийди, ою офтоб балқиб куну тун,
Бахтимизни яна шунча айласа узун!
Аммо менга алам қилар: йиллар кечаркан,
Чеҳрангизни бир оз ҳорғин, сўлғин кўраман.
Бироқ, дўстим, хавотирга ўрин йўқ сира,
Чеҳрангизга ташвиш соя солмасин зарра.
Биз хотинлар, шунақамиз, билмаймиз меъёр,
Ҳар бир гапни кўпиртириш одатимиз бор.

Сиз ишқимни биласиз-ку, пинҳон сирым йўқ,
Севганда ҳам, қўрққанда ҳам кўзлари юмуқ.
Муҳаббат зўр ерда кичик гумон ҳам қўрқинч,
Шубҳа-гумон ўсган сайин улваяди ишқ.

С а ҳ н а д а г и қ и р о л

Яқинлашиб келар видо соати, жоним,
Кундан-кунга тутаб борар кучим-дармоним.
Аммо-лекин сен беҳисоб давронлар оша,
Умр кўриб, муҳаббату иззатда яша,
Эҳтимолки, бошқа бир эр...

С а ҳ н а д а г и м а л и к а

Қўй, бекорчи гап,
Хиёнатга тенгдир менга ўша муҳаббат.
Чақмоқ урсин иккинчи бор эр қилсам мени,
Биринчининг қони тутсин иккинчи эрни.

Ҳ а м л е т

(Четра)

Аччиқ, воят аччиқ гаплар!

С а ҳ н а д а г и м а л и к а

Севги билан кирмагайлар янги никоҳга,
Ҳисоб-китоб ва очкўзлик таянчдир унга.
Бошқа билан бир ёстиққа бош қўйиш, бешак
Ўлган эрни яна бир бор ўлдириш демак.

С а ҳ н а д а г и қ и р о л

Ишонаман айтганларинг самимий бари,
Лекин бирдек тутолмасмиз майл-рағбатни.
Эҳтироснинг маҳсулидир аҳд ила паймон.
Аммо ўша олов бир кун сўнар бегумон.
Бутоқдаги мева роса пишгандан кейин
Бир кун ерга шарт узилиб тушмоғи тайин.
Яшаш учун қасамларни унутиш лозим,
Қасамларки, шоша-пиша ичамиз доим.
Ёлғиз битта рағбат ила яшамаймиз, бас,
Алмашиниб турар бизда иштиёқ, ҳавас.
Алвон-алвон сувратида севинч ва қайғу

Бир-бирини совуради, суради, ёҳу.
Севинч деган кўринади қайғуга хира,
Қайғунинг ҳам севинч билан иши йўқ сира.
Ҳамма нарса муваққатдир, фонийдир ҳайҳот,
Қайдан етсин муҳаббатнинг умрига сабот?
Ким кимники, буни ҳали ечмоқ керақдир,
Тақдирни ишқ юритарми ё ишқни тақдир?
Йиқилганда - дўстларинг ҳам юзни ўтирар,
Юксалганда - душманларинг дўст бўлиб турар...
Хўш, нимадир, атайми ё тасодифми бул,
Кимки дўстандан безор эса, унинг дўсти мўл.
Дўстга муҳтож бўлиб, дўстни ўйлаган одам
Охир душман қилиб қўяр ёлғиз дўстни ҳам.
Бошлагандим, ўша сўзга қайтаман яна
Дунё деган - туганмас бир тасодифхона.
Керак пайти бизнинг изму ихтиёрда, бас.
Орзу қилар, истак қилар, маҳсули қолмас.
Сиз иккинчи эр қилишдан этасиз ҳазар -
То биринчи беваликка етгунга қадар.

С а ҳ н а д а г и м а л и к а

Ёруғ олам кўзларимдан чекинсин тамом!
Ҳаром бўлсин менга ором-фароғат, ҳаром!
Кўзларимни ҳасрат-алам пардаси тутсин!
Умрим фақат уқубату узлатда ўтсин!
Қора қуюн босиб келсин бошимга тикка,
Орзулару армонларим совурсин кўкка!
Бало пешвоз чиқсин ҳар гал қўйганда қадам -
Агарда мен яна бошқа эр қилар бўлсам!

Ҳ а м л е т

Алдаса-чи?

С а ҳ н а д а г и қ и р о л

Қасаминг зўр бўлди. Жоним, энди бора қол,
Куннинг ташвишлари билан қуриди мажол,
Бирпас ётиб, ором олай.

Ухлайди.

Саҳнадаги малика

Ухла, ол роҳат,
Умримиздан йироқ бўлсин офат-фалокат.

Кетади.

Ҳ а м л е т

Маликам, пьеса сизга ёқдими?

М а л и к а

Менимча, хоним ваъдани катта қилди.

Ҳ а м л е т

О, лекин у ўз ваъдасида туради.

Қ и р о л

Сиз пьеса мазмунидан хабардормисиз? Унда бирор но-
жўя гап йўқми?

Ҳ а м л е т

Йўқ, йўқ. Ҳаммаси ҳазил. Ҳаттоки заҳарлаш ҳам. Но-
жўя нарса йўқ.

Қ и р о л

Пьесанинг номи нима?

Ҳ а м л е т

"Қопқон". Маъносими? Мажозий. Пьеса Венада юз бер-
ган қотилликни тасвирлайди. Герцогнинг исми - Гонзаго.
Хотини - Бапгиста. Ҳозир кўрасиз. Бу қабиҳ бир кирди-
кор. Лекин бизга нима? Сиз олий ҳазратлари билан биз-
нинг виждонимиз пок-покиза экан, бас, бизга алоқаси йўқ.
Қирчанғи от кетини қонатибдими, жиртак отаверсин. Биз-
нинг суяклармиз бут-бутун.

Луциан киради.

Мана бу Луциан бўлади. Қиролнинг жияни.

О ф е л и я

Сиз хор ўрнини яхши босаяпсиз, милорд.

Ҳ а м л е т

Мен сиз билан хушторингиз ўртасида воситачи бўла олардим, агар шу қўғирчоқларни бир кўра олсам.

О ф е л и я

Балосиз, шаҳзодам, ўткирсиз.

Ҳ а м л е т

Мени ўтмаслаштириш учун бир оз додлашингизга тўғри келарди.

О ф е л и я

Заҳарсиз, шаҳзодам, заққумсиз.

Ҳ а м л е т

Худди хотинларнинг эрга тегишидек. - Қани, бошла қотил! Вой, сен тасқарани қараю! Қийшанглашни қўйиб, бошлай қол энди. Қани бўл! "Қағиллаган қарға чорлар қасосга!"

Луциан

Қўл қаттиқ, руҳ қоронғу, оғу беомон,
Пайт қулай, ҳеч кимса йўқ, иш битар пинҳон.
Оқ, оқавер, оқавер, жазосини бер,
Ҳекатанинг маҳрами бўлган, эй оғу!
Симириб жумла заҳри илон-чаённи,
Томирларига қуйқим, узилсин жони!

Уйқудаги қиролнинг қулоғига заҳар қуяди.

Ҳ а м л е т

У тожу тахтни эгаллаш учун уни боғда заҳарлайди. Герцогнинг номи Гонзаго. Бу тўғрида нафис итальян тилида махсус бир қисса ҳам бор. Энди-чи, қотил қандай қилиб Гонзаго хотини севгисига сазовор бўлишини кўрасиз.

О ф е л и я

Қирол ўрнидан туряпти.

Ҳ а м л е т

Ҳа, шақилдоқлардан чўчидими?

М а л и к а

Аъло ҳазратларига не бўлди?

П о л о н и й

Томошани тўхтатинг.

Қ и р о л

Чироқ тутинг. Тезроқ ташқарига бошланг.

(Ҳамма)

Чироқ, чироқ, чироқ!

Ҳамлет ва Ҳорациодан бўлак ҳамма кетади.

Ҳ а м л е т

Ўкиради ярадор оҳу,

Қутулгани ўйноқлар, елар.

Унда - ором, бунда - қоровул;

Ҳар кимсага қисматдан келар.

Ҳўш, тақсирим, борди-ю, келажак умидларим мени тарк этиб, туркларга кетиб қолса, бошимга бир қучоқ пар қадаб, ковушимга прованс чечакларидан тақиб олсам, мени актёрликка олишармикин?!

Ҳ о р а ц и о

Ярим маошта олишади.

Ҳ а м л е т

Йўқ, тўлиқ маошта.

Биласизми, азизим Дамон,

Бу давлатни Юпитер бешак

Бузиб кетди, тахтида ҳамон

Ўлтирибди аҳмоқ бир эшшак.

Ҳ о р а ц и о

Сиз қофиялашга ҳам уста экансиз.

Ҳ а м л е т

О, азиз Ҳорацио! Арвоҳнинг қар сўзи минг тиллога тенг.
Пайқадингми?

Ҳ о р а ц и о

Пайқаганда қандоқ, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Айниқса, заҳарлаш палласида.

Ҳ о р а ц и о

Мен ундан кўзимни сира узмадим.

Ҳ а м л е т

Оҳ, оҳ! Шу тобда бир музика эшитсак бўларди! Маш-
шоқлар, қайдасиз?

Комедия қиролга ёқмадимми, бас,
Демак, у қирол учун фойдали эмас.
Ҳей, музика.

Розенкранц ва Гильденстерн қайтиб киришади.

Г и л ь д е н с т е р н

Азиз шаҳзодам! Икки овиз сўз айтишга ижозат этади-
ларми?

Ҳ а м л е т

Истасангиз, қисса айтинг, тақсирим.

Г и л ь д е н с т е р н

Қирол, тақсир...

Ҳ а м л е т

Хўш, тақсирим, унга нима қилди?

Г и л ь д е н с т е р н

Қирол ўз хонасида, ўзини бағоят нохуш ҳис эймоқда.

Ҳ а м л е т

Шаробданми, тақсир!

Г и л ь д е н с т е р н

Йўқ, тақсир, сафродан бўлса керак.

Ҳ а м л е т

Тақсирим, буни қиролнинг табибига айтсангиз, жоиз бўларди. Борди-ю, мен сургиларимни ишга солсам, сафро бутун баданга ёйилиб кетади, деган хавотирим бор.

Г и л ь д е н с т е р н

Шафқатли шаҳзодам, сўзингизни тартибга солсангизу, менга юкланган вазифа устидан бунчалар кулмасангиз.

Ҳ а м л е т

Марҳамат, тақсир. Бутун жисмим қулоқ.

Г и л ь д е н с т е р н

Маликам, волидаи муҳтарамингиз бағоят ранжихотир бўлиб, мени сизга юбордилар.

Ҳ а м л е т

Марҳамат қилсинлар.

Г и л ь д е н с т е р н

Йўқ, шафқатли шаҳзодам, ҳозир назокату нафосат пайтимас. Агар менга тегишли жавоб берсангиз, волидангиз амрини бажо этган бўламан. Мабодо, йўқ, десангиз, узру маъзур айтаман-да, кетавераман.

Ҳ а м л е т

Беролмайман, тақсир.

Г и л ь д е н с т е р н

Нимани, милорд?

Ҳ а м л е т

Сизга тегишли жавобни. Миям жойидамас. Лекин қандай жавоб бермайин, уни тартибга солиб олиш ўзингизга ҳавола. Бас, кифоя. Энди ишга ўтайлик. Хўш, айтганингиздек, онам...

Р о з е н к р а н ц

Бўлмаса, гап бундоқ. Онангиз дедиларки, сизнинг феълу атворингиз у кишини ҳайрат ва изтиробга солмоқда.

Ҳ а м л е т

О, ўз онасини ҳайратга сололган ажойиб ўғил! Ўша ҳайратга бирор жиддийроқ далил илашмаганмикин? Мана шу қизиқ.

Р о з е н к р а н ц

У киши уйқуга ётмасингиздан олдин ўз хоналарида сиз билан гаплашмоқчилар.

Ҳ а м л е т

Бош устига, бир эмас, ўн карра она бўлсалар ҳам буйруқлари бош устига. Яна қандай хизматлари бор?

Р о з е н к р а н ц

Шаҳзодам, қачонлардир мени яхши кўрардингиз.

Ҳ а м л е т

(Қўлларини кўрсатиб)

Мана шу киссавур паншаҳаларга қасам ичаманки, ҳозир ҳам яхши кўраман.

Р о з е н к р а н ц

Шафқатли шаҳзодам! Бетоблигингиз бойси нима? Дўстингиздан сир тутиб, нажот йўлини ўзингиз кесмоқдасиз.

Ҳ а м л е т

Менга баландроқ бир амал керак.

Р о з е н к р а н ц

Нечук, қирол сизни Дания тахтига валиаҳд деб эълон этган-ку?

Ҳ а м л е т

Ҳа, тақсир, бироқ "Пичан униб-ўсгунча, от очидан ўлмасми?" - деган нақл бор.

Машшоқлар най кўтариб киришади.

О, найлар! Қани биттасини беринг-чи, бир чалиб кўрай.
Ҳой, нари туринг. Нега ҳаммангиз атрофига ўралашаве-
расиз, нима мени тўрга туширмоқчимисизлар?

Г и л ь д е н с т е р н

О, шаҳзодам, сизга ёшишқоқдигим - муҳаббатим хуружидан.

Ҳ а м л е т

Жилла тушунмадим. Ҳа, майли, менга бари бир. Мана,
най. Бирор нима чалиб беринг.

Г и л ь д е н с т е р н

Шаҳзодам, қўлимдан келмайди.

Ҳ а м л е т

Чала қолинг, хўп, денг энди.

Г и л ь д е н с т е р н

Ишонинг, қўлимдан келмайди.

Ҳ а м л е т

Ахир, мен сиздан ўтинаман.

Г и л ь д е н с т е р н

Мен буни қандай ушланиям билмайман, ахир.

Ҳ а м л е т

Бу ёлғон гапиришдай оппа-осон. Тешикларига бармо-
фингизни босиб, оғзингиз билан пуфлайсиз, холос, аломат
бир оҳанг янграйверади. Мана бу - пардалари.

Г и л ь д е н с т е р н

Мен уларни босолмайман. Бари бир, ҳеч нарса чиқ-
майди, ўрганмаганман.

Ҳ а м л е т

Бас, мени қандай лойга қориштирганингизни бир кўриб

қўйинг! Сиз мени ўз мақомингизга солиб, чалмоқчи бўласиз. Менинг пардаларимни босаман, деб ўйлайсиз, асрорим оҳангини ситиб чиқаришга ишончингиз комил. Барча паст-баланд пардаларим сизга гўё беш панжадай аён... Мана шу мўъжаз нарсани атайлаб чолғу қилиб ясашган, нафис садоси бор, лекин зўрлаб тилга киритолмайсиз. Наҳотки, мен шу найдан ҳам баттар бўлсам? Мени чолғу деб аташингиз, бузишингиз мумкин, лекин чалолмайсиз.

Полоний қайтиб киради.

Худо хайрингизни берсин, тақсирим.

П о л о н и й

Милорд, малика сиз билан ҳозироқ гаплашишни истайдилар.

Ҳ а м л е т

Туя шаклидаги анави булутни кўряпсизми?

П о л о н и й

Худо ҳақи, кўряпман, худди туянинг ўзи.

Ҳ а м л е т

Менингча, сассиқ кузанга ўхшайди.

П о л о н и й

Орқаси сассиқ кузаннинг баайни ўзи.

Ҳ а м л е т

Китта ўхшамайдими?

П о л о н и й

Худди китта ўхшайди.

Ҳ а м л е т

Хўп, мен ҳозироқ онам ҳузурига бораман.

(Четга)

Булар мени ақлдан оздиришмоқчи. Мен ҳозироқ бораман.

П о л о н и й

Шундоқ деб айтаман.

Ҳ а м л е т

"Ҳозироқ" деб айтиш осон. Мени холи кўйинг, жўралар.

Ҳамлетдан бўлак ҳамма кетади.

Ҳозир худди тунги афсун - жоду фурсати,
Қабр ёрилади, оғу пуркар жаҳаннам.
Ҳозир тайёрдирман ҳатто қон ичмоққа ҳам,
Не-не разолатга яна ҳозирман бу дам.
Кундуз журъат этолмасдим боқишга балки;
Хуллас, бизни қузурига чорлар онамиз,
Юрак, қабоҳатингни қўй! Не бўлганда ҳам,
Ёвуз Нерон руҳини сен кўксимга солма,
Бешафқат қил мени, лекин ёвуз айлама;
Йўқ, тиф ишлатмасман, лекин тифсиз сўярман.
Тилим, руҳим, муғомбирлик қилгайсиз энди:
Сўзим қанча ёғдирмасин таъна-маломат,
Руҳим, уни қабул этма, собит тур фақат!

Кетади.

Учинчи саҳна

Қасрда бир хона.

Қирол, Розенкранц ва Гильденстерн кирадилар.

Қ и р о л

Уни хуш кўрмайман, унинг жинниликига
Бардош бериб, папалашга йўқ менда тоқат.
Фармойишга имзо чекиб, Англияга
Жўнатурмиз сизни унга айлаб рафоқат.
Ахир кўтармагай бизнинг рутбаи олий
Тасодифлар ортимиздан юрса изма-из -
Девоналик ниқобида.

Г и л ь д е н с т е р н

Йўлга тушгаймиз.

Бу - ўз илдири-ла ғоят қутлуғ бир тадбир,
Бу - онҳазрат соясида нафас олгувчи
Минглаб фуқарога ялпи меҳрибонликдир.

Р о з е н к р а н ц

Тангри ато этган ақлу заковат билан
Фалокатдан ўзни асраш бизга фарзи айн.
Шундоқ экан, аён гап-ку, кўпнинг ҳаёти -
Борлиқ бўлган зотга қанча зарур эҳтиёт.
Оддий ўлим эмас ахир шоҳнинг вафоти.
У кўпларни олиб кетар адамга, ҳайҳот,
У жар ёқасида турган гилдирақдирки,
Оз эмасдир кегайлари билан тишлари,
Ағдарилса, яксон бўлур, сочилур бари.
Ҳукмдорнинг юрагидан оқ учаркан бот -
Халойиқнинг юрагидан юксалур фарёд.

Қ и р о л

Хўп, марҳамат қилиб, тезда йўлга тушингиз.
Ўз эркича юрган бало-офатта энди
Кишан солиш пайти етди.

Р о з е н к а р н ц в а Г и л ь д е н с т е р н

Йўлга тушамиз.

Розенкранц ва Гильденстерн кетишади. Полоний киради.

П о л о н и й

У онаси томон ўтди. Эшитмоқчиман -
Унинг сўзларини гилам ортида туриб.
Ўйлайманки, онасидан таъзирин ейди.
Лекин сизнинг сўзингиз ҳақ: она бокарам,
Она раҳмдилдир, зиён этмаса керак
Биров четдан эшитса-ю, кузатиб турса,
Кетаяпман ҳукмдорим, ҳозирча хайр,
Янги маълумотлар билан уйқу олдидан
Яна сизга йўлиқаман.

Қ и р о л

Дўстим, ташаккур.

Полоний кетади.

Мени бўғар қабоҳатим қўланса дуди,
Манглайимда аянч куфру маломат муҳри:
Биродаркушлигим! Ёниб-ўртаниб фақат,
Талпинаман, этолмайман лекин ибодат.
Биламанки, бу гуноҳни кечириб бўлмас,
Хунобдирман, билолмайман қайдан бошлашим,
Шундоқ маъшум аросатда яшашдир ишим.
Магар бошдан-оёқ оғам қонига ботсам,
Ўшанда ҳам қонга ботган шу қўлларимни
Қодирмасми ювиб, шаффоф айласа фалак?
Не қиларди ёвузликсиз эзгулик зоти,
Зулм бўлмас экан, шафқат нимага керак?
Биз ибодат этармиз, то сафолат қадар -
Қуламайлик, бизни қўлла, кушод айла, деб,
Ё сафолат чўнқиридан озод айла деб.
Ўксинишга ҳали эрта. Бошингни кўтар!
Мен йиқилдим, турмоқ учун йиқилдим, аммо,
Хўш, бу ерда жоиз турур нечук тавалло.
"Қотиллигим маъзур айла..." десамми экан,
Йўқ, бу сира мумкин эмас, сира, мутлақо.
Қайтармадим, ахир, олган ўлжаларимни,
Қотил бўлиб олганман-ку, ахир уларни,
Қўлимдадир тожу тахту мулку малика.
Нажот борми осий бўлиб турган кимсага?
Оз эмасдир бизда рости шум жиноятчи,
Олтин таққан бармоғи-ла дардага қилар.
Унинг қонлар тўкиб, йиққан молу давлати
Жазога чап бермоққа бир восита бўлар,
Йўқ, бу фалак даргоҳига ўхшамайди ҳеч,
Унда бизнинг кирдикорлар ётар яланғоч.
Биз юзма-юз туриб қилмиш-кирдикор билан
Жавоб беражакмиз унда. Аммо, не илож?
Нима қилдим? Магар тавба-тазарру этай?
Дейдиларки, ижобатдир тавбанинг кучи,
Лекин тавба йўли тамом ёпиқ бўлса-чи?
Азоб, азоб! Ўлим янглиғ юрагим қора.
Рухим лойга ботиб борар, чўкиб тобора!
Фаришталар имдод этинг! Тиззаларим тез
Букилингиз! Юрақдаги қўрғошим, сен,

Чақалоқнинг пайларидек майин торттайсан!
Ё таваккал!

Ичкарироқ юриб, тиз чўкади. Ҳамлет киради.

Ҳ а м л е т

У ибодат этаётир. Пайтидир, ана,
Бир зарб урсам, руҳи кўкка бўлур равона.
Қасос қойим бўлур. Тўхта, ўйлагин бир дам,
Падаримдан жудо этди мени муттаҳам.
Бунинг учун жаннат сари йўл олсинми у,
Ахир қодир қасос эмас, мукофот-ку бу.
Отам шўрлик қорни шишиб берган эди жон,
Заҳар-заққумлардан худди хамирдек кўпчиб.
Ким билади, нелар кутар уни бунинг-чун?
Не бўлса ҳам мушкул бўлур, бўлмагай осон.
Қасосми бу, қотил жонни берса жабборга
Сажда чоғи, гуноҳлардан фориг бир маҳал,
Олис йўлга ҳозир-нозир турар экан?
Йўқ!
Қайт шамширим, даҳшатли бир фурсатга қадар.
Ё жаҳлга минган ёки маст-аласт чоғи,
Уйқуда ё ҳаром ҳузур, ишрат қўйнида,
Ёки жазаваси қўзиб, қутурган асно,
Хуллас, кўкда нажот йўли бекилган палла
Оёғини келтирарсан осмондан худди.
То умбалоқ ошиб, журми-савдоси тошиб,
Қулаб тушсин жаҳаннамнинг қора қаърига.
Онам чақирибди... Бу ҳам сенга бир имкон,
Балки дору бўлур, лекин бўлмагай дармон.
Кетади.

Қ и р о л

(Ўрнидан кўзғалиб)

Сўзлар баланд парвоз этар, туйғу кетар паст,
Туйғуларсиз сўзни осмон қабул айламас...

Кетади.

Тўртинчи саҳна

Малика хонаси. Малика ва Полоний кирадилар.

П о л о н и й

У сиз томон келаётир. Огоҳлантиринг:
Ўзни тийиб, қилмишларга хотима берсин.
Айтинг, қалқон бўлиб, уни жоиз жазодан
Олиб қолганингизни. Мен бурчақда тургум.
Ҳа, сиқувга олинг уни.

Ҳ а м л е т

(Саҳна ортидан)

Она! Онажон!

М а л и к а

Сиз чўчиманг ва бемалол менга ишонинг,
У келмоқда магар. Тезроқ бекиниб олинг.
Полоний ўзини деворга осиглиқ гилам орқасига олади.

Ҳамлет киради.

Ҳ а м л е т

Хўш, онажон, менга нечук хизматингиз бор?

М а л и к а

Сен отангни нега таҳқир этасан, Ҳамлет?

Ҳ а м л е т

Сиз отамни нега таҳқир этдингиз, онам?

М а л и к а

Сен мен билан бир авомдек гаплашмоқдасан?

Ҳ а м л е т

Сиз-чи, савол бермоқдасиз мунофиқона.

М а л и к а

Бу нимаси, Ҳамлет?

Ҳ а м л е т

Айтинг, сизга не даркор?

М а л и к а

Эслисанми, кимман?

Ҳ а м л е т

Худо ҳаққи, эслиман.

Маликаси, ўз эрининг укасига ёр,
Надоматлар бўлсин, менга онаси яна.

М а л и к а

Бас, бошқалар гапиришсин энди сен билан.

Ҳ а м л е т

Қимирламанг. Ўтиринг. Мен сизни қўймасман.
Онажон, деб юзингизга тутарман кўзгу -
Кори-борингизни сизга аён этар у.

М а л и к а

Нима қилмоқчисан! Мени ўлдирмоқчи у!
Ҳой, ёрдам беринглар! Ёрдам!

П о л о н и й

(Гидам орқасидан)

Ёрдам беринглар!

Ҳ а м л е т

(Қиличини яланғочлаб)

Бу нимаси? Каламушми? Ўлганинг афзал!

(Гидамга қилич тикади.)

П о л о н и й

(Гидам ортидан)

Оҳ, ўлдим!

(Йиқлиб ўлади.)

М а л и к а

Вой, Худойим-ей! Не қилиб қўйдинг!

Ҳ а м л е т

Кимлигини билмадим мен: қиролмиди у?

М а л и к а

Бир мислсиз қабоҳатдир ҳозир қилганинг!

Ҳ а м л е т

Бу - қиролни макр ила ўлдиришдан ва
Қайни билан топишишдан ортиқмас, хоним.

М а л и к а

А, қиролни ўлдиришдан?

Ҳ а м л е т

Ҳа, хоним, шундоқ.

(Гилямни юлқиб, Полонийга кўзи тушади.)

Алвидо, эй чопқиллаган, телба, жонсарак!
Сени адаштирибман-ку - мана надомат.
Кўраяпсан, ҳовлиқишнинг охири ёмон.
Сиз ўлтиринг. Қайғу чекиб, қақшаманг мунча.
Зеро, қақшатарман ҳали юрагингизни.
Мабодо у ҳамон уриб турган бўлса-ю
Қабиҳ машқу малакалар сўнггида яна .
Тош қотмаган, жездан ниқоб киймаган бўлса.

М а л и к а

Хўш, мен нима қилибманки, менга бу қадар
Қўрс ва қўпол гапирасан?

Ҳ а м л е т

Қилмишларингиз

Ахлоқ, уят, диёнатни ерга уради,
Ҳақиқатни шармандаю шармисор айлаб,
Маъсум муҳаббатнинг оппоқ пешонасига

Тошма бўлиб тошади-ю, шундоқ туради.
Ва муқаддас никоҳ аҳди паймонларини
Қиморбознинг савдосига айлантиради.
Сиз шундоқ бир кирдикорлар этдингизки, то
Бекор бўлиб қолди буткул ваъдаю вафо.
Шариатнинг расм-русми худди бир эрмак,
Қилмишингиз кўриб ҳатто қизарар фалак.
Кўк гумбази боқиб сизга, хўмрая бошлар,
Гўё қора қиёмат кун, гўёки маҳшар...

М а л и к а

Шунча даромаддан кейин, мумкинми билсак,
Гапнинг асл индаллоси нимадир бешак?

Ҳ а м л е т

Мана, сизга икки суврат: мана ва мана.
Кўш сувратда турар оға-ини сиймоси.
Қаранг, қанча жозибалар жамдир бирида.
Зевс манглайидек худди манглайи очиқ.
Сочи Аполоннинг барра сочидек қуюқ.
Марснинг назаридек унинг нигоҳи мағрур.
Туришида булут оша тупроққа тушган
Элчи Меркурийнинг сўнмас салобати бор.
Фазилатлар мужассами, ҳар нуқтасида
Илоҳийлик муҳаббати, муҳри ошикор.
Бу - биринчи эрингиздир. Мана бу эса -
Иккинчиси. Касал теккан бошоққа ўхшар -
Тоза бошоқ ёнида. Ҳой, кўзингиз қайда?
Ўша юксак яйловдан шу сассиқ алафга
Қандай қилиб тушолдингиз? Кўзингиз қайда?
Севги деманг. Сизнинг ёшда бўрон биланмас,
Калла билан яшагайлар. Айтингиз ўша -
Тафовутни танийдиган калла қаёқда?
Ҳисдан маҳрум эмасдирсиз, бўлмаса-чи, сиз -
Қимир этмасдингиз. Демак, туйғунгиз фалеж.
Савдойи ҳам бундоқ хато этмасди аянч.
Бундоқ тафовутнинг асл, чин маъносини
Алаҳсираб ётганда ҳам билса бўларди.
Бас, қайси бир иблис сизни купша-кундузи

Йўлдан оздирди-ю, шундоқ кўйларга солди?
Кўзлари кўр, қулоқлари кар бўлганда ҳам
Шуурига бир озгина суянган одам
Бундоқ адашмасди, бўйла қўймасди қадам.
Хей, қайдасан, қаёқадасан, номус ва ҳаё?
Хей, васваса шайтон, сенинг кучинг, қудратинг
Беваники шундоқ турфа ўйинга солса,
Қандай қилиб енгсин қизлик тафтини ибo?
Қўйинг, шамдек эрийверсин. Оловнинг зўри
Танда хуруж этса - иснод, маломат эмас.
Токи муз ҳам ёнар экан ва токи идрок
Иродани қайираркан

М а л и к а

Ҳамлет, бўлди, бас!
Сен кўзимнинг қаровини кўнглимга бурдинг,
Унда кўрингани ёлғиз қоп-қора доғлар,
Ювиб бўлмас доғлар.

Ҳ а м л е т

Ифлос тўшакка ётиб,
Жирканч фаҳшу фароватнинг терига ботиб,
Наҳсга ботиб, ўпишишлар...

М а л и к а

Ҳамлет, раҳм қил!
Ҳар бир сўзинг менга худди ханжар тигидир,
Қулоғимни тешаётир,..

Ҳ а м л е т

Яна ким билан -
Қотил билан, ҳайвон билан, бир муртад билан.
Падаримнинг тирноғига арзимайдиган
Қирол кийимини кийган қўғирчоқ билан,
Салтанатта човут солган қароқчи билан.
Тожни тоқчада кўрибоқ, қўлтиққа урган,
Уни этак остида сўнг ўғирлаб чиққан -
Ўғри билан.

М а л и к а

Аясанг-чи!

Ҳ а м л е т

Бир олчоқ билан!

Арвоҳ киради.

Менга паноҳ бўлинг осмон фаришталари!
Олий ҳазратлари, айтинг, сизга не даркор?

М а л и к а

Эвоҳ, унинг тутқаноғи тутди!

Ҳ а м л е т

Эҳтимол

Койигани келгандирсиз ялқов ўғилни,
Кунлар ўтиб борар, қўрқинч фармонингизни
У орқага суриб, ҳамон айламас бажо?
О, гапиринг!

А р в о ҳ

Мақсад - сенинг милтираб турган
Азму қарорингни яна ёқишдир, илло.
Аммо ҳозир онангга боқ! У худди қоқшол.
Уни халос айла бундоқ қўрқув-ваҳимдан.
Ожиз руҳлар бўлур қўрқув-ваҳим қурбони.
Унга бирор нарса дегил.

Ҳ а м л е т

Не бўлди, хоним?

М а л и к а

Ҳай, ўзингга нима қилди? Бўшлиққа боқиб,
Нималарни сўзлашасан бўш ҳаво билан?
Кўзларингни ола-кула чақчайтирасан.
Ногаҳонда уйқу ичра эшитиб фармон,
Сакраб турган соқчилардек, сочларинг тикка.
Болагинам, ўзингни сен қўлга олгайсан,
Босиқ бўлиб, кўзларингга кўринган нима?

Ҳ а м л е т

Ана у-чи, ана у! Ҳа, қаранг, у опшоқ!
Унинг саргузашти, унинг рангпар чеҳраси
Ҳатто тошни эритади. Юзингни ўтир.
Юрагимни парчалайди нигоҳинг сенинг.
Сенга боқсам ҳолсизланар юрагим менинг,
Қон ўрнига ёш тўкмоққа шайланар худди.

М а л и к а

Ҳай, ким билан гаплашасан?

Ҳ а м л е т

Қаранг, ажабо,
Анув ёқда сиз ҳеч нима кўрмаяпсизми?

М а л и к а

Йўқ, ҳеч нарса. Кўрмоқдаман борини фақат.

Ҳ а м л е т

Эшитмайсиз?

М а л и к а

Эшитганим фақат овозим.

Ҳ а м л е т

Ана ўзи, турибди-ку! У ёққа қаранг,
Қаранг, худди тиригидай турибди отам.
Сирғалганча эшик томон юрмоқдадир у,
Кўрдингизми?

М а л и к а

Хаста руҳнинг самараси бу
Арвоҳларни кўрсатишга моҳир жазава!

Ҳ а м л е т

Жазавамиш! Томирингиз каби томирим
Урмоқдадир ҳар зарбаси аниқ ва бардам.
Сўзларимда маъно тайин, робита маҳкам,

Истасангиз, сўранг, бошдан айтиб берайин.
Жинни бундоқ қилолмагай. Сиз топган малҳам
Беҳудадир, улоқтиринг. Ўйламанг иллат -
Қилмишингиздамас, менинг касалимда, деб.
Бундоқ малҳам чандиқ этар ярани фақат,
Лекин йиринг адо қилур ичдан емириб.
Тавба қилинг, қилмишларга этинг тазарру.
Бундан кейин ҳазир бўлинг, гуноҳга ботманг.
Ёмон ўтни иддизидан юлиб отурлар,
Ҳақ сўзларим учун сиздан сўрайман афу.
Худди бизнинг замонада соҳиб фазилат
Иллат эгасига айлаб карам, иноят,
Яна ундан узри маъзур сўраганидай.

М а л и к а

Ҳамлет, қалбим қоқ иккига бўлинар худди.

Ҳ а м л е т

Яхши бўлагини асраб - эъзозлаш учун
Ёмон бўлагини отинг, воз кечинг бутун.
Хайрли тун. Амакимга бормангиз энди.
Не қилса ҳам, ўзни соҳиб виждондай тутинг.
Одат - жонли ҳис-туйғунинг душманидир, бас,
Лекин баъзан дўстлиги бор, душманлигимас.
Янги тўндек кийиб ахлоқ қоидасини,
Биз яхшилик ниқобида юрарканмиз бот,
Турган гапки, яхшиликка этурмиз одат.
Бутун ўзни тутолсангиз, эртага осон,
Тун ўтаркан, осон бўлур яна бегумон.
Такрор деган ҳар нарсани ўзгартиради,
Белгиларни нари уриб, бери суради.
Яна бир бор, хайрли тун. Ҳа, мабодо, сиз
Чиндан тавба-тавфиқ йўлин тутар экансиз,
Мени ҳам бир дуо қилинг. Аммо бунга-чи.

(Полонийни кўрсатиб)

Бунга чиндан ачинаман, чекиб надомат;
Аммо илож қанча, шуни буюрмиш қисмат.
Уни менга, мени унга қайраган ўша,
Унга жаллод қилиб мени шайлаган ўша.

Мен мурдани олиб чиқиб, тўкилган қоннинг
Жавобини масъул туриб айтаман албат.
Яна бир бор, хайрли тун! Мени кечиринг,
Шафқат юзасидан бир оз бўлдим бешафқат.
Бало келди, янгисига шайланиб туринг,
Яна бир гап.

М а л и к а

Энди нима қилишим керак?

Ҳ а м л е т

Не қилсангиз қилинг, фақат айтганимнимас.
Боринг, ирганч қирол яна тўшакка тортсин,
Ёноғингиз тутинг, силаб-сийпасин сармаст.
Ўпичлари билан сизни бўваркан худди,
Меҳру карамингиз тошиб, сиз айтингизки,
Мен ақлдан озганмасман, ўзимни-ўзим
Жинниликка солгандирман. Шундоқ деб айтинг.
Маликаи моҳитобон бўлиб бевафо,
Шундоқ махлуқ, шундоқ мушук, шундоқ бақадан
Сир сақлаши жоизмикин?! Жоизмас асло.
Сиз жўрттага, масалдаги маймунга ўхшаб.
Қуш қафасин олиб, уйнинг томига чиқинг.
Ўша ердан қушчаларни бир-бир учиринг,
Кейин ўзни пастга отинг, не бўларкан, деб.
Ҳа, баланддан учган қушга тақлид этароқ,
Учаман, дуб бўйинингизни синдирунг шундоқ.

· М а л и к а

Сўзда - нафас, нафасда - жон жо экан, ишон,
Хўрсинмасман, то бўвилиб ўлсам ҳам майли,
Аммо сенинг асрорингни сотмасман.

Ҳ а м л е т

Мени
Англия жўнатурлар, эшитдингизми?

М а л и к а

Ҳа, афсуски, унутибман. Бу масала ҳал.

Ҳ а м л е т

Ёрлиқ ёзилмоқда. Икки мактабдош дўстим,
Садоқатда - икки қора илондан баттар,
Махсус мактуб ила равон этурлар йўлим,
Мени тўру тузоқ сари бошлаб борурлар,
Ҳа, майлига. Учирмоқни ўйлаган кимса,
Ажаб эмас, ўзи бирдан ҳавога учса.

Мен қазийман оёқлари остини шундоқ,
Ки муқаррар қулатаман, этаман тупроқ.
Ҳа, томоша бўлур дейман унда чинданам
Аҳмоқ қилувчилар ўзи бўларкан аҳмоқ!
Аввалбоши, манавини кўздан даф этай,
Ичак-увадасин судраб, даҳлизга элтай.
Хўп, онажон, хайрли тун. Бу маслаҳатчи
Энди анча ювошланиб, сипо тортибди;
Тиригида қаргадан ҳам қағилдоқ эди,
Хўп, тақсирим, энди сизни ўйламоқ лозим.
Хайрли тун, онажоним.

Иккови икки ёққа кетади. Ҳамлет Полонийнинг жасадини судраб чиқади.

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Қасрда бир хона.

Қирол, Малика, Розенкранц ва Гильденстерн кирадилар.

Қ и р о л

Нималар бор бу ниҳоний хўрсинишларда,
Магар мумкин эмасмидир этсангиз ошкор?
Ҳамлет қани?

М а л и к а

Бизни холи қўйинг, жаноблар.

Розенкранц ва Гильденстерн кетишади.

Шоҳим, нелар бўлганини билсангиз эди!

Қ и р о л

Нима бўлди, Гертруда? Ҳамлет қаёқда?

М а л и к а

Шамол билан талашган бўз тўлқинлар каби
Шиддатланиб югурмоқда, ҳайқирмоқда у.
Жазаваси тутган маҳал гилам ортидан
Шарпа эшитди-ю, бирдан унга отилди.
"Каламуш!" деб қичқирганча, чиқариб қилич,
Пистирмада турган чолни қонга ботирди,
Бир зарб ила адо қилди.

Қ и р о л

Йўғ-ей, наҳотки!
Биз ҳам қутулмасдик, унда бўлсайдик агар,
Унинг эрку ихтиёрда юриши - хатар
Ҳам сиз учун, ҳам биз учун, ҳар кимса учун.
Хўш, бу қотилликнинг энди жавобгари ким?
Ким бўларди, ҳайҳот, бунга ўзим жавобгар.
Чолга паноҳ бўлиб, уни четга олмадим.
Ҳаммасига боис - бизнинг севги-муҳаббат,
Бизни тадбир-фаросатдан айирган ўша.
Оиламиз учун офат-фалокат бўлган
Шармандали касалликни яширдик нега?
Уни ошкор айламадик, ичга ҳайдадик.
Мана, нима бўлди? Ҳозир қайга кетди у?

М а л и к а

У мурдани кўтарганча кетди бир ёққа,
Тупроқ ичра ярақлаган олтинга ўхшаб,
Руҳи бирдан равшан тортди қабоҳат оша,
У қилмиши учун йиғлаб, надомат чекар.

Қ и р о л

Кетдик, Гертруда! Қуёш кўтармасдан бош,
Ҳамлет сузиб кетар бундан, кемага тушиб.
Бу балони хаспўшлаймиз бир бало қилиб,
Бошқа нима илож ахир. - Гильденстерн!

Розенкранц ва Гильденстерн киришади.

Ўзингизга бир ёрдамчи тошинг: шаҳзода
Жаҳли қўзиб, Полонийни ўлдириб қўймиш.
Маликанинг ётоғидан алақаёққа
Олиб чиқмиш уни, авраб, қўлидан олинг,
Кейин бутхонага элтинг. Қани, шошилинг!

Розенкранц ва Гильденстерн кетишади.

Гертруда, юр, йиғайлик аҳли арконни,
Билдирайлик янгиликни, ниятимизни.
Балки гийбат тоши худди жаҳонни кесиб.
Замбарақдан отган ўқдек вишиллаб, сузиб,
Бизни четлаб ўтиб, бўм-бўш ҳавога кетар,
Балки улар маслаҳати бунга кор этар.
О, маликам, кетдик, менга ҳамроҳ бўлгайсан,
Бугун юрагим ваш, бир оз хавотирдаман.

Кетишади.

Иккинчи саҳна

Ўша жой. Бошқа бир хона.

Ҳамлет киради.

Ҳ а м л е т

Уни яхшилаб яширдим.

Р о з е н к р а н ц в а Г и л ь д е н с т е р н

(Саҳна ортидан)

Ҳамлет! Шаҳзода Ҳамлет!

Ҳ а м л е т

Бу не шовқин? Ким у, Ҳамлетни чақираётган?
О, мана улар.

Розенкранц ва Гильденстерн киришади.

Р о з е н к р а н ц

Милорд, не қилдингиз, айтинг, жонсиз жасадни?

Ҳ а м л е т

Уни ўзи каби жонсиз тупроққа қордим.

Р о з е н к р а н ц

Айтинг, қайда, бутхонага элтамиз уни.

Ҳ а м л е т

Буни ўйламанг ҳам.

Р о з е н к р а н ц

Нимани, милорд?

Ҳ а м л е т

Менинг ўз маслаҳатимни қўйиб, сизнинг маслаҳатингизга юришимни. Хўш, қандайдир бир "булутча" нега мени сўроқ-қистоқ қилади? Мен, шаҳзода, бунга нечун жавоб берай?

Р о з е н к р а н ц

Сиз мени "булутча"га ўхшатыпсизми, шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

Ҳа, тақсир, подшонинг марҳамати ва хайр-садақаси билан кун кўрувчи "булутча"га. Зеро, сиздақалар подшонинг энг яхши малайлари бўласиз. Қирол маймунга ўхшаб, сизни лунжида сақлаб юради. Ҳаммадан олдин оғзига солиб, ҳаммадан кейин ютади. Зарур бўлганда-чи, бир сиқади-ю, сўриб-симирганингизни шундоқ олади-қўяди, сиз яна қуп-қуруқ бўлиб қолаверасиз.

Р о з е н к р а н ц

Мен сизни тушунолмаяпман, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Бу мени хурсанд қилади... Аҳмоқ ҳазилни не билсин.

Р о з е н к р а н ц

Милорд, жасаднинг қайдалигини айтиб, биз билан қирол ҳузурига боришингиз лозим.

Ҳ а м л е т

Жасад қиролда, аммо қирол жасадда эмас. Қирол шундай нарсаки...

Г и л ь д е н с т е р н

Нарса, дейсизми, шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

Ҳеч нарса. Қани, бошланг мени унинг ҳузурига. Сичқон ўрага тушди - гулдур-гуш...

Кетадилар.

Учинчи саҳна

Қасрда бошқа бир хона.

Қирол хос маҳрамлари билан киради.

Қ и р о л

Уни топиб келмоқ учун киши юбордим,
Жасадни ҳам топингиз, деб айладим фармон.
Эркин юрар экан, қаранг, қандай хавфли у,
Лекин қаттиқ жазолаб ҳам бўлмас бегумон,
Авом унга ихлосманддир, биласиз, мардум
Ақли эмас, кўзи билан чиқарар ҳукм.
Жазо кўрган жойда шарҳи савол айламас,
Бу нечун деб. Силлиққина битсин учун, бас,
Бу сафарни келишилган, муқаррар бўлган
Хизмат юзасидан иш деб тасвирлагайсиз.
Оғир хасталарга ўткир дорилар жоиз.

Розенкранц киради.

Хўш, нима гап? Топилдими, тополдингизми?

Р о з е н к р а н ц

Йўқ, подшоҳим, жасадни ҳеч тополмаяпмиз.

Қ и р о л

Ўзи қайда?

Р о з е н к р а н ц

Ўзи эшик ортида, шоҳим.
У назорат остидадир, амрингизга шай.

Қ и р о л

Хўп, бўлмаса, олиб кириг.

Р о з е н к р а н ц

Гильденстерн,
Шаҳзодани олиб кириг.

Ҳамлет ва Гильденстерн кирадилар.

Қ и р о л

Хўш, Ҳамлет, Полоний қайда?

Ҳ а м л е т

Зиёфатда.

Қ и р о л

Зиёфатда? Нечук зиёфатда?

Ҳ а м л е т

У шундоқ бир зиёфатки, шоҳим, унда у эмас унинг ўзини ейишади. Ҳозир, ҳойнаҳой, қурт-қумурсқаларнинг бутун бир галаси уни ўртага олиб, талаш-талаш қилиб ётишгандир. Жаҳондаги жамики амалдорларнинг подшо-си, мен сизга айтсам, қурту қумурсқа бўлади. Биз ўзи-мизни боқиш учун не-не жониворларни еймиз, лекин алал-оқибат боқувдаги танимиз билан ўзимиз қуртларга ем бўламиз. Бақалоқ шоҳми ёки қилтириқ гадо - бари бир, бу - битта дастурхонга тортилган икки хил таомдек гап, яъни, оқибат битта.

Қ и р о л

Ҳайҳот! Ҳайҳот!

Ҳ а м л е т

Қиролни еган қурт билан балиқ тутдинг нима-ю, ёки қуртни еган балиқни тутиб, тановул қилдинг нима.

Қ и р о л

Бу билан нима демоқчи бўласан?

Ҳ а м л е т

Ҳеч нарса, фақат подшо деган гадонинг ичакларида ҳам сайр эта олади, демоқчиман, холос.

Қ и р о л

Полоний қайда?

Ҳ а м л е т

Арши аълода. Ишонмасангиз, чопар юборинг, кўриб келсин. Мабодо у ерда топилмаса, ўзингиз бошқа жойни излаб қаранг. Борди-ю, бир ойгача топилмас экан, уни даҳ-лизга кираверишда димоингиз билан искаб, топа оласиз.

Қ и р о л

(Хос маҳрамлардан бирига)

Айтган жойини қараб кўринг.

Ҳ а м л е т

У ташрифингизга мунтазир.

Хос маҳрамлар чиқишади.

Қ и р о л

Кўп ножўя бўлди қонли қилмишинг, Ҳамлет.
Сени омон сақламоқни айлаб муддао,
Жоиз кўрдик зудлик билан жўнатишни то,
Шу ондаёқ равона бўл, дарҳол жўнаб кет,
Кема тайёр, эсаётир йўлчи шамоллар,
Жамоат жам, сафар учун ҳамма нарса шай
Англия томон тезда сузиб кетмоққа.

Ҳ а м л е т

Англиягами?

Қ и р о л

Шундоқ, Англияга.

Ҳ а м л е т

Бу жуда соз.

Қ и р о л

Балли, билдинг ниятимизни.

Ҳ а м л е т

Мен ниятингизни иллаган фаришталарни кўриб турибман.
Бўпти, Англияга бўлса, Англияга! - Хайр, азиз онажоним!

Қ и р о л

Балки, азиз отажоним, демоқчидирсан, Ҳамлет?

Ҳ а м л е т

Йўқ - онажоним. Эр-хотин - ота-она, ота-она - битта
тана, демак, ҳилигидек: хайр, онажоним. Демак, Англияга!

Кетади.

Қ и р о л

Қувиб етинг. Тутиб дарров кемага тортинг,
То қолмасин бунда унинг изи ҳам ҳатто.
Хайр. Хатда ҳамма гапни этганмиз иншо.
Расмиятлар бари бажо. Қани, шошилинг!

Розенкранц ва Гильденстерн кетишади.

Эй сен, Англия, менинг муҳаббатимни
Қадрласанг, балаңд эса сўзимнинг қадри,
Ўша менинг шиддатимдек зўр эса ҳали,
Ҳали Даниянинг ўтли шамшири солган
Жароҳатинг ёниб, шундоқ тавозе билан
Хирож тўларкансан, четлаб ўтарман, дема
Сенга ёзган фармонимнинг бир ҳарфини ҳам...
Ҳа, яширин дучор этгил, дея ўлимга.
Мен Ҳамлетни фармон билан бердим қўлингга,
Бажо айла, Англия! Иситма каби,
Қонларимни ёқиб, мени куйдирмоқда, бас,
Бу офатдан, фалокатдан халос эт мени,
Бусиз ҳаёт ҳаёт эмас, куним кун эмас.

Кетади.

Тўртинчи саҳна

Данияда бир яланглик.

Фортинбрас, капитан ва аскарлар киришади.

Ф о р т и н б р а с

Даниянинг қиролига йўллайман сизни,
Капитан, то етказгайсиз, битимга кўра,
Юртингиздан ўтаётир Фортинбрас, деб.
Йигин жойи сизга маълум. Ҳа, айтиб қўйинг,
Агар бизга тушар экан эҳтиёжи-кор,
Биз биринчи чорловдаёқ хизматга тайёр.

К а п и т а н

Етказаман, милорд.

Ф о р т и н б р а с

Қани, қўшиним, олға!

Фортинбрас аскарлари билан кетади. Ҳамлет, Розенкранц,
Гильденстерн ва бошқалар киришади.

Ҳ а м л е т

Булар - кимнинг қўшинлари?

К а п и т а н

Норвег лашкари.

Ҳ а м л е т

Юриш қайга?

К а п и т а н

Польшага.

Ҳ а м л е т

Саркардангиз ким?

К а п и т а н

Шаҳзодамиз Фортинбрас, қирол жияни.

Ҳ а м л е т

Сизнинг юриш сарҳадгами ё ичкарига?

К а п и т а н

Гапнинг рости, юришимиз арзимайдирган,
Тароватсиз ва унумсиз парча ер учун;
Ер нимаси, ер дегани номига холос.
Агар менга қолса, унинг ижарасига
Ҳаттоки беш тангани ҳам раво кўрмасдим.
Норвегия билан Польша сотувга қўйса,
Оладиган харидор ҳам топилмас балким.

Ҳ а м л е т

Хўш, поляклар нечун уни ҳимоя қилар?

К а п и т а н

О, у ёққа катта қўшин тортишган улар.

Ҳ а м л е т

Икки минг жон, боз устига, ўн минглаб маблағ
Соврилади унда, афсус бир боғ похол деб.
Баъзида-чи, соппа-соғлом юрган инсонлар.
Ички иллат билан шундоқ адо бўлишар.
Хўш, ташаккур, тақсир!

К а п и т а н

Тангри асрасин сизни.

Кетади.

Р о з е н к р а н ц

Марҳаматли, милорд, йўлга тушайлик энди.

Ҳ а м л е т

Бораверинг. Ортингиздан етиб оламан.
Ҳамлетдан бўлак ҳамма кетади.
Ҳамма нарса гумонимга далил ва кафил,
Ҳамма нарса қасос, дея қистайди. Аммо,
Кун ўтаркан, ёлғиз ишинг, ёлғиз хоҳишинг -

Уйқу билан овқат эса, баҳойинг нима?
Баҳойинг шу: ҳайвондирсан, одам эмассан.
Зеро, бизга ақл ато этган Худованд,
Ўтмиш билан истиқболдан тушунча бериб,
Бизнинг шуур, шу нодиру ноёб тафаккур
Беҳудага чирисин, деб ато этмаган.
Бас, асосий айб нимадир, иллат қаёнда?
Ҳайвон фаромушлигимиз ёки инсоннинг
Икир-чикиргача бўлган майдакашлиги?
Ҳар нарсани майда таҳлил қилиб қараши -
Бунинг чорак қисми - фикр, қолгани қўрқув,
Йўқса, нечун қасос, дея такрорлаб нуқул
Имиллайман, қасосимни орта сураман,
Куч, ирода, ҳақ баҳона тайин-ку менда?
Аҳволимнинг шу бетайин қиёфасини
Ҳамма нарса таъкидлайди. Масалан, мана,
Норвег қўшинлари ўтди тантиқ, эркатой,
Кибри бир шаҳзоданинг қўли остида.
У шуҳратга ошиқади, шуҳрат деб ҳатто
Майдон сари, ўлим сари боради тикка.
У хурсанддир шу ишни деб жонини тикса,
Ўша иши бир чақага арзимас аммо,
Марди майдон улким, қадам қўймас бесабаб.
Аммо номус-ор йўлида жанг майдонига
Тушар сариқ сомонни деб тарафма-тараф.
Отам ўлдирилди, эвоҳ, онам булғанди.
Юрагимда ғазаб қайнар: лекин шу замон
Чор атрофга анрайганча боқаман ҳайрон,
Уят, хижолатга ботиб, шармайдларча,
Тўшаккамас, туцроққа бош қўймоққа ҳозир.
Йигирма минг фидойига ташлайман назар,
Боришади бажону дил жон бермоққа шай.
Ҳа, уларни ҳайдаб борар шуҳрат арвоҳи
Ва бир парча ер, деб худди қиронга солар.
Жанг бўларкан, ўша ер ҳам торайиб қолар,
Ўлганларни кўмишга ҳам етишмас балки.
О, идроким, қонларга тўл, қонга тўл чанқоқ,
Даҳшат солиб яша ёки яшама мутлоқ!

Кетади.

Бешинчи саҳна

Қасрда бир хона. Малика ва Ҳорацио жиради.

М а л и к а

Уни қабул қилолмайман.

Ҳ о р а ц и о

У шовқин солар
Назаримда бир оз асар етганга ўхшар,
Келинг, унга шафқат қилинг.

М а л и к а

Унга не бўлди?

Ҳ о р а ц и о

Нуқул отасидан сўйлаб, кўксига муштлар,
Ёлғончи, деб қарғишларга кўмар дунёни.
Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, жаҳлга минар,
Айқаш-уйқаш гаплар айтар. Сўзи бемаъни.
Аммо уни тинглаганлар гап илгар чиндан -
Бу сўзлар, бу бўйилишлар, ишоратлардан.
Ва тахмину тусмол қилиб ўйлашар бешак,
Бежиз эмас, ўт бўлмаса - тутун қаёқдан;
Бунда балки бир жиноий сир бўлса керак...

М а л и к а

Майли, кира қолсин.

Ҳорацио чиқади.

Ахир душманлар учун
Миш-мишларга сабаб топиб бериши мумкин.
Мен биламан, хаста кўнгиш, шикаста виждон
Ҳар нарсада фалокатдан нишона кўрар,
Ўз айбини яширмаққа уринаркан у,
Яширолмас, асрорини - фош қилиб қўяр.
Ҳорацио Офелия билан киради.

О ф е л и я

Даниянинг маликаи ҳусни қаёнда?

М а л и к а

Нима бўлди, Офелия?

О ф е л и я

(Куйлайди.)

Қайдан биларман келса
Сизнинг мубтало?
Бошида қалпоғи бор,
Қўлида асо.

М а л и к а

Эвоҳ!.. Жоним, бу қўшиқнинг маъноси нима?

О ф е л и я

Маъносими? Йўқ-йўқ, ўтинаман эшитинг.

Куйлайди.

Ўлди, хоним, ўлди у,
Ерга қўйиб бош.
Бошида кўм-кўк тикан,
Оёғида тош.
Оҳ-ҳо!

М а л и к а

Менга қаранг, Офелия...

О ф е л и я

Ўтинаман, эшитинг,
Кафани қордек оппоқ...

Қирол киради.

М а л и к а

Ҳайҳот! Бу шўрликка назар солинг, шоҳим!

О ф е л и я

Чечаклар чаман,
Кўз ёшлардан бошимни
Кўтаролмайман.

Қ и р о л

Аҳволингиз нечук, азизим?

О ф е л и я

Тузук, Худо хайрингизни берсин, тузук. Айтишадики, бойқуш - новвойнинг қизи бўлган экан. Бас, бизни нималар кутишини ким билсин. Тангри таоло ризқингизни зиёда қилсин.

Қ и р о л

(Четга)

Отам билан гаплашаяпман, деб ўйлайди шўрлик.

О ф е л и я

Ўтинаман, бу ҳақда бировга оғиз очманг. Борди-ю, бунинг маъноси нима, деб сўраб қолишса, шундоқ деб жавоб беринг:

Куйлайди.

Севги куни борайин

Остонингизга.

Дарча олдида бўлай

Жонона сизга.

У турар, эшик очар,

Қиз чиқар ҳамон.

Кирганида қиз эди,

Чиққанда - жувон.

Қ и р о л

Офелия, азизим!

О ф е л и я

Мана, онг ичмасданоқ тугатаман.

Куйлайди.

Мунча расво бўларми

Дунёнинг иши,

Шунча ҳам бағритошми

Ёшлиқда киши?

Мени йиқмасдан олдин
Қўлим сўрдингиз...
Шундоқ бўлмасди бир оз
Сабр қилсангиз.

Қ и р о л

Кўпдан шунақами?

О ф е л и я

Умид қиламанким, ҳаммаси бахайр бўлади. Биз сабр қилишимиз керак. Аммо уни қора ерга кўмдилар, деб ўйладимми, бас, йиглайвераман. Акамга хабар қилиш лозим. Яхши маслаҳатингиз учун ташаккур. Қайрил, менинг каретам. Хайрли тун, хонимлар. Хайрли тун, гўзал жононлар. Хайрли тун. Хайрли тун.

Кетади.

Қ и р о л

Орқасидан боринг. Унга кўз-қулоқ бўлинг.

Ҳорацио кетади.

Мана, алам асорати. Бутун фалокат
Отасининг ўлимида. Оҳ, Гертруда,
Ташвиш-алам таниб қолди бизларни жуда,
Тўдалашиб келаётир. Биринчи офат -
Унинг отасию сизнинг қувғинди ўғил,
Қувғин этилишга мутлоқ лойиқ эди ул.
Иккинчиси - халойиқдир. Бутун лой-ғубор.
Тубанлардан кўчиб-қалқиб, юзага чиқди.
Ҳозир ҳамма Полонийни гапирар худди.
Ҳа, биз уни яширинча дафн этдик бекор.
Учинчи ғам - Офелия бораркан сўлиб,
Кўринармиз унга суврат ё йиртқич бўлиб.
Ҳаммасидан ҳам ёмони: Франциядан
Лаэрт яширинча қайтиб, бир четда кутар.
Миш-мишларга қулоқ тутар, турфа оғизлар
Тўлдирмишлар қуловини ғийбатлар билан.
Гуноҳкорни топиб бўлмас. Бутун айбни, бас,
Бизнинг бошга ағдарурлар. Бу аросатлар

Мени қўймас, Гертруда, олмоққа нафас,
Худди ўқдек ҳар қадамда бағримга ботар.

(Саҳна ортида шовқин.)

М а л и к а

Эвоҳ, бу не шовқин?

Маҳрам киради.

Қ и р о л

Эшикбонларим қани?

Эшикларни қўриқлашсин, айтинг. Нима гап?

М а ҳ р а м

Ҳар дақиқа ғаниматдир, қочинг, ҳукмдор.
Довул чоғи тўлқинланган денгизга ўхшаб,
Шиддат билан келаётир қутурган Лаэрт,
Исёнчилар оломонин бу ёққа бошлаб;
Соқчилардан қуролларни тортиб олмоқда,
Авом уни қўлламоқда. То шу чоққача
Бу тупроққа ҳаёт, низом, тартиб-қоида,
Тарих ва тотувлик гўё бўлмаганидек,
Улар қичқиришар, "Лаэрт подшо бўлсин!" деб.
Қалпоқларин отиб худди булутга қадар,
Яна қичқиришар "Лаэрт қирол бўлсин!" деб.

М а л и к а

Мунча баланд ва чўзиқдир қичқириқлари!
О, Дания кўшаклари, қутурманг мунча!

Қ и р о л

Эшикни синдиришди.

(Шовқин кучаяди.)

Қуролланган Лаэрт, унинг изидан бир тўда даниялик-
лар киришади.

Л а э р т

Қирол қани? - Сиз эшикка чиқинг, жаноблар.

Д а н и я л и к л а р

Йўқ, кирамиз.

Л а э р т

Ўтинаман, чиқиб турингиз.

Д а н и я л и к л а р

Бўпти, чиқсак чиқибмиз-да, юринг.

(Эшикка чиқишади.)

Л а э р т

Ташаккур!

Эшикларни қўриқланг. Хўш, лаънати, қирол,
Менинг отам қани?

М а л и к а

Ўзни босингиз, Лаэрт.

Л а э р т

Гар ўзимни боса олсам шу дақиқада,
Мен - ҳароми ўғилдирман, падарим - шайтон;
Пок, бегуноҳ онам эса пешонасига
Фаҳшу фужур муҳри тушган аянч фоҳиша.

Қ и р о л

Лаэрт, айт-чи, бу шўриши оломон надир?
Гертруда, қўятур, у ахир безиён:
Қирол салганати - Тангри паноҳидадир,
Қанча хуруж этишмасин душманлар, инон,
Унга даҳл қилолмаслар. Қани, иқрор эт
Нимадир бу қутуришнинг боиси, Лаэрт?
Қани, менга жавоб бер-чи? Қўй, Гертруда.

Л а э р т

Отам қани?

Қ и р о л

Қабрда у.

М а л и к а

Ахир бу ишда
Қирол айбдор эмас-ку.

Қ и р о л

Қўй, сўраб билсин у.

Л а э р т

Хўш, у қандай ўлди? Лекин лақиллатиш йўқ!
Мен рутба-ю қасамларни поймол этарман.
Шайтонларга жўнатурман киборлик бурчим.
Жазо билан қўрқитаман деманг. Ишонинг:
У дунёю бу дунёси бари бир энди,
Нима бўлса бўлар, лекин падарим учун
Мен интиқом олажакман!

Қ и р о л

Ким тақиқлайди?

Л а э р т

Ҳеч ким тақиқ этолмагай, лекин иродам
Шуни даъват этар экан, қуролим ҳам шай,
Бунинг учун ташвиш тортманг.

Қ и р о л

Истармидингиз?

Билишни шу ишнинг асл тафсилотини?
Аммо, билгач - аламлардан кўзингиз тиниб,
Нақ бир даста карта каби аралаштириб:
Дўсту душман, ҳақ-ноҳақни савамайсизми?

Л а э р т

Фақат душманларни.

Қ и р о л

Билсам, дейсиз, уларни?

Л а э р т

Ҳа, дўстларга эса доим қучоқ очаман,
Зарур бўлса, улар учун қоним сочаман.

Қ и р о л

Мана, энди тамкин билан сўзламоқдасан,
Асл ўғил, аслзода фарзандга монанд.
Отангизнинг ўлимида гуноҳсизлигим,
Унга ўртанишим бўлур қуёшдек равшан.

Д а н и я л и к л а р

(Саҳна ортидан)

Қани, унга йўл берингиз!

Л а э р т

Бу нима шовқин?

Офелия киради.

Ҳазаб, қуриг миямни! Эй, кўз ёшим шўри,
Етти карра тахир тортиб, куйдир кўзларим!
Тангри шоҳид, мен муносиб жавоб бераман
Сенинг сўниб, адо бўлган идрокинг учун!
Жигарбандим, Офелиям, синглим, чечагим!
Қари чолнинг адо бўлган, омонат умри
Қиз ақлини созуришин қайда кўрмишлар?
Ҳа, муҳаббат иши асли фидойилиқдир,
Азиз кишиси деб азиз жонидан кечар.

О ф е л и я

(Куйлайди.)

Тобутиң, очиб қўйиб,
Элтдилар қадам-қадам.
Ёшим тобутга томди,
Алвидо, қумригинам!

Л а э р т

Ақлинг бутун бўлиб, қасос олганингда ҳам
Дилга титроқ сололмасдинг, жоним, шунчалар.

О ф е л и я

Сиз куйланг: аста-аста,
Чақиринг пастга-пастга.

Вой, чархнинг айланишини қаранг! Ҳа, бу-чи, ўз хўжай-
инининг қизини олиб қочган шум хизматкор.

Л а э р т

Бу пойма-пой сўзларда ҳам тайин маъно бор.

О ф е л и я

Мана бу размарин қувваи ҳофиза учун: олинг, севиб,
хотирлаб юринг. Мана бу бинафша эса, фикрлашга ёрдам
беради.

Л а э р т

Жинниликнинг ҳикматини қаранг: фикр ва ҳофизани
бир-биридан ажратмайди.

О ф е л и я

Мана бу шивит сизга, қўнғироқ гуллар ҳам. Мана судоб
чечагини ҳам ола қолинг. Мана булар эса ўзимга. Бунини "Биби
Марям гиёҳи" деса ҳам бўлаверади. О, сиз бунини бошқача-
роқ қилиб тақинг. Раъно гуларим ҳам бор. Мен сизга би-
нафша бермоқчийдим, аммо отам ўлгандан сўнг улар сўлиб
қолишди. Айтишларича, у осонгина жон берибди.

(Кўйлайди.)

Гўзал Робинжоним - менинг қувончим...

Л а э р т

Қайғу-алам, севги, ҳатто, жинниликка ҳам
У жозиба бағишлайди.

О ф е л и я

(Кўйлайди.)

Наҳотки у келмайди?
Наҳотки у келмайди?
Йўқ, у ўлмиш,
Кўмилмиш,
Энди сенинг навбатинг.
Соқоли оппоқ эди,
Сочи қўнғироқ эди,

Кетди,
Раҳмат, топсин, деб
Дуо ўқийлик энди...
Исо пайғамбарнинг жумла умматлари руҳи ҳурмати, ша-
фқат қил, Худойим. Хайр, Тангри сизни паноҳида асрасин.
Кетади.

Л а э р т

Кўрдингизми? Ё Худойим!

Қ и р о л

Эшитинг, Лаэрт,
Ишонингиз сизга дилдан дардкашлигимга
Ва ўзимни оқлаш учун берингиз имкон.
Энг оқил, энг фаросатли дўстларни йиғинг,
Токи бизни тинглаб, улар этишсин ҳукм.
Бизга қарши бирор далил-гувоҳ топилса,
Бевосита дахлдор ё билвосита, биз
Эваз олмай, тожу тахтни, мулку давлатни
Ҳаттоки шу жонимизни нисор этгаймиз.
Агар далил топилмаса, этгайсиз сабр,
Биз билан сиз биргалашиб, иттифоқ бўлиб,
Топажакмиз бу мушкулга чораи тадбир.

Л а э р т

Майли. Аммо ўлим сири, пинҳоний дафн,
Қабр тоши узра қутлуғ хонадон муҳри
Ва қиличнинг бўлмаслиги, расму рўсумлар,
Таомилнинг бузилгани, бир йўла бари -
Кўқдан фарёд-фигон солиб, тупроқ-заминдан
Жавоб сўрар.

Қ и р о л

Муқаррар у жавоб олади;
Жиноятчи жаҳаннамга дучор бўлади.
Қани, юринг.
Чиқадилар.

Олтинчи саҳна

Қасрда бир хона.

Ҳорацио ва хизматкор кирадилар.

Ҳ о р а ц и о

Ким у, мени йўқлаётган?

Х и з м а т к о р

Бегим, матрослар.

Номингизга мактуб олиб келишган улар.

Ҳ о р а ц и о

Айт, киришсин.

Хизматкор чиқади.

Ажаб, мактуб қаёқдан бизга?

Ким ҳам мактуб ёзар эди Ҳамлетдан ўзга.

Матрослар киришади.

Б и р и н ч и м а т р о с

Салом, тақсир...

Ҳ о р а ц и о

Танграм сени саломат сақласин.

Б и р и н ч и м а т р о с

У истаса, кифоя, биз йўқ демаймиз. Мана, тақсир, сизга мактуб. Бу Англияга жўнаб кетган кемадаги элчидан. Менга айтишганидек, исмингиз Ҳорацио бўлса, бас.

Ҳ о р а ц и о

Ўқийди.

"Ҳорацио, бу мактубни ўқибок, чорасини қилким, ушбу одамлар қирол ҳузурига киришсин. Уларда қирол номига номалар бор. Денгизга чиққанзимизга ҳали икки кун ҳам бўлгани йўқ эди, тиш-тирноғигача қуроланган қароқчи-

лар изимизга тушди. Сузишда суръатимиз суст келиб, ур-
йикит авжга чиққанда, мен уларнинг кемасига сакрадим.
Лекин кемалар ажрашди-ю, мен улар қўлида якка-ёлғиз
асир бўлиб қолавердим. Улар менга шафқатли қароқчи-
лардек муомала этишди. Шинаванда йигитлар экан. Шунга
яраша мен ҳам уларга хизмат қилишим керак. Илова этил-
ган мактубларни қиролга топиширу худди оргингдан ажал
қувгандай, мен томонга уч. Мен қулогинга шундай бир
гаплар айтаманки, ҳайратдан нақ қотиб қоласан, аммо бу
ҳали хамир учидан патир. Анави азаматлар мен турган
жойга сени бошлаб келишади. Розенкранц ва Гильден-
стерн эса Англияга қараб сузишда давом этишяпти. Улар
тўғрисида ҳам айтадиган гапларим талай. Хайр. Бешаку
шубҳа сенга содиқ бўлган Ҳамлет".

Юринг, қолган мактубларни топирайдик-да,
Мактуб эгасига томон тушайлик йўлга.

Кетадилар.

Еттинчи саҳна

Қасрда бир хона. Қирол ва Лаэрт киради.

Қ и р о л

Энди сизнинг бурчингиздир, мени дўст билиб,
Ҳайдасангиз юракдаги кийн-қудуратни.
Кўрдингизми, отангизни ҳалок этган зот
Мени ўлдирмоқчи бўлди.

Л'а э р т

Кўриб турибман,
Аммо нега шундоқ жиддий иш юзасидан
Тадқиқ этмадингиз, тергов буюрмадингиз?
Қонун-қоидани четлаб ўтдингиз?

Қ и р о л

Бунинг икки сабаби бор: балки сизнингча,
Айтишга арзимас, аммо мен учун муҳим.
Уни алқар, уни жондан севар малика.
Бу яхшими ё ёмонми - этингиз ҳукм.

Биз эр-хотин пайвастамиз бир-бирга гўё
Битга жисму жонмиз, худди юлдуз ва само.
Иккинчи бир боис шуки, нега мен ошкор
Тошширмадим уни дарҳол ҳозик ҳакамга.
Халойиқ кўп ихлосмаңддир, муҳибдир унга,
Унинг қилган хатосини хизматга йўяр.
Халқ дегани худди мармар булоқнинг тузи,
Мавжларига новда тушса, тош қилиб қўяр.
Шунинг учун бу балога тегмаган маъқул,
Йўқса, шиддатланиб, худди кўтариб бўрон,
Отган найзангизни сизга қайтиб отар ул.

Л а э р т

Демак, отам ўлимини унутаё буткул,
Ҳам унутаё синглим дучор бўлган балони?
Бўлган бўлди, мақтов билан қайтариб бўлмас,
Аммо синглим бир нодири даврон эди, бас,
Мен интиқом олажакман.

Қ и р о л

Хотиржам бўлинг.
Ўйлайсизки, мен анқайган нодон бир банда?
Нима, шундоқ рўпарамдан таҳдид этишса,
Соқолимни тортқилашса, қўярмидим мен?
Қолганини кейин англаб оласиз, Лаэрт.
Гапнинг хулосаси шуки, сизнинг отангиз
Менга дўсту содиқ эди, мен эсам ҳаргиз
Ўз-ўзимга кушандамас, етар, менимча...

Чопар киради.

Хўш, нима гап? Тағин нима?

Ч о п а р

Мактуб, подшоҳим,
Ҳамлетдан хат. Бу сизга, бу маликамизга.

Қ и р о л

Ҳамлетдан? Хўш, ким келтирди?

Ч о п а р

Аллақандай матрослармиш. Ўзим кўрмадим.
Менга Клавдио берди бу мактубларни,
Матрослардан ўша олган.

Қ и р о л

Эшитдингизми?

Лаэрт, ўқиб берай сизга. Сиз чиқиб туринг.

Чопар чиқади.

Ўқийди.

"Улуф ва қудратли ҳукмдор, маълум бўлсинким, мени қип-яланғоч ҳолда салтанатингиз соҳилларига келтириб ташлашди. Эртага назари олийларига рўпара бўлишга ижозат сўрайман, токи шафқат-марҳаматларига суяниб, менинг бу ногаҳоний ғалати бир йўсинда қайтишимнинг тафсилотларини баён айлай, Ҳамлет".

Хўш, нима бу? Қайтганмикин ҳамма бир йўла?

Ёки бу уйдирма, силлиқ кетмоқдами иш?

Л а э р т

Бу Ҳамлетнинг қўлими?

Қ и р о л

Ҳа, унинг имзоси.

Манави "қип-яланғоч" ва кейин пастроқда

Яна "Ёлғиз ўзимман" деб этган илова -

Не дегани? Булар бари, сизнингча; нима?

Л а э р т

Билолмадим. Лекин унга учрасам, дейман,

Ва юзига таъна-дашном тошини отсам.

Шуни ўйлаб, руҳим енгил тортар ҳалитдан.

Қ и р о л

Ундоқ бўлса, тагин бизга нима иш қолди?

Баски, шундоқ экан, демак, ишимиз бажо.

Лаэрт, сизни ўзим йўлга бошлайман.

Л а э р т

Бошланг,
Яраштираман, деб лекин ўйламанг асло.

Қ и р о л

Яраштириш! Йўқ, аксинча. Қайтиб келди ул,
Қайта жўнатишнинг эса чораси мушкул.
Шунинг учун мен бир бошқа чора ўйладим,
Уни шундоқ фалокатта бошлаб борайки,
Ҳалок бўлсин ўз изми, ўз хоҳиши билан.
Шунда ҳар-хил миш-мишлар ҳам топади барҳам,
Ҳатто онаси ҳам буни макру тузоқмас,
Тасодиф деб билар.

Л а э р т

Мени бошланг, ҳукмдор,
Яна соз бўларди, сиз бир режа тузсангиз,
Мен бир қурол бўлсам.

Қ и р о л

Бўпти, шу қатъий қарор.
Бунда сизни унутмадик, хотирга олдик,
Ҳамлет ҳузурида таъриф-тавсифга солдик,
Ажиб сифатингиз, шоён ҳунарингизни.
У сиздаги бир нарсага ғоят ҳавасман,
Аммо, менга қолса, уни шоён демасман.

Л а э р т

Хўш, нима у?

Қ и р о л

Қалпоғингиз буржидаги бант,
Навқиронлик нишони у, жоиздир гарчаңд
Йигитликда енгил чакмон кийиш - бир расм.
Аммо, қариганда саломатликни ўйлаб,
Мовут-мўйна иссиғига ўраниш лозим.
Икки ойча муқаддам бир бекзода нормаңд
Бунда меҳмон эди. Не-не французларни
Кўрганман ва улар билан майдон сурганман.

Чавандозлик ҳунарида улар беназир.
Аммо, бу ягона, бу - бир сеҳргар шайтон,
Гўё эгар билан чипша тутшиб кетган
Чир айланар экан, қадди-бастига боқиб,
Остидаги бедов билан биттами, дейсан.
Тушингга ҳам кирмас унинг мўъжизалари,
Ҳунарини айтиб, адо этолмагайман!
Хулмас, ақл бовар қилмас.

Л а э р т

Хўш, у нормандми?

Қ и р о л

Норманд.

Л а э р т

Ҳаётимни тикиб айтаман: Ламонд.

Қ и р о л

Худди ўша.

Л а э р т

Ҳамма билар: у ноёб гавҳар,
Ўз элининг фахри.

Қ и р о л

Сизни танишин айтди.
Яна мақтовларга кўмиб баҳолади у
Майдон аро қиличбозлик санъатингизни.
Айниқса-чи, у шиддатли шамшир жангида
Ягонаю якто, дея атади сизни.
У дедиким, энг жангари қиличбозлар ҳам
Дуч келаркан сизга, ўзни йўқотиб қўяр,
Яшинворий ҳамлангизга беролмас чидам.
Бу мақтовлар алам қилди Ҳамлетга роса,
Туриб-гуролмади, тиниб-тинчий олмади,
Қани, тезроқ учрасаю жанг қила қолса,
Мана, истасангиз, сизга тайёр баҳона.

Л а э р т

Баҳона? Мен тушунмадим. Нечук баҳона?

Қ и р о л

Хўш, айтинг-чи, Лаэрт, ота хотирасини
Чиндан эъзозлайсизми? Ё кори борингиз -
Шунчаки бир намойишми, суврат сингари
Жондан, ҳаракатдан маҳрум.

Л а э р т

Ажаб саволлар!

Қ и р о л

Отангизга меҳрингизни ким инкор этар?
Меҳр билан муҳаббатнинг онаси фурсат.
Ҳаёт шоҳид, фурсат яна ўзи кўрсатар -
Учқунми ё алангами ўша ҳарорат.
Муҳаббатнинг оташида модда бор шундоқ,
Агарда у сўхта бўлса, сўнади мутлоқ,
Тўлиб-тўлиб тўлқин уриш барқарор эмас,
Ошиб-тошиб кетар эса, адо бўлур, бас.
Хоҳиш борми, уни бажо айламоқ даркор.
Хоҳиш сўниб, ҳафсала пир бўлмоғи ҳам бор.
Истак деган минг мақомга йўрғалар, ҳайҳот,
Жаҳондаги жумла қўлу каладан зиёд.
Вақт ўтаркан, бўлмас афсус-надоматдан наф.
Бу маст-аласт бўлиб, кўз ёш оқизишдек гап.
Ҳамлет шунда. Сўздан бўлак, нима билан сиз
Кўрсатурсиз энди асл фарзандлигингиз?

Л а э р т

Магар бутхонада кўрсам, бўйнин узаман.

Қ и р о л

Қотил учун бутхонаю меҳроб не писанд?
Ахир, қасос деганлари чегара билмас.
Шундоқ экан, азизим, сиз уйда ўлтиринг,
Ҳамлет воқиф бўлар ўзи келганингиздан.
Француз изидан сизни ҳар бир қадамда
Мақтаб, кўтаришар худди кўкларга, шунда,
Қарабсизки, нақ рўбарў турибсиз иков,
Тараф бўлиб, иккингизга тикурмиз гаров.

Ҳамлет тўғри ва бепарво, ўша фурсатда
Қиличларни текширмайди, сиз эса шартта
Тўмтоғини кескирига алмаштирасиз,
"Ё қасос!" - деб тиккасига қилич урасиз.

Л а э р т

Аъло. Бунинг устига-чи, қилич тигига
Бир нималар сураман ҳам, шундай дори бор.
Мен бир баҳонада уни сотиб олганман.
Гар пичоққа суркасангиз, бармогингизни
Жиндек қонатсасиз, етар, масала тамом.
Ойли тунда афсун ўқиб, йиғилган гиёҳ,
Малҳам, муолижа унга этолмагай қор.
Қиличимни дорилайман шу заҳар билан,
Бас, заҳарли тигини сал тегизиб олсам,
Ўлди, деяверинг.

Қ и р о л

Яна ўйлайлик бир оз.
Бизни қандай тасодифлар кутиши мумкин,
Айтайликки, ниятимиз сезилиб қолди,
Ё чипшакка чиқиб, буткул бўлди ошқор,
Унда нима қилмоқ даркор? Бас, шунинг учун
Яна бошқа бир тадбири - тадорик даркор.
Шошманг... Ўйлаб кўрай. Мана, ўйладим, тайёр.
Биз-ку қиммабаҳо гаров тикамиз...

Хўш-хўш,
Ўртангизда кураш қизиб, оларкан хуруж -
Бунинг учун ҳамлаларни қалаштирасиз,
Ҳамлет шунда сув сўрайди, қадаҳ тутаман.
Қадаҳ тайёр турар; уни ичдими, тамом,
Ҳалокатли жароҳатдан омон қолса ҳам,
Бундан омон қола билмас. Бу нима шовқин?

Малика киради.

Ҳа, маликам!

М а л и к а

Яна битта фалокат, Лаэрт.
Синглингиз Офелия
Сувга ғарқ бўлди.

Л а э р т

Ғарқ бўлди?! О, қаерда?

М а л и к а

Сой бўйида мажнунтол бўз япроқларини
Тўлқинларга солиб турар. Шу ерга келиб,
Қиз бояқиш маржон тизмиш бинафшагулдан,
Газанда ўт, қоқи, яна тожи қип-қизил
Қидёқ бор-ку, чўпонлар кўп қўпол атаган,
Қизлар ўлик тирноғи, дер, ана ўшандан.
Кейин уни тол шохига илмоқчи бўлган,
Шох узилиб, шўрлик қўлда гулмаржон билан
Тўлқинланиб оқаётган сувга йиқилган,
Аввалига сув бетида кўйлаги балқиб,
Оқиб борган сув париси сингари қалқиб,
Бошидаги фалокатни пайқамай асло,
Қай бир эски кўшиғини куйлаган ҳатто.
Турган гапки, узоқ давом этмагандир бу,
Ва ҳўл бўлиб офирлашган кўйлаги қизни -
Кўшиқнинг авж нуқтасидан ўлим қаърига
Тортиб кетган.

Л а э р т

Чўкиб кетган?

М а л и к а

Чўкиб кетган у.

Л а э р т

Офелия, не тўлқинлар тегрангда ўйнар,
Кўз ёшларим билан сени ювайин, десам,
Аммо, нима қилай, ёшим тия олмасам?
Хижолатман, оқизади табиат ўзи,
Ва лекин шу билан бизда хотинларга хос -
Ҳар неки бор эса, уни кетар оқизиб.
Хайр, шоқим. Ўт олгандек ёнади жоним,
Кўз ёшларим томиб, яна сўнади жоним.

Қ и р о л

Гертруда, биласанми, қанча уриндим
Уни вазабидан пича туширмоқ учун!
Яна тутақмасайди, деб қўрқаман лекин,
Юр, ортидан борайлик-чи.

Кетадилар.

БЕШИНЧИ ПАРДА

Биринчи сахна

Қабристон. Белкурак ва чўкич кўтариб икки масхара-
боз - гўрков киради.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Ўз жонига қасд қилиш билан абадий роҳат ихтиёр
этгани христианча кўмиш жоизмикин?!

И к к и н ч и г ў р к о в

Жоиз экан-да! Сен гўрингни тезроқ қазийвер! Уни тер-
говчига кўрсатишган экан, христианча кўмилсин, деб фар-
мойиш берибди.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Шу энди қонуний эмишми?! Жонини қутқазиш учун
ўзини сувга отгандаям, жаноза раво бўларди.

И к к и н ч и г ў р к о в

Раво бўптики, шундай қилишибди-да.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Бунисботлаш лозим. Йўқса, қонун - қонун эмас. Ай-
тайлик, мен ўзимни атай сувга чўқтирдим. Бу уч ёқлама
иш. Бирламчи - шу ишни қилганим, иккиламчи - уни адо
этганим, учламчи - унга йўл қўйганим. Хулоса шуки, у
ўзини атай чўқтирган.

И к к и н ч и г ў р к о в

Вой, сен гўрков тушмагур-ей...

Б и р и н ч и г ў р к о в

Йўқ, сен шошма. Мана, олайлик, бу ерда сув ётибди; хўп яхши; бу ерда одам турибди; хўп яхши. Айтайлик, одам ўзини сувга чўктириш учун келяпти. Хоҳлайсанми, хоҳламайсанми, у келяпти, фаҳмладингми? Сув - бошқа гап. Агар сув келиб, уни босса, у ҳашша-ҳалол. Зеро, ўз ўлимита жавобгар бўлмаган киши ўз жонини Оллоҳ раҳматидан маҳрум этмайди.

И к к и н ч и г ў р к о в

Хўш, бу қонунми?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Ана, холос, қонун бўлмай нима: жиноят қидирув мод-дасининг худди ўзи.

И к к и н ч и г ў р к о в

Сенга ростини айтайми? Бу қиз аслзода бўлмаганда-чи, хиристианча кўмилмасди.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Баракалла. Ана шуниси алам қилади-да. Аслзодалар ўзини истаганча осса ҳам, чўктирса ҳам, майли, аммо биздақа фуқа-рога йўл бўлсин. Ҳа, майли. Ишга уннайлик. Аслида-чи, асл-зодалиқда боғбонлар, деҳқонлар, гўрковларнинг олдига туша-дигани йўқ. Уларнинг ҳунари Одам Атодан.

И к к и н ч и г ў р к о в

У киши магар аслзода бўлганларми?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Биринчи бўлиб, қўлига асбоб олган ўша ҳазратим-да.

И к к и н ч и г ў р к о в

Қўйсанг-чи, у қўлига асбоб-масбоб олмаган.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Нима, мажусиймисан? Китоб сўзига мункирмисан? Ўшанда айтилганки: "Ҳазрати одам ер ковлади". Хўш, ерни нима билан ковлайди, қуруқ қўл биланми? Яна бир савол. Фақат оғзингга келганини сайрама, йўқса, нақ кўрасанг ..

И к к и н ч и г ў р к о в

Хўш-хўш, сўрай қол.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Ким дунёда гиштчи-ю, кемасозу дурадгордан ҳам пишиқроқ қилиб иморат қуради?

И к к и н ч и г ў р к о в

Дор қурувчи уста. Унинг иморати ҳамма қурбонларидан узоқроқ умр кўради.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Худо ҳаққи, балосан. Дор деганинг - яхши. Аммо, кимга яхши? Иши ёмон бўлганларга яхши. Лекин дорни бутхонадан пишиқ, деганинг ёмон бўлди. Демак, дор дегани сенга ҳам яхши. Кел, бошидан туша қол, бу сафар сен сўра.

И к к и н ч и г ў р к о в

Ким дунёда гиштчи-ю, кемасозу дурадгордан ҳам пишиқроқ қилиб иморат қуради?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Энди жавобини ўзинг айтиб, бўлди қил.

И к к и н ч и г ў р к о в

Айтсам, айтавераман.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Хўш?

И к к и н ч и г ў р к о в

Билмайман.

Ҳамлет билан Ҳорацио кириб, четроқда туришади.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Бу билан бошингни минбаъд қотирма. Эшакни қанча ниқталама, бари бир чопмайди. Борди-ю, яна сўраб қолишса, жавоб бер: гўрков, унинг қурган иморати

қиёматгача тураверади. Ҳа, бўшти. Энди, оғайни чопқил-
лаб, Иогенга боргин-да, бир шиша шароб келтир.

Иккинчи гўрков кетади.

Биринчи гўрков гўр қазиб, куйлайди.

Йигитлик давронида,
Қизларга қурбон эдим.
Қурбон эдим, ўшанда,
Қандай беармон эдим.

Ҳ а м л е т

Мана у ўзи қилаётган ишнинг моҳиятини наҳотки англа-
ламаса? Гўр қазиб, қўшиқ айтади-я, хумпар.

Ҳ о р а ц и о

Кундалик одат бу ишни жўнлаштириб қўйган.

Ҳ а м л е т

Табийй. Қўл ҳам қаваргунча сезгир бўлади.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Куйлайди.

Келди қарилик аста,
Секин қўлимдан тутди.
Бахтларим, роҳатларим,
Билмадим, қайга кетди.

Битта бош суягини иргитади.

Ҳ а м л е т

Балки, бу чаноқда бир пайтлар тил бўлган, забон бўлгандир, балки у ҳам куйлагандир. Манави ярамас эса Қобилни ўлдириб, дунёда биринчи марта қотиллик қилган Ҳобилнинг жағини иргитгандай, уни улоқтириб ташлади. Эҳтимолки, манави эшшак шунчалар хор қилган бу суяк Тангрини ҳам лақиллатмоқчи бўлган бир сиёсатдоннинг калласидир. Шундоқ эмасми?

Ҳ о р а ц и о

Эҳтимол, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Ёки бир сарой амалдорининг бошимикин... У ҳар куни эрталаб: "Сабоҳ хайрли бўлсин, ҳазратим. Кайфияти олийлари нечук?" - деб сўрагандир. Уни фалончи бекзода деб аташган, у эса инъом олиш илинжида бошқа бекзоданинг отини мақтагандир. Тўғримасми?

Ҳ о р а ц и о

Тўғри, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Ҳа, худди шундоқ. Мана энди бедаво ажалга учраб, ўзи жағидан айрилиб ўтирибди, черков қоровули белкурак билан қаншарига туширади. Фаройиб бир ўзгариш. Фақат бу асрорнинг тағига инсон етолмайди. Бу суюқларни кейин соққа қилиб ўйнашлари учун шунчалар парвариш этиш жоизмикин?! Шуни ўйласам, суюқларим зирқираб кетади.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Куйлайди.

Белкурак, чўкични ол,
Янги кафанни шайла.
Чолга қабр қазий қол,
Уни ораста айла.

Бошқа бир калла суюгини ирғитади.

Ҳ а м л е т

Тагин биттаси. Хўш, нега энди бу бир қонуншуноснинг боши бўлмасин? Унинг ҳийлаю найранглари, илмоқ ва тузоқлари, тўқимаю уйдирмалари қаёқда қолди? Нега энди у манави жоҳилнинг шаттасини еб, жим туради. Уни жавобгарликка тортмайди? Ҳимм! Эҳтимолки, у ўз вақтида йирик бир заминдор бўлган, ҳар хил васиқалар, ҳукмномалар, суд протоколлари, жарима қоғозларига муқасидан кетгандир. Шунчалар тийиндан-тийин, жарима-

дан-жарима ундириб, охир-оқибат, калласи балчиққа ботиб, буңдоқ тупроққа қоришиб ётиши қандоқ бўлди? Ўша бир ёклама кафолатномалар жамланиб, унга бор-йўғи икки варақ қоғоз сиққудек жой олиб берибди, холосми? Васикаларнинг ўзи ҳам бу жойга сифиши гумон-ку. Ахир, мулкдор дегани кенгроқ ерда макон тутишга ҳақли эмасми?

Х о р а ц и о

Йўқ, шаҳзодам, ортиқча бир қарич ерга ҳам ҳаққи йўқ.

Х а м л е т

Васиқа қоғози қўй терисидан қилинади, шундоқми?

Х о р а ц и о

Шундоқ, шаҳзодам, айна пайтда бузоқ терисидан ҳам ясалади.

Х а м л е т

Бўлмасам, унинг боқийлигига эътимоҳ этганларни қўйлар ва бузоқлар, деса бўлар экан. Мен манави азамат билан гаплашиб кўрмоқчиман. Ҳей, кимнинг гўри бу?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Меники, тақсир.

Куйлайди.

Чолга қабр қазий қол,

Уни ораста айла...

Х а м л е т

Ишонаман, сеники, зеро, гўрда туриб, ёлғон гапираяпсан.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Сиз эса гўрдан ташқарида туриб ёлғон гапираяпсиз, тақсирим, зеро, гўр сизникимас. Мен эсам гўр ичида туриб ёлғон гапирмайман: бу менинг гўрим.

Х а м л е т

Қандай қилиб ёлғон гапирмаяпсан экан? Гўрда қаққай-

иб туриб, гўр меники, дейсан-ку. Гўр дегани ўликники бўлади, тирикникимас. Гўрдаман, деб ёлгон гапирдинг.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Бу ёлгон гўрда қолмайди, тақсир. Тирилиб мендан сизга ўтади.

Ҳ а м л е т

Қайси тақводор эр учун қазияпсан бу лаҳадни?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Эр учунмас.

Ҳ а м л е т

Бўлмаса, қайси аёл учун?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Аёл учун ҳаммас.

Ҳ а м л е т

Бўлмаса, кимга мўлжалланган ўзи?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Аввалига аёл бўлиб, энди Тангри раҳматига етишган бир бекага, тақсирим.

Ҳ а м л е т

Вой, хумпар-ей, шунча гапдонмисан? Бу тоифа билан ҳазир бўлиб гаплашмасанг, кинояга кўмилдим, деявер. Тангрига қасамки, Ҳорацио, кейинги уч йил ичида замон шунчалар ўзгардики, авом аслзодаларнинг жигига тега бошлади. Кўпдан гўрковмисан?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Раҳматли қиролимиз Ҳамлет Фортинбрас устидан галаба қозонган кундан буён.

Ҳ а м л е т

Унга неча йил бўлди?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Наҳот, билмасангиз? Буни тентак ҳам билади-ку. Ўша куни ёш Ҳамлет туғилган эди, ҳозир ақлдан озиб, Англияга жўнатилган Ҳамлет.

Ҳ а м л е т

Ана, холос. Уни нега Англияга жўнатишди экан?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Нега бўларди?! Ақлини йиғиб олсин учун. Ўзини тутатсин учун. Аммо у ерда тузалмаса ҳам бўлаверади.

Ҳ а м л е т

Нега энди?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Негаки, буни ҳеч ким пайқамайди. У ерда нуқул унга ўхшаган жиннилар йиғилишган.

Ҳ а м л е т

Хўш, қандай қилиб у ақлдан озибди?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Айтишларича, ғалати бир йўсинда.

Ҳ а м л е т

Хўш, қандай йўсинда?

Б и р и н ч и г ў р к о в '

Ақлдан озибди-қўйибди, вассалом.

Ҳ а м л е т

Қайси заминда, ахир?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Шу, ўзимизнинг Дания заминида. Мен болалигимдан бошлаб ўттиз йилдан бери шу ерда гўрковлик қиламан.

Ҳ а м л е т

Киши ер остида тез чирийдими?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Одамига қарайди... Бировлар тириклагидаёқ ириб-чирий бошлайди, дафн маросимигача сабри чидамайди. Ҳозир шунақалар сероб. Бировлар борки, ер остида саккиз-тўққиз йил ҳам тураверади. Масалан, кўнчи дегани тўққиз йил ўтса ҳам, миқ этмайди.

Ҳ а м л е т

Нега кўнчи узоқроқ туради?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Нега десангиз, тақсирим, унинг териси шу қадар ошланган бўладики, сув таъсир қилмайди. Маълумингиз бўлсинким, ўлиб мурдага айланар экансиз, биринчи душманингиз сув бўлади. Мана, тагин битта чаноқ. Бу чаноқ йигирма уч йил ер тагида ётган.

Ҳ а м л е т

Хўш, кимники бу?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Э, отини айтмаганим маъқул, лаънати бор бекорчиники. Хўш, сиз кимники деб ўйлайсиз?

Ҳ а м л е т

Билмадим.

Б и р и н ч и г ў р к о в

Илойим, пучак бўлиб, ўйилиб ётгани рост бўлсин, жудаям бузуқбош эди бу! Бир гал бир шиша шаробни нақ бошимдан қуйиб юборган эди хумпар. Бу чаноқ қирол масхарабози Йорикнинг бош суяги бўлади, тақсирим.

Ҳ а м л е т

Шу-я?

Б и р и н ч и г ў р к о в

Ҳа, худди шу.

Ҳ а м л е т

Қани, бу ёққа бер-чи.

Бош чаноғини қўлига олади.

Ҳайҳот! Шўрлик Иорик! Мен уни билардим, Ҳорадио. Бу бениҳоя қизиқчи, латифаларга жуда уста бир киши эди. Мени минг марталаб орқасига опичиб юрган. Энди қарасам, кўнглим айнийди. Мана бу ерда лаблари қимирлаган, ўша лабларни эҳтимолким, неча марталаб ўшгандирман. Сенинг шўхликларинг, қўшиқларинг, ҳажвларинг қаёқда қолди, ошнам? Ҳамманинг ичагини узадиган ўйинкулгиларинг, қаҳқаҳаларинг қани? Энди мана шу кемшик оғзинг устидан кулиш учун бирортаси топилармикин! Демак, адои тамомсан! Қани, аслзода бир хонимнинг пардозхонасига кириб, юзидаги бир энлик упу-эликка қарамай, унинг охиратда нима бўлишини бир айтиб кўр-чи. Шундоқ башоратинг билан уни кулдиришга бир уннаб кўр-чи. Менга қара, Ҳорадио.

Ҳ о р а ц и о

Лаббай, шаҳзодам?

Ҳ а м л е т

Ўша Искандар Зулқарнайн ҳам ер остида шундоқ аҳволдамикин?!

Ҳ о р а ц и о

Ҳа, худди шундоқ аҳволда.

Ҳ а м л е т

У ҳам шундоқ сасиб-бижғиганмикин?! Фу!

Бош суюкни ерга қўяди.

Ҳ о р а ц и о

Ҳа, худди шундоқ, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

О, нақдар тубанликка тушилар экан, Ҳорадио!
Искандар хокининг қисматини то охиригача, то пиво

бочкасининг тешигига тиқин бўлгунига қадар бир тасав-
вур этиб қарагин-а?

Ҳ о р а ц и о

Бу нарсаларга олдиндан ҳукм этиб қараш бўлади.

Ҳ а м л е т

Сираям ундоқ эмас. Аксинча, бу жисм ўтган йўллари
ҳурмат-эҳтиром ила мушоҳада этиш ва муқаррар қонун-
қоидаларга бўйсуниб, дегани бўлади. Тахминан шундоқ:
Искандар ўлди, Искандарни кўмишди, Искандар хок бўлди.
Хок - бу тупроқ, тупроқдан лой ясайдилар. Нега энди ҳалиги
лой пиво бочкасини сувашга хизмат этмасин?

Шамоллашдан қазо қилган Қайсари Румдан

Лой қоришиб, уй томини сувашар бу дам.

Бир замонлар жаҳон эди пойида тупроқ,

Энди бўлса, бир тешикка ўзи лойсувоқ...

Бўлди, жим бўл! Бир чеккага ўтайлик. Қирол.

Руҳоний бошчилигида жаноза аҳли киради, орқада Офелия
тобути, изидан Лаэрт, кузатувчилар, Қирол, Малика ва хос
маҳрамлар.

Малика ҳам сарой аҳли. Кимни кўмишар?
Тартиб тамом бузилибди! Маълум бўлдимки,
Ўз жонига қасд айлаган қандайдир аёл,
Қандайдир бир аслзода. Четроққа чиқиб,
Кузатайлик.

Ҳорациони бир чекага бошлайди.

Л а э р т

Тагин қандай расм-русум қолди, ҳазратим?

Ҳ а м л е т

Ана, олижаноб йигит Лаэрт ҳам шунда.

Л а э р т

Жанозага яна қандай қўшимчангиз бор?

Р у ҳ о н и й

О, шундоқ ҳам шариатдан чиқиб кетдик биз.

Шаърий талаб бошқа. Бунинг қазоси мавҳум.
Жоиз эрди гўрда эмас, нопок бир ерда
Сури Исрофилга қадар ётса марҳума.
Ўқилмасди ҳар қадамда дуойи такбир,
Кузатишар эди уни тошбўрон билан.
Ва ҳолбуки, тобутига гуллар қўйилган,
Ва ҳолбуки, то биринчи қўрага қадар
Черков қўнғироғи унга таратди оҳанг.

Л а э р т

Хуллас, неки ҳукмингизда экан, ҳаммасин
Бажо этиб тугатдингиз?

Р у ҳ о н и й

Балли, тугатдик.
Агарда-чи, бошқаларга ўқилган каби,
Боши узра марсияи виро ўқисак,
Хор қилурмиз маросиму салотимизни.

Лаэрт

Туширингиз тобутни! То шу масъум тандан
Бинафшалар униб чиққай! Эсингда тут, поц,
Синглим кўқда учар экан фаришта бўлиб,
Сен жаҳаннам оташида бўлурсан кабоб.

Ҳ а м л е т

Ҳой, нима бу: Офелия?!

М а л и к а

(Тобут устига гуллар сочиб)

Гулга гул жоиз.
Хайр, жоним, ётган еринг жаннатда бўлсин.
Сени келин қиларман, деб орзу этгандим.
Никоҳ тўшагинга гуллар сочмоқчи эдим,
Қабрингамас.

Л а э р т

Лаънат узра лаънат ёғилгай

У золимнинг бошигаким, унинг дастидан
Тиниқ ақлинг завол тошиб, аламга тўлди.
Ҳой, кўммасдан туринг. Бирпас шошилманг энди.

Қабрга сакраб тушади.

Кўмаверинг ўлик билан тирикни қўшиб,
Текис ерда қалаштириб, тоғ ясанг баланд.
Баланд бўлсин Пеллиондан,
Мовий Олимпдан.

Ҳ а м л е т

(Олдунга чиқиб)

Ҳей, бунчалик виқор ила йиғлаётган ким?
Ким у аламлари худди кўкка чирмашиб,
Юлдузларни тош қотириб қўймоқда тамом?
Ким бўлмасин, хизматига тайёрман унинг
Мен - Дания шаҳзодаси, Ҳамлет.

(Сакраб қабрга тушади.)

Л а э р т

Кет, йўқол!
Иблис!

(У билан олишади.)

Ҳ а м л е т

Дуо ўқишни бил. Томоғим бўшат.
Анча совуққонман, лекин айтаман алқоғ,
Биласанми, бир алам бор менда бешафқат,
Кейин пушаймонлар ейсан. Торт, қўлингни ол!

Қ и р о л

Ажратинглар!

М а л и к а

Ҳамлет, Ҳамлет!

Ҳ а м м а

Жаноблар, қўйинг!

Ҳ о р а ц и о

Ўзни босинг.

(Уларни ажратишадми, улар қабрдан чиқишади.)

Ҳ а м л е т

Мен шу баҳснинг бойси учун
Умр бўйи олишарман у билан ҳатто,
Кўзим тирик экан, тиним билмасман асло.

М а л и к а

У нечук баҳс, ўғлим?

Ҳ а м л е т

Уни жондан севардим.
Офелия, қирқ минг оғанг бўлганида ҳам
Мендек севолмасди, мендек чекмасди алам.

(Лаэртга)

Айт-чи, унинг учун қай бир ишга қодирсан?

Қ и р о л

У ўзини унутибди.

М а л и к а

Унга тегманглар!

Ҳ а м л е т

Билмоқчиман, қай бир ишга қодирлигингни?
Ҳўнграмоқми? Ёқа йиртмоқ? Ёки солишмоқ?
Сирка ичмоқ? Тимсоҳ этин емоқ? Буларга
Агарда сен қодир эсанг, мен ҳам қодирман.
Кўз ёшингни оқизишга келдингми магар?
Ё қабрга ботир бўлиб сакрамоқ учун?
Тириклайин кўмилишни истармидинг ё?
Сен буларга қодир эсанг, мен ҳам қодирман.
Тоғ ҳақида бир нима деб вайсадингми-а?
Устимизга миллион ботмон тупроқ уйилсин.
Чўққисида қуёш ёнсин, Осса тоғлари
Унинг қаршисида хору хасдек туюлсин!

Бўқирмоққа қодирмисан? Мен ҳам қодирман...

М а л и к а

Унинг жазаваси тутди. Бирпас кутайлик,
Тутқаноғи ўтиб кетар ва яна бешак
Ювош тортиб қолар она кабутар каби,
Қанотларин йиғар.

Ҳ а м л е т

Аммо, айтинг-чи, тақсир,
Не сабабдан менга мунча хусумат? Ахир,
Сизни севар эдим: майли, аҳамиятсиз.
Келинг, қўлдан келганини қилсин Ҳеркулес,
Мушук миёвлайди, лекин ит ҳам кун кўрар.
Кетади.

Қ и р о л

Сиз у билан бирга бўлинг, Ҳораций, боринг.
Ҳорацио кетади.

(Лазртга)

Сабр қилинг, айтганларим хотирга олинг,
Ишларимиз етаётир ниҳоясига.
Гертруда, ҳар қадамда ҳушёр кузатиб,
Ўғлингизга ҳазир бўлиб туришсин, айтинг.
Бунда марҳумага ажиб ҳайкал қурамыз.
Яқин бир фурсатда балки кўрамыз уни;
Валекин ҳозирча сабр айламоқ лозим.
Кетишади.

Иккинчи саҳна

Қасрда бир зал.

Ҳамлет ва Ҳорацио киришади.

Ҳ а м л е т

Ҳаммаси шу. Яна бошқа гап ҳам бор ҳали.
Аммо ўша воқеалар хотрингдами?

Ҳ о р а ц и о

Бўлмаса-чи, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Мен ухлай олмадим,
Аллақандай хаёллару хавотирлардан,
Тиканакка тўлган эди тўшагим гўё,
Тура қолдим. Омон бўлсин безовталиқ, о!
Баъзан кўрлик қутқаради деганлари рост,
Узоқларни кўриш эса балога қўяр.
Демак, бордир бу оламда соҳиби хилқат,
Қисматимиз ўз измича турди йўлларга
Йўллагувчи Эгам.

Ҳ о р а ц и о

Ўша, хайриятки, бор.

Ҳ а м л е т

Каютадан чиқдим кейин, чакмоним кийиб,
Излаб кетдим ўшаларни, қоронғу ҳар ён.
Тимирскилаб-тимирскилаб мактубни топдим
Ва қўлтиққа уриб уни, қайтдим шу замон.
Қўрқув билан дадилланиб, уятдан кечиб,
Охир буздим қўлимдаги мактуб муҳрини.
Қабоҳату разолатнинг шундай зўрини
Учратдимки, бошдан учиб кетди хаёлим.
Ўқиб билдим, Ҳорацио, у фармонни, мен
Дания ва Англия учун бир йўла
Қандай қўрқинч бало, мудҳиш офат эканман.
Хуллас, айтилганки, бориб етдимми, тамом,
Шу ондаёқ бошдан жудо этилсин танам.

Ҳ о р а ц и о

Йўғ-ей!

Ҳ а м л е т

Мана фармон, ҳали ўқиб қарайсан,
Кейин нима қилганимни айтай, истасанг.

Ҳ о р а ц и о

Айтинг.

Ҳ а м л е т

Тўру тузоқларга чулганган кўйи,
Чора излаб, хаёлимни этмадим сарсон.
Фикрим ишлаб кетди. Янги мактуб ёздиму
Кейин уни диққат билан оққа кўчирдим.
Бир замонлар барча аҳли аъёнга ўхшаш,
Ҳушхатликни масхаралаб кулардим яккаш,
Ҳуснихатни хўрлаганман кучим борича,
Фалокатда эса менга асқотди ўша!
Не деб ёзганимни сенга айтайми?

Ҳ о р а ц и о

Ҳа-да.

Ҳ а м л е т

Қирол номи билан шундоқ битилди фармон:
Баски, Англия бизга бож тўлар экан,
Дўстлигим боғи худди чамандек яшнар,
Сулҳу салоҳимиз бир жуфт бошоққа ўхшар,
(Мен уларни қаторлатиб тиздим бир йўла)
Хатни элтувчилар бориб етишган асно
Беудадир тафтиш-сўроқ, тавба-пушаймон.
Шу ондаёқ тандан боши этилсин жудо.

Ҳ о р а ц и о

Хўш, муҳр-чи, уни қандай эпладингиз?

Ҳ а м л е т

Оҳ,
Бу ишда ҳам ўзи мени қўллади Худо,
Эски муҳр, отам муҳри ёнимда эди,
Ҳозиргиси кўчирмадир ўшандан фақат,
Мен мактубни букиб анув мактуб сингари,
Муҳр босиб, ўз ўрнига қўйдим авайлаб,
Худди чақалоқни пинҳон алмашган каби.

Эртасига денгиз жангги бўлди, биласан -
Кейин нелар кечганини ёзган хатимдан.

Ҳ о р а ц и о

Хуллас, Розенкранц билан Гильденстерн
Муқаррар бир ўлим сари бормоқдадир чин.

Ҳ а м л е т

Шундоқ. Аммо улар буни ўзидан кўрсин,
Виждоним пок. Муқаррар у ҳалокат, ҳайҳот,
Уларнинг шум қилмишлари учун мукофот.
Ҳа, катгалар солишганда кичик жим турсин.

Ҳ о р а ц и о

Вой, қиролни қаранг-а!..

Ҳ а м л е т

Ҳа, ўзинг ҳукм айла,
Қандоқ қутурганман ҳозир. Ахир бир йўла:
У отамни ҳалок этди, онамни бузди,
Мени тахтдан маҳрум қилди, йўлимни тўсди,
Лекин булар марра эмас, булар унга кам,
Яширинча қармоқ солиб энди муқаррар,
Менинг йигит жонимни ҳам олмоқчи бўлар.
Баски, шундоқ экан, менинг бурчим эмасми -
Мана шу қўлларим билан жавоб айласам?
Илат деган чуқурлашиб борар экан бот,
Қараб турабериш номус эмасми, ҳайҳот?

Ҳ о р а ц и о

Аммо, тез орада қирол Англияда
Не кечганин эшитади.

Ҳ а м л е т

Лекин ҳозирча
Менинг измимдадир фурсат - яна неча кун,
Гарчи инсон умри кўзни очиб-юмгунча
Туриш беролмагай, тугаб, топади якун.
Бироқ, Ҳорацио, ростдан хижолатдаман,

Лаэрт билан айтишганим, тортишганимдан.
Унинг қайғусида менинг дардим ошкор,
Мен у билан ярашаман, кўришиб такрор.
Бироқ, юрагингни босиб ётган ҳасратни
Кўз-кўз қилиб юрт олдига ёйиш не даркор?
Шунга жаҳлим чиқди.

Х о р а ц и о

Жим! У келаётган ким?

Озрик киради.

О з р и к

Данияга эсон-омон қайтиб келишингиз муборак бўлмай,
жаноби олийлари!

Х а м л е т

Ташаккур, тақсирим. (Ҳорадиога секин.) Сен бу пашшани танийсанми?

Х о р а ц и о

(Ҳамлетга секин.)

Йўқ, шаҳзодам.

Х а м л е т

(Ҳорадиога секин.)

Билмаганинг ‘- бахтинг. Уни билишнинг хосияти камроқ. Унда ер беҳисоб, бунинг устига, ҳаммаси унумдор ерлар. Бирор ҳайвонни ҳайвонлар подшоси қилиб кўтарсанг, бас, дарров ўз охурини уники билан ёнма-ён қўяди. Бу қуйиб қўйган зағча, аммо ҳали айтганимдай, уясидаги лой-ахлатларнинг кўплиги билан йирик, кибор зағча.

О з р и к

Азиз шаҳзодам, мабода сиз, жаноб олийларида, фурсат топилса, қирол ҳазратлари томонидан айтилган бир муддаони баён этмоқчи эдим.

Ҳ а м л е т

Тақсир, айтганларингиз кўнглимга жо бўлур. Аммо қалпоқни бошқа хизматга буюрманг. Қалпоқнинг ўрни бошда.

О з р и к

Ташаккур, жаноби олийлари. Ҳаво жудаям иссиқ...

Ҳ а м л е т

Йўқ, ишонаверинг, ҳаво жудаям совуқ. Шимолдан шамол эсяпти.

О з р и к

Дарвоқе, бир оз совуқроқ, сиз ҳақсиз, жаноби олийлари.

Ҳ а м л е т

Лекин, ҳарҳолда, менга қолса, жазирама иссиқ, дердим, ҳаво нафасни бўғади.

О з р и к

Шаҳзодам, бўғиш ҳам гапми. Шундоқ димки, таърифлашга тил ожиз. Лекин шаҳзодам, аъло ҳазратларининг буйруқларига биноан маълум қиламанким, у киши сизни деб гаров бойладилар. Шунга кўра...

Ҳ а м л е т

Ҳар ҳолда илтимос қиламанки....

. (Уни қалпоғини кийишга мажбур қилади.) .

О з р и к

Йўқ, қўйинг, азбаройи Худо. Менга шундоқ ҳам яхши, ишонаверинг, тақсир, шу кунларда саройга чинакам жўмард, баркамол фазилатлар соҳиби, нафосату назокатлар мужассами, кўркам ҳусну жамол эгаси Лаэрт жаноблари ташриф буюрмишлар. Агар оширмай ростини айтадиган бўлсак, у киши камолат мажмуаси ва мезонидир, негаким кибор кишига манзур бўларлик жамики хислатлар ул жанобда жамулжамдир.

Ҳ а м л е т

Тақсир, сизнинг тасвирингизда у аниқ шаклу шамойил касб этди. Гарчи, менинг назаримда, уни бўлак-бўлак қилиб тасвирга солиш хотира учун мушкул, фазилатлар ортидан судралавериб, гангиб қолади киши. Лекин шунга қарамай, шарафгўй самимияти билан айтаманки, у олийнасаб бир зот, инсоф юзасидан уни ёлғиз ўз суврати билан қиёсласа бўлур, унга тақлид қилувчилар эса, унинг соясига айланиб қолишлари муқаррар.

О з р и к

Жаноблари айна ҳақиқатни сўзладилар.

Ҳ а м л е т

Гапни қаёққа буряпсиз, тақсирим? Нега биз қўланса нафасимиз билан у зоти шарифни булғаб ўтирибмиз?

О з р и к

Тақсир?

Ҳ о р а ц и о

Муддаойингиз нима? Уни очикроқ қилиб айтса бўладими? Қани бир уннаб кўринг-чи, тақсирим.

Ҳ а м л е т

Нега гапга анави жумардни қориштирабсиз?

О з р и к

Лаэртними?

Ҳ о р а ц и о

(Ҳамлетга нимовозга)

Чўнтаги қоқланди. Заррин сўзлари сарфланиб, адо бўлди...

Ҳ а м л е т

Ҳа, Лаэртни, тақсирим.

О з р и к

Билишимча, сизга сир эмас...

Ҳ а м л е т

Мен эсам, сизга сир бўлмаслигини истардим. Гарчи, у ҳолда ҳам мен ҳеч нима ютмасдим. Хўш, тақсирим?

О з р и к

Мен биламан, сизга сир эмаски, Лаэрт қандай маҳорат билан...

Ҳ а м л е т

Бир нима дейишим қийин, негаки у билан ўзимни қиёс-лашга тўғри келади. Бировни яхши билдингми, бас, ўзингни ҳам яхши биласан.

О з р и к

Тақсир, сўз унинг қурол ишлатишдаги маҳорати устида кетаётир. Кўпчиликнинг фикрига кўра, бу ишда у беқиёс эмиш.

Ҳ а м л е т

Қуроли қанақа?

О з р и к

Қилич ва ханжар.

Қўшалок экан-да. Хўш, кейин-чи?

О з р и к

Қирол гаров ўйнаб, олтига арабий бедов тиккан, у эса эшитишимга қараганда, олтига фарангий қилич ва ханжарни қайиш-камарлари билан гаровга қўйган. Яна уч жуфт боғич, яъни, афсонавий даражада гўзал, шамшир сопига ярашиб тушадиган боғичлар. Фавқулодда нафис, валати безаклари бор.

Ҳ а м л е т

У боғичларингиз нимаси ўзи?

Ҳ о р а ц и о

Шарҳу изоҳсиз иш битмаслигини сезиб турувдим.

О з р и к

Богичларми, тақсир, бу қайишларга боғланадиган илмоқлар-да.

Ҳ а м л е т

Биз қилич ўрнига замбарак осиб юрганимизда, таъбирингиз жоиз бўлур эди. Ўшангача қайишлар бўла қолсин. Хўш, алаҳсимайлик. Хуллас, олтига арабий тулпор - бир томонда, олтига фарангий қилич, асбоб-анжомлари билан, уч нафар богич ғалати безаклари билан - иккинчи томонда. Хўш, булар нега гаровга қўйилапти?

О з р и к

Тақсирим, қирол ҳисоблайдики, орангиздаги ўн икки олишувнинг тўққизтаси сизнинг фойдангизга, учтаси унинг фойдасига ҳал бўлур. У ўн иккидан тўққизи, деб гаров тикипти. Агар жаноблари хўп деб жавоб берсалар, ҳозироқ текшириб кўриш мумкин бўлур эди.

Ҳ а м л е т

Агар йўқ, деб жавоб берсам-чи?

О з р и к

Шаҳзодам, мен айтмоқчийдимки, агар сиз олишув ҳақидаги таклифни қабул қилдим, деб жавоб берсангиз...

Ҳ а м л е т

Тақсирим, мен зал бўйлаб сайр қилиб юраман. Агар аъло ҳазратлари хоҳиш этсалар, менинг айни дам оладиган пайтим. Қиличларни келтиришсин. Агар ҳалиги йигит рози ва қирол ўз раъйида қатъий эса, мен баҳоли қудрат гаровни ютиб беришга ҳаракат қиламан. Агар ютолмасам, уят ва маълубият бўйнимга тушади.

О з р и к

Худди шундоқ деб айтишга ижозат берадиларми?

Ҳ а м л е т

Худди шундоқ деб, тақсир, бўяб-бежаши ўзингиздан.

О з р и к

Ўзимни ўз садоқатларим билан жанобингизга ҳавола қиламан.

Ҳ а м л е т

Саломат бўлсинлар, саломат бўлсинлар...

Озрик кетади.

Яхши қилади, ўзини ўзи ҳавола этади. Бўлмаса-чи, ҳеч ким уни садоқатли деб бировга ҳавола этмас эди.

Ҳ о р а ц и о

Ҳай, қочиб қолиди-ку. Тухумдан чиққан жўжадай, орқа-ўнгига қарамай...

Ҳ а м л е т

У эҳтимолки, онасининг кўкрагини ҳам хушомадлар ила овзига олгандир. Ҳозирги хотинмижозларнинг ҳаммаси шунақа. Улар юриш-туриш, одоб-назокатнинг фақат ташқи томонларини эгаллаб олишгани учун беҳад-беҳисоб дид ва майлар гирдобида юзага қалқиб чиқишади, аммо бир пуфласанг, бас, пуфақдек ёрилиб, ғойиб бўлишади.

Лорд киради.

Л о р д

Шаҳзодам, аъло ҳазрат қирол ёш Озрик орқали сизга салом йўллаганларида залда кутишингизни айтган экансиз. Давлатпаноҳ Лаэрт билан куч синашмоқ ниятингиз қатъийми ёки уни орқага сурдингизми, шуни билмоқ истайдилар.

Ҳ а м л е т

Мен ўз қарорларимда қатъийман. Улар қирол хоҳишларига ҳамоҳанг. Ҳазратлари истасалар, бас, мен қарздор бўлиб қолмайман. Ҳозирми ё бўлак бир пайтми, бари бир, фақат ўзимни ҳозиргидек тетик ҳис этсам бўлгани.

Л о р д

Унда қирол, малика ва бошқалар ҳозироқ пастга ташриф буюрадилар.

Ҳ а м л е т

Қадамларига ҳасанот.

Л о р д

Малика мусобақа олдидан Лаэрт билан лутфан ярашиб олишингизни маслаҳат берадилар.

Ҳ а м л е т

Хайрли маслаҳат.

Лорд кетади.

Ҳ о р а ц и о

Сиз ютқизасиз, шаҳзодам.

Ҳ а м л е т

Унчаликмас. У Францияга кетганидан буён мен муттасил машқ қилдим. Бунинг устига, имтиёз мен томонда. Мен ютаман. Аммо, ишонасанми, кўнглим алланечук ғаш. Ҳа, майли, аҳамиятсиз.

Ҳ о р а ц и о

Йўқ, бу қанақаси, шаҳзодам!

Ҳ а м л е т

Фирт тентаклик. Бунинг устига хотин кишини шаштидан қайтара оладиган тувиш ваҳимасидек бир гап.

Ҳ о р а ц и о

Кўнглингиз ғаш бўлса, унга қулоқ тутганингиз маъқул. Мен кайфиятингиз жойида эмас, деб уларга хабар қиламан.

Ҳ а м л е т

Асло! Бидъатлардан баланд туриш лозим. Тангри таолонинг продаси бўлмаса, ҳаттоки чумчуқ ҳам йиқилиб тушмайди. Агар қисмат ҳозир букорган экан, буни орқага суриш маҳол. Орқага суриб бўлмас экан, демак, ҳозир бўлиши муқаррар. Ҳозир рўй бермагандаям бари бир қочиб қутулолмайсан. Бас, ҳамиша тайёр турмоқ керак. Ҳамма гап шунда. Қачон нимадан айрилишимизни-ку ҳеч

ким айтиб беролмас экан, олдинроқ айрилиб қўя қолсак, нима қилади? Ҳа, таваккал.

Қирол, Малика, Лаэрт, Озрик, хос маҳрамлар ва қиличларни кўтариб хизматкорлар киришади.

Қ и р о л

Кел, Ҳамлет, кел, туташтирай қўлларингизни.

Лаэртнинг қўлини Ҳамлетнинг қўлига қўяди.

Ҳ а м л е т

Мени маъзур тутинг, тақсир. Мен ҳақсиз эдим.

Мардлик юзасидан мени этингиз афу.

Йивилганлар билишади, балки сизга ҳам,

Айтишгандир буни, баъзан қандай қоронғу

Босиб, хира тортар ҳушим - хаёлим менинг.

Шаънингизга тил теккизган бўлсам мабодо,

Ишонингким, бунинг асл сабабчиси шу.

Бунга Ҳамлет жавобгарми? Жавобгар эмас.

Баски, Ҳамлет жунун чоғи унитиб ўзни,

Етказибди Лаэртга чин малолат-озор,

Аслида-чи, Ҳамлет таҳқир этмаиш уни,

Уни таҳқир этган тамом бошқа гуноҳкор.

Кимдир ўша? Ўша айбдор-унинг жунуни.

Шундай экан, демак, Ҳамлет ўзи даъвогар,

Унга уя қуриб олган иллат - жавобгар.

Дўст-ёронлар даврасида сиздан сўрайман,

Кўнглингизни фориг тутинг гина – кудратдан.

Худо шоҳид, сизни хафа қилмоқчимасдим:

Камондан ўқ узиб, уни томдан оширдим,

Янглиш қилиб, оғайнимни яралаб қўйдим.

Л а э р т

Юрагимининг энг қаърида, аслида ўша -

Нафрат яшайдиган жойда узрингиз қабул.

Лекин номус иши бошқа: қонун-қоида

Бошқачадир бунда, маъзур тутолмасман то,

Бундоқ баҳсу, муноқаша билимдонлари,

Бермагунча, ярашинг, деб тайин бар фатво.
Ушангача таклиф этган дўстлигингизни
Қадрлайман, унга лойиқ жавоб бераман,
Мен ҳам шундоқ дўстлик билан.

Ҳ а м л е т

Гоят хурсандман.
Қабул этдим, мусобақа даъватингизни,
Хўш, бўлмаса, бошлаймизми? Қиличлар қани?

Л а э р т

Менга қилич беринг.

Ҳ а м л е т

Сизга мен қулай рақиб,
Нўноқлигим қаршисида маҳоратингиз,
Қоронғу тун юдузидек кўринар балқиб.

Л а э р т

Сиз устимдан куляпсиз, милорд.

Ҳ а м л е т

Йўқ, рости,
Агар ёлғон айтсам, мана, қўлимни кесинг.

Қ и р о л

Қани, Озрик, қиличларни тарқатинг. Ҳамлет,
Мусобақа шарти сизга аёнми?

Ҳ а м л е т

Аён
Кучни қўйиб, заифликка тикдингиз гаров.

Қ и р о л

Бу тўғримас, мен кўрганман иккингишни ҳам,
У машқини олган, аммо сизда имтиёз.

Л а э р т

Менга бошқасини беринг. Бу жуда оғир.

Ҳ а м л е т

Шу менга боп. Иккиси тенг, баробармикин?

О з р и к

Ҳа, шаҳзодам, иккиси тенг, баробар.

(Улар жангга шайланадилар.)

Қ и р о л

Қани, бизнинг дастурхонга шароб келтиринг.
Ҳамлет рақибига икки зарба етказиб,
Учинчи зарбани худди қайтарган замон -
Унинг шарафига барча замбарақлардан
Бир варакай ўқлар узиб, солинсин сурон.
Унинг соғлигига қирол кўтарур қадаҳ,
Қадаҳига солиб асл, дурдона-гавҳар,
Бир гавҳарким, Даниянинг тўртта қироли
Тоғига қўндирган ўша ёқутдан афзал.
Қани, қадаҳ сунинг. Довруғ солиб довулар
Карнайларга садо берсин, улар - тўпларга,
Тўплар - самоларга элтсин, самолар ерга:
"Ҳамлет шарафига қирол кўтарур қадаҳ!"
Қани бошланг. Сергак, ҳушёр туринг, ҳакамлар.

Ҳ а м л е т

Бошланг, тақсир!

Л а э р т

Қани, бошланг, милорд.

(Солишадилар.)

Ҳ а м л е т

Бир.

Л а э р т

Қайтардим.

Ҳ а м л е т

Ҳакам!

О з р и к

Зарба, аниқ зарба.

Л а э р т

Бўпти, бошқатдан.

Қ и р о л

Шошманг, менга шароб беринг. Ҳамлет, мана бу
Гавҳар сеникидир. Сенинг соғлигинг учун.
Унга қадаҳ тутинг.

(Саҳна ортидан карнайлар чалиниб, тўплар гумбурлайди.)

Ҳ а м л е т

Мен шу даврани ўйнай.

Йўқ, ҳозирча қўя турунг. Қани, бошладик.

(Солишадилар.)

Яна зарба. Нима дейсиз?

Л а э р т

Тўғри, бу зарба.

Қ и р о л

Ўғлимиз енгаяпти.

М а л и к а

У терга ботибди.

Ҳамлет, мана рўмолча. Ол, терларингни арт.

Мен, малика, валабанга кўтарай қадаҳ.

Ҳ а м л е т

Оҳ, онажон...

Қ и р о л

Гертруда, майни қўй, ичма.

М а л и к а

Ичгим келди. Ўтинаман, изн сўрайман.

Қ и р о л

(Четга)

Қадаҳ заҳарланган! Унга нажот йўқ энди!

Ҳ а м л е т

Йўқ, онажон, ҳали бирга ичишга эрта!

М а л и к а

Кел, бетингни артиб қўйай.

Л а э р т

Энди мен урай.

Қ и р о л

Уриб бўлсиз.

Л а э р т

(Четга)

Қандай жирканч, аянч бу савдо.

Ҳ а м л е т

Учинчи даврани энди бошлаймиз, Лаэрт,
Ўтинаман, ҳужум қилинг ҳужумчи монанд,
Ҳозиргача ўйин бўлди ишингиз фақат.

Л а э р т

Йўғ-е, наҳот? Қани, бошланг.

(Солишадилар.)

О з р и к

Устма-уст хато.

Иккиси ҳам бекор кетди.

Л а э р т

Мана, бўлмаса.

Лаэрт Ҳамлетни яралайди. Сўнг олишув авжга чиққанда, қиличларни алмаштирадилар. Ҳамлет ҳам Лаэртни яралайди.

Қ и р о л

Ажратинглар. Иккиси ҳам жаҳлга минган.

Ҳ а м л е т

Йўқ, қайтадан.

Малика йиқилади.

О з р и к

Маликага ёрдам беринглар!

Ҳ о р а ц и о

Улар қонга ботишибди. Қон қайдан, милорд?

О з р и к

Қон қаердан, Лаэрт?

Л а э р т

Қушча қафасга тушди.

Озрик, рақибимга атаб тузоқ қўйгандим.

Ўзим тушдим унга макри бедодим учун.

Ҳ а м л е т

Маликага нима бўлди?

Қ и р о л

Қонни кўрибоқ,

Кўнгли озиб қолди.

М а л и к а

Ёлгон, ишонма Ҳамлет,

Шароб! Шароб заҳарланган! Заҳарли шароб!

(Ўлади.)

Ҳ а м л е т

Хиёнат - бу! Эшикларни дарров бекитинг!

Топиш керак у хоинни!

Л а э р т

Шу ердадир у.

Ҳамлет, ўлдирилдинг, энди сенга нажот йўқ,
Бор-йўғи ярим соат умринг қолди, бас.
Хиёнатнинг ашғёлари кўзинг ўнгида,
Қилич заҳарланган, яна тиғи яланғоч.
Разолатим учун мен ҳам бўлурман ҳалок.
Малика ҳам адо бўлди. Мадорим битди...
Ҳаммасига айбдор фақат қиролдир, қирол!

Ҳ а м л е т

Нима, қилич заҳарланган?! Бўлмаса ҳозир
Вазифангни бажара қол, заҳарли шамшир!
Қиролни яралайди.

Ҳ а м м а

Хиёнат!

Қ и р о л

Ох, ёрдам беринг, дўстларим, нажот!
Фақат яраландим, холос. Умид бор ҳали.

Ҳ а м л е т

Шунақами? Ол бўлмаса ҳиссангни, жаллод!
Қани, ўша гавҳарингни ўзинг юта қол!
Бор, онамнинг ёнига бор!..
Қирол ўлади.

Л а э р т

Ҳа, ажаб бўлди!
Бу шаробни унинг ўзи тайёрлаганди,
Олижаноб Ҳамлет, қани, кела қол энди,
Кечдим ўз хунимдан, яна отам қонидан,
Ўтинаман ўз хунингдан сен ҳам кечгайсан!
Ўлади.

Ҳ а м л е т

Тангри сени маъзур туттай. Мен ҳам изингдан...
Дўстим, Ҳорацио, энди ҳаммаси тамом.
Худо ярақасин сени! Хайр, маликам!
Сиз эса, эй ҳалокатли шу хотимага
Тилсиз, унсиз гувоҳ бўлган қадрдонларим,
Эвоҳ, яна бир озгина фурсат бўлсайди,
Лекин ажал деган жоҳил мени қистайди,
Сизга яна кўп гапларни айтмоқчи эдим...
Хайр, майли. Ҳамма нарса битди, Ҳораций,
Сен тириксан. Мен тўғримда бор ҳақиқатни
Бошқаларга ўзинг айтиб бергайсан.

Ҳ о р а ц и о

Асло.

Даниялик эмас, қадим римликман, зеро,
Бунда бир оз заҳар қолган.

Ҳ а м л е т

Агар мард эсанг,
Қадаҳни бер менга. Қани, бера қол. Ахир,
Бундаги чин ҳақиқатни биров билмаса,
Мен авлодлар назарида топарман таҳқир!
Дўстим, яна битта савоб, мардона иш қил,
Ернинг бўғиқ ҳавосидан яна ол нафас.
Бу дунёда қолиб, менинг шўр ёзмишимни
Инсонларга ҳикоя қил...

(Саҳна ортидан марш ва ўқ овозлари эшитилади.)

Бу не отишма?

О з р и к

Фортинбрас ғолибона қайтиб Польшадан,
Англия элчиларин олқишлар бу дам.

Ҳ а м л е т

Ҳораций, мен тугаяпман. Заҳарнинг кучи
Карахт қилди, Англия элчилари то
Етиб келгунича тамом юмилар кўзим.
Башоратим: Фортинбрас қирол бўлгуси,

Мен ҳам қувватлайман, унга овоз бераман.
Бунда нелар кечганини ўзинг айтиб ўт,
Тамом, адо бўлдим. Бундан бу ёғи - сукут.

(Ўлағи.)

Ҳ о р а ц и о

Чил-чил бўлиб синди, эвоҳ, ноёб бир юрак,
Хайрли тун бўлсин сенга, азиз шаҳзодам,
Ухла, фаришталар ширин аллалар айтсин.
Барабанлар чалиб, бу ён келаётган ким?

(Саҳна ортида марш сағолари.)

(Фортинбрас ва инглиз элчилари барабанлар, байроқлар ва хос
маҳрамлар билан кириб келишади.)

Ф о р т и н б р а с

Қайда кечди бу можаро?

Ҳ о р а ц и о

Қайси можаро? У қайғули можароми? Мана шу ерда.

Ф о р т и н б р а с

Ҳали бунда учиб юрар фиғону фарёд,
Ўлим саройида демак зиёфат қуюқ!
Қонли супрасига шунча ўликни, ҳайҳот,
Қалаштириб ташлабди у.

Б и р и н ч и ' э л ч и

Аросатдир бу,
Англия хабарлари кечикди ортиқ.
Уни эшитмоқчи бўлган қулоқлар ботил.
"Фармон бажарилди", дея келтирдик хабар.
Ўлим қучди Розенкранц, Гильденстерн,
Десак, бизга бунинг учун ким раҳмат айтар?

Ҳ о р а ц и о

У айтиши гумон. Тирик бўлганида ҳам -
Шундоқ хабар учун раҳмат айтмасди зотан.

Улар ўлимини сира истамаган у.
Бу ён - Англия, бу ён - Польшадан келиб,
Баски, шундоқ қон устидан чиқибсиз, ёҳу,
Фармон беринг, жасадларни қўйишсин қатор
Ошкор-аён қилиб балад тепа-қўрғонга.
Мен сўйлайин неки кўрган-эшитганим бор,
Бу можаро хусусида жумла жаҳонга.
Мен сўйларман қонли, кўрқинч фалокатлардан,
Ёвуз кирдикорлар, мудҳиш ҳалокатлардан,
Қора савдолардан, ифлос риёкорликдан,
Ўзи қазган чоғга ўзи йиқилиб тушган,
Миси чиққан маккорликни айтай ниҳоят,
Ҳаммасини бирин-бирин айлай ҳикоят.

Ф о р т и н б р а с

Эшитмоққа мунгазирмиз. Тузармиз алҳол
Бунинг учун бир муносиб мажлиси олий.
Ҳоят қийин кунда менга юз очди иқбол,
Бу ўлкага менинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларим бор.
Ўшаларни айтмоқчиман.

Ҳ о р а ц и о

Мен ҳам тарафдор.
Сўз айтарман мунаввар бир кимса номидан
Ки, сайловда қисматингиз ҳал этар чиндан.
Ошиқайлик, хаёлларни чулғамиш тутун,
Яна янги бир фалокат чиқмасин бутун.

Фортинбрас

Ҳамлет жасадини юксак сўрига элтинг,
Тўрт капитан элтсин, шаҳид жангчига монанд,
Тирик бўлганда у қирол бўларди лекин
Ва ўшанга лойиқ эди. Уни элтаркан,
Ҳарбий низом талабига кўра тамоман
Чолғу-созлар фарёд солиб, жаранглаб турсин.
Жасадларни олиб чиқинг. Бу ерга эмас,
Улар уруш майдонига ярашиқдир, бас,
Тўплардан ўқ узишга ҳам буйруқ берилсин!

Мотам марши.

(Жасадларни кўтариб чиқадилар, кейин тўплардан ялли ўқ узилади.)



МАКБЕТ

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Дункан — Шотландия қироли.
Малькольм, Дональд байн — Унинг ўғиллари.
Макбет, Банко, Макдуф, Ленокс —
Дунканнинг лашкарбошилари.
Росс, Ментис, Ангус — Шотландия аслзодалари.
Кетнес, Флиенс — Банконинг ўғли.
Сивард, Нортенберленд графи, инглиз лашкарбошиси.
Ёш Сивард, унинг ўғли.
Сейтон. Макбетнинг яроқбардори.
Макдуфнинг ўғли.
Инглиз врач.
Сержант.
Эшикбон.
Чол.
Леди Макбет.
Леди Макдуф.
Сарой хоними. Леди Макбет маҳрамларидан.
Ҳеката ва учалвасти.
Лордлар, аслзодалар, офицерлар,
аскарлар, қотиллар, хизматкорлар ва
чопарлар, Банконинг руҳи ва бошқа арвоқлар.

Воқеа Шотландия ва Англияда рўй беради.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Чакалакзор дашт. Момақалдироқ гумбирлаб, чақмоқ чақади. Уч алвасти киради.

Б и р и н ч и а л в а с т и

Яна қалдироқ, чақмоқ,
Ёмғир остида қачон
Учрашамиз учовлон?

И к к и н ч и а л в а с т и

Жанг-жадал тугаб ҳамон,
Ғолиб келса бир томон.

У ч и н ч и а л в а с т и

Ҳали қуёш ботмасдан...

Б и р и н ч и а л в а с т и

Қаерда?

И к к и н ч и а л в а с т и

Чакалақда.

У ч и н ч и а л в а с т и

Қоронғи тушмай унда,
Макбетни учратамиз.

Б и р и н ч и а л в а с т и

Мушук миёвлади, ҳой!

И к к и н ч и а л в а с т и

Қурбақа "вақ" деди, вой!

У ч и н ч и а л в а с т и

Қочамиз!

У ч а л в а с т и

(Баравар)

Увол дегани савоб, савоб дегани увол,
Туман, бадбўй буғ оралаб кўкка учамиз.

(Ғойиб бўлишади.)

Иккинчи саҳна

Форрес яқинидаги қароргоҳ. Саҳна ортида жанг сурони. Қирол Дункан, Малькольм, Дональбайн, Ленокс киришади. Иккинчи ёқдан - қонга беланган сержант.

Д у н к а н

Ким бўлди бу, кийим-боши қонга бўланган?
Авбошлар-ла бўлаётган жанг аҳволидан
Эҳтимолки сўзлаб берар.

М а л ь к о л ь м

Бу ўша сержант,
Мени машғум асирликдан халос айлаган,
Мен бурчлиман унга. - Салом, эй баҳодир дўст!
Қирол сўрар: сен майдонни тарк этган маҳал
Қай бир томон устун эди?

С е р ж а н т

Айтишим маҳол;

Икки тараф - чўқаётган икки кимсадек,
Ёпишганди бир-бирига. Ёвуз Макдональд,
У фитначи қойим, яъни, таваллудидан
Энг тасқара илатларга макон бўлган зот,
Тадбир билан ўша гарбий жазиралардан
Талай ирланд пиёдасин ёллаган экан.
Низолардан мамнун бўлиб, у нобакорнинг
Орқасидан изгиб юрди қисмат-фоҳиша.
Бирок, бекор! Шавкат ўғли, баҳодирзода,
Жасур Макбет (у шундай бир шарафга лойиқ)
Қасос қони қиш-қизариб буғланиб турган
Шамшир билан ўзига йўл очдию чиндан
Ва юзма-юз келди ўша хиёнаткорга,
На "салом", на "хайр" деди ўша баттолга,
Бир зарб билан танасини иккига бўлди,
Калласини узиб, қўрғон устига илди.

Д у н к а н

О, шавкатли амакваччам! Мард, баҳодирим!

С е р ж а н т

Лекин баъзан қуёш балқиб, қўзғотган каби
Денгиз аро ҳалокатли бўрон-пўртана,
О, подшоҳим, биз учун ҳам севинч чашмаси
Офат-бало булоғига айланди. Тингла:
Ҳаққоният шавкат билан тузиб иттиҳод,
Ҳавойи у ирландларни сураркан нари,
Бу фурсатни қулай топиб норвег қироли
Бошдан-оёқ совут кийган лашкарларини
Устимизга сурди.

Д у н к а н

Магар сесканишдими
Макбет билан Банко, бизнинг лашкарбошилар?

С е р ж а н т

Сесканишди, худди чумчуқ олдида бургут,
Ёки қуён олдида шер сесканишгандек.
Ўт-оташи оширилган замбараклардек,
Оширишди улар ёвга ҳужум-ҳамлани.
Кўмилмоқчи бўлишдими жароҳатларга,
Ёки бунёд этишмоқчи янги Голгофа,
Айтолмайман... Тинкам қуриб, битди мадорим,
Мени ортиқ ёндирмоқда яра-жароҳат.

Д у н к а н

Жароҳатнинг сўзинг каби сенга ярашиқ,
Эъвозлидир иккиси ҳам - табибни чорланг!

Сержантни олиб кетишади. Росс киради.

Ким у бунда келаётган?

М а л ь к о л ь м

Муҳтарам Росс-тан.

Л е н о к с

Кўзларида бир шошқинлик ёнар! Афтидан,
Фавқулудда хабар билан келмоқдадир у.

Р о с с

Тангрим, асра шоҳимизни!

Д у н к а н

Хўш, муҳтарам тан,
Қайдан келмоқдасан?

Р о с с

Шоҳим, келишим Файфдан.

Тутқун норвег байроқлари ҳилпираб маъюс,
Лашкарингга соя солиб турган макондан,
Норвег шоҳи сон-саноқсиз қўшин сардори,
Унинг билан Кавдор беги, шум хиёнаткор
Бизга ҳамла қилди. Қизиб кетди қон-қирон,
Лекин Макбет - Беллонанинг суяк ботири
Пўлат совут кийиб, тушди жанг майдонига,
Саваш қилиб, ғанимларнинг етди жонига.
У норвегнинг таъзирини бердики чунон -
Ёв янчилди.

Д у н к а н

Мана бу зўр омад!

Р о с с

Свенон -

Норвег шоҳи сўраб қолди сулҳу амният.
Лекин Сент-Кольм оролида бояқиш ўзи
Мурдаларни тупроққа ҳам топширмай ҳали!
Ўн минг доллар санаб берди қўлимизга нақд.

Д у н к а н

Кавдор беги этолмагай энди хиёнат.
Бориб, айттил, маҳв эсинлар хоинни илдам
Ва Макбетни қутла Кавдор беклиги билан.

Р о с с

Бажарилур, амри вожиб шоҳимнинг сўзи.

Д у н к а н

У Макбетни юксалтирди - йиқилиб ўзи.

Ҳамма кетади.

Учинчи саҳна

Момақалдироқ. У ч а л в а с т и киради.

Б и р и н ч и а л в а с т и

Қайларда бўлдинг, синглим?

И к к и н ч и а л в а с т и

Тўнғизларни овладим.

У ч и н ч и а л в а с т и

Ўзинг-чи, ҳай, эгачим?

Б и р и н ч и а л в а с т и

Мен бир дарға оймнинг атрофидан айландим.
Сочлари ишак-ишак, "бера қол" деб ялиндим.
Лекин бақалоқ ойм қичқирди: "Қоч, ҳой, ўлгур!"
Эри "Шер" кемасида Ҳалаб сари жўнабдир.
Мен-чи элакни илиб,
Думсиз каламуш бўлиб,
Издан югураман, вой, издан югураман...

И к к и н ч и а л в а с т и

Опагинам, мен сенга шамолимни бераман.

Б и р и н ч и а л в а с т и

Сенга қуллуқ қиламан.

У ч и н ч и а л в а с т и

Истасанг, ола қолгин менинг шамолимни ҳам.

Б и р и н ч и а л в а с т и

Ўзга жодуларинг ҳам бўлсин мен билан ҳамдам,
Ҳа, у дарға бўлмасин

Қанча жасур, жангари,
Қанча айлантормасин
Румпелни нари-бери,
Жодудан қутулолмас,
Сомон каби сарғайиб,
Оромига етолмас.
Соя каби тентираб,
Бўлар балога дучор.
Сув кезиб юрар уч бор
Йигирма етти ҳафта.
Кемаси кетмас чўкиб,
Лекин рўдашо бўлиб
Қайтар изга муқаррар.
Қаранглар!..

И к к и н ч и а л в а с т и

Вой, нима бу?

Б и р и н ч и а л в а с т и

Бармоқ-ку. Бир лоцман
Ғарқ бўлди кема билан.

Саҳна ортидан ноғора садоси эшитилади.

У ч и н ч и а л в а с т и

Ноғора саси тошар!
Макбет қиролга шошар.

У ч а л а с и

Опалар, учинг бу дам
Ер узра, сув узра ҳам.
Ҳар бирингиз бир йўла
Жоду ёзинг уч карра.
Уч карра уч - тўққиз бор,
Тўхта! Жоду қилди кор...

Макбет ва Банко киради.

М а к б е т

Кун бўлганми шундай даҳшат, шундай шавкатли?

Б а н к о

Эй, Форреста қанча қолди? - Ким бўлди булар,
Қовжираган ва ёввойисифат махлуқлар?
Бунақаси ерда бўлмас, ердадир гарчанд,
Жавоб беринг: одаммисиз, арвоқмисизлар?
Саволимни уқдингизми? Уқибсиз чоғи,
Босмоқдасиз гадир-будир бармоғингизни,
Қоқ-қурушқоқ лабингизга. Кампир санардим
Соқолингиз бўлмаганда.

М а к б е т

Айтинг, кимсизлар?

Б и р и н ч и а л в а с т и

Гламис беги - Макбетга шон-шарафлар!..

И к к и н ч и а л в а с т и

Кавдор беги - Макбетга шон-шарафлар!..

У ч и н ч и а л в а с т и

Бўлғуси шоҳ - Макбетга шон-шарафлар!..

Б а н к о

Сескандингми, Макбет? Наҳот уларнинг ширин
Забонидан чўциясан? - Иқроқ бўлингиз,
Арвоқмисиз ёки тирик махлуқотмисиз?
Ҳозиргина дўстим салом ўрнида сиздан
Янги рутба, шарофларни тинглади чиндан
Ва шоҳона умидларнинг башоратини.
Таъсирланди. Нечун лолсиз менга қолганда?
Замонларнинг зироатин олдиндан кўриб,
Қай бир уруғ унишини, ёки бўлмасам,
Унмаслигин айтмоқликка қодир экансиз,
Сирли қисмат саҳифасин очинг менга ҳам.
Менга бирдек қаҳрингизу мурувватингиз.

Б и р и н ч и а л в а с т и

Шараф сенга!..

И к к и н ч и а л в а с т и

Шараф сенга!..

У ч и н ч и а л в а с т и

Шараф сенга!..

Б и р и н ч и а л в а с т и

Сен Макбетдан қуйироқсан ва лекин юксак.

И к к и н ч и а л в а с т и

Сен Макбетдан бахтсизсану лекин бахтиёр.

У ч и н ч и а л в а с т и

Қиролмассан, қиролларга берурсан насаб,
Макбетга ҳам, Банкога ҳам барабар шараф!

Б и р и н ч и а л в а с т и

Банкога ҳам, Макбетга ҳам баробар шараф!

М а к б е т

Ҳаммасини айтмадингиз, кароматгўйлар,
Мен - Гламис беги, отам ўлгандан буён.
Бироқ Кавдор бегимасман, Кавдор ҳокими
Барҳаёт-ку. Шотландия қироли бўлиш -
Кавдор беги бўлишдан ҳам мушкул мен учун.
Бу бемаъни хаёлларни қайдан олдингиз?
Қақроқ чўлда бизни буңдоқ башорат билан
Нега тўхтадингиз? Қани, жавоб берингиз.

Алвастилар ғойиб бўлишади.

Б а н к о

Сувда пуфак ҳосил бўлар, булар-чи ернинг
Пуфаклари... Ажаб, қайга кетишди улар?

М а к б е т

Худди шамол нафасларни юлиб кетгандай,
Буларни ҳам ҳаво ютиб юборди. Афсус!

Б а н к о

Дарҳақиқат, биз ростданми кўрдик уларни?
Кўкнорими, бирор бало еганмиз балки,
Балки ўша ақлимизни заҳарлаб қўйган.

М а к б е т

Эмишки, сен фано топсанг, зурёдинг - қирол!..

Б а н к о

Аmmo сен-чи, қиролмишсан тириклингда!..

М а к б е т

Боз устига Кавдор беги. Шундоқ эмасми?

Б а н к о

Худди шундоқ. Лекин анув келаётган ким?
Росс билан Ангус киради.

Р о с с

Сен қозонган буюк зафар муждасин, Макбет,
Қирол қабул қилди ғоят комронлик билан.
Ўқир экан - нобакорни яккама-якка
Жангда қандай мардонавор ҳалок этганинг -
Таҳсинлари алмашинди ҳайратлар билан,
Ва кун бўйи чопарлардан тинглади Дункан:
Норвегларнинг сафларини қандай ёрганинг,
Ўлимларни писанд қилмай, олға борганинг,
Хабарчилар борки, дўлдай ёғилиб худди,
Эй сен, салтанат таянчи, мақтовларингни
Ёдирдилар тожу тахтнинг пойига.

А н г у с

Қирол -

Таҳсин айтиб ҳузурига чорлайди ҳозир,
Мукофотга эса кейин бўлурсан ноил.

Р о с с

Сарафрозлар гарови, деб буюрди қирол
Табриклашни - сени Кавдор бекалиги билан.

Қутлуғ бўлсин сенга янги рутба - олий шон!
У - сеники!

Б а н к о

(Четга)

Наҳотки чин сўзламиш шайтон?!

М а к б е т

Кавдор беги барҳаёт-ку. Бегона тўнни
Киярмидим?

А н г у с

Гар у ҳозир тирик бўлса ҳам,
Боши узра муаллақдир ҳукми беомон,
У ҳаётга виждо айтар. Аниқ билмадим,
Норвег билан тузганмидир битим-иттифоқ,
Ёки ўша исёнчини қўлламиш пинҳон,
Ҳар иккиси билан ёхуд айлаган паймон -
Ва шу билан Ватанни маҳв этмоқчи бўлган,
Аммо унинг жинояти бўлмиш ошкор,
У хиёнат қилди элга - ўзи ҳам иқрор,
У қулади.

М а к б е т

(Четга.)

Гламис бек, Кавдор бегиман,
Кейин - қирол...

(Россва Ангуста)

Хизматингиз учун ташаккур.

(Банкога секин)

Кавдор беги бўлдим боя айтганларидек,
Хўш, энди-чи, инондингми, бир кун зурёдинг
Соҳиби тахт бўлишига?

Б а н к о

(Макбетга секин)

Ҳай, эҳтиёт бўл,

Кавдор беги бўлдинг, лекин тож ила тахтни
Ҳавас қила кўрма. Мени қўрқув босмоқда:
Баъзан бизни жаҳаннамга жўнатмоқ учун
Ҳақиқатни сўйлар пича шайтон - лаинлар.
Кўзимизга ҳақгўй бўлиб кўринар улар,
Лекин боплаб мот қилишар муҳим бир ишда.
Дўстлар, қани, айтиб беринг...

(Росс ва Ангус билан секин сўзлаша бошлайди.)

М а к б е т

(Четра)

Рўёбга чиқди
Қўш башорат - ҳукмдорлик салтанатининг
Қиссасига қўш дебоча.

(Р о с с в а А н г у с г а)

Жаноблар, раҳмат.

(Четра.)

На савобдир, на уволдир бу ғойиб даъват.
Агар увол бўлганда-чи, бошланармиди
Зафарларга гаров бўлган ҳақиқат билан.
Чин гап шуки, мана, энди Кавдор бегиман.
Агар савоб бўлганда-чи, бундоқ хаёлни,
Юрагимга солмас эди, шундоқ хаёлки,
Нафасидан тепа сочим тик бўлиб, юрак -
Гурс-гурс уриб, чиқиб кетай дейди қинидан.
Чин ваҳмдан 'хаёлдаги ваҳима кучли,
У чўчитар, шу қотиллик хусусида мен
Ўйладиму қалбга кирди қўрқинч бир арвоҳ.
У хушимни бошдан олиб ваъдалар билан,
Ҳаётимни асир этди пучак хаёлга.

Б а н к о

У нақадар ҳаяжонда!

М а к б е т

(Четга.)

Майли, қисмат ўзи менга тахт ваъда айлаб,
Ўзи менга тож кийдирсин!..

Б а н к о

Янги рутбада -
Янги либос кийган каби унга ноқулай,
У хижолат чекмоқдадир.

М а к б е т

(Четга)

Не бўлса бўлар!
Биз ортига суролмаймиз чархи давронни.

Б а н к о

Муҳтарам бек, бунда бизни интизор этдинг.

М а к б е т

Маъзур тутинг. Алвон-алвон хотираларга
Чарчоқ миям банд бўлибди. Хизматингизни,
Дўстлар, кўнгил китобига рақам айладим,
Уни ҳар кун ўқигаيمان. Кетдик қиролга.

(Банкга секин)

Нелар бўлди бунда, ўйлаб мулоҳаза қил,
Ошиқмасдан, иков равшан тафаккур ила
Муҳокама этажакмиз кейин бафуржа.

Б а н к о

(Макбетга секин)

Бўпти.

М а к б е т

(Баногога секин)

Аммо, ҳозирча жим. Юринг, дўстларим.
Кетадилар.

Тўртинчи саҳна

Форрес. Саройда бир хона.
Карнайлар чалинади.

Дункан, Малькольм, Дональбайн, Ленокс ва уларнинг хос маҳрамлари киришади.

Д у н к а н

Қалай, собиқ Кавдор беги қатл этилдими?
Ё чопарлар ҳалигача қайтишмадими?

М а л ь к о л ь м

Давлатпаноҳ, хос чопарлар ҳали қайтмади,
Аммо менга қатлгоҳда бўлган бир кимса
Сўзладики, гуноҳига иқрор бўлмиш бек.
У шоҳимдан шафқат сўраб, тавбалар этмиш,
Ҳам ҳаётга виждо айтимиш туриб мардона.
Ўлимларга пешвоз чиқиб юрган кишидек,
Ажални ҳам қарши олмиш дадил, фарзона.
Энг бебеҳо ер неъматин улоқтирмиш у
Бир бекорчи ўйинчоқдек.

Д у н к а н

Ҳа, биз одамлар,
Юзга боқиб, ичдагисин ўқийолмаймиз.
Ахир, унинг софлигию садоқатига
Мен қанчалар ишонардим.

Макбет, Банко, Росс, Ангус кирадилар.

Азиз жияним!

Ҳижолатман, зиммамдадир гуноҳи азим,
Ахир, сенинг у бемисол парвозларингга
Қанот қоқиб, етолмагай мукофотларим.
Сен шундай бир жасоратлар этдингки бунёд,
Биз ҳақини қайтаролмай, ора йўлда мот,
Сўзим шуки, ҳар нечаким мукофот, инъом -
Сен кўрсатган жасоратдан тубандир тамом.

М а к б е т

Бурчга сиджу садоқатнинг ўзи - мукофот,
Қирол иши - биз ўғиллар, хизматкорларнинг
Хизматини қабул қилиш. Бизнинг ишимиз -
Қирол меҳру мурувватин қозонмоқ учун
Жавлон уриш.

Д у н к а н

Энг мўътабар меҳмонимиз бўл!
Ўстирдимми, аямасман марҳаматимни,
Гул очарсан ҳали. - Азиз, муҳтарам Банко,
Бизга қилган хизматларинг кам эмас сенинг,
Бу баралла аён бўлгай энди барчага.
Кел, бағримга босай.

Б а н к о

Унда пишиб-етилсам,
Ўрими ҳам - сиздан.

Д у н к а н

Беҳад комронман бутун,
Кўз шабнами суруримни тўсолмай ҳалак.
Болаларим, биродарлар, беклар, ёронлар,
Сиз, тахт олди маҳрамларим, огоҳ бўлингким,
Тўнғичимиз Малькольм шу соатдан бошлаб
Ноил бўлар бизга ворис сифати билан,
Шаҳзодаи Камберлең, деган шарафга.
Шон-шуҳратта ноил бўлган ёлғиз у эмас:
Мукофотлар ярқирагай юдузлар каби -
Барча ботирлар кўксига. Боргаймиз энди
Биз Инвернес қалъасига, Макбет қасрига,
Дўстлик меҳримизни унга аён этгали.

М а к б е т

Хизматингиз шарафидан тин олмоқ - увол,
Чопар бўлиб қўрғонимга учай шу замон
Рафиқамни қувонтирай хушхабар билан
Бизга ташриф этмоқда, деб, не азиз меҳмон.

Д у н к а н

Балли, Кавдор бегим, танти, номусли бегим!

М а к б е т

(Четра)

Кемберленд шаҳзодаси - мана, ким тўсиқ!
Ё қулашим, ёки забун этишим даркор!
О, юдузлар, нурингизни Макбет ниятин
Қора зулмат дунёсига сочманг беҳуда!
Қўлим этган кирдикордан чўчисанг агар,
Кўзим, кўр бўл! Кўр бўлганинг эмасми афзал!

(Кетагу.)

Д у н к а н

Кўрасанми, Банко, унда қанча шижоат,
Мақтовини зикр айламоқ - ўзи бир роҳат.
Бизни иззат-икром ила кутиб олгани -
Шошган эрнинг изларидан юрайлик, қани!
О, нақадар бебаҳо, чин ақрабо ва дўст!

Карнайлар чалинади. Ҳамма чиқади.

Бешинчи саҳна

Инвернес. Макбет қасри. Л е д и М а к б е т кўлида мактуб билан киради.

Л е д и М а к б е т

"Мен уларни зафар қойим бўлган кунда учратдим ва тез орада шунга ишондимки, уларнинг билимлари инсонлар билимидан кўра устунроқ. Мен улардан муфассалроқ сўраш иштиёқи билан ёндим, лекин улар ҳавога айланишиб, шу ондаёқ кўздан ғойиб бўлишди. Қирол элчилари келиб, мени Кавдор беги унвони билан қутлашаркан, ҳушим ўзимда эмасди, зотан, башоратгўй бибилар ана шу рутба билан мени аллақачон муборақбод этишган, ҳаттоки, бундан ҳам ошиб тушиб, "Яшасин бўлғуси қирол - Макбет!"деб башорат беришган эди. Авжи сал-

танатимнинг азиз маҳрами, сени шу воқеалардан хабардор қилишни истадим, токи истиқбол сенга тайин этган даражаи олиядан беҳабар қолмагайсан, севинчу сурурдан бенасиб бўлмагайсан. Буларнинг барини юрагингга жо қилиб олгайсан. Хайр, кўришгунча".

Сен Гиламисс бегидирсан. Кавдор беги ҳам, Кароматда не дейилиш, бўлур мусаллам. Аммоки, мен кўрқаман, сен, беозорликни - Она сути билан эмган шафқатли инсон Қисқа йўлни танламайсан, улуғворликка Талпинасан, салтанатга ишқинг йўқ эмас, Бироқ - унинг хизматкори - ёвузликларни Танимайсан, тан олмайсан, ҳазар қиласан. Истайдирсан соф ҳолингча иззат кўришни, Танги ўйнаб, ҳалол туриб, ютмоқ бўласан. Сенга дерлар: "Кўлингни чўз - бари сеники!" Лекин кўрқув амр айлабон тек туришликни, Қўларингни боғлар... Тезроқ кела қол энди, Мен руҳимни қўяй сенинг қулоқларингга. Тақдир, яъни қудрат -само иноят этган Тож йўлида учрагувчи тўсиқларни мен Супурай шу тилим билан.

Хизматкор киради.

Хўш, нима дейсан?

Х и з м а т к о р

Қирол тунда етиб келар.

Л е д и М а к б е т

Жинни бўлдингми?

Хўжайининг қирол билан биргадир, демак, Сен айтганча бўлса, огоҳ этарди бешак.

Х и з м а т к о р

Йўқ, ишонинг сўзларимга. Бегимиз йўлда.

Ҳозиргина етиб келди ошиғич чопар.

Шўрлик шундай жон куйидириб, айламиш жадал, Тили зўрва фўлдирайди...

Л е д и М а к б е т

Қарашгин унга,

Яхши хабар келтирибди.

Хизматкор кетади.

Ҳатто қарғалар,
Дунканнинг шум ташрифидан қарилмайвериб,
Бўрилгандан-бўрилибди, хириллар энди.
Ҳой, қайдасиз, келинг, ўлим фаришталари!
Ўзгартиринг жинсимни. Ва ёвузликларга
Чулғаб олинг мени бошдан-оёғим қадар.
Қонларимни қуюлтиринг. Токи томирда
Шафқат учун заррача ҳам ўрин қолмасин.
Токи афсус оҳи билан яна табиат
Қароримни ўзгартириб, қўймасин доғда.
Қотилликнинг кўз илғамас руҳлари, келинг
Ва ёпишинг менинг опшоқ кўкракларимга,
Унда сутмас, сафро тошар, симиринг ташна.
Қоронғи тун, жаҳаннамий тутунингни ёз,
Токи ханжар кўролмагай жароҳатини,
Токи осмон зулмат оша қичқиролмагай:
"Тўхта!" дея...

Макбет киради.

Ғолиб Кавдор, буюк Гламис!
Боз устига, ҳеч шубҳасиз, бўлажак қирол!
Юксакларга олиб учди мактубинг мени.
Мен бутуннинг мавҳумоти узра яшайман
Келажакнинг ишқи билан.

М а к б е т

Жоним, севгилим,
Дункан туңда етиб келар.

Л е д и М а к б е т

У қачон қайтәр?

М а к б е т

У эртага қайтмоқчидир тонгда.

Л е д и М а к б е т

Ҳеч қачон
Бундоқ "эрта" учун энди ёришмагай тонг!
Бегим, қўрқинч бир китобга ўхшар юзингиз,
Ўқиш осон. Гар замонни алдар бўлсангиз,
Замонасоз бўлинг, токи ёнсин баякбор
Кўзингиз ҳам, сўзингиз ҳам такалуф билан.
Кўринишда бир бетикан гул бўлиб худди,
Аслида-чи, гул остида илон бўлгайсиз...
Сен меҳмонни қаршилайвер хурсанд, шўху шан,
Қолганини эса менга қўйиб бер, зотан,
Тун қўйнида этажакман ишни саранжом,
Токи сўнгра шундоқ куну тунлар баррида
Тожу тахтнинг нашъасини сурайлик чаңдон.

М а к б е т

Буни - кейин гаплашамиз.

Л е д и М а к б е т

Очиқ чехра бўл,
Ким хомушдир, у барчага хавфли туюлар,
Бошқасини мен зиммамга оламан буткул.
Кетадилар.

О л т и н ч и с а ҳ н а

Ўша жой. Макбет қасри олдида карнайлар ва машғаллар.
Дункан, Малькольм, Дональбайн, Банко, Мақдуф, Росс, Ангус
ва уларнинг хос маҳрамлари киришади.

Д у н к а н

Қандай сўлим жойда барпо бўлмиш бу қаср,
Ҳаттоки, хуш ҳавоси ҳам дилни аллалар,
Шундай латиф, шундай майин.

Б а н к о

Ёзнинг меҳмони,

Бутхоналар бўғотининг митти посбони -
Қалдирғочлар ҳар қаричда қўймиш ошиён,
Демак, бунда хавф-хатардан холидир осмон.
Кўрасизми, бунда улар уя қўймаган
Бирор бурчак ёки бўртиқ девор қолмаган.
Пайқаганман: қалдирғочлар ошиён учун
Соф ҳавони танлар.

Ле ди Мак бет киради.

Д у н к а н

Мана, мўътабар бекам!
Қанча оғир юк бўлмасин меҳр-муҳаббат,
Уни доим шукрон айтиб қабул қиламиз.
Сиз ҳам бизга, ҳам Тангрига шукрон айтингиз
Азияту заҳмат учун.

Л е д и М а к б е т

Биз чеккан заҳмат
Ҳозиргидан минг баробар зиёд бўлса ҳам,
Сиз кўрсатган карам - қутлуғ ташриф олдида
Ҳеч нимадир, айтишга у арзимаёди, кам.
Сиз айлаган аввал-охир шафқатлар ҳақи
Кеча-кундуз дуодамиз.

Д у н к а н

Қани Кавдор бек?
Бу даргоҳга ундан олдин етишмоқ бўлиб,
Орқасидан шамол бўлиб учдик. Беҳуда!
У чинакам бир чавандоз, бунинг устига,
Ишқи уни қистаб турди ҳар бир дақиқа.
Бас, орқада қолиб кетдик, бекачим, бисёр.
Биз меҳмонмиз сизга.

Л е д и М а к б е т

Бизлар эса - хизматкор.
Ўзимиз ҳам, мулкимиз ҳам, мулозимлар ҳам
Сизникидир, сизга тобе, сизга мусаллам,
Қўлингизга тоштирамиз.

Д у н к а н

Қўлингиз беринг,
Хўжайиннинг ҳузурига борайлик бу дам.
У биз учун ардоқлидир, марҳаматларни
Аямасмиз, боши узра сочармиз ҳали,
Қани, юринг хоним-бекам.

Кетадилар.

Еттинчи сахна

Ўша жой. Макбет қасрида бир хона.
Сахнадан баковул ва хизматкорлар идиш-товоқ кўтариб
ўтишади.

Кейин Макбет киради.

М а к б е т

О, бир йўла тугасайди, тугатолсайдиқ
Ҳаммасини бир сирада. Агар ёвузлик
Инобатга олиб барча оқибатларни,
Омад сари бошласайди ва бир зарб билан
Ҳал этсайди ҳаммасини лоақал, шунда,
Чексиз баҳрулҳаёт аро саёз шу ерда,
Ким ўйларди эртасию истиқболини?
Сўроқ кутар у дунёмас, шу дунёда ҳам.
Кимки қонли дарс ўқитмиш, унинг бошига
Авдарилур ўша сабоқ... Қасос-интиқом
Биз ўзимиз қуйган заҳар тўла косани
Ўзимизга тутар... Бунда тўхтамиш қирол
Икки қисса оширилган посбони билан.
Мен - қиролнинг ақрабоси, фуқаросиман,
Демак, уни муҳофаза этмоғим даркор.
Йўқ, наинки, уй соҳиби бўла туриб мен
Қотилликка сад чекмасам, яна устига,
Хавжаримни меҳмонимга ботирсам хунхор.
Инсоф билан амру фармон юритар Дункан,
Соф-мусаффо қолиб ўша юксак пояда,

Ўлдирилса, унинг фазлу фазилатлари
Фариштадек бонг урарлар қасос ҳақида.
Ё шамолда учиб юрган гўдак мисоли,
Ё самовий отда учган малак мисоли
Еру кўкка дод солурлар, солурлар фиғон,
Қора хабар дийдаларга, дилларга сингар,
Кўз ёшлардан ер юзида қўзғалур тўфон,
Бас, қарору қатъиятни қайрамоқ бекор:
Апил-тапил сакраб чиқиб шуҳрат отига,
Ер тишламоқ нега даркор?

Ле ди Мак бет киради.

Хўш, не гаплар бор?

Ле ди Мак бет

У қарийб овқатланиб бўлди. Сен нега
Кетиб қолдинг?

Мак бет

Сўрадим мени?

Ле ди Мак бет

Сўради.

Мак бет

Кел, шу ишдан воз кечайлик. Ахир, у мени
Эл наздида шуҳратларга бурқади бутун.
Довруқларнинг зар қапталли либосин кийдим,
Юрсам дейман, даврон суриб янги кийимда
Ва ечмасам уни.

Ле ди Мак бет

Хўш-хўш, наҳотки ўша
Умидларинг айтилмишди сармастлик билан.
Энди бўлса, хушёр тортиб, ҳайрон қарайсан
Аввалги у қарор билан қатъиятнингга?
Бас, ишонмам ортиқ ишқу муҳаббатингга.
Ҳаёлда зўр, амалда-чи, ожизмисан ё?
Ё қаноат қилиб турмуш неъматларига

Кўрқоқликни тан олибми яшаш тилагинг?
Ё бўлмаса, бир бечора мушук айтгандек:
Истайсану бетламайди лекин юрагинг?

М а к б е т

Етар! Инсон қилган ишни қила олурман,
Ҳақат ҳайвон қодир бундан ортиқроғига.

Л е д и М а к б е т

Бу хаёлга солган сени ҳайвон эдимиз?
Инсон эдинг, ахир, уни ўйлаганингда.
Ҳозиргидан кўра яна баландлашмоққа
Журъат этсанг, инсонлигинг ортади яна.
Қулай фурсат етишини кутар эдинг сен,
Фурсат етди, аммо сен-чи, чекинмоқдасан.
Ҳа, мен бола эмизганман, биламан тайин,
Кўкрагингга босмоқ уни нақадар ширин -
Кулиб-кулиб сен томонга талпинаркан у.
Аммо сендай қасам ичган бўлсам агарда
Кўкрагимни тортиб олиб тишсиз милкидан,
Калласини эзардим шу қўлларим билан...

М а к б е т

Борди-ю, иш чиқмаса-чи?

Л е д и М а к б е т

Нега чиқмайди!
Худди тордек таранг бўлсин қарор-қатъият,
Чиқмайдиган иш бўлмайди, чин бўлса ният.
Менга қара, уйқуга бош қўяркан Дункан
(Шундоқ бўлур, у йўл босиб жуда чарчаган),
Ҳар иккала посбонни май, мусаллас билан
Маст қиламан ҳуши ориб йиқилгунча то.
Миялари аталага айланиб гўё,
Одам эмас, балки тўнғиз уйқуси билан -
Чўзиларкан. Икки ўлик, икки рўдапо,
Қирол бизнинг қўлимизга қолар, биз уни
Аямасмиз, не истасак, этармиз шуни.
Бадмаст посбон, қоровулар иши деб тайин
Қилғиликни ўшаларга тўнкаймиз кейин.

Макбет

Сен ўғил туғ фақат. Сенинг бу табиатинг
Эр туғмоғи, эрлар бунёд этмоғи даркор.
Посбонларки ухлашдимми - бўлишар айбдор,
Боз устига қўлларига қон суриб қўйсақ,
Ишга солсақ гар уларнинг ханжарларини,
Ким ишонмас, шак-шубҳага қандай асос бор?

Ле ди Макбет

Шубҳа бўлмас. Ишонишар бизга бус-бутун.
Жим турмаймиз, ахир, ўша мурда устида
Доду фарёд соламиз.

Макбет

Бас, мен қарор қилдим.
Шиддатландим, шайман ўша қўрқинч қадамга.
Юр, бир нафас меҳмонлар-ла чақчақлашайлик,
Сохта юзлар бўлсин сохта дилларга парда.

Кетишади.

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Инвернес. Макбет қасрининг ҳовлиси. Банко ва Флиенс
киради ва уларнинг олдида машғал кўтарган хизматкор.

Банко

Соат неча бўлди, ўғлим?

Флиенс

Ой ботиб кетди,
Соат неча занг урганин эшитолмадим.

Банко

Ўн иккида ботади ой.

Флиенс

Йўқ, дада, ҳозир
Тун яримдан оғиб қолди.

Б а н к о

Қиличимни ол,
Бирин-кетин ўчиб бўлди осмон шамлари,
Огир уйқу қўрғошиндек босмоқда танни.
Аммо ётиб ухлагим йўқ, эвоҳ, азизлар,
Тунги нопок хаёллардан асрангиз мени.

Макбет ва машғал кўтарган мулозим киради.

Қани, менга қилични бер -
Ким келаётир?

М а к б е т

Дўстинг!

Б а н к о

И-е, бу сенмисан? Ухламадингми?
Қирол бўлса аллақачон уйқуга толди,
У хушчақчақ, баланд руҳга ёр бўлди бугун.
Инъом-эҳсон берди жумла мулозимингга
Ва мана шу олмосни-чи бека ойимга.
Бу - кундузга хизматлардан хушнуд-ризолик -
Аломати.

М а к б е т

Ташриф этди кутилмаганда,
Тадориксиз, камчил бўлди меҳмоннавозлик
Назаримда.

Б а н к о

Тўқис, аъло ўтди ҳаммаси,
Кеча десанг, хув кампирлар кирмиш тушимга,
Чинга чиқди баъзи толе таъбирлари.

М а к б е т

Мен -
Унутганман ўшаларни. Лекин истасанг,
Бирон қулай фурсат топиб улар ҳақида
Гапиришсак бўлармиди, дейман.

Банко

Розиман.

Макбет

Менга суян - топажаксан иззату икром.

Банко

Майли, аммо иззатимни оширайин деб,
Номуссизлик даргоҳига қўймасман қадам,
Булгамасман бурчимни ҳам, виждонимни ҳам.
Маслаҳатинг қабул этгум.

Макбет

Хўп, хайри тун.

Банко

Раҳмат, дўстим. Ўзинга ҳам роҳат ёр бўлсин.
(Банко ва унинг ўғли кетади)

Макбет

Бориб айтким, ойим бека ҳозирласин май
Ва қўнғироқ чалсин менга, ўзинг ухлагин.

(Мулозим кетади)

Нимадир у рўпарамда ҳавода турган?
Ханжар! Шартга дастасидан тугайин. - Ўҳҳў,
Тутқич бермайсан-ку! Аммо кўриб турибман!
Хўш, нимасан ўзинг, кўзга чалиниб фақат,
Лекин қўлга илинмовчи машъум бир рўё,
Ёки алаҳлаган мия маҳсулимисан?
Тасаввурда кўрингувчи ханжармисан ё?
Йўқ, кўраман сени, кўриб, идрок этаман.
Ўзим ҳали филофидан суғурган тивдай,
Ўша тивдай сен ҳам энди бошлайсан мени
Бир пайт ўзим шамшир билан ўтган йўллардан.
Кўриш сезгим ўткирми ё заифми, аниқ
Айтолмайман. Лекин сени кўраман аён!

Кўраманки, олмосингда қатра-қатра қон.
Қирранг аввал қонсиз эди... Алаҳлаяпман!
Ўнгимда ҳам кўринмоқда қонли ниятим.
Ҳозир ярим дунё ўлим уйқусидадир,
Тўшақларга бошдан-оёқ бурканиб ётган
Ғофилларга сизғиб кирар нохуш хаёллар.
Ранги ўчиқ Ҳекатани шум жодутарлар
Олқишлайди, ориқ ажал соқчиси - бўри
Уввос тортар, гўё уни уйғотмоқчидай,
Сўнгра ёвуз Тарквинийга ўхшаб, соядай
Яқинлашиб кела бошлар қурбони сари.
Замин, илло, эшитмагил қадамларимни,
Даҳшатли тун жимжитлигин тилиб ногаҳон,
Тошлар тағин қичқирмагай: "Тўхта! Қаёққа?"
Мен дағдаға қилаяпман... Лекин ўшанга
Дағдағамдан зарра зиён етмаслиги рост.
Сўз - сув демак, иродани совутар холос.

(Кўнғироқ сөгосу.)

Ҳай! Кўнғироқ чорлаяпти. Бораяпман! Шай!
Дункан, ўзинг эшитмайсан, ғофилсан магар:
Мотам қўнғироғи сенга чалинар бу он,
Жаннатга ё жаҳаннамга бўлурсан равон.

Кетади.

Иккинчи саҳна

Ўша жой.

Леди Макбет киради.

Л е д и М а к б е т

Май уларни қулатди-ю мени турғизди,
Май уларни сўндирди-ю ёндирди мени.
Жим, секинроқ!... Қаёқдандир бойқуш овози,
Қайғу мотам даракчиси қичқириб шу дам,
Аллакимга уйқу - ўлим етишин айтар.
У ётибди нари ёқда. Эшиги очик,
Маст посбонлар хуррак отар, бурчни унутиб.

Улар ичган майга шундай дори қўшдимки,
Устларида уйқу эмас, ўлимнинг юки.

М а к б е т

(Саҳна ортидан)

Ким у?

Л е д и М а к б е т

Уҳ, нақадар қўрқаяшман! Уйғонишса-я?
Унда тамом! Бу таваккал маҳв этар бизни,
Қилмишимиз эмас. Ҳай, жим! Мен ханжарларни
Посбонларнинг шундоққина ёнига қўйдим,
Макбет топар адашмасдан. Дункан мабодо
Ухлаганда падаримга ўшшамасайди,
Унда ҳамма ишни ўзим этардим адо.
Эрим!

Макбет киради.

М а к б е т

Ҳамма ишни тўкис саранжом этдим.
Сен шовқинни эшитдингми?

Л е д и М а к б е т

Йўқ, эшитмадим.
Фақат бойқуш сайраши-ю чирилдоқ саси.
Сен ким билан гапиришдинг!

М а к б е т,

Менми? Мен? Қачон?

Л е д и М а к б е т

Ҳозиргина.

М а к б е т

Анов эшик орқасидами?

Л е д и М а к б е т

Ҳа.

М а к б е т

Секинроқ! Ким ётибди қўшни хонада?

Л е д и М а к б е т

Дональбайн.

М а к б е т

(Ўз қўлига қараб)

Эвоҳ! Менинг қўлимга қара!

Л е д и М а к б е т

Қўй беҳуда бу гапларни. Энди бефойда.

М а к б е т

Қаҳ-қаҳ уриб уйқусида кулди биттаси,
"Қотиллар!" деб фарёд солди шунда бошқаси,
Уйғонишди. Тошдек қотиб тинглар эдим мен.
Улар эса бир оз тоат-ибодат қилиб,
Чўзилганча хап ётишди.

Л е д и М а к б е т

Майли, ухлашсин.

М а к б е т

"Тангрим, ўзинг асрагайсан, омин", деб улар
Ғўлдирашди секин, шунда менинг қўлимдан
Сезишгандай бўлиб гўё қотилигимни,
Улар "Тангрим, ўзинг асра!" дейишаркан, мен:
"Омин!" деёлмадим.

Л е д и М а к б е т

Етар, буни ўйлама.

М а к б е т

Нимадир у йўл қўймадим "Омин" демоққа?
Дуоларни севардим-ку, ахир нимага
"Омин" сўзи томоғимга тиқилиб қолди?

Л е д и М а к б е т

Бундай ишлар хусусида ўйламаслик хўп,
Ўйлайверсанг, жинни бўлиб қолишинг тайин.

М а к б е т

Назаримда кимдир фарёд солгандай бўлди:
"Ухламанглар! Макбет тунни қонга ботирди!"
Шундай бир тун, шундай маъсум уйқуки ўша,
Ташвишларнинг тугунини бирма-бир ечар,
Кундузги иш-даҳмазалар хаёлдан кўчар.
Шундай бир тун, шундай маъсум уйқуки, ўша
Хаста дилнинг малҳамидир, ҳаёт базмида
Иккинчи, энг асл таом...

Л е д и М а к б е т

Нималар дейсан?

М а к б е т

Ҳаммаёқдан фарёд учди: "Ухламанглар, ҳой!
Гламисс бек тун - уйқуни қонга ботирди.
Кавдор беги, Макбет сира ухламас энди!"

Л е д и М а к б е т

Ким ҳам қичқирарди, дейсан? Мўътабар бегим,
Бу гапларни қўй, беҳуда хаёллар билан.
Ўз руҳингни бўшаштирма. Сув олиб дарҳол,
Кўлингдаги қонларни юв, юқи қолмасин.
Ханжарлар-чи, хўш, уларни нега келтирддинг?
Ўрнига қўй элтиб, ухлоқ қоровуларга
Қонни сурка.

М а к б е т

У томонга бошқа бормаيمان.
Қилган ишим тагин бир бор кўриш-ку, кўриш,
Эсга олиш даҳшат менга.

Л е д и М а к б е т

Лапашанг, қўрқоқ!

Ханжарларни бу ёққа бер. Ухлоқ ва ўлик!
Фақат суврат - қороздаги шайтондек бир гап.
Катталармас, болаларни қўрқитишга боп.
Мурда қонга ботган бўлса, бўлди, аяйман,
Посбонларнинг юзларини қонга бўййман.
Аён бўлсин иши.

(Кетагу.)

Эшик тақиллайди.

М а к б е т

Қайда тақиллатишар!
Менга нима бўлди? Салга чўчиб тушаман!
О, бу кимнинг бармоқлари ботар кўзимга?
Йўқ, Нептуннинг жумла баҳру уммонлари ҳам
Бу қонларни юволмагай. Қўлимнинг учи
Тегса, ҳатто қизаради денгизнинг туби.

Леди Макбет қайтади.

Л е д и М а к б е т

Худди шундоқ тусга кирмиш менинг қўлларим.
Аммоки мен чўчимайман, юрагим бардам,
Руҳим тетик.

Саҳна ортидан тақиллатишади.

Ажаб, яна тақиллатишар.
Бор, халатинг кийиб олгин. Кўриб ногаҳон,
Ётмабди, деб ўйлашмасин. Измингни берма
У паришон хаёлларга.

М а к б е т

Қанийди энди -
Унутсайдим ўзимни ҳам, қилмишимни ҳам!

Саҳна ортидан тақиллатишади.

Бу товушлар Дунканни ҳам уйғотолсайди!
Кетишади.

Учинчи саҳна

Ўша жой.

Саҳна ортидан тақиллатишади.

Эшикбон киради.

Э ш и к б о н

Тақиллатгани тақиллатган... Ўша жаҳаннам қоровули бўлгандаям, бунақа "тақ-тақ"да калитни то қулфга солиб, айлантиргунча, жони ҳалқумига келарди.

Саҳна ортидан тақиллатишади.

Яна тақ-тақ, яна тақ-тақ! Вельзевул ҳақи айт, кимсан ўзинг? Бу ҳойнаҳой қурроқчиликдан кўрқиб, ўзини осиб қўйган дехқон бўлса керак. Худди вақтида етиб келдингда, оғайни. Рўмолчадан кўпроқ олиб ол, қилган гуноҳларингга терлайсан ҳали...

Саҳна ортидан тақиллатишади.

Тагин қоқади, тагин тақиллатади! Ўзга шайтон ҳақи, айт, кимсан ўзинг? Ҳа, бу ўша қасамини қози тарозисининг ҳар икки палласига баробар бўлиб ташлаган каззоб шекилли. Бу дунёда Худони шафе келтириб, не-не кишиларнинг ёстиғини қуритди, лекин у дунёда ҳунари ўтмаган. Қани кир, кира қол, ичи қора!

Саҳна ортидан яна тақиллатишади.

Яна тақ-тақ, яна тақ-тақ! Ҳой, ким у? Ҳа, бу ўша, ўзига бир парча мовут орттираман деб французча чалворни роса тор қилиб тиккан инглиз тикувчиси. Кир, киравер, оғайни! Дазмолингни қиздириб олишинг мумкин.

Саҳна ортидан тақиллатишади.

"Тақ-тақ"дан бошим чиқмади-чиқди-да! Сира тинчлик беришмайди. Кимсан ўзинг? Айтиб қўяй, бу ер овқат пиширишга ноқулай, совуқ қотасан. Лекин шайтонга дарвозабонлик қилиш жонимга тегди. Кайф-сафо йўлида юрган қаланғи-қасанғилардан шу роҳатижон олов ёнига шунча кўп киритдимки, энди, бас, кифоя!

Саҳна ортидан яна тақиллатишади.

Хўп, ҳозир, ҳозир. Ҳа, эшикбонни унутманглар.

(Дарвозани очади.)

Мақдуф билан Ленокс киради.

М а к д у ф

Ошнам, анча кеч ётганга ўхшайсан бугун,

Шундоқ қотиб ухлабсанки...

Э ш и к б о н

Шундоқ, хўжам: биз хўрозлар икки бор қичқиргунча майхўрлик қилдик. Майхўрлик маълумингизки, уч оқибатга сабаб бўлур.

М а к д у ф

Қандай оқибатлар экан?

Э ш и к б о н

Қандай бўларди? Бурнинг шолғомдек қизаради, ўликдек ухлайсан, шариллатиб... сиясан. Ҳирсингни ҳам уйғотади, ҳам карахт қилади: нафсингни қитиқлайдию мурод ҳосил қилишга қўймайди. Хуллас, мусаллас ўлгур қинғир қилиқлари билан руҳингни булғайди, вассалом: қўзғатадию тинкангни қуритади, ёндирадию сўндиради, гиж-гижлайдию алдайди, оёққа турғизади-ю, оёқдан чалади: ишқилиб, риёкорлик қила беради, то тўшаққа ағана-тиб, бор айбни бўйнингга қўймас экан, тинчимайди.

М а к д у ф

Бугун сени у оёғингдан чалиб, ерга урган шекилли?

Э ш и к б о н

Ҳаққо-рост, хўжам: у менинг томоғимга чиппа ёпишиб олди, лекин бу ағдар-тўнтарлар охири унинг учун бахайр бўлмади, ҳа, ҳойнаҳой, кучи етмади. Бўлмаса, неча бор оёғимдан чалди, лекин мен чаққонлик билан уни ташқарига улоқтириб ташлайвердим.

М а к д у ф

Хўжайининг уйғондимми?

Макбет киради.

Афтидан уни

Уйғотибди биз кўтарган шовқин-суронлар.

Л е н о к с

Салом, бегим!

М а к б е т

Салом, салом иккингиизга ҳам!

М а к д у ф

Қирол ҳали турмадимми?

М а к б е т

Тўшақда ҳали.

М а к д у ф

У эртароқ турғизишни сўраган эди,
Уйғотмоққа фурсат етди.

М а к б е т

Кузатгум сени.

М а к д у ф

Биламанки, ёқимлидир сенга бу хизмат,
Не бўлса ҳам хизмат лекин.

М а к б е т

Ажиб бир хизмат,
Чарчатмайди, яйратади. Анави эшик.

М а к д у ф

Мен кирмоққа жазм этаман. Бурчим шунақа.

(Кетагу.)

Л е н о к с

Қирол бугун қайтадими?

М а к б е т

Ҳа, шундай деган.

Л е н о к с

Ҳа, айтмоқчи, тунда қандай бўрон кўзғолди!
Томимизнинг карнайини учириб кетди.
Дейдиларки, ҳаволарда чарх уриб юрмиш
Фарёд-фигон, ажалга эш бўлган нидолар;
Турфа қонли можаролар, ғавғолар тўла
Офат йили келишини сўйламиш улар.
Зулмат қуши азонгача қичқириб юрди,
Ер силкинди.

М а к б е т

Ҳа, жудаям нотинч ўтди тун.

Л е н о к с

Мен умримда кўп тунларни кўрганман, аммо,
Бунақасин кўрмаганман.

Мақдуф қайтиб келади.

М а к д у ф

О, даҳшат, даҳшат!...
Айтишга ҳам ожиздирман, оҳ, бу кўз кўриб,
Қулоқ эшитмаган савдо.

М а к б е т в а Л е н о к с

Айтинг, нима гап?

М а к д у ф

Тамом ҳадди-ҳисобидан ўтмиш қабоҳат:
Манфур қотил пусиб кирмиш Тангри уйига,
Эзгуликлар нури билан тўлган ҳаётни
Барбод этмиш...

Макбет

Нима? Кимнинг ҳаётини?

Ленокс

Аъло ҳазратними?

Макдуф

Эвоҳ, кириб кўрингиз,
Бир қарашда айрилурсиз кўздан муқаррар -
Янги Горгонани кўриб. Тилларим ожиз,
Ҳа, ўзингиз кира қолинг.

Макбет ва Ленокс кетадилар.

Уйғонингиз, ҳой!
Ноғоралар, сурон солинг! Хиёнат ва қон!
Ҳей, турингиз, Банко, Дональбайн, Малькольм!
Отинг ўлим ҳамшираси - ором уйқуни!
Биз тарафга ўзи ташриф буюрмиш ажал,
Даҳшатли суд бўлур бунда! Малькольм, Банко,
Қабр аро руҳ мисоли кўзголинг шу он,
Маҳшаргоҳга назар солинг! Гумбурласин бонг!
Кўнғироқ садоси. Леди Макбет киради.

Леди Макбет

Ҳой, нима гап? Ким у қўрқинч овози билан
Жанг олдидан вағиллаган мискарнай каби
Одамларни чорламоқда! Гапиринг!

Макдуф

Бекам,
Айтганларим яна такрор этолмагайман,
Чунки аёл қулоғига етишса улар,
Шу ондаёқ ҳалок этар.

Банко киради.

О, Банко, Банко!
Қиролимиз ўлдирилган!

Л е д и М а к б е т

Нечук бу, нечук?
Эвоҳ, бизнинг уйимизда? Бу не фалокат?

Б а н к о

Бу қаерда рўй бермасин - мудҳиш қабоҳат!
Мақдуф, дўстим, ялинаман, ёлбораманким,
Айтганларим янглиш бари, алдадим, деб айт.

Макбет ва Ленокс қайтадилар.

М а к б е т

Оҳ, ўлсайдим агар бундан бир соат бурун,
Шод-бахтиёр кетар эдим, энди-чи, мана,
Қўларимга бўм-бўш бўлиб қолди даҳри-дун,
На шон қолди, на саховат - бари вайрона.
Тирикликнинг май - шароби қуриди, битди,
Не матойи билан бизга мақтанар энди
Шу бевафо фалак?

Малькольм ва Дональбайн кирадилар.

Д о н а л ь б а й н

Айтинг, нима юз берди?

М а к б е т

Эшитмадингизми ҳали, қуриб битди-ку
Сизнинг наҳрул ҳаётингиз, кору борингиз.

М а к д у ф

Ўлдирилмиш сизнинг падар - бузрукворингиз.

М а л ь к о л ь м

Ким ўлдирди?

Л е н о к с

Афтидан, бу - маҳрам посбонлар,
Улар ётар юзлардаю қўлларда қонлар.
Ёстиқлари орасидан яна шаҳодат -

Қонга ботган ханжарларни топиб олдик биз.
Қарашлари қилар эди қилмишларин фош,
Аъло ҳазрат ўшаларга ишонмиш, афсус.

М а к б е т

Энди афсус чекмоқдаман, ғазаб устида
Мальунларни ўлдирибман.

М а к д у ф

Нега ўлдирдинг?

М а к б е т

Ким бир йўла бўла олур ғазабнок - ҳушёр,
Асабий ва босиқ, содиқ ҳамда совуққон?
Ҳеч ким! Меҳрим ошиб кетса сусткаш ақлимдан,
Қандоқ қилай? Кўз ўнгимда ётмишди Дункан,
Ажал туйнук очган яра жароҳатидан
Унинг кумуш каби опшоқ жисми зорига
Ҳалқаланиб оқар эди қатра-қатра қон.
Ўша қонга бўялганча эшик олдида,
Ётар эди шум қотиллар - иккала посбон,
Ўша қонга беланганди ханжарлари ҳам.
Юрагида жасорати, меҳри бор одам
Қандай чидаб тура олур?

Л е д и М а к б е т

Оҳ, ёрдам беринг!

М а к д у ф

Ёрдам беринг бегойимга!

М а л ь к о л ь м

(Дональбайнга секин)

Ажаб, нега биз
Чурқ этмаймиз, гарчи бизга ёғилмиш бало?

Д о н а л ь б а й н

(Малькольмга секин)

Нима ҳам деб сўзлашайлик, ҳар бир тешиқдан

Ажал бунда бизни пойлаб мўралаб турса?
Тез қочайлик бу даргоҳдан кўзимиз ёши
Юзимизга қуйилмасдан...

М а л ь к о л ь м

(Дональбайнга секин)

Қайғумизни ҳам
Пинҳон тутмоғимиз даркор.

Б а н к о

Ҳой, қарашинглар!

Леди Макбетни олиб кетишади.

Хўш, юрингиз энди, юпун танларимизни
Бекитайлик кийим ила совуқ захридан.
Сўнг ошиқмай, текширайлик қонли савдони.
Кемирмоқда бизни қўрқув, шубҳа-гумонлар.
Мен, ёронлар, таваккални айтиб Тангрига,
У номаълум, қўллари қон хиёнаткорнинг
Изларига тушмоқчиман.

М а к д у ф

Мен ҳам!

Б а р ч а

Ҳаммамиз!

М а к д у ф.

Кийинишиб, қурооларни шай қилиб буткул,
Кейин зада тўпланамиз, маъқулми?

Б а р ч а

Маъқул.

Дональбайн ва Малькольмдан бўлак ҳамма тарқалади.

М а л ь к о л ь м

Хўш, биз нима қилдик? Бунда қололмаймиз-ку,

Ғанимларга қулай қунар - ясама қайғу.
Қарор қилдим, мен жўнайман Англияга.

Д о н а л ь б а й н

Мен эсам-чи, Ирландия томон жўнайман,
Юртдан йироқ, яъни хавфу хатардан йироқ.
Бунда ширин табассумлар остида - ханжар,
Кимки бунда бизга қондош, ўша муқаррар
Қонимизни қўмсаб турар.

М а л ь к о л ь м

Заҳарли ўқ-ёй
Ҳали елдек учиб борар, унинг дафъига
Кўкракларни қалқон қилиб тутмаган маъқул.
Отланайлик! Хайр-маъзур мавруди эмас.
Ким жонини ўғирласа ўлимдан, инон.
Ўғри номи ёпишмагай унга ҳеч қачон.
Чиқадилар.

Тўртинчи саҳна

Ўша жой. Макбет қасри олдида. Р о с с билан ч о л
киради.

Ч о л

Хотирамда олтмиш йилнинг сурони яшар,
Бу орада кўра-кўра қотди кўзларим
Не-не даҳшат ва ғаройиб воқеаларни,
Лекин бари бу кечанинг олдида хира.

Р о с с

Ота, кўкни чирмаб олган зулматга қара,
Одамларнинг қилмишидан ор этиб осмон
Соя билан қуршаб олмиш қонли майдонни.
Соат кунни кўрсатмоқда, лекин бўғриқар
Қоронғулик қафасидан чиқолмай қуёш.
Тун ғолибми ёки кундуз хижолатдами,
Тортинарми ер саҳини айламоққа фош?

Ч о л

Шундоқ, бўтам, неки бунда бўлмоқда содир,
Ажабтовур қўрқинчли ва гайритабийй.
Сичқон овлаб юрган бойқуш сешанба куни
Сор лочинни тутиб, тамом чўқиб ташлади.

Р о с с

Қирол бедовлари эса, ишонмас киши,
Лекин аниқ, бари ювош, чин аргумоқлар
Қутуришиб, қозикларни қўпориб қочган,
Жанг қилишмоқ бўлган гўё одамлар билан.

Ч о л

Дейдиларки, бир-бирини ражиган.

Р о с с

Шундоқ,
Кўрмасайдим ишонмасдим.

Мақдуф киради.

Мақдуф келмоқда.
Эшитайлик, не гаплар бор оламда, дўстим?
Хабардор қил бизни.

М а к д у ф

Ўзинг кўрмаяпсанми?

Р о с с

Топилдим ким экан у қирол қотили?

М а к д у ф

Макбет чавақлаган шахслар.

Р о с с

Ё қодир фалак!
Уларда не даъво-ғараз бўлиши мумкин?

М а к д у ф

Тахмин шуки, ўшаларни сотиб олишган.

Марҳум Дункан ўғиллари - Малькольм, Дональбайн
Яширинча қаёққадир ғойиб бўлишган.
Гумон энди - ўшалардан.

Р о с с

Бу ҳам мутлақо
Табиатга хилоф. Эвоҳ давлатпарастлик!
Ўз-ўзингни ейсан, ўзинг ўзингга юхо!
Тахминимча, Макбет энди қирол бўлгуси.

М а к д у ф

Аллақачон у қирол деб эълон этилди
Ва Сконга жўнаб кетди тож киймоқ учун.

Р о с с

Дункан хоки қайда қолди?

М а к д у ф

Колум-Киллдаги
Хилхонага кўчирилди хоки марҳумнинг,
Аждодлари ётган ўша қутлув даҳмага.

Р о с с

Сен Сконга борасанми?

М а к д у ф

Файфга жўнайман.

Р о с с

Ундоқ бўлса, қани, бошла, мен ҳам - изингдан.

М а к д у ф

Ихтиёринг, йўқ демайман, лекин айтайин,
Бир кун келиб, афсус чекиб юрмагил кейин.

Р о с с

Хайр, отахон.

Ч о л

Тангри ўзи мададкор бўлсин,
Ёрлақасин сизни, сизга ҳамроҳларни ҳам,
Увол савоб бўлиб, душман дўсту ёр бўлсин.

Кетадилар.

УЧИНЧИ ПАРДА

Биринчи сахна

Форрес, Саройда бир хона. Б а н к о киради.

Б а н к о

Ҳам қиролсан, ҳам Гламис, Кавдор бегисан,
Гарчаңд бир оз шубҳам бордир ҳалоллигинга,
Тўғри чиқди, рост айтибди кароматгўйлар.
Буюрмагай авлодинга лекин тожу тахт,
Қиролларнинг падари ва илдизи бўлиш
Сенга эмас, балки менга насиб айлагай.
Лекин алдашмаса ўша бибилар агар.
(Алдашмаса керак, чунки қисматинг - гаров.)
Ва сени ҳам алдамаган бўлишса улар,
Мумкинмидир, бас, менинг ҳам ишонмаслигим,
Умидлардан воз кечишим... Ҳай-ҳай, секинроқ...

Карнайлар чалинади. Шоҳона либосларда Макбет, Леди
Макбет, Росс, лордлар, хонимлар, хос маҳрамлар киришади.

М а к б е т

Мана, бизнинг энг муҳтарам ва азиз меҳмон.

Л е д и М а к б е т

Агарда у четда қолса, ташриф этмаса,
Ҳеч бўларди бизнинг буюк базм, тантана.

М а к б е т

Бугун барпо этмоқчимиз олий зиёфат,
Тилагимиз - зиёфатда бўлсангиз.

Б а н к о

Шоҳим,
Фармонингиз бош устига. Иродангизга
Боғланганман мен бурчимнинг занжири билан.

М а к б е т

Кундуз бунда бўлмайсизми?

Б а н к о

Йўқ, олампаноҳ.

М а к б е т

Афсус. Бугун биз мажлисда эшитмоқчийдик
Ҳамишалик нодир фикр, кенгашингизни.
Бас, эртага қолдирамиз энди йигинни.
Сиз узоққа жўнайсизми?

Б а н к о

Узоққа, шоҳим,
Кечки зиёфатга томон қайтаман лекин,
Ҳа, бордию отим чарчаб, толиқиб қолса,
Тундан эваз олиб балки бир-икки соат,
Йўл босарман.

М а к б е т

Зиёфатдан кечикманг фақат.

Б а н к о

Улгураман, олампаноҳ.

М а к б е т

Бизга етишди
Қотил жиянлар ҳақида миш-миш хабарлар,
Ирландия, Англия мулкида улар
Паноҳ тошиб, рад этишар падаркушликни.
Турли-туман уйдирмаю ёлгонлар билан
Одамларни чалғитишар. Буни эртага
Ҳокимият ишларини кўрган кенгашда

Гаплашамиз яна. Майли, ҳозирча хўп, кайр.
Биз кутамиз. Ҳа, Флиенс ҳамроҳингизми?

Банко

Ҳа, жаноби олий, бизни йўл кутар энди.

Макбет

Тилагимиз шуки, бедов аргумофингиз
Шамол каби учсин ўша манзилга томон,
Оқ йўл сизга! Эсон бориб, қайтингиз омон!

Банко кетади.

Ҳаммангизга рухсат соат еттигача то,
Дам олингиз, бизни эса қолдиринг танҳо.
Йиғилишиб кейин ширин ишрат қиламиз,
Ҳозир ҳамма уй-уйига, кайр, борингиз.

Макбет ва бир мулозимдан бўлак ҳамма кетади.

Менга қара, анавилар келишмадими?

Мулозим

Ҳа, келишди, олампаноҳ, улар эшиқда.

Макбет

Айт, киришсин.

Мулозим кетади.

Қирол бўлиш - ҳеч нарса эмас.
Қироликда чин, устивор туриш - бўлак гап.
Юрагимда қўрқув ошар Банкони кўрсам,
Шоҳона бир талъат бордир табиатида,
Ки, ҳар лаҳза ҳадиксираб туришга ундар.
У довюрак, у донишманд, унда пўлат руҳ
Ва совуққон тафаккури - мақсадга пешров.
Менинг учун ким қўрқинчли? Ўша - бегумон!
Цезарь руҳи Антонийни қайирганидек,
Унинг руҳи эгиб турар руҳимни маним.
Менга Шотланд тожу тахтин башорат этган
Бибиларга бир ҳайқириб, билиб олди у

Қиролларга бузружворлик қисматини ҳам...
Бундан чиқди - омонатдир бошимдаги тож,
Бундан чиқди - белимдаги шамшир бесамар.
Булар менинг авлодимга бўлмас муяссар,
Ёт-бегона қўллар мени этарлар ихрож.
Демак, қон тўкибман Банко зурёди учун,
Ўшани деб Дунканни ҳам этибман забун.
Оғу қўшиб оромимнинг паймонасига
Ўшани деб ағдарибман бошимга гавго.
Иблисга қўл бериб, жондан бўлибман жудо,
Давлат насиб этсин дебман Банко наслига!
Йўқ-йўқ! Қисмат, солишармиз ҳали, қарор шу,
Ё ўлиш, ё қолиш бор бу курашда! Ким у?

Мулозим икки қотил билан киради.

Сен эшикка чиқиб, менинг буйруғимни кут.

Мулозим чиқади.

Сизлар билан гаплашгандик кеча, шундоқми?

Б и р и н ч и қ о т и л

Шундоқ, шоҳим.

М а к б е т

Қалай, ўбдон ўйладингизми?

Сизга айтган гапларимни? Яна билингким,
Сиз бир пайтлар чеккан ранжу аламга боис,
Мен эмасман асло, фақат ўшанинг ўзи.

Мен ўтган гал тушунтирдим рақам '-барақам.

Сизни нечук алдамишлар, этмишлар абгор?

Ва ниҳоят кимдир ўша асл нобакор?

Жинни одам ва ҳаттоки, эси паст киши,

Фаҳмларки, бу шубҳасиз, Банконинг иши.

И к к и н ч и қ о т и л

Шундоқ, шоҳим, кўзимизни очдингиз.

М а к б е т

Аммо,

Сизни яна ҳузуримга чорладим, зеро,

Тагин хушёр этмоқчман. Ёки сиз шундоқ
Зоҳидсизки, нобакорни кечирасизми?
Майли, ўша ўз йўлига юра берсинми?
Ёки шундай тақводорсиз, ибодат айлаб,
Молу жони соғ бўлсин, деб тилайсиз тилак.
У тупроққа қориб сизни, хешларингизни
Тагин талайверсинми, а?

И к к и н ч и қ о т и л

Йўқ, биз одаммиз.

М а к б е т

О, албатта, одамдирсиз умум рўйхатда,
Този, лайча, хайбар, яна бўрибосарни,
Бир ном билан худди ит, деб аташганидек.
Бақолари бир хил эмас, ахир уларнинг,
Ялқови бор, яна эпчил-қопоғони бор.
Ахир, бири овчи бўлса, бири пойлоқчи,
Ҳар бирига табиатдан ўзга бир нисор.
Шу сабабдан биз одатда итнинг номини
Айтарканмиз, қайд этамиз насабини ҳам.
Худди шундай, бир-биридан айрилуру одам,
Баски, сиз ҳам инсон деган умум рўйхатда
Энг охирги бир ўринда турмас экансиз,
Менга айтинг, хизмат берай ўзингизга мос,
Адо этиб, олажаксиз золимдан қасос...
Жой олурсиз кейин бизнинг кўнглимиздан ҳам,
Биз бемормиз - ўша тирик юрар экан то,
Фақат унинг қатли билан топурмиз даво.

И к к и н ч и қ о т и л

Олампадох, изн беринг, мен инсонлардан
Шунча жабру жафо, шунча ситам кўрдимки,
Тайёрдирман ўч олишга улардан.

Б и р и н ч и қ о т и л

Мен ҳам,
Қисмат мени қийноғига олди нақадар,
Қўй, десангиз, ҳозир қўяй жоним гаровга.

Ё ютар, ё ютқизарман. Барибир менга.

М а к б е т

Биласизми, Банко - сизга душман эканин?

Қ о т и л л а р

Ҳа.

М а к б е т

У менга ҳам душман, лекин шундоқ душманки,
Тирик туриб, у ҳаётда олган ҳар нафас -
Менинг худди ҳаётимга қадалган ханжар.
Тўғри, унга ошкор барҳам беришим мумкин,
Бу қийинмас унча, лекин ақлдан эмас.
Не учунким, бордир умум дўсту ёронлар,
Улар сидқу садоқати мен узун азиз.
Балки улар ҳузурида қурбоним узра
Бир оз йиғлаб-сиқташга ҳам тўғри келади.
Шу туфайли, худди шундай важлар туфайли,
Иш оломон назаридан нари бўлсин деб,
Мен сизларни чақиртирдим.

И к к и н ч и қ о т и л

Адо этгаймиз
Амрингизни, шоҳим.

Б и р и н ч и қ о т и л

Ҳатто, ўлсак ҳам майли... .

М а к б е т

Бас, кифоя. Кўраяшман сабогингизни.
Маълум этгум сизга расо бир соат кейин,
Қачон, қайда пистирмада бўлмогингизни.
Ишни бугун оқшом текис битирмоқ даркор.
Ҳа, саройдан овлоқ бўлсин: унутмангизким,
Мен мутлақо хориж бўлай шубҳа-гумондан.
Ўғилчаси Флиенс ҳам бўлур у билан.
У ҳам гўрга гум этилсин - тилагимиз шу.
Шундоқ қилинг, токи ўша қоронғуликда,

Отасининг қисматига шерик бўлсин у.
(Иш бир йўла битсин, бошқа қайтмайлик унга).
Ўйлаб кўринг тагин. Мен-чи, ҳозир қайтаман.

Қ о т и л л а р

Биз тайёрмиз.

М а к б е т

Бўлак гапни кейин айтаман.

Қотиллар чиқишади.

Фурсат етди. Пешонангда бўлса мабодо,
Бугун худди жаннат сари борурсан, Банко.

(Кетагу.)

Иккинчи саҳна

Ўша жой. Саройда бошқа бир хона. Л е д и М а к б е т
в а м у л о з и м киради.

Л е д и М а к б е т

Жўнадими Банко?

М у л о з и м

Бекам, жўнаб кетди у,
Аммо-лекин кечга томон қайтар.

Л е д и М а к б е т

Қиролга

Бориб айтким, мен у билан гаплашмоқчиман,
Бор, хабар қил.

М у л о з и м

Бош устига.

(Кетагу.)

Л е д и М а к б е т

Баҳоси бир пул -
Галабанинг, агар қувонч келтирмаса ул.

Қотил бўлиб, қўрқув ичра яшашдан кўра,
Мурда билан жой алмашмоқ афзал минг карра.

Макбет киради.

Нега энди танҳоликка тушиб, азизим,
Изтиробли ўйлар ила қийнайсан ўзни?
Ўйларинг ҳам ўшалардек ўлмоғи лозим,
Қўй, бетиним ўйлайверма, унут уларни,
Қайтаролмас ўлганни минг афсус-пушаймон,
Ҳа, бўлар иш бўлди энди.

М а к б е т

Биз-чи, илонни

Бурда-бурда қилиб кесдик, ўлдиролмадик;
Тутаשמасми бир кун ўша кесик бурдалар,
Илон яна бир кун бизга этмасми исён.
Йўқ-йўқ, бундоқ заҳар билан ютиб бурда нон,
Кечалари ваҳим босиб чиққандан кўра,
Олам аро робитайи занжир узилиб,
Чок-чокидан сўкилмасми шу ёруғ дунё?
На кўнглимда қўрқинч-қўрқинч хаёлларга ҳад,
На руҳимда эзгин-эзгин азобларга чек.
Афзалмасми бундан кўра, топиб фароғат,
Тобут ичра тин олмоқлик ўша мурдадек,
Ўлик Дункан ором қучиб ётар қабрда,
Хиёнат кор қилди унга, тамом-вассалом.
На қилич, на оғу ва на фитна-интиқом,
На бемаҳал ёв босқини кор қилур унга.

Л е д и М а к б е т

Жоним, тинчлан, чеҳранг бир оз равшан айлаким,
Меҳмонларни шоду хуррам қаршилаш лозим.

М а к б е т

Сен айтганча бўлсин, майли, ўзинг ҳам лекин
Чеҳрангни оч ва Банкога лутфу карам қил.
Кўзинг, сўзинг билан уни кўпроқ эркала,
То мустаҳкам эмас экан тахтимиз ҳали,
Тожимизни ювайлик биз хушомад ила.
Юракларда не кечмоқда, яшириб турсин
Юзлардаги ниқобимиз.

Л е д и М а к б е т

Бемаъни қўрқув!

М а к б е т

О, билсайдинг, миям тўла илон-чаёнлар,
Банко тирик, унинг ўғли Флиенс тирик.

Л е д и М а к б е т

Лекин улар ўлмас қилиб яратилмаган.

М а к б е т

Ҳа, ҳайрият, яратилган қиличбоп қилиб.
Сен руҳингни баланг тутти, бутхона ичра,
Ҳали қўнғиз, кўршапалак қанот ёзмасдан,
Тун қўйнида ғўнғиллаган садо таратиб,
Улар Ҳекатага томон учиб бормасдан,
Шундайин бир иш бўлурки, шундай бир савдо,
Ки, даҳшату ваҳимага солур ҳаммани.

Л е д и М а к б е т

Нечук савдо?

М а к б е т

Сен, азизим, юра бер шундоқ,
Маъсум бўлиб, ҳеч нарсадан беҳабар бўлиб.
Кейин нашъу намоларга тўларсан қандоқ.
Зулмат, етиш, кўр қил энди куннинг кўзини
Ва руҳимни бўғовлаган кишанларни сен
Узиб ташла ғойиб, қонли қўлларинг билан.
Офтоб сўнар, қарға учиб борар ўрмонга.
Кундузнинг куч-қувватлари уйқуга чўмар,
Ўлжа излаб чиқар шунда тун баңдалари...
Лаббай? Демак, тушунмадинг? Англарсан ҳали.
Кимки ишни ёвузликдан бошласа - бўлди,
Муккасидан кетар унга. Қани, юр энди.

Кетадилар.

Учинчи саҳна

Ўша жой. Боя. Саройга олиб борувчи йўл. Уч қотил киради.

Б и р и н ч и қ о т и л

Ҳа, сени-чи, ким юборди бу ёққа?

У ч и н ч и қ о т и л

Макбет.

И к к и н ч и қ о т и л

Чин гапирдинг, ҳаққимиз йўқ ишонмасликка,
Не қиламиз - ипидан то игнасиғача
Сенга аён демак.

Б и р и н ч и қ о т и л

Дуруст, қолгин биз билан.
Ёниб аста сўниб борар шафақ шуъласи,
Қамчи босиб, отни қистар ҳорфин йўловчи.
У манзилга шошар, демак, яқинлашмоқда
Биз кутганлар.

У ч и н ч и қ о т и л

Жим! Чамамда туёқ шарпаси.

Б а н к о

(Саҳна орқасидан)

Бизга машғал тутинг!

И к к и н ч и қ о т и л

Худди ўшанинг ўзи,
Зиёфатга чақирилган ўзга меҳмонлар
Аллақачон саройдадир.

Б и р и н ч и қ о т и л

Отлар бурилди.

У ч и н ч и қ о т и л

Ҳа, айланиб ўтишмоқда. Бир чақирим йўл.
У бўлса-чи, яёв борар дарвоза томон.

И к к и н ч и қ о т и л

Ана машғал!..

У ч и н ч и қ о т и л

Ўша!..

Б и р и н ч и қ о т и л

Худди ўшанинг ўзи!

Банко ва машғал кўтариб Флиенс киради.

Б а н к о

Тунда ёмғир ёрса керак.

Б и р и н ч и қ о т и л

Ёва берсин у.

(Улар Банкога ташланишади)

Б а н к о

О, хиёнат! Флиенс, қоч, ўзингни қутқаз!
Отанг учун интиқом ол! - О, ярамас қул!

(Ўлади.)

Флиенс қочади.

У ч и н ч и қ о т и л

Эй, машғални ким ўчирди?

Б и р и н ч и қ о т и л

Нега керак у?

У ч и н ч и қ о т и л

Ўлик битта. Ўғли қочиб қутулибди-ку.

И к к и н ч и қ о т и л

Шошилибмиз, аттанг!

Б и р и н ч и қ о т и л

Энди нима қиламиз!

Ҳа, начора, ҳамма гапни айтиб берамиз!

Кетадилар.

Тўртинчи саҳна

Ўша жой. Саройда тахт жойлашган хона.
Зиёфат дастурхони ёзилган стол.

Макбет, Леди Макбет, Росс, Ленокс, лордлар, мулозимлар
киришади.

М а к б е т

Хўш, марҳабо, ўтирсинлар. Бизга барчангиз
Баб-баробар эъзозлисиз.

Л о р д л а р

Ташаккур, шоҳим.

М а к б е т

Мен, камтарин уй эгаси, ўртароқ жойда
Ўлтирайки, ўрним бўлсин ҳаммага яқин.
Хоним-бека қолиб бироқ фахрий курсида,
Бизга лутфу навозишлар насиб айласин.

Л е д и М а к б е т

Тилагимки, меҳмонларга лутфий каломни
Давлатпаноҳ мен учун ҳам ўзи сўзласин.

Эшиқда биринчи қотил кўринади.

М а к б е т

Дастурхоннинг атрофида ўлтириб улар,
Жоним, сени чин юракдан олқишлайдилар.
Мен - ўртада. Қани, шундоқ айланасига,
Кўтарайлик. Хурсанд бўлиб сипқоринг барча!

(Эшикка яқинлашиб)

Юзингда қон.

Қ о т и л

Меникимас - Банконинг қони.

М а к б е т

Менга ёқар: унда эмас, сенда бўлгани.
Хўш?

Қ о т и л

Подшоҳим, тириклайин сўйдим мен уни.

М а к б е т

Сен чапани қассобдирсан, лекин кам эмас -
Чаптастликда Флиенсни сўйган кимса ҳам.
Беқидёсан - гар буни ҳам эшлаган бўлсанг.

Қ о т и л

Шоҳим, ўғли қочди, афсус, улгуролмадик.

М а к б е т

(Четга)

Мен бетобман яна, ҳозир соғ эдим зотан.
Мармар каби яхлит эдим, қоядек маҳкам,
Ҳаво каби эркин эдим, энди бўлса-чи,
Машғум гумон, қўрқувларга бандиман яна,
Яна абгор. - Банко чиндан ўлдирилдими?
Ёлғонмасми?

Қ о т и л

Ёлғон эмас, чин, давлатпаноҳ.
У хандақда ётар. Роса йигирма яра,
Йигирмата жароҳат бор бошида худди,
Йигирмамас, биттаси ҳам етиб ортарди -
Жон олмоққа.

М а к б е т

Хўп, ташаккур шунисига ҳам.

(Четга)

Илон ўлди, илонвачча қочиб қутулди,
Вақти билан у ҳам заҳар йиғмоғи тайин.
Гарчи ҳозир безиёндир, тиши чиқмаган. -
Бор, эртага гаплашамиз.

Қотил кетади.

Л е д и М а к б е т

Шоҳим, сиз магар
Меҳмонларни унутдингиз, зиёфатингиз
Ўхшаб борар тўлови нақд таомхўрликка.
Ахир, қорин тўйдиришнинг мавруди бошқа,
Меҳмонда-чи, емақдан ҳам хушчақчақлик соз.

М а к б е т

Яхши танбиҳ!

(Меҳмонларга)

Соғлиқ учун сипқорайлик оқ!

Л е н о к с

Шоҳим, ўлтиришга магар майлингиз йўқми?
Банконинг арвоҳи кириб, Макбетнинг ўрнига ўлтиради.

М а к б е т

Зиёфатта азиз Банко кечикмасайди,
Жам бўларди бунда буткул юрт чечаклари.
Ўйлайманки, боис - унинг бепарволиги,
Бир кори ҳол эмас.

Р о с с

Берган сўзида турмай,
Ҳа, яхши иш қилмади у. Шоҳим, ўлтиринг,
Бизни сийлаб, даврамизни чароғон қилинг.

М а к б е т

Менга ўрин йўқ-ку.

Л е н о к с

Нечук, шоҳим! Бу ер-чи?

М а к б е т

Қани?

Л е н о к с

Мана, манави жой. Не бўлди, шоҳим?

М а к б е т

Хўш, ким қилди бундоқ?

Л о р д л а р

Шоҳим, нималар дейсиз?

М а к б е т

Йўқ, беҳуда бари. Мени фош этолмайсан,
Қонга ботган сочларингни силкийверма кўп.

Р о с с

Лордлар, энди тарқалайлик, шоҳимиз бетоб.

Л е д и М а к б е т

Йўқ-йўқ, дўстлар, кўзғаламангиз. Унга бу одат
Болалиқдан мерос қолган. Қани, ўлтиринг,
Тутқаноғи узоқ давом этмас, ҳадемай
Ўтиб кетар, у ўзига келар мутлақо.
Асабига тегар бироқ эътиборингиз,
Ҳа, бемалол базм қилинг.

(Макбетга)

Сен - эркакмисан?

М а к б е т

Ҳа, қўрқоқмас, ҳатто иблис бетламайдирган
Аросатга киприк қоқмай қараб турибман.

Л е д и М а к б е т

Сафсата бу! Қўрқув сени шу кўйга солмиш,
Кўзларингга сувратларни кўрсатмиш ўша
Худди Дункан сари бошлаб борган ханжардай.
Қиш кунлари ўлтиришиб ўчоқ бошида,
Кампирларнинг эртагини тинглаб аёллар
Туси ўчиб, даҳшатларни тасаввур айлаб,
Қалтирашса - ярашади, бироқ - сенгамас.
Уял! Бас қил, қийшанглашни! Наҳот, шунчалар
Аросатга тушсанг шундоқ бўм-бўш курсидан!

М а к б е т

Йўқ, сен қара! Яхшилаб боқ! Хўш, нима дейсан?
Бас, бошингни силкийсанми, гапир, тилга кир.
Қабрларки мурдаларни озод қўяркан,
Бизга сокин мозор бўлса маъқул эмасми
Калхатларнинг жигиддони.

Банконинг арвоҳи ғойиб бўлади.

Л е д и М а к б е т

Жинни бўлдингми?

М а к б е т

Онт ичаман, шунда эди!

Л е д и М а к б е т

Уят эмасми?

М а к б е т

Қон тўкишган ҳаттоки у қонун билмаган
Ёввойи ва олатасир қадим дунёда.
Қотилликлар бўлган яна ундан кейин ҳам,
Ўта қўрқинч, бир-биридан мудҳиш, зиёд.
Калласини мажақлашган - тамом-вассалом.
Одам ўлган, бошқа гап йўқ. Энди бўлса-чи,
Манглайида йигирмата яраси билан
Мурда бизни қувмоқ бўлиб турар тобутдан,
Сенга айтсам, бу даҳшатдир қотилликдан ҳам.

Л е д и М а к б е т

Шоҳим, сизни кутиб қолди меҳмонларингиз.

М а к б е т

Узр. Дўстлар, унутибман ўзимни пича,
Лекин сира ажабланманг бу одатимга.
Хавфли эмас. Уйдагилар ўрганиб қолган.
Қани, қуйинг, токи ҳали ўлтирмай туриб,
Ичай сизнинг соғлигингиз, яна дўстимиз
Банконинг ҳам соғлигига. Гарчи кечикиб,

Бизга жиндек ранжи-озор етказди ўша,
Сиз учун ва Банко учун!

Л о р д л а р

Саломат бўлинг!

Банконинг арвоҳи қайтиб киради.

М а к б е т

Йўқол! Даф бўл! Қайтиб яна қора гўрга кир!
Қонинг қотган, илигинг пуч суякларингда,
Менга киприк қоқмай боққан кўзларинг - сўқир.

Л е д и М а к б е т

Жаноблар, мен ўтинаман, иқроп бўлингиз,
Шоҳимизнинг тутқаноғи гарчи безиён.
Гарчи бизга одатийдир, лекин бари бир
Шундоқ ширин ўлтиришни бузгани аён.

М а к б е т

Эркак зоти қодир ишга қодирман мен ҳам,
Бошқа қай бир қиёфада кўринма, майли,
Журжония йўлбарсими, ёвуз каркидон,
Россиядан келган паҳмоқ айиқ бўлиб ё -
Чўчимасдим, қилт этмасди бирор томирим.
Майли, қайта тирил, мени саҳрога чақир,
Ҳаёт-мамот жангига сен чақир, чўчисам,
Қизалоқлар ўйнайдиган қўғирчоқ деб бил.
Йўқол, арвоҳ! Йўқол, қўрқинч рўё!

Банконинг арвоҳи ғойиб бўлади.

Йўқолди!

Мен одамман тагин. Қани, ўлтиринг, лордлар.

Л е д и М а к б е т

Аммоки, сиз шу ғалати касалингиз-ла,
Шодиёна базмимизни буздингиз.

Ма к б е т

Магар

Шундоқ нарса ёз кўкига тошган булутдек
Жилла бежиз ўтармиди? Ахир, не илож?
Қарадимми - унутаман ўзимни тамом.
Сен ҳалиги нарсаларга боқиб бепарво,
Ўзгармайсан, юзларингда ўйнар қизиллик,
Мен эсам-чи, ўшаларга қарадимми, бас,
Тусим ўчар даҳшатлардан.

Р о с с

Нимадир улар?

Л е д и М а к б е т

Ўтинаман гапга солманг, у бетоб ҳали,
Ҳам жаҳлини қўзғар сизнинг саволарингиз.
Бетакалуф қўзғалинг-да, секин тарқалинг,
Хайр, энди.

Л е н о к с

Хайрли тун, шоҳим, маликам.
Соғ бўлсинлар.

Л е д и М а к б е т

Хайрли тун, саломат бўлинг.

Леди Макбет ва Макбетдан бошқа ҳамма кетади.

М а к б е т

У хун сўрар, талаб қилар, яъни қонга қон,
Авваллари бундай пайтда тошлар суриниб,
Тилга кириб, сўз қотарди ҳатто оғочлар.
Қотил қайга бекинмасин, уни муқаррар
Қарға-қузғун, зағчаларнинг изидан бориб
Изқуварлар топишарди. Хўш, соат неча?

Л е д и М а к б е т

Алламаҳал, тун ҳам тонгга яқинлаб қолди.
Нима дейсан: зиёфатга Макдуф келмади?
Орқасидан бирорасин юборганмидинг?

М а к б е т

Юбормадим, лекин кибор хонадонларда
Бўлган ўша хуфиялар орқали секин,
Суриштириб, бир гапларни аниқлаб, билдим.
Эрта тонгда борай фолбин - ҳамшираларга.
Толеимни боқиб, улар айтишсин тагин,
Нима бўлса билай, майли, баттар бўлса ҳам.
Менга барча, бор восита яроқли энди:
Тиззамгача ботгандирман қонли балчиққа,
Ўша лойни кечиб, яна ортта қайтгандан,
Олга қараб ингилишим осон нақадар,
Миямда бир қонли режа туғилдими, бас,
Қўлим чипша ёпишади, тўхтатиб бўлмас.

Л е д и М а к б е т

Ётиб ухла, табиатнинг малҳами - уйқу.

М а к б е т

Ҳа, ётайлик. Тушунтиргин аммо, нима бу:
Мендаги бу паришонлик аралаш қўрқув?
Мен билан сен бу ишларда гўдакмиз ҳали...

Кетадилар.

Бешинчи саҳна

Дашт. Момақалди роқ. У ч а л в а с т и киради, уларга
қарама-қарши ёқдан - Ҳеката

Б и р и н ч и а л в а с т и

Ҳеката, ҳа, паришонсиз? Бир гап бўлдимми?

Ҳ е к а т а

Уятсизлар! Қандоқ қилиб хурсанд бўлай мен,
Қазо-қадар сирини сиз, неча ёсуман -
Валақлашиб бемалол,
Макбетга билдирибсиз.
Сизга жоду ўргатган
Менга, маликангизга,
Ёвузлик момосига
Бир бор хабар айламай,

Бемаъни иш қилибсиз?
Билингким, у худпараст
Сизга мулозим бўлмас.
Ёвузлик қилар, ният -
Ўзи юксалсин фақат.
Эрта тонгда биз ёққа,
Макбет фол очдирмоққа
Келар, унутманг шуни,
Ахерон бўйидаги
Форда кутгайсиз уни.
Боринг, жоду тайёрланг,
Афсунга ўзни шайланг,
Тун бўйи учиб мен ҳам,
Сизга кўрсатай карам.
Ой ўроғига қўнган,
Ерга томай деб турган
Шабнамни супураман,
Буғлатиб, уфураман.
Рухлар учиб келишар,
Макбетни эркалатиб,
Ихтиёрин олишар.
У ўзни унутиб, бас,
На ажал, на қисматни
Назар-писанд айламас
Зафар деганга баъзан
Завол беради қисмат.
Уни ҳам энди шундоқ
Ўлим кутади албат.

Саҳна ортидан куй ва "Кет, кета қол" деган қўшиқ эшитилади.

Жим! Ана чақалоқ руҳ,
Келди булутга миниб,
Мени чорламоқда у.

(Кетагу.)

Б и р и н ч и а л в а с т и

Тез жўнайлик! Ҳеката
Саҳарлаб қайтади-ку.

Кетишади.

Олтинчи саҳна

Форрес. Саройда бир хона. Ленокс ва яна бир лорд киради.

Л е н о к с

Сиз мен этган ишоратта ривож бердингиз,
Хулоса ҳам қилинг. Қаранг, қандай ғалати -
Содир бўлмиш булар бари. Беозор Дункан
Ўлди, унинг мотамида Макбет йиғлади.
Сарой томон келаётган жасур Банкони
Ўлдиришди. Қотили ким? Флиенс бешак.
У қочди-ку, ахир. Шундан аён эмасми?
Дональбайн ва Малькольмнинг кирдикорини
Ёвуз атаб, лаънат айтиб, қораламас ким?
Шундоқ мунис бир отани ўлдиришди-я!
Макбет қанча фиғон чекди! Ахир бекорга
Ғазаб ичра ёниб, ўша хиёнаткор, маст
Посбонларни дарҳол чошиб ўлдирмади-ку!
Мардоналик эмасми бу?! Ақлданмасми?!
Агар шундай қилмаганда, улар эҳтимол
Иқрор бўлмай, оширарди шовқин-суронни.
Ҳа, барчаси силлиққина битарди, агар,
Марҳум Дункан болаларин қўлга олсайди.
(Худо кўрсатмагай!) шунда биларди улар
Отасини ўлдиришнинг нима эканин!
Бу насибдан Флиенс ҳам қуруқ қолмасди.
Ҳай, секинроқ! Ахир, ўша номаъқул сўзи
Ва базмга келмагани туфайли Макдуф
Балоларга қолмадими? Қани айтинг-чи,
У қаёққа бекиндийкин?

Л о р д

Дунканнинг тўнғич
Ўғлини шоҳ - золим тахтдан маҳрум айлагач,
У инглиз саройидан бошпана топди.
Уни шонли, шарофатли қирол Эдуард

Кутиб олди тантанаю иззатлар билан,
Ўша қутлуғ қирол сари жўнамиш Макдуф.
У арзи ҳол этиб, ўтинч-илтимос айлар,
Илтимоски, бизга ўша саркарда Сивард,
Нортенберленд билан бирга ёрдам бергайлар,
Шундоқ мадад, яна Тангри инояти-ла
Аввалги тинч айёмларни тиклаб олгаймиз.
Токи, тунлар ухлагаймиз ором, осуда,
Базмларда ханжар пойлаб ўлтирмагаймиз,
Хизмат қилиб, бўлмагаймиз балога дучор,
Яшагаймиз биз ҳам худди одамга ўхшаб.
Макбет буни эшитдию вазабга миниб,
Жанг-жадалга тайёргарлик кўра бошлади.

Л е н о к с

У Макдуфни ҳузурига чорламадимиз?

Л о р д

Ҳа, чорламиш, лекин Макдуф: "Бормайман!" демиш.
Шунда чопар қовоқ уйиб, тишларин қайраб:
"Шошма ҳали, пушаймонлар ейсанки!" дея -
От бошини қайирганмиш.

Л е н о к с

Макдуф, менимча,
Беҳудага ўзни бундай йироқ тутмаган.
Ҳа, Макбетдан йироқ юрган маъқул. Макдуфни
Фаришталар бошлаб боргай Эдуард сари.
Токи золим панжасида пажмурда бўлган,
Бизнинг ғариб диёримиз, шу шўрлик Ватан
Шифо тошгай.

Л о р д

Мен ҳам шундоқ дуо қиламан.

Кетишади.

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Ғор. Ўртада - қайнаётган қозон. Момақалдироқ. У ч
а л в а с т и киради.

Биринчи алвасти

Ола мушук бечора
Дод-вой солди уч бора.

Иккинчи алвасти

Кирпи бўлса шу ора
Ҳиқиллади уч бора.

Учинчи алвасти

"Вақт етди!" - дер Ҳарпия .

Биринчи алвасти

Сингиллар давра олинг!
Сув қайнади, ҳа, бўлинг.
Оғу билан ахлатни
Тезроқ ағдара қолинг!
Йиллаб мозорда ётган,
Шилимшиқ терга ботган
Бақа қозонга тушсин,
Қайнаб, нафаси ўчсин.

Алвастилар

(Баравар)

Қайна, қозоним қайна!
Қозонда қиём, ўйна!

Иккинчи алвасти

Энди ҳаялламай сиз
Илон мойи солингиз.
Бойқушнинг тумшуғию
Ўргимчак қуйруғию
Чаёнларнинг нишини

Кўппакларнинг тишини
Солингиз, оғу бўлсин,
Дўзахий жоду бўлсин.

А л в а с т и л а р

(Баравар)

Қайна, қозоним қайна!
Қозонда қиём, ўйна!

У ч и н ч и а л в а с т и

Ўрмонзорда тун маҳал
Ўрилган ўша ўсал -
Азғич арғамчисини,
Бўри, бўрсиқ жунию
Туркнинг чўмич бурнию
Жуҳуднинг жигарини,
Тоторнинг лабларини,
Жодутарнинг хокини
Фоҳиша туғиб, кўмган
Чақалоқ мурдасини,
Йўлбарс ичак-чавоғи,
Таканинг зардасини
Солингиз, оғу бўлсин,
Дўзахий жоду бўлсин.

А л в а с т и л а р

Қайна, қозоним, қайна!
Қозонда қиём, ўйна!

И к к и н ч и а л в а с т и

Маймун қонидан қуйинг,
Кейин совусин, қуйинг.
Ҳеката киради.

Ҳ е к а т а

Меҳнат қилибсиз! Балли!
Ҳар бирингизни ҳали

Эъзоз этарман, кутинг,
Энди ишни тугатинг.
Парилардек товланиб,
Рақс этинг давра олиб.
Музика ва "Қора руҳлар..." деган қўшиқ ва ҳоказо.

И к к и н ч и а л в а с т и

Қўлим сирқирар ёмон.
Демак, яқиндир меҳмон.
Илгак, сурилгил нари,
Келган кирсин ичкари.

Макбет киради.

М а к б е т

Эй сиз, зулмат, қоронғу тун ажиналари,
Нима билан машғулдирсиз?

А л в а с т и л а р

Айтиб бўлмагай.

М а к б е т

Майли, қайдан олган бўлманг ҳунарингизни,
Ўша ҳақи, сўрайманки, жавоб берингиз.
Майли, ҳатто жавобингиз қўзғаб бўронлар,
Шамоллардан бутхоналар чайқалса ҳамки,
Денгизларда кемаларни ютиб тўфонлар.
Дов-дарахтлар фарёд солиб йиқилса ҳамки,
Тоғ, қалъалар досбонларнинг устига қулаб,
Тупроқ билан битта бўлса қаср, эҳромлар,
Табиат бор - сўнгсиз қудрат бисотни сарфлаб,
Тамом ҳолдан тойса ҳамки - жавоб берингиз!

Б и р и н ч и а л в а с т и

Қани, сўра.

И к к и н ч и а л в а с т и

Савол айла.

У ч и н ч и а л в а с т и

Жавоб берамиз.

Б и р и н ч и а л в а с т и

Очигини айтгил, кимдан жавоб кутасан,
Бизданми ё бизлардан ҳам юқориданми?

М а к б е т

Юқоридан. Ҳузуримда бўлишсин ҳозир.

Б и р и н ч и а л в а с т и

Ўтга, оловга томиз
Қотилдан оққан терни,
Тўққиз боласин еган
Чўчқа қонидан ҳам қуй.

А л в а с т и л а р

(Баравар)

Катта-кичик бирма-бир
Арвоҳлар бўлсин ҳозир.

Момақалди роқ. Бошига дубулға кийган биринчи арвоҳ пайдо бўлади.

М а к б е т

Жавоб бергил, эй нотаниш...

Б и р и н ч и а л в а с т и

Сўзинг беҳуда,
У фикрингни уқиб олди. Қулоқ сол унга.

Б и р и н ч и а р в о ҳ

Макбет, Макдуф деганига эҳтиёт бўл сен,
У хавфлидир, маслаҳатим бериб бўлдим мен.

(Фойиб бўлади.)

М а к б е т

Ким бўлсанг ҳам раҳмат сенга кенгашинг учун,
Тегиб ўтди у қалбимнинг қўрқув торига.
Жавоб бер-чи яна...

Б и р и н ч и а л в а с т и

Бундоқ буйруқларингни
У тингламас. Бошқаси бор ундан кучлироқ.

Момақалдироқ. Иккинчи арвоқ – қонга ботган гўдак пайдо бўлади.

И к к и н ч и а р в о қ

Макбет! Макбет! Макбет!

М а к б е т

Учта қулогим бўлса,
Сен томонга тикар эдим учовини ҳам.

И к к и н ч и а р в о қ

Қон тўк, инсон қонунини оёқ ости қил,
Хотин зоти туққан кимса Макбетга асло
Дахл этолмагай.

(Фойиб бўлагу.)

М а к б е т

Макдуф, энди яшайвергин, нимадир қўрқай?
Йўқ, йўқ, аввал кароматнинг тўғрилигига,
Қисмат менга гаров берсин. Яшамагайсан -
Мен қўрқувни алдоқчи деб аташим, яна
Гулдиракка парво қилмай ухлашим учун.

Момақалдироқ. Учинчи арвоқ – бошига тож кийиб, қўлида
дарахт бутогини ушлаб олган бола пайдо бўлади.

Ким бўлди бу малоҳатли бола шаҳзода?
Манглайда давлатдорлик нишони бўлиб,
Тож ярқираб турар бундоқ...

А л в а с т и л а р

(Баравар)

Гапирма, тингла.

У ч и н ч и а р в о ҳ

Арслондай жасур бўлгин, токи қалбингга
Фитна-фужур сололмагай ҳадик-хавотир.
Макбет устун-устивордир Бирнам ўрмони
Оғочлари то Дунсинан тепалигига
Ҳужум-ҳамла этмагунча.

(Фойиб бўлагу.)

М а к б е т

Асло бўлмагай!
Дарахтларни ким ўрнидан қўзғата олур.
Уларни-чи, қўшин каби ёллаб бўлмагай.
Мен тиридим! Фитна-фужур, Бирнам ўрмони,
То ўрнида қойим экан, ором ол сен ҳам.
Макбет, яша, қандингни ур! Бошда тож ила
Яқунига етказавер умр йўлингни.
Лекин менга айтингиз-чи, агар билсангиз,
Бир нарсани, мамлакатнинг тахтига қаргиз
Ўлтирарми Банко насли?

А л в а с т и л а р

(Баравар)

Билмоққа шошма.

М а к б е т

Йўқ, сиз менга айтиб беринг, йўқса бир йўла
Лаънат, дейман ҳаммангизга! Ҳой, нима бўлди?
Қозон қайда қолди? Нечук овозлардир бу?

Най чалинади.

Б и р и н ч и а л в а с т и

Аён этинг!

И к к и н ч и а л в а с т и

Аён этинг!

У ч и н ч и а л в а с т и

Ошкор айлангиз!

Б и р и н ч и а л в а с т и

Кўрсатинг, кўзин ёшланг,
Тагин зулматга ташланг!

Арвоҳлар пайдо бўлади: саккиз қирол. Сўнгисининг кўлида
кўзгу, уларнинг ортидан Банкoning арвоҳи киради.

М а к б е т

Сен Банкoning арвоҳига жуда ўхшайсан.
Йўқол! Тожинг куйдиради менинг кўзимни.
Сен, иккинчи, қамаштирар бошингдаги тож.
Учинчи ҳам... Эй, шаллақи, шум жодугарлар!
Мунча тизмасангиз... Эвоҳ, мана, тўртинчи!
Улар сафи чўзиларми маҳшаргача то?
Яна бири! Еттинчиси! Тоқатим битди!..
Саккизинчи келар тутиб кўлида кўзгу,
Кўраяшман унда бошқа саф - қаторларни,
Қай бирида неча карра шоҳлик нишони.
О, нақадар даҳшат! Чинни сўзлар арвоҳлар,
Ахир, Банко бошдан-оёқ қонга ботганча,
Ўз наслига термулгандек, табассум билан
Қараб турар ўшаларга. Шундоқ эмасми?

Б и р и н ч и а л в а с т и

Шундоқ. Аммо-лекин бу
Макбетни чўчитарму?
Сингиллар, давра олинг,
Ҳунарни ишга солинг.
Мен истасам, ҳаво ҳам,
Ўйинга тушар бу дам.
Куйлангиз, токи қирол
Бўлмагай афтода ҳол.

Музыка. Алвастилар рақсга тушишади, сўнг Ҳеката билан
бирга ғойиб бўлишади.

М а к б е т

Қайга ғойиб бўлди улар? Солномаларда
Қарғиш теккан айём бўлиб саналсин бу кун!
Ҳей, у ёқда ким бор?

Ленокс киради.

Л е н о к с

Лаббай, буюринг, шоҳим.

М а к б е т

Фолбинларни кўрмадингми?

Л е н о к с

Шоҳим, кўрмадим.

М а к б е т

Сен эшиқда уларга дуч келмадингизми?

Л е н о к с

Йўқ.

М а к б е т

Ҳей, уларга паноҳ бўлган ҳавога лаънат!
Ким уларга бовар этса, унга - жаҳаннам!
Туёқ саси таралгандай бўлди. Ким келди?

Л е н о к с

Чопарлар келишди. Макдуф Англияга
Қочди, деган хабар билан.

М а к б е т

. Қочди?

Л е н о к с

Ҳа, шоҳим.

М а к б е т

(Четра)

Мендан кўра сен эпчилроқ чикдинг-ку, замон,
Бузиб кўрқинч ниятимни. Ҳаракат энди
Учқур қарор билан юрсин елкадош бўлиб,
Йўқса, қўлдан кетиб қолар. Бугундан бошлаб

Кўнглим иши айлангуси қўлим ишига.
Истак билан амалимининг бирлиги учун
Аввалбоши Файфни бутун ишғол айлагум.
Босиб Макдуф қўрғонини, қиличга тортай
Бола-чақасию хешу ақрабосини,
Мақтанишни хуш кўришар фақат нодонлар,
Қани, ишга қатъиятим совимай туриб!
Сеҳру жоду қолаверсин. - Чопарлар қани?
Ҳа, бўл, ўшаларга тезроқ бошлагил мени!
Кетишади.

Иккинчи саҳна

Файф. Макдуф қўрғони. Л е д и М а к д у ф, у н и н г
ў ф л и ва Р о с с киради.

Л е д и М а к д у ф

Қочган бўлса, бўйнидаги гуноҳи нима?

Р о с с

Сабр қилинг, бекам.

Л е д и М а к д у ф

Ўша сабр қилдими?

Менга қолса жинниликдир унинг қочиши;
Қўрқув бизни хоин қилиб қўяди гоҳи.

Р о с с

Хоним-бекам, бу қўрқувмас, доно бир тадбир.

Л е д и М а к д у ф

Доно тадбир? Хатар чоғи рафиқасини,
Болалари, молу мулки ва қўрғонини
Ўз ҳолига ташлаб қочиш тадбир эмишми?
У тошбағир, унда оздир меҳру оқибат.
У севмайди бизни. Ҳатто жажжи синчалак -
Қушлар ичра энг увоғи, ўша ҳам ҳатто
Ташлаб кетмас ошиёну полапонини
Улар учун жангга кириб, тикар жонини.

Гап севишда эмас. Ҳамма бало қўрқувда.
Хўш, айтинг-чи, қандай қилиб бемаъни қочиш
Доно тадбир саналаркин?

Р о с с

Эрингизни бундоқ ҳукм этмоқ беҳуда.
У оқил, у тажрибали, у яхши билар
Ишини ҳам, сўзини ҳам. Айтиш не ҳожат.

Л е д и М а к д у ф

Отанг, ҳаёт бўлиб, болам, отасиз қолдинг.

Р о с с

Бунда ортиқ туриб қолсам, нодонман тайин:
Ўзни гапга, сизни рамга қўйиш не даркор?

(Кетагу)

Л е д и М а к д у ф

Отанг ўлди-ку, ўғлим,
Эвоҳ, энди не қиласан? Қандай яшайсан?

Ў р и л

Яшайман-да, қушлар қандай яшаса - шундоқ.

Л е д и М а к д у ф

Қурт-қумурсқа териб?

Ў р и л

Худди қушлардай мутлоқ.

Л е д и М а к д у ф

Оҳ, бечора полапоним, етимча қушим,
Наҳот сени қўрқитмаса тўрлар, тузоқлар?

Ў р и л

Ойи, улар қўйилмагай ғариб қушларга,
Не десанг ҳам, аммо, отам мен учун тирик.

Л е д и М а к д у ф

Оанг ўлди, янгисини қайдан топасан?

Ў р и л

Хўш, ўзинг-чи, янги эр деб қайга чопасан?

Л е д и М а к д у ф

Мен истасам, бозорда бор йигирматаси.

Ў р и л

Ҳа, бозордан харид қилиб, қайта сотасан?

Л е д и М а к д у ф

Болажаоним, гап қотишинг ёмонмас, фақат,
Маънилари зиёдадир ёшингга нисбат.

Ў р и л

Ойи, отам хоин бўлганми?

Л е д и М а к д у ф

Ха, хоин б ўлган.

Ў р и л

Хоин дегани нима ўзи?

Л е д и М а к д у ф

Хоин - қасам ичиб, сўзида турмаган, алдоқчилик қил-
ган киши.

Ў р и л

Шундоқ қилганларнинг ҳаммаси хоинми?

Л е д и М а к д у ф

Ҳа, кимда -ким шундоқ қилар экан - хоин ва уни осииш
керак.

Ў р и л

Онт ичиб, сўзида турмаганларнинг ҳаммасини осииш
керакми?

Л е д и М а к д у ф

Ҳа, ҳаммасини.

Ў р и л

Уларни ким осади?

Л е д и М а к д у ф

Ким бўларди? Номусли, виждонли кишилар-да.

Ў р и л

Бўлмаса, бу хоин деганларинг ғирт аҳмоқлар экан: улар шу қадар кўчки, ҳалиги номусли, виждонли кишиларни бемалол калтаклаб, ошишлари мумкин.

Л е д и М а к д у ф

Худо хайрингни берсин, шўрлик маймунчам! Гапларинг ғалати! Хайр, энди ўзингга қаёқдан ота топасан?

Ў р и л

Отам ўлса, уни эслаб йиғлардинг. Бордию йиғламасанг ҳам ёмон бўлмасди, ҳадемай, янги бир ота пайдо бўлиб қоларди.

Л е д и М а к д у ф

Вой, нелар деб жаврайсан, қақилдоғим?

Чопар киради.

Ч о п а р

Хоним-бекам, Тангри ўзи мадакор бўлсин.
Нотанишман, аммо амал-унвонигизга
Эҳтиромим баледа, сидқу садоқатдаман.
Эшитдимки, таҳдид этар сизга хавф-хатар!
Ўтинаман, қабул айланг маслаҳатимни:
Болаларни олиб, тезда қочинг бу ердан.
Тушунаман, сизни шундоқ қўрқитиш - малол,
Лекин огоҳ айламаслик - инсофдан эмас.
Бало худди остонада. Асрасин фалак!

(Кетаги)

Л е д и М а к д у ф

Нега қочишим керак?
Ҳеч кимсага етмаган-ку мендан ёмонлик?
Аммо бизда ёмонликни мақтаб кўп маҳал,
Яхшиликни эса хавфли қусур санашар.
Қочмайман ҳам, бекинмайман, хотинчасига
Ўз-ўзимни муҳофаза этаман қатъий,
Гуноҳим йўқ, дея.

Қотиллар киришади.

Қандай шум башаралар!

Б и р и н ч и қ о т и л

Эринг қайда?

Л е д и М а к д у ф

Жаҳаннамда эмас ҳар қалай,
Ки сендайин махлуқларни унда учратса.

Б и р и н ч и қ о т и л

Эринг - хоин.

Ў р и л

Сўзинг бўҳтон, разил алвасти!

Б и р и н ч и қ о т и л

Уҳ, сен шўрлик жўжаҳўроз! Хоиннинг насли!
(Ханжар уради)

Ў р и л

Ўлаяшман! Қоч, ойижон, ўзингни қутқаз!
(Ўлади.)

Леди Макдуф "Қотиллар" деганича фарёд солиб қочади.
Қотиллар уни таъқиб этишади.

Учинчи саҳна

Англия. Қирол саройи олдидаги хиёбон.
Малькольм билан Макдуф киради.

М а л ь к о л ь м

Кетдик, анув дархтларнинг остига бориб,
Йиғи билан бўшатамиз юракларни.

М а к д у ф

Йўқ,
Эркаклардек суғирайлик қилични қиндан,
Токи наво топсин бизнинг бенаво Ватан.
Унда бева-бечоралар, етимлар оҳи
Устун бўлиб кўтарилар фалаккача то.
Акс садо бериб унга фалак ҳам ҳатто,
Шотландия толеига ёш тўкар худди.

М а л ь к о л ь м

Эшитганим ҳасратларга чулвайди мени,
Тузатурмиз хайрли бир фурсатда уни.
Лекин сизни бошқача ҳам англамоқ мумкин.
Ахир ўша оти ўчгур мустабид, золим,
Мард йигит деб машҳур, бизга ардқли эди.
Сизга ҳали теккани йўқ . Мен эсам-чи, ёш,
Таҳсинларга кўмилурсиз, тутиб берсангиз.
Ҳимоясиз қўзичоқни сўйиш, алқисса,
Худо қаҳрин юмшатмоққа қулай восита.

М а к д у ф

Мен хоин эмасман.

М а л ь к о л ь м

Аmmo хоиндир Макбет,
Фазилатлар шоҳ азми-ла беллаша олмас,
Мени маъзур тутинг, булар тахминдир, холос.
Ёки бунда сизга оид бирор гап борми?
Фариштанинг энг равшани қуламиш, гарчанд-
Фаришталар мунаввардир. Ахир эзгулик
Ёмонларнинг номи билан яшар роҳида.

М а к д у ф

Бундан чиқди: тилак бекор, умид беҳуда!

М а л ь к о л ь м

Ҳа, умидлар мени шубҳа-гумонга солмиш.
Бу қандай гап: хотин, бола ва яна ўзга
Жигарбандлар билан ҳатто хайрлашмасдан,
Шундоқ ташлаб чиқа бериш жоизми экан?
Хафа бўлманг: қораламоқ ниятим эмас,
Сал эҳтиёт бўлинг, дейман. Номуслидирсиз,
Мен нима деб ўйламайин...

М а к д у ф

Оқсин қонларинг,
Эй болокаш диёр! Зулму ситам, гурилла!
Ҳа, қонуний асосларга суяниб, гулла.
Баски ҳуқуқ қўрқар экан. Хайр, шаҳзодам!
Сиз ишонинг менга: золим эгаллаб олган
Бутун бошли мамлакатнинг баҳосига ҳам,
Яна шарқнинг бойликлари бўлса ҳамки жам,
Мен пасткашлик қилмас эдим.

М а л ь к о л ь м

Мендан ранжиманг:
Сўзларимга сабаб қўрқув, ҳадикмас фақат,
Мен биламан - исканжада қолиб беомон,
Қон ва ёшга чўкмиш бизнинг юртимиз беҳад,
Баданида ҳар кун янги яра, жароҳат.
Мен биламан, қараб турмас тарафдорларим,
Ҳам хайрихоҳ Англия шижоатга шай.
Минглаб асл ботирларни тизар ҳадемай.
Лекин золим калласини найзага тортсам
Ёкин уни тупроқаро қориштираман, бас,
Манглайи шўр юртингизни унинг вориси,
Яна янги балоларга кўмар басма-бас,
Аввалгидан баттар қилиб!

М а к д у ф

Кимдир ўша?

М а л ь к о л ь м

Мен

Менда уя қурмиш турфа, алвон иллатлар.
Гар уларга имкон берсам, эркига қўйсам,
Ҳатто ўша Макбет, ўша ёмондан-ёмон
Қордан ҳам оқ, масъум бўлиб қолар бегумон.
Қилмишларим қаршисида ёришиб ранги,
Бегуноҳ бир қўзичоқ деб аталур балки.

М а к д у ф

Ҳатто ўша жаҳаннамий сафларда бешак
Макбетчалик иблис ҳали бўлмаса керак.

М а л ь к о л ь м

Тўғри. Макбет қонхўр, хасис, маккор, алдоқчи,
Фосиқ, яна бетийиқдир, беор, хулласки,
Номи тайин қусурларда ҳиссаси аён,
Аммо менинг разолатим билмагай поён.
Разолатим идишини тўлдирмоқ учун
Сиздаги у она, аёл, опа-сингил, қиз
Етишмагай, камлик қилур, агар билсангиз.
Қаранг, қандай гушнадирман, яхшиси ўша
Макбет ҳукм сура берсин.

М а к д у ф

Бетийиқ аъмол -
Мустабидлик белгисидир, ахир кўпинча
Қироларни тож-тахтдан ағдарган ўша.
Аммо сиз-чи, қўрқманг, ортиқ хавотир олманг,
Лекин олинг ўзингизга тегиш ҳиссани,
Ахир ўзни вазмин, сипо, совуққон тутиб,
Нафсингизни қондирсангиз бўлур пинҳона.
Бизда шундоқ хонималар оз эмас яна,
Ҳирс калхати сизда қанча бўлмасин гушна,
Шоҳга ўзни инъом қилиб тутгувчиларнинг
Ҳаммасини юта билмас.

М а л ь к о л ь м

Бунинг устига

Менинг разил руҳим қуддир хасисликка ҳам,
Менинг жоним - олтин, кумуш, тахтта миндимми -
Тамом аҳли умарони қатли ом айлаб,
Тортиб олгум буткул молу давлатларини.
Иштаҳамни эса тагин оширар ўлжа.
Мен номусли олийжаноб одамлар билан
Ўчакишиб, бошлайдурман жанжал, адоват
Ва уларни мавҳ этаман, муддао - сарват.

М а к д у ф

Саратондай ёндирар ҳирс, юракка аммо
Илдизини яна чуқур сингдирар ғараз.
У - кўп шоҳлар калласини учирган олмос.
Сиз хотиржам бўлинг аммо: Шотландияда
Нафсингизни қондиргудек бойлик оз эмас.
Биз чидаймиз барчасига. Шартимиз фақат
Қусурлардан баланд турсин сизда фазилат.

М а л ь к о л ь м

Фазилат йўқ менда. Қирол зотининг ҳусни -
Мўътадиллик, мардоналик, ҳукми адолат,
Сабру бардош, хайрихоҳлик, шафқат-мурувват,
Олийшонлик, назокату фаҳму фаросат -
Топилмайди, булар буткул менга бегона.
Аммоки мен иллатларнинг тотли шаробин
Сочар эдим аямасдан жаҳаннамларга
Ва дунёни фитна фасод алангаларга
Буркар эдим...

М а к д у ф

Шотландия, бечора, йивла!

М а л ь к о л ь м

Энди иқрор бўла қолинг, мендай бир киши,
Лойиқмасдир подшоликни этса мусаллам.

М а к д у ф

Ҳукмронлик нари турсин, яшамоққа ҳам.
О, жафокаш элим, шонли тожу тахтини

Фитначи шум босиб олган, болокаш диёр,
Ўз қонуний ҳуқуқидан кечиб ворисниг,
Дашном айтиб, этар экан ўзни шармсор,
Саодатли кунларингни кутишинг бекор! -
Ахир, сенинг ўша марҳум подшо падаринг,
Тахт устида тақводордек кечирди умр.
Онанг эса ўзни шайлаб қудрат-қазога,
Тизза чўкиб айёмини ўтказди. Хайр!
Сўйлайвериб руҳингдаги разолатларни,
Ватанимга қайтиш йўлин кесдинг. О, юрак,
Умидларга алвидо айт.

М а л ь к о л ь м

Мақдуф, фигонинг,
Сендаги бу олийжаноб, бу ошкор алам
Кўнглимдаги гумонларни айлади барҳам.
Кўрсатдиким, алдамайсан, сўзинг ҳаққоний.
Ахир, Мақбет, маккор, иблис шундай тўр билан
Овламоқчи бўлди мени неча бир карра.
Енгил-елпи инонмоққа ҳаққим йўқ сира,
Энди бизнинг орамизда ёлғиз Худованд!
Энди сенга ишонаман, боқий сўзим шул:
Ўзимга ёт иллатларни тақиб ўзимга,
Ёлғонладим, ўз-ўзимга ёғдирдим бўҳтон.
Бу чоққача хотин нима, сира билмасман,
Қасамхўрлик қилганим йўқ, молу давлатни
Титраб-қақшаб авайлаш ҳам мендан кўп йироқ.
Сўз бердимми, устуворман. Ҳатто шайтонни
Шайтонларга сотишдан ҳам айлагум ҳазар.
Ҳақиқатни севадирман ҳаётим қадар.
Ёлғон сўзлаб, ўз-ўзимни булғадим бутун.
Аммо-лекин, қаршингдадир чинакам Малькольм,
У ватанга ўғил, сенга содиқдир тамом.
Келишингдан сал олдинроқ мадад қўлини
Чўзди бизга ҳиммат билан қария Сивард.
У майдонга ташлар роса ўн минг қўшинни,
Биз сафбаста бўлиб, бирга бошлаймиз шиддат.
Токи енгиб, соҳиб зафар бўлсин ҳақиқат!
Хўш, нимага индамайсан?

М а к д у ф

Бир лаҳзада қайгулардан қувончга ўтиш
Осон эмас.

Врач киради.

М а л ь к о л ь м

Майли, кейин давом этамиз.
Бугун қирол чиқармикин, айтинг-чи, доктор?

В р а ч

Ҳа, шаҳзода. Шифоталаб бир тўда бемор
Остонада кутишмоқда. Улар дардини
Даф этмоққа ҳали ожиз, чорасиздир фан.
Қисмат шундоқ яратмишким, қирол қўлини
Тегиздими - ғубор тарқаб кетар дафъатан.

М а л ь к о л ь м

Раҳмат, доктор.

Доктор чиқади.

М а к д у ф

У хасталик қандай аталур?

М а л ь к о л ь м

Дармонсизлик, яъни тинка-мадор қуриши.
Аммо тайин мўъжизадир қиролнинг иши.
Мен бу ёққа келганимдан бери неча бор,
Кузатдимки, бу ноёб бир олий иқтидор,
Кун битган, яра-чақа билан қопланган,
Шишиб-пишган, кўзи ёшли бечораларга
Қирол олтин дуо ўқиб, бағишлар нажот,
Дейдиларки, меросийдир ундаги имдод.
Боз устига ҳақни айтар, башоратгўй у,
Тасдиқ этар буни неча аломатлар ҳам,
Манглайини ёритмишдир илоҳий карам.

М а к д у ф

Ким у келаётган?

М а л ь к о л ь м

Юртдош, танишмас аммо.

Росс киради.

М а к д у ф

Салом, азиз амакваччам!

М а л ь к о л ь м

Танидим энди,

Ватан билан орамизни кушод эт, Худо!

Р о с с

Омин!

М а к д у ф

Не гап Шотландия тупроғида?

Р о с с

Оҳ!

Бизлар учун она эмас, мозор бўлди у,

Ўз-ўзига қарашга ҳам қўрқади балки.

Унда оқил бандаларга қувонч бегона,

Унда аччиқ фарёд-фигон одатий бир ҳол.

Дафн-мотам қўнғироғин эшитиб унда,

Бирор кимса: "Бу кимга?" деб бермайди савол?

Унда худди шляпага солинган гулдай,

Оғримасдан сўлиб борар одамлар бирдай.

М а к д у ф

Машъум, аммо чин ҳақиқат.

М а л ь к о л ь м

Сўнғгиси нима,

Нимадир у, содир бўлган энг сўнғги савдо?

Р о с с

Бир соатча ғофил қолсам, ҳикоям учун

Хуштак чалиб, мени мазах айламак мумкин.

Ахир, унда кун демаким - янги бир ғавғо.

М а к д у ф

Хўш, хотиним қалай?

Р о с с

Дуруст.

М а к д у ф

Болалар?

Р о с с

Дуруст.

М а к д у ф

Золим улар роҳатини бузмадимми?

Р о с с

Йўк,

Мен бу ёққа келарканман, тинч эди бари.

М а к д у ф

Ҳа, деб гапни ютаверма. Сўзла, не хабар?

Р о с с

Мен хабарлар юки билан отланарканман,
Ҳар томонга юриб қолди миш-миш, овоза:
Бизникилар қўлга қурол олмишлар, деган,
Келарканман, бу гапларга ишондим тоза:
Ҳар тарафдан йиғаётир лашкарни золим,
Айни ёрдам пайти! Сиздан бир ишора бас:
Бутун шотланд ботирлари шайланур ҳарбга.
Ҳатто, зулм занжирларин итқитиб, отиб,
Аёллар ҳам эрлар билан киради жангга.

М а л ь к о л ь м

Сиз ҳаммага таскин беринг: биз отланамиз,
Англия ўн минг қўшин тизди саф-қатор.
Яна ўша христиан оламидаги
Алп саркарда Сивард ўзи бизга мададкор.

Р о с с

Қандай мужда! Қани энди иложим етса,
Хушхабарга жавоб берсам хушхабар билан.
Йўқ ,жоиздир буни ушлаб айтсам саҳрода,
Токи биров эшитмагай.

М а к д у ф

Нималар дейсан?
Бу умумнинг қайғусими? Ёки ёлғиз бир
Жон ғуссаси?

Р о с с

Эшитаркан, ўртанур ҳамма.
Оқкўнгиллар куяр кўпроқ, лекин ҳаммадан
Сенга оғир ботар дейман.

М а к д у ф

Гапир бўлмасам,
Чўзавермай, шартта сўзла, тегишимни бер.

Р о с с

Эшитаркан, қулоқларинг қоматга келиб,
Бу хабарни сўзлагувчи беомон тилдан
Ҳазар айламасин дейман...

М а к д у ф

Пайқаяпман, ҳа...

Р о с с

Қўрғонингни босиб, хотин, бола-чақангни
Аямасдан, ёвузларча сўйиб кетмишлар,
Бор гап шу! Сўйламайман тафсилотини,
Ахир сенга осон эмас.

М а л ь к о л ь м

Ё қодир фалак!
Қалпоғингни бостирма кўп кўзингга, дўстим,
Фарёд-фигон билан ҳасрат-аламингни ёз:
Унсиз қайғу парчалайди юракни, дўстим.

М а к д у ф

Болаларни ҳамми?

Р о с с

Кимки қўрғонда бўлса,
Ҳаммасини.

М а к д у ф

Мен...уларни ташлаб келганман!
Демак, хотинимни ҳам-а?

Р о с с

Ҳайҳот!

М а л ь к о л ь м

Тетик бўл!
Ишон, дўстим, сенинг оғир қайғуларингни
Қасос билан қондирамиз.

М а к д у ф

Фарзанд йўқ унда.
Гўдакларим барини-я?.. Битта қўймасдан!
О, дўзахий калхат! Барча жўжаларимни
Бир ҳамлада ҳалок этмиш онаси билан!

М а л ь к о л ь м

Ўзингни бос!

М а к д у ф

Қандай қилиб босай ўзимни.
Босолмайман ўзлигимни, инсонлигимни.
Менинг учун бу дунёда азиздан-азиз
Бўлган ўша жонларимни нечук унутай?
Ахир, нечук паноҳига олмабди осмон?
Мақдуф, ўзинг гуноҳкорсан! Гуноҳинг учун
Ўшаларни дучор этмиш жазога фалак.
Фақат сен туфайли улар бўлмишлар ҳалок.
Тангрим ўзи раҳматга олсин уларни!

М а л ь к о л ь м

Энди қайғу қайроғида қиличинг қайра,
Ғазабингни тобла алам алангасида.

М а к д у ф

Йўқ, этмасман бировлардек таҳдид, дағдаға.
Хотинлардек фарёд солиб йиғламасман ҳам.
Қодир фалак, мени юртим душмани билан
Юзлаштиргин, токи унга қиличим еттай.
Ўшанда ҳам қолса агар ўлимдан омон,
Кечир уни!

М а л ь к о л ь м

Баракалла, марднинг сўзи бу!
Қўшин тайёр жўнамоққа. Бизга қолгани -
Қирол билан хайр-маъзур. Қани, юринглар,
Қисмат ажал чалғисини одди-ку қўлга,
Макбет, шайлан энди ўзинг ўлимга. Олга!
Тун қанчалар чўзилмасин, яна кун келар...
Кетишади.

БЕШИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Дунсинан. Қасрда бир хона. Врач ва сарой хоними кирадилар.

В р а ч. Мана, уч кечадирким, сизга ўхшаб мен ҳам ухламайман, аммо адашмаётганингизга ишончим комил эмас. Уйқусида юриб чиқади, дейсизми? Бу сўнгги бор қачон бўлган эди?

С а р о й х о н и м и. Олий ҳазрат урушга отланганидан буён аҳвол шу, неча бор ўзим кузатдим. Ўрнидан турди, тунги кўйлагини кияди, сандиқчасини очиб, қоғозқалам олади, бир нималар ёзади, ёзганларини такрор-такрор ўқийди, сўнг уни яна сандиқчасига беркитиб, ўрнига чиқиб ётади. Буларни бажараркан, бир дақиқа бўлса ҳам уйғонмайди.

В р а ч. Ором уйқуга чўмиш ва ухлоқ ҳолда худди

уйғоқдай ҳаракат қилиш- инсон табиатининг нақадар қайғули бир йўсинда бузилиши! Айтинг-чи, унинг уйқу аралаш бу ҳолати фақат юришлару ҳар хил ҳаракатлардан иборатми? Гапирмайдими? У нималар дейди?

С а р о й х о н и м и. У шундоқ гапларни айтадики, доктор буни бировга айтиб бўлмайди.

В р а ч. Аммо менга айтиш мумкин ва ҳаттоки, зарур.

С а р о й х о н и м и. Йўқ, сизга ҳам, бошқага ҳам айтолмайман. Ахир, менинг гувоҳларим йўқки, айтганларимни тасдиқ этишса.

Шам кўтариб Л е д и М а к б е т киради.

Қаранг, ана ўзи! У доим шундоқ юради, умримга қасам ичиб айтаманки, бирор марта ҳам уйғонмайди. Қимирланманг, кузатиб туринг.

В р а ч. У шамни қайдан олдийкин?

С а р о й х о н и м и. Шам шундоқ тўшаги ёнида ёниб туради. У ётоғида ҳамиша шам ёқиб қўйишни бужорган.

В р а ч. Кўраяпсизми, унинг кўзлари очиқ.

С а р о й х о н и м и. Ҳа, барибир кўрмайди.

В р а ч. Қаранг, нималар қияшпти. Нега у ҳадеб қўллари ишқайди?

С а р о й х о н и м и. Бу унинг одати. Унга ўзи қўл юваётгандек бўлиб туюлади. Баъзан чорак соат ўтсаям-ки, у тинчимайди, ҳадеб қўллари ишқайверади.

Л е д и М а к б е т. Доғ кетмаяшпти...

В р а ч. Жим! У гапира бошлади. Сўзларини ёза қолай, хотирда яхши қолади.

Л е д и М а к б е т. Йўқол, лаънати доғ! Даф бўл! Соат бир, икки- энди ишга киришмоқ лозим! Нима дединг? Жаҳаннам қоронғу? Уял эр бўлмай! Сен жангчисанку! Қўрқма! Нимадан кўрқамиз, биров билмайди! Салтанат бизники бўлади, ҳеч кимса бизни жазога тортолмайди! Қари чолда шунча қон бўлади, деб ким ўйлабди!..

В р а ч. Эшитдингизми?

Л е д и М а к б е т. Файф бегининг хотини бор эди: ҳозир қайда экан? Наҳотки бу қўллар энди ҳеч қачон тозармаса? Бас, шоҳим, қалтирашдан тўхтамас экансиз, ишимиз барбод бўлди, деяверинг...

В р а ч. Хўш, хўш. Сиз билишингиз жоиз бўлмаган нарсани билиб олибсиз.

С а р о й х о н и м и. Йўқ, айтиши ножоиз бўлган гапни унинг ўзи айтди. Ҳа, шундоқ. Унинг нималар билишини ёлғиз Тангрининг ўзи билади.

Л е д и М а к б е т. Ана шу кичкина қўлчадан ҳамон қон ҳиди анқийди. Арабистоннинг жамики мушки анбарлари ҳам бу ҳидни босиб кетолмайди. Оҳ! Оҳ! Оҳ!..

В р а ч. Хўрсинишини қаранг! Унинг юрагида нимадир тошдек зил чўкиб ётибди.

С а р о й х о н и м и. Мен ҳатто танимни маликалик либосига буркасалар ҳам, кўксимда шундоқ бир юракни олиб юришга рози бўлмасдим.

В р а ч. Баракалла, баракалла!

С а р о й х о н и м и. Илоҳим, охири бахайр бўлсин!

В р а ч. Бу хасталик менинг ҳунарим доирасига сифмайди. Аммо мен уйқусида юриб чиқадиган, лекин ҳар ҳолда ўз тўшагида христианларча жон берганларни билардим.

Л е д и М а к б е т. Қўлингни юв, халатингни кийиб ол, тусингни ўчираверма. Такрор айтаман. Банко дафн этилган, у қабрдан чиқолмайди.

В р а ч. Мана, гап қаёқда!

Л е д и М а к б е т. Ёт, ёта қол, дарвозани қоқишяпти. Юр, юр, юр, юр, қўлингни бер. Бўлар иш бўлди. Ёт, дейман, ёт, ёта қол энди!

(Кетагу.)

В р а ч

У энди бориб тўшакка ётадимми?

С а р о й х о н и м и

Албатта.

В р а ч

Ҳа бекорга эмас экан қора миш-мишлар,
Бизни бузар табиатга муҳолиф ишлар.
Дили хаста дард айтмаса, аҳволи ёмон,
Ҳеч бўлмаса, болишига сирини айтсин.

Маликага табиб эмас, руҳоний даркор.
Биз, гуноҳкор бандаларни Худо кечирсин!
Ҳар хил кескир нарсаларни тутингиз йироқ,
Маликадан кўзингизни айирманг бироқ,
Уни ўйлаб руҳим шундай тўс-тўполонки,
Бундай пайтда нималарни ўйламас киши,
Айтишга ҳам тил бормаиди. Хўп, хайрли тун.

С а р о й х о н и м и

Хайрли тун, доктор.

Кетадилар.

Иккинчи саҳна

Дунсинан яқинида бир жой. Ноғоралар ва байроқлар.

Ментис, Кетнес, Ангус, Ленокс ва бошқалар киришади.

М а н т и с

Ҳа, инглиз қўшини ҳам яқинлаб қолди.
Малькольм, Макдуф, шаҳзоданинг тоғаси Сивард
Бошлаб келар уни қасос ўтида ёниб.
Бу хайрли иш йўлида ҳаттоки роҳиб
Қараб турмас эди, тикка жангга кирарди.

А н г у с

Биродарлар, биз уларни қарши олайлик,
Бирнам ўрмонини кесиб ўтгувчи йўлда.

К е т н е с

Дональбайн ҳам келмоқдами акаси билан?

Л е н о к с

Йўқ, келмаган. Рўйхатни мен ўзим қарадим.
Унда кичик Сивард билан яна бир талай,
Баловатга етиб қолган ўспиринларнинг
Номлари бор.

М е т н и с

Нима билан машғулдир золим?

К е т н е с

У Дунсинан деворларин суваш билан банд,
Уни дали - девона деб атар бировлар.
Баъзилар-чи, адовати озроқ бўлганлар,
Довюррак бир жинни, дея аташар уни.
Энди аён: зўрлик билан тўполонни у
Босолмайди.

А н г у с

Яширинча қотилликлари,
Қўлларини сиқар қонли занжирлар билан.
Маккорлиги учун ёниб ловиллар исён,
Бир кимсалар бўйсунурлар қўрққанларидан,
Муҳаббатдан эмас. Ҳозир сезмоқдадир у,
Шоҳлик унга омонатдир, пакана кийган
Паҳлавоннинг чакмонига ўхшайди худди.

М е н т и с

Ўлат руҳи ҳатто унда яшаганидан,
Номус қилиб, ўз-ўзини лаънатлар экан.
Белгилидир: унда тугён урар шу замон
Не туйғулар...

К е т н е с

Юринг, энди қарши олайлик
Ҳаммамизга амри вожиб бўлган кимсани,
Касалманд шу юртимизга ҳозиқ ҳақимни.
Ватанимиз яна қайта соғайсин учун ‘
Майдонаро қонимизни тўкайлик бутун.

Л е н о к с

Қон тўкайлик, токи ундан униб гул-чечак,
Чириб битсин, адо бўлсин чақиртиканак.
Ола! Тўхтама энди - Бирнам ўрмонзориди.
Кетадилар.

Учинчи саҳна

Дунсинан. Қаср ичида бир хона. Макбет, врач ва хос маҳрамлар киришади.

М а к б е т

Мен эшитмоқ истамайман маълумотларни,
Майли, қочган қочаверсин! Токи Дунсинан,
Этагига келмас экан бостириб ўрмон,
Малькольмдан қўрқадигап ерим йўқ сира.
У бир гўдак, тувилмишдир хотин зотидан.
Кароматгўй руҳлар менга демишлар: "Қўрқма!
Хотин зоти туққан бирор кимса Макбетга
Дахл этолмагай!" Майли, беклар, хоинлар,
Ўша майхўр Англия томон қочингиз!
Аммо менинг ақлим бутун, қўлим мустаҳкам,
Чўчимасман зарра офат-фалокатлардан.

Мулозим киради.

Шайтон сени оловига отсин, бекорчи!
Товуқ юрак, не сабабдан юзинг оқариб,
Тусинг бўздек ўчиб кетмиш?

М у л о з и м

У ёқда ўн минг...

М а к б е т

Ўн минг нима? Ўн минг ғозми, аблаҳ?

' М у л о з и м '

Аскарлар.

М а к б е т

Қўрқоқ, тирнаб юзларингни, қора ваҳмингни
Қонинг билан қизартиргил! Қандай аскарлар?
Қўрқувларга ботган ўша башаранг билан
Шайтонга ем бўлмайсанми! Нечук аскарлар?

М у л о з и м

Англия аскарлари, шоҳим...

М а к б е т

Кет, йўқол!

Мулозим кетади.

Эй, Сейтон!- Эса тушса, юрак орқага
Тортиб кетар... Сейтон!- Бугун бўладиган жанг
Ё музаффар этар мени ёки тору мор,
Йўқ, озмунча яшамодим: ҳаётим йўли
Қопланибдир талай хазон ядроқлар билан.
Аммо кексайганда бизга зарур ҳамроҳлар:
Дўсти анис, муҳаббату иззат-икромлар
Кўрмайпман, атрофимда қарғиш ва лаънат
Ёйилмоқда секин, бироқ кўрқинч бағоят.
Таралмоқда яна талай мақтов, хушода,
Ки рад этмоқ истар, аммо журъат этолмас
Менинг шўрлик юраккинам. - Қайдасан, Сейтон!

Сейтон киради.

С е й т о н

Шоҳим нима истайдилар?

М а к б е т

Нечук хабарлар?

С е й т о н

Маълумотаар тасдиқланди.

М а к б е т

Мен жанг қиламан,
То этларим қийма-қийма кесилиб, тамом
Битмагунча. Менга қурол-аслаҳамни бер.

С е й т о н

Шоҳим, ҳаали эртасмасми?

М а к б е т

Айни фурсати.

Отлиқлардан олиб, ўзинг теваракни кез,
Қўрқоқ зоти борки, тутиб, битта-битта ос.
Қуролларни узат. Қалай, малика, доктор?

В р а ч

Маликамиз фақат руҳан хастадир, холос.
Оромини бузар ҳар хил рўёлар.

М а к б е т

Уни -
Даволашнинг йўлини топ. Яхшироқ ўйла.
Қандай қилса, хаста идрок тузалур буткул,
Қандай қилса, андуҳ учиб кетар хотирдан,
Мия фориф бўлур ҳасрат битган ёзудан.
Дори берки, қувват йиғсин ўзни унутиб,
Ва тош бўлиб юрагига чўккан ғуссани
Кўкрагидан юлиб ташла.

В р а ч

Бу ишда ёлғиз
Ўз-ўзига мадад бергай беморнинг ўзи.

М а к б е т

Ундоқ бўлса, пучак дори-дармонларингни
Олиб бориб, ўша саёқ итларга ташла. -
Совутимни боғла. Сейтон. Нишонимни бер,
Отланайлик!- Беклар қочиб қолишди, доктор.
Тезроқ, Сейтон!- Аммо сен-чи, доктор, мабодо,
Мамлакатим сийдигини текшириб кўриб,
Касалини аниқласанг ва салтанатга
Соғлигини қайтаролсанг, гумбурлатардим -
Мақтовингга мен тоғларнинг акс садосин.
Ҳой, чаққонроқ қимирлагин, Сейтон!- Мабодо
Қандай сурги тозаларкин Шотландияни
Инглиздан? Эшитганинг борми ҳеч, доктор?

В р а ч

Тайёргарлик кўрганингиз ҳақида хабар
Етган эди.

Макбет

(Сейтонга қалқонини кўрсатиб)

Олиб юргин буни ортимдан.
Мен ўлимдан чўчимайман - Бирнам ўрмони
Дунсинанга ҳужум - ҳамла айламагунча.

В р а ч

(Четга)

Сенинг билан хайрлашмоқ насиб этса, бас,
Кейин мени бу ёқларга келтириб бўлмас.

Кетадилар.

Тўртинчи саҳна

Бирнам ўрмони яқинида бир жой. Ногоралар ва байроқлар.
Малькольм, Сивард, унинг ўғли, Макдуф, Ментис, Кетнис,
Ангус, Ленокс, Росс ва аскарлар киришади.

М а л ь к о л ь м

Оғайнилар, уйимизни ганимдан халос
Дйлагувчи хайрли кун келди.

М е н т и с

Шубҳасиз.

С и в а р д

Ҳув, анави нечук ўрмон?

М е н т и с

Бирнам ўрмони.

М а л ь к о л ь м

Бутоқлардан кесиб олиб жангчиларимиз,
Юриш чоғи кўтарсинлар бошлари узра.
Токи душман етолмасин саноғимизга,
Талвасага тушсин.

А с к а р л а р

Бўлур амрингиз бажо.

С и в а р д

Хабарларга кўра, худди шу Дунсинанда
Оёқ тираб олмоқчимиш зolim.

М а л ь к о л ь м

Дунсинан -

Унинг учун сўнгги имкон, сўнгги чегара;
Ахир, ҳозир иложини топишдими, бас,
Катта-кичик қочмоқдадир ундан ҳар нафас,
Хизматида юрганлар ҳам қўрқув туфайли,
Юришибди, аммо виждон амридан эмас.

М а к д у ф

Шундаймикин, буни ҳали жангда кўрамиз,
Биз ҳозирча, яхшиси, бор умидимизни,
Боғлашимиз зарур фақат жанг санъатига.

С и в а р д

Яқин қолди, қарзларимиз санаб, алқисса,
Оламиз ҳам, берамиз ҳам ёвларга ҳисса.
Тахмин деган нима, хаёл жилваси, холос,
Жангга якун ясар фақат ишонч ва ихлос,
Иш дегани кейин равиш олур шунга мос.

Кетадилар.

Бешинчи саҳна

Дунсинан. Қаср ҳовлиси. Макбет, Сейтон ва аскарлар
ноғоралар ва байроқлар билан киришади.

М а к б е т

Байроқларни деворларга қадаб қўй, Сейтон.
Яна қичқиришар: "Ана келишмоқда!"- деб
Майли. Аммо нима бизнинг қўрғонга қамал?
Безгак билаи очлик ютар қамалчиларни,
Улар ёққа беклар қочиб ўтмагандайди,

Биз тикма-тик олишардик улар билан, ҳа,
Улоқтириб ташлар эдик.

Саҳна орқасидан хотинлар қичқириғи.

Бу дод-вой нима?

Сейтон

Бу хотинлар қичқириғи чамамда, шоҳим.

(Чуқағи.)

Макбет

Қўрқув-ваҳим таъми менга кўздан бегона.
Бир замонлар тун қаъридан учган қичқирик
Юрагимни музлатарди, оғир ҳикоя
Тингларканман, бўлар эди сочларим тикка.
Энди шундоқ тўйибманки даҳшатларга мен,
Ёвузликлар хусусида ўйлаганда ҳам -
Сесканмайман.

Сейтон қайтади.

Ҳа, нимага қичқиришибди?

Сейтон

Давлатпаноҳ, маликамиз вафот этибди.

Макбет

Бир озгина кейин ўлса нима қиларди,
Нохуш-иохуш хабарларга ҳушим йўқ бутун.
Ҳамма ишда шундоқ. Эрта, эрта, эртага...
Кунларимиз ивирсираб ўтар, биз эса,
Ўқиб ҳаёт китобида сўнгги жумлани,
Кўрамизки, ёритмишдир "кечалар" бари -
Чанг-тўзонли қабр сари чўзилган йўлни,
Куйик шамим, сўниб, адо бўлгайсан энди!
Ҳаёт фақат соя, ярим соат саҳнада
Қийшанглагач, унутилган масхарабоз у.
У қиссадир, мазмунини тентак сўйлаган:
Сўзи билан ҳавоси кўч, ўзи бемаъни.

Чопар киради.

Сен нимага келдинг?
Яна гап сотишгами? Хўп, қисқа қил!

Ч о п а р

Давлатпаноҳ, кўрганларимни
Мен айтишим зарур сизга, лекин қай йўсин
Айтишга ҳам ҳайрондирман.

М а к б е т

Қани, айтавер.

Ч о п а р

Қоровулда турар эдим, ҳув тепалиқда,
Ва Бирнамга боқар эдим, бир маҳал ўрмон
Қўзғолдиқо биз томонга кела бошлади.

М а к б е т

Ёлғон айтаяпсан, аблаҳ!

Ч о п а р

Ёлғон айтсам, дучор бўлай газабингизга,
Чиқиб қаранг: уч чақирим нарида худди
Ўрмон келар бостирганча кўрғон устига.

М а к б е т

Гар алдаган бўлсанг, ёлғон сўзлаган бўлсанг,
Тириклайин осдираман, токи очлиқдан,
Силланг қуриб, қовжирайсан. Лекин мабодо
Рост бўлса-чи, ўзинг мени оса қол, майли,
Дарз тушдимми, дейман сабот-қатъиятимга.
Иблис тагдор ҳақиқат-ла алдамиш мени:
"Устиворсан, Макбет, токи Бирнам ўрмони
Дунсинанга ҳужум - ҳамла айламагунча".
Дунсинанга ҳужум - ҳамла бошламиш ўрмон!
Қани, жангга, бизни кутар маърака - майдон!
Чопар сўзи ёлғон эмас, рост бўлганда ҳам,
Нима қипти: у ёққами, бу ёқда - адам?

Ёруф кундуз кўзларимга санчилар гўё,
Қуларканман, меҳваридан узилсин дунё!
Қўзғал, шамол! Қутур бўрон! Бонг урингиз, бонг!
Мен ўлимни аскар бўлиб қарши оламан!

Кетишади.

Олтинчи саҳна

Дунсинан. Қўрғон олди. Ногоралар ва байроқлар.
Малькольм, кекса Сивард, Мақдуф ва шох-бутоқ кўтариб аскарлар киришади.

М а л ь к о л ь м

Етиб келдик. Ташланг энди шох-новдаларни,
Эйди ёвга юзланамиз. - Муҳтарам тоға,
Сиз баҳодир ўвлингиз-ла олға бошлангиз
Илғор сафимизни. Мақдуф билан биз эса
Қолган ишни етказамиз ниҳоясига,
Келишганимиздек.

С и в а р д

Сизга омад тилайман.
Майли, бизни қийма-қийма қилсинлар, токи,
Қиймаланмай қолса ёвнинг бирорта полки.

М а л ь к о л ь м

Довул қоқинг, карнайлардан учсин ҳайқириқ.
Қондан доврүқ солсин улар, ажалдан доврүқ.

Кетишади.

Еттинчи саҳна

Ўша жой. Майдонинг бошқа бир қисми. Жанг сурони.
Макбет киради.

М а к б е т

Мен устунга чандиланган айиқман худди,
Шу аҳволда жанг қилишим зарур. Қани у?

Қани ўша - туғилмаган хотин зотидан?
Макбет қўрқмас бошқасининг илтифотидан... .

Ёш Сивард киради.

Ё ш С и в а р д

Ҳей, кимдирсан?

М а к б е т

Қалтирайсан исмим эшитсанг.

Ё ш С и в а р д

Йўқ, кўрқмасман асло, ўша жаҳаннамдаги
Исмлардан исминг ҳатто қўрқинч бўлса ҳам!

М а к б е т

Мен - Макбетман.

Ё ш С и в а р д

Бошқасини иблис тополмас
Ки, мен учун бўлса шундоқ жирканч...

М а к б е т

Ва даҳшат!

Ё ш С и в а р д

Бекорларни айтибсан, эй золим, ярамас,
Буни исбот этар ҳозир қиличим маним!

Жанг қилишади. Ёш Сивард ҳалок бўлади.

М а к б е т

Ахир, сени хотин зоти туққан эди, бас,
Ўша зотдан туғилганлар ожиз қаҳр ила
Чиранишиб, қистатади кулгимни, холос.

(Кетади.)

Жанг сурони. Макдуф киради.

М а к д у ф

Жанг сурони бунда баланд. Золим қайдасан?
Агар менинг қиличимдан топмасанг мамот,
Хотиним ва болаларим руҳи чирқираб, -
Мени гирён ва безовта айлар умрбод.
Тиг урмасман аммо бадбахт, бечораларга,
Чақа учун ёлланганлар менга не даркор?
Менга ёлғиз сен кераксан, Макбет, қиличим
Наҳот қинга солсам яна силтамай бир бор.
Сезаманки, сен шундасан. Шовқинга кўра
Азим жангчи шу атрофда солишар. Қисмат,
Мени унга дучор айла, ўшанга учрат!
Тилагим шу, бошқа нарса сўрамам сендан...

(Кетагу.)

Жанг сурони. Малькольм ва кекса Сивард киради.

С и в а р д

Олга, милорд! - Қўрғон очди дарвозаларни.
Ёв лашкарин бир бўлаги биз томон ўтиб,
Қўрғон ичра солишмоқда бошқаси билан.
Бекларингиз шижоати чаккимас, баланд,
Жанг-жадал ҳам етаётир ниҳоясига,
Зафар яқин.

М а л ь к о л ь м

Ёв биз тараф ўтдими, билинг,
Бизнинг ҳасмимиз у.

С и в а р д

Милорд, қасрга киринг.

Кетадилар.

Макбет қайтиб киради.

М а к б е т

Нега керак, тақлид қилиб Рим жиннисига
Ўз қиличим қиррасига ўзни отишим?
Ундан кўра, яхшимасми, тирик туриб то,
Ўзгаларни қиймалашим, ҳалок этишим?!

Макдуф қайтиб киради.

М а к д у ф

Эй жаҳаннам ити, тўхта, жойингдан жилма!

М а к б е т

Мен одамлар орасида сендан, ҳа, фақат
Сендан ўзни олиб қочиб юрибман. Жўна.
Бас, шусиз ҳам бўялганман қонингга роса.

М а к д у ф

Сен шу қадар жирканчсанки, сўз тополмайман,
Тилим эмас, жавоб берсин қиличим менинг.
Қонхўр золим!

Жанг қиладилар.

М а к б е т

Беҳудага ўзни қийнама:
Сен ҳавони қиймалашинг тайиндир балким,
Аммо-лекин менга қилич урмоғинг маҳол,
Яхшиси, ур уни ўзга дубулғаларга,
Ҳар кимсаки, туғилмишдир хотин зотидан,
Менга зиён етказолмас. Сеҳрланганман.

М а к д у ф

Сеҳринг унут. Сен малайи бўлган у иблис
Қулоғингга шивирласин: онам қорнидан
Мени ўткир пичоқ билан кесиб олишган.

М а к б е т

Бу хабарни айтган ўша тилингда лаънат!
Қайридикю синди менинг мардоналигим.
Чин сўзларга ёлгон умид қўшиб айттувчи,
Яна уни тағдор қилиб, жўшиб айттувчи
Ўша маккор иблисларга ишонмай қўйдим.
Мен сен билан солишмайман.

М а к д у ф

Таслим бўл, қўрқоқ,
Ҳаёт кечир умум элга масхара бўлиб,
Фаройиб бир махлуқ каби қафасга солиб,
Бошинг узра тахтача ҳам илиб қўямиз:
"Кўринг, мана мустабид" деб.

М а к б е т

Таслим бўлмасман,
Яламасман ёш Малькольм остонасини,
Мени мардум ҳақоратга кўмиб юрсинми?!
Гарчи Бирнам ҳужумига қолди Дунсинан,
Гарчи хотин зотидан сен туғилмагансан,
Мен ўлгунча қалқонимни қўлдан қўймасмай,
Бошла, Макдуф, қилич этсин ишимизни ҳал,
Ким биринчи "Тўхта!" деса, ўшанга лаънат!

Қиличлаша-қиличлаша кетадилар. Карнайлар жанг хотима-
сидан хабар беради. Малькольм, кекса Сивард, Росс, бошқа
беклар ва аскарлар ноғоралар ва байроқлар билан кириб
келадилар.

М а л ь к о л ь м

Қалай, соғу саломатми дўстлар ҳаммаси?

С и в а р д

Ҳаммасимас. Аммо-лекин кўпчилик шунда,
Демак; бизга унча қиммат тушмади айём.

М а л ь к о л ь м

Сизнинг жасур ўғлингизу Макдуф қаёқда?

Р о с с

(Сивардга)

Милорд, бурчин адо этди аскар ўғлингиз.
Йигитликка эндигина етган бўлса ҳам.
Жанг қиларкан, чекинмади ҳатто бир қадам.

Эр аталиб, мард номини қозонди шаксиз
Ва йиқилди мардонавор.

С и в а р д

Ҳалок бўлдими?

Р о с с

Ҳа, у олиб чиқилди сўнг жанг майдонидан.
Милорд, сизнинг юракдаги қайғу кўлами
Бу шавкатга етолмагай сира, йўқса у
Чексиз бўлур.

С и в а р д

У олдидан яраланганми?

Р о с с

Манглайдан.

С и в а р д

Бўлмаса, у - Тангри аскар.
Ўғилларим бошимдаги сочларим қадар
Бўлганда ҳам, ҳаммасига мутлоқ, муқаррар
Шундоқ қисмат тилар эдим. Менинг сўзим шу -
Шаҳидларга айтадирган.

М а л ь к о л ь м

Ёш тўкармай, у -
Оҳлар уриб, нам чекишга лойиқ.

С и в а р д

Не даркор?

У ишни қилиб бўлди. Диловар ўлди.
Раҳмат топсин! Мана бизга янги тасалли.
Макдуф Макбетнинг калласини кўтариб киради.

М а к д у ф

Яша, қирол! Сен қиролсан энди, шаҳзода,
Мана ўша шум мустабид, золимнинг боши.

Замонамиз озод бўлди. Сенинг тегрангда
Тўпланишган салтанатнинг дурдоналари,
Менинг олқишимга улар жўр бўлар бари.
Қани энди овозимиз оламга тўлсин:
Шотландия қиролига шарафлар бўлсин!

Ҳ а м м а

Шотландия қиролига шарафлар бўлсин!

(Карнайлар чалинади.)


М а л ь к о л ь м

Қарзимизнинг тўловини кечиктирмаймиз,
Кўрсатамиз муҳаббатга яраша эъоз.
Истаймизки, қариндошу бекларим, сизни
Бизда таъсис қилинажак янги бир рутба -
Граф деган унвон билан этсак сарафроз.
Тагин бизнинг олдимизда шундоқ вазифа -
Тўғри, бунга маълум фурсат талаб қилинур,
Ўша золим зугумидан қочиб, гурбатда
Сарсон бўлган ёронларни қайтармоқ зарур.
Кейин ўша дўзахий ва унинг хотини,
(Эшитдимки, ўз-ўзини ўлдирибди у),
Шерикларин тутиб, қаттиқ жазога дучор
Этмоқ лозим, яна бошқа кўп вазифалар;
Ҳаммасини бажарамиз, Худо хоҳласа,
Ўз ўрни ва меъёрида, ўз соатида;
Ҳаммангизга чин юракдан таҳсин, тасанно,
Ҳозир эса тож кийгали' Скон кетамиз,
Сизни ўша маросимга таклиф этамиз.

(Карнайлар чалинади.)

Кетишади.





АФИНАЛИК ТИМОН

И Ш Т И Р О К Э Т У В Ч И Л А Р :

Т и м о н. Афиналик аслзода.

Л у ц и й, Л у к у л л, С е м п р о н и й - хушомадгўй амалдорлар.

В е н т и д и й, Тимоннинг сохта дўстларидан.

А л к и в и а д. Афиналик лашкарбоши.

А п е м а н т. Заҳар тилли файласуф.

Ф л а в и й. Тимоннинг уй нозири.

Ш о и р.

Р а с с о м.

З а р г а р.

С а в д о г а р.

А ф и н а л и к ч о л.

Ф л а м и н и й, Л у ц и л и й, С е р в и л и й - Тимоннинг хизматкорлари.

К а ф и с, Ф и л о т, Г и т, Х о р т е н з и й ва бошқалар - Тимонга қарз берганларнинг хизматкорлари.

Ё ш м а ҳ р а м.

М а с х а р а б о з.

У ч х о р и ж и й.

Ф р и н а, Т и м а н д р а - Алкивиаднинг маъшуқалари.

К у п и д о н ва а м а з о н к а л а р, ниқоб кийганлар.

А м а л д о р л а р, с е н а т о р л а р, ж а н г ч и л а р, л а ш к а р б о ш и л а р, қ а р о қ ч и л а р, х и з м а т - к о р л а р.

•Воқеа Афина ва унинг атрофида бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи сахна

Афина. Тимон уйида бир зал. Турли эшиклардан шоир, рассом, заргар, савдогар ва бошқалар кириб келишади.

Ш о и р

Салом, тақсир.

Р а с с о м

Соғ-саломат кўриб, хурсандман.

Ш о и р

Кўздан кўришмадик. Не гап оламингизда?

Р а с с о м

Ўсмоқда у, лекин қариб борар.

Ш о и р

Эски гап:

Халойиқ ҳар дақиқада такрор этмаган,
Бирор чайналмаган, янги нарса йўқмикан?
Қаранг, бойлик сеҳри қандай соҳиби қудрат!
У истаган жонни авраб, асирга олар,
Асир олиб, уни кейин хизматга солар,
Менга таниш, ҳу, анави савдогар,

Р а с с о м

Менга -

Иккиси ҳам таниш: у ҳам, анув заргар ҳам.

С а в д о г а р

Тимон - асл, олийжаноб амалдор.

З а р г а р

Балли!

С а в д о г а р

У одамнинг жони: бутун қиёфасидан
Меҳрибонлик ёғиб турар. Бундайлар, дўстим,
Оз учрайди дунёда.

З а р г а р

Мен гавҳар келтирдим.

С а в д о г а р

Кимга? Тимонгами? Қани, бир кўрайлик-чи...

З а р г а р

Баҳосини келишсак, бас... Лекин, бу ишда...

Ш о и р

(Қироат қилади.)

Биз иллатни эҳсон учун мақтасак агар,
Бу - шеърият шаънига бир доғ бўлиб тушар.
Муносибдир эзгуликни куйласа шоир.

С а в д о г а р

(Гавҳарни кўздан кечириб)

Яхши гавҳар экан, шакли бежирим.

З а р г а р

Аъло.

Худди шабнам қатрасидек тиниқ, мусаффо.

Р а с с о м

Балли, тақсир, балли, буюк Тимонга атаб
Ёзган мадҳиянгиз дуруст.

Ш о и р

Ҳа, беихтиёр

Туғилдию ўзи келди қаламга ашъор.

Шеърият - оғочдан оққан ширага ўхшар.

Чақмоқтош чақилмас экан, олов чақнамас,
Аммо бизнинг аланга-чи, ўзи туғилиб,
Ўзи тошиб оқа бошлар, йўлда учраган
Бор нарсани суриб ташлар. - Айтинг-чи, бегим,
Сиз не келтирдингиз буюк Тимонга?

Р а с с о м

Расм.
Китобингиз энди қачон чиқади, дўстим?

Ш о и р

Валинеъматта мен тақдим этгандан кейин,
Мумкинми бир совангизга назар ташласам?

Р а с с о м

Яхши расм.

Ш о и р

Ҳа, дарвоқе, жуда ҳам дилкаш!
Гўзал расм! Хўп аломат расм!

Р а с с о м

Ёмонмас...

Ш о и р

Ажойиб! О, бу қоматда қанча нафосат!
Қарашларда эса - қанча ақл-заковат,
Бу лабларда эса - чуқур хаёл парвози.
Ҳатто унсиз ишора ҳам аён.

Р а с с о м

Мен бунда
Бор ҳаётни борлигича қаламга олдим.
Мана бу чизги-чи, қаранг, ёмон эмас-а?

Ш о и р

Табиатга дарс беради! Бундаги санъат
Ҳаётдан ҳам ҳаётийроқ, асл нафосат.

Саҳнани кесиб бир неча сенаторлар ўтишади.

Р а с с о м

Валинеъматимизда дўст-улфат беҳисоб.

Ш о и р

Афина сенаторлари! Қандай бахтиёр!

Р а с с о м

Қаранг, тағин келишмоқда тизилиб қатор.

Ш о и р

Бутун бошлиқ оломон! Ҳа, шу қадар меҳмон!
Мен кўрсатдим шеъримнинг шу илк нусхасида
Жаҳон арзандаси, қисмат эркатойини,
Ки ўтказар мудом ҳордиқ дамларини у
Гўзал машғулотлар, нафис эрмаклар билан.
Тафсилотга тушмай, эркин этарак парвоз,
Менинг илҳом-истеъдодим чарх уриб, чексиз
Саҳифалар денгизида югурар равон,
Фараз заҳри билан зарра заҳарланмас у,
Шу учиш, шу ҳаракатда ҳаттоки вергул
Жасур бургут бўлиб худди кўкка талпинар
Ва кўздан ҳам ғойиб бўлар.

Р а с с о м

Тушунолмадим.

Ш о и р

Ҳозир англатаман. Мана, кўриб турибсиз,
Бойлик - бисотлари турли-туман инсонлар,
Ақл-идроқда ҳам турфа-пучак, нодонлар,
Ҳам зийраклар, ҳам қаҳрга минганлар бари
Тимон хизматига бирдек ошиқар қандоқ?
Унинг давлати зўр, унда бойлик беҳисоб,
У самимий, очиқ чеҳра ва олийжаноб.
Ҳаммани жазб этар унда ана шу нарса,
Айёр, хушомадгўйдан то Алемантгача.

Ҳеч кимсани ҳуш кўрмайди баттол Алемант,
Ҳатто ўзига ҳам душман, лекин ўша ҳам
Тимон эшигида доим меҳрга тўлар,
Унинг табассумини бир иқбол деб билар.

Р а с с о м

Мен уларнинг суҳбатини эшитганим бор.

Ш о и р

Хуллас: менинг тасвиримда баледа бир тепа,
Тепада - тахт, тахтда эса - Қисмат, Фортуна.
Тахт пойида жамулжамдир турфа халойиқ,
Турли хислат, турли насаб, турли рутбада.
Улар бари шу муборак заминда яшаб,
Фақат юксалишни, баледа пояни ўйлар.
Илоҳага кўз тикканлар ичида биров
Тимонга ўхшайди... Уни имлаб Фартуна
Ошпоқ, қордек қўли билан, ёнига чорлар,
Бундоқ меҳру муруватнинг шарофатидан
Рақиблар ҳам унга шу дам қул бўлиб қолар...

Р а с с о м

Ажаб яхши топилибди! Тасаввуримда
Чизилади дарҳол: тепа, тахт ва Фартуна,
Ва меҳрга ноил бўлган анави инсон,
Тикка ёнбағирдан бахту иқболи томон
Пешвоз чиқиб боради у, бошини бир оз
Эгиб олган, чиқиш жила қулай, бўлсин деб.
Бу - менинг ҳам санъатимга яроқли сюжет.

Ш о и р

Хўп, мен давом этай... Қани, тагин эшитинг:
Унга тенг бўлганлар, ҳатто ундан баледа
Елиб-югуришар энди унинг ортидан.
Унинг уйида ҳам ҳозир-нозир туришар,
Қулоғига ажиб меҳру садоқат билан
Шивирлашар тинмай, энди улар наздида
Илоҳийдир ҳатто унинг узангиси ҳам.
У - танларга жондир...

Р а с с о м

Хўш, хўш, ундан кейин-чи?

Ш о и р

Ҳавойи у Қисмат аммо айнаб ногаҳон,
Пастга томон итаради эркатоийни.
Боягина тирмашганча, унинг изидан
Тўрт оёқлаб, судралишиб келаётганлар
Қуласин, деб унга дарҳол бўшатишар йўл,
Ҳеч ким уни тутиб қолмас.

Р а с с о м

Бу - таниш савдо...
Мен неча бир расмларни аташим мумкин,
Ки уларда Қисматнинг шум кирдикорлари
Бундан ҳам тиниқроқ қилиб тасвир этилар.
Аммо яхши эслатибсиз Тимонга буни,
Улуғ, асл инсонларнинг ҳалокатлари
Олчоқ бадаларга ажиб томоша бўлар.

Карнайлар чалинади. Тимон киради ва ҳамма билан хушнуд,
самимий саломлашади. Вентидийдан келган чопар унга яқинла-
шиб, арзи-ҳол этади; Луцилий ва бошқа хизматкорлар Тимонга
эргашадилар.

Т и м о н

У ҳали ҳам зиндондами?

Ч о п а р

Ҳа, шундоқ, хўжам.
Унинг қарзи бор-йўғи беш тилло, холос.
Бироқ, тўлай билмас, даъвогарлари - йиртқич.
У бош эгиб, сиздан шундоқ этади ўтинч:
Мактуб ёзиб, уни халос этсангиз... Йўқса -
Ўлди, деяверинг.

Т и м о н

Олийжаноб Вентидий!
Ҳаммасини бажараман: мен ўз дўстимни

Ташлаб кўярмидим ташвиш-фалокат ичра.
У менга яқиндир, ёрдам беришга лойиқ.
Мадад керак экан, унга кўлим тутаман,
Қарзин тўлаб, ҳибсдан ҳам халос этаман.

Ч о п а р

Хўжам, сиздан у миннатдор бўлур умрбод.

Т и м о н

Унга саломим айт! Ҳозир пул жўнатаман.
У зиндондан чиқиб, тўғри қошимга келсин;
Жафокашни фақат бир бор кўллашинг бекор,
Келажақда уни яна кўлламоқ даркор.
Хайр.

Ч о п а р

Бегим, Худо доим хайрингиз берсин.

Афиналик чол киради.

А ф и н а л и к ч о л

Тимон, сенга арзим бор.

Т и м о н

Хўш, лаббай, оқсоқол?

А ф и н а л и к ч о л

Хизматкоринг борми магар Луцилий деган?

Т и м о н

Бор. Хўш, нима эди?

А ф и н а л и к ч о л

Меҳру шафқатли Тимон,
Айт, у бунда ҳозир бўлсин.

Т и м о н

Луцилий - ҳозир!

Луцилий яқинлашади.

Луцилий

Мен ҳозирман, ҳазратимга меңдан не лозим?

Афиналик чол

Мана шу хизматкор, сенинг одаминг, Тимон,
Кечалари қатнаб қолди менинг уйимга.
Умр бўйи бойлик-бисот йиғдим, давлатим
Куёвликка муносиб бир ворисга лойиқ,
Аммо хизматкорга эмас.

Тимон

Хўш-хўш, кейин-чи?

Афиналик чол

Бисотимда ёлғиз битга қизим бор, холос,
Ўлар бўлсам, бор бойлигим ўшанга қолар.
У гўзалдир ҳам шу кунда бўй етиб қолди.
Мен ақчамни аямадим, тарбия бердим -
Нафис бир тарбия. Энди ушбу одаминг
Қиз бошини айлангирар. Сен унга буюр,
Токи остонамга минбаъд қадам қўймасин.
Бу борада мен у билан гаплашиб кўрдим,
Аммо бари зое кетди.

Тимон

У - ҳалол одам.

Афиналик чол

Бас, қизимни унутсин у. Ахир ҳалоллик
Ўз-ўзига бир мукофот кабидир, лекин
Қизимни ҳам унга қўшиб олиш шартмикин?

Тимон

Қизинг уни севадимми?

Афиналик чол

Нега севмасин?
У ёш, ахир. Тажрибадан яхши биламиз:
Ёшлик - бебошлиқдир.

Т и м о н

(Луцилийга)

Сен ҳам севасан уни?

Л у ц и л и й

Шундоқ, хўжам, у ҳам мени севади.

А ф и н а л и к ч о л

Агар

Менинг розилигим олмай турмуш қуришса,
Тангриларга онг ичаман, бор давлатимни
Бир гадога топшираман, аммо қизимга
Бир чақа ҳам қолдирмайман.

Т и м о н

Агарда қизинг

Ўз тенгига чиқса, унда қанча берардинг!

А ф и н а л и к ч о л

Уч тилло, бераман, лекин вафотимдан сўнг
Бутун молу мулким унинг измига ўтар.

Т и м о н

Кўздан бери менга хизмат қилар Луцилий,
Кифоядир мен озгина ҳаракат этсам,
У бахтли бўлади, яна этилуր бажо
Унинг қаршисида менинг инсоний бурчим.
Сен қизингни Луцилийга узат, мен унга
Қизингга сен қанча берсанг, шунча бераман -
Қарабсанки, тенг-баравар бўлишар улар.

А ф и н а л и к ч о л

Валинеъмат, номусингга қасам ичгил сен,
Никоҳига ола берсин қизимни кейин.

Т и м о н

(Унга қўлини чўзиб)

Менинг қўлим ва номусим сўзимга кафил.

Л у ц и л и й

Чин юракдан ташаккурлар айтаман, бегим!
Бундан буён бисотимда нима орттирсам,
Сизникидир.

Афиналик чол ва Луцилий кетишади.

Ш о и р

Ўтинаман, қабул қилингиз
Камтарин меҳнатим, эзгу тилакларимни.

Т и м о н

Ташаккур. Биз гаплашамиз кейин бафуржа,
Кетиб қолманг.. - Сизда нима янгилик, дўстим?

Р а с с о м

Расм. Ўтинаман, бегим, қабул қилингиз.

Т и м о н

Расм дедингизми? Ғоят хурсандман. Ахир,
Портретлар - худди тирик одамлар демак.
Бенумуслик уя қуриб инсон қалбига,
Уни аъмол - ҳаракатга солгандан буён
Инсонликка белги - фақат ташқи қиёфа;
Биз ўшани расмларда кўрамиз бешак.
Меҳнатингиз қадрлайман, эъзоз этаман.
Келаверинг, сизга доим эшигим очиқ,
Бетакалуф.

Р а с с о м

Ярлақасин сизни Худолар!

Т и м о н

Ҳозирча хайр. Аммо лекин тушлиқда бутун
Бирга бўлинг, жаноблар.

(Заргарга)

Ҳа, гавҳарингизни
Билимдонлар баҳолашди роса.

З а р г а р

Наҳотки -
Камситишди?

Т и м о н

Йўқ, мақташди! Агар қиймати
Белгиланса эди ўша таърифлар билан,
Уни сотиб олиб, бешак синар эдим мен.

З а р г а р

Қийматидан баланд эмас баҳоси унинг,
Нарса баҳосини аммо оширар соҳиб.
Гар гавҳарни қўлларига тақсалар бегим,
Шубҳасизки, ошар эди унинг баҳоси.

Т и м о н

Сиз устимдан куляпсиз.

С а в д о г а р

Хўжам, ишонинг,
Ҳамма шундоқ дейди.

Т и м о н

Қаранг, ким келяпти!
Истайсизми сизни бошлаб сўкишларини?
Апемант киради.

З а р г а р

У сизни ҳам аямайди.

С а в д о г а р

Ҳа, у бешафқат.

Т и м о н

Салом сенга, назокатли дўстим Апемант.

А п е м а н т

Саломингни, дўстим, асраб-авайлаб тургил,
То мен бир оз назокатли бўлмагунимча.

Назокатли бўлолмасман, сен ўзинга ит,
Бу аблаҳлар эса ҳалол бўлмагунича.

Т и м о н

Нега аблаҳ дейсан? Ахир, танитайсан-ку.

А п е м а н т

Улар афиналик эмасми?

Т и м о н

Афиналик.

А п е м а н т

Унда айтганимга пушаймон эмасман.

З а р г а р

Мени танийсанми, Алемант?

А п е м а н т

Сени танишимни биласан, кимлигингни айтдим-ку.

Т и м о н

Сен мағрурсан, Алемант.

А п е м а н т

Ҳаммадан ҳам Тимонга ўхшамаганим учун мағрурман.

Т и м о н

Йўл бўлсин?

А п е м а н т

Афиналик муҳтарам бир зотнинг миясини қоқиб,
қўлига берсам дейман.

Т и м о н

Бу қилмишинг учун қонун сени ўлимга буюради.

А п е м а н т

Амримаҳол бўлган бир иш учун қонун ўлимга буюрса,
сен ҳақсан.

Т и м о н

Бу расм сенга маъқулми, Апемант?

А п е м а н т

Безиён бўлгани учун маъқул.

Т и м о н

Хўш, рассомига қойил эмасмисан?

А п е м а н т.

Рассомни яратган устаси бундан ҳам фаранг, гарчи қилган иши ифлос бўлса ҳам...

Р а с с о м

Сен кўшпаксан!

А п е м а н т

Онанг қавмидан бўламан: мен кўшпак бўлсам, онанг ким бўлади?

Т и м о н

Мен билан тушлик қиласанми, Апемант?

А п е м а н т

Йўқ, мен амалдорларни емайман.

Т и м о н

Баракалла, йўқса хонимларимиздан балога қолардинг.

А п е м а н т

Амалдорларни ўшалар ейди, шунинг учун қоринлари қашпайиб юради.

Т и м о н

Шундай бўлмағур сўзни оғзингга олдинг-а!

А п е м а н т

Ола қол, уни меҳнатинг эвазига сенга бердим.

Т и м о н

Мана бу олмос сенга ёқадими, Алемант?

А п е м а н т

Менга кўпроқ ҳалоллик ёқади, аммо унинг қиймати инсон учун - сариқ чақа.

Т и м о н

Сенингча, бу олмоснинг баҳоси қанча?

А п е м а н т

Ўйлашга ҳам арзимайди... Хўш, сен нима дейсан, шоир?

Ш о и р

Хўш, сен нима дейсан, файласуф?

А п е м а н т

Ёлгон айтасан.

Ш о и р

Файласуф эмасмисан?

А п е м а н т

Файласуфман.

Ш о и р

Демак, айтганим чин.

А п е м а н т

Сен шоир эмасмисан?

Ш о и р

Шоирман.

А п е м а н т

Демак, айтганинг ёлгон. Сўнги асарингга бир назар сол, сен унда Тимонни муносиб зот, деб таърифлагансан.

Ш о и р

Бу ёлгон эмас, у - чиндан ҳам муносиб инсон.

А п е м а н т

Ҳа, у сенга, сенинг меҳнатингга ҳақ тўлаши учун муносиб. Хушомадни хуш кўрувчи киши хушомадгўйга муносиб бўлади. О, фалак, мен агар амалдор бўлсайдим....

Т и м о н

Унда не қилардинг, Апемант?

А п е м а н т

Ҳозир не қилсам, шуни: амалдорни жинимдан ҳам багтар ёмон кўрардим, ундан жирканардим.

Т и м о н

Йўғ-ей? Ўз-ўзингдан жирканармидинг?

А п е м а н т

Ҳа.

Т и м о н

Нега ахир?

А п е м а н т

Амалдор бўлиб, қаҳру ғазабимни йўқотиб қўйганим учун. (Савдогарга) Менга қара, сен савдогар эмасмисан?

С а в д о г а р

Ҳа, Апемант.

А п е м а н т

Худолар ўлдирмаса, савдо ўлдирсин сени.

С а в д о г а р

Мени савдо ўлдирса, демак, Худоларнинг хоҳиши шу бўлади.

А п е м а н т

Савдо - сен учун Худо, ўша Худойинг сени ўлдиради!
Карнайлар чалинади. Хизматкор киради.

Т и м о н

Ким бу карнай чалаётган?

Х и з м а т к о р

Алкивиад ташриф буюрди, йигирматача улфати унга ҳамроҳ.

Т и м о н

Уларни қаршилаб, бу ёққа бошлаб келинглар.

Бир неча хизматкор чиқади.

(Рассомга)

Кетиб қолманг, овқатланинг биз билан бирга,
Миннатдорлигимни ҳали билдирганим йўқ,
Тушликни қилайлик, кейин расм кўрамиз.

(Меҳмонларга)

Дўстлар, хуш келибсиз.

Алкивиад улфатлари билан киради.

Салом, қани марҳабо!

А п е м а н т

Хўш, хўш... Кошки шу хушбичим оёқлар бари
Қингир-қийшиқ тортиб, қуриб-қовжираб қолса.
Бу ширинсўз муттаҳамлар меҳрдан маҳрум,
Аммо қандай назокатли тутишар ўзни!
Менинг назаримда, бутун инсон уруғи
Айнаб, маймун уруғига айланиб қолмиш.

А л к и в и а д

Сизни шундай соғиндимки, азизим Тимон,
Тўёлмайман юзингизга боқиб.

Т и м о н

Марҳабо!

Мана, биргадирмиз, энди фурсатимизни
Бағишлайлик ажиб, турфа ишларга. Юринг!

Апемантдан бўлак ҳамма кетади. Иккита амалдор киради.

Б и р и н ч и а м а л д о р

Соат неча бўлди, Апемант?

А п е м а н т

Худди ҳалол бўлиш соати.

Б и р и н ч и а м а л д о р

Ҳалол бўлиш учун ҳамма вақт ҳам ярайверади.

А п е м а н т

Аммо сенинг ишинг чатоқ, сен вақтингни ўтказиб қўйддинг.

И к к и н ч и а м а л д о р

Сен Тимоннинг зиёфатига борасанми?

А п е м а н т

Бораман, таом муттаҳамларни қандай шишириб, ша-
роб нодонларни қанчалар кўпчителишини бир кўриб
қўймоқчиман.

И к к и н ч и а м а л д о р

Хўш, саломат бўл, саломат бўл!

А п е м а н т

Сен аҳмоқсан, негаки менга икка карра соғлиқ тиладинг.

И қ к и н ч и а м а л д о р

Хўш, нима бўпти, Апемант?

А п е м а н т

Битгасини ўзингга асараб қўй, мен сенга соғлиқ тила-
майман.

Б и р и н ч и а м а л д о р

Ундоқ бўлса, бўғилиб ўл!

А п е м а н т

Йўқ, бу тилагингни адо этолмайман. Буни дўстингдан
сўрай қол.

И к к и н ч и а м а л д о р

Йўқол, ёвуз кўшпак! Йўқса улоқтираман...

А п е м а н т

Кўшпак қочиб қолур эшак туёфингиздан...

(Кетагу.)

Б и р и н ч и а м а л д о р

Кўрдингми, ҳеч хуш кўрмайди инсон зотини!
Тотинсакми, дейман, Тимон саховатидан?
Таърифларга сизмас унинг меҳмондўстлиги.

И к к и н ч и а м а л д о р

Ҳа, у ғоят саховатли. Олтин Тангриси
Плутос қул бўлса арзир Тимонимизга.
Бир хизматта етти карра мукофот берар,
Бир совғага бағишлагай юз карра эҳсон.

Б и р и н ч и а м а л д о р

Ҳали шундоқ олийжаноб қалб эгасини
Учратмадим.

И к к и н ч и а м а л д о р

Ярлақасин Тангрилар уни!
Кирамизми?

Б и р и н ч и а м а л д о р

Кирамиз. Хўп, қани, сиз бошланг...

Кетишади.

Иккинчи саҳна

Ўша жой. Тимон уйида катта зал. Катта столда дастурхон муҳайё, Флавий ва ўзга хизматкорлар унинг аторофида парвона.

Тимон, Алкивиад, амалдорлар, сенаторлар, Вентидий ва унинг хизматкорлари киришади. Ҳаммадан орқада — норози қиёфада

А п е м а н т.

В е н т и д и й

Дўстим Тимон! Худоларнинг хоҳиши экан,
Улар отам етган ёшни ҳисобга олиб,
Уни қақришди, хуллас, вафот этди у.
Менга талайгина бойлик қолдирди мерос.
Ёдимдадир мудом ҳиммат-марҳаматингиз,
Бутун ташаккурлар айтиб, қайтармоқчиман
Икки карра ортиғи-ла ўша қарзимни,
Сиз туфайли озодликда юрибман, ахир.

Т и м о н

Олийжаноб Вентидий, қўй бу гапларингни!
Сенга бўлган меҳримни кўп тутмагил арзон!
Бу пулларни берган эдим сенга совға деб,
Кимки берган нарсасини қайтиб оларкан,
У ўзини, берганман, деб ҳисоб этолмас.
Ҳа, айрим бир подшоларда шундай қоида -
Ҳукм сурган эса, такрор этмайлик уни!
Ҳокимият деган нарса оқлар хатони.

В е н т и д и й

О, чин олийжаноб инсон!

Т и м о н

Азиз дўстларим,
Сохталик ва лоқайдликни бекитмоқ учун
Чиқаришган назокат деб қонун-қоида.

Аmmo сохта такаллуфот ҳали ўзини
Аён этмай туриб, дарҳол чекар пушаймон,
Пушаймонки, ўзни этмоқ керак намоён.
Бироқ чин, самимий дўстлик ҳукмрон ерда
Такаллуфга ўрин бўлмас. Қани, ўлтиринг!
Биродарлар, бебаҳосиз, агар билсангиз,
Менга менинг давлатимдан.

Ҳамма ўтиради.

Б и р и н ч и а м а л д о р

Иқрор бўлдик, биз...

А п е м а н т

Оҳ-ҳо! Иқрор бўлишганмиш! У ҳолда нечун
Сизни осишмабди?

Т и м о н

Э-ҳа, сенми, Апемант!
Хуш келибсан!

А п е м а н т

Бу гапларни мендан кутмагил.
Остонангга оёқ қўйдим, токи тилагим -
Мени қувиб ҳайдагайсан.

Т и м о н

Мунча қўполсан!
Фақат кўринишинг инсон! Сенга чиндан ҳам
Таъна-дашном лойиқ - Ахир, маълум, жаноблар,
Ira furor brevis est - деган мақол бор.*
Бас, Апемант юрар доим жаҳлга миниб,
Шунинг учун унга бошқа дастурхон лозим,
У даврани хуш кўрмайди, жамоат унга
Тамом бегонадир.

А п е м а н т

Йўқ, мен шунда қоламан,
Сенинг ушбу таклифингга аччиқма-аччиқ.

* Жаҳл — қисқа жинниликдир. (Лат.)

Аммо шуни айтиб қўяй, ҳамма эшитсин,
Мен келганман бунда сизни кузатмоқ учун.

Т и м о н

Менга бунинг аҳамияти йўқ, сен афиналиксан, вассалом. Марҳамат қилавер. Мен зўрлик билан офзингга бирор нима тиқиб қўйишларини истамасдим. Лекин лоақал ана шу тушлик таом унингни ўчириб турсин дейман.

А п е м а н т

Таомингга тупураман, мен бўкиб ейман,
Вақтни ўтказмайман сенга хушодам билан.
О, Худолар! Давра олиб, Тимонни ерлар,
У бўлса кўрмайди! Мана, очкўз оломон
Таом емайди, йўқ, Тимон қонини сўрар.
У тентак бўлса-чи, ўзи ичинг, деб қистар,
Бир-бирига ишонишар шундоқ, ҳайронман!
Ҳар битга меҳмонга атаб пичоқ қўйишар,
Бу иш сариштадан эмас, яна хатарли -
Бунга доир мисоллар оз эмас. Ана у,
Уй эгаси билан ёндош ўлтирган киши
Гарчи унинг нонини еб, шаробин ичар.
Лекин қулай қилса, унга қадайди ханжар.
Бу ҳаммага аён гап. Мен кибор бўлсайдим,
Давраларда ичмас эдим, ахир биттаси
Томофингга ханжар тортиб қўйиши мумкин.
Тинч-осойиш ичай деса агар амалдор,
Давраларда совутини ечмасиң зинҳор.

Т и м о н

Дўстларим, сиз учун! Шундоқ айланасига
Сипқорилсин коса!

И к к и н ч и а м а л д о р

Уни бизга жўнатынг,
Бу ёққа, азизим Тимон!

А п е м а н т

Унга жўнатынг!

Вой, муттаҳам! Жўнатишга уқувинг баланд.
Қўрқаманки, сипқорилган бу қадаҳлардан
Соғлом эмас, касал бўлиб қоласан, Тимон.
Менинг ичимлигим эса гоятда заиф,
Қабоҳатга бошлай олмас. Ахир, сув ичиб,
Бирор киши ботган эмас балчиққа ҳали.
Таомим ҳам ўхшаб кетар ичимлигимга.
Мен фалакка сиринаман, ахир кўпинча
Худоларни унутамиз зиёфатларда.

(Дуо ўқийди.)

Худолар, мен пулни севмайман,
Сиздан битта тилак тилайман -
Аҳмоқ қилиб қўймангиз яна,
Токи қасам ва тилхатларга
Ёки саёқ фоҳишаларга,
Ёки ухлаб ётган итларга,
Ё зиндончи айтган сўзларга,
Ё фалокат чоғи дўстларга,
Ишонувчан овсар бўлмайин.
Омин! Гуноҳ этсин бадавлат,
Бизга эса шовла ҳам овқат...
Илоҳи, соғ-саломат бўлгайсан, Адемант.

(Еб-ичади.)

Т и м о н

Ҳойнаҳой, қалбинг ҳозир жанг майдонидадир, Алкивиад?

А л к и в и а д

Менинг қалбим ҳамшиша сенинг хизматингга тайёр, Тимон.

Т и м о н

Сенга, албатта, дўстлар тушлигидан ҳам душманлар но-
нуштаси афзал бўлса керак?

А л к и в и а д

Қони оққан душмандан ҳам мазалироқ таом бўлмас. Мен энг
азиз дўстимга ана шу таомдан татиб кўриш насиб этсин, дейман.

А п е м а н т

Унда тилагим шуки, ана шу хушомадгўйларнинг барчаси сенинг душманингга айланиб қолишсин. Сен уларни ўлдир-да, татиб кўришни менга таклиф эт.

Б и р и н ч и а м а л д о р

Эҳ, Тимон, кошкийди қалбларимизни бир карра си-наб кўрсанг ва биз юрак садоқатимизни жиндак бўлса-да сенга изҳор этолсак, ўзимизни бағоят бахтиёр санардик. Бу - биз учун эзгу бир орзу.

Т и м о н

Азиз дўстларим, шубҳа йўқки, қачонлардир менга қўлқанот бўлишингизни Худолар ўзи амр этган. Йўқса, дўстлар деб аталармидингиз! Қалбимнинг бир парчаси бўлмаганингизда, кўп минглаб инсонлар ичида, дўстларим, деган гўзал номга мушарраф бўлармидингиз? Мен сизларга ишонаман! Камтарлик сизни камсухан қилиб қўйган кезларда ҳам мен кўп марталаб сиз тўғрингизда ўз-ўзимга арзи-қол этганман. О, Худолар! - деганман. - Эҳтиёжингиз тушмаса, дўстларга нечук зарурат қолади? Сира мадад сўрамасак, улар энг бефойда кишилар бўлиб қолишади. Улар ғилофга солиб, деворга осилган, ўз оҳангини ўзи учун асрагувчи ажойиб чолғу асбобларига ўхшаб қолишади. Эҳ, мен сизга янада яқинроқ бўлиш учун бор давлатимдан маҳрум бўлиб қолишни неча марталаб орзу қилганман! Биз дунёга яхшилик қилиш учун келганмиз. Бас, дўстларимиз давлати бизники бўлмай, кимники бўлсин? О, кўплаб инсонлар худди оға-инилардек бир-бирларининг бойлик-бисотларидан бемалол баҳраманд бўлишларини билиш - нақадар ширин тасалли! Шуни ўйлаганда, қувончларга тўласан киши, лекин қувонч ҳислари шу ондаёқ меҳр ёшлари билан алмашинади. Сезаманки, кўз ёшларимни ортиқ тутиб туролмайман. Ожизлигимга узр сўрайман, дўстларим... Сизнинг соғлигингиз учун!

А п е м а н т

Йиғлаяпсан сен уларни ичирмоқ учун.

И к к и н ч и м е җ м о н

Ҳа, шундоқ кўз ўнгимизда қувонч туғилди,
Кейин чақалоққа ўхшаб йиғлаб юборди...

А п е м а н т

Хо-хо-хо-хо!.. Ҳаромидир аммо бу бола.

У ч и н ч и м е җ м о н

Дўстим Тимон, юрагимни сув қилдинг, инон.

А п е м а н т

Сув қилиш ҳам гапми?

Карнайлар чалинади.

Т и м о н

Карнай? Қаранг, нима гап?

Хизматкорлар киради.

Х и з м а т к о р

Хўжам, айтишга изн беринг, бир неча хонимлар ҳузурингизга киришга ижозат сўрашяпти.

Т и м о н

Хонимлар? Уларга не керак?

, Х и з м а т к о р ,

Хўжам, улар билан бир чопар келган, ўз истаklarини улар ўша чопар орқали айтишмоқчи.

Т и м о н

Ўтинаман, айт, ичкари киришсин.

Купидон киради.

К у п и д о н

Салом сенга, муҳтарам зот, салом сизга ҳам Унинг неъматини баҳам кўраётганлар.

Тимон, бешта туйғу бутун қошинга келди
Сенга олқиш айтиб, сени ҳукмдор билиб:
Эшитиш ва ҳидлаш, сезиш, маза ва лаззат.
Улар тўйиб қониқишган бу зиёфатта,
Лекин менга ҳамроҳ бўлиб келишди бутун,
Сен уларни яна татиб кўрмоғинг учун.

Т и м о н

Мен хурсандман. Бажони дил қабул қиламиз,
Ҳой, музика янграйверсин.

Б и р и н ч и м е х м о н

Эҳ, Тимон, Тимон!
Қаранг, ҳамма қандай сени севади жондан!

Купидон кетади ва ниқоб кийиб, амазонка қиёфасига кирган
хонимлар билан қайтиб киради. Уларнинг қўлларида турли-
туман созлар, улар музика чалиб, рақс тушадилар.

А п е м а н т

Кўрдингизми! Ана галва! Шаталоқ отиб
Югуришар хотинлар нақ ақлдан озиб!
Тумтароқ ва ҳашаматли бу ҳаёт тарзи
Менинг камтар турмушимга қиёс этилса -
Жинниликдир. Биз кўпинча кўнгилхуши деб
Банд бўламиз не бемаъни машмашаларга.
Ким зиёфат этса, унга қуллуқ қиламиз,
Қаригандан кейин ҳасад, аламга тўлиб,
Ичирди, деб қоралаймиз ҳотамтойни.
Разолатга ботмаган, ё разолат сари
Бошқаларни бошламаган инсон бормикан?
Ва дўстлари солган овир жароҳатларни,
Қани, айтинг, қабрга ким олиб кетмаган?
Кўрқаманки, бу тойчоқлар мени тоғташар.
Хуллас, шомга оғар экан умринг қуёши,
Эшикларни ёпишади қаршингда шошиб.

Меҳмонлар ўринларидан туриб, хушомадлар билан Тимонни ўраб
олишади. Унга меҳр-муҳаббатларини кўрсатиш учун амазонкалар
билан жуфт-жуфт бўлиб, гобой садолари остида рақсга тушишади.

Т и м о н

Севинч, сурур, келтирдингиз бизга, санамлар,
Базмимизни безатдингиз, зиёфатимиз
Назаримда тўқис эмас эди у қадар,
Аммо ташрифдингиз билан бўлди мунаввар,
Адосига етди менинг ниятим аъло,
Бунинг учун, санамларим, сизга тасанно.

Б и р и н ч и х о н и м

Тимон, бизни ҳаддан зиёд эркалатдингиз.

А п е м а н т

Бу таажжуб, негаки, ҳар бирингиз - бир халта ахлат,
киши ҳазиллашишга ҳам ҳазар қилади.

Т и м о н

(Хонимларга)

Қани, ўтинг энди, сизни дастурхон кутар,
Ўтинаман, уйингиздек яйраб ўлтиринг.

Б а р ч а х о н и м л а р

Чин юракдан миннатдормиз, хўжам.

Купидон ва хонимлар кетишади.

Т и м о н

Флавий!

• Ф л а в и й

Лаббай, хўжам.

Т и м о н

Сандиқчани келтир!

Ф л а в и й

Хўп, ҳозир!

(Четра)

Мана энди гавҳарларин улаша бошлар...
Эътирозни хуш кўрмайди, бўлмаса-чи мен

Ҳаммасини айтар эдим... Аммо, айтаман!
Бор бисотин совургандан кейин ўксинар,
Нега менга айтмадинг, дер, лекин кеч бўлар,
Саховатинг орқасида кўзи йўқ, илло,
Шунинг учун бор нарсадан бўлуру мосуво.

(Кетагу.)

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Хизматкорларимиз қани?

Х и з м а т к о р

Шундамиз, хўжам.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Тулпорларни олиб кириш.

Флавий сандиқчани олиб киради.

Т и м о н

Азиз дўстларим,
Бир-икки сўз тагин...

(Меҳмонлардан бирига)

Менга қаранг, азизим,
Мендан сизга совға бўлсин мана шу гавҳар,
Ўтинаман, қабул қилиш ва тақиб юринг,
Назокатли дўстим.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Аммо шусиз ҳам роса
Қаршингизда мен қарздорман.

Ҳ а м м а

Биз ҳам қарздормиз.
Хизматкор киради.

Х и з м а т к о р

Сенаторлар сизга ташриф этишди, хўжам;
Отдан тушиб, келишмоқда улар бу ёққа!

Т и м о н

Ташрифлари бош устига, таклиф қил!

Ф л а в и й

Бегим,

Мени бир зум эшитсангиз. Ишонинг, сўзим
Сизга ғоят алоқадор...

Т и м о н

"Ғоят" дейсанми?

Хўп, кейин айтасан. Ҳозир бош-қош бўлгин,
Меҳмонларни ҳурмат билан кутиб олишсин.

Ф л а в и й

(Четга)

Ҳайронман, бу ишни қандоқ бажарсам экан.

Иккинчи хизматкор киради.

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Изн беринг, хўжам, сизга баён этайин, -
Луцилий бир нишона деб муҳаббатидан
Тўртта учқур бедов инъом айлади сизга,
Кумуш эгар-жабдуқ билан.

Т и м о н

Қабул қиламан

Бажони дил. Ҳой, қаранглар, инъом берувчи
Катта эҳсон олиб қайтсин.

Учинчи хизматкор киради.

Хўш, нима гап?

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Менинг хўжам, олийжаноб Лукулл сизни эртага овга
таклиф қилади ва сизга қўш гала този тақдим этади.

Т и м о н

Жоним билан бораман. Ҳой, қабул қилингиз
Тозиларни ва Лукуллга эҳсон берингиз.

Ф л а в и й

(Четга)

Нима билан тугайди бу? Меҳмонларни у
Қабул қилиб, эҳсонларга кўминг, деб айтар.
Аммо сандиқлари бўм-бўш. Ўйлаб қарамас,
Ҳамёнида яна қанча ақчаси қолмиш?
Мен бор гапни айтай десам, оғиз очирмас,
Унинг қалби бамисоли юпун бир гадо,
Тилагини бажаришга етмайди қурби.
Ваъдалари маблагидан неча бор устун,
Энди бажарилур фақат қарз эвазига.
У ўзини қарздор санар ҳамма олдида.
Шундоқ соҳибҳимматдирки, ҳиммати учун
Энди товон тўлайди у. Бутун ер-мулки
Гаровга қўйилди. Кошки, жавоб берсайди,
Хизматидан бўшасайдим мен тинчлик билан.
Йўқ... У мени ҳайдаб солар. Ахир кимда ким
Қучар экан дўст-душманнинг фарқига бормай,
Охир-оқибатда бир кун ҳоли бўлар вой,
Мен Тимонга ачинаман, қайғу чекаман.

(Кетагу.)

Т и м о н

Ўзингизни пастга урманг. Фазилатингиз
Менга аён. Ўтинаман, қабул қилингиз.
Меҳримдан бир нишона, деб ушбу ҳадяни.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Ташаккурлар айтиб, уни қабул қиламан.

У ч и н ч и м е ҳ м о н

У - ҳиммату саховатнинг тирик тимсоли.

Т и м о н

(Учинчи меҳмонга)

Ҳа, ёдимга тушди: дўстим, тўриқ отимга
Боққандингиз тунов куни маҳлиё бўлиб.
У - сизники, ўтинаман, марҳамат қилинг.

У ч и н ч и м е ҳ м о н

Қўйсангиз-чи! Бу келмаган хаёлимга ҳам!

Т и м о н

Мен биламан тажрибамдан, одатда киши
Ўзи ёқтирган нарсасини мақтар, ишонинг.
Мен дўстларим муҳаббатин ўлчаيمان доим
Ўзимдаги муҳаббатнинг салмоғи билан.
Азизларим, эҳтимолки бир кун сизларга
Ёрдам сўраб арз этарман мен ҳам.

Б а р ч а м е ҳ м о н л а р

Кошкийди!

Т и м о н

Ўз уйимда сизни кўриш билан хурсандман,
Сизга берган совгаларим бунинг олдида
Айтишга ҳам арзимаydi. Қўлимдан келса,
Тиним билмай, бутун-бутун подшоликларни
Тарқатардим дўстларимга, улфатларимга.
Алкивиад, сен жангчисан, демак, қашшоқсан;
Сенга инъом-эҳсон бериш савоб, негаким,
Сен ўликлар орасида яшайсан, даланг -
Жанг майдони.

А л к и в и а д

Балли, Тимон, у - тақир майдон.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Қаршингизда бениҳоя қарздормиз...

Т и м о н

Мен ҳам.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Ва содиқмиз сизга.

Т и м о н

Мен ҳам сизга содиқман
Қани, кўпроқ шам келтиринг, шам!

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Бегим, сизга
Бойлик ва бахт, шуҳрат ҳамроҳ бўлсин ҳамиша!

Т и м о н

Сизни деб яшайман...

Апемант ва Тимондан бўлак ҳамма кетади.

А п е м а н т

Ажаб, галвани қаранг!
Қанча бўкилган тиз, қанча эгилган елка!
Ҳайф эмасми шунча инъом-эҳсон уларга?
Дўстлик ахлатларга тўлмиш. Қасам ичаман -
Хушомадгўйларга тўғри оёқ не ҳожат!
Соддадиллар эса ёлғиз бир таъзим учун
Бойлигини инъом этар.

Т и м о н

Эҳ, сен Апемант,
Биласанми, шу заҳарли тилинг бўлмаса,
Бошқача бир муомала этардим сенга.

А п е м а н т

Йўқ, менга ҳеч нарса керакмас. Мен ўзимни сотиб олиш-
ларига йўл қўйсам, сени ким сўқади ва сен гуноҳ устига
гуноҳ орттираверасан. Шу қадар саховатлисанки, Тимон,
ҳадемай ўзингни ҳам гаровга қўйиб, инъом этиб юборма-
санг эди деб қўрқаман. Бу базмлар, бу шовқин-суронлар,
бу пучак дабдабалар нега керак?

Т и м о н

Сен яна таъна-дашном ёғдирадиган бўлсанг, мен эшит-
майман. Хайр, соғ бўл, менинг эшигимга бошқа бир хир-
гойи билан кел.

А п е м а н т

Шунақами? Эшитишни истамайсан? Хўш,
Унда бекитаман сенга само эшитгин.
Одамларга тушунмайман, одамлар нечун
Ҳақиқатни сўзлар бўлсанг, тоқатлари тоқ,
Аммо хушомадга жон деб солишар қулоқ?

Кетишади.

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Ўша жой. Сенаторлардан бирининг уйидаги хона. Қўлида
қоғоз кўтариб, с е н а т о р киради.

С е н а т о р

Варрондан нақ беш минг сўм қарз. Исидордан у
Ўн минг олган, мендан олган қарзи қўшилса,
Ропша-роса йигирма беш мингдан иборат.
Телбаларча совуришни қўймас у лекин,
Тез орада хонавайрон бўлиши тайин.
Ақча керак бўлиб қолса менга мабодо,
Гадо итин ўғирласам, кейин Тимонга
Уни тортиқ этсам, тамом, кифоя, менга
Итим туғаверар ақча устига ақча.
Ё отингни сотмоқчисан, яхшироғини
Олиш ниятингдир, уни Тимонга тутқиз,
Эвазига бирор нима сўрама аммо,
Қарабсанки, бедов тулпор сенга муҳайё.
Дарвозабон тутмайди у дарвозасида -
Жарчи турар табассум-ла қачон қарасанг,
Ичкарига таклиф этиб ўтган-қайтганни.
Йўқ, бу маъқул ишмас. Бундоқ ўйлаб кўрилса,
Бу узоққа чўзилмайди. Кафис, қайдасан?

Кафис киради.

К а ф и с

Не истайсиз, амрингизга ҳозирман, хўжам?

С е н а т о р

Чакмонингни кийиб, дарҳол Тимонга югур:
Қатъий туриб талаб қил, у қарзни қайтарсин.
Баҳоналарига қулоқ осма, қаттиқ тур,
"Хўжайинга мендан салом етказил" деса,
Унга айтким, бениҳоя танг аҳволдаман,
Агар қарзни қайтармаса, ишларим чатоқ.
Тўлов муддатлари ўтиб бўлди тамоман,
Нақдинамни расво қилдим унга ишониб,
Мен севаман уни, ҳурмат қиламан, бироқ
Бўйним синдирмайман унинг жинжалоғи деб.
Пуч, ҳавойи ваъда эмас, фақат нақд тўлов
Мени қутқазади. Дарҳол ҳузурига бор.
Қатъий важоҳат-ла ундан қарзни талаб қил.
Қўрқаманки, товус янглиғ яшнаган Тимон
Патларини бир-бир юлиб олишгандан сўнг
Ўхшаб қолар бедаво бир олашақшаққа.
Қани, югур.

К а ф и с

Югурдим.

С е н а т о р

Ҳой, шошма, сабр қил,
Тилхатларни олиб кет! Қарз муддатларини
Неча кунга кечиктирган бўлса, ёзиб қўй.

К а ф и с

Бўлти, хўжам.

С е н а т о р

Қани энди тезроқ бора қол.
Кетишади.

Иккинчи саҳна

Тимон уйида зал. Қўлида бир даста ҳисоб-китоб қоғозлари билан Флавий киради.

Ф л а в и й

Ўзини тиёлмайди, меъёр нима, билмайди!
Худди жинни дейсан! Пулни ўнги-сўлига
Аямасдан сочар, ҳисоб-китоб қилмайди,
Сарфу харажати худди дарёдек тошар!
У бўлса-чи, кўришни ҳам истамас ҳатто,
Қандай кетиб борар қўлдан молу дунёси.
Нима билан тугайди бу? Дунёда бундоқ
Нодон учрамаса керак ва ҳақиқатким,
Шундоқ бир оқкўнги яна учрамас мутлоқ.
Нима қилмоқ керак? Тимон мени тингламас -
Бошидаги фалокатни пайқамагунча.
Йўқ, у овдан қайтсин, тамом, чидамайман, бас,
Мен бор гапни унга рўйи рост айтиб бераман...
Ҳайҳот! Ҳайҳот! Ҳайҳот!

Кафис ва Исидор ҳамда Варроннинг хизматкорлари киришади.

К а ф и с

Салом, Варрон! Сен ҳам пулга келдингми?

В а р р о н н и н г х и з м а т к о р и

Балли,

Сен ҳам пулга келгандирсан?

К а ф и с

Шундоқ - Исидор,

Сен-чи?

И с и д о р н и н г х и з м а т к о р л а р и

Мен ҳам.

К а ф и с

Тўлашсайди кошки.

В а р р о н н и н г х и з м а т к о р и
Даргумон.

К а ф и с

Мана, хўжайиннинг ўзи.

Тимон, Алкивиад, амаддорлар ва бошқалар киришади.

Т и м о н

Марҳаматли Алкивиад, тушликни қилиб,
Яна овга ошиқамиз, дўстим.

Кафис унга яқинлашади.

Хўш, хизмат?

К а ф и с

Мана, барча қарзларингиз рўйхати, бегим.

Т и м о н

Қарзларимнинг? Қаерликсан?

К а ф и с

Афиналикман.

Т и м о н

Бошқарувчим ҳаммасини тўлайди сенга;
Бор, ўшанга учраш.

К а ф и с

Роса бир ойдан буён
У алдайди мени, нуқул ваъда беради.
Хўжайиним ҳозир пулга жудаям муҳтож,
Шунинг учун у сўрайди жанобингиздан
Қарзни дарҳол қайтаришни.

Т и м о н

Марҳамат, дўстим,
Сен эртага ҳузуримга вақтлироқ келгин.

К а ф и с

Лекин, хўжам...

Т и м о н

Ўзни қандай тутишни ҳам бил.

В а р р о н х и з м а т к о р и

Мен Варрондан келдим, хўжам...

И с и д о р х и з м а т к о р и

Мен Исидордан,

Қарзни даврров қайтаришни сўраб қолди у...

К а ф и с

Бегим, билсайдингиз менинг хўжам нақадар

Танг аҳволда...

В а р р о н х и з м а т к о р и

Жаноблари, агар билсангиз,

Олти ҳафта ўтди тўлов муддатингиздан.

Вақт дегани...

И с и д о р х и з м а т к о р и

Жаноблари, бошқарувчингиз

Эшигидан неча марта ҳайдади мени,

Бугун сизга учрашишни буюрди хўжам.

Т и м о н

Шошманг, нафасимни ростлай...

(Меҳмонларга)

Азиз дўстларим,

Сиз ичкари кира тулинг, ҳозир бораман.

(Флавийга)

Қани, бери кел-чи. Айтгил, бу қандай савдо?

Нега мени тўрт тарафдан ўрашиб бундоқ,

Ўз вақтида тўланмаган қай бир қарзларни

Тўлашимни сурбетларча талаб қилишиб,

Обрўйимни тўкишмоқда?

Ф л а в и й

(Хизматкорларга)

Хўш, азаматлар,
Кўряпсиз, ҳозир бунинг мавруди эмас;
Сабр қилиб туринг энди тушлик ўтгунча.
Мен унгача хўжайинга тушунтираман
Нега шунча кечиктирдик тўловимизни.

Т и м о н

Шундоқ бўлсин. Айт, яхшилаб меҳмон қилишсин
Буларни, сўнг гаплашамиз.

Тимон кетади.

Ф л а в и й

Ортимдан юринг.

Апеманг ва масхарабоз киришади.

К а ф и с

(Хизматкорларга)

Ҳой, шошманглар! Мана, масхарабоз билан Апеманг
келяпти, бир майнавозчилик қилмаймизми?

В а р р о н х и з м а т к о р и

Жин урсин уни, итдек қопади.

И с и д о р х и з м а т к о р и

Вабо кўтарсин у кўшакни!

В а р р о н х и з м а т к о р и

(Масхарабозга)

Аҳволинг қалай, аҳмоқ?

А п е м а н т

Сен ўз соянг билан гаплашяпсан шекилли?

В а р р о н х и з м а т к о р и
Ҳар ҳолда сен билан гаплашмаяпман.

А п е м а н т
Албатта-да, ўз-ўзинг билан гаплашяпсан.
(Масхарабозга)

Қани, кетдик бу ердан!

И с и д о р х и з м а т к о р и
(Варрон хизматкорига)
Мана, тап-тайёр аҳмоқ бўлдинг-қўйдинг.

А п е м а н т
Аҳмоқ бўлганинг рост, аммо қўйганингча йўқ.

К а ф и с
Аҳмоқ деб кимни айтяпсан?

А п е м а н т
Ким сўраётган бўлса, ўшани. Эҳ, сиз, бекорчи бадбахтлар,
судхўр малайлари! Тилла билан эҳтиёж ўртасидаги даллалар!

Б а р ч а х и з м а т к о р л а р
Биз киммиз, Апемант?

А п е м а н т
Эшшаксиз!

Х и з м а т к о р л а р
Нега энди?

А п е м а н т
Негаки, кимлигингизни ўзингиз ҳам билмайсиз ва буни
мендан сўрайсиз. Масхарабоз, сен булар билан бир гапла-
шиб қўй.

М а с х а р а б о з
Аҳволингиз нечук, жаноблар?

Хизматкорлар

Ташаккур, аъло, марҳаматли масхарабоз. Ойим беканг не билан машгул?

Масхарабоз

У сиздақа жўжахўрозларни куйдириб, патини юлиш учун сув қайнатяпти. Мен сизни "Коринф"да кўришни истардим.

Апемант

Баракалла! Ташаккур!

Маҳрам киради.

Масхарабоз

Қаранглар, ойим беканинг маҳрами келяпти.

Маҳрам

(Масхарабозга)

Хўш, қалайсан, саркарда! Оқиллар даврасида нима қилиб турибсан? Аҳволинг нечук, Апемант?

Апемант

Қўлимда хивичим бўлса, бошлаб бир таъзирингни берардим.

Маҳрам

Ўтинаман. Апемант, бу хатлардаги адресларни ўқиб бер, қайси бири қимга эканлигини бўлолмаяпман.

Апемант

Ўқишни билмайсанми?

Маҳрам

Йўқ.

Апемант

Бундан чиқди, сени оссалар, илмга зиён етмас экан. Мана бу мактуб Тимонга, буниси Алкивиадга. Қани, уларнинг олдига тезроқ жўнаб қол! Бедаво бўлиб тузилгансан, қўшмачи бўлиб ўласан.

М а ҳ р а м

Сен эса кўппак бўлиб турилгансан, итдек очингдан ўла-сан! Жавоб бермай қўя қол, мен кетдим.

(Кетагу).

А п е м а н т

Сен эсанг, Худолар марҳаматидан мосуво бўласан... Масхарабоз, мен сен билан Тимонникига бормайман.

М а с х а р а б о з

Мени шунда қолдирмоқчимисан?

А п е м а н т

Ҳа, агар Тимон уйида бўлса.

(Хизматкорларга.)

Сиз уч судхўрнинг хизматкорларисиз, шунақами?

Х и з м а т к о р л а р

Шундоқ, аммо улар бизга хизматкор бўлишса, ёмон бўлмасди.

А п е м а н т

Кошкийди... Жаллод ўғрига хизмат этганидек, улар сизга хизмат қилишса.

М а с х а р а б о з

Сиз уч судхўрга малайсиз-а?

Х и з м а т к о р л а р

Топдинг, масхарабоз.

М а с х а р а б о з

Менингча, бирор судхўр йўқки, хизматида масхарабоз сақламаса. Менинг ойимбекам ҳам ана шу тоифадан, мен унинг масхарабозиман. Одамлар хўжайинларингдан қарз олгани келишганда, маънос бўлиб келиб, хурсанд бўлиб кетишади. Менинг ойимбекам эшигига эса, улар хурсанд бўлиб келиб келиб, маънос бўлиб чиқишади. Биласизми, нега?

В а р р о н х и з м а т к о р и

Сабабини мен айтишим мумкин.

А п е м а н т

Айта қол, токи сени ҳам хотинбоз ва муттаҳамлар сафига қўшиб қўййлик, аммо бундан обрўйинг тушиб қолмайди.

В а р р о н х и з м а т к о р и

Айт-чи, масхарабоз, хотинбоз дегани нима ўзи?

М а с х а р а б о з

У яхши кўйлак кийган масхарабоз, сенга бир оз ўхшаб кетади. У арвоқ. Гоҳ амалдор, гоҳ адвокат, гоҳ эса фалсафий бисотидан бўлак бир жуфт ўз тошига эга бўлган донишманд. Кўпинча рицарь қиёфасига киради, хулас, бу рўё уч ёшдан саксон ёшгача бўлган барча инсонлар сувратига кириб, шу ёрув дунёда тенгираб юргани-юрган.

В а р р о н х и з м а т к о р и

Жилла аҳмоқ эмассан.

М а с х а р а б о з

Сенга ўхшаб жилла оқил ҳам эмасман. Сенга менинг аҳмоқлигим қадар ақл етишмайди, холос.

· А п е м а н т ·

Бу Апемантчасига жавоб бўлди.

Ҳ а м м а

Йўл бўшатинг, йўл бўшатинг, жаноб Тимон келяпти!

Тимон ва Флавий қайтиб киришади.

А п е м а н т

Юр, масхарабоз, кетдик.

М а с х а р а б о з

Мен ўйнашлар, ворислар ва хотинлар изидан эргашмайман. Аммо гоҳида файласуфларга эргашаман.

(Алемант билан бирга кетади.)

Ф л а в и й

(Хизматкорларга)

Боринглар, кейин гаплашамиз.

Хизматкорлар кетишади.

Т и м о н

Мен ҳайронман. Нега энди бор ҳақиқатни
Менга очиб сўзламадинг аввал. Мен ахир
Сарфу харажатни бир оз камайтирадим.

Ф л а в и й

Мен неча бор айтмоқ бўлиб овиз жуфтладим,
Аммо мени эшитишни истамадингиз...

Т и м о н

Ёлгон! Маврудини топиб сўзламагансан,
Кайфиятим нохуш маҳал урингансан ё,
Энди бўлса, оқламоқчи бўласан ўзни.

Ф л а в и й

Марҳаматли хўжам, ахир, неча бир карра
Шундоқ олдингизга қўйдим ҳисоб-китобни,
Сиз бир қиё боқмай, уни нари сурдингиз.
Сен ҳалолсан, ишонаман сенга, дедингиз,
Сиз ҳар сафар арзимаган бир совға учун
Юз бор қимматбаҳо эҳсон берар экансиз,
Қанча афсус чекиб, қанча кўз ёши тўқдим.
Тўғри, мен гоҳида хизмат бурчимни буздим,
Маблагингиз совурманг, деб этдим илтижо,
Даромад камайиб, қарзнинг кўпайганини
Мен ҳар сафар сизга рўй-рост айтмоқчи бўлсам,
Жавобига оғир таъна-дашном эшитдим.
Мурувватли хўжам, гарчи кечдир ва лекин,

Билишингиз керак, ҳозир бор бисотингиз
Қарзингизнинг ярмини ҳам қоплай олмагай.

Т и м о н

Унда бутун ерларимни сотишга буюр.

Ф л а в и й

Гаровга қўйилган улар аллақачонлар
Ва бир қисми қўлдан кетган. Қолган ҳиссаси
Қарзни қайтаришни ҳозир талаб қилишиб,
Келаётганларга балки этмас кифоя...
Улар орқасидан яна бошқаси келар.
Хўжам, не қиламиз? Энди қандай яшаймиз?
Қандай қилиб бу қарзлардан халос бўламиз?

Т и м о н

Бу нимаси, худди Лакедемонга қадар
Чўзилгандир ерларим!

Ф л а в и й

О, шавкатли бегим,
Дунё дегани ҳам ёлғиз, биргина товуш!
Ушани ҳам бир нафасда инъом этсангиз,
Жудо бўлиш қийин эмас ахир.

Т и м о н

Ҳақлисан.

Ф л а в и й

Агар шубҳа айласангиз ҳалоллигимга,
Иш юритиш уқувимга ишонмасангиз,
Айтинг, энг қаттиққўл, холис кишилар келсин,
Мени тафтиш этиб кўрсин. Худолар шоҳид -
Бекорчи бир оломонга тўлиб уйимиз,
Ертўлалар мусалласдан бўм-бўш қоларкан,
Ётоқларнинг барчасида чироқлар ёниб,
Тўлар экан ёввойи, маст қийқириқ билан,
Мен-чи, товуқ катагига урардим ўзни
Ва кўз ёши тўкар эдим.

Т и м о н

Ўтинаман, бас.

Ф л а в и й

О, Худолар, дердим, қандай саховатли у!
Бир кечада бунда жоҳил, масхарабозлар
Йўқ қилишди шунча бойлик, нозу неъматни!
Бас, Тимонга улар энди бермас эканми
Қалби, боши, қиличи ва куч-қувватини?
Мурувватли, олийжаноб, суюк Тимонга,
Худди подшоларга монанд буюк Тимонга?
Хушомадни қайта сотиб олмоқлик маҳол,
Ҳайҳот, у бир тутун каби таралур дарҳол.
Зиёфатдан келган шухрат умри боқиймас!
У баҳорда ёққан қордек эриб битар, бас.

Т и м о н

Менга шунча ваъз-насиҳат ўқидинг, етар!
Бироқ билким, сохталикдан менда йўқ асар.
Мен бир телбадирман, аммо-лекин бегараз,
Хўш, сен нега йиғлаяпсан? Наҳот, мен учун
Дўст-оғайни топилмайди, дея ўйласанг?
Хотиржам бўл. Дўстлик сидку садоқатини
Ва дўстларим юрагини синов қилиб, бас,
Пул сўрасам бўлди, ишон, иш кўчар осон,
Худди сенга, сўзла, дея амр этгандай,
Одамлар ва бойликлари измимга ўтар.

Ф л а в и й

Эҳ, кошкийди ушалса шу умидларингиз!

Т и м о н

Мен эҳтиёж ичра қолдим - бу ҳам бир омад!
Дўстларимни синайман. Ҳа, кўрасан, мана,
Бойликларим хусусида хатойинг нима...
Дўстлар - менинг бойлигимдир! Ҳой, унда ким бор?
Фламиний! Келаверинг ҳамма! Сервиллий!
Фламиний, Сервиллий ва бошқа хизматкорлар киришади.

С е р в и л и й

Лаббай, хўжам...

Т и м о н

Мен сизларни битти-биттадан жўнатаман...

Сен Луцийга бор, сен эса Лукуллга, мен у билан бугун ов қилдим... Сен Семпронийга югур. Айтингизким, мен уларга суйнаман ва шароит мени қарз сўраб, уларга му-рожаат этишга мажбур қилганидан хурсандман. Уларга айтинг, менга эллик тилло ақча зарур.

Ф л а м и н и й

Бажону дил бажарамиз!

Ф л а в и й

(Четга)

Ҳмм... Луций, Лукулл...

Т и м о н

(Бошқа хизматкорларга)

Сенаторларга бор. Ахир, ватан олдида
Хизматларим оз эмасдир. Бас, шунинг учун
Жиндек эътиборга менинг ҳақ-ҳуқуқим бор.
Борил ва улардан менга минг тилло сўра.

Ф л а в и й

Изн беринг, бу одатий ҳамда қулай деб,
Мен улардан бошламоққа айладим журъат -
Номингизни гаров қўйиб, ақча сўрадим,
Улар эса бош чайқашди бунга жавобан,
Қушпа-қуруқ қайтиб келдим даргоҳларидан.

Т и м о н

Мумкинми бу? А, наҳотки, рост бўлса шу гап?

Ф л а в и й

Улар менга бир оғиздан маълум қилишди,
Ҳозир аҳволлари тангдир... пул йўқ... Ўзлари

Ўз хоҳишларини адо этишга ожиз...
Хафа бўлса арзир... ахир, сиз муҳтарам зот...
Улар истар эдиларки... Улар билмаслар...
Сиз ҳам хато қилгандирсиз... Учрайди гоҳо,
Олийжаноб кишилар ҳам адашар йўлдан...
Сизга омад тилайдилар... Чекишар афсус....
Жуда муҳим ишлар бизни кутмоқдадир, деб
Кейин машғул бўлишдилар ўша ишларга.
Қовоқ солиб боқишлар ва маънодан маҳрум
Узук-юлуқ сўзлар, унсиз имо-ишора
Мени шундоқ муз қотириб қўйдики, ҳатто
Тилдан қолдим.

Т и м о н

Худоларга солдим уларни!
Сен, Флавий, куйинма. У қарияларда
Суюк суриб келаётган иллат - нонкўрлик!
Қуюқлашиб, анча совуб қолган қонлари
Аранг оқиб турар кекса томирларида.
Танларида ҳарорат ҳам пасайиб кетган.
Шунинг учун заҳардирлар. Киши қабрга
Қанча яқинлашса, шунча бўлармиш дағал
Ва паришон...

(Хизматкорлардан бирига)

Сен Вентидий ҳузурига бор!

(Флавийга)

Ўтинаман, хафа бўлма, азиз Флавий!
Сен ҳалолсан, менга беҳад садоқатлисан,
Ишон, сенда айб йўқ. Ҳа, шу яқин орада
Отасини кўмиб, мерос олди Вентидий.
Фалокатга дучор бўлиб, зиндонга тушиб,
Ҳатто дўстлари ҳам ундан юз ўтирганда
Мен берган беш тилло билан топмишди нажот,
Саломимни еткиз, кейин унга айттилким,
Зиммамизга тушган ғоят мушкул зарурат
Сабаб бўлиб, эсга олдик ўша ақчани.
Сўнг пулларни олиб, ҳозир қарзни қайтар, деб
Қистаётган кишиларга тарқат уларни...

Заволимга йўл қўйишар дўстларим деб то,
Гапирма ва хаёлингга келтирма асло.

Ф л а в и й

Нима дердим, кимки чиндан соҳиб саховат,
Унга ҳамма сахий бўлиб кўринар фақат.

Кетишади.

УЧИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Л у к у л л уйида бир зал.

Фламиний куғиб турибди. Унинг олдида хизматкор чиқади.

Х и з м а т к о р. Мен хўжайинга айтдим, у ҳозир
чиқади.

Ф л а м и н и й. Раҳмат, ошнам.

Лукулл киради.

Х и з м а т к о р. Мана, хўжайин ҳам чиқиб қолди.

Л у к у л л (*Четга*) Тимоннинг хизматкори-ку. Ишон-
чим комилки, у бирорта совға олиб келган. Омадни қаранг,
бугун тушимга кумуш тос билан кумуш қумфон кирган
эди. (*Баланг овозда*) Салом, Фламиний. Камоли эҳтиром
билан салом дейман, сенга, Фламиний! (Хизматкорга)
Шароб келтир.

‘ Хизматкор кетади. ‘

Хўш, саховатли хўжайининг ва ҳукмдоринг, олийжа-
ноб, олийҳиммат, мўътабар афиналик Тимоннинг аҳволи
нечук?

Ф л а м и н и й

У соғ-саломат, бегим.

Л у к у л л

Чакмонинг остида нимани бекитиб турибсан, азиз Фла-
миний?

Ф л а м и н и й

Буми, бўм-бўш қутича. Хўжайинимнинг топшириғига мувофиқ буни тўлдириб беришингизни ўтиниб сўрайман. Хўжайинимга эллик тилло жуда зарур бўлиб қолди. Хўжайиним жанобларидан ана шу маблағни қарзга олиш учун мени юборди, у ҳозироқ ёрдам қўлини чўзишингизга зарра шубҳа қилмайди.

Л у к у л л

Хўш-хўш-хўш... "Зарра шубҳа қилмайди" дейсанми? Ҳайҳот, у олийҳиммат инсон? Олийжаноб инсон, аммо беҳад тўкин-сочин яшайди. Кўп марталаб бу ҳақда унга айтганман. Сарф-харажатни камайтир, деб айтиш учун атай зиёфатига борардим. Лекин у кенгашларимга қулоқ осмади, ташрифларим зое кетди. Ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, унинг қусури - ҳотамтойлик. Мен неча марталаб унга айтганман, аммо сўзим ерда қолди...

Хизматкор шароб кўтариб киради.

Х и з м а т к о р

Марҳамат қилсинлар, бегим, мана шароб.

Л у к у л л

Фламиний, мен сени ҳамиша ақлли одам, деб билардим. Сенинг совлигинг учун!

Ф л а м и н и й

Ташаккур, бегим.

Л у к у л л

Тан бериб айтаманки - ақлинг ўткир, шароитга қараб иш тута оласан. Фурдат қулай келганда, фойдаланиб қоласан. Бу яхши хислат. *(Хизматкорга)* Сен чиқиб тур.

Хизматкор чиқади.

Яқинроқ кел, содиқ Фламиний. Хўжайининг - саховатли одам, аммо сен, гарчи эшигимга пул сўраб келган бўлсанг ҳам, яхши биласанки, ҳозир фақат соф дўстлик

йўлига, орқа-ўнгига қарамай, қарз бериш мавруди эмас. Мана бу уч тангани ол, бир ошначилик қил, кўзингни чирт юмгин-да, Тимонга мени учратмадим, деб айт. Хайр, саломат бўл.

Ф л а м и н и й

Мумкинмидир дунё шундай ўзгариб қолса,
Ўзгармасдан аввалгича қола берсак биз?

(Тангаларни ерга ташлайди)

Йўқол, ташвиш кони, ифлос, лаънати матоҳ,
Сени Худо деб билганнинг ҳузурига бор!..

Л у к у л л

Ҳали шунақами! Кўриб турибманки, хўжайинингга жудаям муносиб экансан.

Ф л а м и н и й

Истайманки, бу чақалар жаҳаннам ичра
Қизиб турган мис сўрига қўшилиб кетсин.
Сен бир ҳовуч кўмир бўлиб ёнгайсан унда,
Истайманки, бисотингда бўлган олтинлар
Эритилиб, қатлинг учун бир қурол бўлсин,
Ва бир йўла бўғзингга ҳам қуйилсин унда.
Сен дўстмисан? Дўст танида ярасан, холос.
Дўстлик қалби совуқ, яна заиф экан, ҳа,
Худди сутдек бир кечада ачиб қоларкан.
Эй Худойим! Сезаяшман, эшитиб буни,
Шўрлик Тимон нечук оғир аҳволга тушар.
О, ярамас бадбахт! Унинг жигилдоида
Тимон таомлари ҳали ҳазм бўлмаган.
Таом нечук ҳазм бўлсин, еганинг ўзи
Бошдан-оёқ заҳар бўлса. Ўша овқатлар
Илойим, келтирсин сенга касофат, бало.
Қутқармасин Тимон берган нозу неъматлар,
Сени ажал сари тезроқ бошласин улар!

Кетишади.

Иккинчи саҳна

Луций ва уч хорижий киради.

Луций

Ким? Тимонми? У менинг қадрдон дўстим ва бағоят олийжаноб инсон.

Биринчи хорижий

Унинг ўзи билан нотаниш эсак-да, бу жиҳатлари бизга маълум. Аммо одамлар оғзида дув-дув гап юрибди: Тимоннинг бахтиёр кунлари тутаб, дўстлари ундан юз ўттирганмиш.

Луций

Бекор гап, мен бунга сира ишонмайман. Тимон пулга зориқбди, деган тахмин ақлга сирмайди.

Иккинчи хорижий

Шундоқ бўлса ҳам ишонаверинг, яқинда унинг хизматкори Тимон учун қарз сўраб, Лукулл ҳузурига борибди. Борибди нимаси, хўжайиним пулга муҳтож, деб ялинб-ёлворибди, лекин барибир "йўқ" деган жавоб олиб, изига қайтибди.

Луций

Наҳотки!

Иккинчи хорижий

Ҳа, ишонаверинг, унга "йўқ" деган жавоб беришибди.

Луций

Ғалати гап! Тангрилар шоҳид, менга буни эшитиш ҳам ноқулай. Шундоқ олийжаноб кишига "йўқ" дейиш? Ҳа, Лукулл учун ор-номус - ариқ чақа. Иқрор бўлиб айтишим керакки, Тимондан мен олган майда-чуйдалар Лукулл олган ҳадялар олдида ҳеч нарсага арзимайди, аммо шунга қарамай, у Лукуллга эмас, менга мурожаат этганида борми, ундан бир неча тилло ақчамни аямасдим.

Сервилий киради.

С е р в и л и й. Хайриятки, Луцийни излаб топдим, изидан қува бориб, тинкам қуриди... (Луцийга). Муҳтарам жаноб...

Л у ц и й. Сени кўришимдан шодман, Сервилий! Энди - хайр! Менинг жонажон дўстим, сенинг муҳтарам ва олийжаноб хўжайинингга меңдан саломлар айт.

С е р в и л и й. Жаноблари арз этишга ижозат этсалар, хўжайиним топширдики...

Л у ц и й. А! Нима топширди? Мен шундоқ ҳам ундан қарздорман, у ҳамиша менга бирор нима топширади. Миннатдорлигимни қандай изҳор этишга ҳам ожизман. У ҳозир нима топширди?

С е р в и л и й. Бегим, у ҳозир ўз илтимосини сизга етказишни топширди. У зудлик билан бир оз ақча бериб туришингизни илтимос қилиб қолди.

Л у ц и л и й

Э, у ҳазиллашган; ахир, ақлга сифмас
Муҳтож бўлса бир неча минг тиллога Тимон!

С е р в и л и й

У озгина ақчага ҳам муҳтождир жуда,
Агар мажбур этмаганда оғир эҳтиёж,
Сиздан шунча ўтинч билан сўрамас эдим.

Л у ц и й

Чинданми, Сервилий?

С е р в и л и й

Жонимга онт ичаманки, айтганларим чин.

Л у ц и й. Мен, ҳайвон ўз олийжаноблигимни кўрсатишим мумкин бўлган худди шу тобда бор ақчамни сарфлаб қўйганимни қаранг! Омадим келмади-келмади! Куни кеча биттаси билан байлашиб қўйган эдим, энди ўша байни деб номуста қолиб ўлтираман! Сервилий, Худоларга онт ичиб айтаманки, Тимон илтимосини бажаришга ҳеч иложим йўқ. Эҳ, ҳайвонман, ҳайвон! Ишонасанми, ўзим

Тимондан қарз сўрайман, деб турувдим. Мана бу жаноблар сўзимни тасдиқлашлари мумкин. Аммо энди Афинанинг бор бойликлари эвазига ҳам ундан қарз сўрамайман. Мурувватли хўжайинингга мендан оташин салом айт. Илтимосини адо этолмаслигим учун мен тўғримда ёмон ўйларга бормас, деган умиддаман. Ҳа, тагин шуни ҳам қўшиб қўй. Қўшиб қўйки, шундоқ олийжаноб кишига хизмат қилолмаганим учун афсус-надоматлар чекаман. Азиз Сервиллий, битга ошначилик қил, айтганларимни битга қолдирмай Тимонга етказ.

С е р в и л и й. Хўп, етказаман.

Л у ц и й. Хотиржам бўл, Сервиллий, хизматларинг ерда қолмайди.

Сервиллий кетади.

Б и р и н ч и х о р и ж и й

Ҳа, чинданам чайқалибди чамамда Тимон,
Бир йиқилгач, яна қайта турмоғи гумон.

Луций кетади.

Б и р и н ч и х о р и ж и й

Кўряпсанми, Ҳостилий?

И к к и н ч и х о р и ж и й

Ҳа, кўриб турибман!

Б и р и н ч и х о р и ж и й

Мана, не дегани юксак, кибор доира!
Биласанми, хушомадгўй дегани унда
Битга ўйин билан машғул. Ахир Луцийга
Иккинчи бир ота эди бечора Тимон,
Қарзларини тўлар эди унинг ҳар қачон,
Ер-мулкани сақлашга ҳам мададкор эди.
Нимасини айтай, ҳатто малайларига
Тимон чўнтагидан етиб турарди ақча!
Ҳар гал шароб ичар экан Луций, муқаррар:
Тимон тақдим этган кумуш қадаҳни ўпар.

Энди оқибатни қара! Кўриб қўй, дўстим.
Қандай махлуқ бўлур нонкўр, ношукур банда!
Ҳозир Луций Тимонга йўқ деган нарсани
Гадога ҳам йўқ дейишга тортинар киши.

У ч и н ч и х о р и ж и й

Дину дийнатта хилоф унинг қилмиши.

Б и р и н ч и х о р и ж и й

Гар ўзимни айтар бўлсам: мен Тимон билан
Дастурхони атрофида ўлтирмаганман.
Саховатларига мени сира кўлмаган.
Ва ўзига сира яқин тутмаган мени.
Аммо унинг юксак руҳи ва ҳалоллиги,
Олийжаноблиги, соҳиб саховатлиги
Чин эҳтиром ҳисларини уйғотар менда.
Тимон менга мурожаат этсайди агар,
Бойлигимни нақ иккига бўлиб муқаррар,
Тортиқ этар эдим унга аъло ҳиссасин,
У мен учун шунча азиз. Аммо одамлар
Ҳамдардликни хотирга ҳам олишмас бугун,
Фараз, ҳисоб-китоб виждон амридан устун.
Кетишади.

У ч и н ч и с а ҳ н а

Ўша жой. Семпроний уйда ётоқ.
Семпроний билан Т и м о н х и з м а т к о р л а р и к и р а д и .

С е м п р о н и й

Келиб-келиб, нега мени ташвишга қўяр?
Нега энди мени, бироқ бошқаларнимас?
Юбориши мумкин эди Луцийга сени,
Ё, Лукуллга. Ё бўлмаса, мана Вентидий:
У бадавлат бўлиб қолди шу кунда: Тимон
Халос этган эди ахир уни турмадан.
Тимон қаршисида қарздор учаласи ҳам.

Тимон хизматкорлари

Эвоҳ, бегим, синаб кўрдик учаласин ҳам;
Сохта экан, миси чиқди, улардан сўраб,
"Йўқ" жавобин олиб бўлдик.

Семпроний

"Йўқ" дейишдим
Вентидий ва Лукулл? Улар "йўқ" дедими-а?
Кейин менга юбордим сени? Во ажаб!..
Бу жуда ҳам галати-ку. Бундан чиқди - мен
Унинг учун энг охирги паноҳ эканман?
Йўқ, хулоса шуки, мени хуш кўрмайди у!
Дўстлар табибларга монанд, уни уч карра
Муолажа этишмаган, улардан кейин
Нега энди муолажа этай уни мен?
У камситди мени! Ҳатто жаҳлим чиқарди!
Мен - тўртинчи ўриндаман! Бу қанақаси!
У шундай бир машаққатта дучор бўлсаю
Ёрдам сўраб, учрамаса аввало менга?
Ҳақиқатни айтар бўлсам агар, Тимондан
Мен биринчи бўлиб совға-инъом олганман;
Аммо унинг назарида пастдир баҳойим,
Шунинг учун навбат бермиш ҳаммадан кейин!
Истамайман, халойиққа калака бўлсам,
Истамайман, аҳмоқ, дея аталишни ҳам.
У биринчи бўлиб мендан сўраса борми,
Балки берар эдим унга уч карра ортиқ.
Менинг ҳам "йўқ" жавобимни ҳалигиларнинг
Жавобига қўшиб қўйгил. Қани, жўнаб қол,
Кимки камситаркан менинг шаънимни зарра,
Бир тийин ҳам ололмайди мендан. Бор, жўна!

(Кетагу.)

Хизматкор. Баракалла! Кўриниб турибдики, жаноблари пихини ёрган қаллоб эканлар! Йўқ, шайтон одамни риёкорликка ундаб, нима қилаётганини ўзи ҳам билмаган. Йўқса, ўз оёғига ўзи болта урармиди! Ишончим комилки, охир-оқибатда инсонларнинг пасткашлиги олдада шайтон маъсум бир фаришта бўлиб қолади. Бу амал-

дор ўз аблаҳлигини намоиш этиш учун не-не ҳунарларни ишга солмайди. У оташин тақводорлик ниқоби остида бутун бошлиқ давлатларнинг кулини кўкка совурган кишиларга ўхшаб, эзгулик ниқобини кийиб, ёвузлик қилади. Унинг сиёсий хайрихоҳлиги ҳам ана шу фазилатлари сирасига киради.

Хўжайиннинг энг охирги умид-илинжи
Мана шу зот эди. Энди Худолар қолди.
Дўстлар ғойиб бўлди. Шунча йиллардан буён
Қоровул ва қулфу калит билмаган эшик
Очиқ туравермас, маҳкам бекилар энди.
Бекилар ва хўжайинни яширар ортиқ,
Шундан бошқа йўл йўқ унга, ўзга чора йўқ.
Кимки бойлигини қўлда тутмаса асраб,
Уйда ўлтирар кейин эшикни қамаб.

(Кетагу.)

Тўртинчи саҳна

Ўша жой. Тимон уйда зал.

Варроннинг икки хизматкори ва Луцийнинг хизматкори киришади. Улар Тимоннинг чиқишини пойлаб кутиб турган Тит, Ҳортензий ва бошқа хизматкорлар билан учрашадилар.

Варроннинг биринчи хизматкори
Омонмисиз, Тит, Ҳортензий, салом, хуш кўрдик.

Тит

Салом, дўстим Варрон.

Ҳортензий

Луций, сен ҳам келдингми?
Учрашганимизни қаранг.

Луций хизматкори

Тўғри, менинча,
Ҳамма битта ният билан келган. Масалан,
Мен ақча деб келдим.

Т и т

Мен ҳам... Ва бошқалар ҳам....

Ф и л о т киради.

Ана, Филот дегани ҳам кўриниб қолди.

Ф и л о т

Салом!

Л у ц и й х и з м а т к о р и

Салом, айт-чи, соат неча бўлдикин?

Ф и л о т

Сал кам тўққиз.

Л у ц и й х и з м а т к о р и

Ажаб, дарров тўққиз бўлдимми?

Ф и л о т

Тимон ҳали чиқмадимми?

Л у ц и й х и з м а т к о р и

Йўқ.

Ф и л о т

Бу ғалати.

У қуёшдек еттидаёқ қалқар эди-ку.

Л у ц и й х и з м а т к о р и

Тўғри, лекин унинг куни қисқариб қолди,

Ҳавойининг умри ўхшар қуёшга, бу рост,

Аммо ботгач, у қайтадан бош кўтаролмас.

Қўрқаманки, ҳозир Тимон ҳамёнида - қиш;

Минг бор изла, бир чақа ҳам топишинг мушкул.

Ф и л о т

Қўрқаманки, сўзинг ҳақ.

Т и т

Ҳа, аммо галати:
Хўжайининг сени пулга юбордими?

Ҳ о р т е н з и й

Ҳа.

Т и т

Хўжайининг Тимон инъом этган гавҳарни
Тақадую яна ундан ақча сўрайди!

Ҳ о р т е н з и й

Менга бу ёқмайди...

Л у ц и й х и з м а т к о р и

Ахир, ўзинг ўйлаб кўр,
Неча карра харажатга қолмоқда Тимон,
Хўжайининг ҳады олган гавҳари учун
Яна товон сўрар ундан!

Ҳ о р т е н з и й

Бу тошшириқни
Адо этиш, билсанг, менга жуда ҳам жирканч!
Хўжайиним - бу нарсага Худолар шоҳид -
Унинг маблағидан қанча баҳраманд бўлган;
Мана, кўряпсан, энди нонкўрлик қилар -
Бу ўғрилиқдан ҳам баттар!

В а р р о н н и н г б и р и н ч и х и з м а т к о р и

Мен ҳозир ундан
Уч минг ундиришим даркор. Сен-чи?

Л у ц и й х и з м а т к о р и

Мен - беш минг.

В а р р о н н и н г б и р и н ч и х и з м а т к о р и

Ҳа, бу кўпроқ. Хўжайининг хўжайинимдан
Кўра кўпроқ улфатчилик қилган у билан.
Йўқса, тенг бўларди бугун даъволари ҳам.

Фламиний киради.

Т и т

Мана, Тимон хизматкорларидан бири.

Л у ц и й х и з м а т к о р и

Фламиний! Бир оғиз гап, оғайни! Марҳамат қилиб айт-чи, хўжайининг яқин орада чиқармикин?

Ф л а м и н и й

Йўқ, яқин орада чиқмайди.

Т и т

Биз уни кутиб турибмиз. Бир ошначилик қил, унга хабар бер.

Ф л а м и н и й

Айтишга ҳожат йўқ, ошиб-тошаётган ғайратингиз унга шундоғам маълум.

(Кетади.)

Чакмони билан юзини бекитиб Ф л а в и й киради.

Л у ц и й х и з м а т к о р и

Ким бўлдикин? Тимоннинг иш бошқарувчиси?
Не сабабдан у шу қадар ўраниб олмиш?
У булутдек эриб, ғойиб бўлар ҳадемай.
Ҳой, чақиринг уни, тезроқ чақиринг!

Т и т

Тўхтаг!

Қулоқ, солинг.

В а р р о н н и н г б и р и н ч и х и з м а т к о р и

Сабр қилинг, бир нафас шошманг!

Ф л а в и й

Хизмат, оғайнилар!

Т и т

Бегим, пул деб келганмиз.

Ф л а в и й

Эҳ, сиз кутган каби, шундоқ садоқат билан
Кутиб турса эди агар ақчаларимиз,
Биз безовта бўлмас эдик. Айтингиз, нечун
Хўжайинларингиз Тимон дастурхонидан
Еб турганда, тутқизмади қарз қоғозини?
Ўйнаб-кулиб, қарзларини тамом унутиб,
Ўлтиришган дамлар мечкай қоринлари-ла
Улуш олишганми, дейман, ўша қарзлардан?
Мени қўйинг, ўзингизни мунча хўрламанг,
Менга йўл бўшатинг. Бутун хўжайин билан
Биз етказиб бўлдик ишни ниҳоясига.
Сарфу зиёнларни тамом ҳисоблаб чиқдим,
Унинг ақчаси йўқ энди харажат учун.

Л у ц и й х и з м а т к о р и

Йўқ, бу жавоб ярамайди бизга.

Ф л а в и й

Ҳа, хуллас,
Ўзингиз ҳам ҳеч балого ярамайсиз, бас,
Хизмат қиляпсиз, ахир, ярамасларга.

Кетади.

В а р р о н н и н г б и р и н ч и х и з м а т к о р и

Нималар деб мингирлайди у собиқ бошқарувчи?

В а р р о н н и н г и к к и н ч и х и з м а т к о р и.

Э, сенга бари бир эмасми? У қашшоқ, демак, етарлича
жазосини олган. Осмондан қўли, ердан оёғи узилган ки-
шидек дадил гаплаша оладиган одам бормикин? Бундай-
лар муаззам саройларга қарши исён кўтаришдан ҳам тап
тортмайди.

Сервилий киради.

Т и т

Мана, Сервилий. Ниҳоят, оқилона бир жавоб олади-
ган бўлдик.

С е р в и л и й

Оғайнилар, ялинаман, бошқа бир гал келинлар, бу билан мени бениҳоя миннатдор қилган бўлур эдингиз. Жонимга онг ичиб айтаманки, хўжайинимнинг қаҳр-ғазаби ҳаддан ошган, у касал, у хонасидан чиқмайди.

Л у ц и й н и н г х и з м а т к о р и

Баъзилар соғ бўлса ҳамки, қамалиб олар,
Гар чиндан ҳам хасталаниб қолган бўлса у,
Яхшимасми қарзларини бир-бир тўласа
Ва йўлини осмон сари равон айласа.

С е р в и л и й

Ё Худолар!

Т и т

Бу жавобмас бизга!

Ф л а м и н и й

(Саҳна ортидан)

Сервилий!

Қаёқдасан, ёрдам бергил! - Хўжам, тинчланинг!

Қутурган қиёфада Тимон киради, унинг ортидан Фламиний.

Т и м о н

Нима! Эшикларим мени қўйишмайдими!
Мен ҳамиша озод эдим, энди бўлса-чи,
Уйим - менга душман, балки қоронғу зиндон.
Зиёфаттоҳ бўлган бу жой - шу ёруғ олам
Юрагимни исканжага олар беомон.

Л у ц и й х и з м а т к о р и

Тит, бошлай қол.

Т и т

Хўжам, мана, қарз қорозлари.

Луций хизматкори

Мана, менинг ҳам қоғозим.

Ҳортензий

Бегим, бир қаранг.

Варрон хизматкори

Мана бу - бизники, хўжам.

Филот

Мана, меники.

Тимон

Ҳа, сиз улар билан мени оёқдан чалинг!
Белимгача тикка чопинг.

Луций хизматкори

Шафқатли хўжам...

Тимон

Пул зарб қилинг юрагимни бурда-бурдалаб.

Тит

Менга беш минг...

Тимон

Томиримдан қонимни сўринг!

Луций хизматкори

Беш минг қирон....

Тимон

Беш минг қатра қон
Берай унинг эвазига. - Сенга? - Сенга-чи?

Варроннинг биринчи хизматкори
Аммо хўжам...

В а р р о н н и н г и к к и н ч и х и з м а т к о р и
Хўжам...

Т и м о н

Мени кесинг, парчаланг,
Фалак ўзи бошингизга ёғдирсин бало!

(Кетагу.)

Х о р т е н з и й

Чамамда, хўжайинларингиз энди ақчалари билан хайр-
хуш қилишса, ёмон бўлмасди. Қарздорки ақлдан озибди,
демак, у қарзлар ақлга сивадиган нарса эмас.

Кетишади.

Тимон ва Флавий кирадилар.

Т и м о н

Нақ бўғилиб ўлаёздим, оз қолди. Улар -
Қарз ундирувчилармас, гала шайтонлар!

Ф л а в и й

Бегим...

Т и м о н

(Ўйланиб)

Хўш-хўш, магар мана мундоқ қилинса...

Ф л а в и й

Хўжам...

Т и м о н

Ҳа, ҳа шундоқ қиламан мен энди. - Флавий!

Ф л а в и й

Шу ердан.

Т и м о н

Сен ҳозирсан одатдагидай.

Бориб, дўстларимни бир-бир бу ёққа чақир.
Келишсин. Лукуллни чақир, Луцийни чақир,
Чақир Семпронийни ҳам, бошқасини ҳам;
Аблаҳларни яна бир бор зиёфат қилай.

Ф л а в и й

Эвоҳ, хаёлингиз бир оз паришон, бегим,
Шунинг учун айқаш-уйқаш сўз айтмоқдасиз.
Меҳмон қилиш учун бизда пул қани, ҳатто,
Кичик дастурхонга етмас...

Т и м о н

Ишинг бўлмасин.
Бор дедимми, бор, вассалом, охирги марта
Сен у қарга-қузгунларга эшик очиб бер,
Қолганини ошпаз билан менга қўйиб бер.
Кетишади.

Бешинчи саҳна

Сенат зали.

Сенаторлар мажлис қилишяпти.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Сизни тўла қувватлайман, қонли қабоҳат
Рўй бермиш, у бунинг учун тайин ўлади!
Бундай ишда ножоиздир раҳм ила шафқат,
У гуноҳга гуноҳ қўшиб, кўпайтиради.

И к к и н ч и с е н а т о р

Тўғри-тўғри! У мутлақо жазога маҳкум!
Алкивиад хос маҳрамлари билан киради.

А л к и в и а д

Яшнаб, шону шарафларга буркансин сенат!

Б и р и н ч и с е н а т о р

Нима дейсан, тилагингни айт, Алкивиад?

А л к и в и а д

Мен сифиниб келган фақир аризачидек,
Қаршингизда бош эгаман, сўрайман шафқат.
Қонунларнинг фазилати раҳм, ҳамдардлик,
Судда шафқат билишмайди золимлар фақат.
Тақдир ила даврон менинг битта дўстимга
Тикка ҳужум қиламиш, дўстим жаҳлга миниб,
Жаҳл ичра қонуни ҳам унутиб қўймиш,
Ва бир жарга қуламишким, чиқолмас энди.
У бир инсон сифатида соҳиб фазилат
(Гуноҳини бир чеккага қўя турайлик),
Уни жинойтга элтган пасткашлик эмас,
Матонату мардлик билан ювди айбини.
У оташин, олийжаноб ғазабга тўлиб,
Душманига ҳужум қилган экан, сабабки,
Дўстимни у жуда қаттиқ ҳақорат қилган.
Лекин дўстим вазмин тутди ўзни бағоят
Ва жанг қилди душмани-ла яккама-якка.
Ғазабига эрк бермади жангда ҳам ҳатто,
Душмани-ла жанг қилмади, баҳс этди гўё.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Тубан кирдикорни бунда бўямоқ учун
Ҳамоқатга бориб етдинг, ўзинг беҳабар.
Айтган сўзларингдан асл ниятинг шуки,
Қотилликка қонуний бир тус бермоқчисан,
Тентакликни матонатта этгунг баробар.
Тентаклик бу - матонатнинг ҳароми ўли,
Ҳа, ҳароми боладир у, одамлар ичра
Жанжал, низо билан бирга таваллуд тошган.
Матонатли улким, аччиқ ҳақоратларга
Оқилона тоқат ила беролса бардош,
Ҳа, бу ўша эски нимдош кўйлагим дея
Ҳарқандайин дашномларга боқса бепарво,
Юрагига йўлатмаса озор, аламини
Ва ўзини мудом вазмин, совуққон тутса.
Алам ғазаб келтиради, ғазаб-қотиллик!
Демак, кимки ғазабига эрк бериб қўйиб,
Шунинг билан ҳаётига соларкан хатар,
У оқилмас, балки тайин аҳмоқ саналар.

А л к и в и а д

Лекин...

Б и р и н ч и с е н а т о р

Жиноятни бундай оқлашинг бекор;
Матонат қасосда эмас, сабру бардошда.

А л к и в и а д

Мени маъзур тутинг, азиз, муҳтарам зотлар,
Аскарча тўпори, содда сўзларим учун.
Душман таҳдид этар экан, чидаб турмасдан
Нега жангга отилишар одамлар унда?
Нега улар ютишмайди ранжу аламни,
Мана, кес, деб тутиб бермас ванимга бўйин?
Матонат - бардошда? Айтинг, жанг майдонида
Бизга нима қолар энди бу гапдан кейин?
Бас, биздан ҳам матонатли хотинларимиз:
Улар уйда ҳар нарсага этишар бардош.
Агар донишмандлик сабру бардошда эса,
Бундан чиқди, жасур экан эшак арслондан,
Кипанланган жиноятчи қозидан оқил.
Сенаторлар! Оламшаноҳ, улуғ оталар!
Сиздан меҳру шафқат лозим яқинингизга!
Киши сокин ва совуққон маҳалда бешак
Ҳазабини боса олур. Қотиллик - гуноҳ;
Ўзни ҳимоялаш - гуноҳ эмасдир аммо!
Тўғри, қаҳр-ҳазаб бизни номуста қўяр,
Аммо ҳазаб ичра сира ёнмаган ким бор!
Шундоқ ўйлаб қаранг унинг гуноҳини ҳам.

И к к и н ч и с е н а т о р

Сен бекорга сарфляяпсан вақтингни.

А л к и в и а д

Наҳот?

Ахир, унинг Византия, Лакедемонда
Кўрсатган ишлари, мардлик, жасорати-чи?
У жанговар хизматларни ким инкор қилар?
Унинг ҳаётига лойиқ товондир улар.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Хўш, сен нима демоқчисан?

А л к и в и а д

Ватани учун
Қилган хизматлари унинг оз эмас асло,
Не-не ёвуз душманларни тупроққа қорди.
Мардоналик кўрсатди у сўнги жангда ҳам
Ва душманга етказолди талай талафот...

И к к и н ч и с е н а т о р

Ҳа ўзига олди озмас, талай мукофот.
У - жанжалкаш. Иши доим - ишрат, разолат.
Унинг ақли, унинг мардлик - матонатини
Тошқин сувдек босиб кетар ана шу иллат.
Магар унинг бошқа айби бўлмаганда ҳам
Шу биргина айби етиб ортарди буткул,
Ки беомон жазоларга дучор бўлса ул!
Дарҳақиқат, ҳайвоний бир жазава билан
Қонунларни у неча бор топтаб ташлаган,
Хунрезлик ҳам қилган ҳатто. Хулласи калом,
Ишрат билан майхўрликка ботмиш у тамом.

Б и р и н ч и с е н а т о р

У ўлмоғи керак.

А л к и в и а д

Эвоҳ, беомон тақдир!
У ўлиши мумкин эди майдонда, ахир...
Баски, инобатта сира олмас экансиз -
Ҳолбуки у бўйнидаги гуноҳларини
Юва олур эди ёлғиз ўнг қўли билан.
Қарздор бўлиб қолмас эди биров олдида, -
Келинг, кўнглингизни бироз юмшатиш учун,
Мен ўтинай сиздан, унинг хизматларига
Сиз қўшимча қилинг менинг хизматларим ҳам.
Иккисини қўшинг. Баски, кекса кишилар

Кафолатни хуш кўришар, шунинг учун мен
Саркардалик номусимга қасам ичаман,
У қарзини тўла-тўкис тўлар, жаноблар.
Агар қонун ҳукм этса уни ўлимга -
У ўлимни жангда топсин. Ахир қон-қирон
Адолатли қозилардек жуда беомон.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Қонун юзасидан ҳукм қиламиз! Бас қил,
Ва бу ерни бўшатиб қўй. Агар бизга у
Яқин бир дўст ё биродар бўлганида ҳам,
Ҳукм чиқарамиз қонун буюрганидек,
Қон тўккани учун қони тўкилури бешак.

А л к и в и а д

Наҳот шундоқ қилсангиз? Йўқ! Сиздан сўрайман,
Ўйлаб қаранг, сиз ким билан гаплашмоқдасиз!

Б и р и н ч и с е н а т о р

Нима дединг!

А л к и в и а д

Эсга олинг, ахир, мен кимман?

У ч и н ч и с е н а т о р

Нима, нима?

А л к и в и а д

Қариликнинг касри туфайли,
Мени тамом унутгансиз шекилли, йўқса,
Рад жавобни олармидим шу илтимосга?
Сиз янгидан тирнадингиз яраларимни.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Сен қўзғатдинг баттар қаҳру ғазабимизни,
Бизда сўз оз, лекин амал, ҳаракат қатъий.
Афинадан бадарғасан энди умрбод.

А л к и в и а д

Мен? Бадарға бўлдимми ўз шаҳримдан? Ҳайҳот,
Ундан кўра, яхшимасми бадарға бўлса
Сизнинг кекса тўмтоқ ақлу фаросатингиз,
Шу сенатта тушаётган маломатингиз -
Порахўрлигингиз, улуғ зотлар.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Агарда

Шу икки кун орасида чиқиб кетмасанг,
Билиб қўйки, кутар яна беомон ҳукм.
Ҳа, анави ишни буткул тугатмоқ учун
Буюрамиз, қучар ҳозир дўстингни ўлим.

Сенаторлар кетишади.

А л к и в и а д

Умрингизни узун этсин Худолар, токим
Қуриб қолинг оқибатда қоқ суяк бўлиб,
Кўрган киши юз ўгирсин. Фазабим қайнар!
Мен душманлар ҳужумини қайтарган маҳал
Ақча санадингиз бунда очкўзлик билан.
Пулдингизни қарзга бериб, фойда олдингиз.
Менинг ортгирганим - ёлғиз жароҳатларим.
Мана, оқибатни кўргил, шу судхўр сенат
Жангчи ярасига нечук бойлади малҳам!
Мен қувгин қилиндим! Балли! Аммо хурсандман!
Фазабимни тўкиш учун баҳона тайёр.
Афинани балоларга этарман дучор.
Сенатдан норози жумла қўшинларни мен
Оёққа турғизиб, ўзим бошда тураман.
Зўравонларни калтаклаш - шарафдир зотан.
Биз, жангчилар ранжитганни кечирмаймиз, рост.
Худди Тангрилардек ундан олурмиз қасос.

(Кетагу.)

Олтинчи саҳна

Тимон уйида зиёфат. Музыка. Столда тузатилган дастурхонлар ёпиб қўйилган; улар атрофида меҳмонлар. Турли эшиклардан амалдорлар, сенаторлар ва бошқа таклиф этилганлар кириб келишади.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Ассалому алайкум.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Ва алайкум ассалом. Назаримда муҳтарам Тимон яқинда бизни бир синаб кўрмоқчи бўлди шекилли.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Сиз билан учрашганимда шу гап менинг ҳам кўнглимдан кечди. Умид қиламанки, унинг ишлари у қадар ёмонмас.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Янги зиёфатга қараганда, чаккимас.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Мен ҳам шу фикрдаман. У мени астойдил таклиф қилди, бошда зарур ишларим ошиб-тошиб ётгани учун рози бўлмадим. Аммо у қистайвергач, рози бўлишдан бўлак чорам қолмади.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Менинг ҳам ишларим сизникига ўхшаб бошимдан ошиб ётибди, аммо у йўқ дейишимга қўймади. Лекин у қарз сўраганида ёнимда ҳеч вақойим бўлмаганига ачинаман.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Мен ҳам мана шу аҳволни кўриб, ўзимни-ўзим қойи-моқдаман.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Ҳа, энди ҳамманинг дарди ичида. У сиздан қанча қарз сўради?

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Минг тилло!

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Минг тилло!

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Сиздан-чи?

У ч и н ч и м е ҳ м о н

Менга киши юбориб, у ... Ана ўзи!

Т и м о н хос маҳрамлари билан киради.

Т и м о н

Марҳабо, азизларим, хуш келибсиз! Аҳволлар нечук?

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Аъло, саломатлигингизни эшитиб, бошимиз осмонга етди.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Изингиздан қувганимиз қувган, ҳатто қалдирғоч ҳам ёзни шунчалар қувмайди.

Т и м о н (*Четга.*) Ва қишдан ҳам шунчалар қочмайди. Ҳа, одамлар - учар қушлар. (*Меҳмонларга*) Жаноблар, қўрқаманки, дастурхон сизни шунчалик ингизор этишга арзимайди. Агар карнай овози қулофингизга оғир ботмаса, музикани баҳам кўринг. Ҳозир сизларга таом тортишади.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Умид қиламанки, Тимон, хизматкорингизни қуруқ қайтарганим учун меъдан хафа эмассиз?

Т и м о н

Асло! Бу ҳақда ўйламанг ҳам.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Олийжаноб Тимон...

Т и м о н

Нима дейсиз, азизим...

Хизматкорлар билан бир неча ёпиқ идишларни кўтариб кириб, дастурхонга қўйишади.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Олийжаноб Тимон, кеча пул сўраганингизда, бахтга қарши, ҳамёним гадо тўрвасидек қуп-қуруқ эди, шуни ўйласам, хижолатдан ёнаман.

Т и м о н

Ўйлашга ҳам арзимаёйди.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Икки соат олдин юборганингизда борми...

Т и м о н

Ўйлаб, ўзингизни қийнаманг. - Эй, ҳаммасини бир йўла тортинглар.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Идишлар ёпиқ!

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Шоҳона зиёфат, ишонаверинг.

У ч и н ч и м е ҳ м о н

Хотирингиз жам бўлсин, йилнинг бу фаслида пулга нимаки сотиб олиш мумкин бўлса, ҳаммаси бу ерда муҳайё бўлади.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Э, ассалому алайкум! Хўш, не янгиликлар?

У ч и н ч и м е ҳ м о н

Алквиад, қувфин қилинди, эшитдингизми?

Б и р и н ч и в а и к к и н ч и м е ҳ м о н

Алквиад қувфин қилинди?

У ч и н ч и м е ҳ м о н

Ҳа, бемалол ишонаверинг.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Нима? Нима?

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Ўтинаман, айтинг, сабаби нима экан?

Т и м о н

Азиз дўстларим, дастурхонга марҳамат!

У ч и н ч и м е ҳ м о н

Қачонгача шундоқ қоларкин? Қачонгача?

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Ҳозирча шундоқ турибди. Аммо вақти соати келади, ... ва...

У ч и н ч и м е ҳ м о н

Тушунаман.

Т и м о н

Марҳамат, ҳар ким маъшуқаси лабларини ўпишга ошиққандек, ўз ўрнини эгаллашга ошиқсин. Бугун ҳаммага бир хил таом тортилади. Такаллуфотни қўйинг, меҳмонлардан ким биринчи курсига ўтиришни ҳал этгунингизча, овқат совиб қолади. Қани, ўтиринглар, ўтиринглар! Энди Худоларга шукрона айтамиз! "Сиз, улуғ валинеъматларимиз, даврамизни шукроналик туйғусига кўминг. Неъматларингиз эвазига шукрона айтишга мажбур қилинг, аммо кейин инъом этишга ҳам бир нима қолдиринг, йўқса, сизни ҳадемай назар-писанд қилмай қўйишади. Ҳар кимга етарлича насиба беринг, токи у бошқалардан қарз сўраб юрмасин. Агар сиз, Худолар, инсонлардан қарз олар экансиз, улар сиздан ҳам юз ўтиришади. Илоё, меҳмонлар зиёфат эгасидан ҳам зиёфатни хуш кўришсин. Илоё, йигирма кишилик даврада йигирмата ярамас ҳозир бўлсин. Илоё, дастурхон аторофида бир тўп хотин йиғилса, улардан ўн иккитаси аслида қандоқ бўлса... шундоқ бўлсин. Ё

Худолар, қолган неъматларингизни Афина сенаторлари ва авом халойиққа ато этинг, илоё, улардаги жамики иллатлар бугундан бошлаб таг-томири билан қуриб битсин. Менинг бу ерда ҳозир бўлган дўстларим мен учун ҳеч нарса, бас, улардан ҳар нечук марҳаматингизни дария тутинг ва уларни ҳеч нарсага айлантириб қўйинг.

Энди кўшаклар, қопқоқларни очинг-да, паққос туширинг!

Меҳмонлар қопқоқларни очишади, идишларга фақат қайноқ сув тўлдирилган.

Б и р н е ч а о в о з л а р

Бу нимаси? Бу билан у нима демоқчи?

Б о ш қ а л а р

Ажабо!

Т и м о н

Энди базму зиёфатлар сиз учун ҳаром,
Томоқ бандалари! Асл моҳиятингиз -
Буғ ва қайноқ сувдир. Мана, келинг, олингиз
Тимон қўлидаги сўнги шу вақони ҳам.
У меҳрнинг ялтираган ишлари билан
Сизни узоқ безаб юрди, у зийнатларни
Энди ювиб ташлар, ифлос башарангизга
Отар аямасдан сизнинг разолатларни!
(Қайноқ сувларни уларнинг башарасига сепати.)
Яшанг, узоқ умр кўринг нафрат-аламда.
Сиз сип-силлиқ, ўз-ўзидан бағоят мамнун
Бекорчилар, сертакалуф қонхўр қотиллар,
Гала текинхўрлар, қисмат арзандалари,
Очифотлар, юмшоқ кўнгил, маъсум айиқлар,
Юзи, ўзи кулиб турган бўрилар, қуртлар,
Гала кир пашшалар, ҳар дам, ҳар дақиқада
Тиз чўкишга ҳозир турган аянчли қуллар,
Шамолларга қуллуқ қилган беқарор зотлар!
Инсонлар ва ҳайвонларнинг касалликлари
Сизни чирмаб олсин яра-йиринглар билан,
Битга қўймай, ҳаммангизни!

(Меҳмонлардан бирига)

Кетаяпсанми?

Тўхта, дори ола кет! Ҳой, тўхта, сен ҳамми?

Сен ҳамми-а!

(Уларга идишларни улоқтиради).

Шошма. Сенга мен қарз бераман -

Йўқ, қарз сўрамайман! Қочиб қолдиларинг-ку.

Энди базму зиёфатда энг азиз меҳмон

Олчоқ бўла қолсин. Тамом, ҳаммаси тамом!

Шаҳрим сени ер ютсин! Ҳа, уйим бўлсин кул!

Тимон одамзодага энди душмандир буткул.

(Кетади.)

Меҳмонлардан айримлари қайтиб киришади.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Бу нимаси, жаноблар?

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Тимон намунча ғазабга минди?

У ч и н ч и м е ҳ м о н

Ўл-а! Қалповимни кўрмадингизми?

Т ў р т и н ч и м е ҳ м о н

Чакмоним йўқолиб қолди...

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

У тентак, кўнглига келганини қилади. Яқинда менга гавҳар совға қилган эди, бугун бир уриб, уни қалповимдан учириб юборди. Гавҳаримни кўрмадингизми?

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Мана у.

Т ў р т и н ч и м е ҳ м о н

Чакмоним манави ерда экан.

Б и р и н ч и м е ҳ м о н

Ҳой, бунда турманглар.

И к к и н ч и м е ҳ м о н

Тимон ақлдан озибди.

У ч и н ч и м е ҳ м о н

Сал қолди, биқинимни тешаёзди.

Т ў р т и н ч и м е ҳ м о н

Дам гавҳар беради, дам тош ирғитади...

Кетишади.

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Афина деворлари ёнида.

Тимон киради.

Т и м о н

Сўнгги марта солмоқдаман шаҳримга назар!
Эй деворлар, бўриларга паноҳдирсиз, бас,
Қулаб тушинг, Афинани этманг ҳимоя!
Эй оналар, фоҳишага айланинг, токим
Назар-писанд этмай қўйсин сизни болалар.
Қуллар ва тентаклар, отинг мансабларидан,
Юзи ажин, калондимов сенаторларни,
Ҳокимият жиловини олинг қўлларга.
Сен, эй масъум ёшлик, ўзни лой-балчиққа ур,
Уялмасдан ота-она кўзи ўнгида
Ҳирсу ҳавасларга тўлиб, нафсингни қондир.
Қарздор, оёқ тира, олган қарзингни берма,
Пичофингни қарз берганинг бўғзига қада!
Содиқ малай, хўжайининг молини тала,
Бир ўғридир ўша кибор хўжайининг ҳам,
Фақат йирик ва қонунга суянган ўғри!
Хўжайининг билан бирга ётавер, чўри;

Ўйнашмоққа кетди унинг хотини боя.
Сен, арзанда ўғил, майиб, қомати букик
Отанг ҳассасини тортиб қўлидан ол-да,
Аямасдан тушир, унинг бошин мажақла.
Токи ҳақиқату тақво, тинчлик - аҳиллик,
Гуноҳ қаршисида титраб, қўрқувга тушиш,
Дину диёнату қонун, инсоф-адолат,
Оила - хонадон бурчи, бир-бирга ҳурмат,
Одоб, хешу ақраблик, илму маърифат,
Расм-русум, урфу – одат, савдо-тижорат
Завол топиб, чашпасига айлансин тамом!
Ҳа, қиёмат қойим бўлсин! Бало-офатлар,
Қўрқинч, мараз ва иллатлар, шум қабоҳатлар
Шу заволли Афинанинг бошига ёғсин!
Бод, сен букиб ташла қари амалдорларни,
Оқсоқланиб юрсин улар виждонларидек!
Зино, балойи нафс, барча ёш-ялангларнинг
Қонига кир! Токи улар кечиб номусдан,
Разолатта ботиб кетсин! Қичима, яра -
Уруғлари, кўкракларда кўкаринг, айнаб,
Маховга айланиб кетинг унда, маховга!
Нафас, бошқа нафасларни тинмай заҳарла,
Дўстлик, меҳру муҳаббатта сочавер оғу!
О, лаънати шаҳар! Сени тарк этарканман,
Фақат фақирлиқдир бутун бойлик-бисотим,
Истайманки, яна юз бор зиёда бўлиб,
Менинг лаънатим-ла сенга насиб этсин у!
Тимон энди ўрмонларга кетар бош олиб:
Оғзи қон йиртқич ҳам унга инсондан афзал.
Эй Тангрилар, ёлбораман, чекаман фигон:
Яксон этинг Афинани, бир йўла, яксон!
Юрагимда тошавергил, нафрат! Энди мен
Одамзодга душман бўлдим, ёвуз, беомон!
Омин!

(Кетагу.)

Иккинчи саҳна

Афина. Тимон уйида бир хона.

Флавий ва бир неча хизматкорлар киришади.

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Айт, хўжайин қани? Бизни ҳайдаб юборди,
Ўлдимикин ёки синиб адо бўлди у?

Ф л а в и й

Ҳайҳот, дўстлар! Ҳайрондирман не дейишга ҳам?
Онг ичаман, мен ҳам сиздек қашшоқ, бенаво.

Б и р и н ч и х и з м а т к о р

Афсус! Хароб бўлди шундай нажиб хонадон!
Эссиз, адо бўлди шундай хўжайин, адо!
Ҳамма тарқалишиб кетди, дардига ҳамдард
Ва йўлига йўлдош бўлиб бир дўст қолмади.

И к к и н ч и х и з м а т к о р

Гўеки биз ошнамитни вабога қўйиб,
Унга орқа ўтиргандек, Тимон дўстлари
Бир йўласи юз ўтириб кетишди бари -
У бор давлатини дафн этиши билан.
Улардан Тимонга фақат бўм-бўш ҳамёнлар
Ва ёлгон қасамлар қолди. У шўрлик эса,
Худди бошпанасиз, аянч гадога ўхшаб,
Ҳамдам бўлиб қолмиш ёлғиз фақирлик билан,
Ҳамма ундан қочар, энди қолган умрини
Сафолатда ўтказди танҳо... Бу ёққа
Келишмоқда магар бошқа хизматкорлар ҳам.

Хизматкорлар киришади.

Ф л а в и й

Бузилган рўзгорнинг синиқ асбоб-анжоми.

У ч и н ч и х и з м а т к о р

Юзингиздан кўраманки, дилдан ҳаммамиз
Тимон хизматига ҳамон камарбастамиз.

Унга хизмат қилиб, яна шу қайғули дам
Дўст-иноқ бўлиб қолдик барчамиз яктан.
Чўкмоқдадир ҳалокатга учраб кемамиз,
Бизлар унда шўрпешона денгизчилармиз.
Қийшайган бир палубада йиғилиб шу чоғ,
Тўлқинларнинг таҳдидига соламиз қулоқ.
Ҳаёт денгизда бизга қижрон муқаррар.

Ф л а в и й

Сўнги бисотимни сизга бўлиб бераман!
Дўст бўламиз доим Тимон ҳурмати учун
Учрашганда эса бошни чайқаймиз аста
Ва муқаррар сўзимиз ҳам янграгай шунда
Унинг мадфун бойлигига жаноза бўлиб:
"Биз кўрганмиз не-не яхши кунларни".

(Уларга пул улашади.)

Ҳар ким
Ўзига бир ҳисса олсин. Қўлингиз чўзинг:
Гарчанд биз қашшоқмиз, лекин хайрлашамиз
Аламларга бойиб.

Хизматкорлар кучоқлашиб тарқалишади.

Қаранг, нақадар азоб
Келтиради шону шуҳрат! Бойлик изидан
Шунча фалокатлар изғиб юришин билса,
Уни лаънатларга кўмиб, сўкмас эди ким!
Ким шуҳратга банда? Айтинг, ким истар бугун
Дўстлик бир туш эканини татиб кўришни?
Ким ўз улуғворлигига булар маҳлиё?
Ахир ўша улуғворлик худди дўстлардек
Пуч, ясама жило билан безанмиш, зеро.
Менинг шўрлик хўжам, энди қулаб умрбод,
Ҳалок бўлдинг саховатинг туфайли, ҳайҳот!
Мен яхшилиқ қилаверай ҳаммага буткул,
Деган кимса гуноҳларга ботаркан, ажаб?
Бас, яхшилиқ деган ўша боқий фазилат
Инсонни мавҳ этар экан, унга бир қадар
Ўхшамоққа ким ҳам энди айлагай журъат? -

Менинг хўжам! Раҳматларга кўмилгандинг сен
Лаънатларга ботмоқ учун, давлатманда эдинг
Мосуво бир гадо бўлиб қолмоғинг учун;
Бойликларинг сабаб бўлди фалокатингга.
Муруватли хўжам, бўйла қабоҳатлардан
Йироқларга қочдинг нафрат-аламга тўлиб.
Қурбинг етмас бугун балки бир бурда нонга...
Мен уни излайман, уни излаб топаман:
Ҳамёнимда бирор чақа қолмагунча то,
Хизматида бўлиб, этай амрини бажо...

(Ketagu.)

Учинчи саҳна

Ўрмон ва денгиз ёқасида ғор. Тимон ғордан чиқади.

О шафқатли қутлуғ қуёш! Замин қаъридан
Чирик балчиқларни буткул юзага чиқар,
Қўланса ҳид билан ёруғ дунёни тўлдир.
Бу дунёда кўз очганлар тенгу баробар
Она қорнида ҳам, ҳатто туғилганда ҳам.
Аммо қисмат пасту баланд айладими, бас,
Омадсизни сиқа бошлар омади ёрлар.
Инсон табиати шундоқ эрур азалдан;
Офат-фалокатлар уни қувиб юраркан,
Яқинига нафратини аён этмаса,
У ўзини бахтиёр деб санамас зотан.
Амалдор ўрнига юпун гадини қўйинг.
Боягина кўп иззатли бўлган сенатор
Шу ондаёқ балоларга бўлади дучор,
Гадо эса топар дарҳол ҳурмат-эътибор.
Эгизакнинг бири бахтдан тўлишиб борар,
Бири муҳтожликда яшар қоқсуяк бўлиб.
Аммо ким у мағрур туриб, қомат букмасдан
Айта олур мардона бир соддалик билан:
"Бу - бир хушомадгўйдир!" деб. Бас, биттасини
Аташдими, атайверинг бошқаларни ҳам.
Ҳали омад карвонининг пойида турган
Баланд чиқиб олганларга хушомад айлар.

Ҳатто олим-донишманд ҳам уялмай-нетмай,
Соҳиби зар бир аҳмоққа бошини эгар.
Ҳамма нарса қинғир-қийшиқ! Лаънати ўша -
Инсон атворида тўғри, расо нима бор?
Фақат расо пасткашлиги унинг - мустасно.
Шундоқ экан, лаънат базму зиёфатларга,
Дунёдаги барча мажлис ва байрамларга!
Тимон севмас ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам,
Одамизод, турқинг қурсин, барҳам топ, барҳам!

(Ерни ковай бошлайди.)

Замин, менга бергил энди илдиэларингни.
Бундан яхшисини кимки изласа сендан,
Заҳри қотил билан сийлаб, унга ором бер...
Нима кўраяшман? Олтин? Наҳот чин бўлса?
Ёниб ярқирайди, яна сап-сарик... Йўқ, йўқ,
Ахир, олтин сўрамадим сиздан, Худолар;
Сўраганим илдиэ эди, илдиэ. Ё фалак,
Бунда олтин керагича етиб ортади -
Қорани оқ қилиб, бўяб кўрсатмоқ учун.
Бундан - хунук гўзал бўлур, ёвузлик - савоб,
Бундан - қўрқоқ ботир бўлур, кекса - навқирон,
Пасткашликнинг оти бўлур олийжаноблик.
Бас, Худолар, нега уни бердингиз менга?
Сиздан ҳатто қоҳинларни айиради у,
Ўлаётган беморларнинг боши остидан
Ёстиқларин тортиб олар. О, мен биламан,
Шу сарик қулвачча кўзни очиб юмгунча
Аҳду паймонларни тузиб, буза олади;
Лаънатланган кимсани у раҳматта кўмар;
Маховни севдирар, азиз этиб ўғрини,
Олий рутба бериб, айлар юксак, муҳтарам
Ва ўтқизар сенаторлар курсисига ҳам.
Қари беваларга норғул куёвлар топар!
Яралардан ғалвир бўлиб кетган фоҳиша,
Фоҳишаки, унинг турқу тароватидан
Касалхона девори ҳам ҳазар қилади -
Шунинг амр-фармони-ла саналур бешак:
Май гулидек тароватли, тоза, муаттар.

Йўқол, турқинг ўчсин, даф бўл, лаъанати металл!
Сен одамга мараз, жумла инсонлар аро
Низо-нифоқ билан қону қиронга сабаб,
Ер остида ёта бер, бас, ўрнинг шу ерда!
Мен устингга яна қалин тушроқ тортаман.

Ҳарбий марш садолари янграйди.

Бу нима, барабан? - Ҳа, сен жони қаттиқсан,
Аммо не қилса ҳам, сени дафн этаман!
Ортингга қайт, ўғри, кўп ҳам жазб этаверма
Ўз посбонларингни... Тўхта! Озгина олай,
Керак бўлиб қолар, зиён этмас ҳар қалай...

(Бир оз олтин олади.)...

Ногора ва карнай садолари остида қуроолланган Алкивиад
киради. Ҳамроҳлари - Фрина ва Тимандра.

А л к и в и а д

Ҳой, сен кимсан?

Т и м о н

Сенга ўхшаб битта ҳайвонман!
Менга қайта бошдан инсон башарасини
Кўрсатганинг учун қалбинг тешилиб оқсин,
Ярага ем бўлсин.

А л к и в и а д

Аммо кимсан? Не учун
Сен, эй инсон, инсонларни ёмон кўрасан?

Т и м о н

Мен севмайман, жирканаман аҳли башардан.
Агар кўшак бўлганингда, балки бир қадар
Сени хуш кўрадим.

А л к и в и а д

Бўлди, кимсан - англадим!
Аммо сенга нима бўлган - билолмяпман.

Т и м о н

Сен ҳам менга таниш. Бироқ бундан бошқасин
Билишни ҳам истамайман. Йўлингдан қолма,
Барабан ортидан юриб, тиним билмасдан,
Инсон қони билан тупроқ - заминни бўя.
Худолар ҳукмию башар амри беомон, -
Бас, не йўсин бўлмови шарт энди қон-қирон?

(Фринага кўзи ташади.)

Манави қиз, айтсам сенга, инсон зотини
Сенинг қиличингдан кўпроқ маҳв эта олур,
Гарчи кўринишда худди фаришта мисол.

Ф р и н а

Лабинг ириб оқсин.

Т и м о н

Қўрқма, сени ўлмайман,
Баски, шундоқ экан, ириб оқмас лабларим,
Лабларингда қолур тамом мараз, илатинг.

А л к и в и а д

Нечук бу аҳволга тушдинг, шавкатли Тимон?

Т и м о н

Қуёшдан айрилган ойга ўхшайман худди,
Ой юзи нур сочмас, нурни акс этар, холос.
Қуёшим йўқ эса, нурни қаёқдан олай?

А л к и в и а д

Сенга нучук ёрдам қилай, муҳтарам Тимон?

Т и м о н

Менинг фикру қарашимни қувватласанг, бас.

А л к и в и а д

Бу нима деганинг, Тимон?

Т и м о н

Айтмоқчиманки, ёрдам ваъда қилавер, лекин ваъдага вафо
қилма; агар ваъда қилмасанг, бу қилмишинг учун Худолар бо-

шинга вабо ёғдирсин! Бордию ваъдага вафо қилсанг, бу қил-
мишинг учун ҳам яна лаънатларга дучор бўлавер!

А л к и в и а д

Кулфатларинг хусусида эшитганим бор.

Т и м о н

Сен уларни кўргансан мен бахтиёр дамлар.

А л к и в и а д

Мен ҳозир ҳам кўряпман. О, у замонлар
Дориломон эди.

Т и м о н

Гала фоҳишалар-ла
Кечаётган давронингдек.

Т и м а н д р а

Ҳа, бу ўшами?
Афинанинг зийнати, деб бутун дунёга
Донғи кетган.

Т и м о н

Бу сенмисан, Тимандра?

Т и м а н д р а

Ҳа.

Т и м о н

Ўлгунингча яшайвергин фоҳиша бўлиб,
Севишмайди, ётишади аммо сен билан;
Ҳа, уларни сенга тақдим айлагани - ҳирс,
Сен уларга иллатларни эттил аргумон.
Бузуқчилик дамларидан фойдаланиб қол,
Қасалхоналарга атаб ҳозирла мижоз,
Табибларга жўнатавер ёш-ялангларни!

Т и м а н д р а

Сен махлуқсан, сени осиб ўлдириш-да оз!

А л к и в и а д

Назокатли Тимандра, уни маъзур тут,
Ақл-ҳуши айнаб қолган фалокатлардан...
Менда ақча оз қолгандир, муҳтарам Тимон,
Аскарларим шундан ҳар кун этишар исён.
Мен эшитиб, беҳад афсус-надомат чеқдим.
Хизматларинг унутибди Афина тамом,
Ахир, унга ёпирилиб келганда душман,
Киргандинг-ку сен ватаннинг жонига ора,
Бойликларинг билан, ўткир қиличнинг билан...

Т и м о н

Барабанингни чал, бундан марҳамат қилиб,
Қорангни ҳам ўчирақол.

А л к и в и а д

Дўстингман, ахир,
Мен ҳолинга ачинаман, азизим Тимон.

Т и м о н

Ачинасан? Ундоқ бўлса, тинчимни бузма,
Бунда танҳо қолмоқчиман.

А л к и в и а д

Хўп, бўлмаса, хайр.
Мана, сенга олтин, майли, бир оз ола қол.

Т и м о н

Менга керак эмас. Уни еб бўлмайди-ку.

А л к и в и а д

Мен такаббур Афинани тупроққа қорсам...

Т и м о н

Магар Афинага юриш қилмоқчимисан?

А л к и в и а д

Балли, Тимон, бу юришнинг сабаблари бор.

Т и м о н

Аввал Афинани ҳалок этсин Худолар,
Кейин - сени.

А л к и в и а д

Нега мени, Тимон?

Т и м о н

Сабабки, ўлдириш билан ярамасларни,
Шаҳримни ҳам топташ сенга насиб айламиш.
Пулларингни бекит. Қани, яқинимга кел.
Мана олтин, ола қол ва тезроқ йўлга туш.
Сайёралар касофати билан туғилган,
Юпитернинг оғусига тамом йўғрилган
Жиноятчи шаҳар узра муаллақ турган
Вабо каби ҳаракат қил, асло аяма.
Ҳа, қиличнинг ҳеч кимсага бермасин омон!
Оқ соқоли нақ кўксига тушган мўйсафид
Учрар эса, шафқат этма зарра: судхўр у!
Раҳм қила кўрма кампир онага ҳам ҳеч:
Кўринишда - ҳалол, аммо аслида - далла.
Қиличнинг тўсолмасин қизлар кўз ёши,
Эркакларнинг назарини панжара оша
Жазб этувчи уларнинг оқ сутдек сийнаси
Шафқат назарига сира муносиб эмас,
Хиёнатнинг заҳри билан тўлган ҳаммаси.
Гўдакларни аяма - ҳа, улар кулгуси,
Кулгичлари нодоғларни ром этар фақат.
Ҳаромилар бу дунёда туғилмиш бешак,
Пайти келиб, бир авлиё-коҳин айтгандек,
Сенга тақдир назарини ташламоқ учун
Уларни бурдала! Чоп, кес!
Шафқатни унут,
Кўзингни ва қулоғингни бекит зирҳ ила.
Токи кўрмагайсан сира чақалоқлару
Қизлар ила оналарнинг кўз ёшларини.
Юрагингни эритмасин қаршингда ётган,
Қуғлуғ жубба кийиб, қизил қонларга ботган,
Тариқатчи руҳонийлар қиёфаси ҳам.

Мана олтин, бўлиб бергил аскарларингга.
Хаммасига қирон сол. Ҳа, қондириб қаҳринг,
Ўзинг ҳам адо бўл. Тамом-вассалом! Йўқол!..

А л к и в и а д

Сенда ҳали олтин борми? Уни оламан,
Рад этаман аммо берган маслаҳатингни.

Т и м о н

Рад этсанг ҳам, этмасанг ҳам - сенга минг лаънат!

Ф р и н а в а Т и м а н д р а

Бизга ҳам бер, бизга ҳам бер! Шафқатли Тимон!
Сенда тагин олтин борми?

Т и м о н

Балли, егади.
Фоҳишани ҳунаридан совутиб тамом,
Қўшмачини бузуқидан айирмоқ учун.
Этагингиз тутинг! Сизга қасам ичирмоқ
Беҳудадир, қасамларни бузасиз фақат.
Гарчанд қасам ичмоққа сиз ҳамиша ҳозир,
Шундоқ қасам ичасизки, қалтирай бошлар.
Қасамингиз тинглаб, кўкда фаришталар ҳам.
Қасам ичманг, шу бўлиши менга кифоя.
Фоҳишасиз, қолаверинг фоҳиша бўлиб;
Ҳа, бордию бирортаси насиҳат айлаб,
Тўғри йўлга солмоқ бўлса - уни ҳам тортинг
Разолатга, қўзганг уни, ҳирсини ёқинг;
Оловингиз босиб кетсин унинг дудини,
Фақат сира уча кўрманг насиҳатларга.
Шундоқ меҳнатингиз учун йилда олти ой
Оро беринг ўзингизга. Фисқу фужурдан
Туклари тўкилиб, усти тепакал бўлган
Бошингизнинг ўртасига чапанг сохта соч,
Майли, улар мурдаларнинг сочидир балким,
Балки, кесиб олингандир осилганлардан.
Зарари йўқ, тақаверинг, соддадилларни
Аҳмоқ қилиб, машғул бўлинг бузуқчиликка.

Юзингизга сурканг уша-эликларни то,
Ботиб кетсин унда юрган отлар ҳам ҳатто,
Ажинлардан из қолмасин!

Ф р и н а в а Т и м а н д р а

Бўпти, биз рози!
Бизга кўпроқ бергил. Яна нима истайсан?
Биз пул учун ҳаммасига розимиз.

Т и м о н

Сочинг -

Иллатларни эркакларнинг пўк танларига,
Токи дармонсизлик этсин уларни адо.
Токи манқа бўлиб қолсин адвокат - тулки,
Қора ишларни чинқириб ёқловчи олчоқ.
Таннинг майлу эрмакларин ҳаром санаган,
Аммо ўзи сўзига ўзи амал этмаган
Аҳли дину диёнатга юқтиринг мараз.
Ҳа, бузинг, ўз фойдасини яккаш ўйлаган,
Лекин умум манфаатин ўйлаб кўрмаган
Кимсаларнинг бурунлари ўйилиб тушсин.
Жингалаксоч пасткашларни кал қилиб қўйинг,
Олиймақом мақтанчоқлар қавмига тамом
Уруш очинг ва етказинг заҳмату зиён.
Ҳаммасини маразларга этинг гирифтор,
Одамизод уруғини қуритинг зинҳор!
Мана сизга тилло - этинг барини ҳалок,
Адо этиб, адо бўлинг ўзингиз сўнгра,
Ё Раб, сизга қабр бўлсин - сассиқ бир ўра.

Ф р и н а в а Т и м а н д р а

Бер, беравер, хўжам, бизга маслаҳатингни,
Тиллонгни ҳам.

Т и м о н

Йўқ, сиз аввал ишни бажаринг,
Ҳар қадамда бунёд этинг ёвузлик, иллат,
Шунга гаров бердим.

А л к и в и а д

Чалинг барабанларни,
Афинага юрамиз! Хўп, хайр, эй Тимон!
Ўзузурингга қайтаман, гар омадим келса.

Т и м о н

Ҳа, агарда кўришмасак, кўрмасам сени,
Омадимнинг келгани, деб биламан буни.

А л к и в и а д

Мен ёмонлик қилмадим-ку сенга.

Т и м о н

Йўқ, қилдинг,
Мени мақтаб.

А л к и в и а д

Наҳот шуни гуноҳ санасанг?

Т и м о н

Ҳа, санайман, бунга далил - менинг тажрибам,
Қани, даф бўл, олиб жўна итларингни ҳам.

А л к и в и а д

Биз гашига тегяшмиз унинг! Барабан!..

Барабанлар чалинади. Алкивиад,

Фрина ва Тимандра кетишади.

Т и м о н

Ажабмасми, инсонларнинг қабоҳатига
Шундоқ тўйиб кетган киши яна оч қолса!

(Ерни кавлайди.)

Эй, сен тамом тирикликка она, табиат,
Сенинг тубсиз қорнинг, ҳориб-чарчамас сийнанг
Жаҳонда бор тирик жонга берар насиба.

Бир матоҳдан яратасан такаббур боланг -
Мақтанчоқ ва шуҳратпараст пучак инсонни,
Қора бақа, совуқ калтакесакларни ҳам,
Заҳарли кўр қуртлар ва кўк илонларни ҳам,
Ҳиперион оловидан ёришиб турган
Осмон остидаги барча бало-баттарни.
Инсонларга нафрат билан боққан кимсага
Сен бағрингдан биттагина илдииз ато қил,
Кел энди, серунум, серпушт қорнингни қурит,
Токи у туғмасин инсон - кўрнамакларни.
Айиқлар, шу мрамор фалак сира кўрмаган
Махлуқларга, табиат, сен ҳаёт бағишла!
Мана илдииз! Она замин, сенга ташаккур!
Инсон омоч билан галвир қилиб ташлаган
Барча узумзорлар, дала ва ўтлоқларни
Қурғоқчилик балосига эттил гирифтор.
Токи у кўрнамак овқат топа билмасин,
Шароб тополмасин, тиниқ ақлини булғаб,
Қалби, эс-ҳушидан маҳрум бўлмасин асло.

Апемант киради.

Яна одам келди. Вабо кўтарсин! Вабо!

А п е м а н т

Мени сенга юборишди. Мишмишлар юрар,
Ки сен энди менга ўхшаб яшар эмишсан.

Т и м о н

Ҳа, афсуски, сен ўзингга қоровул қилиб
Кўппак сақламайсан, жон деб ўрнак олардим -
Бу ишингдан. Бўғилиб ўл!

А п е м а н т

Ошираверма!

Тақдир зарбасига дучор бўлганинг учун
Бошинг букиб ўлтирибсан шармандаларча.
Нечук сенга бу мағора? Ва бу белкурак?
Бу паришон қиёфа? Бу жулдур кийим-бош?
Хушомадгўйларинг шоҳи кийиб юрибди,

Шароб ичиб, юмшоқ-юмшоқ партўшакларда
Ағанашар атирларга кўмилиб буткул;
Бу дунёда бир замонлар Тимон деганнинг
Яшаганин унутишган аллақачонлар.
Одамзодга сен ўзингни душман кўрсатиб,
Қўймоқдасан шу ўрмонга доғи маломат.
Ундан кўра, сен ҳам битта хушомадгўй бўл,
Хушомадгўйларни ўлдир хушомад билан.
Эгил-букил, хўжайиннинг оёқларига
Бошингни қўй, унга худди ит каби суйкан;
Кўпиртириб мақта унинг нуқсонларини.
Сенга шундоқ қилишганди ахир, сен эсанг,
Соддадил бир меҳмонхона эгаси бўлиб,
Меҳмонга чорладинг ўтган-кетган олчоқни.
Шундоқ экан, муттаҳам бўл сен ҳам, ҳа демай,
Аввалгидек тагин бойиб кетасан, яна -
Бисотингни улашасан муттаҳамларга.
Аммо-лекин менга сира ўхшайман дема.

Т и м о н

Сенга ўхшайман? Йўқ, агар сенга ўхшасам,
Ўз-ўзимдан воз кечаман.

А п е м а н т

Воз кечиб бўлдинг
Сен ўзингдан ўзинг соҳиб ихтиёр кунлар.
Узоқ вақтлар сен жиннилик қилиб, оқибат
Бугун аҳмоқ бўлиб қолдинг. Сен ўйлайсанки,
Магар шовиллаган совуқ шамол - малайинг
Кўйлагингни илитарми, ё бургутлардан
Қолган бу дарахтлар сенга маҳрам ёлланиб,
Изларингдан югурарми энгашиб? Магар
Мавжларида муз парчалар оққан шу анҳор
Ишратдан сўнг оғзингдаги аччиқ тахирни
Тарқатувчи шарбат ўрнин боса олурми?
Қаҳри қаттиқ самоларга бўйин эгмаган
Жумла яланғочлар, жумла паноҳсизларни
Хузурингга чақир, машаққатларга собир,
Аммо табиатта содиқ бўлган барчани,

Менга хушомад қилинг, деб амру фармон бер,
Шунда кўрасанки...

Т и м о н

Сен бир нодонсан. Йўқол!

А п е м а н т

Менга аввалгидан кўпроқ ёқасан.

Т и м о н

Сен жирканчсан аммо менга аввалгидан ҳам.

А п е м а н т

Сабаб?

Т и м о н

Қашшоқликка сажда қиласан.

А п е м а н т

Ёлон,

Мен ростини айтаман: сен - қўрқоқсан.

Т и м о н

Нега

Мени излаб топдинг?

А п е м а н т

.Жаҳлинг чиқармоқ учун.

Т и м о н

Бу олчоқ ва аҳмоқларга муносиб бир иш,
Шундан лаззат топасанми ўзингга жилла?

А п е м а н т

Ҳа, лаззат топаман шундан.

Т и м о н

Демак, олчоқсан.

А п е м а н т

Машаққатли ҳаёт тарзин танлаганингда,
Гурурингни жиловлашни этсайдинг ният,
Баракалла, дердим. Аммо-лекин бу йўлга
Сен ўз ихтиёринг билан қўймадинг қадам.
Амалдор бўлардинг яна - гадо бўлмасанг.
Пучак ҳашаматдан матлуб қашшоқлик дуруст.
Умри узун бўлар унинг, охири бахайр.
Гарчи эҳтиёж дегани чексиздир, аммо
Қашшоқлик оз нарсага ҳам қилур қаноат.
Қаноатсиз бойлик - кони машаққатдир, у
Қаноатли қашшоқликдан юз карра ёмон.
Аянчдир аҳволинг, беҳад аянчдир ишинг,
Мумкин фақат ўз-ўзингга ўлим тилашинг...

Т и м о н

...Ҳа, тилашим мумкин, аммо бунинг сабаби
Бошқачадир, эй меңдан ҳам аянчли одам.
Сен шўрлик бир қулсан, буни тушунармидинг!
Тақдир сени мурувватли кўллари билан
Силаб-сийпамаган асло, сира қучмаган.
Итдек уриб, савалаган. Сен ҳам агарда
Худди менга ўхшаб айни болалигингдан
Сурсанг эди поя-поя ҳаёт роҳатин,
Турса эди бир тўп малай амрингга ҳозир, -
Бошинг билан разолатга ботар эдинг сен,
Ёшлигингни бағишлардинг фоҳишаларга,
Ақлу идрок сўзларига солмасдинг қулоқ,
Роҳатингни кўзлар эдинг. Аммо мен учун
Олам эди мисоли бир қандолатхона:
Менга қанча тиллар, диллар, кўзлар, офизлар
Хизмат қилишарди, баъзан билолмас эдим
Уларга не амр-фармон этишимни ҳам.
Гўёки мен улар билан қопланган эдим,
Эманни барг қоплагандек; изгирин шамол
Қўзғолдию тўзиб кетди япроқлар ҳар ён;
Мен бўронлар ичра ёлғиз, яланғоч, ҳайрон
Туриб қолавердим, умрим роҳатда эди,
Машаққатлар келиб энди елкамга минди.

Сенинг умринг маҳрумият билан бошланган,
Сен уларда тоблангансан. Бас, нечун энди
Одамларга нафрат билан боқасан. Ахир,
Улар сенга хушомадлар айламаган-ку?
Сен уларга нима бердинг? Агар бировга
Лаънат ёғдирмоқчи эсанг, отангга ёғдир,
Ўша ифлос гадо балки ёмон соатда
Топишгандир ўзидек бир тиланчи билан,
Кейин сендек бенавони яратиб қўйган.
Йўқол! Агар тубан бўлиб туғилмасайдинг,
Маккор ҳамда хушомадгўй бўлардинг сен ҳам!

А п е м а н т

Сен ҳали ҳам мағрурмисан?

Т и м о н

Балли, мағрурман,
Сабабки, мен - сен эмасман.

А п е м а н т

Мен ҳам мағрурман,
Сенга ўхшаб бир исрофгар бўлмаганим-чун.

Т и м о н

Мен мағрурман - ҳамон шундоқ бўлганим учун.
Агар бор бойлигим ўзинг бўлганигда ҳам,
Мен осишга буюрардим сени! Кет, йўқол!

(Илдиз чайнайди.)

Афина ҳаёти бунда жам бўлганда ҳам
Қараб турмас эдим, уни ямлаб ютардим.

А п е м а н т

(Унга иккита илдизни узатиб.)

Ол, яна-да қуюқроқ қил зиёфатингни.

Т и м о н

Сен йўқолсанг бундан, менинг вақтим хуш бўлар.

А п е м а н т

Йўқ, мен йироқ кетиб сандан, вақтимни хушлай.

Т и м о н

Йўқ, вақтингни хушламайсан, нохуш этасан,
Шундоқ бўлишига, билсанг, мен ҳам орзуман.

А п е м а н т

Афинага тилагинг не? Тилагингни айт.

Т и м о н

Афинадан шамол бўлиб учиб ўтгайсан.
Гар истасанг, бориб айтти, менда олтин бор.
Қара, мана улар...

А п е м а н т

Бунинг не фойдаси бор?

Т и м о н

Фойдаси кўп. Ёвузликка этмайди хизмат.

А п е м а н т

Ҳа, кечаси сен қаерда тунайсан, Тимон?

Т и м о н

Шу дарахт остида. Қайда овқатланасан
Кундуслари ўзинг?

А п е м а н т

Қайда учраса овқат.

Т и м о н

Оҳ, заҳарга буйруқ бериш мумкин бўлсайди...

А п е м а н т

Буйруқ бериб, уни қайга бошлардинг, Тимон?

Т и м о н

Овқатингга йўнатардим уни, Апемант.

А п е м а н т. Сен ҳаётда меъёр нима, сира билмайсан, нуқул ишинг ошиб-тошиш. Сен заррин ва муаттар кийимлар кийганингда одамлар, ҳаддан зиёда назокатли, деб сендан кулишарди. Бугун жулдур кийиниб, ҳашаматдан жудо бўлдинг, энди одамлар дағал, назокатсиз, деб сендан нафратланишади. Мана сенга, олча, оле.

Т и м о н. Мен хуш кўрмаган нарсамни емайман.

А п е м а н т. Олчани хуш кўрмайсанми?

Т и м о н. Ҳа, у сенга ўхшаш чучмал.

А п е м а н т. Ҳа, сен олдинроқ чучмал хушомадгўйларни хуш кўрмаганингда бугун ўзингга кўпроқ хуш ёқардинг. Сен бор бисотидан маҳрум исрофгарни севишганини сира кўрганмисан?

Т и м о н. Сен эса, ўзинг ҳозир айтганингдек ҳеч вақосиз кимсани севишганини сира кўрганмисан?

А п е м а н т. Мен шундоқ одамман.

Т и м о н. Сени тушунаман: сенинг ит сақлашга қурбинг етар эди.

А п е м а н т. Сенингча, дунёда ким кўпроқ сенинг хушомадгўйларингга ўхшайди?

Т и м о н. Хотинлар. Аммо эркакларнинг ўзлари, - хушомад. Агар ҳукмингга бўлса, дунёни сен нима қилардинг, Апемант?

А п е м а н т. Уни йиртқич ҳайвонларга ем қилиб, одамлардан тозалардим.

Т и м о н. Одамлар билан одамчасига яшашдан кечиб, ҳайвонлар билан ҳайвончасига яшашга рози бўлармидинг?

А п е м а н т. Ҳа, Тимон.

Т и м о н. Мана буни ҳайвоний иззатталаблик деса бўлади! Тангрилар сени ниятингга етказсин! Шер бўлсанг, тулки сени алдаб кетарди; қўзи бўлсанг, тулки сени еб қўярди. Тулки бўлсанг, эшак шикоят этса ҳам, шер сендан гумонсирарди. Эшак бўлсанг, аҳмоқлигинг азобини чекиб, бўрига ем бўлардинг. Бўри бўлсанг, очкўзлигинг бошингга етиб, қопқонга тушардинг. Манглайида шох битган от бўлганингда эса маррурлигинг ва қаҳр-ғазабинг туфайли адо бўлардинг. Айиқ бўлсанг, от ёки қоплон оёғи остида ўлардинг. Қоплон бўлсанг, арслонга қондош бўлардинг ва ана шу қондошлик белгиси бўлган доғ-

лар сенга ўлим ҳукмини чиқарарди. Бир ерда турмай у ёқдан-бу ёққа зир югуриб, жон сақлардинг. Бошқа бир ҳайвонга бўйсунмасдан, нечук ҳайвон бўлардинг? Ҳозир нечук бир ҳайвондирсанки, минг сувратга кирганинга ҳам ютқизишинга ақлинг етмай турибди?

А п е м а н т. Ўз суҳбатинг билан мени хурсанд қилмоқчи эсанг, ҳозир айни фурсати. Афина ўрмонзорга айланган, ичи тўла йиртқичлар.

Т и м о н. Қандай қилиб эшак деворни тешибдики, сен шаҳардан ташқарига чиқибсан?

А п е м а н т. Шоир билан рассом бу ёққа келишяпти. Илоё, улар сенга вабо келтирсин! Менга юқиб қолмасин, деб бу ердан жўнайман. Бошқалар билан ишим биттач, ёнингга қайтаман.

Т и м о н. Дунёда энг сўнгги инсон бўлиб ўзинг қолганинга, марҳамат, келавер. Мен Апемант бўлгандан, гадонинг ити бўлишга жон деб рози бўлардим.

А п е м а н т. Сен учтига чиққан авомсан!

Т и м о н

Мен афсусланаман,
Тупурадим юзинг бир оз тоза бўлганда.

А п е м а н т

Сен ҳаттоки тубандирсан лаънатлардан ҳам.
Сени вабо кўтарсин!

Т и м о н

Ҳа, истаган аблаҳ
Сенга қиёс этиларкан - маъсум кабутар.

А п е м а н т

Даҳшатли бир мараз бўлмас сўзларинг қадар.

Т и м о н

Мен номингни аранг тилга олдимми, тамом,
Қалтаклагим келар сени, лекин қўрқаман -
Қўлларимни булғашдан.

А п е м а н т

Шу қарғишларимдан
Илоё, қўлларинг қуриб, шол бўлиб қолсин.

Т и м о н

Йўқол! Даф бўл кўзимдан, эй аянч итвачча!
Бўғилиб ўл, нега тирик юрибсан ҳануз.
Башарангни кўрсам, кўнглим айнайди!

А п е м а н т

Сен-чи,
Сен илоё, ёрилиб ўл!

Т и м о н

Йўқол, беномус!

(Унга тош отади.)

Сенга тош ҳам ҳайф!

А п е м а н т

Ҳайвон!

Т и м о н

Қулсан!

А п е м а н т

Газанда!

Т и м о н

Сен пасткашсан ва лаинсан, ярамас, олчоқ!

Апемант бир чеккага чиқади.

Ёловчи бу дунёни мен ёмон кўраман!
Унда бирор нарса кўнглим жазб эта олмас,
Ҳаттоки, энг зарури ҳам. Хулласи калом,
Тимон, ҳозирлигингни кўр, қабрни шайла,
Унда ором олажаксан, қабринг пойига
Шовиллаб, бош уриб турсин денгиз баралла,
Ўлиминг тошга уйилган сўзлари билан
Инсон ҳаёти устидан урсин қаҳқаҳа.

(Олтинга тикилади.)

О сен, подшоларнинг ширин забон қотили,
Ота-ўғил орасини бузувчи қурол!
Эр-хотиннинг пок, мусаффо тўшақларини
Булғатувчи ялтираган ҳийлаи аъмол!
Баҳодир Марс! Сен ҳамиша ёшсан, навқирон;
Диананинг тиззалари устида ётган
Қутлуғ қорни ўзининг нур - талъати билан
Эритувчи меҳрибон ва суюкли куёв.
Сен, доимо кўзимизга кўринган Худо,
Туташмаган қутбларни туташтирувчи,
Сен истаган масалада олиму доно
Ва истаган тилда сўзлаб, баён этувчи.
О, юраклар синовчиси, тасаввур айла,
Аянч инсонлар барчаси, сенинг қулларинг
Бирдан исён кўтаришар оёққа қалқиб!
Сен уларни орасига низо сол, низо,
Ки оқибат ҳайвонларга қолсин шу дунё.

А п е м а н т

(Олдинга чиқиб)

Майли, шундоқ бўлсин менинг ўлимимдан сўнг.
Бориб, сени бой-бадавлат, дея айтаман,
Шу ондаёқ ҳузурингга ёғар оломон.

Т и м о н

Нима? Оломон дейсанми?

А п е м а н т

Балли.

Т и м о н

Кет, йўқол!

А п е м а н т

Яша, қашшоқликнинг роҳат-нашъасини сур.

Т и м о н

Шу ҳолингга яшаб, сен ҳам силланг қуриб ўл!

Апемант кетади.

Ҳайтовур тинчидим. Аммо шошмагил яна
Одамсимонларми, дейман? Тезроқ е, Тимон,
Сен уларнинг ҳаммасига лаънатинг ёғдир!

Қароқчилар киришади.

Б и р и н ч и қ а р о қ ч и. Қаёқдан ҳам унда олтин
бўлсин? Эҳтимолки, аввалги бисотининг оқавасидир. У
олтинлари тугаб, дўстлари ундан юз ўгиргани туфайли қайғу-
алам чекиб юрибди-ку.

И к к и н ч и қ а р о қ ч и. Аммо ҳамма бир оғиздан,
унда бойлик беҳисоб, дейишмоқда.

У ч и н ч и қ а р о қ ч и. Унинг ўзидан суриштириб
қараймиз. Қизганмаса, гапни чувалатмай, ўзи бераверади.
Бордию зиқналик қилса-чи? Унда олтини қандай оламиз?

И к к и н ч и қ а р о қ ч и. Тўғри! Ҳойнаҳой, олтинни
у яшириб қўйган бўлса керак, ўзи билан олиб юрмайди-ку.

Б и р и н ч и қ а р о қ ч и. Анави ўшанинг ўзи эмасми?

Ҳ а м м а

Қани-қани?

И к к и н ч и қ а р о қ ч и

Кўринишидан, ўшанинг ўзи.

Ҳ а м м а

Ассалому алайкум, Тимон.

Т и м о н

Ўғрилар, не керак сизга?

Ҳ а м м а

Бизлар ўғрилармас,
Аскарлармиз.

Т и м о н

Сиз ҳам ўғри, ҳам аскар ҳамда
Хотинларнинг ўғиллари.

Ҳ а м м а

Йўқ, биз ўғримас,
Муҳтожликка тушган қашшоқ - бечоралармиз.

Т и м о н

Сизга битта нарса - кўпроқ овқат бўлса, бас,
Мана қаранг, ерда қанча тўйимли иддиз.
Бир чақирим масофада юзтача булоқ,
Эманларнинг шохларида маржондек ёнғоқ,
Наъматакнинг меваси ҳам қизариб пишган,
Табиат бир саховатли уй бекасидек,
Сиз атаб ҳар бутоқда дастурхон тузган.
Хўш, нимага муҳтожсиз?

Б и р и н ч и қ а р о қ ч и

Биз қушларга ўхшаб,
Ё ҳайвон, ё балиқ каби ёлғиз ўт, мева
Ва сув билан тирикчилик қила олмаймиз.

Т и м о н

Ҳайвон, балиқ, қушларни ҳам еёлмайсизми?
Биламан, сиз одамхўрсиз. Шунга ҳам балли.
Ўзингизни фариштадек тутмайсиз сипо,
Яширмайсиз, ўғирлайсиз аён-ошкор,
Ахир, бизда қонун билан билан ўзни бекитиб
Юрадиган ўғриларга иззат-эътибор.
Хўш, ҳақиқий муттаҳамлар, ўғрилар, олинг,
Мана сизга 'олтин. Безгак қақшатиб сизни,
Жонингизни олмас экан ва сиртмоқдан ҳам
Халос этмас экан, ичинг, шароб сипқоринг.
Табибларга ишонманг: ҳа, уларнинг буткул
Дори-дармонлари заҳар. Сиз-ку бир ўғри.
Улар эса қанча одам ўлдирган. Олинг -
Бу пуллар-ла инсонларнинг ҳаётини ҳам,
Жиноят устига яна жиноят қилинг;
Бу ўз ҳунарингиз, ахир. Биз кўрамизки,
Ҳаммаёқда талончилик ҳукм суради.
Қуёш - ўғри боши, тортиш қуввати билан

Чексиз уммон неъматига човут солади.
Ой ҳам безбет ўғри хоним: сўник нурини
У қуёшдан ўғирлайди. Уммон ҳам ўғри:
Ойни у шўр кўз ёшига чўмилтиради,
Кейин унинг шабнамани сўриб олади...
Ер ҳам худди шундай ўғри. Ахир, гўнг билан
Боқар туқанини, ўша ўғирланган гўнг -
Ҳайвонлар ва инсонларнинг нажосатидан.
Бу дунёда ҳамма - ўғри! Қонун дегани
Гарчи сизга қамчи, бўғов ва лекин ўзи
Форат қилар қудратига таяниб чунон.
Йўқол ҳамманг! Аямасдан бир-бирни талант,
Ўзингиздан нафратланинг. Ҳа, мана олтин:
Олинг яна, учраганни сўйинг, бўғизланг.
Унутмангким, учраганнинг бариси - ўғри.
Афинага учинг! Бузиб, шип-шийдом қилинг -
Дўконларни, сиз талайсиз талончиларни.
Ҳа, дарвоқе, сизга олтин бердим, шу важдан
Талончилик, ўғриликни зарра камайтманг.
Ҳалок этсин ўша охир-оқибат сизни.
Омин!

(Форга киради.)

У ч и н ч и қ а р о қ ч и. У ўғрилик қил, дейди-ю, аммо,
уни эшитиб, ўғриликдан сал бўлмаса, кўнглим қолаёзди.

Б и р и н ч и қ а р о қ ч и. Ҳа, у буни инсонларга
нафрати туфайли айтди. Аслида бизнинг кирдикорлари-
миз билан икки пуллик иши йўқ.

И к к и н ч и қ а р о қ ч и. Мен табибга ишонгандек,
унга ишондим, энди бу ҳунарни ташлайман.

Б и р и н ч и қ а р о қ ч и. Сабр қилайлик. Афина
тинчисин. Киши истаган маҳал, ҳатто энг расво пайтида
ҳам ҳалол бўла олади.

Кетишади.

Флавий киради.

Ф л а в и й

О Худодар! Наҳотки шу аянч, бенаво
Афтодаҳол киши - менинг хўжайинимдир?
О, қанчалар чўкибди у! Маҳорат билан
Яратилган ажиб ҳайкал шунча хору зор!
Бир замонлар олийжаноб бўлган чехрасин
Ажинларга тўлдирибди овир муҳтожлик!
Ўз дўстини фалокатлар сари итарган
Кишидан ҳам тубанроқ бир аблаҳ бормикан?
Баски, шундоқ экан, не тонг, ҳунари риё -
Дўстлардан биз душманларни санасак аъло?
Менга деса, ичи қора сохта улфатдан
Беҳад афзал эрур очиқ-ошкора душман.
Мени сезиб қолди... Дилда бор ҳасратимни
Ҳозир тўкиб солай унга. У менинг хўжам,
Унга хизмат қилай яна садоқат билан.

Тимон гордан чиқади.

Азиз, шафқатпаноҳ хўжам!

Т и м о н

Йўқол, Сен кимсан?

Ф л а в и й

Наҳот! Танимадингизми?

Т и м о н

Нега сўрайсан?

Мен жамики инсонларни унутдим тамом,
Сен инсонсан, унутганман демак сени ҳам.

Ф л а в и й

Мен бечора, ҳалол хизматкорингиз.

Т и м о н

Демак,

Менга нотанишсан... Ҳалолларни билмайман.
Дастурхоним атрофида жумла аблаҳга
Хизмат қилганларнинг бари ярамас эди.

Ф л а в и й

О, Худолар шоҳид, ҳали бирор хизматкор
Хўжасининг қисматига шунча куймаган,
Мен сизга куйгандек.

Т и м о н

Нима? Йиғлаяпсанми?

Унда, қани, яқинроқ кел. Юрак-бағри тош
Эркак удумини бузиб, хотин бўлганинг -
Учун менга ёқиб қолдинг, ахир, эркаклар
Ёш тўкишар ҳирс зўридан ёки кулгидан:
Меҳр-шафқат яшириндир уларда... Қизиқ!
Кулгидан йиғлаймиз, вандан йиғламаймиз, йўқ.

Ф л а в и й

Мени таний қолинг, хўжам! Ишонинг, дилдан
Сизга куйинаман! Менга этинг ижозат,
Бисотимда борим адо бўлгунича то -
Шунда қолиб, хизматингиз этайин адо.

Т и м о н

Наҳот! Шундоқ хизматкорим бўлганми чиндан?
Ҳалол ва меҳрибон, содиқ? Тош бўлиб қотган
Юрагимни сен юмшатдинг бир оз. Ҳай, шошма,
Юзингга бир боқай-чи мен. Тўғри шубҳасиз,
Хотин бўлиб туғилган у! - Оқил Худолар,
Маъзур тутинг мени, сира сўрамай-нетмай,
Бор дунёни ҳаром дея этибман ҳукм.
Йўқ, ҳалол бор экан, бунӣ эътироф этгум,
Биттагина ҳалол, хато қилманг, Худолар,
Фақат битта! У ҳам бўлса - хизматкор холос.
О, мен ҳаммангиздан ҳазар этмоқчи эдим!
Аммо-лекин сен ўзингни оқладинг. Майли,
Сендан бўлак барчасига лаънатлар бўлсин!
Сен ҳалолсан, лекин унча оқил эмассан:
Мени сотсанг, шу ондаёқ бошқа бир хизмат
Топар эдинг, кўпинча бир хўжани алдаб,
Иккинчи бир хўжайинга бўлишар малай.

Менга ростини айт - зеро, ҳаммаси аниқ,
Равшан бўлганда ҳам гумонсирашим даркор, -
Садоқатинг замирида нималар ётар?
Очкўзликми? Гаразли бир ният? Манфаат?
Бадавлатнинг эҳсонига ўхшамасми бу,
Бадавлатки, бир нарсани совға этиб у.
Йигирма бор ортигини кўзлайди фақат...

Ф л а в и й

Йўқ-йўқ, азиз хўжам! Афсус, афсус, жуда кеч
Қалбингизга кирди бўйла шубҳа ва гумон.
Эвоҳ, сал эртароқ шубҳа қилсангиз эди,
Базму зиёфатлар авжга чиққан замонлар!
Аммо шубҳа-гумон келди кечикиб, ҳайҳот,
Сиз тамомий нарсангиздан айрилган маҳал.
Йўқ, менга амр этган менинг виждоним, холос,
Сизга бўлган садоқатим, бурчим мусаффо
Ва бемисол қалбингизга меҳру ихлосим.
Истайманки, сизга жиндак бўлсам мададкор,
Турмушингиз ташвишини чексам... Ишонинг,
Менинг азиздан ҳам азиз, иззатли хўжам,
Мен ҳозирги ва келажак бор омадимни
Икки қўллаб берар эдим, кошкийди яна
Сизга қайтса эди ўша бойлик ва шуҳрат,
Ўзимга зўр мукофот деб билардим буни.

Т и м о н

Худди шундоқ бўлди! Эй, шу ёруғ дунёда
Яккаю ягона ҳалол одам, мана, ол!
Худовандлар раҳм қилиб қашшоқлигимга,
Сенга тугал бир хазина этишди нисор.
Хўш, бор энди ва омадга ёр бўл ҳамиша.
Сенга ёлғиз бир шартим бор: одамлардан қоч!
Дунёдаги бор инсондан жиркан, ҳазар қил!
Ҳаммасига лаънат ўқи! Шафқатни унут,
Хайр сўраб адо бўлсин пойингда гадо,
Аммо бурда нонинг унга кўрмагил раво.
Итларга бер инсонларга бермаганингни.
Турмаларда чириб кетсин одамлар! Тоқим

Қарзга ботиб, тупроқларга қоришсин улар!
Эй одамзод, қовжираган ўрмон бўл, ўрмон!
Касалликлар инсонларга бало келтирсин,
Улардаги қаллобликка хотима берсин!
Хайр, бахтли бўл!

Ф л а в и й

О, хўжам, ижозат этинг,
Ёнингизда қолиб, сизга берай тасалли!

Т и м о н

Лаънатларга қолмай десанг, кўзимдан йўқол.
Қисмат ёрлақасин, сени одам зотига,
Мени эса сенга сира этмасин дучор...

Иккови икки ёққа кетади.

БЕШИНЧИ ПАРДА

Биринчи саҳна

Ўрмон. Тимон ғорининг олди.

Шоир ва рассом киради. Тимон ғор ичидан уларни кузатади.

Р а с с о м. Айтишларига қараганда, у мана шу яқин атрофда эмиш.

Ш о и р. Ишонишга ҳам ҳайронсан киши. Унда олтин кўп дейишади, ростмикин?

Р а с с о м. Шубҳасиз. Алкивиаднинг ўзи айтди; Фрина билан Тимандра ундан олтин олишган, бунинг устига, у қашшоқ, паноҳсиз аскарларни ҳам бойитган. Айтишларича, у бошқарувчисига ҳам катта маблағ берганмиш.

Ш о и р. Бундан чиқди, унинг синиши ёлғондакам бўлиб, фақат дўстларини синаш учун экан-да?

Р а с с о м. Ҳа, худди шундоқ. Мана кўрасиз, у яна Афинага қайтиб, худди хурмога ўхшаб гуллаб-яшнай бошлайди. Бас, шундоқ экан, бошига ёлғондакам фалокат тушган бўлишига қарамай, унга меҳр-муҳаббат арзу ниёз этсак, ёмон бўлмас. Бу билан ўз ҳалоллигимизни кўрса-

тамиз ва эҳтимолки, унинг бойлиги ҳақида миш-мишлар
рост бўлса, чеккан заҳматимиз ҳам мукофотсиз қолмас.

Ш о и р. Сиз унга нима тақдим этмоқчисиз?

Р а с с о м. Бу гал ташрифимдан бўлак ҳеч нарса. Мен
унга ажойиб бир расм ваъда этаман, холос.

Ш о и р. Мен ҳам шундоқ қиламан, унинг ҳақида бир
достон ёзиш ниятим борлигини айтаман.

Р а с с о м. Жуда соз! Ваъда бериш - давримиз
руҳига мос. У интизорлик кўзларини очади. Уни бажариш-
га келсак, бу - дардисар бир иш, бу билан содда ва ахлоқ-
ли кишиларгина шуғулланади. Ваъда бериш дилбар ва за-
монавий машғулот, ваъдани бажариш эса - васиятнома
ёзишдек гап: хастанинг ночор аҳволдан далолат беради.

Тимон ғордан чиқади.

Т и м о н (*четга.*) Ҳай, уста рассом! Чизаман десанг,
ўзингдан тасқарасини излаб тополмайсан.

Ш о и р. Бир ўйлаб кўрайлик-чи, унга нималарни ваъда
этиш мумкин. Достон унинг ўзини тасвирлаши ва бой-бадав-
лат кишиларнинг кўнгилчанлигини ҳажв остига олиши лозим,
ёшлик ва бойлик изидан қувган хушомадгўйларни эса фош
этиб ташлаш даркор.

Т и м о н (*четга.*) Сен ўзингни ўз асарингда тубан этиб
тасвирламоқчисан? Ўз иллатларингни бошқалар орқали
фош этмоқчимисан? Майли, шундоқ бўла қолсин. Менда
сен учун тилла топилади.

Ш о и р

Йўқ, яхшиси уни тезроқ излаб топайлик,
Ахир, ўз фойдангни қўлдан чиқариб қўйиб,
Кейин ўзинг ҳамёнингга қоласан қуйиб.

Р а с с о м

Балли.

Кундуз ёруғида изла нарсани

Аммо кеча зулматида излама уни,

Кетдик.

Т и м о н

(Четра.)

Шошманг, ҳали сизни шундай қарши олайки!..
О, сен, олтин, қандай қодир Худосан магар,
Чўчқахонадан ҳам ифлос шу бутхонада
Келиб сенга сифинишиб, этишар сажда!
Денгизларни шудгор қилиб ҳайдагувчи сен,
Кемаларни йироқларга бошлагувчи сен,
Сен туфайли аянч қуллар соҳиби иззат.
Майли, иззат-эҳтиромда яшайвер фақат,
Сенинг содиқ ва тинчимас қулларинг зинҳор
Қўрқинч бало-офатларга бўлишсин дучор.
Мен уларни қарши олай!

(Олдинга чиқади.)

Ш о и р

Сахий валинеъматимиз, азиз, жонажон,
Ассалом алайкум.

Т и м о н

Ё раб, тушимми - ўнгим?
Икки ҳалол кимсани мен наҳот учратдим?

Ш о и р

Бизга қанча яхшиликлар қилдингиз, бегим!
Биз эшитдик тарки дунё этганингизни,
Хоин дўстлар кетишибди тарк этиб сизни.
‘О, инсонлар, онкўрликдир номингиз таъмом!
Аянч махлуқларсиз! Сизга топилмас асло
Қилмишингиз учун лойиқ интиқом – жазо!
Бу қандай гап, ахир! Сизни, юлдуздек порлоқ
Ҳиммати ҳаёт ва нуфуз берган кимсани,
Уялмасдан, бир йўла тарк этишибди-я!
Ғазабим қайнайди, йўқ, мен сўз тополмайман
Бу хиёнат тасвирининг либоси учун.

Т и м о н

Либосга буркама уни, яланғоч юрсин,
Шундоқ бўлса, ташланади кўзга аниқроқ.

Бас, ҳалол экансиз, яна қолингиз шундоқ,
То бошқалар қаршингизда қорайиб турсин.

Р а с с о м

У ҳам, мен ҳам ҳаётимиз йўлида яккаш сизнинг ҳаё-
эҳсонингиздан баҳра тошганмиз. Буни унутмаймиз.

Т и м о н

Балли, номуслидирсиз...

Ш о и р

Келдик хизматимиз сизга таклиф эттали...

Т и м о н

Эй ҳалол бандалар! Нечук тўлай сизга ҳақ?
Сиз ҳам менга ўхшаб илди эйсизми магар?
Менга ўхшаб муздек сувни ичасизми? Йўқ.

И к к о в и

Биз сиз учун ҳар нарсага тайёрмиз, бегим.

Т и м о н

Сиз, аҳли ҳалоллар, балки эшитгандирсиз
Менда олтин борлигини, шундоқ эмасми?
Ростгўй одамларсиз, менга ростини айтинг!

Ш о и р

Шундоқ гап бор, бегим, аммо мен билан дўстим
Бу ниятда келмаганмиз ҳузурингизга.

Т и м о н

Қандай ҳалол одамларсиз, ростгўй, мусаффо!

(Рассомга)

Афинада сен ёлғонни чизишга зўрсан,
Бу борада биринчисан, ҳаммадан балаң,
Сен ёлғонни юқтирасан.

Р а с с о м

Баҳоли қудрат.

Т и м о н

Баракалла, мен ҳам шуни айтаётirman.

(Шоирга)

Сенинг тўқималарингга келганда, шоир,
Сўзим шуки, меҳр билан, назокат билан
Йўғрилгандир ёзганларинг. Ўз санъатингда
Сен самимий ва янада табиийдирсан.
Аммо, ҳалол дўстлар, сизга айтишим керак,
Сизнинг битта айбингиз бор, аммо у қадар
Хатарли ҳам эмас, уни тузатаман деб,
Заҳмат чекишга ҳам балки арзимас.

И к к о в и

Қандай?
Бизга айтинг!

Т и м о н

Йўқ, ранжийсиз, хафа бўласиз.

И к к о в и

Йўқ, миннатдор бўламиз, ҳа, айтинг...

Т и м о н

Ростдан-а?

И к к о в и

Ҳа, ишонинг, бегим!

Т и м о н

Гапнинг лўндаси шуки,
Иккинги ҳам ишонасиз муттаҳамларга,
Улар сизни алдаб, нуқул лақиллатади.

И к к о в и

Йўғ-ей, бегим, наҳотки?

Т и м о н

Ҳа, уларнинг ёлгон
Сўзларию қилиқлари сизларга аён.

Кирдикорларини эса биласиз чандон,
Аммо-лекин улар сизга суюкли, азиз;
Сиз уларни боқасиз, сиз садоқатлисиз,
Гарчанд улар ярамас ва аблаҳ бўлса ҳам.

Р а с с о м

Ундайларни мен билмайман...

Ш о и р

Мен ҳам билмайман...

Т и м о н

Қулоқ солинг, дўстлар, сизни беҳад севаман,
Олтин ҳам бераман сизга, фақат илтимос,
Ўша пасткашлардан тезроқ бўлингиз халос.
Уларни бўғизланг, осинг, сувга чўктиринг,
Ёки бошқа бир йўл билан этингиз адо,
Кейин ҳузуримга келинг. Тилло бераман,
Ҳа, жуда кўп тилло!

И к к о в и

Аммо, айтинг, ким улар?
Отларини айтинг.

Т и м о н

Агар икки томонга
Йўл олсангиз, икковингиз, ҳар бирингизга
Ишонингким, ҳамроҳ бўлуру ўша бегумон;
Айру-айру турсангиз ҳам, яна сиз билан
Ўша ўта аблаҳ бўлуру бир жону бир тан.

(Рассомга)

Ҳа, агарда сен шу ҳозир турган ерингда
Бирмас, икки ярамасни турмасин десанг,
Унга яқинлаша кўрма.

(Шоурга)

Сен ҳам шу ерда
Битта олчоқ етар десанг - уни тарк айла!
Йўқол! Даф бўл!

(Уларни уради.)

Мана сизга олтин, аблаҳлар!
Сиз мени деб анча заҳмат чеқдингизми, а?
Ҳақингизни олинг, мана! Сен, эй кимёгар,
Шу шаттаю шапалоқдан олтин ясаб ол.
Кет, искович, аянч итлар, ёвузлар! Йўқол!

(Уларни ҳайдаб ўзи форга киради.)

Флавий ва икки сенатор киришади.

Флавий

Йўқ, гаплашиш беҳудадир у билан тамом;
У ўз-ўзи билан беҳад банддир, истамас
Бошқаларни кўришни ҳам, эшитишни ҳам.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Бизни бошлайвергин унинг фorigа томон,
Унда аён бўлур нечук аҳвол, кори қол.
Биз у билан кўришиб, бир гаплашамиз, деб
Афиналикларга ваъда берганмиз.

И к к и н ч и с е н а т о р

Одам
Битта кайфиятда бўлмас, бўлур турфа қол.
Уни эгиб қўйди қайғу, алам ва даврон
Ва лекин шу билан бирга, бойликни эҳсон
Этиб, малҳам қўйди унинг ярасига ҳам.
Бошла. Гаплашиб кўрамиз.

Ф л а в и й

Мана маскани.
Унда тинчлик, соғлиқ бўлсин, илоё.- Тимон!
Тимон! Чиқиб дўстлар билан гаплаш! Чиқа қол!
Афинанинг энг атоқли сенаторлари
Ташриф буюришди шаҳар аҳли номидан,
Сенга салом бериб, сени олқишлаш учун.
Амалдорлар билан гаплаш, муҳтарам Тимон!

Тимон фогдан чиқади.

Т и м о н

Қуёш куйдириб, бир ҳовуч кул қил уларни!
(Сенаторларга)

Хўш, гапиринг, илоё, ер ютсин сенларни,
Ҳақ сўз учун тилингизга чипқонлар чиқсин,
Эриб оқсин, аммо ёлгон сўзингиз учун,
Сиз суҳбат чоғида уни ютиб юборинг.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Азиз ва муносиб Тимон...

Т и м о н

Сиздақаларга
Тимон муносибдир, сиз ҳам унга муносиб.

И к к и н ч и с е н а т о р

Тимон, сенга Афинанинг сенаторлари
Салом йўладилар дилдан.

Т и м о н

Раҳмат, ташаккур.
Иложини топсам эди, армуғон этиб
Ўлат йўллар эдим ҳозир уларга.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Унут
Гина-кудуратни, биз ҳам пушаймондамиз.
Сенаторлар меҳри-ихлос билдириб яқдил,
Афинага қайтишингни сўрашар ҳозир.
Сени кутар, юксак рутба билан шон-шуҳрат,
Улардан сен баҳраманд бўл, Афинага қайт.

И к к и н ч и с е н а т о р

Иқрордирмиз, сенинг катта хизматларингни
Унутиб, биз жуда овир янглишдик, сенат
Ўзгартирар қарорини гарчи камдан-кам,
Аммо сенинг Афинани ташлаб кетишинг
Маъносини англади у охир-оқибат;

Англадики, сенга ёрдам қўлин чўзмасдан,
Ўзини у ҳалокатга маҳкум айламиш.
Бизни вакил қилиб сенга юборди сенат,
Токи изҳор этиб чуқур афсус-надомат,
Билдирайлик сенга лойиқ мукофотни ҳам.
Мукофотки, босиб кетар ортиги билан
Чеккан аламларинг, ранжу озорларингни.
Сени кутаётир сандиқ-сандиқ ақча-пул,
Беҳад иззат-эҳтиромлар, биз ўйлаймизки,
Улар дилингдаги буткул надоматларни
Тамом ювиб ташлар, сўнгра унинг ўрнига
Муҳаббатнинг каломини ёзиб, ўқирсан -
То умринг борича.

Т и м о н

Мени мафтун этдингиз!-
Ки ҳайратлар денгизига фарқ бўлиб кетдим!
Энди ҳиммат қилиб, менга аҳмоқ қалбини
Ва хотиннинг кўзларини берсангиз эди,
Сўзингиздан йиғлар эдим, муҳтарам зотлар...

Б и р и н ч и с е н а т о р

Марҳамат қил, Афинага юргил биз билан,
Юртимизга, ўз юртингга қайтгил, сўраймиз.
Унда ҳукмдор бўл, сени қарши олишар
Ялпи шодиёна, иззат-эҳтиром билан.
Унда чексиз салтанатга соҳиб бўлурсан.
Яхши номинг бўлур яна тилларда дoston,
Фақат ўша ёвуз, қонхўр Алкивиадга,
Ёввойи тўнғизга ўхшаб ўз ватанида
Тинчлик боғин топаётган балo-офатга
Зарба берсак, бас.

И к к и н ч и с е н а т о р

У қонли шамшири билан
Афинага таҳдид солиб турибди ҳозир.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Шунинг учун, азиз Тимон...

Т и м о н

Ҳа, мен тайёрман...
Ва шундоқ бир йўл тутаман шунинг учун ҳам:
Менинг ҳамюртларимни у поймол этаркан,
Зинҳор унга бориб айтинг менинг номимдан:
Бу - Тимоннинг парвойига келмайди зарра!
Ҳа, у гўзал Афинани топтаб ўтаркан,
Соқолидан судраб азиз мўйсафидларни,
Ҳақорату маломатта кўмиб қизларни,
Машғум уруш гулханини лов-лов ёқаркан,
Зинҳор бориб айтинг унга Тимон номидан,
Мен кексаю ёшларни деб қайғу чекаман,
Аммо унга айтар сўзим бари бир ўша:
Бу- Тимоннинг парвойига келмайди зарра!
Майли, қону қабоҳатни авж олдирсин у!
Жазо учун сизда бўйин етарли экан,
Сиз уларнинг ханжарини сира ўйламанг.
Агар менга қолса, душман кўлида бўлган
Ўша жажжигина чўнтак пичоқчаси ҳам
Қимматбаҳо эрур, уни аъло санардим
Афинада энг муҳтарам бўлган бўйиндан.
Зиндончига ўфриларни тошширган каби
Худоларга тошшираман ишониб сизни.

Ф л а в и й

Мана, кўрдингизми - бари беҳуда, бекор,
Энди жўнанг.

Т и м о н

Сиз бу ёққа келмасдан олдин
Битик битдим мен ўзимнинг қабрим тошига
Эртага ўқишар уни. Энди ҳа демай,
Менинг давлат ва офият бағрида кечган
Фоний умр азобимга етар ниҳоя;
Дунёдаги ҳамма нарса кўзимга совуқ,
Боринг. Яшаб кўринг. Сизга у Алкивиада
Ўлат бўлсин, сиз ҳам унга бўлингиз ўлат.
Яшаб қололсангиз - яшанг!

Б и р и н ч и с е н а т о р

Сўзимиз - зое.

Т и м о н

Ва лекин мен севаман ўз мамлакатимни,
Ғийбатларга ишонманг, шу юртим бошига
Тушаётган чексиз офат, фалокатлардан
Хурсанд эмасман, йўқ асло.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Ҳа, бу бўлак гап.

Т и м о н

Мендан салом айтинг азиз ҳамшаҳарларга.

Б и р и н ч и с е н а т о р

О, бу сўзлар ярашади сенинг тилингда.

И к к и н ч и с е н а т о р

Қулоқларимизга кирар бу сўзлар худди
Кирган каби дарвозадан ролиб баҳодир.

Т и м о н

Мендан таъзим бўлсин ҳамма - ҳаммага. Айтинг,
Айтингизким, мен уларни қайғу, аламдан
Азоблардан, қўрқувлардан, маҳрумиятдан
Севги изтироби, оғир ҳаёт йўлида
Табиатнинг қайиқчаси дуч келадиган
Турли офатлардан ҳалос этмоқчи бўлиб,
Қарор қилдим - астойдил ёрдам бераман.
Мен уларга ўргатаман - Алкивиаднинг
Қаҳру вазабини нечук қайтармоқ лозим.

И к к и н ч и с е н а т о р

Бу маъқул гап. Ҳа, у бизга қайтар муқаррар.

Т и м о н

Форим яқинида битта катта дарахт бор,
Тез орада уни кесиб, қулатмоқчиман.

Хабар қилинг афиналик дўст-ёронларга,
Барча амалдорлар, барча тоифаларга:
Азоблардан қутулмоқчи бўлган ҳар кимса
Келаверсин, болтам уни йиқмасдан бурун,
Келиб, унга ўз-ўзини оссин! Хўп, хайр!

Ф л а в и й

Сиз Тимонни беҳудага безовта қилманг,
У илгари қандай бўлса, шундай қолади.

Т и м о н

Қадамингиз босманг энди бу ёққа, айтинг
Афиналикларга, ҳар кун денгиз мавжланиб,
Кўпикларга кўмадиган соҳилда Тимон
Ўзи учун бунёд этди мангу бир макон.
Қабримнинг тош лавҳасига битилган сўзлар
Келиб ўқинг, сизларга бир башорат бўлар...
– Тилим, аламингни тўқдинг, лол бўл умрбод.
Қабохатта даво бўлсин вабо! Одамлар
Тирик айёмида нуқул тобут яратсин,
Ўлимни бир мукофотдек кутишсин улар.
Қуёш, қорайиб бот, етар, нур сочма энди,
Менинг умр карвоним ҳам манзилга етди.

(Форга кириб кетади.)

Б и р и н ч и с е н а т о р

Ҳайҳот, унинг юрагидан айрилмас алам.

И к к и н ч и с е н а т о р

Барбод бўлди унга тиккан умидимиз ҳам.
Энди изга қайтайлик ва кўрайлик қандоқ
Чора-тадбир ҳалокатнинг олдини олар.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Ҳа, тезроқ борайлик, энди кечикиб бўлмас.

Кетишади.

Иккинчи саҳна

Афина деворлари ёнида. Икки сенатор ва чопар киради.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Қандай офат! Ҳа, ростдан ҳам унинг қўшини
Жуда кўпми, нима дединг?

Ч о п а р

Беҳад-беҳисоб.
Шитоб билан юришмоқда, улар ҳадемай
Етиб келишади.

И к к и н ч и с е н а т о р

Бизни ўлим кутади,
Чорасини қилиб, қайтармасак Тимонни.

Ч о п а р

Мен уларнинг чопарини йўлда учратдим.
У қадрдон дўстим, гарчи икки тарафмиз,
Аммо дўстлик баланд келиб душманчиликдан,
Биз гаплашиб қолдик пича. Уни юбормиш
Алқивиад мактуб ила Тимон ёнига.
У мактуб-ла Афинага қарши юришда
Тимоннинг ҳам қўшилишин сўрар, негаким
Бу юришга сабабчидир бир қадар Тимон.

Тимон оддига борган сенаторлар киришади.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Мана - дўстларимиз.

У ч и н ч и с е н а т о р

Энди Тимон ҳақида
Сўз бўлиши мумкин эмас; ҳаммаси тамом!
Эшитилиб қолди душман ноғоралари,
Қўшинларнинг шитоб билан йўл босишидан
Устун бўлиб кўтарилар кўкка чанг-тўзон.
Қани, тезроқ. Қаршиласин ёвни зарбамиз!
Ёв енгади, қўрқаманкеш марлуб бўламиз.

Кетишади.

Учинчи саҳна

Ўрмон. Тимон ғори. Ундан сал нарида қабр тоши кўзга
чалиниб туради. Жангчи киради, у Тимонни излайди.

Ж а н г ч и

Кўринишдан шу жойдир мен излаган гўша, -
Ким бор бунда? Жавоб бер! Эй!.. Кўринмас биров.
Ҳой, нима бу? Магар вафот этмишми Тимон?
Шундай, бирор йиртқич уни чавақлаб кетган.
Шубҳасиз у ўлган, мана, қаршимда қабри.
Ёзуви бор, аммо, афсус ўқий олмайман.
Ва лекин мум босиб, ундан нусха олсам-чи?
Саркардамиз ёзувларни ўқишга моҳир,
Гарчи кекса бўлмаса-да, тажрибаси зўр.
Афинани қамал қилиб олгандир энди,
Уни тоштаб, вайрон этиш нияти эди.

(Кетагу.)

Тўртинчи саҳна

Афина деворлари олдида карнайлар чалинади. Алкивиад
билан қўшин киради.

А л к и в и а д

Карнайларни чалиит, биздан хабардор қилинг
Разолатли Афинани!

Афинада ҳам музокаралар учун карнайлар чалинади.

Девор устига сенаторлар чиқишади.

Шу чоққача сиз

Ҳукм юритдингиз жабру истибдод билан,
Адолат мезони билиб иродангизни.

Шу чоққача мен ва менга ўхшаш кимсалар

Давлатингиз соясида саргардон бўлиб,
Ё қўл қовуштириб, сизга дардимиз айтдик.

Аммо фурсат келди, энди кечаги абгор

Кучга кириб, қичқиради сизга: "Бас! Етар!"

Боягина сиз ўлтирган юмшоқ курсига
Шўрлик жафокаш ўлтириб, тин олар энди.
Сизга, ҳамёни қашайган ярамасларга
Қочиш, қўрқувдан бўғилиб, жон бериш қолди.

Б и р и н ч и с е н а т о р

О, навқирон саркарда, сен ҳали интиқом
Режасини хаёлингда тузар экансан,
Ҳали қасос учун тайин кучинг йўқ маҳал
Ҳузурингга бордик сенинг кўнглинг олгали,
Қаҳр-ғазабингга малҳам қўймоқчи бўлдик,
Нонкўрлигимизнинг оғир асоратини
Иzzат-эҳтиром-ла тамом ювмоқчи бўлдик.

И к к и н ч и с е н а т о р

Биз ҳаракат қилдик яна баҳоли қудрат
Тимонни Афина билан яраштиргали.
Узр сўраб, ҳузурига вакил юбордик.
Бошимизни эгиб, қанча ваъдалар бердик.
Бошдан-охир ҳаммамизни нонкўрсиз, дема,
Ва даҳшатли жазога ҳам лойиқмас ҳамма.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Шу азамат деворларни бунёд этганлар
Сенга зарра ранжу алам етказмаган-ку.
Аламни қўй, йиқиб девор, минораларни,
Мактабларни бузишингга арзимади у.

И к к и н ч и с е н а т о р

Сени қувғии қилганлар ҳам қучдилар ўлим!
Қилмишлари маломати туфайли яксар
Юраклари тилкаланди. Шавкатли сардор,
Шаҳарга кир ҳилпиратиб байроқларингни,
Магар интиқомга жуда ташна экансан,
Табиатнинг низомига хилоф бўлса ҳам,
Майли, ўлдири аҳолининг ўндан бирини,
Чек ташлайлик, ҳар ўнтадан биттасини сен
Қатл айла.

Б и р и н ч и с е н а т о р

Ахир, айбдор эмас-ку барча,
Гуноҳсизлар жавоб бермас гуноҳкор учун.
Сен билишинг керак, ахир, қилмиш-қидирмиш
Авлоддан-авлодга ўтмас молу мулк бўлиб.
Хуллас, шонли ҳамшаҳримиз, қўшинларингни
Шаҳарга бошлаб кир, аммо қаҳру назабинг
Ташқарида қолсин. Ахир, Она Афина
Ўсиб-унган бешигингдир, унга шафқат қил.
Гуноҳкорлар қаторида ўлдираверма
Шўрлик гуноҳсизларни ҳам, раҳм қил, ая!
Тажрибали бир чўпондек, пода ичидан
Касалмандларини бир-бир тутиб, танлаб ол.
Ҳаммани ўлдирма.

И к к и н ч и с е н а т о р

Сен бир табассум билан
Эришасан ниятинга, бас, қилич сирмаб,
Йўл очишга не ҳожат?

Б и р и н ч и с е н а т о р

Шу дарвозаларни
Оёинг-ла бир итарсанг, кифоя, улар
Рўпарангда ланг очилар, фақат шаҳарга
Бир дўст каби, хайрли бир ният билан кир.

И к к и н ч и с е н а т о р

Бизга қўлқоп ё бошқа бир' нарсангни ташла -'
Гаров қилиб, бизни ҳалок этмоққа эмас,
Интиқомга келганингни билдирмоқ учун.
Қўшинларинг кирсин, турсин шаҳримизда то -
Барча тилакларинг буткул бўлгунча бажо.

А л к и в и а д

Майли, шундоқ бўлсин! Мана, қўлқопни олинг.
Пастга тушиб, очинг барча дарвозаларни.
Менинг ва Тимоннинг жумла душманларидан
Кимни жазога лойиқ деб билар экансиз,

Буюринг, биз жазолаймиз ёлғиз ўшани.
Ниятимнинг поклигига ишонинг тамом,
Бирор аскар ўз ўрнини тарк этиб зарра,
Афинанинг тинчлигига дахл этолмас;
Ким буйруқни бузар экан, қонун олдида
Масъул бўлиб жавоб берар, қасам ичаман.

И к к а л а с е н а т о р

Олийжаноб сўзлар.

А л к и в и а д

Очинг дарвозаларни.

Жангчи киради.

Ж а н г ч и

Шавкатли сардорим! Вафот айламиш Тимон
Ва у денгиз ёқасида дафн этилган,
Қабрининг тошига неча сўзлар битилган.
Ўша ёзувлардан нусха кўчирдим мумга,
Мен авом учун ҳам улар сўзласин сенга.

А л к и в и а д

(Ўқийди.)

"Бунда аянч бир тан ётар, аянч жондан бўлиб жудо,
Кимлигимни суриштирманг. Бошингизга ёгсин вабо!
Бунда ўзни дафн этмиш тарки дунё этган Тимон,
Ўтаркансиз, лаънат ўқиб, йўлингизга 'бўлинг равон'...
Менга аён энди, эвоҳ, нималар ўйлаб,
Нималарни ҳис этгансан ўлим олдида
Гарчи инсонларнинг қайғу-аламларига
Нафрат билан боқар эдинг, фикр оқими
Ва кўз ёши қатрасини этмасдинг писанд,
Аммо комил ақлинг сени йўлга бошламиш,
Сен шу йўлдан бориб, маъзур қилмишинг учун
Сув Тангриси - Нептунни ҳам қабринг бошида
Кеча-кундуз йиғламоққа этибсан мажбур.
Орамиздан кетдинг, азиз, мўътабар Тимон,

Ҳали хотирангни эсга олармиз чандон.
Қани она шаҳримизга бошлаб киринг, мен
Қиличимни қўшай зайтун бутоғи билан.
Уруш тинчлик келтирсин ва тинчлик ҳар нафас
Урушларни бўйсундириб, бўлсин муқаддас.
Уруш-тинчлик бир-бирини даволасин, бас,
Довул қоқинг!..

Кетишади.



МУНДАРИЖА

Иброҳим Ҳаққул. Шекспир машғали	5
Қирол Лир	39
Ҳамлет	207
Макбет	383
Афиналик Тимон	491

Адабий-бадиий нашр

ВИЛЬЯМ ШЕКСПИР

САЙЛАНМА

Уч жилдлик

Биринчи жилд

**Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири
Жамол Камол таржимаси**

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти
илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган**

**Техник муҳаррир:
Мадина Абидова**

**Саҳифаловчи:
Сирдарёхон Ўтанова**

**Нашриёт рақами: №-807
Босишга рухсат этилди: 14.11.2007 йил.
Босмахонага топширилди: 16.11.2007 йил.
Бичими: 60x84 / Ҳисоб-нашриёт табоғи: 28
Босма табоғи: 38.5. Адади: 1000 нусха.
66-буюртма.**

Баҳоси келишилган нарҳда.

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«ФАН» нашриёти: 100170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.**

**«Нур полиграф» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., 3. Қобулов кўчаси, 19-уй.**